



Шарқ Юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

9 '1991

60-йил чиқиши

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(*бош муҳаррир ўринбосари*)
Мурод МУҲАММАД ДУСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(*масъул котиб*)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ



ТАБАРРУК ТОПИЛМА



| | |
|---|--|
| <p>بزرگک قریاشده فزانت کون اولوب شپه ا ساجیک قراشمن رشام باشیه اسوده ا بروکوز کولاره ان جلوه کر قلیب عدا صلاي مشتین ایتب آفرنش اچره خدا قلیب آیتنی ظلم و جولو بسلر ادا کر تیغ فیرت اولوب انکا تشش فرزند ا کور که ایلا کاسپین تیغنی قطع و جانی خدا</p> | <p>نه خیلور جریک قریاش کپی سید ا یزد و کس فیاس ان ارمج هیلو بچسره و پنا فدر مستونکسا و جرن ایلا بان خط هر نی پر جلوه ایلا دی اول جسن ایستایان عاشق بری قبول ایلا عالی سانه کور کرسین دیلای کرسین اوزی مشرق اولوب اوزی نوان اولادی توحید کفنت و کور بسلر نم</p> |
| <p>نی سینی طمانم اصلنی توفور و سپر سهیلی و صول نکر یکک ایلا و صاییک اولدی تول سین ایلا دینک حلقه ندم بره عیبتی سپهر اطلسی بن سالیان سواذ حسنی ساچار فذ انی سین ایتیک انکام بره طلی صلاي مشتینک ایلا اصل بره اچسره حطلا</p> | <p>سلنه امریکانما سوریتی طارم اصلی خیل بکر یکک اولغانن چاینگک ایتی تنه خیال بکر لارین جلوه کر یکک اسکالی بریان عیاه تینگ فذ یاگی ای بولوب نم اولدی چرکسینه بن اولدی قریاشن جوسی ادا تولا اتون دیلای کور کور یکک اچسره خاقانه اچسره سیاه</p> |



* * *

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо.

Юзунг зиёсидин ар субҳ айни ичра баёз,
Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо.

Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазохирни,
Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо.

Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салойи ишқин этиб офариниш ичра нидо.

Бири қабул эта олмай ани магарким, мен
Қилиб отимни зулуму жаҳул бирла адо.

Демайки мен ўзи маъшук ўлуб, ўзи ошиқ —
Ки, тиғи ғайрат ўлуб анга нақш ғайри зудо.

Навоий ўлмади тавҳид гуфтуғў била фаҳм,
Магарки айлагасен тилни қатъу жонни фидо.

* * *

Илоҳи, амрингга маъмур етти торами аъло,
Не етти торами аъло, тўқуз сипеҳри муалло.

Жамил зикрлик ўлғон жамолинг этти таманно,
Вусул фикрлик элга висолинг ўлди тавалло.

Хаёл бикрларин жилвагарлик этгали ҳар ён,
Сен айладинг ҳулла дурри назм бирла мужалло.

Ибодатингга янги ой бўлуб хам ўлди мусалли,
Сипеҳр атласидин солибон ҳавоға мусалло.

Чу сандин ўлди қуёш панжаси аро тўла олтун,
Сочарға дағи сен эттинг анга карам яди туло.

Демакка зикринг эрур, хонақоҳ ичинда ҳаё-ҳўй,
Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра алоло.

Навоий, аҳли жунун зумрасиға кирди, илоҳи,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анга Лайло.

* * *

Зиҳи, эл ниҳони санга ошкоро,
Ниҳон дардима ошкоро эт мадоро.

Не дардингни кўнглумда асрарға тоқат,
Не сиррингни оғзимға олмоққа, ёро.

Хаёлингға савдо пишурганда айлаб,
Димоғимни ошуфта ул мушксоро.

Фироқинг аро жон талошурда, ё ғайб,
Ҳам ул ғам тоғидан бошим узра хоро.

Тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум,
Буто, чобуко, маҳвашо, гулузоро.

Қаронғудурур олам оҳим тунидин,
Қуёш янглиғ оч ораз олам аро.

Навоийға жон ошкору ниҳон сен,
Зиҳи, эл ниҳони санга ошкоро.

Алишер Навоийнинг мазкур девонидан ғазаллар билан яна 157—158 саҳифаларда та-
нишасиз.

Зиҳи, буроқинг изи маҳру сайри барқосо,
Бу барқ сайри била пўяси фалак фарсо.

Бурун қадам бу макондин чу ломакон кўйди,
Не навъ дейки, анинг коми эрди гардунсо.

Висол субҳиву сен йўк ўруж оқшомиким,
Сабоҳдек эди ул барқ нури бирла масо.

Кўлин бу барқ ёрутти, дамин бу ел очди,
Агар сипеҳр уза Мусо эдию гар Исо.

Чу қолди сайрида руҳ ул-амин, не тонг, ул ҳам
Гар ўлмади сафарингнинг-ниҳоятига расо.

Малоик ўлмадилар ул ҳарам аро маҳрам,
Рижол хилвати даврида ул сифатки нисо.

Навоий асру бузулмиш, боқиб иноят ила
Анинг бузуғлуғини бир кўз учи бирла ясо.

Таниқли навоийшунос олима Сўйима Ғаниева билан суҳбат

— Опа, Навоий йили халқимиз учун, шеърят мухлислари учун ғоятда қимматли бўлган янгилик билан бошланди: йил бошида улғу бобомизнинг ўз қўли билан битилган муборак дастхатини кўзимиз қилган кўришга муяссар бўлдик. Бу улкан маърифий-тарихий воқеа Сизнинг тиришқоқлигингиз, тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз тўғрисида рўй берди. Табаррук дастхатнинг топилгани ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз...

— Бу ўринда мен 1979 йил Андижонда ўтказилган навоийшунос олимларнинг Навоийга бағишланган 23-илмий-анъанавий конференциясини эслаб ўтишим керак. Ушанда, йиғилишларнинг бирида навоийшунос олим Б. Валихўжаев илк бор Техрондаги кутубхоналарнинг бирида ҳазрат ўз қўллари билан битган девоннинг қоралама нусхаси бор эканлигини хабар қилган эди. Б. Валихўжаев кейинроқ академик В. Абдуллаев билан биргаликда ёзган мақолаларида бу маълумотни қайси манбага асосланиб эълон қилаётганини ҳам ёритди. Маълум бўлишича, Москвадаги кўргазмаларнинг бирида Эрон кутубхоналарида сақланаётган қадимий қўлёзмалар каталоги — «Феҳраст» (Техронда нашр қилинган) намойишга қўйилган бўлиб, унда Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган девон ҳам тилга олинган экан. Лекин, бу маълумотдан хабар берган олимлар «Феҳраст»ни ўзлари кўрмаган эдилар. Мен 1979 йилнинг декабрь ойида Москвага қилган сафарим мобайнида мазкур каталог билан танишиб чиқишга муваффақ бўлдим ва Навоий дастхатидан берилган намуна саҳифасининг аксини олиб қайтдим. Ҳазрат дастхатидан намуна юртимизда биринчи марта 1980 йил 8 февралда профессор Абдуқодир Ҳайитметов билан ёзилган мақолаамизга илова сифатида ёритилди.

— Орадан ўн йил ўтди...

— Ҳа. Орадан ўн йил ўтиб, мен 1990 йилнинг декабрь ойида Техронда ўтказилган улғу «Шоҳнома» асарининг минг йиллик тўйи тантаналарида қатнашишга муяссар бўлдим. Бу улкан анжуманга жаҳоннинг турли мамлакатларидан шарқшунос, адабиётшунос, тарихшунос, эроншунос олимлар, жамоат арбоблари иштирок қилишди. Мен конгресс тугагач, яна бир ҳафта Техронда қолиб, «Созмони мероси фарҳанги Эрон» илмий муассасига қарашли «Кохи Гулистон» номли музей фондига Навоий девони билан танишиш ва унинг микрофильмини олиш учун буюртма беришга эришдим. Бу жараёнлардаги ишларимнинг олға силжишида Эрон давлат арбобларидан тортиб, олимлар, Фирдавсий конгрессига мутасадди шахслар менга мададкор бўлдилар. Албатта, Навоий дастхати сақланган девон микрофильмининг Тошкентга етиб келиши ҳам осонликча бўлмади. Кўпчилик бўлиб қилган саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимиз ноёб бир бойликка — Ҳазрат Навоийнинг ўз қўли билан кўчирилган девон микрофильмига эга бўлдик.

— Шундай қилиб, 1990 йилнинг 7 июнь кўни жумҳуриятимиз адабий жамоатчилиги тарихида муҳим воқеа рўй берди: дастхат микрофильми жамоатчиликка топширилди.

— Ҳа. Шу йилнинг 7 июнь кўни, Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистон— Эрон» дўстлик жамияти очилиши маросимида Эрон Ислоҳ Республикасининг СССРдаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси жаноб Неъматулло Изадий бу микрофильмни ўзбекистонлик олимларга топширди.

— Ҳазратнинг дастхати сақланган девоннинг ҳажми, ундаги ғазаллар сони ҳақида маълумот берсангиз!

— Девон икки юз етмиш тўрт саҳифадан иборат бўлиб, унда Навоий ўзининг 416 та ғазалига тартиб берган. Шарқда девон тузиб, ғазалларга тартиб беришнинг қоидалари шеърят мухлисларига маълум: ғазаллар байтнинг энг охири ҳарфига кўра жойлаштирилади. Мазкур қўлёзма эса ҳазратнинг иккинчи расмий девони «Наводир ун-ниҳоя»

* * *
Бедилинг хайли русули сенсен аларға дилрабо,
Ё набий руҳи фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо.

Гоҳи давлатлиғ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,
Гаҳ фалакрав маркабингға етмайин пайки сабо.

Шоми васлинг топмағанға субҳи содиқ ҳар саҳар,
Панжаи хуршид ила пироханин айлар қабо.

Туфроқ ўлмишмен қўяй деб остонбўсунгға юз,
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.

Шери гардун ул кишига бўйин боғлиғ бўлғай ит,
Ким, эшикинг итларин топқай ўзига ақрабо.

Бўлмағай эрди муяссар «Хамса», яъни, «Панж ганж»,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш олий абао.

Эй Навоий, чораи дардингни қилғай, улки бор,
Ҳам расулу, ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.

нинг бошланғич, нотаом нухаси бўлиб, бу қораламада Навоий «алиф»дан «гоф» ҳарфи-гача бўлган ғазалларини тартиблаштирган.

— Демак, бу қўлёзмани, Навоий котибга топшириш олдидан ўзи кўчириб, таҳрир қилган нухса, деб фараз қилишимиз мумкин экан. Сўйима опа, кечирасиз, мана шу қўлёзма айнан Навоийнинг ўз дастхати, деб ҳукм чиқариш учун қандай далил-исботлар бор!

— Бу тўғри савол. Эрон сафаридан қайтиб келганимдан сўнг мен матбуотда (бир неча бор!) чиқиш қилиб, бу ҳақда ахборот берганман. Лекин, ҳар бир нашрнинг ўз муштарийлари, мухлислари борлиги боис, баъзилар учун такрор кўринса ҳам, шу ўринда таважжуҳли маълумотлар келтиришга бурчлиман. Қаранг (Опа менга фотонусхада тасвирланган титул варағини кўрсатади— М. А), дастхатнинг биринчи саҳифасида шу ёзувларни ўқиймиз:

**«Зиё ал-ҳақ ва-д дунё ва-д дин,
Бериб иккинчи девонимға тазйин,
Савод узра савод ар қилди мастур,
Вале маънидадур нур ало нур.**

Катабаҳу ал-абд ал-фақир Алишер ал-машҳур бин-Навоий (яъни, ҳақ дунё ва диннинг нури иккинчи девонимни безадди. Гарчи қоралама устига қоралама ёзилган эса-да, маъносидаги нур устига нур бўлди. Битувчи банда ва фақир Навоий номи билан машҳур Алишердир.) Шу эътироф хатининг тепасида Навоийнинг муҳри ҳам босилган бўлиб, муҳрда «Кун... фи-д дунё к-ал ғариб-ал фақир Алишер» деб ёзилган. Нуқталар ўрнида келган муҳрдаги сўзни ўқишга муяссар бўлолмадик. Менинг айнан шу сўзни ўқиш учун қийналаётганимни кўрган «Кохи Гулистон» музейи мутасаддилари бу ерда сақланаётган барча китоблардаги муҳрлар тавсифи берилган альбомни келтиришди. Қарангки, бу альбомда ҳам шу муҳрдаги каломлар ўқилганда ўша сўз ўрнига уч нуқта қўйиб кетишган экан, ўқишга қийналишган-да. «Феҳраст»даги тавсифни қараганимизда шу ўринда «оша» сўзи ёзилган. Шунга кўра биз, Навоий муҳридаги иборани тахминан «Дунёда фақир ва ғариб Алишердек ҳаёт кечиргил», деб таржима қилдик. Мана қаранг, худди шу саҳифанинг ўзида Мирзо Маҳдийхон Астрободий (Навоий асарлари луғати бўлмиш машҳур «Санглоҳ»нинг муаллифи)нинг ҳам муҳри ва шундай эътирофи бор: «Хат ва муҳри шариф ҳазрати Навоий алайҳа ар-раҳма аст» (яъни, хат ва шарофатли муҳр ҳазрат Навоийникидир, унга оллоҳнинг раҳмати бўлсин).

— Узр, опа, саҳифада бошқа яна бир неча муҳрлар тасвири, ҳошия битиклари бор.

— Бу муҳрлар ва ҳошиядаги ёзувлар Навоий дастхатининг «Созмони мероси фарҳанги Эрон» китобхонасига келгунга қадар тарихини ёритади. Бу энди алоҳида бир суҳбатнинг, янги тадқиқодларнинг мавзуи...


— Асл нухсанинг ҳозир сақланаётган жойи қаерда дедингиз!

— Юқорида айтиб ўтилган илмий муассасанинг «Кохи Гулистон» музейи фондида.

— Сўнги, ҳаммани қизиқтираётган савол: ушбу дастхат микрофильмини китоб шаклида чоп этиш ҳаракатлари бошландими! Навоий фарзандлари— халқимиз учун табаррук бўлиб қолувчи бу китоб қачон қўлимизга тегади!

— Қувонтириб айтаманки, бундай ҳаракат бошланган, яқин ойлар ичида — ҳазрат Навоийнинг сентябрда ўтказиладиган улкан маъракаси арафасида, бу қўлёзма китоб шаклида ўқувчилар қўлига етиб боради, деган умиддамиз.

Музаффар АҲМЕДОВ суҳбатлашди



Менгзиё Сафаров

ДАРЁ—ҲАЁТ, МАНГУЛИК

(Ен дафтардан)

Шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Жамоа хўжалик ҳисоботи бораяпти. Раис ношуд, боз устига ўзини ортиқча гап-сўзлардан олиб қочиб юрадиган қўрқоқ раҳбар эди. Ўзи туғилиб ўсган узоқ қишлоқ аҳли таъналарини бошини ҳам қилиб эшитиб ўтирибди: «Ҳой, ноинсоф раис, ақалли қишлоғингдаги кекса тутга ин қурган лайлақдан ўрнак олсанг бўлмайdimи? Қўш бўлса ҳам ҳар йили канда қилмай, адашмай-нетмай Ҳиндистондек узоқ элдан учиб келиб, ўзи туғилиб, тетапоя бўлган уясининг ҳолидан хабар олади, зиёрат қилади. Ахир сен одамсан-ку, наҳотки қушчалик бўлмасанг!..»

Ушанда аламзада чолнинг гапидан кулган эдим. Кейин эса кўп йиллар ўйлантириб юрди. Лайлақ табиатнинг ёзилмаган қонунлари измида. Инсон-чи? Аслида у ҳам. Аммо тан олгиси келмайди, баъзида истиҳола қилади. Ўзига кўп бино қўйиб юборган одам руҳан қашшоқлашганини илғамай қолади. Эзгулик, маънавий қадриятлар баракаси учган, путури кетган қалбда ҳамиша жаҳолат уя қуради. Замон ва замин, одамлар ва ҳаёт изми кўп ҳолларда ана шундай кимсалар кўлида бўлгани тараққиётга озмунча зил етказмайди.

Табиатнинг битта қонунини ҳеч қачон унутмаслик керак. У ўзининг ақл-зако, фаҳм-фаросат ато этган фарзанди — инсондан ҳамиша мурувват кутади. Акс ҳолда ношукур бандасига жазоси ҳамиша тайёр. Чунки табиатда ҳеч қачон бўшлик бўлмайди. Газлидаги зилзила бунга мисол. Маъданшунослар харитасида бу ерлар сейсмик туман ҳисобланмас экан. Замин қаъридаги газни ўн йиллар зўр бериб сўриб олишди. Эвазига ҳеч вақо беришмади. Табиат эса ер кавакларини осонгина, бир силкиниш билан текислади-қўйди. Орол денгизи тортилди. Тузли қум-бўронлар ям-яшил ҳосилдор воҳаларга хуруж бошлади. Ҳаммасининг ҳисоб-китоби бор. Буни тан олмаганлар тангри ва она табиатнинг бемурувват, калтабин мўминларидир. «Қуръон»нинг «Юнус» сурасидаги қуйидаги сўзлар ҳам беҳудага битилмаган бўлса керак: «Дарҳақиқат, бу ҳаёти-дунёнинг мисоли худди бир сувга ўхшайдики, Биз уни осмондан ёғдирсак, бас, одамзод ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат бўлган ер набототи у билан (ёғин билан) аралашиб, ҳатто ер чирой очиб, ясан-тусан қилганида ва ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратли-миз деб ўйлай бошлаганида, ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё кун-кеча обод бўлмагандек, вайронага айлантириб қўюрмиз. Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз. Оллоҳ тинчлик диёри — жаннатга даъват қилур ва Ўзи хоҳлаган зотларни тўғри йўлга ҳидоят қилур. Чиройли амал қилган зотлар учун (бу дунё ва охирада) гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир».

Инсон табиати «лойи»ни она табиат мўрт қилиб қорган. Унинг табиатида ҳеч қачон бўш жой бўлмайди. Умид-орзулар сўнса — ўрнини умидсизлик, ҳафсаласизлик эгаллайди; муқаддас маслаклар таназзулга юз тутса — ўрнини ҳиссизлик ва лоқайдлик забт

этади; яқин одамларингга, ҳаётга меҳринг совиса — аянч хорлик шу заҳоти эшик қоқад; ўлимни кўп ўйласанг — ёш бўлсанг-да, кексалик сенга сирдош, ҳамроҳ бўлади. Ҳаётни севиб, умидвор яшаш — умрни ҳамиша безайдиган буюк хислатдир.

Қуш қаноти билан тирик ва гўзал бўлгани каби ҳар бир миллатнинг қўш қаноти — табиати ва тарихидир. Булар таҳқирланса, менсинилмаса эл-элат беқадр, беписанд, беғурур, бевурд бўлади ва моддият, маънавият илдизлари пўтурдан кетади.

Аввало, она табиат нидосига қулоқ тутайлик. Элнинг жамики улуғворлиги, бойлиги, мероси, жасурлиги, тантилиги, саховати, закийлиги ёлғиз у туфайлидир.

* * *

Неки азиз, неки суюкли, неки ардоқли нарса бўлмасин табиатдаги барқарор, ҳокисор, аммо донолик барқ этиб тургувчи, изтироб ва армон уйғотувчи, рўшноликка, эзуликка ҳамроҳ қилгувчи ақидаларга менгзатилади. Ана шуларнинг аввал ибтидоси — дарёдир.

Дарёлар — тирикликнинг бош мезони, андозаси. Дунёга бир бор келиб кетгувчи инсон ҳаётини дарёга ўхшатамиз: умр — оқар дарё. Энг диловор, безавол — болалик, туйғулар жўш урган — ёшлик, эҳтирослар сармаст этган — йигитлик, осуда ҳаёл ва турмуш ташвишлари ин қура бошлаган — балоғат йилларини дарёларнинг мароми билан ўлчаймиз.

Дарё соҳилларида ўтириб, унинг азалий ва мавжли долғаларига тикилиб ўйларга чўмарканмиз, ҳеч кимга ва ҳеч қачон айтолмайдиган дил рози, изтиробларимизни у билан баҳам кўрамиз. Унинг эркин, хотиржин ва бепарво эпкиннида қалбга яқин қадрдон манзараларни учратамиз. Шунда жунбишга келиб, таранг тортилган асабларимиз мўъжизакор табиб афсунидан шифо топгандек ором олади.

Биз сувдан чиққанмиз ва яна сувга қайтамиз, деган қадимий юнон нақли бор. Аслида ҳам шундай. Одам танасининг етмиш фоизини сув ташкил этади. Демак, суякларимиз, мушакларимиз, жамики аъзоларимиз сувда сузиб юради. Қолаверса, ҳар бир инсон ўзича бир дарё. Аммо тақдир-қисмат деган бир балои азим унинг чинакамига кўпириб, жўшиб оқишига кўп тўғаноқ бўлади.

Воҳамиз ҳам бундан миллион йиллар бурун сув тагида бўлган. Боботоғнинг энг юксак чўққиси Заркосада бир этак денгиз чиғаноқларини ҳайрат билан терганимда бунга ишонганман. Ернинг ички қобиғи ўзгариши натижасида денгиз ўз изидан улкан пиллапоярлар қолдириб чекинган. Боботоғ пойидаги Қизил, унга тиркалган адирликлар; Чумчиқлисой сакратмаси ана шундай пиллапоярлардан. Миллион йиллар бурунги ўша жаҳон баҳридан Аму, Орол ва Каспий денгизлари улгу бўлиб турибди. Таассуфки, Сир, Аму ва Оролнинг тақдири аён бўлиб қолди. Юз минглаб йиллар давомида шарқираб оққан, шовқини, мавқеи оламни тутган бу ҳавзалар одамзоднинг нафсий важоҳати домига дош беролмади: атиги ярим аср мобайнида ингичка тортиб, ҳалокат чоҳларини қоралаб қолишди.

Сурхон воҳасининг шимоли-ғарбида бир ғаройиб олам бор. Уни Ҳисор-Бойсун тоғ силсиласи дейишади. Майдони 5913 квадрат километрни ёки вилоят мавқининг 27,3 фоизини ишғол этади. Бу Андижон вилоятидан бир ярим баравар катта майдондир. Темурийлар замонасида бу ўлка Фон, манғитлар даврида Кўҳистон деб аталарди.

Ундаги мангу музликлар, тармалар йил ўн икки ой эримай ётади. Сурхон воҳасининг ҳаёт қон томирлари — Тўполанг, Қоратоғ, Сангардак, Хўжаипок, Шеробод дарёлари ана шу қорликлардан бошланади. Мингларча сойлар, жилғалар, чашма ва булоқларни ўз қанотига олиб юзларча қақирим тош-метин босиб, воҳа текисликларига оқади.

Тоғли ўлка қадимдан инсон севиб, ардоқланган масканлардан бири. Сангардак дарёси ўзанида жойлашган қадимий манзилгоҳлар изи бунга гувоҳ. Келгинди ёвлар ғайрини оширган, сайёҳлар завқини тоширган бир диёр. Умри шу тоғларда кечиб, отабоболарининг удумларини ҳамиша эъзозлаб келаётган қариялар ғаройиб афсона, ривоят ва воқеаларни ҳикоя қилишади. Узоқ йили Сангардак адоғидаги Чанглоқ қишлоғига сел келиб, жуда эски бир қабристонни ювиб кетди. Қишлоқнинг юз ёшли табаррук казо-казолари ҳам бу ерда қабристон бўлганидан беҳабар эканликларини эътироф этишди.

* * *

Дастлаб ерни сув босди. Ер қобиғидаги силжишлар, ўзгаришлар натижасида қуруқликлар ҳосил бўлиб, унда илк бор кўкатлар, дарахтлар, сўнгра эса жониворлар: дарранда, парранда ва газандалар пайдо бўлди.

Миллион йиллар бурун бутун ер шарни олимлар таъбири билан айтганда, ТЭТС — тириклик белбоғи билан ўраб олинган. У Ўрта Ер денгизи, Марказий Осиё ва Марказий Америкагача ястанган. Юртимиз ҳам ана шу тириклик камарининг бир инжуси бўлиб, унда илк бор ҳаёт қулф урган.

Машҳур совет биолог олими И. Васильченко кўп йиллар Сангардак ва Тўполанг

ҳавзаларини кезиб қадимий замонларга оид ғоят ноёб табиат улгулари — обидаларни излаб топди. Эндиликда бу кашфиётлар фан мулкига айланди. Бу тоғларда дунё аҳамиятига эга нодир ва антиқа дарахтлар: ёввойи анжир, анор, узум, хурмо, чинор, дарахт-симон юлғунлар ўсади. Киштут дарёси Тўполангга қуйилган жойдан бир чақирим қуйида машҳур Жангалактўқай бор. Ҳанузгача миллион-миллион йиллар бурун ер юзидан йўқолиб кетган ёввойи чинор, дўлананинг антиқа турлари, Ҳисор узуми, бошқа ерларда учрамайдиган синч дарахтлари; Ганашсой, Орқар, Боғча, Даҳанадаги дарахт-симон юлғунзорлар; ёввойи нок, олма, хурмо, шумтоллар табиат мўъжизасидир. Ўсимликлар дунёсининг бу хил антиқа нусхаларини ер юзининг бошқа минтақаларидан топиш амри-маҳол. Тоғлардаги доривор, шифобахш гиёҳлар, илдизмевали ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар; Айғиркўл, Тўполанг ва Сангардак дарёларидаги гулмойи, ширмойи балиқлар ҳам эл-юртнинг бебаҳо бойлиги. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Қизил китобига киритилган.

Ёнғоқ дарахтининг асл ватани ҳақидаги мунозара ҳалигача бир ёқлама ҳал этилгани йўқ. Аммо шунини маълумки, уни Искандар Зулқарнайн босқинчилиги даврларида юнонлар ўз ватанларига олиб кетишган. Оврўпаликлар эса ёнғоқни илк бор Юнонистонда кўриб, уни «грек ёнғоғи» деб аташган. Юртимиз боғларида шундай бобокалон ёнғоқлар борки, кўриб ҳайратга тушасиз. Ана шундай пурҳикмат ёнғоқ дарахти Бой-сунтоғдаги Назарий қишлоғида Соҳиб бобо томорқасида ўсмоқда. У ҳар йили бир туп ёнғоқдан ўртача 20—30 қоп ҳосил олади.

Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида марказий ва айниқса маҳаллий матбуот саҳифаларида халқнинг бебаҳо мулки бўлмиш табиат бойликларини асраш, тоғ табиати, ҳайвонот ва наботот олами муҳофазаси, дарёларимиз ҳавзаларига хос манзараларни эҳтиётлаб тоза сақлаш юзасидан кўплаб мақолалар эълон қилинди. Буларда табиатнинг ўзи минглаб йиллар асраган ноёб обидаларни ҳимоя қилиш, Тўполанг ва Сангардак тоғларида қўриқхона ташкил этиш, табиат гўзалликлари, бойликларини келажак авлодларга бус-бутун қолдириш ҳақида куюнчаклик билан баҳслар юритилди. Аммо бу истак ва мулоҳазалардан тайинли иш чиқмади. Маҳаллий мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислари бу долзарб муаммоларга етарлича эътибор беришмади. Аксинча, тоғ этакларида деҳқончилик ва чорвачиликка яроқли ерларга кенг кўламда ҳуржлар бошланди: янги давлат хўжаликлари, бўлимлар, дам олиш зоналари, йўллар ва ҳатто каналлар вужудга келди.

* * *

Тўполанг — юртнинг юраги. У Ҳисордаги баландлиги 4.688 метрлик «КПСС XXII съезди» номли чўққидан бошланади. У бошланишида Қорасув, сўнг Тамушув ва, ниҳоят Ғова ирмоғи қўшилгач, Тўполанг номини олиб, 2.200 квадрат километр ҳавзада сув тўплаб, 112 километр йўл босиб, Қоратоққа қўшилади.

Дарёнинг юзлаб ирмоқларидан бири Чош бўлиб, баландлиги 4.426 метрли Хўжай Пири-ях музликларидан бошланади. Ундаги муз қатламлар барқарор.

Жумҳурият табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг бир гуруҳ масъул ходимлари, жамоатчилик кенгаши аъзолари билан июль ойида Хўжаасмин ва Чош қишлоқлари оралиғидаги доводна турардик.

Жазирама ёз кунларининг бири эди. Термиз билан доводна оралиғи енгил машинада ярим кунлик йўл. Шаҳарда ўша кунлари ҳаво ҳарорати 45 даражадан ортаётган эди. Довонда эса нари борса 15 даражага аранг етар эди.

Эҳтимол, доводна бир неча қуролланган одамларни кўрмаганимизда машинадан тушмасмидик. Бу одамлар кимлар? Нега қуролланишган? Ахир ов мавсуми эмас-ку ҳозир. Сўраб-суриштириб уларнинг тожикистонлик қўшнилари эканлигини аниқладик.

Биз тўрт минг метр баландликдаги доводна бир соатлар чамаси тутилиб қолдик. Ҳаво айниб, рўпарадаги Хурсандтоғ тарафдан булутлар ёпирилиб кела бошлади. Ҳадемай, ёмғир савалай кетди. Баданлар жунжикди. Хурсандтоғнинг олис дараларида ўша куни тушгача икки марта, тушдан сўнг уч марта ўқ узилди. Қарийб ҳар куни шу хилда кечадиган аҳвол билан қизиқиб қолдим. Жамоа ва давлат хўжаликлари отарлари воҳага энганда улар «қура»лаган қўтонларда туз қолар экан. Тоғ кийиклари ана шу тузни ялаш учун энишганида эпчил мерганларнинг ўқиға учар экан. Ҳайвон учун туз ҳам емиш, сув сингари аъло неъмат. Билмадим, ўша куни неча кийик туз ўрнига тош капалаб ҳалок бўлди? Нечаси яраланиб, тоғнинг юксак музликларига бош олиб чиқиб кетди? Умуман, ўша куни Ҳисортоғдан то Кўҳитангнинг адоғигача, кунчиқардаги Боботоғнинг овлоқ сойларида қанчадан-қанча ўқ узилди экан?

Тоғ йўллари ғоят хатарли эди. Аммо бу хавф-хатар мени мутлақо чўчитмас, Хурсандтоғда ва тасаввуримда бошқа ерларда ҳам янграган ўқ садолари дилимни ғаш қилган эди. Йўлда яна бир неча отарларга дуч келдик, Ширащорлар, ям-яшил ўтлоқлар пайҳон қилинган. Аксарият чўпонлар хуржунлари тўла ўқдон. Ҳар бирларининг елкасидаги милтиқ қўндоқлари кўп йиллар тутилганидан ингичка тортиб кетган... Минг-

лаб саҳифа, жилдлик қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, йиғилишлар, сессиялар ҳужжатлари талаблари қайда қолди?

* * *

Асримизнинг 20-йилларида дарёга илк бор чанг солинди. Ҳазарбоғ каналига сув олинди. 1930 йилда Денов-Сариосиё оралиғидаги кўприк қурилди. 30-йилларда шу атрофда ўндан ортиқ лагерлар бўлиб, уларда сақланадиган маҳбуслар бу кўприкни қуришган эди. Кўприк ярим асрдан ортиқ юртга хизмат қилди. 1941 йилдаги энг даҳшатли селга ҳам бардош берди. Лекин одамларнинг лоқайдлиги унинг устунларини қулатди. Ёнидан замонавий кўприк қурилгач, у ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Энди эса батамом нураб, бир ҳолда чўкиб ётибди.

Сўнгги йигирма йилда дарё батамом жиловлаб олинди. У тоғдан кенг текисликка қулоч ота бошлаган жойдаёқ гидроузелнинг тош-метин ўмровларига урилади. Пастроқда эса сувайиргич иншоотлари уни нимталаб, каналлар бўйлаб йўналтириб юборади. Бу иншоотларга боқиб кишининг ақли шошади. Шунча мукаммал, пухта қурилган булар. Соя-салқин биноларда ёш-яланглар карта ўйнашади, балиқ тутиб қовуришади, маишат қилишади.

Булар ҳали ҳолва. Бу ёғини эшитинг.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига Узун қишлоғидан қўнғироқ қилишди. Булар табиат жонқуярлари бўлиб, Тўполанг дарёсидаги балиқлар ҳалокати тўғрисида куйиб-пишиб хабар қилишди. Ўша куниеқ Тўполанг сувайиргичи мутахассислари билан боғландик ва ташвишли аҳволни тушунтириб беришларини сўрадик. Телефон орқали бўлган баҳсдан бирон иш чиқишига кўзимиз етмади. Ўша куниеқ ҳалокат содир бўлаётган ерга етиб бордик.

Санглоқ дарё ўзани ёз жазирамасидан чатнаб ётар эди. Соҳил бўйлаб янги асфальт йўл ўтган бўлиб, унда БелАЗ, КамАЗ, МАЗлар тутун бурқситиб у ёқдан-бу ёққа қатнашарди. Узанда эса оқ-кулранг тош уюмлари тоғ бўлиб ётарди.

Хўш, нима бўпти? Қуриган дарё дерсиз, асло! Шошилманг. Олов пуркаётган жазирамани бир зум унутиб, айни баҳор фаслини кўз олдимизда гавдалантирайлик.

Саврда неки тирик жон борки, уйғонади. Қушлар жуфт излаб самода шўх жавлон уришади, ҳайвонлар аюҳаннос кўтариб, куйикишади, балиқлар қишки мойхоналарини тарк этишиб, суви илиган саёз дарёлар сари йўл олишади.

Лак-лак, пода-пода, гала-гала турли-туман балиқлар Сурхон сув омборидан чиқиб юқорига, оқизик дарёлар соҳилларига интилишади. Ахир дарёларнинг буюк, ўзгармас қонунлари уларга ҳам дахлдор. Бу қонунлар чизиғидан чиқиш ҳалокат. Балиқлар авлод қолдириш учун саёз соҳилларга уруғ қўйишади ва бу миллиард-миллиард уруғ — ҳафта, ой ўтгач, митти балиқчаларга айланиб, ота юрт — сув омбор қўналғача қайтишади.

Бу пайтда жониворларнинг авлод қолдиришдек заҳмати ва оромини таъминлайдиган турли ҳукумат қарорлари, тақиқлари зълон қилинади. Балиқ овлашнинг барча усуллари қатъиян ман этилади.

Тўполанг дарёсининг эса ўзига хос хусусиятлари аллақачоноқ фанда эйтироф этилган. Чунки бу дарёда гулмойи ва ширмойи сингари антиқа балиқлар яшайди. Дарё текисликка чиққач кенглиги 100—1500 метрли ёйилмага айланади. Бу сув омборлари, Сурхон дарёсидаги она балиқлар уя қурадиган яғона қулай жойдир. Вилоят ҳавзаларини кейинчалик ёш балиқ запаслари билан тўлдирадиган пурҳикмат хазинахонадир. Шунга кўра, ҳукумат бу дарёда бир неча йиллар давомида умуман балиқ овлашни қатъиян тақиқлаган. Қандай олийжаноб тадбир!

Афсуски, бу қонунлар, талабномалар фақат қоғозлар мулк бўлиб қолаяпти. Уларга ҳеч ким амал қилмаяпти. Унга хилоф иш қиладиган шахслар — раҳбарлар улкан занжир-ла бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандирлар.

Қарабсизки, балиқлар уруғ ташлади. У сув эпкинни, оқими, қуёш тафти таъсирида жонланади ва июнь ойи охирларида сув омбор, Сурхон дарёси қўйнига қайта бошлайди. Ана шу пайтда минг-минглаб гектар майдонлардаги пахтазорлар сувга ташналик сезади. Шунда Тўполанг сувайиргичидаги темир дамбалар сув йўлини ёппа бўғади. Дарёда сув чиппа тўхтади. Ҳали дунёга келиб улгурмаган, кўзи эндигина очилган балиқчалар ўзларини қайга уришни билмайди. Кўлмаклардаги балиқларга тез орада қирон келади. Тошлар қизийди, сув буғланади, ерга сингади. Яшаш учун туғилган балиқчалар қирилиб битади, сасиб кетади, дарё ўзани ўлимтихўр қушлар бозорига айланади.

Бу норасида балиқчалар элнинг, юртнинг насибаси эди-ку. Етти хазинанинг бири, дарёларимиз бойлиги, дастурхонимиз безаги, деб жар соладиган насиба эди...

Одамлар уволдан қўрқмай қолишди. Уволни билмайдиганлар оқибатсиз, бефайз кишилардир. Борингки, уволдан қўрқмаслик мумкиндр. Ҳеч қурса, ёзиб қўйилган, битилган қонунлардан қўрқайлик. Жилла бўлганда, уларни ҳурмат қилайлик.

Бундай мислсиз фалокатнинг олдини олиш қонунда қатъий кўрсатилган. Унда таъкидланишича, Иттифоқдаги барча дарёлар қатори Тўполангда ҳам кишин-ёзин

маълум миқдорда бетўхтов сув оқиши керак. Бу дарёнинг наботот оламини, унда яшайдиган жамики жонзотни ҳалокатдан қутқаради. Биз бу йўл-йўриқларни сувайиргич раҳбарларига эслатганимизда, бизга ҳеч ким айтмаган, хабаримиз бўлмаган дейишди. Хайратдан ёқа ушладик. Ахир бу оддийгина гуноҳ эмас, қабих жиноят-ку. Қандайдир мурасасиз амалдор: ҳечқиси йўқ, дарё билан балиқ тилсиз-забонсиз, юқори ташкилотларга арз-дод қилмайди. Иккинчидан эса, бу жиноят улгуржи — сувга оғзи, қўли текканнинг улуши бор, башарти жиноят бўлса, унда ҳамманинг ҳиссаси бор, деб ўз ҳатти-ҳаракатларини оқламоқчи бўлади.

* * *

Бир замонлар эшитганим афсонада илондек газанда, одамзоднинг ҳам яшашга ҳақ-ҳуқуқи бор, деб ўз галасини ёмон ишдан тийган экан. Энди эса одамзод ҳамма жойга-чанг солиб ўз моддий манфаатидан бўлак нарсани кўрмай қолганидан ҳайфсиндим.

Ҳа, кўп нараса юртнинг фарзандларига боғлиқ. Юрт бойлиги, нозу неъматини топтаган, обидаларини вайрон қилиб, ўтмишини ҳурматсизлаганларни эл, келажак авлод ҳеч қачон кечирмайди.

Улар ҳамиша ношудлар сафида бўлишади. Фақат бугуни билан яшаган худбин, калтабин фарзанддан кўрқ, дейди халқимиз.

Тўполанг! Сен юртим қалби. Унинг томирларида оққан қонсан. Кечир, жароҳатинг тобора тузалмас, бедаво тус олаяпти... Қўлимдан келгани сенга дардкаш бўлиш.

* * *

Х асрда бизга ажойиб «Худуд-ал олам» асарини ёзиб қолдирган номаълум муаллиф сенинг номингни ўз асарида Ниҳонруд деб қайд этган. Ниҳон — яширин, хуфя, сирли, руд — дарё дегани.

Бундан 200 йил бурун сенинг қучоғинг қамраб олган у гўзал афсонавий диёрни Кўхистон деб аташар эди.

У замонларда тоғлар ўлкаси мустақил, халқи эрқпарвар эди.

Устоз Айний Дараи Ниҳоннинг беқиёс гўзаллиги ҳақида ғоят латиф кузатишлар қолдирган. Эсингиздами, «Дохунда» романи қаҳрамони Ёдгор илк бор Тўполанг соҳилига етганида ҳаяжондан шундай дейди:

«Дараи Ниҳон... У дарада қуш учса қанотсиз қолади, унда қозилар ва ҳокимлар учун йўл йўқ. У ерда девлар ва парилар ҳам одамлар қаторида тирикчилик қилади; у дарадаги одамларнинг кўпчилиги париларга уйланган, шунинг учун уларнинг қизлари жуда ҳам гўзал бўлади...»

Дараи Ниҳон йўлининг манзараси йигитга хуш кўринди, узилиб тушаётгандек бўлиб кўринган харсанглар остидан ўтадиган ғор, қоронғи, эгри-бугри йўл йўловчи йигитни унча кўрқитмасди, у тоғ орасидаги йўлнинг ҳар бир бурилишида «девлар, парилар бор», деб ўйласа ҳам кўрқмасди, чунки чўпон ўртоқларидан эшитган афсоналарга кўра у ердаги девлар, парилар одамлар билан дўстлашган ва ўзларига сиғинган кишиларни ҳар бир хавфдан ҳимоя қилардилар...»

Тарихда кечган кўплаб қонли воқеалар гувоҳи бўлган у тоғ сўқмоқлари, ирмоқлар, эрк йўлида ҳалок бўлган тоғлиқлар мозорлари, ноёб ўрмонлар, минг яшарли бобокалон арчазорлар, гўзал хотиралар, устоз адиб каломига илҳом берган у манзараларнинг кўпи эндиликда улкан сув омбори тагида қолди.

Ҳаётда баъзан тушуниб, англаб бўлмас, ақл бовар қилмас ишлар бўлиб туради. Юзлаб авлодлар, юзларча йиллар ҳар қаричи, сиқим тупроғи учун жон бериб, жон олиб курашган табаррук, муқаддас юртни ўз қўлимиз билан сувга бостириб ўтирибмиз. У ерда замонавий сув омбори қураяпмиз.

Тўполанг сув омбори тақдири халқдан холи (ошқора бўлганда ҳам нима қила олар эди?) сув хўжалиги вазирлиги маҳкамалари, лойиҳалаш институтлари, режалаштириш муассасалари ва яна олий маҳкамалар деворлари ортида, сирли шивир-шивирлар, келишишлар асосида ҳал бўлди. Бу ҳол турғунлик йилларининг эсдан чиқмас ҳақиқати, меросидир.

Лекин тоғ жинслари тузилишини ўрганган покдомон маъданшунослар тамомила бошқа фикрда эдилар. Улар Ҳисор тоғлари силсиласи нисбатан ёш ва кўзга кўринмасида, ҳамон ўсишда, ўзгаришда, ҳаракатда, тоғости қобиқлари мўрт, ковак, серёриқ, шу сабабли Тўполанг ҳавзасида сув омбори қуриш мақсадга мувофиқ эмас, деган тахминларни исботламоқчи бўлишди. Аммо бу журъат маъмурий-бюрократик раҳбариятнинг кўзига чўп суқиш билан тенг бўлди.

Тўғри, юртдошларимиз олдида улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Замон тақозо этаётган бу талабларни тан олмай илож йўқ. Бироқ белгиланган тадбирлар ўлчовли, қамровли бўлиши керак. Акс ҳолда қутилмаган фожиаларга олиб келади. Ҳатто бир оила, бир қишлоқ бошига тушган қулфат умумники бўлиб турган бир пайтда табиатнинг қисматига тушгани эса эл-элат, келажакники. Бундай бош-бошдоқлик, ло-

қайдлик, асоссиз буйруқбозлик ювиб бўлмас айбдир, хатодир. Уйламай қилинган бундай ишлар бора-бора ўзини, юртни ғорат қилишга элтмаслигига ким кафолат бера олади.

Юрчи-Денов ботқоқликларини ҳатто менинг авлодим яхши билади. Неча ўн йилликлар уни қуритишга сарфланмади, дейсиз. Ахир бу массив Тўполанг ва Сангардак дарёлари ёйилмаси минтақасида жойлашган эди-ку. Энди эса тоғда, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бир неча ўнларча квадрат километрга ёйилган қўналғада тўпланажак 500 миллион куб метр сув шунча оғирликда маъданшунослар огоҳлантирган ковак, серёрик тоғ тўшига куч билан босади...

Ҳозир қўналғада лойихада белгиланган сув миқдорининг чораги тўпланди. Бу ҳол ҳозирдаёқ унумдор воҳа заминидаги ер ости сувларининг кўтарилишига олиб келгани сир эмас. Дарё тўғонидаги ишларни тўхтатишни маслаҳат бераётган мутахассислар ҳам бор. Аммо уни ҳарҳолда чала қолдириб бўлмайди. Анчагина сув тўпланган. Бу танг азиятдан чиқиш чораларини кўриш керак. Ҳар қалай соф ақл, кенгашли тадбир энди иш берад, деб ишонса бўлади.

Бу тарафи олим ва мутахассислар улуши. Мени эса бошқа нарсалар ташвишлантиради.

* * *

Билимдонроқ муаллифлардан бири, ахир ўша «Худуд-ал олам»нинг номаълум муаллифи ҳам бундан минг йил бурун Сурхон дарёси (ўрта асрларда дарё Чағанруд деб аталган) ёз ойлари Амуга қуйилмаган, унинг суви суғориш учун сарфланган, деб ёзган дейиши мумкин. Жуда тўғри, чунки ўшанда ҳам водийда гуркираб яшнаган 16 мингдан ортиқ кишлоқ бўлган. Термиз ва мамлакатнинг маъмурий ҳамда маданий маркази Чағаниёндан бўлак яна: Саманган (Жарқўрғон туманида), Дарзанги (Бандихон сойининг қуйилишида жойлашган бўлиб, ҳозирда сув омбори тагида қолиб кетган), Баранги (Шўрчидан 7 километр шимоли-шарқда), Басанд, Сангардак, Қумғонон, Зинвар, Навандок, Ҳошимгирд, Дарбанд сингари шаҳарлар бўлган.

Ҳисордан то Термизгача бўлган ерлар Чағаниён давлати (пойтахти ҳам шу ном билан аталган) тасарруфида бўлган. IX-XII асрларда Чағаниён анча ривожланган мамлакат эди. Унинг ҳукмдорлари — чағанхудоғлар, амирлар ўз номларидан мис ва қумуш тангалар зарб этишган. Истахрий ал-Муқаддасийнинг гувоҳлик беришича, пойтахт Чағаниёнда қалъа, шаҳристон ва робот сингари ўрта аср шаҳарларига хос барча таркибий даҳалар мавжуд бўлган.

Уша пайтда Чағанруд деярли суғориш учун сарфланган бўлса-да, дарёнинг асл шакл-шамоилига путур етказилмаган. У баҳор ойлари пишқириб оққан, кузга бориб эса анча тинчиган. Хуллас, табиатнинг азалий қонунлари билан бақамти, режали тадбирлар асосида иш олиб борилган.

* * *

1959 йилда мен ЮТАКЭ (Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси)да қадимий Марв шаҳри харобаларида ишлардим. Экспедицияга машҳур археолог, шарқшунос олим, академик Михаил Евгеньевич Массон раҳбарлик қилар эди. У 1936-1938 йилларда Термиз археологик комплекс экспедициясига раҳбарлик қилган ва илмий тадқиқотлари жаҳон шарқшунослик фанида катта қизиқиш уйғотганди.

Кунларнинг бирида М. Е. Массон менинг сурхондарёлик эканимни эшитиб, ҳузурига чақиртирди ва Термизда кечган ўша олис йилларни мароқ билан ҳикоя қилиб берди. Олимнинг ўшанда амалга ошира олмай қолган армонлари бор экан, шуларни мен билан ўртоқлашди.

1924 йилда жумҳуриятимизда эндигина ташкил топаётган музейларнинг бирига ғалати экспонат тушади. Бу оҳақтошдан ясалган аёл ҳайкалидан синиб тушган қўлнинг ўнг панжаси эди. Ғоят нафис ишланган шугина улғу моҳир ҳайкалтарошнинг етук истеъдодидан дарак бериб турарди. Тағхатда унинг Ҳисор тоғларидан топилганлиги айтилган эди. Олим ўшанда вақт зик бўлганлиги ва Ҳисор тоғлари машаққатларидан сал чўчинганлигини эътироф этди.

Ушанда М. Е. Массон эътиборимни яна бир жумбоққа жалб этди. IX-XII асрларда Чағаниён пўлати — «сохти чағаниён» — жаҳон бозорида Дамашқ пўлати билан рақобатда бўлган. Бу пўлат Чағаниёнга қердан келтирилган ёки юртнинг ўзида ноёб маъдан конлари бўлганми? Бунинг учун пўлат эритувчи ўтхоналар қурилгандир. Улар қерда?

Хуллас, 1960 йилнинг ёзида бир нотаниш аёл ҳайкали қўл панжалари ишораси билан йўлга отландим. Сафаримни шифобахш сувлар шарқираб оқадиган Хўжаипокдан бошладим. Елкамда ов халта, ён чўнтакда дафтар ва қалам, қўлда ирғай таёқ... Тоғ кишлоқлари аҳолиси меҳмондўст, сайёҳ йўловчиларнинг гурунглари оғзуманд. Уларга академик М. Е. Массондан эшитган гапларимни сўзлайман. Бундан икки минг йилча бурун шуҳрати оламни тутган кушонлар даврида ўлкамизда ҳайкалтарошлик чўнонам ривожланганки, шаҳар ва кишлоқлар у ёқда турсин, ҳаттоки тоғларда бутун-бутун гуруҳ

ҳайкалтарошлик асарлари бунёд этилган. Аҳолига тоғларимиз ҳам ана шундай обидаларга макон бўлиши мумкин, деган тахминларни айтаман.

У даврларда одамлар ривоят, афсона айтишни ва эшитишни яхши кўришарди. Улканнинг тарихига бўлган оташин меҳр барқ уриб турарди. Ҳар бир қишлоқда тахминларга қанот бағишловчи умидвор далиллар эшитардим. Қариялар, ҳа, эшитганмиз, фалончининг бобоси тош қотган қирқ нафар қиз ҳайкалини кўрган, афсуски, у бизда эмас, қўшни тоғ қишлоғида, доvon ошсангиз етасиз, дейишарди.

Шу зайдла Бештахта, ундан ўтиб Ҳовузгача бордим. Ҳовузликлар мени ғалати чоҳ устига бошлаб келишди. Яланғоч адирликнинг биқинида бир ўтовча майдонни ишғол этган гир айлана тубсиз чоҳ. Тош ташласангиз анча вақтдан кейин ер қаъридан гумбурлаган садо чиқади. Бу чоҳ ундан эшитиладиган бўғиқ, сирли товуш ҳовузликлар учун жумбоқ. Унинг сирини ҳеч ким билмас экан.

Кейин Оқсув, Бодиҳаво, Чинорга бордим. Чинор қишлоғидаги Мунчоқ тепани икки кун қазидим. Мунчоқ, садаф, шиша ва сопол синиклари тупроқ билан қоришиб ётибди. Мени Катта ва Кичик Вахшивор қишлоқлари ўз бағрига чорлади. Дарёнинг чап соҳилида омад менга кулиб боқди. Олимнинг иккинчи топшириғи — маъдан эритиладиган ўтхонани топдим. Сопол қувурлар, металл чиқиндиси — шлаклар палахса-палахса бўлиб атрофга сочилиб ётибди.

Ниҳоний аёл ҳайкали мени яна йўлга чорлади.

Тоғликлар мени Сина қишлоғи шимоли-ғарбида жойлашган Қирққиз қалъасига рўбарў қилишди. Чақалоқ эмизаётган, хамир қораётган, тоат-ибодат қилаётган қизларнинг тош ҳайкалларини кўришга кўп интизор эдим. Бу гал ҳам орзум ушалмади.

Йиллар ўтиб аёлларнинг тош ҳайкаллари тўғрисидаги билганларим афсонага айланди. Уларнинг изини излаб саксонинчи йилларда Онгқақшардан Осмонтолаш тоғларигача, булутлар ҳаммаса пойларига бош қўядиган Қалъа Шеронгача, Деги Канорагача бордим. Тополмадим...

Академик М. Е. Массон узоқ умр кўриб, оламдан ўтди. Аммо армони қолди. Бу армон менга кўчди. Ўша нозик панжали кўл мени чорлаб туради. У ҳайкални ҳамон излайман. Бир кунмас-бир кун бу армон қуши кўз ўнгимда намоён бўлади, деган умид мени тарк этмайди.

* * *

Орадан ўттиз йил ўтгач, ўша йўллардан юриб, яна сафарни такрорладим. Бу гал ўғилларим менга ҳамроҳ эдилар. Ўттиз йил ўтиб кетибди-я! Даҳшат!... Қишлоқларни таниб бўлмайди. Илк бор кўрганим Оқсувда биронта шиферли уйни учратмаган эдим. Ҳаммаси пахса, чўпгари, гувалак уйлар эди. Ун-ўн бешта кўримсиз ҳовли сой бўйида бир-бирига қалашиб қад кўтарган эди. Энди эса у манзаралардан асар ҳам қолмаган. Қишлоқ боғлараро ястаниб ётибди. Тоғолди адирликлари ўзлаштирилиб, у ерларга ҳам ҳовли-жойлар тушиб кетибди. Экилган зироат, тешик тоғ орқали ўтган канал мўъжизага ўхшаб кўринади. Бунинг ҳаммаси сув туфайли, унинг каромати, шарофати.

Ҳа, ҳаммаси — тирикликка даъвогар неки зот бўлса, сувга муҳтож. Тоғ қишлоқларининг ободончилиги ҳам, файзи ҳам сувдан; у ҳозиргача зўр машаққатлар билан бўлса-да етиб турибди. Бироқ ўттиз йилдан сўнг нима бўлади? Осмонда уммон бўлсаки, қувур тираб, унинг сувини дала-даштга эндиRSA...

Сув — эҳтиёж, ризқ-насиба, тириклик, ҳаёт. Воҳанинг келажаги, тараққиёти ёлғиз шунга боғлиқ. Аммо бу тараққиётни, тирикчиликни табиий ирмоқлар, дарёларни чиппа бўғиш билан таъминлаб бўлмайди. Аксинча, бир жойни бўстон қиламиз, деб, бошқа ерни ўпқонга айлантиришимиз тайин. Ҳар нарсанинг ҳудуди, меъри бўлгани каби, сувнинг ҳам миқдори чекланган. Бунинг нечоғлик ҳақиқат эканлиги ҳаммага аён. Келажакда эса бу ҳол шахматона урчиди, кўпаяди.

Ҳўш, бунинг чораси нимада? Жуда оддий. Асрлар синовидан ўтган халқ ҳикмати бор. Тараққиёт қарор топибдики, одамзод бир ҳикматни такрорлайди: дарахт (ўрмон) — намлик, намлик — сув, сув — булоқ, жилға, ирмоқ — дарё. Дарё — ҳаёт, мангулик...

* * *

Биз эса шу пайтгача аксини қилиб келдик.

XVI асрда яшаган воқеанавислар — Бурҳониддин ва Қушкелки қолдирган ёзма манбаларда айтилишича, Рангунтоғ, Тобоқчи, Боботоғда писта бениҳоя кўп бўлган. Мўғул тоғида эса чўян эритадиган корхона нуқул писта кўмир билан ишлаган. Боботоғнинг машҳур бойларидан Хуррамбек одамлари эса карвон-карвон кўмирни Афғонистон, Арабистон бозорларида пуллаган. Пистазорларнинг ваҳшиёна камайиши охири оқибатда Боботондан Сурхон дарёсига оқиб тушадиган унларча доимий оқизиқ жилғаларнинг абадул-абад қуришга олиб келди. Яланғоч тоғ ёнбағирлари сел ва тошқиларнинг тўпори ҳукмида қолди.

Сўнги урушдан олдин ва ундан кейинги йилларда Бойсун, Шеробод, Сангардак тоғларидаги ўрмонларнинг кўпи бефаросат бошқарувнинг қурбони бўлишди. Кенг майдонлар очилиб қолди. Юзлаб катта-кичик булоқлар, чашмаларнинг кўзи бекилиб кетди, намлик манбасидан жудо бўлишди, ўнлаб ирмоқларнинг ўзанлари қақраб қолди.

Бу манзарани эса ҳатто эллигинчи йилларда Шерободда кузатиш мумкин эди. Тайёрлов идорасининг кенг ҳовли сатҳида, дарё соҳилидаги ялангликда қизил арча ўтинлари раста-раста бўлиб қалашиб ётарди. Бу ўтин алоҳида қадоқлаб сотиларди. Биргина Дарбанднинг ўзида учта махсус жой бўлиб, у ерда ўрмон кесувчилар истиқомат қилишарди. Яна бир неча бригада кесилган дарахтларни шиббалаш, дарёга оқизиш билан банд эди. Шеробод остонаси дарёдан оқизилган хари, ўтинларни тутиб қоладиган жой бўлиб, юмушдан одамларнинг қўли қўлига тегмас эди.

Чор атроф тоғлардаги катта майдонлардаги ўрмонзорларнинг кесилиб кетиши ҳаттижада Шеробод дарёсида сув кескин камайди. Ҳолбуки, бу дарёдан асрлар мобайнида ўттиз икки ариқча сув таралган. Модомики, сув мўл бўлмаганида беш-ўн метрлик харилар оқиб келармиди? Бу ўрмонлар беш юз-олти юз йилдан буён сув тўплар ва бир замонлар Шарқда маълум ва машҳур бўлган Гуфтон аталмиш вилоятга оби-ҳаёт элтарди.

Яқин ўтмишимиздаги замона ақли зукколари сув танқислигининг осон йўлини топишди. Дастлаб нафс балосига йўлиққан чор Россияси муҳандиси Ананьев бу режага қўл урди, шўролар даврида эса унинг иши давом эттирилди. Сурхонни бўғиб, унинг сувини Шеробод чулларига йўлладик. Чунки нам ҳосил қиладиган манбалардан пайи қирқилган Шеробод дарёси путури кетиб, кенг кўламда ўзлаштирилган янги ерларга сув етказиб бера олмас эди.

Қадимги Рим жамоат арбоби Цицерон ўрмонларни ҳалок қилаётган кишиларни жамиятнинг ашаддий душманлари деган эди. Энгельс эса ўрмонларни нобуд қилувчилар ўз хатти-ҳаракатлари билан серҳосил ерларни намликдан жудо қилиб, уни ҳалокат ёқасига тортувчилар, деб баҳолаган эди.

Ўрмонни йўқотиш осон, яратиш эса қийин. Тоғда бир нав ниҳол арча ўн-ўн икки йилда бир қарич ўсишини инобатга олсак, унда чинакамига ташвишланишимизга асос бўладиган мудҳиш ҳол юз берганини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Тоғ яйловларида чорва молларни кескин камайтириш, тартибга солиш ягона йўлдир. Минг-ўн минг қўй камроқ боқилса эл қашшоқ бўлиб қолмайди. Бунинг ўрнига ўрмонзорлар барпо этмоқ зарур. Тоғларимизда ўрмонларни кўпайтирмас эканмиз, бунинг ўттиз йил, ярим аср, юз йиллик чора-тадбирларини изчил, қатъий қонуний йўлга қўймас эканмиз — воҳа истиқболи тўғрисида лоф урмасак ҳам бўлади. Келажакда бешак, бегумон содир бўладиган табиий ўприлишларнинг олдини олишнинг бошқа йўли йўқ. Бу ҳолнинг яна бир маънавий масъуллиги ҳам бор: бугунги лоқайдлигимиз, калтабинлигимизни келажак авлод мутлақо кечирмайди. Руҳларимиз уларнинг тавқи лаънат тошбуронлари тагида қолади.

Амударёнинг суви ҳозирдаёқ хомталаш. Келажакда эса бу жараён мураккаблашади. Улушимизга тегадиган сув миқдори шубҳасиз камаяди. Бу улуғ дарёга кўз тиккан, аммо ҳозирча чорасиз эл-элатлар ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишади. Шунда воҳамиз шимолидаги тоғ дарёларида оқадиган оби-ҳаёт жуда асқотади. Тирикликнинг барқарорлигини таъминлайди.

* * *

Оқар сув ҳамиша тозалик рамзи. Тўққиз марта думаласа ҳар қандай сув ҳалол бўлади, дейишади. Бу ўтмишга мос таъбир. Сув омбордан куйида Сурхон дарёсида оқаётган сув мутлақо бошқача қиёфага киради. Бу — ўзанга оқиб тушаётган ўнлаб чорва фермалари, шифохоналар, корхоналар чиқиндиси, пестицид ва бошқа хил кимёвий моддаларга тўйинган далалар зардобидан иборат сувсифат суюқликдир. Табиатдаги уйғунликка зил кетди, деб жар солган виждонли фуқаролар тили танглайга ёпишган. Минг аюҳаннос солинг — натижасини кўрмайсиз. Чорасиз ожизмиз.

Ёшлигим шу дарё бўйида кечди. Она табиат Сурхонни қай йўсин ибтидо шиддат билан яратгандаги борлиқ даҳшати, асовлиги, қудратини кўриш насиб этган бахтиёр авлодга мансубман. Шу дарё бўйидаги қишлоқларнинг бирида туғилиб ўсган Туроб раис бир куни юрак очди:

— Ўн йилча бурун кўнглимдан бир гап кечди. Дарёга қарайман — хўрлигим келди. У билан менинг ёшлигим ҳам кетгандек бўлди. Бу йўқотишни на бойлик, на шодмонлик, на мартаба билан тўлғазиб бўлади. Наҳотки, у селлар, пўртаналар, асов тўлқинлар, дарё ўкиришлари хотирага айланган бўлса... Кексалар бежиз айтишмаган, қудратли тоғлари, жўшқин дарёлари, бепоён чўлу саҳролари бор ўлка фарзандлари танти, ўктам бўлишади, деб.

Тоғлар исканжасидан қутилган дарёлар водийларга чопади. Одамлар эса дарёларга талпинишади. Агар Сурхон дарёсининг ўтмишига хаёлан назар ташлайдиган бўлсак, унинг соҳилларида турли даврларда шода-шода мунчоқ янглиқ катта-кичик манзилгоҳлар бўлганлигини, инсон ҳамиша у билан ёнма-ён, елкадош, ҳамдаст яшганини кўрамиз.

Ақл-заковат пешланган, тоғни талқон қилишга қодир техника инсон измида бўлган замонамизда эса бунинг акси бўлди. Табиат кучлари устидан ғолиблик нашъу намосидан сармастлигимиздан бу ишлар оқибатини заррача ўйламай қўйдик. Дарёларнинг заифлашганини кўриб, ҳатто ўз кучимизга мафтун бўлиб қолдик. Улар эса ариқлар ва каналлардан оқар, тупроққа сингар, яна шу тупроқ қатламларида биз тасаввур қилмаган ер ости сувлари бўлиб тўпланар эди. Юқори ҳосил олиш мақсадида бас дегунча берилган минерал ўғитлар, пестициду гербицидлар унумдор тупроққа заҳар-заққум бўлиб ёпишарди. Тупроқ забонсиз, оҳори тутдек тўкилганга қадар чидади. Ўз вақтида ҳолидан хабар ололмадик, дардига қулоқ тутишга фурсат тополмадик. Нуқул «шу куннинг талаби» — режа, мажбурият, топшириқлар орқа-олдимизга қараб иш тутиш имкониятидан маҳрум этди. Оқибатда эртанинг, узоқ келажакнинг ташвиши билан яшаш масъулиятини унутдик. Кун ўтса бас, деган бетовфиқ тоифага айландик.

Тўполангда, Аму бўйи шолитор хўжаликлар пайкалларида ҳар йили лак-лак балиқлар қирилиб, нобуд бўлаяпти. Буни кўра-била туриб пинагимизни бузмаяпмиз. Тожикистондаги алюмин заводи бутун заҳарини Ҳисорсойнинг шамоли билан водий осмонига пуркаяпти. Боғ-роғлар, чорва моллари, норасида болалар катта талофат кўришаяпти, оналар кўкрагидаги сут қуриб кетаяпти. Неча йилдирики, бу заҳри қотилга қарши курашиш сафсатадан нарига ўтмаяпти. Бола-чақа соғлиғи, пушти камар ғамини еганлар кўч-кўронларини олиб хавф-хатарсиз манзилларга бош олиб кетишмоқда. Алюминдан ажралиб чиқадиган фтор отлиқ заҳарли тутун инсон суякларига ин қуриб олаяпти. Икки-уч пуштдан кейин бино бўладиган авлод қайси қиёфада дунёга келишини тасаввур этишининг ўзиёқ кишини сескатиради. Ҳаммасини биламиз: илмий текшириш институллари, соғломлаштириш муассасалари, олимлар хулосалари жилд-жилд бўлиб ётибди. Аҳоли чорасиз. Бировлар ўйламай-нетмай мерос қолдирган бу балои азим жон оғритмас азоблари олдида юввош жабрдийдамиз. Нега шундай? Алҳол қалбимиз, журъатимиз ўғирланган, топталган. Юрт, эл, келажак авлод олдидаги буюк масъулият ҳисси йўққа чиқарилган. Бу тийиқсиз тазийқ иллатлари ўнлаб йиллар давомида қонимизга, онгимизга оғу сингари сингариб келинди. Шундай замонлар кечдики, инсон қалбинигина эмас, ўзлигини, қиблагоҳини, бобокалонини, урф-одат, маданият, тарихини унутишга мажбур бўлди. Қатағон замонлар бир неча авлод дунёсини шип-шийдон қилиб кетди.

Аммо табиатнинг арғамчиси узун, у унутмайди, унута олмайди. Зотан, авлодлар келиб-кетадиган тоифа, табиат эса мангу ва у ўз бағрини ҳамиша насибаталаб келажак авлодларга тортиқ этмоғи лозим. Ўрни келганда беписанд муомала, муносабат учу* шафқатсиз ўч ҳам олади.

Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас, деган ҳикмат бор. Ўнлаб йиллар шу қабилда иш тутиб, халққа раҳнамо бўлган соҳиби мулк раҳбарлар фаолиятини эл билади. Улар жуда катта шиорлар, вазифалар, бурчларни ниқоб ва қурол қилиб олиб, шундай нағмалар кўрсатишдики, ҳудуди йўқ. Халқ ўшанда ҳам орқаворотдан бўлсада тўғри гапни айтди, суяк устихони шу юрт тупроғида қолмайдиган бундай олғир раҳбарларнинг кирдикорларига одил муносабат билдириб келди. Юрт ва эл ташвишини бир четга суриб, шуҳрат орттириш, ҳамёни ва жомадонини қаппайтириш дардида бўлган бундай бевурд раҳбарларга тавқи-лаънатини айтди.

Одамзод оёғи тагига қараб юргани маъқул. Бизни кўтариб турган бу тупроқ кўп табаррук. Кўплаб хато ва фожиаларимиз ана шу хокисор тупроқни беписанд қилганимиздан келиб чиқаяпти.

Ўтган йили дарёнинг ўтмиш даврлардан қолган ўзани нишонларини излаб сафарга отландим. Асар ҳам йўқ. Ҳаммаёқ ўзлаштирилиб кетган. Биласизми, ўттизинчи йилларда ва ундан кейин ҳам табиий дарёлар ўзанларини қатъий муҳофаза қилиш юзасидан ҳукумат томонидан шундай қарорлар қабул қилинганки, ҳаққонийлигидан ҳайратга тушасиз. Юзлаб йиллар дастури дейсиз. Бироқ дарё ўзани бўйлаб шимолдан жанубга юрган кезларда ҳарчанд уринмай, бу қарорлардан хабардор на бирон раҳбар, на мутахассисни учратдим.

Бир жойда — «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ҳудудида йигирма-йигирма беш метрлар баланд, чўнг, бўзранг, тик соҳил қолдиғига кўзим тушди. Дарё ўзанини тўсган улкан кўрғон девордек қад кўтариб турарди.

Шунда Сурхон дарёси билан бевосита алоқадор, бу дарёга болалик йилларимда

меҳримни пешлаган бир мўътабар кексани эсладим. Уни Зикриё бобо ёки Зикриё чилангар дейишарди.

* * *

Асли марҳум отам билан қадрдон бўлган бу чолнинг ҳаёт кечириш тарзи менга сирли туюлар эди. Унинг афтада кулбаси аҳоли яшайдиган қишлоқда бўлса-да, устахонасини дарёнинг тик соҳилида қурган эди. Мен ўзимча, одамлар тинчини кўзлаб шу тахлит йўл танлаган бўлса ажабмас, дердим.

Зикриё бобонинг етти пушти Бухоро ҳукмдорларию амирларига шамширлар яшаш билан банд бўлган. Руслар Туркистонни босиб олишгач, маҳаллий пўлат қуйиш, қадамии ўсулда қурол-аслаҳа яшаш санъатига эҳтиёж сусайди. Руслар мусулмон бозорларини замонавий қурол-аслаҳаларга тўлғазиб юборишди.

Ўттизинчи йилларда устани қулоқ қилиб, тоғ қишлоғидан водийга, янги қурилаётган жамоа хўжалигига бадарға қилишди.

Уруш бошлангач, олдинма-кетин уч ўғли фронтга жўнади. Аммо бирови ҳам қайтиб келмади. Фарзандлар куюгига бардош беролмай, хотини оламдан ўтди-кетди. Сўнгра тўқсон яшар отасини ҳам тупроққа топширди. Ёлғиз кенжа ўғли қолди. Етмишинчи йилларнинг охирларида бу ўғли ҳам тўхмат билан қамалиб кетди. Узи сўппайиб қолди. Бунчалар ҳам юқини тош устига қўйсангиз, балким толқон бўлиб кетарди. Зикриё бобо эса ҳаммасига сукут сақлаб бардош берди. Одам чидаркан. Чидамай иложи қанча.

* * *

Уқитувчи бўлиб ишлаб юрган йилларимда бобонинг устахонасида бир кеча меҳмон бўлдим. Ушанда кўмир ял-ял ёнар, хона деворларига қоқилган гулмихларга илинган ўроқ, кетмон, белкуракларни хира қизғиш ёғдуси билан нурлантирар; чолнинг бесаранжом кўланкаси девор сатҳида лопиллаб, у ёқдан-бу ёққа кўчиб юрарди. Оташхонада аланга сўна бошласа, чол босқоқни апил-тапил босар ва бир қўли билан кўкракка тушган сарғиш соқолини тирнарди. Уста учи қип-қизил тобланган темирни узун ҳаков билан қисиб, сандон устига қўяр ва болға билан уриб текисларди. Шакл-шамоиел касб этган буюмни ҳаков билан тутиб, синчиклаб кузатарди.

Мен эса чолнинг ҳаракатларига разм солиб туриб, ўзимча ўйлардим: ўтхонада яшнаётган у чўғ оддий кўмир эмас, қуёшнинг ўзи ҳадея этган парчаси. У чолга қувват, ҳарорат. Чолнинг умри ҳамиша шу хил машъала. Неча-неча давру давронлар бу чол кўз ўнгига қариб-тўзғимади, хотирага айланмади. Аммо у қаримади. Қаримаса керак. Шу устахонаси бор, сандону болғаси бор — унга мангу эрмак. Унинг қўл-оёғи, тиргаги шулар.

Чол саҳарда дарёга тушиб, юз-қўлини ювади, таҳорат олади ва даққиюнусдан қолган жойнамозини ёйиб, тоат-ибодатга тушади. Унга ҳавасим келади.

* * *

Вилоят рўзномасида муҳбирлик қилиб юрган кезларимда чолни зиёрат қилгани бордим. Ушанда Сурхон ўзанида тўғон қурилиши бошланган эди. Қарасам, чол мустар, ундан сўрадим:

— Нега дарёни бу қадар яхши кўрасиз?

— Дарё забонсиз доно устоз, сирдош дўст,— деди у ўйчан.— Биласизми, ўғлим, дарёлар қуриса нима бўлади?

— Йўқ.

— Билагингизни пишиқ чилвир билан занжиртоб қилиб танғиб боғланг, кейин кўрасиз. Аввал панжалар оқаради, увишади, чунки томирларда қон юрмай қолади. Шу ҳолда узоқ вақт тутинг, қўл, панжалар шол бўлиб қолади, сўнгра қурийд.

* * *

Дарё батамом бўғилгач, чол чўкди, синди.

— Бизга ҳам навбат кеп қолди, чоғи,— деди у хира, ёшланган кўзларини белбоғи билан артиб.— Ҳукми эл, авлод чиқаради: жазоси беқиёс бўлур, таъналар танни тешур...

Чолнинг ақли ўтмаслашиб, хотираси хиралашган, деб эшитгандим. Бу бетайин луқмани шу дардга йўйдим.

У эса яна муккаси билан ишга шўнғиб кетди. Мен дарчадан дарё соҳилини кузатардим ва нечук энди чол охиратга таслим бўлиш пайига тушиб қолди экан, деган фикрни

хаёлдан ўтказардим. Қулоқларим тагида босқоқ вашиллайди, сандон болға зарбидан инграниб, занг чалади. Қарасам, чолнинг қўлида болғадан бўлак нарса йўқ. Болға салт сандонга зарб билан урилиб, сакрайди, динг-динг, тақ-туқ садо чиқаради.

Нега у қуруқдан-қуруқ бетиним болға уради? Бу занг овозидан нималар илғаяпти? Кимга зардаю захрини сочаяпти?

Зикриё бобо юз ёшни қоралаб қазо қилдилар.

Устахона ҳали-ҳали турибди: сандон, унинг устида болға. Ашёларни чанг-ғубор босган. Устахона деворлари нам тортиб, нураган, сувоқлари кўчган. Ҳаммаси жой-жойида. Фақат Зикриё бобо йўқ, ўчоқда чўғ йўқ...


Одамлар туннинг ярмида устахонада сандон билан болға бир-бирига урилиб, занг чалади, дейишади.


* * *

Модомики, кимдир ўтган даврларда ибратли ишлар қилинмади, деса кўзи кўр, тили лол бўлади. Бу рост. Аммо ҳаёт бир жойда турмайди. Кечагина ҳақиқат деб топинган кўп ақидалар бугун пуч хаёлга айланганини кўриб турибмиз.

Дарёларни ҳаётга менгзатишади. Бу ҳам ҳақ, ҳар бир юртда дарёлар ғайир қўзғаб, шарқираб оқиб турса, бунга нима етсин. Дарёлар — эл-юрт рамзи. Улар оқмаса руҳий, маънавий таназзул, қашшоқлик юз беради. Она табиатдаги қадриятлар топталса, шаксиз, инсон ҳаёти ҳам қадрсизланади. Булар бир-бирига пайваста эгизакдир. Дарёлар оқиш учун яралган, оқсин. Тарих фани отаси Геродот қадим аجدод юртдошларимиз — бақтрияликларнинг тўрт минг йил бурун ҳатто юнонларни ҳам тўлқинлантирган бир мақолини бизга мерос қилиб ёзиб қолдирган: ч у қ у р в а с о б и т д а р ё л а р г и н а ш о в қ и н - с у р о н с и з о қ а д и ... Аммо бу — забонсиз оби-ҳаёт наҳрларини истаганча қўғирчоқдек ўйнатиб, хомталаш қилиб таҳқирлаш, дегани эмас, аксинча, уни эъзозлашни, юртнинг мангу қадрияти санамоқни тақозо этади.

Мен ҳам эски хотираларни эслаш билан имиллаб қолдим. Бас. Ҳозирча Сурхонда жилла бўлса-да кўзга оро берадиган ирмоқ оқиб турибди. Шунга ҳам қуллуқ. Бориға шукр қилмоқлик ҳам замона зийнати. Бироқ ҳақдан қочиб қутулиб бўлмайди. Сув тўла кўзаларимиз дарз кетган. Ҳанузгача сув келтираётганлар эмас, кўза синдираётганларнинг қўли баланд. Бу кураш майдонида ким ютади, ким ютқзади — келажакка ҳавола.





Омон Матжон

ҚУШ ЙЎЛИ

Достон

САВОЛ:

Яна бир сойил деди; — «К-эй илмкеш,
Бу сафарким кўнглумизни қилди реш.

Қать ўлуб шаҳ базмиға бўлсақ анис,
Тўҳфае вожибдурур беҳад нафис.

Шаҳни кўрмак тўҳфаи мақбул ила,
Бизни ондин огоҳ эт маъқул ила».

ЖАВОБ:

«...Сен ўзунг бирла ниёзу дард элт,
Жисм зору жони ғампарвард элт.

Онда еткур сўх ила дурду фано,
Истар ўлсанг ўзни қилмоқ ошно».

Алишер Навоий, «Лисонут-тайр».

МУДДАО

Кел, эй кўнглим қуши, ҳаво эт бу дам,
Нечун безовтасан, сазо эт бу дам?!

Несан, ким учунсан, нени истарсан,
Надин гоҳ кўкдасан, гоҳи бистарсан?!

Тафаккурнинг уйин, қани, тафтиш эт,
Уйғот, юракка ҳам муносиб иш эт.

Ташвишинг не эрур, ҳолимиз нечук,
Қийналмоғинг недин, йўлимиз нечук?

Ақл — ойдин кеча ярқираган кўл,
Шул кўлга элтади бунда барча йўл.

Юрак — ногоҳ, кузги момақалдирик,
Олма шохидаги энг сўнгги япрок.

Бул икки инини, эй кўнглим қуши,
Яқин эт ва эл эт, ўнг бўлсин иши...

...Дерлар, ҳар одамга бир юлдуз ёрдир,
Дейман, унинг ўз хос қуши ҳам бордир.

Гарчи юлдуз ўрни тайин, ярқироқ,
Қушнинг жойин топмоқ — қийиндир бирок.

Балки «Кўнглим қуши» дея, суйганим,
Е, узоқ эсламай, бефарқ қўйганим,
Шулмикан, кўринмас, Тақдирим қуши,
Руҳимнинг парвозга мангу хоҳиши?!
Балки, билмай уни, ул — ўзим дерман?!
Ул сўз айтса, сезмай, ўз сўзим дерман?!
Ё балки, инсоннинг иккидир жони:
Кўкда юлдуз эса. ерда— қуш, яъни.
Балки, икковин ҳам шаҳри юракдир?
Балки... Ким билади, буткул бўлакдир?!
Эслайсиз, ўқувчим беш юз йил аввал,
Олтмиш баҳорига юзланган маҳал,
Навоий кўнглига ғулғула тушиб,
Ғойибдан қанотли зўр шуъла тушиб,
Қушлар дунёсига юзланиб ногоҳ,
Уларнинг ҳолидан чекиб чексиз оҳ,
Ху деса юз минг қуш дувва йиғилган,
Уч минг матал, минг беш қўшиқни билган,
Сулаймон шоҳни ҳам ёд этганини,
Аттор руҳини-да шод этганини!¹
Сабаби, ўшанда саросар қушлар,
Ўз умри йўлидан беҳабар қушлар,
Ўз ҳаёт мавқеин ва жойин билмай,
Яшаш ҳикматларин ҳам тайин билмай,
Овора пайтлари — Ҳудҳуд келганди,
Ҳудҳуд эмас, балки умид келганди!
Ҳа, Ҳудҳудда кўриб ўз халоскорин,
Қалбга солгандилар Ҳақнинг дийдорин,
Воқиф бўлиб тождор Симурғ шонидан,
Жаъмики қушларнинг меҳрибонидан!
Роҳрав топилганди рост диёр сари
Йўқлик-гумроҳликдан энди Бор сари!
Не-не бало офат, қуюнни енгиб,
Каж ақл, ёр бермас бўйинни енгиб,
Ахийри, қушларнинг ўттиз нафари,
Хайру яқун топиб қийин сафари,
Симурғ миръотига етган эдилар,
Ҳақ йўлига бирга кетган эдилар!
Ул ўттизни ўттиз гўшада, ўтсиз,
Неча ўттиз минглар, йўлсиз, ҳудҳудсиз,
Зор кутган ниятга етган эдилар.
Ҳақ йўлига бирга кетган эдилар.
Хўш, бугун мўътабар ул қушлар қани,
Фидойилар қани, балқишлар қани?!
Бугун мен шуларни чорлаб тураман,
Юртим осмонидан борлаб тураман.
Бугун давроннинг йўл, майдонларида,
Урмонлар, ҳатто тинч сайхонларида,
Бот-бот ўлик қушлар бошин кўраман,
Оғир бир фожиа тошин кўраман.
Фарёд, фарёд! Боқманг қушларга бугун,
Кўзингиз тўлмасин ёшларга бугун.
Ул Буюк уйғониш, ул Улуғ юриш,
Ғафлат қалъасига қилинган уруш,

¹ Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» (Қуш тили) асари кўзда тутилган.

Ҳайҳот, яна бари ерга тенг бўлмиш,
Замон қузғунлари учун ем бўлмиш.

Ҳаққа восил, нурга ҳожи бўлганлар,
Ўттиз қуш қавмининг тожи бўлганлар,

Бугун, шоҳ на, элнинг хаёлида йўк,
Чунки, Ҳақ бул даврон мақолида йўк!

БИРИНЧИ БОБ

1990 йил март ойининг охирлари, яъни, Наврӯз кунларида ким қанча қушлар Бахмал тоғлари пинжида — Галлаорол адирларида йиғилдилар. Юргимизда уларнинг қўнуб, гўхтов, кечув, ўтув, яшов, урчув, ўйнов жойлари авваллари кўп эди. Иқлим, йўналиш, муҳит ва ўз турларига қараб жой танлардилар. Аммо...

Халқлар тарихига қилсак эътибор,
Наврӯз хусусинда талай гаплар бор.

Ушбу кун, елкатенг бўлиб кун ва тун,
Қишнинг қаҳратони топади якун.

Одамнинг ҳам бўлиб шодлиги чексиз:
Гўё бор гуноҳи ювилиб ўксиз,

Истаклар айтилар баланд овозда,
Кўкдан акс садоси қайтардай тезда...

Қани, одамга— дин, тузумга— қонун,
Қайтса-ю, жаҳолат, зулм топиб якун,

Ўтган йўлларига солиб назарни,
Қилмишига этса тавба тазарру,

Аминман, муҳит ҳам элга юзланиб,
Табиат ҳам энди турмай гизланиб,

Ҳақсизликдан кўзлар қолмай хонакўр,
Адолат ҳам ётмай пешанаси шўр,

Барҳақ очгай эди ўз чиройини,
Уйғун, юксак этиб мавқе-жойини.

...Наврӯз хуш энтикиш солиб дилларга,
Пинҳоний ҳасратлар чиқиб тилларга,

Кўз гавҳари қайта ювилди гўё,
Тун лашкари ортга қувилди гўё.

Одам энди секин гирдига боқиб,
Кўзидан шашқатор ёшлари оқиб,

Кўрди: бир ўзимас эзилган, ожиз,
Шунча йиллик зулм ўтмабди беиз.

Ниҳоят, инсон ўз ҳасратларидан,
Барчага етказган касратларидан,

Ночор, пушаймондир — қушлар билдилар
Ва ҳур ўйномоққа қарор қилдилар.

Кўкда оҳанрабо хабар йўли бор,
Бунинг сири фақат қушларга ошқор.

Йиғилиб келдилар турфа томондан,
Бири Фарғонадан, бири Сурхондан,

Қашқа, Намангандан элчилар келди,
Олис Хоразмдан йўлчилар келди.

Ҳа, огоҳ бўлишиб қутлуғ байрамдан,
Бобо Туркистондан, момо Сайрамдан,

Самарқанд, Тошканду Бухоро ҳозир,
Бор қушлар қавмидан фуқаро ҳозир...

Қуёш айланиши, ойнинг ҳалланиши, юлдуз жилोलанишига қараб Сайёрада қушларнинг йўллари ҳам тартиб топади. Уларнинг қанотлари Ернинг қутбларидан тарқалиб ту-

рувчи оҳанрабо майдони тўлқинларини антенналар каби илғайди ва шу йўлакдан ҳаракат қилади.

Наврўзда— нур ва зулмат тенг келганда қушлар учун буюк уйғониш, уларга буюк сафар учун қадимий йўллари очиқ. Одамларнинг «ипак йўллари» каби уларнинг ҳам, ҳар минтақада «қўналға»лари, сардобалари, бозорлари, сайлгоҳлари, висолгоҳлари, ниқоҳ «сарой»лари бор, «тўй»лари бор...

Шунқор, Тўти, Лайлак, Чағалай, Кабутар, Булбул, Қирғовул, Худҳуд, Оққуш ва бошқа бир қанча қушлар очиқ давра, тўғрироғи ярим айлана қурдилар. Олақарга билан Чумчуқ булардан бир оз нарида, лекин ҳамма гап эшитиладиган жойда тўхтаган эдилар. Йиғилганларга Худҳуд мурожаат, сўров билан юзланди.

ХУДХУД СЎЗИ

«Наврўз қушлар учун минбардир бугун,
Фурсат ўзи чин қушпарвардир бугун.

Бугун ҳолингизни мен билай дейман,
Умрингизга мадад, эш бўлай дейман.

Очиқ сўзлашмакдан ҳеч ким панд эмас,
Кўрдим, аҳволингиз сарбаланд эмас.

Бир пайт ўттиз эди ҳаққа етганлар,
Бугун ўнми-тўққиз чоғли келганлар...

Хой, сизлар-чи, — боқди Чумчуққа Худҳуд.
— Олақарга, қани, сал олдинроқ ўт».

Икков тисарилиб бу гапдан баттар,
Каловланиб ҳарён солишди назар.

«Ишлар яхши эмас, ўзимдан маълум,
Сўнги юз йилдаги изимдан маълум.

Қавмимиздан энди қолдик жуда кам,
Эртандан умид ҳам эмас мустаҳкам.

Бундан буёғига нима қиламиз,
Ҳоли-зоримизни кима қиламиз?!

Келинлар, билайлик таъбиримизни,
Дарди-касалимиз ва сиримизни.

Бирга ахтарайлик илинж йўлини,
Бир-бирова чўзиб ёрдам кўлини...»

Шу гапларни айтиб Худҳуд бемадор,
Шунқорга юзланиб деди: «Эй тождор!

Даврамизда ўзинг сарварсан аниқ,
Биламан, гапинг бор, кўзларинг ёниқ.

Сен бошла, қалайсан, ҳаётингдан айт,
Таянчинг, ғуруринг, қанотингдан айт?!»

Бу гаплардан сўнг қўнишиброқ турган қушлар давраси андак жонланди. Кўнгилларидаги гапларни ҳеч бўлмаса, кимдир эшитиши мумкинлигини сездилар. Шунқор мағрур кўкрак кериб, қушларни вазмин кузатиб чиқди. Орқароқда турган Олақарга билан Чумчуқ ҳам назаридан четда қолмади. Гапни шундан бошлади.

«Олақарга, махов одатингни қўй,
Кел, даврага қўшил, бугун улкан тўй!..»

Олақарга зимдан чумчуққа қараб,
Бирдан учиб кетди сирли «қар-қар»лаб.

Чумчуқ ҳам пир этиб тисланди четга,
Бекинди яқинроқ, хилватроқ бетга.

ШУНҚОР СЎЗИ

«Қушлар! — давом этди Шунқор, тин олиб, —
Биз доим зўр эдик, ҳар доим ғолиб.

Чангал темир эди, кўз ўткир эди,
Бегимнинг панжаси менга ер эди.

Аммо бобом айтган: сўнги юз йилда,
Барака қочгандир ердан ва элдан.

Босиб бошдан-оёқ куролланган ёв,
Элни қирғин этган, янчган беаёв,

Одамларни қирган ваҳшийлар учун
Қуш деганнинг жони — арзимас учқун.

Бу ернинг тақдирин ўйлов камайиб,
Пахтазор кўпайиб, яйлов камайиб.

Ҳатто, биёбонга келган қиёмат,
Чўпон-чўлиқларни тарк этган омад.

Айниқса, эллик йил чамаси аввал,¹
Одамлар кўлига тегди бир амал:

«Отилсин, дедилар, ёввойи қушлар!»
Бошланди беомон қирғин-тутишлар.

Авлодимга менинг етди паторат,
Қавму қардошлар ҳам топдилар офат,

Итолғи, Тасқара, Бургут, Турмтой,
Лочину Жағалтой, Қарчиғай, Қумой.

Бирлари бутунлай қирилиб кетди,
Бирларининг буткул кунлари битди.

Уззу-кун тин олмай, излаб озиқни,
Тутсанг товушқонми, юмронқозикни,

Бари заҳарланган бўлиб чиқади,
Еганлар шу кеча ўлиб чиқади...»

Шунқор ҳикояти солиб дилга ғаш,
Ҳудҳуднинг кўзига қалқди илиқ ёш:

«Сенинги — қушларнинг подшосин ҳоли
Бўлса яраланган ботир мисоли,

Ҳай-ё, эй Сулаймон пайғамбаримиз,²
Рангимизга қара, ол хабаримиз...»

БУЛБУЛ СЎЗИ

«Ҳамма орзуларим — кичик қалбимда,
Шундан, кўринмасман балки ҳар кимга.

Менинг қавмимнинг, вой, ҳолига минг вой,
На учигга жой бор, на кўнишга жой.

Темирлар ўқирар, саҳардан шовқин,
Шаҳар баттар гавжум, шаҳар ҳам шовқин.

Узоқ қариндошим Чумчуққа маза,
Қарғага эл бўлиб олгандир тоза.

Бизнинг уямизни кўрсатар унга,
Тухму жўжамизни ем этар унга.

Одамнинг буларга сира иши йўк,
Бизни тингламоққа ҳеч хоҳиши йўк.

Жарқанот, Саъванинг бағри лахта қон,
Ўксикдир Жаннатқуш, Оқ жиблажибон...

Бу дунёда энди қачон яйраймиз,
Юртимизда қачон тўлиб сайраймиз?!»

Ҳудҳуд кўксин ушлаб деди: «Бас, бўлди,
Ғамли достонингдан дил қонга тўлди...

«Мантиқ-ут-тайр»ни битган пир комил,³
Бизни бир сўроқла, бир хабар олғил...»

¹ 1934-40-йилларда давлатнинг ёввойи қушлар ва даррандаларни кириш ҳақида чиқарган махсус қарори назарда тутиляпти.

² Милоддан юз йиллар бурун яшаган Исроил ҳукмдорларидан бири, олим, фозил, гўё ҳайвонлар ва қушлар тилларини билиб, ҳомийлик қилган.

³ Фаридулдин Атторга ишора.

ЧАҒАЛАЙ СУЗИ

Боболарим айтган, момоларим ҳам,
Шу жойларда экан чин Боғи эрам.

Тўлиб-тўлиб оққан дарёлар шунда,
Қамишзор қуршовли маъволар шунда.

Энди Амударё — халоскорим йўқ,
Шўрлик Оролда ҳам энди ярим йўқ.

Уён ёндошишга аммо йўл бўлсин,
Уқлар овозига еру кўк тўлсин.

Гўё қизғанибми биздан балиғин,
Юз «посбон» кўтариб чиқар милтиғин.

Биз, ахир, заиф, пуч чавоқни еймиз,
Бутунни бузмаймиз, ушоқни еймиз.

Қавмим қушларининг шундоқдир қуни,
Бошланган офатнинг недир яқуни?!

Қайда Лойхўрақлар, Қиз қуши, Торғоқ,
Қайда Балиқчи қуш, ё Қизилоёқ?!..

Бари пешларини йиғиб кетгандир,
Видолашмоқ гали бизга етгандир!...

— Ҳай-ё, Сулаймоннинг дўсти, Осафжон¹,
Қайдасан, биз нимжон қушларга псбон?!

Ўзинг гунг юрсанг ҳам билардинг бизни,
Тилимиз, феълимиз ҳам дилимизни...

Чағалайнинг мунгли нидоси ҳали хаёллари кўкда бўлиб турган бошқа кўп қушларнинг ҳам кўнглини чўқтирди. Орага оғир жимлик тушди. Анча пайт ўзини пурдимог тутган, лекин ненидир албатта таъкидлагиси келиб турган Тўти сергакланди. У кўп нарсани биладиган оҳангда Шунқорга юзланиб, ҳар гапни уч-тўрт такрорлаб, айтдиким, биз унинг нутқидан мухтасар парча келтирамиз.

ТЎТИ СУЗИ

«Эй улуғ шоҳимиз, соҳибим, хоним,
Сиз борсиз, мен борман, фидойи жоним!

Тушқундир лаҳзалар, сўзлар ҳам оғир,
Бу ерда қолибман қаровсиз, сағир.

Менинг қардошларим Америкода,
Миср, Ҳиндистонда ... Мен эса зада...

Мен мўъжаз қафасга ўрганиб қолдим,
Учишни унутиб, қанотим толди.

Бор бизнинг уч юздан ортиқ туримиз,
Эрк деб сарсон бўлди қанча биримиз.

Оқибат, олис ва қоронғи ўрмон
Улар учун бўлди хатарли макон.

Бугун, қайғунгизга мен ҳам шерикман,
Ногоҳ келиб қолдим, балки керакман?!»

Тўтининг лутфи-лаҳжаси кўпчиликни анча гап этган бўлса-да, унинг феъли-атвори-ни билганлари учун жавоб қилмадилар. Балки, сўзининг охиридаги маънос хайрихоҳлиги қушлар кўнглини юмшатгандир.

ҲУДҲУД СУЗИ

«Биродарлар, қанот — ҳали ҳеч гапмас,
Агар куч ва ақл бир-бирин топмас!

¹ Осаф — Сулаймон пайғамбарнинг вазири, қариндоши.

Кимда бор ақлда, кучда ожизлик,
Рухда, иродада, ичда — ожизлик.

Бугунги фожиа сабаби, балки,
Қанотсиз инсоннинг шуури — салқи!

Бизни ўз қардоши дея билмайди,
Баримизни бирдек суя билмайди.

Одам қириб етса қушларни агар,
Ўз руҳин ҳам айлар беқанот, бепар...

Бизга келган бало — туб бизникимас,
Хаттоки дарё ё денгизникимас,

Балки одамга ҳам номаълум важдир,
Меҳрга, суёвга ул ҳам муҳтождир?!»

Бир-бир босиб олдинга Лайлак чиқди. Унинг одамларга анча яқин ўз уругидек қўшни яшаганини билганлари учунми, қушлар жим қулоқ тўтдилар.

ЛАЙЛАК СЎЗИ

«Мана, шу ўртада Чумчук юрибди,
У одамлар аро очиқ юрибди.

Мусича ҳам шундай, Қалдирғоч ҳам шу,
Олақарғага-ку тегмаслар, ёху!

Қарға ташрифига ошди юз йилдан,
Келди-ю, барака қочди бу элдан.

Қушларнинг тухмини ейди обқочиб,
Уясин эгаллар очикдан-очик...

Улар бор— сиғмаймиз ўз-ўзимизга,
Чанг солар насиба, ризқ-рўзимизга.

Бизлар ташлаб кетган гумбаз— минорни
Улар ифлослашар, билмаслар орни...

Қаерда яшаши бўлгач, барибир,
Қадрига етарми уй-жойнинг ахир?!

Ёт тупроқда ногоҳ, ўлсак ҳамки биз,
Юртимизни қўмсаб ётар хокимиз!...

Агар энди қайтсак қирқми, эллик йил,
Умрида қушларга тош отмаган эл,

Бир-бирин қиришга тушди беаёв,
Ота, бола, ини— бир-бирига ёв.

Тиғ солди биз қўнган қанча дарахтга,
Боғлар «қиз» тувдилар, «ул» тувди Пахта!

Қора ва қичқириқ темир гулдираб,
Ағдариб ташлади ерларни кураб.

Сўнг гувуллаб келди кўп «темир қушлар» —
Аввал кўрганимиз экан хуш тушлар.

Булар қора ёмғир пуркаб учдилар,
Борлиқни заҳарга буркаб учдилар.

Дейманки, қушларга этган руҳ ато, —
Барқдек келса эди Навоий бобо!

Аммо, учиб ўтсам кеча Ҳиротдан,
Улаёздим ордан, кўрқув, уятдан:

Бобонинг хоки ҳам тинч эмас энди,
Наҳот зўравонлар тинчимас энди,

Афғоннинг қалбига ким солди офат,
Ким боис юз берди машъум касофат?!»

Ким у, эл-халқига таққувчи «унвон»,
Ўзбек босмачидир, афғонлар — душман?!

Ким боис биздаги фожиа такрор?!
Ким боис заминда не халқлар абгор?!

Ким боис қон қусди Осиё ҳам кўп,
Хатто Африқога ёғилди ғам кўп?!

Оврупони қизил жунбушга солиб,
Амриқони қора ташвишга солиб,

Оёқ босган ерин кўрксиз этган ким,
Ерин — занг, элини эрксиз этган ким?!»

Лайлакнинг ёҳуси даврани ларзага солди. Қушлар ҳақида дoston ёзган, улур бир мақсад сари давват этолган ёрқин чеҳра, буюк инсон, уларнинг ёдига мадад қуёшидек муҳрланди. Чунки, қушлар малака туйғуси бирла юқорида ёдлашган Сулаймон, Осаф, Агтор ва Навоийнинг тимсоллари хира бир тасаввурда бўлса ҳам буларнинг қонларида сақланган эди. Қушлар хаёлида, шулардан биронтаси ё ушбу давроннинг ўзидан зўр Қушчи чиқиб, қанотли жигарбандлар ҳолидан хабар оладиган кимдир бордек тўюлди. Барчалари оғир тин олдилар. Лайлакнинг тарихи Қирғовулнинг ҳам кечмишига уйғун эди, у ҳам дарди-ҳасратларини бир тўккиси келди. Зотан, бу унинг сўнги неча ўн йиллар давомида биринчи бор очиққа ошқора ва сал-пал беҳадик чиқиши эди. Кези келганда, ташланиб қоладиган Шунқордан ҳам қўрқаётгани йўқ эди...

ҚИРҒОВУЛ СЎЗИ

«Азизим Лайлакбой, — гап бошлади ул, —
Мен ҳам минг ғазабга дучор — Қирғовул!

Ўз йиллар нарисин сен бўйлаб қайтдинг,
Худди менинг фоже ҳолимни айтдинг.

Эсла, олтмиш-етмиш йил сўнги гапни,
Одамзод ғалати топиб матлабни,

Чангалзор, тўқайга ҳарб бошладилар,
Хатто тошлоқларни тарашладилар.

Учишимиз — андак... Узингга маълум
Ва бизни овламоқ бўлган ҳар малъун,
Хатто, кесак билан уриб олдилар,
Дерсан, шунинг билан тўйиб қолдилар?!

Йўқ, йўқ! одамзоднинг нафсига чек йўқ,
Қанотимиз калта ва демак, Эрк йўқ!»

Қушларнинг қон ва фиғон билан қилган шикоятлари хас-хашак орасига бекиниб, гап тинглаётган Чумчуқнинг ё юрак-бағрини эзди, ё тоқатини тоқ қилди. Пир-пир сакраб, анжуман устида чарх уриб, бир қанча сўзларни айтди.

ЧУМЧУҚ СЎЗИ

«Қандоқ ношукурлик?! На захму зардоб?!
Наҳот ҳолларингиз шу қадар хароб?!

Сабаб ким? Узингиз! Буткул ўзингиз,
Дунёни кўрмайди чунки кўзингиз!

Тайёрга айёрсиз, ғайратингиз йўқ,
Сувратингиз бору сийратингиз йўқ,

Қарғани қарғайсиз, бахтсизлик учун,
Хой, ўзни сўроқланг ҳақсизлик учун!

Эркинлик эмиш! Эрк — менинг қорнимда!
Нимага етарсиз мудраб тор инда?

Каттани катта денг, кичикни кичик,
Шерлик етишмаса, бўнг оддий кучук.

Куни ўтганга кун ортиқ эмасми,
Бир тўйгани улуг тортиқ эмасми?

Фақат совға бериш — Ҳотамда кетган,
Ялқовлик сизларга одамдан ўтган:

Ери бор, экишни унутган ўша,
Суви бор, денгизни қуритган ўша.

Ҳақин билмаганнинг ери кул бўлар,
Хотини чўрию эри кул бўлар.

Ҳеч гапмас қанотда таннинг учгани,
Ақлинг парвоз этса — манзил қучганинг!

Мингта мажлис курсанг, пишмас бир патир,
Узр, айтган бўлсам қилмай юз-хотир!..»

Чумчуқнинг масхара хитоби қушларни бир оз гангитиб қўйди. У қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез ғойиб бўлди.

Қушларнинг изтироблари баттар етти фалакка туташиди. Кўк каптар одамларнинг болалари ҳам шафқатсиз бўлиб қолганликлари, эрмакка кесак-тош ё чўзмадан тошбўрон қилишга доим тайёр, тузоқ қуришга ҳам айёр эканликларини, энди уни «Тинчлик жарчиси!» деб, эъозлаб чақиринларига ҳам шонмай қўйганини айтди. Оққуш эса йигирма-ўттиз йиллардан бери одамлар Сувсар деган махлуқни кўпайтириб, унга махсус «қалъа»лар қуриб берганликларини иғлаб-ийглаб сўзлади. Худҳуд сўз қўйишига ожиз ва лол эди. Бир замонлар Улуг бир бобоси йўлсиз қолган қушларга сарбонлик қилганини ўйлар, бугун ўзи, фидойиллик, яхшилик этгиси бору, афсуски, қўлида ҳеч вақо йўқ. Қушларнинг қаторлари кўп сийрак тортибди. Шунинг ўзи катта фожианинг дарағи эди.

ХУДХУД СЎЗИ

«Дардларингиз тинглаб кўп ошди ғамим,
Сизнинг камингизга туташиди ғамим.

Бир жойда ер тепиб қолибди тақдир,
Нима қилмоқ керак? Бормикан тадбир?!

Ўлим икки: бири — ҳаволаб кетмак,
Бири оёқларнинг остида йитмак.

Дунёда қавм йўқ катта ё кичик,
Қавмлар бор қўрқоқ, хор, тили қисик...

Билдимки, кўп қушлар хитоби аро
Фахр ила эсланди Навоий бобо!..»

Лайлак: «Бугун Ҳирот уруш, жангдадир!»
Тўти: «Илмгоҳи Самарқанддадир!»

Булбул: «Хоразмга тушган назари!»
Шунқор: «Туркистонда пири сарвари!»

Худҳуд айтди: «Бу хил қарасак ишга,
Яна йўл қўямиз талаш-тортишга!
Ул зот учун Туркий макон туққан жой,
Бир хаттида қуёш, бирисида ой!

Қирғиз, қозоқ, туркман, тожикда меҳри,
Чуқур, баланд, ёниқ, очиқча меҳри!

Асли, Самарқандда тўхталсак создир,
Ҳазрат Абуллайс унга устоздир...»

«Создир! Создир!» — Тўти айлади тақрор.
Шунқор дер: «Шундадир Темурхон шунқор!

Қул Хожа Аҳмадга у қурган мақбар...»
«Дарвоқе, — кўшилди гапга Кўк каптар. —

Самарқандда бордир ғалат вайрона,
Улуғбек оламини солиб ҳайрона,

Али Қушчи икков тикиб устурлоб,
Юлдузларга бермиш ерий дастур, тоб...»

Бунда тўпланишган қушларнинг ҳозир,
Ҳар бирин кўнглида ўз юрти зоҳир,

Муносиб маскан деб мақтар, қолмай кеч,
Меҳрдан она юрт увокланмас ҳеч.

Худҳуднинг аввалги огоҳи ёдда
Ва улуғ шоирнинг нигоҳи ёдда.

Савки табиийга қушлар бериб тан,
Ўз халоскорларин ёдлаб дафъатан,

Яна ёлвордилар ул зот руҳига,
Мадад, даво истаб ғам-андухига!

Шу аснода, Кўк каптар тезда ул зотнинг катта тўйлари нишонланишини эслатди. Ҳамма қушларни тўйга қатнашишга ундади. Кўк каптар таклифидан қушлар ғоят таъсирландилар. Зора, меҳрибон падарнинг Рух қушлари тўйда намоён бўлса? Зора, мазкур нотавон гала билан яна бир гал Қуш тилида сўзлашса...

Нақадар дилтортар орзу, нақадар тиниқ ва соғинчли ёғду, нечук бир ларзакор чолғу, безовта ва ишвакор тўйғу...

Тўй ҳали қаерда, қачон бўлишини ўйламай: «Самарқандга тўйга борамиз!» дея, қушлар тартибсиз рақсга тушабердилар. Аммо қўққисдан тўти: «Совға-чи, совға!» деб такрорлаб қолди. Ҳамма бир-бирларига яна ҳайрон ва лол боқдилар.

Кўк каптар шод деди: «Лисон ут-тайр»!
Қушлар Ҳақ йўлига этганда майл,

Кимдир эслатган-а совғани, қуллуқ,
Худҳуд бугун ўзинг бергил кафиллик!»

Худҳуд: «Бу саволинг яна муаммо,
Асли дунё иши «аммо»дан «аммо».

Гарчи, жисмимизда тўлуғдир алам,
Гарчи, ҳар дам энди — бизга сўнгги дам,

Рух шодон кунлари, биз-да ғам элтмай,
Осмонни тўлдириб минг мотам элтмай,

Ўйлайлик, муносиб армуғон даркор,
Ҳали ўлмадик-ку, бор-ку жон, мадор!

Қушлар! Яна баҳсу силташув шартми!
Ўзича фикр этиб кўрмаган — мардми?!

Не дейсиз? Жонга жипс айлаб имконни,
Кутсак тўкин кузни ва Меҳржонни¹.

Андак қувват йиғиб тану болу пар,
Сахий байрам ўзи бўлиб чин хабар,

Яна йиғилишсак ушбу маконда,
Бор гапни ҳал этсак ўша замонда.

Турфа совғани-да бир-бир кўрардик,
Агар ками бўлса, тадбир кўрардик.

¹ Меҳржон байрами назарда тутилмоқда.

Ки қандоқ борармиз, ким билан, нечук?!
Сўнг яна жам бўлиб каттаю-кичик.

Сафар тадоругин роз айляяли,
Лойиғу йўригин соз айляяли!»

Кушларга бу таклиф маъқул келди. Ёзда совға тайинлаш, куч йиғиш учун ўз жойлари — вилоятларига қайтиб кетдилар. Кузда Меҳржон кунда яна Бахмал тоғлари пинжида — Фаллаорол адирларининг бир ёнида баҳамжиҳат учрашишга келишиб олишди.

ИККИНЧИ БОБ

Кушлар ўз масканларига умидвор кетаберсинлар... Гап, Чумчуқнинг бекинган жойидан чиқиб, Олақарға қошига шошилаётгани хусусида.

Чақимчилик, тухмат, ялтоқлик, ғараз,
Одамзод шаънига ёпишган мараз.

Чарх минг бир эврилиб, минг бир янги дин,
Минг дўзахни қурса яна янгидин,

Дейман, бандасини кўрқита олмас,
Мазкур иллатини йўқ эта олмас.

Наҳот шум пасткашлик, қабиҳ сотқинлик,
Наф ё нафс билан қилса яқинлик?!

Дерсиз, барча офат жиғилдондадир?!
Йўқ! Имон ўрни пуч туғилгандандир!

Чумчуқ нақ қайнади: «Ҳой, Қарға оға,
Қулингни яхшилаб бир терга, оға!

Дедилар: сенмишсан дунёни «бузган»,
Яъни, бу жаннатий маъвони бузган!

Юртнинг бош қушлари сен боис хормиш,
Уларга на қишлоқ, шаҳар ҳам тормиш.

Сен сари найзадир ҳар бирин пари,
Қўрқаман, эртага бирлашиб бари,

Бу жойлардан сени ҳайдаши аниқ,
Буни Чумчуқ уканг айтмоқда ёниб...»

«Чумчуқча! — деди у. — Куз келсин ҳали,
Шимолга оч совуқ, муз келсин ҳали,

Эҳ-ҳе, Қора қарға, Гўнг қарға, Қузғун,
Бу ерларни босар нақ қора тутун.

Қисинма! Ўзингдан кўрқсанг нетади,
Мен кетсам, сенинг ҳам кунинг битади!

Ўзин эплай олмай қолса элатлар,
Қонун шу, уларни бошқарар ётлар!

Мангуга меники бўлибди жаннат,
Тирноқ урган жойим — маҳримдир абад!

Хўш, улар совғага кетишди дегин,
Уни ким бош бўлиб элтади лекин?!

Шунқорми? Тўтими? Ё Чағалайми?
Ё бу вазифани ўзим олайми?

Ё, дейлик, орага солиб ғавғони,
Сен ўзинг элтсанг-чи ўша совғани?!

Ахир, бирон унвон олиб қайтарсан,
Ё барига бошлиқ бўлиб қайтарсан!

Аҳмоқлар! Ҳадяни тез унутарлар!
Қарз ол! Шунда кўпроқ эсда тутарлар!»

Тахминини айтиб Олақарға шод,
Зўр қаҳқаҳа урди, силкитиб қанот...

*Олақарға содиқ укасининг нафсини яхши билар эди. Қуюққина зиёфат қилди,
Бу эса Чумчуқвойни гоят ғурурлантириб юборди. Шубҳасиз, жўн ва оддий топшириқ
олди, сўнг шод чирқиллаб учиб кетди.*

Чумчуқ сирли сафарга чиқиб, зудлик билан йўлда кетаётган Тўтининг изидан етди.

«Ҳа, Тўтижон! — Унинг хаёл давлатин
Чумчуқ бўлди, гўё юлгандек патин.

— Юкни олаверма мунча ўзингга,
Лаққа тушиб қолма, ўйнаб тизгинга.

Мени хуш кўрмайсан, биламан, аммо,
Бошлаган ишларинг чала, муаммо...»

«Не гап, — қизиқсинди Тўти. — Тинглабсан?!»
«Ҳа-да ичим қизди. Сен совға топсанг,

Устозингга шахсан топширсанг маъқул,
Чикмасидан бурун бошқа бақовул!

Олий қасрларга хуснинг ярашиқ,
Одамнинг тилига тилинг чирмашиқ.

Аммо, Шунқор бор-ку буюқда! Булбул!
Бириси бақодир, бири сайроқ тил!»

«Ҳей, Чумчуқ! Қисинма, бил, ўз йўлим бор,
Одамлар тушунар бўлган тилим бор...»

«Қара-да, — ўсмоқлар Чумчуқ бежоғлик, —
Кўчада қоб кетма, юрагинг доғлик.

Бўш келсанг, умуман, ким сенга ҳакам?!
Бундай воқеалар бўлар камдан-кам!..»

Шундай деб пир этди, йўқолди чумчуқ,
Тўти тўғри сўзу сал сўйри тумшук,

Такрорлай бошлади Чумчуқнинг сўзин,
Улуғ маросимга хос кўриб ўзин.

«...Кўчада қоб кетма, юр-рагинг доғ-ғлик...»

БУЛБУЛНИНГ ХОРАЗМГА САЁҲАТИ

*Булбул уча-уча, Хоразм вилоятига етиб келди. Югурик вақт ҳам ўтиб борар, ул ан-
жуманда қатнашган-қатнашмаган, лекин воқеани эшитган бошқа кўп қушлар ҳам
Меҳржон кунигача бирон лойиқ совға топши қўйида эдилар. Бирларининг азал топқир-
лиги, бирларининг эҳтиёткор болажонлиги, бирларининг ўткир кўзи, тағм ё ранг сезгиси.
бирларининг ярқироқ нарсаларга ўчлиги иш бериб, анча совғаликни саранжом ҳам қи-
либ қўйдилар. Бирлари эса мутлақо кулгили ва арзимас, ташландиқ буюмларни ҳам йи-
гиб юрдилар...*

Бу борада Булбулнинг саргузаштини эшитинг.

Сигмай икки дунё оралиғига,
Борди икки дарё оралиғига.

Ўтди у шўр босган далалар оша,
Хароб, нураб ётган қалъалар оша,

Оролга талпинган қўш қилтириқ сув,
Қуш қалбига солди қўшалоқ қайғу:

Бири-бир вақт обод шаҳарлар ёди,
Бири — бемор, сийрак қушлар фарёди.

Етди Хоразмнинг хароб жойига,
Қўнди Кўҳна Урганч — Кубро пойига.

Кейин кунчиқарга Хейвоққа учди,
Гўё тўзган ипак байроққа учди.

Албатта халқ ёди ўлганмас ҳали,
Хотирот ўлимин етмади гали.

Хейвоқ ўлса, деманг, тузнинг офати,
Денг, бу — манглайи шўр тузум офати.

Булбул билар бунда улуғ ҳикматни,
Куйга, ашулага бўлган ҳурматни.

Бу юртни кум босиб, йитса ҳам шонлар,
Мангу куйлаб қолгай ёйиқ барханлар.

Мана катта давра — улкан сир, сукут,
Мўъжиза туғувчи чўнг, замир сукут:

Ҳофиз кўнгли дарди ўтиб дуторга,
Мунг юқар қалбида жунуни борга.

Булбул куй бошлайди унга қўшилиб,
Торларга тор-тор гўё эшилиб.

Нажиб мусиқадан дил сурурланиб,
Дутор дастасига қўнди нурланиб.

Айтмайлик не куйдир, нечук ноладир,
Куй эмас, минг кўздан оққан жоладир.

Халқда кўзёш қуриб, фақат кўз қолса,
Шундоқдир кўл қуриб, тубда туз қолса.

Ҳофиз тинди. Булбул учиб кетмасди,
Гўё ипак торнинг бўлганди масти.

Ҳофиз ҳам тўхтатиб мунгли зорини,
Шарт узиб дуторнинг битта торини.

Мот қолиб толенинг шан ўйинига,
Аста тақиб қўйди булбул бўйнига.

Мазкур русум недир, билди сайроқи:
Куй яшар, бузулса ҳам дайрнинг тоқи.

Учди... олқиш, қарсак янграб ортидан,
Дардлар ватанидан, куйлар юртидан!

КАПАЧИ ҚУШНИНГ ТОПИЛДИҒИ

Капачи қуш нима — зар ишқибози,
Ялтироқ не бўлса гар, ишқибози.

Ошиёнин жуда пинҳон қуради,
Ичи алламбало — порлаб туради.

Рангшиша увоғи ё синиқ биллур,
Феруза узуккўз ё ситилган дур,

Рангнур нарса кўрса ташир инига,
Бандани йўлатмай ҳеч яқинига.

Олифта Капачи қушгаким қаранг,
Африқоми, қайдан келаркан фаранг,

Йўли Самарқанднинг устидан эди,
Узиям кўп ҳориб тўзиган эди,

Тўхтади, овлоқ жой тортиб эътибор,
Чап ёни сойлиғу ўнг ёни мозор.

Ногоҳ сувга тумшук тикса довдираб,
Тошлар аро недир ётар парпираб...

Омад-да, энг қиммат моллар аслида,
Нархин билмаганнинг тушар хасмига.

Бу — ҳўб нодир келин узуги, аён,
Зирҳида ёзуви-битиғи аён.

Қабристон тинч макон, сукутга сирдош,
Қаттиқ сўзламаслар, ҳеч ким отмас тош.

Аммо, бўлак қуш ҳам бунда бор эди,
Капачи қушдан-да у маккор эди.

Ҳа, Зағизғон кўрди ёт йўловчини,
Ўз шаҳрига тушган қитмир овчини.

Сойдан чиққан узук сочган йилдирим,
Кўзини олисдан олди, ё пирим!

Азза-базза келиб, қанот — тез қайчи,
Босди! Шошиб қолди довдир Капачи.

Ўлжани олди-ю, қочди шу замон,
Тиллога бепарқмас ҳатто Зағизғон...

Ё раб, йигирманчи йилларда, балки¹,
Эсласак, юраклар кетади қалқиб:

Шакли одам, ўзи нақ зағизғонлар,
Ўзни олим, ҳакам санаган жонлар,

Аёл қабрич бузиб олти аср тинчин,
Тингламай, англамай элнинг ўтинчин.

Лошни обчиқдилар сиртга — ёруққа,
Жиноят қилдилар такрор тарихга!

Жасад — мумиёда! Бой қабр эди!
Темур давлатига зўр фахр эди!

Наинки давлати, муҳаббатининг,
Яъни, юрак отлиғ салтанатининг,

Тожи ётар эди бунда нурланиб,
Мумиё ичида пок ва ҳурланиб.

Фалак! Ким эди бу?! Эй халқим, жоним!
Бу — Бибихоним-ку! Бу — Бибихоним!

Мумиё очиққа чиққан ўша кун,
Уваланиб кетди, қолди қора ун!

Тупроққа тўкилди ғуж уюм суяк
Ва бебаҳо нодир зийнатлар, безак...

Хўш, узук қай тахлит тушдийкин сувга?!
Хор бу тарих кимни собди қайғуга?

Не улуғ ёдгорлар нурашда бўлиб,
Мероси, бойлиғи талашда бўлиб,

Жаҳонгирнинг ҳатто ўзин суяги
Қабридамас бугун!.. Борми кераги?!

¹. Бибихоним қабри очилиб, таланилган давр.

Узук нима бўпти шоҳга? Жўн тортик!..
Бас, ровий! Бас! Чидаб бўлмади ортик!..

ТУРНАЛАРНИНГ БУХОРОДА ЛАЙЛАК УЯСИГА ҚУНИШИ

Афғон диёридан учган турналар,
Термиздан Жайхунни кечган турналар,

Нечун куйингиздан эзилар юрак,
Нечун сафларингиз зада ва сийрак?!...

...Турналар тушдилар гумбаз ёнига,
Минорадаги эски лайлак инига!

Лайлак — йўқ! Бош олиб кетгандир мундан,
Қайтгайми, хавф-хатар ариса чиндан?!

Сарбон Турна қўниб бўш ошиёнга,
Чангалини очди... Учди осмонга.

Қўйгани зардўзи тумор эди, воҳ,
Инжа ёзув сўзи ҳам бор эди, воҳ:

«Ой бориб омон қайт!» Тиккан, ёзган ким?!
Қуни тун авайлаб муни осган ким?!

Туморнинг эгаси қаёқда ўзи,
Еш тўкиб ҳордимини онанинг кўзи?!

Тумор ипи қайси жангда узилди?!
Турналар саволдек кўкда тизилди.

Юз йилки, юртимда қувғинлар тинмас,
Қатағонлар тинмас, қирғинлар тинмас.

Чопилди «Ўз ерим!», «Элим!» деганлар,
Ўлди ўз миллатин «Шерим!» деганлар!

Бойсан деб деҳқонлар қувилди ердан,
Зарар деб эртақлар ҳайдалди элдан.

Ўзга урушларга черик этдилар.
Ўзгалар айбига шерик этдилар.


Тонг зиёсин тўсди минг бибурд шиор,
Жоҳил хизматида қолди оқил — хор.

Қайда гуноҳ борки, биз ҳам қўшилдик,
Қайда бир чоҳ бўлса, биз ҳам кўмилдик.


Лайлак, ўз уянгга яна қайтиб кел,
Туморнинг эгаси кимдир, айтиб кел!

Қайт, Лайлак, қайларга борсанг ҳам агар,
Келажагим сенга боғлиқ бир қадар!..

Давоми кейинги сонда



Мурод Мансур



Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ойнинг ўн беши

БИРИНЧИ БОБ

Ёз қариб, бу кўҳна оламга аломат куз-келибди. Ажойиб десамикан, латофатли десамикан? Униси ҳам, буниси ҳам тўғри. Шунақа ажабтовур куз.

Табиат худди мўйсафидлик палласига кирган хушсурат одамдек жилмайиб турибди. Устига-устак, атроф бир ажиб ёғдуга тўла. Лекин кўзни олмайди, қамаштирмайди. Аллақандай хуш ёқиб, баҳри-дилни очади, аллалайди.

Катта йўл ёқасидаги ўт-ўланлар аллақачон қовжираб сарғайган бўлса-да, далалар ҳали тароватини йўқотмаган. Ён дарчадан ўзни сийпалаб ўтаётган шабадалар ҳам майинликда аёл қўлларидан қолишмайди. Раҳматли Ҳафизанинг қўллари шундайин эди. Ё тавба. Ундан шугина хотира қолибдими?..

Шу тоб, у кўз узмай бораётган даланинг узоқ чеккасида нозик-нафис кўкиштоб нур пайдо бўлдию каттара бошлади. У кузги қарам экилган боғчамиди, кўкноризормиди ё само бағридан тушаётган нурмиди ажратиб бўлмасди, аммо ниҳоятда кўзга таниш эди. Кейин, дафъатан шу нур ичидан баргикарам кўйлакли вужуд юзиб чиқиб, бутун бўй-баста билан бир кўриниш берди-ю, у эсини йиғиб улгурмай, ғойиб бўлди-қолди.

Нима бу? Жинми ё бирон рўё? Қадим-қадимда шундайин нозик адо мато кийилар эди шекилли? Наҳот шу сарсон-саргардонликларга тўла умрида, дўзах водийлари ичра шундай бир ҳурни учратган бўлса? Аллақандай илтижоли тикиладими-ей? Ё уяммас-буяммас, қаричиликми?

Машина енгил шувиллаб борар, уни атай Тошкентга сўроқлаб тушган ошналари, ўзи тенги қариялар эса, орқа ўриндиқда мудраб кетишган эди. Ҳозирги нарса уларга кўринмабдими, тавба?

Лекин атроф-табиат, дов-дарахтлар хазонликка юз тутиш олдидан бирам яшнаб кетибдики... Шунчалки тиниқ куз келганидан беҳабар, шаҳарда гунг беданадай бир каталакка тикилиб ётганини! Эҳтимол, бу ҳаммаси далани соғингани, аллавақтдан бери бу ёқларга сафарга чиқмаганидандир?

Шундай дейди-ю, барибир атрофдан кўз узолмайди. Чиндан-да гўзал. Қўрғонлар-ни ўраган саф-саф тераклар барги шундай текис сарғайибдики, гўё бу кеча афсонавий семурғ шу қўрғон атрофидан бир айланиб учиб ўтгану унинг тилла патлари тўкилиб, битта-битта санчилиб қолгандай. Мана энди шабадада укпардай ҳилпираб ётибди.

Сал ўтиб яна бир тўп қўрғон бошланади. Бунда ўриқлар учларигача қизариб, алангаланиб ётадилар. Хув нарида кўм-кўк, сўнги бора кўрпа бўлиб улгурмай қолган беда-поляр, уларда ўтлаб юрган яккам-дуккам отлар кўринади. Бириси тушовланган шекилли, олдинги оёқларини баробар кўтариб ташлаб, беш-ўн қадам юради-да, яна тўхтаб қолиб, узоқдаги ҳамжинсларига талпинганча бош силкиб-силкиб қўяди. Кишнаб чорлаётир шекилли.

Бу ёқдаги сойлик-дўнгликлардан ошиб уфққа туташиб кетган жигарранг пайкалларда-ку этак тутиб, куйманиб юрганларнинг ҳисоби йўқ. Бу шунақа палла: қимирлаган жон борки, шу бешчаноқнинг ташвишидан бўлак нарсани унутган. Таомил шунақа. Ҳўниб-кўникиб кетганлар. Бузолмайдилар. Бояқиш ўзбекнинг танглайини нимага ҳам шу нарса билан кўтарган экан?! Тоқай пешонага битилгани шу экан, деб ўтади? Ҳақини таниса-чи, бундай одамга ўхшаб яшаса-чи у ҳам...

Ундай деса, манавилар-чи? Ахир келишибди-ку шундан шу ёққа уни қора тортиб?.. Узинг бош қўш деб... Икки бирдай одам, оппоқ соқоли билан...

Кеча асрга яқин эшигини тақиллатиб боришса, жон-пони чиқиб кетибди: бир гап бўптими деб...

Бой бўлгурларни дафъатан танимабди. Невараларидан «узун бува» деб ном олган манави дўсти қучоқ очиб сўз қотмаса, келинлар, дейишни-да унутиб турибди.

— Эй, Бузрук-Бузрук, бормисан-омонмисан! Сени кўрадиган кун ҳам борақан-ку?

— Келинлар, келинлар. Қаёқдан кун чиқди?

— Соғиниб-да, ўртоқ, соғиниб... Уни қара-я, дўмингни топгунча эсимиз кетди-ку. Мундоқ уй-жой ҳам қилмабсан-да, ошна?

— Шаҳар шу-да. Қаерга борсанг бир каталак тайёр... Кеча Московда эдик, бугун бу ердамиз. Эртага худо билади — қаердамиз.

— Ҳай, дийдор кўрсатганига шукр... Қани-қани, бир бел олишиб қўяйлик-чи... У-ў, ҳали отдексан-ку. Туф-туф, кўз тегмасин. Уша-ўша Бузруксан.

Елкасига зўрға қўл етиб, кифтига қоқди бу ҳам.

— Узинг-чи? Бир энлик ҳам ташламабсан-ку. Оббо, дароз ошнам-ей. Заб кепсизлар-да. Ҳўб аломат иш бўпти-да. Қани-қани, Ҳамрали...

Бузрук табиб ошнаси билан кўриша туриб, ичидан зил кетди: йиллар, мана шундай одамнинг ҳам қаддини дол этибди-я!

— Қадамларингизга ҳасанот, келинлар, ичкари ўтинлар.

Ҳамрали энкайиб йўл бошлади:

— Ҳамонки келдикми, останада турмоқ гуноҳ... Юринлар.

Бузрук болалиқдан кўча чангитиб ўсган қадрдон ўртоқларини кўриб, терисига сиғмай қолди. Шундан шу ёққа йўқлаб келишади-ю, боши осмонга етмасинми?... Бир пиёла чойдан кейиноқ ўзи енг шимариб ошга уннай кетди. Меҳмонлар ҳам Тошкентда «опиладим-йўқми деб, мазорбосдига девзира гуруч билан қанора гўштан олволишган экан. Қўй ёғи, қўй гўштига заб ош бўлибди-да. Уларнинг ичида қисиниб-қимтиниб ўтирган жиян-шопирни айтмаганда, ўзлари — учала чол катта сопол товоқдаги ошни пок-покиза тушириб қўйишди. Кейин кўк чойни майдалаб ўтириб, суҳбатга суҳбат уланиб кетди.

— Московдаги хизматни заб тугатиб кепсан-да. Узингам беш йил юрдингми кампирнинг юртида?— деди Азлар.

— Шунга яқинроқ. Илм қиялпмиз, академияда ишлаяпмиз, деб юраверибмиз, Московига маҳлиё бўлиб...

— Ёшлиқда-ку билинмас, лекин ёш бир қорага бориб қолганида-чи? Бегона юртларда тургулик қилмасин ҳеч кимни. Нима дединг?

— Секинроқ айтасанми?

— Унда нега кўчиб бора қолмайсан?

— Қишлоққами?

— Ҳа-да, етар шунча мусофирчиликда юрганинг. Бормаганингга ҳам қанча бўлди?— деди Азлар гинахонлик билан.

— Уша бир келганим-да. Уятликмиз, нима қилай, лекин ҳеч мавриди бўлмади-бўлмади.

— Пенсага ҳам ҳеч қанча қолмагандир?— деди Азлар аябгина. Бўлмаса ҳар гаплари борки, илон пўст ташлайди.

Ичидан қиринди ўтиб:

— Оз қолди... Аввал ишдан узилиб олай,— деди-ю, удиркивор ўзи кампирини, кампири эса иссиқ-совуғи тахт дўмни кўзи қиймаётганини айтолмади. Узиники бўлса эканки, «йиғиштир, кампир, лаш-лушингни, ота юртга кўчамиз, бу дунёда туғилмоқ бор, ўлмоқ бор, хилхонамизга яқинроқ борайлик», деса. Тилини тишлади-ю, аммо... ичига юта олмади.

Ахир ичига юта-юта келган жойи шуми? На одамга ўхшаб Оллоҳга топина билади, на ота-боболари бўйин қўйган, фарз деб билган нарсаларга тиши ўтади. Адашиб-улоқиб ўтқариб юборибди умрни. Бу ёғига беш кунлиги борми-йўқми, шундай сўппайиб ўтиб кетиб бўлмас. Бир калима-бир калимадан ўрганганда ҳам, ҳарнадир?

— Гумроҳмиз, Азлар, гумроҳмиз. Шайтон ўзимизни йўлдан уриб қўйган. Бўлмаса, худойим шу нарсаларни аввалроқ дилимизга солмайдимиз?— деди астойдил ўлкиниб.— «Қулҳу оллоҳу аҳад»дан бўлагини билмасанг-а шу ёшда. Қандай гуноҳ...

— Мусулмончилик аста-секин, Бузрук, аста-секин,— деди Азлар таскин бериб ва суҳбат ўз-ўзидан шу мавзуга кўчганидан қулфи-дили очилиб кетди.— Сен қисинма, ёлғиз «қулҳу оллоҳу аҳад»нигина биларканман деб. Саҳобалардан бири шундай ривоят қилади: Бир куни офтоб ниҳоятда буюк бир нур билан кўтарилибди. Олдин қуёшни бундай нур ила ҳеч ким кўрмаган экан. Бироз фурсатдан сўнг ҳазрати Жаброил алайҳи-с-салом расулulloҳ хизматларига ҳозир бўлибдилар. Шунда саййиди олам сўрабдилар: ё Жаброил, нима учун биз бу кун офтобни шу тариқа буюк бир нур ила кўрдикки? аввал бу тариқа кўрмагандик? Маълум бўлишича, шу куни Мадинада бир тақводор одам вафот қилган ва Оллоҳ таоло унинг жанозасини ўқимоқ учун осмондан етмиш минг фариштани туширган экан. Ҳазрат сўрабдилар: ул киши шундай даражага қандай эришди, деб. Шунда ҳазрати Жаброил «ул киши ҳаёт вақтларида «Ихлос» сурасини кўп ўқир эдилар», деб жавоб қилган эканлар.

— Парвардигорнинг ёрлақгани шу-да, шу,— деди гап қистириб Ҳамрали.

— Биз эса манави еримиз тоза бўлса бас, деб юраверибмиз,— деди Бузрук кўкрагига нуқиб.— Ваҳоланки, у ёлғиз Оллоҳга муҳаббат билан тўлуғ бўлмагунча ҳеч экан.

— Бу муҳаббат ҳам уч тоифа бўлади, азизим,— деди Азлар, билиб қўй, деган маънода.— Биров дўзах азобларидан қўрқанидан бўйин эгса, биров худодан бир нималар тилаб сиғинади. Аслида эса, ёлғиз Оллоҳга топинмоқ, муҳаббат қўймоқ керак. Шунда ҳамма ниятларимиз мустажоб бўлмай. Билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган гуноҳларимизни ўзи кечиргай. Ҳаётимизга маъни киргай. Ҳар турли алдам-қалдамлардан, ҳаром-харишлардан нари юргаймиз.

Сўнг шом тушиб, меҳмонлар жойнамоз сўраб қолдилар.

Бузрук елиб-югуриб жой ҳозирлаб берган бўлса-да, улар намозга ўтишган чоғда бир чеккада қолиб, ёмон уялди: юраверган экан-да, ўзини мусулмон санаб?!

Сўнг меҳмонхонага қайтиб, яна лўлаболишларга ёнбошладилар. Кўк чойни майдалаб, узоқ кеча суҳбатига чоғландилар.

— Қишлоқ қалай? Турмуш сал энгиллашадиганми? Ё у ёқларга ҳам шаҳар нуқси уриб?...— деди Бузрук, дунёвий гапларга кўчиб.

— Э, нимасини айтасан, Бузрук. Шаҳар-қишлоқда фарқ қолдими ҳозир? Одамлардан иймон қочди, иймон. На ҳаром-харишнинг, на савобу гуноҳнинг фарқи борамиз. Юмронқозикдай ташмалаганимиз-ташмалаган. Бировнинг ҳақидан-ку, ҳазар қилмай қўйдик. На худодан, на бандасидан қўрқамиз. Қора кунга йиққаннимиз-йиққан. Билмадим, бу кетишда қаердан чиқамиз. Охир замондан чиқиб қолмасак кошки эди,— деди Азлар чиндан илон пўст ташлайдиган гапларга ўтиб.

— Йўғ-е, елкамизга офтоб тегай деганда-я?— деди Бузрук, унинг сўзларини муболағига йўйиб.

— Манави ерингдаги гапни айта олмасанг, айтсанг— далли-дарвишга чиқариб қўйсалар! Ҳатто ўз пуштикамарингдан бўлган зурёдинга сўзинг ўтмаса. Тўғри йўлга солиб юбора қолай десанг... устингдан кулиб турса... охир замон бўлмай нима бу?

— Сен ҳам уларни ўз қаричинг билан ўлчама-да, ўртоқ.

— Нима, менинг қаричим кичкина тортиб кетибдими шунчалик? Илло, бу қарич билан яшаган кимс у дунё-бу дунё хор бўлмагай,— қизишди Азлар.

Шундагина уларнинг бекорга келишмаганини сезиб қолди.

— Нима гап, тинчликми? Қишлоқда бирон воқеа рўй бердими ё?— деди астойдил хавотирга тушиб.

— Шунга яқинроқ,— деди Ҳамрали бош силкиб, лекин у ёғини ўзи айтишга истиҳола қилиб, кўшнисига қаради.

Азлар ҳожати бўлмаса ҳам кўрпачага тўкилган ушоқларни теришга алаҳсинди. Бироздан кейин жавобга оғиз жуфтлади:

— Ўзингдан қолар гап йўқ. Биз бир ишга бош қўшган эдик. Энди хижолатга қолиб ўтирибмиз.

— Нега? Нима бўлди?

— Ўғлинг... Мухсинжоннинг илтимоси билан бир тагли-тугли ерга қулчиликка боргандик.

— Хўш?

— Патир синдириб, фотиҳа қилиб келсак, икки кундан кейин бунақа нағмаси чиқиб турибди.

— Қандай?

— «Бўлмади. Тўйни қолдирамиз. Энди бу ёғини ўзингиз бир нима қилиб келишти-расиз», дейди ўғлинг.

- Муҳсин-а?
- Ҳа-да. Тепа сочим тикка бўлиб «фотиҳани бузиш хосиятли эмас-ку, ўғлим» десам, аччиғи чиқиб, юзи қорайиб кетди. «Булар мени ўлдириб, иснодларга қолдиргунча, шу ҳам афзал!» дедию чиқди-кетди.
- Астағфируллоҳ...
- Уртада нима гап ўтган — билмай қолдим. Ўзи юбориб, яна ўзи бекор қилиб ўтирибди.
- Чамаси ўғлининг кўз остига олгани бор-у, уни кўндиролмай...— тахминлади Ҳамрали.
- Шу замонда ўғил-қизнинг раъйига қарамай бўларканми?— деди Бузрук, энди астойдил ранжиди.
- Рост-да, қизини узатгандагиси кам эканми? Тўғри, ўшанда у вақт топиб тўйга келолмаган, лекин бир учини эшитган эди. Муҳсин катта қизини бир ерга унаштириб, тўй кунини белгилаб қўйса... ўша кунни бошқа никоҳ олдинроқ карнай-сурнай тортиб келиб, келинни олиб кетибди. Ана сизга шу замоннинг ёшлари!.. Агар бу гал ҳам фотиҳа бузилса, ўзи юртда қандай бош кўтариб юрмоқчи? Буни ўйлайдими-йўқми? У иснод қилмаса, бошқалар-чи?...
- Ўз билгисича иш тутиб шу ерга борибдими? Амал топиб, ақл топмаган бола-я!..
- Ҳаддимиз сифганидан келавердик, айбга буюрмайсан,— деди Азлар, хижолат аралаш.
- Айб нимаси? Бегонамидик, ўртоқ. От тепкисини от кўтаради-да,— Бузрук ўлганининг кунидан илжайди.
- Аммо Азлар бунга сезмади.
- Ками бўлса, яна битта илтимосимизам бор,— деди у маънодор кўз ташлаб.
- Майли, майли. Қўлдан келса, жоним билан.
- У шеригига ишора қилди:
- Бу кишининг куёвлари ҳақида, балки, эшитган чиқарсан?
- Бузрук бош чайқайди:
- Йўқ, беҳабарман. Тинчликми?
- Энкайиб ўтирган Ҳамрали сўник жилмайди:
- Бояқишнинг қўли ҳеч ерга етмади. Қайтага ишини терговга ошириб юборишди.
- Терговга?.. Кимнинг боласи, мен танийманми?
- Азлар тушунтиришга чоғланди:
- Раҳматли Мақсуд миробнинг ўғли-да.
- Қайси? Анави толмозорли... одамми?— У чиноқ дейишга ийманди.
- Ҳа, ўртоқ. Шунақа ишлар бўлиб кетди. Энди шу боладан эмас, биздан ўтибди,— деди Азлар.— Муҳсинга айт, кечирсин. Бир оғиз сўзи.
- Қизик, кимсан — унинг зурёди одам қаматадиган бўлиб кетибдими ҳали? Мана, узоқда юришнинг оқибати! Чумолига ҳам жабр кўргазмайман, деб қасамлар ичган одам-а? Сен бўлсанг уни мусичадан беозор, сутдан оқ, алифдан тўғри ҳисоблаб келибсан. Ҳарна қилса жигаринг-да?
- Узининг ўғлинг-чи?— деди бошқа гап тополмай.— Ахир, кимсан, районнинг каттаси-ку! Сўзи ўтмас эканми?
- Катталиқка катта, лекин...— Азлар чайналиб, қўл силкиди.— Ке, қўй ўшани. Сен турганда ўшаларга ялиниб юрмайлик.
- Мен...— Бузрук бош чайқаб, аччиқ кулиб қўйди: кошки шу гапни эшитиб ўтириш унга осон бўлса.— Ҳа, шундан шу ёққа овора бўлиб келиб юргунча, уч-тўртта қарияни кирита қолмадингларми олди?
- Азлар кўзини олиб қочди. Унинг ўрнига ҳам шериги журъатсизгина жавоб қилди:
- Бир сира одам ҳам кўювдик. Муҳсинжон кечмоқчиам бўлувдилар. Лекин куёвимиз... кошки парилари йўл берадиган одам бўлса...
- Шундайми?— Бузрукнинг кўнгли хийла жойига тушган вақтда яна гумон оралади:
- Нима айб ўтган экан? Яна қасдма-қасдига... бўлган чиқмасин бу иш?
- Азлар хўриллатиб-хўриллатиб чой ичаркан, ўзини эшитмаганга олди. Балки чинданам англамагандир. Лекин Ҳамрали қўлларини кўксига қўйиб, худди у айниб қоладигандек, жавобга ошиқди:
- У кишидан заррача гинамиз йўқ, ишонаверинг. Нима бўлса, куёвимиздан ўтган. Бизам уни тушунолмай доғдамиз. Дарвеш бўлиб дарвеш эмас, илмли бўлиб илмли... Худо билади, ўқиганлари калласига уриб кетганми? Бўлмаса эскичаю янгичани сувдек билади. Ақли балого етади. Лекин... ўлгудек қайсар. Шу қайсарлиги бошига етмаса деб келганимиз. Умрингиздан барака топинг, илоҳим пири бадавлат бўлиб юринг. Ўзингиз аралашмасангиз пишмайди...
- Яхши, шу билан мушқули осон бўлса, майли, борай...
- Иншооллоҳ, осон бўлгай, Бузрук. Худойимнинг ўзи кўнглига раҳм солса ҳеч нарса бўлмас...— деди Азлар, дона-дона қилиб.
- Шояд-шояд,— деди қўшниси умидворлик билан.

Сўнг кампири Ҳамрали билан ўғлига алоҳида, буларга алоҳида жой солиб бергач, чироқни ўчириб ётишди-ю, гап халталари қайта очилиб кетди.

— Барака топсин, кампиринг уринчоқкина экан. Ишқилиб ёлғизқўллинг билин-майдими?— деди Азлар гап ўзанини негадир шу ёққа буриб.

— Бозор-ўчарни ҳам ўзи қилади, мен фақат пул топиб келишни биламан,— деди Бузрук кулиб. Дўсти гапни нимага бураётганини англаб турса-да, сезмаганга олди.

Азлар қаддини сал ростлаб, ўринда ярим ёнбошлади. Шу баробар қайрилишдан ўтаётган машина чироғи ойнага тушиб, уй ичи ёришиб кетди ва дам ўтмай яна илгариги холига қайтди.

— Ҳар ким кўшгани билан қўша қарисин, деб шунини айтадилар-да.

— Нимасини айтасан...

— Сўзингдан, еру кўкка ишонмайсизлар шекилли бир-бирингизни?

— Нолийдиган жойи йўқ.

Азлар бир муддат жим қолди, сўнг тортиниброқ сўради:

— Ким кўпроқ ён босади: сенми, уми?

Бузрук ҳам ўйланиб қолди.

— Мен... шекилли. Ҳарқалай ҳеч кими йўқ бу ёқларда. Ёлғиз мени деб юрибди-да...

— Муомиласи, ўзбекчилиги бинойидек, ёмон эмас. Сенинг қистовинг билан тил ўргандими, ё?..

— Йўқ, ўзи. Меҳмон-излом келганда уялмасин, дейди шекилли,— Бузрук яқиндаги воқеани эслаб, кулди.— Бир кун ишдан келсам, узун кўйлак-иштон кийиб, дока рўмоннинг икки учини икки елкасига ташлаб ўтирибди. Қалай, дадаси, ярашибдими, менам кампиршоларга ўхшабманми, дейди.

— Ийиб кетгандирсан?

— Ийиш ҳам гапми?! Сен шунақа кийинадиган бўлсанг, кафтимда кўтараман, ҳар кўйлақликлар олиб берайки... дедим.

— Шунақами?— Азлар яна қаддини ростлаб, қўлтиғининг тагига ёстиқни тортди.— Беш қўл баравар эмас, деб шунини айтарканлар-да.

— Нега?— Бузрук у нима демоқчилигини яхши англамади.

— Катта идораларда ишлаган бир ошнамиз бор эди,— тушунтирди Азлар.— Кўп йил бўлди ётиб қолганига. Хотини ҳам, қизлари ҳам қарамай қўйган. Узоқ бир қариндоши бор экан, охири ўша эшигига олиб кетибди. Ҳамрали билан сўроқлаб борсак, бизни кўриб бир йиғлаб берди, бир йиғлаб берди. Кўнглимиз бузилиб кетди. «Мен худога нима ёзган эдим? Нега адашдим? Ҳар кимга ўз миллатидан буюрсин экан» дейди-йиғлайди, дейди-йиғлайди.

Бузрук, ичидан қиринди ўтиб, бир қўзғалиб қўйди-ю, сир бой бермади. Яхшиям чироқ ўчиқ. Бўлмаса кўзларини қаёққа олиб қочарди? Очиги, у кампирининг яхшиликларини билмаса кўр бўлади. Лекин, Ҳафизанинг ўрнини босиб кетди деса, худонинг ҳам, бандасининг ҳам олдида ёлғончига чиқиши тайин. Бу энди... ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган бир армон...

Бузрук жим ўтиришни ўзига эп кўрмай, гапни узоқдан бошлади:

— Ҳафта-ўн кун бурун бир туш кўрибман. Тўғрироғи, ақл бовар қилмайдиган иккита нарса тушимга кириб юрибди. Нима дегин-а?

— Хўш?

— Эскичадан ҳеч нарсада йўқ одам... масжидга чиқиб, сафга ўтиб турганмишман. Ҳеч иккиланмай ибодат қилиб, намоз ўқибман. Кейин бирам енгил тортибманки, сўз билан тасвирлаш қийин.

— Вақти-соати етгач, ўзи шунақа аён бераверади. Еш бўлармидинг энди?..

— Бу ҳам майли, худо таоло дилимга солгандир. Лекин ундан кейингисига нима дейсан?

— Хўш?— деди Азлар, томоқ қириб.

— Бир маҳал, тонгга яқин туш кўрсам, раҳматли Ҳафиза билан никоҳдан ўтаётганмишми. Лекин никоҳ ўқиётган домла ҳадеб қайтариб сўрармиш: сиз — куёв бўлмиш Эрмат ўғли Бузруқхўжа Христовор қизи Аннани тан маҳрамликка олдингизми?.. Ҳа, деяримни ҳам, йўқ деяримни ҳам билмасмишман. Олдим десам, келинлик либосида Ҳафиза ўтирибди, йўқ десам Ҳафиза бош силкиб, рози бўлаверинг, дейди. Аросатда уйғониб кетдим. Таъбири нима — билолмай гарангман.

— Уни қара-я! Рози бўлавер, дейдими? Ё қудратингдан,— Азлар тўлқинланганидан аzza-баzza туриб ўтириб олди.— Биласанми, бу нима?

— Нима?

— Ҳафизанинг ўзи йўл беряпти. Кампирингни никоҳлаб олишингга тўғри келади.

— Ростдан-а?— Бузрук шунга ақли етмаганига ҳайрон қолди.

— Кампиринг ҳам, худо хоҳласа, йўқ демас. Мен калимаи тавҳид билан калимаи шаҳодатни ёзиб бераман. Едлаш унчалик қийин эмас. Кейин битта мулла топиб, никоҳлаб олсанг, савобнинг тагида қолиб кетасан. Худойимнинг ўзи кўнглингга солибдими, бу ёғини совутма.

Бузрук ёқа ушлади: ё тавба...

Қиз шу топда ўзини энди учирма бўлган қушдек ҳис этар, жисмиям, руҳиям уқпардек энгил тортиб, кенг далаларгами, кимсасиз тоғларгами бош олиб кетгиси, ширин-ширин хаёллар сургиси келар эди. Ажаб ҳолат. Мана неча кундирки, ич-ичидан бир куй таралиб келаверади, келаверади. Гўё вужудида бир мусиқачи бору тиним билмай балоғат куйини чадади. У узатилиш куйими, никоҳ куйими, бошқами — айтиш қийин. Лекин сирли оламларга етаклагани-етақлаган, энтиктиргани-энтиктирган. Курагидан қанот ўсиб чиқа қолсаю учиб кета қолса.

Ахир учирмақанот қушлар ҳам мусаффо осмонларни ихтиёр этиб қоладиларку. Инларига сиғмай шаббохун уриб, аллақаяқларга учиб кетгилари келаверади-ку. Қиз боланинг иши ҳам шу экан: бир гўшада туғилмоқ бор, унмоқ-ўсмоқ, балоғатга етмоқ бор экан-у, шу гўшада мангу қолмоқ йўқ экан. Ахир бир кун шу учирма қушлардек она бағирни тарк этмоқ бор экан.

Саида тўй дарагини эшитгандан бери бугун уйда ёлғиз қолиши. Ҳар кунни ўзи супуриб-сидириб, сув секиб чиннидек қилиб қўйғувчи шу ичкари-ташқарили ҳовли, бўйларига гулбеорус гулсафсарлар экилган, бир ҳовлидан кириб иккинчисидан чиқиб кетувчи, ҳеч сув аримас шу қадимги ариқ, уй ортидаги нокзор олдидаги теракзор, яна ички ҳовлидаги сариғу қора гилослар кўз олдидан кетмас, ҳар бири беғубор, ўйинқароқ ёшлигини эсга солиб, кўнглида бир ўксуклик уйғотарди. Бунга сари ҳар биттасини кучоқлаб ўпгиси, шундай ширин хотиротлар учун раҳматлар айтгиси келади. Хайрлашув онлари яқин қолганини эслаб, жиндек сархуш тортиб ўтириб қолади-ю, яна дам ўтмай юраги ҳаприқиб туриб кетади. У эрталабдан бери ташқари чиқди, ичкари кирди, ҳовлиларни чиннидек қилиб супуриб, шакароблаб сув сепди. Минг хил юмушларга алаҳсиб кўрди. Лекин юрак қурғур ҳаприққани-ҳаприққан, нимагадир интиққани-интиққан. Баъзан ташвиш босиб, кўнглида озгина ҳадик, озгина қўрқув, жиндек хавотир уйғонгандек бўладию эртанги кунини ўйлаб кетади: чинданам қандай хонадон, қандай одамлар орасига бориб тушади? Урганишиб кетармикан? Ўз уйидек бўлармикан? Кувёга ёқармикан? Ундай деса, нега бирров кўрайин демайди? Балки бугун-эрта сўратиб қолар? Одам юборар?..

У челақ тагидаги сувни йўлакка секиб, ўзи айвон четига ўтирди. Ҳўл кафтининг орқаси билан пешонасига тушган сочларини тўғрилаб бир ажиб энтикди: фотиҳага қадар ҳам бир кўрайин демаган куёв қандай куёв экан? Ё аллақачон кўрманасиз ҳам кўриб улгурдимикан?..

Ва шу баробар энгил туфроқ иси анқиб ўтиб, хаёли бўлинди-ю, ташқи ҳовлида зарғалдоқ сайради:

— Биёв-биёв!..

Бу ёқимтой, ўқдеккина овозга қай бир қўшинининг шўх-така боласи жўр бўлди:

— Мен сенга куёв!

Қизнинг юзларига нур ёғилди: ҳўб топибдимни ўйинни?..

Чинданам қизиқ эди уларнинг ўйини. Зарғалдоқ биёв-биёвлашини, болакай «мен сенга куёв»лашини қўймас эдилар.

Шу орада дарвоза қия очилиб, остонада гул кўтарган қизлар кўринишди.

— Ҳов, ким бор?— деди қорачадан келган қақажон қиз ичкарига аланглаб.— Тўйхонада жимжитлик-ку?..

— Вой...— Қиз ўрнидан сакраб туриб, улар томон кучоқ очиб борди.— Келаркан-сизлару...

— Келдик, жоним, келдик. Бахтинг очилади-ю, эшитиб ҳам келмайликми?— деди сутга чайиб олингандек дўндиқ дугонаси.

Дугоналар жовур-жувур билан кучоқлашиб кўриша кетдилар.

— Вой, писмиқ, индамай юриб ишни битириб қўйган экансан-да?— деди бояги қорачадан келган қақажон ўртоғи. Унинг чўзиқ юзига ўнг бетидеги мошдек холи, доим чақнаб турувчи кўзлари ярашиб турар, ўзининг ҳам истараси иссиққина эди.

— Қўй, ундай дема, ўртоқ, бизниям шу кунларга етказсин. Қачонгача юрамиз, кўзимиз киши билмас олма-кесак тери-иб?

Ҳаммалари хандон ташлаб кулишдилар.

— Вой, ўлгангиналаринг яхши, эшитган одам нима дейди?— деди дўндиқ дугонаси уялиб.

— Қисинманглар-қисинманглар, уйда ҳеч зоғ йўқ. Заб келибсизлар-да,— далда берди Саида.

— Ана, мен нима девдим,— деди юзида холи бор, истараси иссиқ қиз, топағонлик қилиб,— дугонам бечора бир ўзи эшикка термулиб ўтиргандир демабмидим?

Улар ҳовлидаги ёғоч сўрига қараб юрдилар.

— Тўй яхши нарса-ю, лекин кун санаганинг, ўша кун кела қолмагани ёмон-да, а, Саи?..— тағдор гап қилди қай бири.

— Кун ўтгани сари юрак пўкиллаши-чи?— деди бошқаси.

— Оҳ, унга нима етсин,— деди учинчиси.

Қизлар бир-бирларини туртишиб уриб кулишди.

— Вой, ўлақолларинг. Ҳамманг эрга тегиб кўргандек гапирасанлар-а...— деди қақажон дугонаси.

Улар ҳазил-ҳузул билан сўрига етиб боришгунча Саида ичкаридан кўрпача кўтариб чикди. Сўнг хонтахтани келтириб дастурхон ёзди. Қизлар қоқиниб-суқинишиб, юз-қўлларини ювиб келиб ўтирдилар.

— Қани, Шоира, ўзинг она-хотин бўлиб, бир нарса деворгин-чи,— деди қақажон қиз.

— Омин, бизга ҳам сенинг йўлингни бериб, яхши-яхши жойлардан ато қилсин. Облоҳу акбар.

Қизлар юзларига фотиҳа тортиб ҳам кулишдилар.

Саида тақсимчаларда писта-бодому қанд-қурслар олиб чиқа бошлади. Нон синдирилгунча чой ҳам келди.

«Олинг-олинг» билан энди бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашга тушдилар.

— Вой, Моҳи, сени ҳам кўрадиган кун боракан-ку,— гина қилди Саида қақажон дугонасидан,— радиодан овозингни эшитиб, ўзингни бирам кўргим келадики...

— Юрибман-да бидиллаб. Кўздан нари, қулоқдан бери.

— Ҳалиям ўшатдамисан?

— Ўшатда-ўшатда,— жавоб қилди унинг учун ҳам Шоира.— Биронтаси бошини айлантириб, авраб кетмагунча қаёққа борарди?!

— Қани ўша аврайдигани? Ҳаммасининг бўйнига тўрва-халта тушиб, бола-чақали бўб кетди-ку.

— Сен учун бирон кунжакда қолгани бордир?

— Қолса ҳам қаёқдаги аммамнинг бузоқлари қолган-да...

Қизлар — ким қалқиб, ким қотиб-қотиб кулдилар.

— Тилгинанг қурмасин сени, тилгинанг, эркак бўлиб туғилишинга бир баҳя қолганда ўзи, бирпас тинч қўй. Ширин-ширин гаплардан ҳам гаплашайлик бундай,— деди Шоира.

— Ҳа-я, ахир Саини табриклагани келганмизми, қизартирганими? Мунча қиз боланинг юзини очмасаларинг?..— деди бошқаси.

— Рост, куёв болани ҳам билиб қўяйлик-да. Ким экан, осмондаги тўлин ойимизга эга чиқаётган? Таниймизми ўзи куёв поччамизни?— қисташди энди қизлар.

Саида лоладек қизарди.

— Кўрарсанлар... ичларинг қуримаса.

— Қуриб кетяпти-да ўша...— қистади Моҳира ҳам.— Майли, булардан уялсанг ўзимни қулоғимга айтиб қўя қол.

Қизлар жовуллашиб кулишдилар:

— Бегонамидик — уяласан, тортиб олмасмиз.

Саида ноилож секин учини чиқарди.

— Раиснинг ўғлимиш...

Қизлар анг-танг қолиб, бир-бирларига маъноли қарашди. Саиданинг юраги шу виллаб, ўзи сергак тортди.

— Ким? Анави таъвия — ижроқўм раисининг ўғлими?— деди Моҳира, лабини буриб.

— Йўғ-е, манави Новқатдаги раис-чи, дадамнинг ўртоқлари бор-ку,— деди Саида, юзига сал қон югуриб.

— Ҳа, ундай дегин. Анув элчиликка ўқийдиган ўғлигами? Вой, қандай яхши. Битириши билан чет элга кетасизлар, юрасан Эрматова хоним бўлиб!— деди дўндик дугонаси ҳаваси келганини яшира олмай.

Аммо кутилмаганда Шоира хол қўйди:

— Нима деяпсан, унинг юрайдигани бор-ку.

— Нима?

Қизлар кўзларини олиб қочгани жой тополмай қолишди: ким бекитиқча юзини сидирди, ким яниб қараб қўйди. Кейин Шоирани ҳар томондан тергай кетишди.

— Билиб гапиряпсанми ўзинг?

— Алахсирамай кет, қаердан олдинг бу гапни?

— Қутлуғ бўсинга келганмиш яна. Тўйбузуқига чиқиб қолмагин тагин.

Шоира ўзи айтган гап даҳшатини англаб етиб, тили зўрға айланди:

— Улай агар, мен у маънода айтганим йўқ эди, қулоғимга бир чалинувди холос-да. Чин сўзим...

Аммо Саида уни энди эшитмас, аллақандай мунғайиб ўтирар, ичидан зил кетиб йўларди: «Мана нима учун бирров кўрай демабди, гап бу ёқда экан-да.»

Ниҳоят Моҳира унга тасалли беришга журъат этди. Ўзига ярашадиган шаддодлик билан дугонасининг елкасидан самимий кучиб, ўзига тортди:

— Сен ҳеч қисинма, кўнглингни бузма, ўртоқжон. Ўзим суриштириб билиб берман. Менга ишонасан-а? Мени биласан-а?..

Саида кўнгли бузилиб четга қаради. Кузлари жикқа ёшга тўлди. Моҳира уни яна ҳам қаттиқроқ қучди.

— Қараб тур, ҳали бу кунлар ҳам бир эртак бўлиб қолади. Қўшганинг билан қўша қариганингда эслашиб юрасизлар,— деди қувлик билан.

Аммо ўзи куёвни яниб, аллақачон бошқа режалар тузиб қўйган, буни ҳеч зотга сездирмоқчи эмасди.

УЧИНЧИ БОБ

Пастда офтоб уфққа бош қўйиб, бутун шаҳар, дов-дарахтлар зарчўваранг шуъла ичида қолибди. У ҳадемай ботиб кетади, лекин шунинг олдидан ҳам зўр бериб оламни чурга чулғамоққа тиришади.

Валининг иши кўпайгандан кўпайиб, ҳали-вери қайтадиган эмас эди. Аммо уйдан кўнғироқ қилиб қолишди.

— Дадажониси, бугун сизни кутиб ўтирибмиз,— деди хотини ёнида биров бордай, ийманибгина,— вақтироқ келасизми?

Вали буни сезса-да, ҳар эҳтимолга қарши сўради:

— Нима эди?

— Муборакхон келганлар,— деди хотини, боши осмонга етганини билдираётган кишидай. Лекин тагида гинаси ҳам йўғамас: ишлари тушмаса йўқлашармиди?

— Қаёқдан кун чиқиб?— деб юборди Вали. Ахир ўзларига тенг кўриб йўқлаб келишганига ҳам қанча бўляпти. Худо билсин, беш йиллар бурунмиди? У вақтда Муҳсин бунақа машҳур ҳам эмасди.

— Ахир, бегонамизми? Биттаю битта укагинамдан бошқа кимим бор. Одам борса-келса азиз-да. Кела қолинг, кутиб ўтирибдилар.

— Яхши,— деб Вали дастакни жойига қўйдию ўйланиб қолди: Муҳсин-чи? У нега келмади экан? Ҳалиям тўмсайишиб юришибдимикан ё? Одам деган бундай сал бағри кенг, кечиримли бўлмайдими? Битта ўша воқеани деб хотин билан гаплашмай қўйиш яхшими? Ҳойнаҳой, яна бирор гап чиққандир-да.

Келса, худди сезганидай, Муборак кўзёши қилиб ўтирибди. Уни кўриб, хижолат тортди, кўзёшларини апил-тапил артиб, ўрнидан кўзғолдию бир чеккага ўтиб, қисиниб-қимтиниб сўраша бошлади.

— Яхши ўтирибсизларми? У ёқда савдогардан¹ хат келиб турибдими... бизлар сўрагандан бери?

— Келинг. Оғайним тузукми? Ишлар билан чарчамай юрибдими?

Ташқарида намозгар тушиб, чумчуқлар чирқиллаб қолишган, бир жуфт мусича кўноқ излаб, шохдан-шоҳга учиб ўтар эди. Вали чироқни ёқди.

Муборак мулозимат билан қўлини кўксига қўйиб турар, аммо кўзларига тик боқолмасди:

— Худога шукр, юрибдилар...— деди у, аллақандай қисиниб. Сўнг ер чизинди.

Шу ёшда, ўғил-қизлар бўй чўзиб уйлантирадиган бўлганида мана бундай аразлашиб юриш ёмон-да. Тағинам келин дарё экан, бошқаси бўлса, кўрсатарди икки куннинг бирида тўполон кўтаравериб. Юқорига ёзиб-чизавериб... Бу эса миқ этмай ўтирибди. Бардошига балли.

— Утиринг-ўтиринг,— деди Вали.— Мана, мен бу ёққа ўтдим. Қани, ойи, дуо қилиб юборинг.

Онаси сидқидилдан кўзларини юмиб, алқай кетди:

— Илоҳо омин, ҳеч бандаи мўминни сарғайгулик қилмасин. Ҳар кимнинг нима тилаги бўлса, ниятига етсин. Шулар қаторида бизларни ҳам ўзи ярлақасин.

Нозима чой қуйиб узатди-да:

— Олинглар, олиб ўтиринглар,— дея ошхонага чиқиб кетди.

Булар обдон ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишган шекилли, онаси ҳам ихраб-сиҳраб ўрнидан кўзғалди:

— Мен намозгарни ўқиб ола қолай, қазо бўлмасин...

Уяммас-буяммас, уларни атай ёлғиз қолдиришди шекилли. Ҳойнаҳой Муборакнинг унда гапи борлигини ҳам билишар. Меҳмон дастурхон попугини ҳардамхаёл текисланганча ийманибгина қараб қўйди:

— Булар иши тушса келаркан демайсиз-да, мулла ака!

— Нега, бизнинг ҳам ҳа деса бориб, ўтқазиб қўйган жойимиз йўқ. Замон шунақа, одам ўзидан ортмайди.

— Шу ташвишни кўтариб келмай қўяқолай десам, бошқа бировга оғиз очадиган гап эмас...

Бояқши янга, қирқ бешга бормаи сочига оқ оралаб, кулча юзига ажин тушиб улгурбди. Қани илгариги латофати, очилиб-сочилиб ўтириши? Кимсан, Фалончихон, раис-

¹ «Аскарликдаги ўғлингиз» демоқчи.

нинг хотини бўлиб, ясан-тусан қилиб юришлари? Одамни меҳнат эмас, ғам-ташвиш эзиб юборади, деб шуни айтарканлар. Ҳамма нарсани ичига юта-юта шу кунга тушибдими?

Қизи юзларига оёқ қўйиб кетганини кўтаришнинг ўзи осонми? Муҳсин ҳаммасини ундан кўрди: билиб туриб сен яширгансан. Қизингга бўлишибсан-ку, менинг маломатларга қолишимни ўйламабсан-да, овсар, деб тоза сўккани камдай, бир йилча гап-лашмай ҳам қўйган эди. Ҳаммаси унутилай деганда яна нима воқеа рўй бера қолибди?

— Муҳсинми? Уни тағин нима жин урди?— деди Вали ташвишга тушиб.

— Хабарингиз бор, тўй қилиб қўйгандик,— деди Муборак, овози титраб,— Лекин мен сизга айтсам, тўй эмас, бир аза бўляпти, айланай мулла ака!— Муборак тўлиб турган экан, ўзини тутолмай пиқиллаб йиғлаб юборди.— Пешонам шўр бўлмаса, буни-сиям нағма чиқарадими? Отасининг айтганига юра қолмайдими?

— Нима бўлди? Фотиҳалар ўтган, тўй куни тайин эди-ку?

Муборак ҳиқиллаб бошини сарак-сарак қиларди-ю, кўнглидагини тушунтиролмади.

— Узингизни босинг, янга. Ҳали ҳаммаси ўрнига тушиб кетади. Бекорга куйганингиз қолади.— Вали ўрнидан туриб, айланиб келиб ўтирди. У Муборакнинг ўзини босиб олишини кутарди.

— Кошқийди, мулла ака, кошқийди,— деди у ниҳоят, йиғисини ичига ютиб.— Лекин ўғлим сўзидан қайтадиган эмас. Дадамга айтинг, тўйни қолдирсинлар, қолдирмасаканлар опамники ҳам ҳолва бўлиб қолади. Уша куни бу уйга бошқа келин келади, дейди. Мен буларга қандай тушунтирай, жон муллакажон? Биттасидан куйганим етмасмиди, айтинг?

— Нима, ўзининг дегани бораканими? Илгарироқ қаерда экан? Айтмайдими шуни? Муборак сиз ҳали ҳеч нарса билмайсиз, дегандек бош чайқади:

— Вой, айтган, биладилар. Билиб туриб шу ёққа атай фотиҳа қилдирдилар.

— Уғли айтганини олиб берса, осмон узилиб ерга тушарканми?— жаҳли чиқди Валининг.

— Вой, сиз эшитсангиз гапларини! Кўзим очиқ экан, унинг айтгани икки дунёдаям бу эшикка келин бўлиб тушолмайди!— дейдилар.— Бўлмаса ойдеккина, етимча бир қиз... Билмадим, нима айби бор экан...

Вали боши қотиб, не деярини билмай қолди: чинданам нимага бунақа узил-кесил шарт қўяди? Ахир кар-соқов эмас, бир муштипар-меҳнаткашнинг кўздай қизи экан. Бунинг устига, ўғлининг ҳам кўнгли бор бўлса... Худога шукр қилмайдими, Масковдан битта сариқсочни етаклаб келса нима қиларди?

— Муҳсинга ҳам ҳайронман, ўғли ёш боламас, институтни битириб, чет элга ишга кетаётган одам бўлса, бир оғиз кўнглига қараса нима қипти?— деди хуноби ошиб ахйри.

— Шуни айтинг. Бечора бир ҳафтада ич-этини еб чўп бўлди-қолди.

— Йўқ дейишига бирон сабаб борми ўзи? Еки одатдаги менинг айтганим-айтган, деган қайсарликми?

Муборак эзилиб бош чайқади:

— Билмасам, мулла ака. «Йўқ дедим, йўқ!» деб икки оёқларини бир этикка тиқиб турибдилар. Эшитгилари ҳам келмайди бизни. Шундан гап очилди дегунча юз буриб, тунд бўлиб оладилар. Узингиз тушунтиринг оғайнингизга. Шу ўғлимизга ҳам жавр қилмасинлар, айтинг. Зора сизга йўқ демасалар, инсофга келсалар. Мен энди ўртага тушолмайман. Юрагим тамом бўлган, муллакажон. Бу тўйда ҳам бирон воқеа юз бериб ўтирмасин... Кейин юртда нима деган одам бўламиз? Ҳеч бўлмаса шуни ўйласинлар.

— Яхши,— деди Вали бирда-иккида бунақа ишларга бош қўшмаган бўлса ҳам, уни тинчлантириб.— Бугун десангиз, бугун ўтиб гаплашаман. Сиз хотиржам бўлаверинг. Худо хоҳласа, ҳаммаси жой-жойига тушади. Мени айтди дейсиз.

Хотини чинни идишда шакароб кўтариб кириб, овқат сузишга изн сўради. Шу билан бу суҳбатга нуқта қўйилди. Муборак унга ишониб анча таскин топган, ҳозир бемалол ўтирган бўлса-да, Валининг хаёлидан буларнинг чигал тақдирию кейинги йилларда хонадон бошига тушаётган ғавғолар нари кетмасди. Узи нималар бўляпти? Нега оғайнининг хонадонидан хотиржамлик кўтарилиб, ҳар турли мушкулотлар ёғилапти? Айни давру даврон сурадиган пайтларида нега бошлари ташвишдан чиқмай қолди? Ким айбдор? Ҳамма ҳам умид билан ўғил-қиз ўстиради, лекин булар нега фарзанддан ёлчимаппти? Аввал қизи ундай қилиб эрга тегиб кетган эди, энди ўғлининг нағмаси чиқибдими? Муҳсинга ҳам осон тутмаслик керакдир, лекин асли нима бўлган? Бу кўр-кўрона қайсарликми ё!..

Бир кеча отамлашиб ётиб, гаплашиб келса, балки ҳаммаси изга тушиб кетар? Ахир, оилада нима гаплар ўтмайди?..

Ноумид шайтон деб ўша куни боргани бир бўлдию Муҳсиннинг рўйхушлик бермай кутиб олгани ҳам бир бўлди. Новқатдаги меҳмонхонасида юқоридан келган аллақандай меҳмонни кузатолмай гаранг экан, унинг келганини эшитиб, шошиб қолди:

— Нечук, қандай шамоллар учириб?— деди телефондаёқ.

— Шу, бир отамлашиб ётиб кетгим келди,— деди Вали гап тополмай.

Мухсин бир муддат жим қолди. Афтидан, бунақа тўппа-тўсиндан келадиган ода-тинг йўқ эди-ку, демоқчи бўлди-ю, аммо юзхотир қилди. Фақат хийла вақтдан кейин тагдор қилиб сўради:

— Янганг борган эдими?

Вали энди яшириб ўтирмади:

— Ҳа, бирга ола келдим. Яқин-орада қутуласанми ё ўзим ўта қолайми?

— Йўқ, эшикда кўриша қоламиз,— деди Мухсин истамайгина ва шошиб кўшиб қўйди.— Уят бўлар, сени меҳмонхонада кутсам?..

— Бу бошқа гап. Утиратураман,— деди Вали ҳам.

У ярим соатларда пишиллаб кириб келди:

— Узр, ошна, бизнинг чекимизга тушгани шу экан: ҳеч вақтида қайтолмайсан, одамларга ўхшаб хонадонингда бундай оёқ узатиб ўтиролмайсан. Қачон қарасанг югур-ғур, бировларнинг кўнглини ола қолай деб ҳалаксан.

Улар қучоқ очиб кўришар эдилар, ҳозир шу таомилни ҳам буздилар.

— Кечирасан, уст-бошим чанг, боя пахта пунктига ўтгандим,— Мухсин баҳона қилмоқчи бўлди-ю, ўринлата олмади. Вали сезди: недурки, сен қози бўлиб келмасанг кимнинг кўнгли қолувди, демоқчи.

Яхши, биринчи бўлиб гап очмагани бўлсин. Қани, қанчага чидаркин бардоши? Талай вақтгача ҳар нарса устида гаплашса-гаплашдики, бу ҳақда миқ этмади. Бека пишириб келган ошни «ол, қани ол» билан еб бўлдилар, эзиб-эзиб кўк чой ичдилар, дастурхон йиғилиб, алламаҳал бўлди ҳамки, бу гап очмади, у сўрамади.

Ниҳоят, Мухсин ўрнидан турди:

— Ўрин солингунча бир айланиб келайлик бўлмаса.

— Яхши.

Икки ўртоқ кўчага чиқиб чекишди. Сўнг тепага қараб юриб кетдилар. Кўчанинг икки ёқасидаги теракларнинг барглари шалдиратиб, қир томондан енгил шабада эсар, қишлоқ осуда уйқуда ётар, ахён-ахёнда катта йўлдан машина гувиллаб ўтиб қоли-шини айтмаса, тиқ этган товус эшитилмас эди.

Вали ўйларди: беш йилмас, ўн йилмас, қанча вақтдан бери юрт тепасида юрган одам нечук ўз хонадонига тартиб ўрната олмайди? Четдан қараган кишининг «шу одам-нинг ҳам армони бормикан», дейиши аниқ. Ростдан ҳам, у эришмаган нима қолди? Наинки Фарғонада, балки Ўзбекистонда ҳам доврўқли раис. Даври келса шу-да, номи газету радиолардан тушмайди. Ўзи юқорининг эрхаси. Икки-уч йил чидаб берса, бу обрўлардан боши айланиб қолмаса, кўксига қаҳрамонлик юлдузи тақилиши ҳам тайин. Шундай одам уйдан тинчимаса-я?! Ҳар тўқисда бир айб, деб шуни айтарканларми? Энди иши юришиб, омади чопганида худо шу ёқдан қисмаса нима қилибди? Қизи ундай қилиб кетганда, ўгли бундай шарт қўйиб ўтиргани нимаси?

— Баҳодир қачон кетадиган бўляпти?— деди у ниҳоят, гапни узоқдан бошлаб.

— Шу... уйлантириб жўнатсакми, девдим.— Мухсин бўладиган гапга кўчавер, нимага келганингни биламан-ку, дегандай қараб қўйди.

— Яхши ўйлабсан, лекин унинг кўнглига ҳам қараш керакмиди?

— Биттаси қизими?.. Буларнинг кўнгли нималарни тусамайди?!

— Янгамда нима гуноҳ? У бояқиш ҳам шундай бўлсин демагандир?

Мухсин кутилмаганда унинг елкасига қоқиб, бир дақиқа тўхтатди:

— Қўй, ошна, эски ярани очмайлик.

— Яхши, истамасанг нима ҳам дей.

Улар яна гузарга қараб жим кета бошладилар. Қаердадир хўроз кичқирди. Кўча бошида сутдек ёруғ гузарнинг бир чеккаси кўзга ташланар, азим тераклар тинимсиз шовуллар эди. Бу гал Мухсиннинг ўзи гап очди:

— Нима деб борибди янганг? Яна ўғлининг ўртасига тушиб юрибдими?

— Йўқ, икки ўт ўртасида қолибди, шўрлик. Уни деса сен хафа бўласан, сени де-са — у. Нима қилсин? Қайси бармоғини тишласин?

— Шундай дейсан-ку, лекин... унинг топганига розилик беролмайман. Эшитяпсан-ми, икки дунёда ҳам... Битмайдиган иш бу. Сен бекор аралашибсан,— деди Мухсин, аллақандай тушқунлик билан.

— Унда сен ҳам эшит-да, ўғлингнинг шартини. Тўйни қолдирмасалар ўша куни ўз айтганимни етаклаб келаман, қизлариники кам бўлса... деяётганмиш.

— Нима-нима?— деди Мухсин, гарангсиб.

— Қўй, ошна, ҳозирги ёшларни биласан-ку, бир маломатга қолдирмасидан...

— Шунақа йўлга ўтибдиларми ҳали?— деди Мухсин туюқиб.

Вали уни тинчлантирди:

— Илтимос қилибди, оғайни, илтимос. Поччам ўзлари тушунтирсинлар, дебди.

Сен ҳам тушунгин-да, уни.

— Мени-чи? Мени ким тушунади? Айт, ким?..— Мухсин шундай деди-ю, кутилма-ганда тилини тишлаб сўникиб қолди. Қараб туриб, Вали унга ачиниб кетди: бечора ошнам, қандай оғир кунларга қолибди? Нимага унай қолмайди? Ё ўртада бошқа гап борми? Юрагини очса-чи бундай.

Улар кўча бошига чиқмай, орқага қайтдилар. Жимгина, ўз хаёлларига толиб, орага бир сўз ҳам сиғмай...

Аммо шу вақт қаердадир, жуда яқин жойда бойўғли хунук сайрадио улар таққа тўхтаб қолишди. Иккаласининг ҳам дилидан овози бунча совуқ, деган фикр кечиби, юраклари хунук симиллаб кетди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

— Вуй, Баҳодир ака, анави томонни қаранг. Мунча чиройлик?— Торгина дара ичида сой ёқалаб тушган йўлдан илдам бораётган машина қайрилишдан ўтиши билан олдинда янги маъво юз очиб, Жамила шошиб қолди.— Шохимардон деганлари шуми?

У ён ойнадан бошини чиқариб, осмон қадар баланд тоғларга, унинг яшил ёнбағирларига суқланиб тикилди, шамол эса, сочларини тўзгитиб, юз-кўзларига ёйди.

— Шу жоним, шу. Қаёққа олиб кетяпсиз, деб қўрқасан, ваъдамни устидан чиқибманми?

— Чиқибсиз, раҳмат,— у миннатдор бош силкиб, яна ўша тарафга қараб олди. У ёқда эса, тоғ ёнбағирга ўрлаб кетган ўрикзорлар усти шундай қизариб, олов тусга кирганки. Жамила бунақасини биринчи кўриши: шунақа гўзал куз келарканми, бу томонларга?

Пастда — томи томга тутшиб кетган қишлоқ. У икки сой оралиғига сиғмай, ўнг қирғоққа ҳам сакраб ўтган-да, тоғ ёнбағирлаб аллақанча жойгача кўтарилган. Ўша уйлар тугаган ернинг тепасидан тоққа ариқ чиқарилган.

— Вуй, сув ўшоқгача чиқиб борадими?

— Боради. Жаннатариқ ўша-да,— тушунтирди Баҳодир ва кулиб кўшиб кўйди.— Истасанг, олиб чиқай. Одамлар атай ният қилиб келишади.

Жамила лавлагиси чиқиб, кўзларини олиб қочди ва гапни айлантирди.

— Кўли қуббон-чи, қайси ёқда?

Унинг уялгани йигитга хуш ёқиб, зимдан қараб кўйди:

— Шаҳар берсанг айтаман.

— Доим ялинтирганингиз-ялинтирган экан-да?

— Ҳали нимага олиб келаётганимни билсанг эди...

— Буям топишмоқ денг? Жудаям сирли бўлиб кетяпсизми кейинги пайтда?

— Сенга шундай туюляптими?

— Билмасам... Шунақага ўхшайди-ку.

— Демак, бир сир бор.

— Қанақа сир?

— Шаҳар берсанг... айтилади.

Иккаллари қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди ва Баҳодир машинасини сой бўйидаги толлар тагига буриб тўхтатди. Юзига сувнинг салқини уриб, шарқирашидан қўлоғи том битди.

Ажаб ҳол: худди шу ердан Шохимардонсой бошланар, унга икки томондан келиб қуйилаётган Оқсув билан Кўксув талай жойгача бир-бирига қўшилолмай оқиб бориб, сўнг чор-ночор аралашиб кетар эди. Табиатнинг мўъжизасини қаранг: Оқсув сутдай оқ бўлса, буниси ферузаранг. Осмондан нусха олгандай. Фақат, кўшилиб ҳам талай вақтгача қовушиб кетолмасликлари қизиқ. Худди уларга ўхшаб. Қанча вақтдан бери бир-бирларига интилиб-талпиниб яшайдилар-у, лекин қовушолмай ҳалаклар...

Гузар одамлари кўчиб кетган қишлоқ каби кимсасиз эди. Баҳодир қизнинг белидан энгил қучиб, кўприк томон бошлади:

— Бирпас пиёда айланайлик-а, кўлга чиқиш қочмас?

— Майли.

Улар бўм-бўш расталар ёқалаб боришаркан, Баҳодир завқи тошиб таништира кетди:

— Бу ерларга августнинг бошларида келсангми, сайил бўлиб кетади, сайил. Одамлар бола-чақалари билан оқиб келаверишади, тўп-тўп бўлиб хонадонларга жойлашаверишади. Кейин бир ёқда дор, бир ёқда полвонларнинг томошаси, бир ёқда бозор қизигандан қизийди. Чойхоналар ошхўру чойхўрларга тўлиб кетади. Манави расталарда пашмақдан тортиб роҳатижонгача, сақичдан тортиб ҳар турли ҳуштакларгача сотилади. Етти иқлимнинг бозорида топилмайдиган, атторнинг қутисиди йўқ нарсаларни шу ерда кўрасан.

Жамила унга синовчан қараб кўйди:

— Бизсиз ўзингиз келиб юрган экансиз-да?

— Мана, сени ҳам олиб келдим-ку!

— Атай ҳеч ким йўғидами? Ҳечдан кўра кеч деб?

— У ёққа кетиб қолсам, ваъдаси ёлғон деб юрмагин-да.

Жамила тараддулланиб тўхтади:

— Қаёққа-қаёққа?

Йигит маънодор бош силкиди:

— Узо-оққа...

— Узофингиз қаёқ?— юраги ҳаприқа бошлаб, ижикилади Жамила.

— Мениям олиб кетасиз десанг... айтаман,— йигит юрагини нимадир кемириб турса ҳам, гапни ҳазилга бурди.

Жамила аразлаб, илдамлаб кетди-ю, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай тўхтаб, ўгирилди:

— Унамасам-чи?

— Иложим қанча. Зорим бор-у, зўрим йўқ,— деди йигит сўникиб.

— Вой, тавба. Мени шунинг учун... олиб келган экансиз-да?

Йигит этиб олиб, унинг елкасидан кучди:

— Дарров аразламагин-да. Бу гапларни сенга айтмасам кимга айтаман?..

Улар садақайрағоч тагидан бурилиб, тош зинага қараб юрдилар. Кейин бир-бир босиб тепага кўтарилди бошладилар. Ҳар зина ошган сари олам кенгайиб, қишлоқ пастда ҳолиб борар, кунботарга қараб кетган сою дарани оқиш туман чулғаб ётганга ўхшар эди.

Жамиланинг хаёлидан бояги гап кетмайди: демак, хайрлашув олдидан бу ёққа олиб чиққан экан-да? Олиб чиқиб...

Охири сабри чидамади:

— Ҳали ташлаб кетаман денг?

Йигит шошиб қолди:

— Йўқ, хўп десанг олиб кетмоқчиман. Бунинг учун...

— Нима, бунинг учун?

— Гапни бир ерга қўйиб олишимиз керак, Жамила,— йигит тўхтаб, унинг кўзларига ўтинч-ла термулди.

— Узи нима гап, Баҳодир ака? Нимага очигини айта қолмайсиз?— деди Жамила ваҳимага тушиб.

— Тўй кунини... белгилашимиз керак, Жамила. Кейин кеч бўлади, мени тушун,— деди йигит, ниманидир ҳамон очиқ айтолмай.

— Биз-а? Нималар деяпсиз. Баҳодир ака? Уятни йиғиштириб-а? Ҳеч замонда тўй кунини сиз билан мен ҳал қиламизми? Қўйинг!— Жамила ундан четланиб, олдинга қараб юрди.

Беш-олти қадам кўтарилиб, бундай қараса, у ҳали ҳам ўша жойда, ер чизиб турибди. Қайтди. Келиб, секин тирсагидан тутди:

— Уйдагиларингиз мени олиб беришмоқчимасми?..

Йигит унинг юзига ялт этиб қаради-ю, яна кўзларини олиб қочди. Қулоқларининг учигача қизариб кетди. Сўнг шаҳд билан бошини кўтарди:

— Жамила, мени десанг, тўйимиз ўша кун бўлиши керак. Никоҳ уларниқига эмас, қасдма-қасдига сизларниқига боради. Мен сени деганман. У дунёда ҳам тонмайман.

— Тавба,— ёқа ушлади Жамила,— қайси кун? Нимага қасдма-қасд? Тушунтириб гапирсангиз-чи, бундоқ?

Йигит унинг елкаларидан тутди:

— Биласанми, менинг розилигимсиз биттасига фотиҳа қилиб қўйишибди. Уйлантиришармиш мени.

Жамиланинг ҳуши учиб, оёқларидан мадор кетдию ўзи секингина тош зинага ўтириб қолди.

Фотиҳа? Уйлантиришармиш?.. Вой, шўрим!.. Йигит қаршисига чўккалаб, унга ялинади-ёлворади, қани қулоғига бир нарса кирса, таскин берса! Қайтанга кўнгли баттар ғашланиб, хаёл минг ёққа олиб қочади: шунинг учун бу хилватга олиб чиққан эканми? Айтгани четроқ жой излаган, йиғлайди-сиқтайди, иложи қанча-кўнади, деган эканми? Йигитларнинг муҳаббати шу — янгисини топганда эскисидан воз кечмоқ экан-да? У бўлса, «Жамила»лаб елкасидан силкилайди. Қани ҳуши ўзига келса, гапини англаса...

Охири йигит уни даст кўтариб, қўлтиғидан олганча юқорига бошлаб кетди. Оёқлари пиллапоярларга тегиб-тегмайди, назарида тепага кўтарилишгани сайин булутдан салла ўраган тоғлар ҳам, пастда тошдан-тошга урилиб оқаётган сой ҳам, жарликлару тепа ёнбағирлари ҳам чирпирак бўлиб айланаётгандек.

Ниҳоят, юзга ғир-ғир шабада ура бошлади. Бирам майин, бирам роҳатижон. Сал ўзига келгандек бўлдию йигитга илтижо билан деди:

— Шу ерда бирпас ўтирайлик...

Улар ўтиришиб улгурмай, ҳайкал томондан икки болакай чопқиллаб келиб, бидирлай кетишди:

— Ака, қалампирмунчоқ олинг, таваррук, Шоҳимардон бувамдан эсдалик. Ола қолинг. Опамларга олиб беринг. Мана, ҳидини кўринг, бир чақиримдан гуркирайди.

Улар Баҳодир оғиз очгунча бўлмай қалампирмунчоқ шодасини бурниларига тиқиштиришар, «ҳидини қаранг — бу дунёниқимас», деб ҳоли-жонларига қўйишмас эди.

— Оламизми?— деди Баҳодир ютиниб.

— Майли,— деди Жамила хўрсиниб,— бу кунлардан ҳам бир эсдалик қолсин.

Баҳодир тумтайди:

— Ундай десанг олмаймиз. Гапингни қайтариб ол.

— Қайтариб олган-олмаганимда бир нарса ўзгариб қолармиди?

— Қолади,— деди у қайсарлик билан.
 — Унда... ўзингиз биласиз,— деди бўшашиб Жамила.
 Баҳодир болаларни хурсанд қилиб жўнатиб, ёнига ўтирди.
 — Энди у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшит,— деди дабдурустандан. — Е Фотиҳа бузилади, ё шу оянинг охириги шанбаси тўйимиз. Никоҳ сизларникига боради. Билиб қўй.
 — Вой, аямлар-чи? Улар нима дейдилар? Сўрамасдан-нетмасдан... Гапингиз қизиқ,— Жамила юрагига ғулғула тушиб, нари сурилди.
 — Аянги кўндирасан. Гап тамом.
 — Вой ўлай... Совчиларсиз, фотиҳасиз-а? Бир ками шарманда бўлишимиз қолувдими? Йўқ, йўқ... Керакмас! Керакмас, Баҳодир ака!..
 У йигитнинг елкасига бошини қўйиб, ўзини тутолмай йиғлаб юбордию қалампир-мунчоқ шодасига бир томчи ёш тушиб, муаттар бўй гурқираб кетди.

БЕШИНЧИ БОБ

...Тўхтасинов мажлисни ҳеч қачон шахсий масалани кўришдан бошламасди. Ирим қилармиди, ишқилиб, буни ҳосиятли деб билмасди. Шахсий масала бўлгач, жазо берилиши, асаб бузилиши тайин. У кейинги йилларда бундай нарсалардан ўзини тортиб, мулойимлашиб борар, афтидан бировга қаттиқ тегиш, ўзидан ёмон ном қолдиришни истамас, бир сўз билан айтганда яхши қариётган эди. Аммо бу гал таомил бузилиб, ҳамма бошқа масалалар орқага суриб қўйилди. Котиб бошиданоқ зарда аралаш югурдақларига буюрди:

— Чақиринг анави қувалик гиройни! Кўриб қўяйлик ўша билими калласига сиғмай кетган муллани!

Бюро аъзолари ҳайратланиб, аввал унга, кейин бир-бирларига қараб қўйишди: астойдил-ку? Тинчликмикан?

Катта стол атрофида шивир-шивир гап юриб қолди: «Московга ёзганакан... Ҳаммасини қўшиб...» «Ана онкўрлик!..»

Бир маҳал кичик залга жинқарчадек довдир йигит кириб келди. Олқиндидек юзи, қийиқ кўзларида на саросима, на хавотир бор. Бу ерда чарсфеълу саркаш амалдорлар ҳам ювош тортиб, қўллари кўксига бош эгиб турадилар. Ҳар қандай зуғумлару сўкишларга чидаб берадилар. Ишқилиб столу қизил дафтарчадан айрилиб қолмасалар бўлгани. Бунинг йўқотадиган нимаси бор? Ўзи оддий муаллим бўлса.

Лекин у бунақа жойларга биринчи келиши шекилли, эшикдан кириши билан бир дақиқа тўхтаб, катта столга эмас, гир атрофдаги стулларни тўлдириб ўтирган казозоларга кўз қирини ташлаб олди. Сўнг кенг пешонасига сирғалиб тушган сочини орқага сидириб, дўрдоқ лабларидаги истеҳзони ҳам йиғиштирмай катта стол қаршисига ўтди ва аллақандай соддалик билан котибга мурожаат этди:

— Шу ерда турсам... бўлаверадими?

Ҳамма кулиб юборди.

— Бўлаверади,— деди Тўхтасинов ноилож, мийиғида илжайиб. «Тоза аломат экан-ку, парвосига илмайди-я.»

Йигит нари-бери сурилиб, оёқларини керганча тўхтади.

— Бўлмаса, мана, мен келдим.

Баттар кулги кўтарилди. Йигит лаб буриб, елка қисди: маймун ўйнатяптими — кулишади?

Тўхтасинов салмоқ билан қадам ташлаб, нари-бери юраркан, бирдан таққа тўхтаб, ранги ўчди. Сўнг жеркиб берди:

— Бас, майнавозчиликни йиғиштиринг, Мақсудов. Бу ер ажойибхона эмас, обкўм!

— Менам маймун эмасман, ўзларингиз... ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ,— деди йигит. Тўхтасинов гап қайтаряпти деб ўйлаб, бўғриқиб кетди ва столни шапатилади:

— Ҳап туринг. Ҳали сизга гап берганимизча йўқ.— Унинг туйқусдан тўнини тескари кийиб олиши қизиқ эди. Еки юқоридан топшириқ бормикан? Ўзига қолса бундай қизишиб ўтирмасди-ку! Котиб бурилиб нари кетаркан, тўнғиллаб қўйди.— Ўзи жинқарча-ю, яна тилини бермайди!

Бу сўз ўзларига ҳам тегишлидай, бюро аъзолари ўтирган жойларида тек қотдилар. Шивир-шивирлар ҳам тинди-қўйди. Аммо шахсий масаласи кўрилаётган йигит четга қараб, очикдан-очик кулди. Кейин лаб-лунжини йиғиштиролмай:

— Манавиларга айтсангиз ярашади. Нима, мен сизни солдатингизманми, ёт десангиз ётиб, тур десангиз турадиган?— деди.

Тўхтасинов турган ерида бақа бўлиб қолди. Юзидан қон қочиб, хунук тортиб кетди ва ўзини базўр босиб стулга чўкди. Шунинг баробарида:

— Бўлмаса кимсиз?— деди кинояомуз.— Сизам шу партиянинг аъзосидирсиз?— Бунга ҳам қоникмай, облоно мудирдан сўради:— Партияда борми бу кишингиз?..

Мудир дик этиб туриб, жавобга ошиқди:

— Худди шундай. Аъзам Пўлатович, аъзо бўлганда ҳам энг нолойиғи!

Котиб ўзига етгунча ўжар йигитга маънодор бош ирғади:

— Эшитдингизми, баҳоингизни?

Нолойиқ аъзо ҳеч тап тортмай, мудирнинг устидан ҳам кулди:

— Узлари... лойиқ эканмилар?

Ана шаккоклигу мана шаккоклик! Залга сув қўйгандек жимлик чўкди. Ҳатто катта дераза ойнасида визиллаётган қовоғари овозигача аниқ эшитилди.

Тўхтасинов столга кўксини бериб, унга тикилиб қолди. Сўнг ўз хаёлини ўзи қувгандек столни шапатилаб, қадини ростлади:

— Ҳай, лойиқми-нолойиқми, бу — бошқа масала. Ҳозир бўладиган гапга келсак: ўзингиз нима жин уриб Масковларга шикоят қилиб юрибсиз? Нима, бу ёқларда адолат қуриб кетган эканми?

Шаккок муаллим гарданини қашлади, сўнг катта ойнаванд деразанинг тепасида ўрниб ётган қовоғарига тикилди.

— Биз сиздан сўраяпмиз, шунча гапингиз борақан, нимага бизнинг олдимизга келмайсиз? Шундай-шундай демайсиз? Ҳар нарсага Масковга чопаверадимми одам деган?— деди котиб, энди танбеҳ бериб.

— Жавоб бермасам майлими?— деди муаллим оёғини кериб ўрнашиброқ турганча.

Кимдир пиқ этиб кулиб юборди. Узун столнинг энг чеккасида ўтирган бюро аъзоси бошини кўтариб унга қаради:

— Мулла йигит, қаерда турганингизни биласизми?

— Биламан, нега билмас эканман,— деди у оёғини ўйнатиб. Тавба, бу одат шекилли унга: гап аралаш, худди бировнинг кетига тепаётгандек, оёғини саланглатиб қўяди.

— Билсангиз, нега ўзингизни бундай тутасиз, масъулият сезмайсиз?

— Менам сиздан бир нарсани сўрасам майлими?— деди муаллим кутилмаганда, ҳалиги бюро аъзосига қараб.

— Марҳамат.

— Раҳмат. Айтинг-чи, сиз ҳам, манави шерикларингиз ҳам шу курсиларда ўтириб, вилоятда тартиб-адолат ўрнатяпмиз, деб ўйлайсизлар-да?

Бюро аъзоси каловланиб бир муаллимга, бир ёнидагиларга елка қисиб қаради:

— Бўлмаса, нима қилиб... ўтирибмиз?

— Мен ҳам шунга айтяпман-да. Сизлар ҳеч нарса қилмагандан кейин Масковга ёзмай қаёққа ёзай? Катта холамининг эрига айтилган додими?

— Шошманг-шошманг,— тоқати тугаб ўрнидан турди котиб.— Жуда ақлингиз тошиб кетган экан-ку, а? Қаерни битиргансиз?

— Тошкент университетини... Нима эди?— деди муаллим тўрсайиб.

— Э, домлаларингизга балли. Роса тарбиялашган экан-ку,— деди котиб кесатиб.

— Домлаларнинг нима дахли бор? Шикоятимнинг бирор ери хатоми?

— Ҳаммаси тўхмат, бўхтон. Вассалом!— деди Тўхтасинов.

— Текширмай айтишдан осони борми? Текширтирибсизми, вассалом дейсиз?

— Утир-ўтир, сенга гап йўқ,— деди котиб энди ловуллаб.— Кўриб турибман, у масалаларга ақлингиз, тишингиз ўтмайди.— Тўхтасинов асабийлашиб, галифе шимининг чўнтагига қўлини суққанича икки қадам юрдими-юрмадимми, яна ўгирилди ва стол устидан аллақандай қоғозни олиб (муаллим юқорига ёзган хат бўлса керак) жаҳл билан силкиди.— Ростига кўчавер. Бу фактларни қайси отинг ўчкур провакатор берди? Айт, ким берди?

— Мени қўғирчоқ дейсиз-да?— йигит ўзини аввалгидан ҳам эркин тутиб, истеҳзоли илжайди.

Котиб қайтиб келиб, столга кўкрак бериб ўтириб олди:

— Бўлмаса, кимсан?

— Худога шукр, бир одамман. Кўзим, қулоғим, ақлим бор ўзимга яраша.

— Биз-чи, бизники йўқ эканми?— тўнғиллади котиб.

Йигит иржайганча бошини кўтарди:

— Ростини айтсам... майлими?

Бюро аъзолари жонланиб ивир-сивирга туришди. Кимдир қизишиб:

— Айтсин-айтсин, эштайлик,— деди.

— Майли, айт,— изн берди котиб, қовоғини очмай.

— Анув... бўялган ўрис қурчоқ бўлади-ку... бирини очсангиз бошқаси чиқади, уни очсангиз яна бошқаси...— йигит чаккасини ушлаб, эслашга уринди.— Ҳаҳ, бизда нимаям дерди?..

Ҳамманинг нафаси ичига туриб кетди. Баъзиларининг кўзи шокосага айланди: нима демоқчи бу шаккок?

«Шаккок» эса севириб, қўлини тиззасига урди:

— Ҳа, топдим! Мирзидиккай! Ҳаммангиз мирзидиккайсиз!

Шу вақтгача ҳеч ким бу даргоҳда бунақа бетгачопарлик қилмагандир? Бу эса ўйнаб-ўйнаб, оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетадиган гапдай айтди-юборди. Тамом.

Энди аяб ўтирмайдилар. Тавба, шу дунёқараши билан қанақиб партияга ўтиб қолган экан? Ё, кейин айнидимикан? Қачон совиб, эътиқоддан қайтиб улгурибди?

— Етар маймун ўйнатиш?!— деди аллаким.

— Муҳокамага ҳам арзимади,— деди бошқаси зарда билан.

— Дўхтирларга кўрсатиб олиш керак аввал буни.

— Шунинг шикоятига қулоқ солиб ўтиришибдими? Калласи жойидамас-ку,— ҳар чеккадан луқмалар эшитилди.— Балки ёшлигида ҳалигидай... касалга чалингандир?

Тўхтасинов қараб туриб-туриб, ачиниш билан бош чайқади. Сўнг:

— Шунақами? Тўғриси айтивур, ука,— деди мулоиймлиқ билан.

— Афсуски, жиннихонадан соғ деб чиқариб юборишди. Ишонмасангиз, Муҳсин Бузруковичдан сўранг,— деди йигит парвосига ҳам илмай.

Шу сўнгги томчи бўлди. Котиб бояги хатни силкилаб ўрнидан туриб кетди:

— Унда... унда шунча алам, патос, кўролмаслик... қаердан? Тузумнинг нонини еб-сувини ичиб, тузлуғига тупуриш-ку бу!— Юз ўгириб ичида пўнғиллади.— Ўзи жин-қарча-ю, республикага тўхмат қилишни ўрганиб опти!

— Мен фикримни ёздим. Ё бизда фикрни айтиш ҳам мумкин эмасми?

Тўхтасинов унга ўгирилди.

— Мумкин. Лекин бунақа фикрлар, биласанми, кимдан чиқади?

— Кимдан чиқаркан?

Котиб очигини айтиб қўя қолмоқчи бўлди-ю, сўнгги дақиқада фикридан қайтди ва энсаси қотиб қўл силкиди.

— Муҳокама бефойда, ўртоқлар. Кимда қандай таклиф бор?— деди овозига расмий тус бериб.

Четда ўтирганлардан бир киши, вилоят газетасининг янги келган муҳаррири шеклилли, ўрнидан турди:

— Бу йигитнинг у ёққа ёзган шикояти билан танишмадик-ку. Даъвоси нима, билайлик-да. Нега райкомнинг ўрнига биз кўряпмиз?

Бунга қарши ҳар чеккадан эътирозлар эшитилди:

— Тепанинг топшириғи шундай.

— Кимлигини кўриб турибсиз-ку. Райкомга бўй берадими шу?

— Устав-чи, тартибни бузмайлик-да ўзимиз,— муҳаррир қўшилмади.

— Хатни кўриб чиқиш бизга топширилган. Осмондан олиб муҳокама қилаётганимиз йўқ,— котиб бунга далил қилиб, қўлидаги хатни силкиб қўйди, кейин ўзини тағин босиб, давом этди:— Шикоят кўпайтирилиб бюро аъзоларига тарқатилган, мулоҳазалар бўлса, марҳамат. Ким гапиради?

Ёшлиқдаги кўркини унчалик йўқотмаган мафкура котибаси ўзига ярашмаган бир ишчанлик билан ўрнидан турди.

— Менда Москвага ёзилган хат юзасидан бу укамизга бир савол бор,— дея у бежирим тилла кўзойнагини қўлига олиб, йигитга мурожаат этди.— Ука, адашмасам, сиз мактабда Куръон тили тўғараги очган экансиз.

Йигит ишшайиб, унинг сўзини бўлди:

— Кечирасиз, опа, дунёда ундай тил йўқ.

Мафкура котибаси дув қизарди:

— ...Араб тили тўғараги...— деб сўзини тўғрилади.

— Эски ўзбек ёзуви деяверинг, қўрқмай.

— Яхши. Айтинг-чи, рус тили турганда болаларга арабчани ўргатишга сизни нима мажбур қилди?— деди энди котиба, сиёсий етуклигини намойиш этмоқчи бўлиб.

Йигит, эҳ, опа-я, дегандай бош чайқаб қўйди. У, сизларга қолганми кунимиз, шўримиз курсин, демоқчи бўлди-ю, аммо айтмади. Котибани аяди.

— Мен холисанилло ўргатганман, неча минг йиллик тарихимиздан беҳабар ўтиб кетмасинлар деб. Ёки шу ҳам гуноҳми?

— Ўз дарсингизни билинг. Сизсиз ҳам ўргатадилар керак бўлса,— деди облоно мудири, котибанинг ёнини олиб.

Йигит аччиғланиб унга ўгирилди:

— Сиз пахта тилини биласиз, ҳап ўтираверинг. Сизга болаларни пахтага опчиқиб, манави опангизга ёқиш бўлса, бас.

Ҳамма қулиб юборди. Котиба лоладек қизариб ўнғайсизланди-ю, лекин ўзини йўқотмади.

— Ўртоқлар, бу бизнинг упушениемиз. Мактабларимиз даргоҳида бундай ўқитувчиларни тутиб туришимиз ўзи уят. Мен бу кишини наинки партиа аъзолигига, балки тарбиячиликка ҳам нолайиқ, деб биламан.

— Мана, кўп ўқиганнинг оқибати,— деди кимдир ачиниб.— Бола бояқиш, китоб миясига уриб кетибди.

Котиба ўтириб, Тўхтасинов ўрнидан кўзғолди:

— Нима қилдик?— деди у.— Ҳайфсан берсак — ҳақимиз кетади. Партиядан чиқариб юборсак — ёш экан...

— Тушунмадим, нимага аяб ўтиришимиз керак? Сиёсий калтабинлиги учунми

ё ҳамма яхши ишларимиздан кир қидириб юрганигами?— деди иккинчи котиб ижирғаниб.— У шунчаки бир шикоятчими ё?..

Нимага шама қилаётгани маълум: алоҳида ҳисобда турган хат ёдингиздан чиқдими? Узи бюрони қаернинг кўрсатмаси билан ўтказаяпмиз, демоқчи. Доим шундай, тергаб турмаса кўнгли жойига тушмайди. Албатта тартибга чақириб, юқорининг фикрини эслатиб туриши шарт. Гўё Биринчининг жилови унинг қўлидадек. Аммо Биринчи ҳам анойи эмас. Баъзан эшитиб-эшитмаганга, англаб-англамаганга олиб кетгани билан ишига пишқ. Бунақа иккинчилардан нечасини алмаштиради ҳали.

Ҳозир ҳам ортиқча эътибор бериб ўтирмай:

— Яна кимда қандай таклиф бор?— деди қуруққина қилиб.

— Узи нима дейди — гапирсин. Балки қилган ишидан афсусдадир,— деди орани юмшатишга интилиб, янги келган муҳаррир.

Аммо йигит гап билан уни ҳам «чақиб» олди:

— Мен бу ерга шафқат тилаб келибманми, ялинаман?

— Ана холос!

— Мурувватни биладиларми булар...

— Қаерда ҳисоб бераётганини англайдими, десангиз-чи...

— Насихат ҳам ҳайф!— Ҳар чеккадан пичинглар эшитилди.— Аъзоликдан чиқариш керак, вассалом!

Котиб олдидаги бояги хатни ноилож ўнгариб, устидаги юқори идоранинг қоғозини тўғрилаган бўлди. Сўнг овозига яна ҳам расмий тус берди:

— Хўш, шу муҳокама билан чекланамизми? Бошқа таклифлар бўлмаса, овозга қўяман. Кимда-ким...

Кейин гўё демократияга амал қилингандек, ким шу таклифга қўшилса қўл кўтарсин, қаршилар, бетарафлар, деб сўралди.

— Начора, қаршилар, йўқ, бетарафлар битта. Сиз озодсиз, ука,— Аъзам тоға эшикка қараб қўйди.

Аммо йигит бурилатуриб, тўхтади.

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Сўранг,— деди котиб йигитнинг кечиккан тавбасини эшитиш умидида.

Йигит ҳайратомуз узун бармоқларини ёзиб, кўксига нуқиди:

— Мени партиянгиздан озод қиялпсизми ё мендан партиянгизни?

Аъзам тоғанинг қоши учиб, юзи бўғриқди. Тамомила энсаси қотиб, йигитга назар ташлади.

— Сиз ким бўбсизки, партияни сиздан халос қилсак?— деди аччиқ кулиб.

Йигит таъзим қилди:

— Кўп миннатдорман.

Одамлар кулиб юборишди. Бу котибга оғир ботиб, аzza-баzza орқасидан чақирди:

— Шошманг, нимадан миннатдорсиз?

— Энди шикоят-пикоят ёзиб қолсам, сизларни овора қилмас эканман...

Ҳамма ёқа ушлади:

— Тавба, эндиги гал судда жавоб беришини... билмайди шекилли бу бола...— деди аллаким.

— Осонликча қутилганингга шукр қил, йигит,— деди бошқаси.

Йигит уларга ҳам таъзим қилди:

— Мендан ташвиш чекмай қўяқолинг, худога шукр, ҳар кимнинг калласи ўз елкасида,— дедию ҳаммани ҳайратда қолдириб, ташқарига йўналди.

У останада ўтганидагина Тўхтасинов ўзига келиб:

— Ўртоқ Ўрмонов,— деди қизишганча Валига қараб.— Бирга чиқиб, партбилетини олиб қолинг!— Сўнг ўзини оқлагандай қўшиб қўйди:— Муҳсин Бузрукович бекорга у ёққа жўнатмаган экан. Худо ҳақи, эси жойида эмас бунинг.

Вали йўлакка чиққанда, йигит қўлидаги дафтарни ёнига тап-тап урганча саланглаб борар, ўла қолса ҳозир партиядан ўчиб чиққан одамга ўхшамас эди. Қараб туриб, Ўрмоновнинг кўнглидан ғалати фикр кечди: тавба, наҳот шу бола ўзимизнинг Толмозордан бўлса? Шунақа ёшлар етилиб келаётган эканми орқамиздан?

У бепарво кетиб бораётганини, индамаса ҳозир бурилиб зинадан тушиб кета бошлашини англаб, орқасидан чақирди:

— Ука! Ўртоқ Мақсудов!

Йигит қулоқларига ишонмай бир зум тўхтади ва шу бинода ҳам одамни тушунадиган зот бораканми, дегандай орқасига қайрилди.

ОЛТИНЧИ БОБ

У қизлик бисотини титкилаб ўтириб, антиқа нарса топди. Ушанда бир орзу қилиб олган-у, аммо киймаган эди. Мана, энди бир асқотсин. Эрта-бириси кун бахти очилиб,

турмуш қурса, қолиб кетади. Келинликнинг олди, қизликнинг охири бир кийса-кийибди-да, йигитларнинг кўзини ўйнатиб... Ярашармикан ишқилиб?..

У ўзини тош ойнага солди: о, ўша хорижликларнинг ҳам билгани-билган. Қиз бола-ни нурга солгандек, саккиз бўлакка ажратиб қўя қолади-я. Бичими ўзига мос тушиб, қадди-қоматини очиб юборди-я, тавба. Энди қарамаган ҳам қарар?..

Бу ҳам камдек, сочини ёйиб елкасига ташлади. Эринмай иккала ёноғига қизил ула суртди. Қошини териб, ўзига оро берган эди, ҳинд қизларидек очилиб кетди. Фақат, ўнг бетидаги мошдек холи икки қошининг ўртасига кўчиб қолсами — кўрардингиз... Сўнг харид қилганидан бери қайси бурчақда ётган фаранги кўзойнагини топиб тақди. Оёғига бўлса, чет эл фирмасининг оппоқ бутсисини кийиб, елкасига диктафон сумкасини илди. Қарабсизки, бу дунёнинг хилқатимас, кино юлдузига айланди-қолди.

Кейин мағрур бир қиёфада ўнгу сўлига қиё ҳам боқмай, бекатга чиқиб борди. Қишлоқ автобусига чиқса, биронта лаб-дахани тезроқ кампирга йўлиқиб, дашном эшитишдан уялди-да, тўғри қиракашлар томон юрди. Унинг таманно билан битта-битта қадам ташлаб боришини кўргандаёқ, калитини ўйнаб турган йигитларнинг юраклари тўкилиб бўлди. Сўнг ҳар чеккадан журъат этиб-этмай, гап ташлаб кўра бошлашди:

— Акаси, хизматларида бўлайлик?..

Аммо қиз парво қилмай ўтиб кетаверди.

— Жонидан, қаёққа борадилар?

У қиё ҳам боқмади.

— Марҳамат, хоним, нариги дунёга десангиз ҳам элтиб қўяман,— деди «жигу-ли»лик тўкис.

Қиз унга илкис назар ташлаб, бурнини жийирди:

— Ўзларига буюрсин нариги дунёлари.

Шофёрлар мулзам тортиб қолган йигитнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулишди:

— Қалайсан, шилқимгина укам. Ёмон болади-ку, а?

Қиз эса, гўё ҳеч гап ўтмагандек, сутдек оппоқ «Газ-24»га яқинлашиб, кутилмаганда унинг шофёрига:

— Бўшмилар ўзлари?— деди аллақандай ғамза билан.

Шофёр фариштага йўлиққандай бир зум гангиб-гарангсиб турди-ю, тезда ўзини ўнглаб олди.

— Сиздай хонимга... йўқ деб бўладими? Утиринг,— деди боши осмонга етиб, сўнг сўради.— Қаёққа борамиз?

Қиз жавобга ошиқмай, йигитга тегишгиси келди:

— Узо-оққа. Бора биласизми?

— Масалан?

— Масалан... Новқатга.

Йигит ҳушёр тортиди. Туташ қошларини кериб, ажабланиб қаради:

— Ким деганникига... агар сир бўлмаса?

— Нима, Сиз ўша ёқданмисиз?

— Шундай... деса ҳам бўлади.

— Қандай яхши?! Бу ҳам бўлса менинг бахтим,— деди севиниб қиз.— Бошқа биров борармиди-йўқми...

— Шуни айтинг. Кетдикми?

— Кетдик.

Қиз орқа эшикни ёпиши билан машина ҳам ўрнидан жилди. Туташ қош, кулча юз шофёр йигит унинг кўзгудаги аксига яна бир қараб қўйиб, танишишга баҳона излади:

— Истарангиз жуда иссиқ, қаерда кўрган эканман? Мабодо бизнинг томонлардан эмасмисиз?

Қиз қақажонгина эди, кўзойнагини олмай жилмайди:

— Топинг-чи, қаерликка ўхшайман?

— Менимча, шаҳарликсиз.

— Нега энди қишлоқдан эмас?

— Чунки... чунки биздагилар бунақа кийинолмайди.

— Қанақа кийинибман? Тасқара демоқчимисиз?

— Йўқ, нега? Қайтанга жуда ярашибди, гулдай очилиб кетибсиз.

— Олинг-а...

— Улай агар, кўрган кўзни куйдирмасангиз...— йигит аёл зотига суяги йўқ шекилли, мақтов билан ийдириш пайига тушди.— Бекатда ҳам кўргандирсиз?

— Нимани?— деди қиз ўзини атай гўлликка солиб.

— Шўпирларнинг нечтаси қоққан қоқиқдек қўли қолди-ку...

— Шунақами?— деди қиз аллақандай тантиқланиб.— Сизга жин ҳам урмади шекилли?

— Менми? Улай агар, бахт қуши елкамга қўнишини сезиб турувдим.

— У, ёмонсиз-ку! Шоирлар гапга чечан бўлади десам, шўпирлар ҳам қолишмас экан.

— Одам гўзал нарсани кўрса, шоир бўлиб кетади-да ўзи.

— Илҳомиз тошиб-а? Тез-тез шунақа бўлиб турадимми?

— Саждагоҳим ёлғиз аёлдир, аёл, бошқа нарсани қилмасман хаёл, деган экан менга ўхшаган бир шоир.

— Чинданам ёмон экансиз. Сиздан қўрқулик,— деди қиз ёлғондакам бош тебратиб.

— Унчалик эмас, қўрқманг, бўри эмасманки, еб қўйсам,— кулди йигит.

— Ҳар битта оврупоча оро берганини кўриб ўзингиздан кетаверсангиз... билиб бўладими? — Қиз атай йигитнинг юрагига ўт ёқармиди, ё ўзи шунақамиди, у билломай гаранг эди. Лекин қизнинг ўзи шунақа суҳбатга мойиллик билдириб турганда, қайси йигит ўзини тия олади?!

— Жуда-а ишончдан чиққан эканмиз-да биз эркаклар?

— Ҳарқалай мусичадай бегуноҳ ҳам эмассиз, топдимми?— деди қиз, худди мот қилгандайин.

— Қайда,— қўл силкида йигит.— Ойда-йилда бир шаҳарга тушиб қолмасак, умримиз далада ўтиб кетяпти-ку. Гуноҳ нима қилсин бизда.

— Ишқилиб, тушиб тураркансиз-ку,— тилидан тутди қиз.— Кейин, машинангиз ҳам далада қолиб кетадиган одамниқига сира ўхшамайди. Ростданам, кимни олиб юрасиз?

— Буниси сир,— деди йигит атай.

— Қўрқасизми?

— Ҳеч-да.

— Бўлмаса нимага яширасиз?

— Яшираётганим йўқ.

— Унда айтавуринг.

— Катталардан нарироқ бўлаверган яхши.

Қиз кулди.

— Рашк қиялсизми?

— Ким ўз кийигини бировга олдиргиси келади?

Лекин қиз уни эшитмаганга олди:

— Хўжайинингиз шунақа ёмон одамми?

— Мен ёмон демадим шекилли?

— Ҳарҳолда эҳтиёт лозим дейсиз-да. Шундайми?

— У киши бу кўчаларга кирмай қўйган,— деди йигит, тешик қулоқда гап ётармиди, мақолига амал қилиб.

— Хўш, ўша покдомон ким экан?

— Бекор ишонмайсиз. Бошқаларнинг олдида у кишидан сув ўгириб ичса арзийди.

— Шунақа айтувли денг.

— Айтувли.

— Айтаверинг унда.

Улар дашт йўли билан адирлар ёқалаб кетиб боришаркан, узоқда водий элас-элас кўзга ташланар, атроф-жавониб офтоб живир-живирида мудраб ётганга ўхшар эди.

— Сиз борадиган жойнинг... каттаси,— деди йигит ноилож.— Эшитган чиқарсиз, раисимизнинг доврўқларини?

— Боядан бери айтмайсизми? Мен у кишидан радиога интервью олгани келяпман-ку,— қиз жонланиб, олд ўриндиқ суянчиғига билақларини қўйди.— Уни қаранг-а!

Шофёр мийиғида кулди.

— Унда яна бошқа келадиган бўбсиз,— у бош ўгириб, қизнинг қоматига ҳирс билан қараб қўйди.

— Вой, нега? Шунча ердан келганимда... йўқмилар?— Қиз ростданам довдиради.— Энди нима қилдим?..

— Бир келиб қолибсиз, Фарғонани кўриб кетасиз. Майли, десангиз, ўзим айлантираман,— йигит кўзгудан зингил ташлади,— қалай?

Қиз бўшашиб, орқасига ястанди.

— Хўжайинингиз-чи, қачон бўладилар?

— У киши чет элда юрибдилар. Бир ҳафтасиз қайтмайдилар. Сиз хўп деяверинг, хурсанд бўласиз.

— Иш битмагач, кўнгилга хурсандчилик сиғадими,— деди қиз, ҳамон нима қиларини билмай. Қайтай деса анча жойга келиб қолган, қайтмай деса...

— Ишингиз ҳам битади. Мен Абдулаҳат партқўмга учраштириб қўяман. Ҳар қанча гап бўлса, у кишидан олаверасиз. Хўжайин бир ёққа кетсалар, у кишига ваколатларини топширадилар.

— Овозлари-чи? Овозларини ташлаб кетмагандирлар?— ҳазилга олиб кулди қиз кутилмаганда.— Йўқ, менга ўзлари кераклар.

— Унда билмадим. У кишидан битта туки кам бўлмаган одамни топиб беришим мумкин-у, овозларининг иложини қилолмайман,— оғринганини сездирмай кулди йигит.— Тақлидчилар ҳам у кишидан ҳайиқишади.

— Кимсан, фалончи денг?

— Бирда ёқиши, бирда ёқмаслиги мумкин. Билиб бўладими?

Йигит унинг қайтдик деб қолишини кутар, агар оғдириб олсам, шунақаси қаёқларга олиб чиқиб кетсам экан, деб жон-ҳалак бўлиб ўтирар эди. Қиз эса режалари барбод бўлиб кетганидан орқага қайтарини ҳам, бораверишини ҳам билмас, калласига жўяли бир фикр кела қолмас эди. Ниҳоят у шодланиб, беихтиёр олдинга талпинди:

— Айтмоқчи, у кишининг яқинда институтни битириб, чет элга кетадиган ўғиллари борми?

— Бор-бор.

— Уларни топса бўлар?

— Бўлади, нега бўлмасин,— деди-ю, шофёр сўнги дақиқада тилини тишлади.—

Сиз уни қаердан биласиз?

— Айтишувди бир...— сирни очгиси келмади қиз.

— Е бирга ўқиғанмисизлар?— ишонқирамай тусмоллади шофёр.

— Кўрганмисиз денг ўзи,— шарақлаб қулди қиз.

— Унда бўлак гап. Мен бошқача ўйлабман.

— Нима, орқасидан эргашиб юрганлари кўпми у кишининг?

— Кўп, кўп. Ўзим йигитмисан йигит-да. Эҳтиёт бўлинг, сиз ҳам яхши кўриб қолманг,— ҳазил қилди йигит.

— Чўчимасам-чи?— деди қиз атай шаддодлик билан.

— Барибир ташлаб кетади.

— У, шунақа учар денг?

— Йўқ, ўзининг дегани бор. Ундан бўлакка уйланмайди.

Қиз, яқинда биттасига унаштиришибди-ку, демоқчи бўлди-ю, аммо ўртадан пардани кўтаргиси келмади.

— Унда айтганингизча бор экан,— деб қўяқолди. Сўнг ҳийла вақт ўтказиб сўради.— Дегани ҳам шу атрофданми?

— Нима, шу ҳақда ёзасизларми?

— Бе, сўрадим-да бир қизиқиб,— деди жавобдан қочиб қиз ва гапни айлантирди.— Уни-муни қўйинг, қишлоғингизни айлантирасизми?

— Машинадами? Жоним билан.

— Вой, анавиларни, машинада кўргандай бўларканми?

Йигит мижғовланди.

— Урф-одатларимизни биласиз-ку... Қишлоқчилик-да, ҳарҳолда.

— Кеннойимлардан қўрқасиз?— деди қиз тегажоглик билан.

— Гап ундаям эмас-у...

— Нимада бўлмаса?

— Кўрса кўргудек жойларимиз турганда, топган гапингизни... Шоҳимардонгами, Водилгами чиқиб кетмаймизми, яйраб келардингиз...

— Майли,— деди қиз кутилмаганда.— Лекин бир шартим бор.

— Хўш-хўш?— деди йигит ичи қуриб.

— Кеннойимларни олволамиз. Мен баҳона бир ўшақларни кўриб келсинлар.

Йигит дами чиқиб, тумтайди.

— Сизсиз ҳам кўп борган,— деди тўнғиллаб. Ўзи эса, йўлдан кўз узмай қўйди.

Улар даштдан ўтиб, водийга тушиб бора бошладилар. Пастдан намхуш ел эсар, канал бўйидаги миззатеракларнинг барглари зардай ярқираб, ҳилпирар эди.

Қиз ҳам энди юраги шу япроқдай титраб, ёлғиз худога тавалло қиларди: «Ишқилиб ишим ўнгидан келсин-да. Сирим очилиб қолмасин-да...»

ЕТТИНЧИ БОБ

Йўл яна элита бошладими ё хаёл олиб қочдимми, билмайди: улар ҳам сафарга чиқишганмиш. Ўзи, онаси Зебинисо, Ҳафиза, Муҳсин... Ҳозирги кампири ҳам бормиш... Оламни тутган довулдан қочиб, улар ҳам ғорга кириб қолишганмиш-у, чиқар йўлни йўқотишганмиш. Ҳаммалари йиғлаб-сиқтаб рози-ризолик тилашармиш-у, фақат раҳматли онаси миқ этмай турармиш. На буларга ачинармиш, на бир сўз айтармиш. Нима бу? Нимадан белги бераётир?..

Бузрук чўчиб кўзини очди. Машина дашт оралаб кунчиқарга қараб борар узоқдаги жигарранг пайкаллару сердарахт қишлоқлар манзил яқин қолганидан дарак берар эдилар. У беихтиёр Сойбўйидаги ҳалиги суҳбатни эслади.

Улар озгина тамадди қилиб олгани сой бўйидаги чойхонада тўхтаб, парварда билан чой ичиб ўтиришган эди. Қора соқолли жуссадор бир тиланчи қироат билан байт ўқиганча уларнинг каравотига яқинлаша бошлади.

— Кимлар айтар дунё ёлғончи, фоний,
Сурган армондадир, ўтиб борадир.
Кимлар қўлда тутиб бу кенг дунёни,
Ҳалол-ҳаром барин ютиб борадир.

У одатдаги тиланчилар сингари елкасига хуржун осиб олмаган, аксинча узун ридо кийган, одамлардан тушган чақа-чуқани ҳар замонда кенг ва чуқур чўнтагига солиб қўяр, ширин забон билан дуо қилиб, яна байт айтишда давом этар эди.

— Мардлар кезар бўлди номардга боғли,
Шерларнинг тулкидан юраги доғли,
Пир бўлиб, пеш ўраб, бадфеъл ит ўғли,
Ҳаром нафсин олдга тутиб борадир.

Бузрук чўнтагини кавлаштира бошлаган эди, Азлар унинг тирсагидан тутди:
— Шошма, озгина эшитайлик.

— Беномус бек бўлди, донолар озди,
Азозил дунёнинг сиротин бузди.
Элбузар кўпайди, юрт — бино тўзди,
Дўст, туққан бир-бирин ютиб боради.

Бузрук қанчалик жон қулоғини бериб тингламасин, эҳсон тилаб турган одамни куттириб қўёлмади. Қўлига илинганини узатди.

— Узоқ яшанг.

Ҳамрали ҳам атаганини бериб, алқади:

— Илоҳим, дард кўрманг.

Азлар эса дастурхондаги бир чети ушатишган патирни узатган эди, тиланчи уни кўрмаганга олиб кета бошлади.

Аммо Азлар ҳам бўш келмади:

— Биродар,— деб чақирди атай.— Садақа — атои худо дейдилар. Насибангизни ташлаб кетманг.

Тиланчи байт айтишдан тўхтаб, узр маъносида енгил бош силкиди:

— Ҳимматингиз учун раҳмат. Хуржунсиз эдим, юк бўлмасин.

— Бу нон-ку,— деди Азлар тихирлигини қўймай.

Тиланчи уялиб орқага қайтди ва каравотнинг бир чеккасига омонатгина ўтирди.

— Майли, сазангиз ўлмасин,— дея бурдалоғлиқ патирдан бир тишламгина ушатиб оғзига солди. Сўнг Ҳамрали узатган чойни қўлига оларкан, Азларга узрли қараб қўйди.— Айбга буюрмайсиз, асли берганни олмоқ фарз. Аммо пулга ўрганиб кетдик ҳаммамиз. Худонинг ўзи кечирсин.

Азлар юмшади:

— Замонга қараб дейсиз-да?

Тиланчи дуо қилиб ўрнидан турди:

— Бирингизга минг берсин, илоҳим. Олингу олдирманг.

Азлар унинг кетидан кулиб, бош чайқади:

— Яна ўша эски ашула. Мол-дунё илинжи.

Бузрук унинг фикрига қўшилмади:

— Бир ҳисобдан шу тўғри ният ўзи. Бизнинг бойлардану бойликдан нафратланиб етган кунимиз шуми?—Шунаққиб ҳаммани камбағалга тенглаштиришди-қўйишди.

— Хорижда бир одам фалон кун очликка чидабди деса, ёқа ушловдим. Кейин билсам, нон-сув мумкин экан уларга,— кулди Ҳамрали табиб.

— Унақада биздаги куни нон-чойга қолганларни нима дейди? Астафйрулло, тоза бўлган эканмиз-ку, а?— ҳайрат аралаш ёқа ушлади Азлар.

— Қозони ойлаб жаз кўрмайдиганлар қанча, ахир,— деди Ҳамрали ачиниб.

— Энг ёмони, биз яхши яшаётганларни ўғри деб биламиз.

— Тўғри ишлаб биринг икки бўлмайди-да,— эътироз билдирди Ҳамрали.— Ундай деса, шунаққиб гуноҳга ботиб ётганлар қанча. У дунёда сўрови бордир. Азлар?

У «бор-бор, бўлганда қандоқ», деб қўя қолди-ю, машинага чиқиб, йўлга тушишгач, гапни узоқдан бошлади.

— Қадимда бир гуруҳ одам карвонга қўшилиб, ҳажга кетаётган экан. Аллақайси бир тоққа етишганида бўрон туриб, кўз очирмай қўйибди. Ҳамма жон сақлагани ўзини ҳар ёққа урибди. Шунда сафардошлардан бир нечтаси эски бир ғорга кириб олишган экан, қаттиқ момақалдиroomи, зилзилами бўлиб ғор оғзини тош босиб қолибди. Чиқиш йўли беркилганини кўрган одамлар даҳшатга тушиб, бақир-чақир билан қутулиш йўлини излашибди. Лекин ҳеч нажот тополмай, охири тақдирга тан беришга мажбур бўлишибди-да, айлана қуриб ўтиришган экан, уларнинг ичида ёши улўғроқ бир одам маслаҳат берибди:

«Энди, азизлар, ёлғиз Оллоҳга топинишдан бўлак умидимиз йўқ. Ҳар ким умрида қилган энг катта савоб ишини эсласин. Зора худойим ол қулим, деса.»

Бу гап ҳаммага маъкул тушиб, бирин-сирин ўн саккиз минг оламнинг сарвари, адашганларнинг ёлғиз кечиргувчиси Тангри таолога муножот қила кетишибди.

«Эй, марҳаматли парвардигор, барча гуноҳу савобларим ўзингга аён. Ёлғиз ўзингга сўгинаман. Ишқилиб, у дунёмизни ёрлақайил. Бу сафарни ҳам васлингга покроқ бўлиб етишиш умидида ихтиёр этган эдим. Илоҳим йўлимни очиб, ўзинг ниятимга етказгил. Мени қари ота ва онам бор. Ҳар куни эрталаб ярим коса-ярим коса сут ичгучи эдилар. Бир эчки боқиб, уларнинг дуоларини олгучи эдим. Шундан катта савобли ишим йўқ»,— дебди йўлдошлардан биттаси.

Шунда тангридан бўлиб, тош бир энлик сурилибдию ғорга ипдеккина нур тушибди. Бундан рағбатланган сафардошларнинг ҳар бири ўзининг савобларини эслай кетибди.

«Мен эрта туриб, отамизга таҳорат суви тайёрлаб берардим»,— дебди иккинчи одам.

«Мен қаровчиси йўқларга закот бериб турардим»,— дебди учинчиси.

«Мен бир ожизанинг шаъни-шарафини асраб қолганман»,— дебди тўртинчи одам.

«Мен ажрашиб кетаётган бир оилани қовуштириб қўйганман, холос»,— дебди бешинчиси.

«Мен бефарзанд эдим, етим асраб, бошини силаганман»,— дебди олтинчи одам. Шунда тош қарсиллаб сурилиб, ғор оғзи очилиб кетган экан.

— Ана, илгариги одамлар қандай бўлишган,—деди Азлар ривоятга яқун ясаб.

— Э, нимасини айтасан,— хўрсиниб орқасига ясланди Бузрук,— дунё ўзи шунга қурилган-у, биз ҳар хил ўткинчи ҳавасларга улоқиб юрибмиз-да.

— Умр эса ўтиб боряпти. Аммо сарҳисоб қилиб, орқа-кетини ўйлаб кўрадиган одам йўқ,— деб кўшиб қўйди Ҳамрали.

Бузрук чуқур тин олди.

Биттаси ўғлими? Фотиҳани бузишдан кўрқмагани-кўрқмаган, қўл остидаги бир одамнинг боласи қамалиб кетишига юраги ачимабди-ку? Худо кўрсатмасин, булар бояги ғорда қолиб кетса, нима бўлади? Савоблари тошни кўчиришга етадими? Ундай деса, энаси нега мунғайиб қолди? Нимадан аён бераётир у, нимадан? У ана шундай ўйларга толиб бораркан, машина канал устидаги бетон кўприкдан ўтиб, олдинда жондан азиз бир юрт юз очди. Бузрукнинг наздида жаннат дарвозалари ланг очилиб кетдию ўзи бу юрт жамолига тўймай тикиларкан, аллақандай ўксиниқ босиб келди: нега ҳам шу юртдан узоқларга сочилган экан насибаси?.. Кетмаса шу тақдир йўқмиди бошида?..

Улар пастга тушиб борар эдилар. Буни кўриб, чоллар шошиб қолдилар.

— Ия, гап билан бўлиб етиб қопмиз-ку,— Азлар қаддини ростларкан, шўпирнинг елкасига секин қоқди.— Қишлоққа кираверишда тўхтатворасан-да, жиян. Уч бирдек қария етаклашиб бориб юрмайлик. Нима дединг. Бузрук?

У ҳам дафъатан нима деярини билмай бош силкиди:

— Майли, ўзларингиз биласизлар.

— Одамларга гап топилмай қўяқолсин,— маъқуллади табиб ҳам.

Ростдан ҳам улар Новқатга етмасдан — қишлоққа кираверишда тушиб қолдилар. Андиша кучли-да: ҳозир одамлар оёғи биланмас, оғзи билан юрадиган бўлиб кетган. Бирласда раисга етказишлари мумкин: нима дейсиз, фалончи-фалончилар Бузрук тоғани Тошкентдан бошлаб келишибди... Кўз кўзга тушади, юз эса иссиқ. Кейин хижолат тортиб юргандан кўра...

«Майли, ўзингиз биласиз»,— деди Бузрук ичида. Кейин шўпир боланинг елкасига рапидадай қўлини ташлаб, синиқ кулди.

— Сен ҳайиқмайсанми раис тоғангдан?

Йигит начора, дегандай қизаринди: бошга тушганни кўз кўради-да...

— Ҳа, балли. Унда идорасига ҳайда. Зора дала айланиб кетмаган бўлса...

Лекин йўқлигини нечундир кўнгли сезиб турибди: Мўҳсин ҳаммасини қўйиб шундай қув-қув пайтда идорада ўтирармиди? Далама-дала пахта қувиб юргандир. Агар энди Олий Советга депутатликка сайланиб, шилиниб кетмаган бўлса...

Йўл пастлаб, улар қишлоққа тушиб бора бошладилар. Қайрилишдан ўтишлари билан юракка жуда-жуда яқин бир манзара — чорбоғларни ўраган қиличдай мирзатераклар кўзга ташландию Бузрук энтиқиб кетди. Ё дариг! Киндик қони тўкилган азиз юрт-ку. У кўз очиб кўрган олам, жаннатнинг бир бўлаги. Нурга талпиниб, бўй талашгучи бундай мирзатераклар дунёнинг яна қайси бурчагида ўсар экан? Ариқ бўйларини тутган ялпизу бинафшалар, томларда очилгучи чучмўмаю қизғалдоқларчи? Бадан-баданингдан дардингни суғуриб олгучи тупроқ кўчаларчи? Бу юртнинг хандалакларию анорлари жаннатдан бўлак ерда битармикан?

Аммо ҳеч қанча ўтмай тўқислигу улўворликда шаҳардан қолишмайдиган марказ бошланди. Ахир пўчтасидан тортиб кутубхонасигача, дўкондан тортиб идораю клубигача улўвор бўлса, кўчанинг икки ёқасида кенг майдонлар, гулзору хиёбонлар, сайргоҳу бетон йўлкалар очиб қўйилса, бу жойни эскичасига қандай гузар деб атасин?! Буларнинг ҳаммаси ўғли Мўҳсиннинг даврида бино бўлди. Ўзидан яхши ёдгорлик қолдиряпти. Ҳар ким ҳам ота юртни шунчалик обод қилсин-чи. Хизр назар қилгани шу-

да. Аммо шундай ўғли... фарзандларидан ёлчимай ўтарса... Бу чоллар бир нарсани яширишаётган чиқмаса эди, айб ўзида деб?..

Жиян-шўпир уни ҳашаматли, лекин кимсасиз идора олдига ташлаб кетди. Йўлдан онда-сонда ўтиб турган, аллақайёққа ошиқаётган машиналарни айтмаса, шундай данғиллама шаҳарчада тирик жон кўринмайди. Ҳамма далага сафарбар этилган, шекилли. Қачон эшитди: Яйпан томонда бир котиб боқча болаларига ҳам улуш белгиланганмиш деб? Ҳа, гапдан-гап чиқиб, йўлда Азлар айтувди-я: «Э, амал ўлсин ширин бўлмай, буларга қолса, баннисаларни ҳам ёптиради» деб. Шунақиб, юртдан чиқиб кетганини билмай қолади-да одам. Ишқилиб буни худо янглиштирмасин.

Ўзидан ҳам ўтди. Пенсияга чиққанидан кейин шаҳарда нима бор эди? Ахир кўчиб келаверса бўларди-ку, кампирининг раъйига, андишаю истиҳоласига қараб ўтирмай... Бу ерда ҳеч қурса, қора бўлиб турарди-ку.

У чети гулзор йўлакдан идорага қараб боратуриб, дафъатан том баробар ишланган расмга кўзи тушиб, тўхтаб қолди. Ажаб синоат. Шу ўзимизнинг каттамузми? Уни бу ёқларда тоза эъозлашаркан-да? Ия, ёнидаги Мухсинми? Ўзи, ўзи. Иккита давлат арбоби ҳам бунчалик иссиқ кўришиб тушмас суратга. Астағфируллоҳ. Яна осмони ҳафтим қилиб осдириб қўйибди. Кўриб қўйинг, биз ким билан нон-қатиқмиз дегандай. Наузанбиллоҳ. Майли, яқин бўл, соясига кўрпача сол, суратларга ҳам туш. Лекин бунчалик эмас-да...

У оёғи тортинқирамай идорага қараб юрди.

— Э-э-э, Бузрук тоға, ўнгимми-тушимми? Ассалому алайкум. Қандай шамоллар учирди? Келинг-келинг. Қарасам, бир басавлат, бир кабир одам кириб келяпти. Қаерда кўрган эканман дейман бунақа улкан одамни. Сизлигингиз ҳеч хаёлимда йўқ. Умрингиз узоқ бўларкан, тоға.— Қора лас чопонни бар уриб олган идора қоровули оғзидаги носни ташлаб, пешвоз чиқди. Унинг бедана юриш қилиб келиб, қўшқўллаб кўришиши — майли, чидаса бўлар, лекин атрофида гирдикапалак бўлиб бидирлаши ёқмади.

Энсаси қотганини сездирмай, қуруққина сўрашди:

— Ўзи қаерда, ўзи?

— Ие, хабарингиз йўқми? Мухсин Бузрукович...

— Нима Бузрукович?— у қулоқларига ишонмай беихтиёр қайрилиб қаради.

— Мухсин Бузрукович...

— Ҳех, Абдумутал тушмагур-е... Мен ўғлим райкўм-пайкўм бўлиб кўтарилиб кетибдими, дебман вич-вичлашингдан.

— Ҳах, тоға-я! Ахир Мухсин Бузруковичнинг обрўлари қайси райкўмниқидан кам? Районни каттаси Азим чатоқ ҳам у кишидан бемаслаҳат бир иш қила олармиди?

— Салкам туманнинг худоси дегин?

Идора қоровули бунақа кесатиқни кутмаган экан, анграйиб қолди. Тоғанинг авзои жойида эмаслигини шундагина сезди. Нима деб кўнглини оларини билмай гарангиди.

— Ҳўш, қаерда ўша азиз пуштипаноҳинг?

— Ҳа, дарвоқе, ҳали айтмадим-а сизга? У киши хорижга учиб кетдилар кеча.

— Хорижга дегин!— Оббо, Абдумутал тушмагур-ей. Хорижни ҳам билади. Ўзи-чи?

Тоза дардисар пайтда келибдими? Нима қиларини билмай тўхтади.— Қачон қайтаркан?

— Бир ҳафтага кетдилар-ов. Аллақандай дилгасияга қўшишган экан, бормасалар бўлмади. Катта идорадан кўнғироқ қилавериб...

Кўнғироқ? Дарвоқе, яхши етиб келганини кампирига айтиб қўйса бўлармиди? Ҳамонки бир ҳафта-ун кунсиз кета олмайдиган бўлган?

Яна ўғлининг қабулхонасига қараб юрди: қизларга айтса, Тошкентни улаб беришар?

— Котибасими, ким бор у ёқда?

— Ҳеч ким. Ҳамма далада. Котибиям, қоровулиям, свўткачисиям ўзим. Хизмат-пизмат бўлса, бемалол айтаверинг.

— Тошкентга сим қоқиб қўйсамми, девдим...

— Ҳозир-да, тоғажон, ҳозир. Мухсин Бузруковичнинг хоналарини очиб бераман, гаплашиб олавурасиз. Атта тўғри Тошкентни улайдигани бор.— Абдумутал қоровул тилини тақиллатиб қўйди. Сўнг қора чарм қопланган қўшқават эшикни очиб, марҳамат, ҳов тепадаги қизил телефон Тошкентники, деди боягидек мулозимат билан.

Унинг таъби сал ёришди: ёмон эмас, ўзи шунақа бўлиши керак-да. Қишлоқдагилар худого нима ёзибди? Ҳақини танийвергани яхши...

Ичкари кириб, ҳайратланиб туриб қолди. У не-не катталарнинг қабулида бўлган, кўп ҳашаматли идораларни кўргандай-ю, лекин марказдан узоқда, водийнинг бир чеккасида бунақасини учратаман, деб ўйламаганди. Шунақа дид билан жиҳозланганки, қўяверасиз. Оёқ остида чўғдек пойандоз. Бир ёнда узун стол, икки саф юмшоқ курсилари билан. Бурчакда ҳайҳотдек телевизор. Ёнида овоз ёзгич, овоз кучайтиргич, магнитофону яна аллақандай ҳою-ҳашамлар. Тўғрида қорақош каттанинг улуғвор расми. Ёнида ҳаммага таниш ўша ёзув: «Оқ олтинни олтин қўллар яратади». Тагида ўғлининг столи.

Оқ, қизил, қора телефону бошқа минг хил жиҳозлари билан.

Сал оширворибди, деб ўйлади, идоранинг бир томонини эгаллаган кўнғир тусли

жавон, уни тўлдириб турган нодир китобларга қараб. Топдириб келгани ёмон эмас, лекин... Бериб юбормайдими мактабгами ё кутубхонагами?

Ростакамига ачиниб кетди: маслаҳат берадиган бир одам бўлмабди-да?...

Тўрға ўтиб, қизил телефонга қўл чўзган жойида... ўғлининг столи устида... нимани денг — яна ўша қорақош каттанинг бу ёқларга қадам ранжида қилгандаги фотосуратларини кўриб, ў-ҳўлаб юборди. Бунчалик эмас-да. Бировнинг соясида обрў топадими одам?!

У ҳеч иштиёқсиз телефон дастагини кўтарди.

САККИЗИНЧИ БОБ

— Ука, энди сиз бу ёқлардан адолат топа олмайсиз...

Ўрмонов уни ўз хонасига бошлаб кириб, рўбарўсига ўтказгунча ҳам ниятига тушунмаган эди. Лекин ўзини яқин олиб насихатга тушгач, Абдулҳақнинг энсаси қотди. Аъзолик дафтарчасини шартта чиқариб, олдига ташлади:

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Шу нарса кошки югуриб юришга арзиса? Халос бўлганимга шукр дейман...

Ўрмонов унинг бу муомиласидан аzza-баzza оғриниб, жим қолди. Сўнг гинасини ичига ютиб:

— Сиз гапимни тушунмадингиз, ўртоқ Мақсудов,— деди тўнгроқ бир тарзда.— Аввал эшитинг.

Абдулҳақ ўрнидан турган жойида қайтиб ўтирди:

— Яхши, лекин менга ачинмай қўяқолинг,— деди қўрслик билан.

— Бу чилёсинлар нимага эканини билмасдан туриб, зардангиз қизиқ. Сизни бекордан-бекорга бу ерга чақириб, муҳокама этаётганлари йўқ.— Ўрмонов ўрнидан туриб, асабий ҳолда стол устидаги қоғозларни саришталай бошлади. Сўнг Абдулҳақнинг рўбарўсига келиб ўтирди.— Кўзингизни очинг,— деди овозни пастлатиб.— Сиз унақа-бунақа одамларнинг қаҳрига йўлиқмагансиз. Шуни тушунаяпсизми?

— Нима бўпти? Осмон қўлларида, ташлаб юборишсин.

— Ундай эмас, укам. Бекорга қизишяпсиз. Улар билан ҳазиллашиб бўлар эканми? Яхшиси,— у кутилмаганда ўзини аллақандай яқин олиб деди,— ҳозир бу ердан чиқингу тўғри Москвага учинг. Уша ердан нажот топмасангиз, овора бўласиз. Тушундингизми?

У хайрлашгани қўл чўздими ё яна бирон нарсани уқтирармиди — Абдулҳақ англамади. Шу топда хаёлига лоп этиб келган бошқа фикрдан ўзи шошиб қолди: дарвоқе, шундай қилса-чи? Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишни қилиб, буларни бир доғда қолдирса-чи?

— Яхши, борганим бўлсин!— дедию дик этиб туриб, сўнг эшикка қараб юрди.— Ҳали қараб турасиз. Мен буларни бир ўйнатай,— деди яйраб-яшнаб.

У ўзининг ақлига ўзи беш кетиб, уйига етиб борди-да, кириши билан:

— Мунис, жомадонимни ҳозирла,— деб буюрди.

Зап хотини бор-да. «Ҳай, ёв босдимми, мунча? Қаёққа, нимага?» деб ўтирмади. Бир оғиз сўзиданоқ йўл тадоригини кўра бошлади. Ана мўминлигу ана мунислик.

Кийимини алмаштириб бўлгунча жомадонини ҳам тахт қилиб қўйибди.

— Узингга борман-да, хотин,— дея уни бағрига тортиб, юзидан ўпиб қўйди.— Мен қайтгунча тинч ўтиринглар.

Кейин энасининг олдига кириб, тиз чўкди.

— Оқ фотиҳа беринг, эна,— деди дабдурустан.— Мен кетяпман. Сафар чиқиб қолди.

— Вой, жон болам, қанақа сафар? Мен-ку, майли, лекин эр деган хотинни бунақа ёлғиз ташлаб кетавермайди-да.— Энаси қилиб ўтирган ямоғини ёнига қўйиб, танбех берди.

— Эна, биззи меҳримизни ўртадан кўтарадиган Ёсуман туғилмаган. Тўғрими, хотин?— у гапини тасдиқлатиб олмоқчидай, Мунисга илжайиб қараб қўйди.

Хотини лоладай қизариниб, орқасига ярим ўгирилди:

— Э, боринг-э...— Кейин ўпкалагандай қўшиб қўйди,— буларга шунақа гаплар бўлса!..

— Хотининг рози бўлса, майли,— ниҳоят, энаси қўлини очди.— Илоҳим, сафаринг бехатар бўлсин. Баҳовиддин пиримнинг ўзлари қўлласинлар. Овмин.

— Раҳмат, эна, яхши ўтиринглар.— Ўзи ҳам юзига фотиҳа тортиб. Ўрнидан турди. Кейин мунғайиб турган хотинига тегишгиси келди.— Мен сенга ёқут кўзли тилла зирак олиб келаман. Йигирма тўрт сўмлигидан.

Хотини кулди.

— Ёқут кўзлими?

— Ёқут кўзли.

— Йигирма тўрт сўмлигидан?..

— Ҳамён кўтаргани-да, хотин.

— Раҳмат, энамларга-чи?

У бу гал ҳам бўш келмади:

— Гулли, қулинг ўргилсин рўмол.

Хотини хандон ташлаб кулди:

— Унда зиракам, рўмолам бир жуфтдан бўларкан-да? Бирини олиб, бирин қўйиб...

У шўхлик билан пешонасига шапатилади:

— Уҳ, эсим қўрсин. Аввалги гал ҳам шунақасидан олиб келгандимми?..

Қайнона-келин қўшилишиб кулдилар. Ниҳоят энаси яна дуо қилди:

— Майли, бизга ҳеч нарса олиб келмасангам, ўзинг эсон-омон бориб қайтгин, болам. Шу бизга юзта совғангдан зиёд.

Рўйхатга олиш давом этар, эълончи қизлар ҳар дақиқада фалон рейс билан учувчи самолёт фалон шаҳардан келди ё учиб кетди деб эълон қилар, одамлар ҳар қаёққа гув-гув югурар, ким кузатишга, ким кутиб олишга шошилар эди. Абдулҳақ рўйхатдан бе-ишқал ўтиб олганига шукр қилиб, енгил тортганича ойнаванд йўлак олдида пастдаги темирқушларга маҳлиё тураркан, кимдир ёнига келиб тирсагидан ушлади.

— Гражданин, ҳужжатларингизни кўриб қўяйлик.

Ўгирилиб, унинг юзига қаради-ю, бу мўғулбашарани қаерда кўрганини эслай олмади. Аммо дили ғашлашиб, кетимга тушибдими, деган ўй кечди.

Ўзи эса, юраги шиғиллаб кетганини сездиргиси келмай:

— Ҳозир ҳам бир чиғриқдан ўтказишди-ку. Чеки борми ўзи биззи давлатда текшир-текширларнинг?— деди кўрслик билан.

— Шу давлатнинг фуқароси бўлганингиздан кейин тартибга бўйсунасиз-да, тўғри-ми?— деди мўғулбашара, мазах қилаётгандай бир алпозда.

— Унда биз ҳам ўзларининг ҳужжатларини кўриб қўйсак. Сизни қайси идора вакил этибди бизни текширишга?

— Марҳамат,— у қизил гувоҳномасини қўйнидан олиб, очмасдан кўзига тутди,— кўнгиллари жойига тушдими?

— Йўқ.

— Нега?— мўғулбашаранинг ҳайронлиги ортди.

— Негаки, сиз унинг олд томонини ўгириб кўрсатмадингиз?

— Шу етарли эмасми?

— Йўқ, дунёда бунақа қизил гувоҳномалардан кўпи борми? Айниқса бизнинг давлатда.

— Сиз ҳам ўзингизга етгунча экансиз-ку, мана,— деди у гувоҳноманинг олд томонини ўнгариб.— Ҳўш, кўнглингиз тўлдими?

— Тўлди. Лекин сизни ким вакил қилган мени текширишга? Шу идорами ё?..

Мўғулбашара кинояомуз иржайди:

— Унисини билишингиз шарт эмас. Ҳужжатларингиз?

У паспортига қўшиб ўчиш билетини узатди. Мўғулбашара ичини очиб, кўрди-кўрди-да, ёпиб ёнига солди:

— Қани, марҳамат қилиб мен билан юринг-чи.

Шу тобда «мен билан юринг-чи»га бало борми? Ҳозир самолётга чиқиши керак-ку.

У тихирлик қилиб, бошига одам йиғмоқчи бўлди:

— Мени вақтим йўқ!— Яна атай овозини кўтарди.— Рўйхатдан ўтган одамни текширишга нима ҳаққингиз бор? Билетимни беринг!

— Гражданин, шовқин солманг,— бу ёнида ҳам таҳдидли овоз эшитилди.— Яхшиликча биз билан юринг, акс ҳолда...

— Нима, акс ҳолда? Оёқ-қўлимни боғлаб олиб кетасизларми?

Шу заҳоти икки кучли қўл икки тирсагидан олди, ўзи ихтиёрсиз оёғи ерга тегиб-тегмай кета бошлади.

Қандайдир тор, лекин ёруғ хонага олиб кирдилар. Роса ярим соат сўроғу тинтув бўлди. Қилган ишлари — жомадонидан аввалги шикоят хатининг нусхасини топиб олиб, мингта танбех билан ўзига жавоб бериб юборишди-ю, икки ўртада самолётдан қолиб кетди.

— Билетни топширинг-у, келган жойингизга қараб кетаверинг. Яна қорангизни кўрсам аяб ўтирмайман,— дея пўписа қилди мўғулбашара.

«Тавба, булар ҳам айний бошлабди, юз тузилиши ўша-ўша-ю, лекин ранги аллақандай бўзариб кетганми-ей,— хаёлидан ўтди Абдулҳақнинг. У лўлини алдаю отингни суғор маталига амал қилди.

— Хўп, ака. Билетни топширвосам майлими?— дедию кейингисига алмаштириб, вақти битгунча ҳожатхонада ўтирди. Лекин қулоғи динг эди. Ҳар бир эълонни менинг рейсим эмасмикан, деб ютоқиб эшитарди. Ниҳоят сўнги дақиқада рўйхатдан ўтиб, автобусга чопди. Зўрға илиниб олди. У орқасига ўгирилиб қараганида, мўғулбашара аллақандай оқюз, малласоч қизларга гурунғ берганича зинадан кузатиш майдонига қўшиб келар, кўзлари олазарак эди. Етиб бўпсан, деб қўйди у ичида.

Индинига гапни бир ерга қўйиб йигирмата студентнинг ўртасида мавзолейга кириб

борди. Айни дохийга рўбарў келганида бир муддат тўхтадию қўйнидаги варақани ерга ташлаб юборди.

— Тўхтанг! Қимирламанг!— чопиб келди яқин турган соқчи.

Юраги гурс-гурс уриб, бўғзида потирлаб турган бўлса-да, Абдулҳақ бир қадам олдинга чиқди.

— Рухсат этинглар, азизлар. Бир оғиз арзим бор ўртоқ Ленинга,— деди юрак ютиб. Буни кўриб олдиндагилар ҳам, орқадагилар ҳам тўхташди:

— Гапирсин, майли, гапирсин.

— Айтсин, ёмон ниятда эмаскан-ку,— шовқинлашди йигитлар.

Соқчилар бу кутилмаган ҳолдан довдираб туришаркан, бошқалар ҳам талаб қилишди:

— Гапиришга қўйинглар-да...

Шунда юрагининг туб-тубидан йиғи аралаш бир нидо отилиб чиқдию мана неча йилларки жим ва хокисор ётган дохийга қараб худди тирик одамга мурожаат этгандай гапириб юборди.

— Ўртоқ Ленин, ўзингга илтижо қиламан. Ўрнингдан бир дақиқагина тур. Ҳолимизни кўриб, дардимизни эшит. Додимизга сендан бошқа қулоқ соладиган одам қолмади-ку. Тўяр бўлсак тўйдик-ку. Нима бўлди? Биз ишонган тоғлардан чиқмайин қолдику кийик?..

Роса уч минут айтадиганини айтиб:

— Бўлди. Мана энди қаерга олиб борсанглар бораверинглар. Мен тайёрман,— деди.

Уни студент укаларига қўшиб, аллақандай йўлақлар билан ер остига тушиб кета бошладилар. Уларни қандай жазо кутади — ҳеч ким билмас эди.

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Она — она-да. Совчи остона ҳатламай қўйса ҳам кўз ёши, бошқа кўчада сурнай овози эшитилиб қолса ҳам кўз ёши. Узатиб юборсам ким билан қоламан, демайди.

У уйга кириб келганида онаси бир сандиқ молни ёйиб қўйиб, ўзи ўртада тиззаларини қучоқлаганча йиғлаб ўтирар, уй ичини кўядори ҳиди тутиб кетган эди. Қизини кўриб кўз ёшларини этагига артди-да, индамай кийим тахлашда давом этаверди.

— Қандай чидаб ўтирибсиз, апа. Ҳиди димоғни ёраман дейди-ку, фуф-ей,— Жамила сумкасини бир четга қўйиб, дераза тавақаларини очиб юборди. Боғда зағизгон сайраб, шотут тагидан майна кўтарилди. Узоқдан қайтаётган турналар овози келди.

Она жавоб ўрнига бурнини тортиб қўйиб, яна ишини қилаверди. Ҳамма арази унга эканини билиб, Жамила орқасидан бориб чўкка тушдию бўйнидан қучоқлаб олди:

— Ўзимнинг апажонимдан айланай...

Она рўйхуш бермай, елкасини силкиб, енгил жеркиди:

— Нарн тур.

Жамила баттар ёпишиб, суйкаланди:

— Апажоним...

— Ялин-а, ялин!

— Ёлғиз қиблагоҳим...

— Қоч, бўлди,— ёқтирмайгина елкасини олиб қочди она.

— Айтнинг, ярашдиг-а,— хираланди Жамила.— Ярашдикми?

— Сен бошинг очиқ ҳолингча юравер,— она тўкилолмайд турган экан, шу баҳона бўлди.— Бу ёқда саруполарнинг ҳузурини куя кўриб ётсин.

— Озгина қолди, апажон. Шу кузда кириб келса бўлдимиз карнай-сурнай...

Она азза-базза қайрилиб, ялт этиб қаради.

— Ҳазиллашма.

Жамила ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди, ўзини ойнага солиб, берпарвогина деди:

— Ўзингиз ҳадеб ўтириб қолдинг, деяверсангиз, ахийри биттасига розилик берман-да.

— Бердингми ё... берасанми? — юраги така-пука бўлиб сўради она.

Жамила онасининг ойнадаги аксига тикилди: бечора апажониси. Ёлғиз уни деб бу дунёдан бева ўтиб бораётибди. Қирққа бормай, ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз ўзи қоладими? Балки турмуш қилар у ҳам? Ҳали неча гули очила қолибди?

Чиндан ҳам онаси ёшликдаги кўрки-жамолини унчалик йўқотмаган, гавдаси тўлишиб, катта хотин нуқси ура бошлаганини айтмаса, ҳалиям оловдек эди. Бемалол бир уйни яшнатиб ўтирса ажабмас. Кузда очилган гулдайн. Балки шунинг учун ҳам уни қистаб қўймаётгандир?..

Зағизгон энди ҳовлида сайради.

— Нега индамайсан? Ё ҳазиллашяпсанми? — бетоқатланиб сўради она.

— Уришмасангиз айтаман.— Жамила курсига ўтириб, онасига маҳзун тикилди.

— Яхши, ким экан у? — она ўғирилди.

— Шу атрофлик.

— Шу атрофнинг оти борми?

— Бор.

— Бўлса, айт.

Жамила уялиб-қимтинди, онасининг юзига қараб олди.

— Айтсам, уришмайсизми?

— Сен қиз бунақа шарт қўйишингдан... бир бало бўлиб қолмаганмисан? — Она ўрнидан туриб этагини қоқди. Ундан куюдори доналари шолчага дув тўкилди.

— Вой-й, қаёқдаги гапни гапирасиз? — Жамила аччиғини босолмай ўрнидан туриб кетди. — Кўчада қопманми?!

— Бўлмаса, ким у? Қаёқларда тентирашиб келдинг бугун? — тергашга тушди она.

— Шоҳимардонга... борувдик.

— Мендан берухсат-а? Оёғингиз чиқиб қолдимми?

— Борсам бегона билан борибманми, апа?

— Бегона бўлмаса, ким?

— Ким-ким-ким! Ким бўларди, нариги раиснинг ўғли...

— Нима?! — ток сўрисида ола қанотларини ёзиб зағизғон кўтарилди. Она, вой, шарманда, дегандек, қўлларини юзига босганча тош қотди. Кейин бўшашиб тушиб, уй ўртасида ўтириб қолди. — Вой, шўри-им.

Жамила ўтакаси ёрилиб, онасига ёпишди, тиз чўкиб елкаларидан ушлади:

— Апажон, нима бўлди? Нимага унақа дейсиз? Менга қаранг, у киши шунақа ёмон одамми?

— Келиб-келиб топганинг шумиди, қизим? — ййғлагудек бўлиб пичирлади она. Унинг хаёли жойида эмас, худди эси оғиб қолганга ўхшар, бошини сарак-сарак қилар-у, дилидагини тўкиб сололмас, лабини қаттиқ қимтиб олган эди.

— Нега унақа дейсиз, апа? Унга нима қипти? Ё мен билмайдиган бир нарса борми? Айтсангиз-чи, бундай...

Она бирдан ўзига келиб, қизини қучоқлаб олди:

— Йўк, қизим. Мени десанг бу ишни йўк қиласан. Жон, қизим, айтганимга бир кир. Она рози — худо рози, ахир. Кеч ундан. Уларга яқинлаша кўрма, болам.

— Апа, апажон, қулоқ солинг...

— Йўк, қулоқ солмайман. Сўрама ҳам, у дунёю бу дунёмни куйдирма ҳам.

— Ахир мен уни... Апажон...

— Кеч, кеч, болажоним. Мени десанг, кеч!

— Нима сабабдан, ахир айтсангиз-чи бундай? — Жамила юраги тўлиқиб, онасини қучоқлади.

Она ҳам уни маҳкам қучиб, бошини кўксига босди:

— Кейин, жон болам, кейин. Шунда ўзинг ҳам хурсанд бўласан. Очилар бахтинг. Шундай қолмас, қолмас...

Жамила она бағридан юлқиниб чиқарини ҳам, чиқмасини ҳам билмай аросатда қолди. Чиқса, она дилини бир умрга хуфтон этиши тайин, чиқмаса-чи? Нима, тақдирга тан бермоғи керакми? Унда яшашдан нима маъни қолади? Шу умидлар билан кўнгил берганмиди?

Тепадан янги турналар карвони ўтиб борар, улар қурей-қурейлаб хайрлашар эдилар.

УНИНЧИ БОБ

Чарақлаб офтоб чиқди. Машина-машина қизлар қийқиришиб ўтиб кетишди. Афтидан, мактабга ййғилган болаларни бирин-сирин далага жўнатишаётган бўлса керак. Уша ёққа ўта қолсамикан? Анув муаллим боланинг ҳамқасабалари билан гаплашиб келармиди?

Бузрук оёғи тортиб-тортинқирамай ўша томонга йўл олди.

Ўзи, аввал тўй масаласини бир ёқлик қилиши керак эди-ю, Мухсиннинг йўқлиги ишнинг белига тепди. Бўлмаса, кеча, келиши билан гап очган...

— Ҳаракатлар муборак, тўй қилиб қўйибсизларми? — деди келинига, гўё ҳеч нарсадан беҳабардек.

Чой узатаётган Муборак бир сўлиш олиб, қимтинди.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман, опоқдада.

— Ахир, фотиҳа бўлган экан-ку.

— Бўлган эди...

— Ҳўш?

— Тақдир эмасакан шекилли... бузиляпти.

— Ким бузляпти? Мухсинми? — Ўзи сезмаган ҳолда овозини кўтариброқ юборди Бузрук. — Гуноҳдан қўрқмайсизларми?

— Улар ҳам шундай бўлсин демовдилар...— чайналди келин.

— Хўш?

Муборак дастурхон попугини ўйнаб, ерга қаради:

— Уғлимизнинг... дегани боракан. Икки оёғини бир этикка тиқиб, унамаяпти.

— Илгари қаёқда эдинглар? Уғил-қиз ўстирган одам шундай бўладими?

Келин, кўзлари ёшланиб, четга қаради. Бузрук ошириб юборганини сезиб, юмшади: келинда нима гуноҳ? Авваламбор отани худо уриб қўйган. Бўлмаса, орқа-кетини ўйламай тўй бошлайдими? Умр савдоси бўлса.

— Нима қарорга келдинглар? Ё индамай жўнавердими сафарга?

— Азлар тоғага айтдим, келиштириб беради, мен бир ҳафталарда қайтаман, деб кетдилар. Билмадим, бу ёғи энди нима бўлади,— келин ўзингиз бош қўшасиз-да энди дегандай тикилди.

— Нима бўларди, ўзи қайтмагунча? Кутамиз. Фотиҳани бузиш осон бўптими? Уни ким айтади эл-юрт ичида юрган одам деб...

Келини журъат этиб бир нима дея олмади. Бузрук ҳам шу билан бу гапга нуқта қўйиб, бошқа оғиз очмади.

Бугун эса, иши терговга тушиб қолган анави муаллим бола масаласи билан шуғулланмоқчи. Мактабга бориб, гаплашиб кўрсин-чи, келишмовчилик нимадан чиққан экан?

— Салом алайкум...

— Ассалому алайкум...

— Келинг, меҳмон тоға...

Этак-бўхчаларини кўтариб, чағир-чуғир билан мактаб ҳовлисига тўпланишаётган болакайлар ўзларини четга олиб, йўл беришди.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўлинглар. Ҳашарга отланибсизлар-да, полвонлар?

— Талага¹,— чуғурлашди улар. Пучуқ бир қизча:

— Пахта фронтида жавлон ургани, тоға,—дея аскиянамо гап қилдию уялиб, дугоналари орасига ўзини урди.

— Меҳнат дарсидан қолгани боракан,— кулгига бурди бошқаси.

— Ҳечам-да, оқ олтинни яратган олтин қўлларга ёрдам қилгани...

Мактаб ҳовлисини гурр кулги тутди. Оббо шаддодлар-ей. Ўзлари муштадек-у, гаплари сопқон тошдек-а!

— Жим, болалар! Уят борми сизларда? — Баногоҳ ичкаридан чиқиб келган Қорахўжанинг амрли овозидан уларнинг кулгиси кесилиб, ўзлари пусиб қолишди. Исми-жисмига тортган қоп-қора бу одам — мактабнинг минг йиллик директори уни кўриб, тамомила бошқа тусда қучоғини очиб зинадан тушиб кела бошлади.— Эй, уни қаранг-уни қаранг! Кимни кўриб турибман! Келинг-келинг, Бузрук тоға, қадамларизга ҳасанот! Қўй сўйса келмайдиган одам, нечук-нечук?

Минг йил кўришмаган одамдай кела солиб қучоқлаша кетди. Юзларини юзларига суйкайдими-ей, орқаларига қоқиб, кураklarини силайдими-ей. Самимийми-самимий-масми, билиш қийин. Тавба, шу Қорахўжами, ўзи? Шу одам ҳам турланиб-тусланишни ўрганибдими? Амал ўлсин-а... Негадир унинг бошқа биров билан шундай қучоқлашиб сўрашишини ҳеч тасаввур қила олмади. Баъзан заҳарфеъл, аччиқзабон одамлар яхши қарийди, дейишарди. Балки бу ҳам...

— Оббо, Бузрук тоға-ей, биз зиёрат қилиш ўрнига ўзингиз келаверибсиз-да, қаниқани, ичкарига ўтайлик.— Директор меҳмонни қўлтиғидан олиб зина томон бошларкан, бир чеккада ийманиб, қўл қовуштириб турган ёшроқ ўқитувчиларга буюрди.— Мошин келиши билан болаларни чиқариб, жўнайверинглар! Мен сўнгроқ ўзим ўтаман.

Анави бир сўзли муаллим йигитни шулардан суриштира қолса бўлармиди, тенг-тўшлари экан? Ундай деса, директорнинг олдида қай бири ҳам ростини айтарди! У индамай ўтиб кетишни ўзига эп кўрмай, ҳол-аҳвол сўради:

— Ҳорманглар, укалар. Ҳа, барака топинглар. Машинаси тушмагур тўкмайдиган бўлганда сизлар ҳам қўтилармидингизлар бу ташвишлардан...

— Эҳ, тоға-я, хўп қизиқ гапни айтасиз-а! Муҳсинжон мана шундай шаҳарда йўқ зўр мактабларни қуриб беради-ку, биз қара-аб тураммизми? Айтмасаям чиқамиз, тоға, айтмасаям...

Ҳа, ялтоқи-я! Машинанинг тўкиб тергани тузук сенга қолса. Бир кўнгли шундай учирик қилмоқчи ҳам бўлди-ю, ёшларнинг олдида уялтиргиси келмади. Амал буниям одам қаторидан чиқарибди.

Чор атрофи чимзору гулзор қилиниб, майдонларига бир текис қизғиш қум тўшалган мактабнинг ойнаванд даҳлизига кўтарилиб боришаркан, Бузрук кўкракдор бинога суқланиб қараб қўйди. Чинданам маҳобатли, андозаси бу ёқларники эмас. Масков томонлардан олинганми-ей. Бунақа бинода билим олмаслик уят. Болаларнинг умрини далада ўтказиб юбориш эса, икки қарра уят. Шу оддий ҳақиқатни манави одам билмайдими?

¹ Водийда далани тала деб айтадилар.

— Бир адабиётчи ўқитувчиларнинг боракан, нима жин уриб, иши терговга тушиб юрибди? — директор хонасига киришгач, сўради Бузрук.

Қорахўжа дафъатан нима деярини билмай қолди. Кейин стол тузашга чалғиб, ўзини тутиб олди. Чой қуйиб узатаркан, синиқ жилмайди:

— Мен унга шунча ай. дим: ҳой бола, бунча катта кетма. Дарсингни бил, катталарнинг ишига аралашма, дедим. Биров ноҳақ партиядан ўтса, пунктдан пахта олиб план бажарилса, сенга нима, дедим. Дача курса қурибди, меҳмон кутса кутибди. Шусиз мумкин эканми, дедим. Йўқ ҳаммасини бир қилиб юқорига ёзибди. Худди ҳеч ким билмайдигандай... Сал қолди партиявий жазо олиб кетишимга.

— У ҳақми ё маҳовотми ҳаммаси?

— Нима десамикан сизга?— Қорахўжанинг юзига ачинишми, нимадир қалқиб чиқиб, ўзи ўнғайсизланиб қолди.— Қандай тушунтирсамикан?... Ўзи мияси ҳам сал нақароқми-ей, боланинг. Қаёқдаги машмашаларни бошлаб юради-да ишқилиб. Қўшандаги жиннихонага ётқизиб ҳам кўришди. Йўқ, баттар бўлса бўлдики... тузалмади. Бундай қарасангиз, бинойидек йигит, лекин қилаётган иши ҳеч соғ одамникига ўхшамайди.

— Масалан?

— Масалан, биздан берухсат араб тили тўғараги очибди. Дўскаларимизда ҳали у синфда, ҳали бу синфда ажиб-бужи ёзувлар пайдо бўлиб қолади. Ким ёзаяпти, десак, бу кишим... Эмишки, бизлар билмаганга яраша булар тарихимизни асл манбадан ўқий олсинмиш.

— Шунга деб олдин районони, кейин райкўмни хабардор қилиб қўйдингиз... Шундайми?

Қорахўжа елка учирди:

— Иложим қанча эди, тоға? Бошга бир балони орттириб ўтирмасин деб... Менинг ўрнимда сиз ҳам...

Водариг! Орадан шунча йил ўтсаям, бу одамнинг гапидан ўттиз еттинчи йилнинг ҳиди келиб турса...

— Одамлар, баракалла, Қорахўжа, дейишган бўлса керак, а?

Директор ўсал тортиб, бир нималар деб минғирлади.

— Энди сиз ўзини билмайсиз-да, тоға. Мухсинжонлар билан тиккама-тикка олишиб юрибди-ку...

Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да!

— Келиб-келиб сизларнинг ҳимоянгизга муҳтож бўп қопти-да Мухсин. Баракалла.— Бузрук агар яна бироз турса, обрўсини бир пул қилиб ташлашини сезиб, тарс-турс юрганча хонадан чиқди. Одам деб келиб юрибди-я! Бунинг хаёлида бўлса, хушомаддан бўлак ҳеч вақо йўқ. Қоровули унақа, директори бунақа. Нима жин урган ўзи бу одамларни? Диёнатини ютиб, жуда майдалашиб кетибди-ку, а? Қаёққа қараб кетяпмиз ўзи?

Ташқарига чиқса, зинанинг тагида ўғлининг машинаси турибди. Уша сутранг нўл-нўлу нўл-беш! Сени ким чақирди, боравер, деб жўнатиб юбормоқчи бўлди-ю, яна Ҳайтонга ҳай берди. Унда нима айб, келин юборган-да.

Кимсан — фалончининг машинасида қишлоқдагиларга кўрингиси келмаётган бўлса-да, охири дақиқада фикридан қайтди. Шу мактабда бир жангчи муаллим бўлгувчи эди. Дароз бўйли, бир қўли йўқ одам. Тарихдан дарс берармиди? Ҳа, Эгамберди муаллим. Сал чапанирок, шарттаки одам. Обкўм котиби тугул ундан каттароғидан ҳам тап тортмайди, дейишади. Ушани топса, балки бор гапни айтар. Бошқасига ишонч йўқ.

— Ассалому алайкум, эшон тоға. Келинг-келинг. Бардам-бақувватмисиз? Даллик-омонликми? У ёқда холамоёим яхшимилар? Келаркансизку биз томонларгайм? Жуда-а соғинтирдингиз-ку, а? Эшикдан қўнғироқ қилишлариминан учиб борсам, чиқиб кетибсиз. Шу қидираман — қани топсам. Охири манави болалар айтиб қолишди; шетта экансиз,— Ҳикмат шўпир шунақа хушфезъл йигит: гаплашиб тўймайди киши.

Бузрук ийиб орқа эшикни очди.

— Эгамберди муаллимни тополармиканмиз, хизмат бўлмаса? — деди ўтира туриб.

— Э, анави шарттаки маълимми? Болаларга яхши гапириб, катталарнинг таъзирини берадиган? Тоғамиз, тоға, тоғамиз. Унинг болалари дашт участкада падбўр теришяпти, чоғи. Кеча узоқдан бир кўзим тушувди. Кетавердикми?

— Майли.

Ҳикмат машинани ўт олдириб, мактаб ҳовлисида секин чиқди-да, ўннга буриб, ҳайдаб кетаркан, астойдил гина қилган бўлди.

— Излаб юрмай бир оғиз айтсангиз-ку, фазиллатиб етказиб келаман-а ўзим.

Бузрук мийиғида кулди.

— Мен раис аканг эмасманки, керак бўлса, ҳар қандайини зинғиллатиб топтириб келсанг. Иши тушган одам ўзи истаб боради-да.

Ҳикмат хижолат тортиб қизаринди:

— Уриниб юрманг девдим-да.

— Уриниб нима. Ўзим ҳам бундай ҳотиржам қишлоқ айланиб, табаррук ерларни таваф қилмаганимга анча бўлди. Одам соғинаркан.

— Тала одамисиз-да, тоға, тортиб туради.
— Нимасини айтасан, ўғлим. Баъзан тушларимга киравуриб гоҳи-гоҳида ваҳимага тушиб қоламан. Нима бало, берган умри ҳам поёнига етиб, одам боласининг ақли етмайдиган аллақандай олий руҳлар ота юртга чорляптими, дейман.

— Тоға-я, отдексиз-ку ҳали. Қаёқдаги гапларни айтасиз-а? Биласизми, сизни кимга ўхшатишади қишлоқда? — Ҳикмат айтавурайми, кўнглингизга олмайсизми, дегандек ўгирилиб қараб қўйди.

— Кимга? — сезиб турган бўлса-да, қизиқсинди Бузрук.

— Анув бир кино бўлар эди-ку, яхши кўрганини деб душман томонга ўтиб кетган ўғлини аямайдиган чол? Тарас Бульба-чи, ахир?

— Гавда бўлганиминан, ундаги куч қани, мўйлов қани? — Бузрук шундай деб кулди-ю, лекин ичида тан берди: одамлар ҳам топади-а?

— Ана ўзлари, адашмаганаканман.

Чиндан ҳам дашт ёқалаб ўтган каналнинг пастадаги ернинг ҳов нариги чеккасида бештами-олтита терим машинаси кўринар, бу томондан болалар ёйилиб кетган, Эгамберди муаллим эса, дала бошида соғ қўлини орқасига қилганча не хаёлда у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди. Худди сувга оққан умрини ўйлаб, маҳзун тортган одамдай...

— Шу ерда тўхтата қол, бу ёғига ўзим...

— Таҳминан қачон келай ё кутиб турайми, тоға?

Бузрук бош чайқади:

— Сен боравур. Бугун-эрта ёлғиз айлангим бор.

Ҳикмат унинг ниятини англагандай, бош силкиди. Кейин ўша жойнинг ўзида машинаси чаптастик билан буриб олиб, қайтиб кетди. Шундагина Эгамберди муаллим уни таниб, истиқболига чиқа бошлади. Тиниқ тортган сув ажабтовур шалдираётган ариқдан енгил ҳатлаб ўтиб, юзи ёришганча соғ қўлини кўксига қўйди.

— Ассалому алайкум, эшон тоға. Келганингизни эшитмабмиз, зиёрат қилгани ўтардик-ку. Қани-қани. Дамлик-омонлик? Сиҳатлар яхшими? Эшикдагиларни сўрасак?

— Раҳмат-раҳмат. Сўрашиб ўтай дедим ҳеч бўлмаса. Ҳорманглар энди.

— Бор бўлинг. Кўпга келган тўй экан деб... мана, бир ойдан бери шайдамиз¹... Яна қанча заҳар-чанг ютамиз, худо билади.

Йўқ, бу ўзгармабди. Уша-ўша — гап келса отасини ҳам аямайдиган Эгамберди. Бу билан тиллаша бўлади.

Ариқ бўйидан сал нарироққа, чимга ўтирдилар. Эсонлик тилаб юзга фотиҳа тортишди. Кун кўтарилгани сари офтоб ҳам одамга аллақандай хуш ёқарди.

— Етти иқлимда топилмайдиган заб кузимиз бор-да, Эгамберди,— деди Бузрук ўтирган жойида пастдаги водийдан кўз узолмай.— Қаранг, рассом чизиб қўйгандек-а?! Неъматларини айтмайсизми.

— Ҳа-да. Баъзан ўзимизни жаннатиларга ўхшатаман: кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ... Бузрук унга ялт этиб қараб, бошини сарак-сарак қилди:

— Тилингиз ўша-ўша-я, Эгамберди? Лекин топиб айтдингиз...

— Беркитадиган жойи йўқ-да, тоға. Биз-ку, майли. Сиз деҳқон бояқшнинг уйига кириб боқинг. Бири икки бўлмай умри ўтиб кетяпти. Лекин бирон ерда шунақа деб кўринг-чи, Абдулҳақнинг куни бошимизга тушади...— Эгамберди муаллим энсаси қотиб, қўл силтади.

— Ким? Анув Мақсудали миробнинг ўғлини айтяписизми?

— Ҳа-да, бегонамас, ўзимизнинг бола.

— Сиз уни яхши билармидингиз? — қизиқсинди энди Бузрук.

Эгамберди муаллим эмаса-чи, дегандай қаради.

— Нима бўлган эди, Эгамберди?

— Ростини айтавурайми?

— Айтинг.

— Очиғи, болани Мухсинжон... шу кўйга солди.

— Йўғ-е! — Бузруkning ичидан қиринди ўтиб ўнғайсизланди.

— Ундан кўриш ҳам тўғримасдир балки, лекин,— Эгамберди муаллим ёлғиз қўли билан ажриқни чирт-чирт юлиб сувга отди.— Лекин, бир эсини киритиб қўяй деб жиннихонага тикмаса, шу гаплар йўқ эди...

Ана холос! Сен, ота юртни обод қияпти, биздан ҳам битта чиқди, кўрсатганига шукур, деб фахрланиб юрибсан. У бўлса, бўйин эгмаганини жиннихонага тикиб, адабини беришни ўрганибди. Иснодни билмаган нобакор бола-ей...

— Қандай бўларкин, деб истиҳола қилмай... борини айтавуринг, Эгамберди. Мен тўғрисини билгани келганман,— деди эзилиб.

— Одам бекордан-бекорга эллик кун жиннихонада ётса ёмон-да. Унинг ўрнида мен ҳам тинч турмасдим. Биттаси кулоқ солмаса, бошқасига ёзардим. Бошқаси додимга етмаса, юқориоққа чиқардим. Бунинг ҳам ҳақиқат излаб-излаб етган жойи шу бўлди.

— Бирорталаринг ўртага тушмабсизлар-да,— деди Бузрук гина оҳангида.

¹ Шу ердамиз.

— Қариялар тушиб кўришди.

— Хўш?

— Майли, кечирим сўраб келсин, деганмиш,— Эгамберди кинояомуз жилмайди.— Абдулҳақ тугул, мен ҳам бормасдим.

Шундай очиқ жойда ҳам ҳавоми, нимадир етмай юраги сиқилди Бузрукнинг. Муаллимга сездирмай чуқур тин олди.

— Нима айб ўтган экан у бояқишдан?

Эгамберди муаллим самимий жилмайди:

— Боласи тушмагурни сиз билмайсиз. Қаёқдаги кўз кўриб қулоқ эшитмаган ишларни бошлаб юради ўзи ҳам. Бу ёқда партиядан ўчириб ишдан олишса, у ёқда Москвага учиб бориб... кимга мурожаат қилибди денг?

— Кимга? — деди Бузрук беихтиёр.

— Тўғри Мавзолейга кириб бориб Ленинга шикоят қилибди. Бу, додимизга етади— ан одам қолмади-ку, деб...

— Шундаям тинч қўйишмадим?

— Қаёқда? Баттар қилишди. Ҳаммага гап олиб беради-ю, жазосиз қоладими? Ушаларнинг фатвоси билан тўхматчига чиқяпти-да. Ҳали кўрасиз, суд ҳам шу айбни бўйнига қўйиб, камида беш йил берворади. Ундан кам олмайди.

— Шунақа денг! — деди Бузрук хаёли қочиб, лекин ўзи ҳеч тасаввурга сиғдира олмасди: шундай кўпни кўрган, кўпнинг ичида юрган одамлар-а? Гаплашсанг юзларидан нур ёғилади-ку? Йўқ, Эгамберди ҳам маҳоват қияпти. Нима бўлса, пастдагилардан бўлган. Дўпписини ол деса, бошини келтирадиганлар озми бизда? Ҳар ким ўзича тўқиб-бичаверади-да.

Улар ўзлари билан бўлиб, жим қолишди. Йўлдан, турли хил машиналар ғиз-ғиз ўтиб турар, узоқда терим машиналари бўғиқ гувиллар, ариқдаги сув бетиним шалдирар, лекин ҳеч қайсиси уларнинг маҳзун хаёлларини бўла олмас эди.

Бузрук чуқур тин олди:

— Чиқмаган жондан умид: ҳалиям ёрдам қилса бўлар? Ё кеч дейсизми?

Эгамберди муаллим елка қисди:

— Билмадим. Илгарироқ ҳаракат қилиш керакмиди. Муҳсинжон ўртага тушса... битармиди. Ҳозир билмадим...

Эҳ, Муҳсин, Муҳсин! Қачон айниб улгурдинг? Одамни уятга қолдирибсан-ку, болам...

Унинг кўксига бир нима сирқираб, ачишиб ўтди. Назарида юраги ёмон бир санчиб қўйди. Чўнтагини тимирскилаб, Эгамберди муаллимга сездирмайгина дорича олдию тилининг тагига ташлади. Ҳаҳ, нобакор ўғил-а...

УН БИРИНЧИ БОБ

Ҳовлида бир жуфт товус солланибгина донлаб юрар, олди ойнаванд пешайвондан турли-турли сайроқи қушларнинг овози келар эди. Меҳмонга атайинми, ҳовлининг ўртасидаги кўкракдор шийпонга жой қилишган, бу ердан чор тарафни бемалол томоша қилиб ўтириш мумкин эди. Иморатлар ҳам кўрса кўргудек, дангиллама. Ҳаммаси бир расамади билан тушганки, хонадон эгасининг диди баландлигию дасти узунлигидан дарак бериб турибди.

Ёлғиз қолган меҳмон фаранги кўзойнагини беихтиёр қўлига олиб, атрофга суқланиб боқаркан, чинданам кўнгли суст кетди: «Киройи шунақа хонадонга келин бўлсангда!» Кейин ўзининг фикридан ўзи уялибми ё уй эгаси чой дамлаб чиққанини кўрибми, дарров кўзойнагини тақиб ола қолди.

— Олинг, олиб ўтиринг, айланақолай. Баҳодиржонни айттириб юбордим. Ҳозир келиб қолишади, зерикмай ўтиринг,— катта хотин нуқси уриб қолган бўлса-да, ясантусандан қолмаган аёл ширинзабонлик билан мулозимат қилди.

— Раҳмат. Сизниям уринтириб қўйдим-а, бемаврид келиб,— деди меҳмон хижолат чекиб.— Чойнакни менга беринг, мен қуяй.

— Вой, бемавриди борми, айланай. Тикувчига ҳар вақт ўтса бўлади, сиз шунча ердан келганда... Одам бор ерга одам келади-да. Олинг, тортинманг. Манави хандон писталардан эрмак қилиб ўтиринг, айланай.

Кун пешинга яқинлашгани сари офтоб ҳам қиздира бошлаган, қилт этган шабада эсмас, девор соясида ётган ғул-ғул товўқлар ҳар замонда эринибгина овоз бериб қўяр эдилар.

— Шунақиб, атай келувдим денг? Эсиз, сим қоқиб қўймабсиз-да, кутиб қолдингиз,— деди уй бекаси меҳмонни суҳбатга тортиб.

— Ҳечқиси йўқ, ҳали қайтиб кетишга улгураман.

— Вой, қайтишиз нимаси, келмасингиздан? Сувомбор томонда баҳаво жойлар бор. Кўриб, дам олиб кетасиз-да.

— Келаси гал. Мана, билиб олдим-ку.

— Шундай бўлсин, шундай бўлсин,— бека ниманидир сўрагиси келиб, ичи қуриб турарди-ю, айта олмасди, ахйири,— дадаси қайтганларида ҳам бир келасиз-да? — деди мулозимат билан.

— Худо хоҳласа.

— Ҳа, айтгандай, қанақа эшиттириш дедингиз?

— «Қиз боланинг бахти» деган. Янги оила бўсағасида турган ёшларга аталган. Кутилмаганда бека бўшашиб тушди.

— Нима бўсағасида?..

— Келин-куёвлик...

— Шунақаям эшиттиришинглар борми?

— Бор-бор.

Бека унчалик ишонмаган бўлса-да, бош тебратди.

— Ниятингиз яхши-ю, аммо ўзлари борларида шу гапни очсангиз бўлармиди?

— Бу бир мунозара-да, опоқижон.

— Шундай бўлсаям, дадаси келмасалар... бизга ноқулай.

— Нимаси ноқулай? — қиз қизиқ бир тугуннинг учини топгандай, бекага ёпишиб олди.

— Яхшиси, шу эшиттиришингизни бошқа ердан қила қолинг, айланақолай. Биз бир марта куйганимиз етар.

— Вой опоқижон, нима деяпсиз, мен яхши ниятда келганман. Улайин агар... — қиз узр сўраб қўлини кўксига қўйди.

— Нима бўлсаям шу ҳақда биз гапирмайлик... юртга кулги бўлиб...

— Ана холос, раис бувага рўпара бўлиб қолсам, тоза қовун туширарканман-да. Яхшиям йўқ эканлар.

— Шунақа, айланақолай, ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади, деганлари шу... — беканинг кўзлари намланди. — Бизни маъзур тутасиз.

— Вой, узрингиз нимаси, опоқижон, билмай ярангизни янгилаб қўйган бўлсам... кечиринг.

— Нимасини айтасиз,— чуқур тин олди бека,— бириники битмай, бошқасиники очилиб турибди. Уғил-қиз ўстирдим деркансиз-у, кетидан келадиганини билмас экансиз.

Девор устига келиб қўнган зағизгон сайраб, яна учиб кетди. Товуслару ғул-ғул товуқларнинг қулоқлари динг бўлиб, мунчоқ кўзлари қинидан чиққудек бўртди. Пешайвондаги сайроқи қўшларнинг чулдираши тинди. Қоплон нухса мушук елкасини баркашдай қилиб, қўшни томонга ўтиб кетди. Ташқарида машина келиб тўхтади.

— Баҳодиржонлар келишди шекилли,— бека кўз ёшларини апил-тапил артиб қўзғаларкан, зўраки кулумсираб, илтижоли тикилди,— у билан гаплашсангизам ёзиб ўтирманг, майлими, айланай? Қизимизни узатгандагиси етади бизга.

— Майли, нима ҳам дердим...

— Бу умр савдоси экан-да, айланай... — дастурхондаги ушоғу пўчоқларни ҳовучига сидира бошлади у. Шу аснода дарвоза тавақаси очилиб, остонада барвастагина жингалаксоч йигит кўринди.

— Меҳмонни кутдириб қўймадикми, ая? Узингиз зериктирмай олиб ўтирибсизми? — жиндек ширакайфилиги бор шекилли, узоқдан сўзамоллик қилди у.

Уни кўргандаёқ аллақандай саросимага тушиб, юраги бесаранжом потрай бошлаган қиз энди ўзини босиб, ҳар эҳтимолга қарши кўзойнагини тўғрилаб қўйди.

— Утирибмиз. Сени атай сўроқлаб келган эканлар,— дея бека чойни янгилашга шошилди.

— Э, биз ҳам оғайнилар билан бир йиғилишиб қолган эканмиз. Қиртагида гапни чортанг қўйиб ўтиргандик...

Бу орада у шийпонга етиб келиб, ҳурмати учун ўрнидан кўзғолган қизга юзландию бояги калондимоғлигидан асар ҳам қолмади. Қаршисида аллақандай тўпори мухбир эмас, уст-бошию пардоз-андози билан кино юлдузларидан қолишмайдиган бир хоним хиёл кулимсираб турар эди.

— Куттириб қўйган бўлсам, узр. Айбга буюрмайсиз,— деди хижолатга тушиб.

— Ҳечқиси йўқ. Сизларни ҳам безовта қилиб қўйдим.

— Шунча ердан келасизу безовтаси борми? Аввало хуш келибсиз, қани, тўрға ўтинг, тўрға. Танишиб қўяйлик, Баҳодир,— дея қўл узатди у.

— Моҳира,— беихтиёр исмини айтиб юбориб лабини тишлади қиз.

Улар курсиларга омонатгина чўкдилар. Йигит фотиҳа қиларини ҳам, қилмасини ҳам билмай, чойнак кўтариб ошхонага боратурган аясига жавдираб қараб қўйди. Сўнг ўнғайсизланибгина ҳол-аҳвол сўрашга жазм этди:

— Яхши келдингизми? Йўлда уринмай?..

— Раҳмат,— миннатдорчилик билдирди қиз. У бир кўнгли девонанинг ишини худо ўнглаб, фалончининг машинасига тушиб қолибман, демоқчи бўлди-ю, яна сирни очгиси келмади.

— Атай мени сўроқлаб келганингизми? — ажабланди йигит.

— Ухшамаяптими ҳеч? — деди қиз, қувлиги тутиб.

- Ҳашмаепти.
 — Нега?
 — Чунки мени бундай излаб келадилар деб ҳеч ўйлаган эмасман.
 — Балки шунга арзирли «гуноҳ»ингиз бордир?
 Йигит унинг шамасини тушуниб, қизаринди.
 — Сиз шуни гуноҳ деб ҳисоблайсизми?
 — Ота-боболарнинг удумига қарши боришни нима деб аташ керак бўлмаса?
 — Сизнинг гапларингиз бувамнинг гапларидан ҳам ўтиб тушди-ку.
 — Нега?
 — Алмисоқдан қолган гапга ёпишиб оляпсизлар-да. Ахир, қайси даврда яша-
 япмиз?
 — Давр деб бировни бахтсиз қилиб кетаверса бўларканми?
 — Шошманг, уйланадиган менми?
 — Сиз.
 — Унда нега мендан бир оғиз сўрамайдилар?
 — Ким? Ким сўрамабди?— Қиз чиндан ҳам ҳайрон бўлди.
 — Ҳаммасини суриштириб юрган одам — билсангиз керак,— кесатди йигит.
 — Дадангизларми, мен у киши билан гаплашганимча йўқ.
 — Аввал тагига етинг, кейин суриштирасиз.
 Қиз ширин жилмайди:
 — Хафа бўлдингизми?
 — Билиб-билмай одамни гуноҳкор қилаверманглар-да.
 Қиз яна жилмайди.
 — Хўп, бўлар иш бўлибди. Лекин фотиҳа қилинган қизда нима гуноҳ?
 Ая чой кўтариб келиб, суҳбат узилди. У буни фаҳмлаб, кетишга ошиқди:
 — Олинглар, олишиб ўтиринглар. Ёғим ёниб кетмасин яна.
 Йигит ўзини зўрға босиб олиб, чой қайтара бошлади. Сўнг онаси узоқлашиб кетган-
 нини кўриб, меҳмонга нигоҳ ташлади.
 — Сиз, хоним, ҳамма гапдан хабар топибсиз-у, лекин бир нарсани ҳисобга ол-
 мабсиз?
 — Нимани?
 — Хўп, фотиҳани бузиш гуноҳ дейлик. Узатилай деб турган бир қизни рад этишни
 айб санаб, маломат атайлик. Лекин кўнгил бериб ишонтирган қизни қон йиғлатиб таш-
 лаб кетишни-чи? Муҳаббатдан воз кечишни-чи, нима деб атамоқ мумкин? Дунёда бун-
 данам оғирроқ гуноҳ борми ўзи? — деди у қизишиб, сўнг бундан ўнғайсизланди чоғи,
 чой қўйиб узатди.— Олинг, дастурхонга қараб ўтиринг.
 Қиз раҳмат маъносига бош силкиди.
 — Бизнингча, йўқ, албатта. Лекин кўпни кўрган қариялар ҳам бир нарсани билса-
 лар-чи? Биз ёшлар бегона кўчаларда кимларгадир эргашиб, адашиб-улоқиб юрган
 бўлсак-чи?
 Йигит елка учирди.
 — Тушунмадим, нега бегона кўчаларда бўлсин?
 — Ҳарқалай, бизнинг қарашларимиз ҳам, муҳаббат тўғрисидаги тушунчаларимиз
 ҳам бўлакча-да. Ғарбга тақлид қилиб кетганмиз десамми-ей?
 Йигит таажжубланди:
 — Тақлид? Шу гапни сиз айтяпсизми?
 Қиз ўнғайсизланди:
 — Нима, кутмовдингизми?
 — Йўқ, нега? Гап кийинишда эмас-у, лекин... мени қоралайсиз деб ўйламаган эдим.
 — Мен ҳам қораламоқчи эмасман. Аммо урф-одатни унутиб, қаергача бораркан-
 миз — шуни айтмоқчиман.
 Йигит ўйчан тортиб қолди. Пахта гулли чойнак бандини ихтиёрсиз сийпалади.
 — Мен ҳам кўп ўйлаб кўрдим.
 — Хўш?
 — Бировларга ўхшаб субутсизлик қилгунча ҳар нима бўлганим яхши.
 — Шу сўзингиз сўзми?
 — Сўз.
 — Айнимайсиз ҳам?
 — Ҳеч.
 — Афсусланиб ҳам юрмайсиз?
 — Дўппимни осмонга отаман-ку,— йигит шундай деб, бирдан шубҳаланиб қол-
 ди.— Нега ундай деяпсиз? Нима бало, сизни элчи қилиб жўнатишмаганми у ёқдан?
 Қиз кулиб енгди:
 — Ким... юборади?
 — Улар-да.
 — Олинг-а!
 Йигит ҳам кулди.

— Узингизам терговчи бўладиган сиёингиз боракан-у, мухбир бўлиб қолган экансиз-да.

— Ҳали билмайсизми?

— Нимани?

— Биз мухбирларга қўйиб берса, терговчиларни ҳам мот қиламиз.

— Бизни-чи?— деди кутилмаганда йигит.— Бизни ёзиб юрмайсизми?

— Ҳа, бир пўстагингизни қоқадиган экан-у...— ҳазилга буриб кулди қиз.

— Гуноҳимиздан ўтасиз-да. Бир қошиқ қонимдан кечсангиз кечибсиз.

— Мен-ку кечарман, лекин у ёқдагилар кечишармикан?

— Улардан ҳам сўраймиз-да тиз чўкиб.

Қиз таъсирланиб бош чайқади.

— Ёмонсиз.

— Нима қилай, бўлганим шу экан.

Улар бир дақиқа кулимсираб тикилиб қолишди. Қиз нигоҳини олиб қочди ва зуётмай, ўзига ярашадиган бир шаддодлик билан:

— Унгача кўрманасиз бўлсаям бир кўрсатарсиз у кишини? — деди.

— Сизни қизиқтирса... жоним билан,— деди йигит хижолат аралаш.

— Кўрайчи, бошингизни боғлаб олган қандай ғумо экан?

— Ғумо? — таажжубланди йигит.

— Ўзбек ойим бўлганларида анди дер эдиларми? — кулди қиз.

— Ҳа, у маънодами? Бўлса бордир,— тан берди у.— Кўринг-чи.

— Раҳмат,— деди қиз, ўйлаган режаси осон кўчганидан мамнун тортиб,— Бўлмаса, эртага Фарғонада — боққа кираверишда кутсам бўладими?

Йигит «бўлади» деди-ю, аммо бу шўх-шаддод қиз тушмагур нимани режалаштирди, ўйлаб ўйига етмади.

УН ИККИНЧИ БОБ

Толмозор... Тавба, адир тагидаги бу қишлоқнинг нариги чеккасига бора-боргунча саф-саф тераг-у, номи Толмозор.

Дунё кўрган чолларнинг нақл қилишларича, бундан икки юз-уч юз йиллар бурун тепадан ёмон сел келиб, бир кечада ҳаммаёқни теп-текис қилиб кетган, ҳамма нарса қўйкаю тошлар остида қолиб, фақат дўнгликдаги қабристонгина омон турар, четларида тўдаланиб қолган толлар эса, илдизини қўйқа босиб, яна кўкариб ётар экан. Толмозор номи шундан қолганмиш. Одамлар ота-боболарининг қабрларини қора тортиб кўчиб келишиб, бу ерларни яна ватан қилишган, дейишади.

Ушанда-ку, қабристон омон қолган экан. Энди селга анави сув омбори ҳам қўшилса... нима қолади? Қиёматнинг ўзи бўлади-ку. Одам боласининг ишларига ҳам ҳайрон қоласан. Баъзан шундай калта ўйлаб тўн бичадик... Бўлмаса ҳеч замонда селнинг йўлига ҳам сув омбори қурадими? Ўз бошига ўзи ташвиш орттириб? Буларга бугун керак, кейини билан неча пуллик иши бор? Уларга деса, эртага қиёмат қўпмайдими? Бир муштипарнинг бошига иш тушса, жони чивин чаққанчалик ачимабди-ку. Халққа қайишармиди булар.

Бузрук бехос кимсасиз теракзор кўчада тўхтаб, атрофга аланглади: Утиб кетмадикан ишқилиб? Эшиги шу атрофда эди шекилли? Раҳматлининг фотиҳасида бир келгани-да, ундан кейин қачон кирибди? Кимдан сўраса экан?

Шу тоб якка тавақали эшиклардан биттаси очилиб, кўхликкина келин пақир кўтариб чиқдию уни кўргач, тараддулланиб, шоша-пиша рўмолини тўғриларкан:

— Келинг, тоға, ассалому алайкум,— деди уялинқираб.

— Ваалайкум. Умрингдан барака топ, қизим. Утиб кетдимми дейман-да, менга...

— Келаверинг-келаверинг. Адашмадингиз, шу эшик,— келин ичкари қайтиб, челаки бир четга қўйганча пастга чопди.— Буви, тоғамлар келяптилар.

— Ким? Вой барака топсинлар-э, ҳожатингизни осон қилиб, ўзлари келибдиларми? Чақира қолинг, айланай.— Айвондан юмшоқзабон аёлнинг овози эшитилди.

Бирпасдан кейин уринчоқкина кампирнинг ўзи кўринди. У одмигина рўмолини юзига тортиб, бир қўлини кўксига қўйганча турар эди.

— Яхши ўтирибсизларми, янга? Эшиклар тинчми? Узингиз бардам-бақувватмисиз? Сизларни безовта қилиб қўйдим шекилли.

— Вой, безовтаси бораканми? Бошимиз осмонга етди-ку, эшон тоғажон! Хуш келибсиз.

Эшон тоғажон?

Шошма-шошма, ким шундай атагувчи эди?.. Эҳ-ҳа, ахир... Умриниса-ку. Ленинграддан ўқишни битириб келгунича бўйи етиб, узатиб юборилган қўшни қиз!

Эслади, аниқ эслади ўша кунни. У Тошкентга янги ишга тайинланиб, Фарғонага бирров келган кезлари эди. Қўни-қўшнилари муборак бўлсинга чиқишди. Худди аскар...

ликдан қайтгандай, қўшни кампирлар бошидан сочқи сочиб, дуо қилишди, узоқ умр, баланд мартабалар тилашди.

Келинлар аллақандай ибою жозоба билан тортинибгина сўрашишди:

— Яхши келдингизми, хуш кўрдик.

Уларнинг орасида шу Умриниса ҳам бор экан, у ҳам уялибгина:

— Яхшимисиз, эшон акажон. Хуш келибсиз...— дедию аёллар гурра кулиб юборишди. Умриниса лавлагиси чиқиб, келганларнинг орқасига яширинди.

Шунга ҳам, ў-хў, минг йил бўпти. Урушдан олдин, қамалмасидан бурун эди-да. Сўнг онасининг маъракасида азага келган хотинлар орасида бир кўрди. Қанча сувлар оқиб ўтиб, қанча музлар эриб битиб, кўришган жойларини қаранг.

Ҳаммалари хонтахта атрофига ўтиришгач, Бузрук дуога қўл очди:

— Илоҳим, қадам етди, бало етмасин. Тинчлик-хотиржамлигини берсин. Ўғлингиз эсон-омон қайтиб, бағрингиз тўлсин...

Келин чой дамлагани турди. Кампир минг бир истиҳола билан яримта лочирани бутунининг тагига яшириб, келтириб қўйди. Ҳарқалай тоқ эмас-ку. Токчадан ликопчада сарғайинқираган қанд олди. Бисмилло деб нон ушатаркан, хижолат аралаш қараб қўйди:

— Айбга буюрмайсиз, сал суви қочай дебди.

Бузрук бош тебратди:

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси бир нон-да.

Ичида эса ўйларди: қўли қисқалик ҳам қурсин, бир умр қисиниб яшаб келяпти-да шулар. Худо билади ҳали, бу эшикларга ойда бир қадоқ эт кирадими-йўқми...

Киши билмас атрофга зингил ташлади, ҳаммаёқ саранжом-саришта-ю, лекин том харобгина. Бир вақтлар шоша-пиша беркитилган-у, кейин қўл калталиқ қилибми қора сувоғи билан қолган. Фақат ичкари уйнинг деворлари оқланиб, шифтига қоғоз тутиб улгурилибди. Токча деворида келин билан жиккак йигитнинг сурати, айвон шифтида қамиш попилтириқлари кўзга ташланади. Муҳсин қишлоқ марказини гулдай қилиб қўйгани билан, бу ёқдагилар тупроққа қоришиб ўтиришган экан-да? Мард бўлса, ҳамма-ни олабаргоҳ уйларга чиқариб қўймайдими? Бу шўринг қурғурлар нима гуноҳ қилибди!

Кампир енгил томоқ қириб, маъноли қараб қўйди:

— Танимадингиз дейман-а, эшон тоғажон?

— Нега, Умриниса? Боя киргандаёқ танувдим. Яхши ўтирибсизларми?

— Юрт қатори, эшон тоғажон,— кейин қўшиб қўйди.— Умрни қаранг, оқар сув-дек ўтди-кетди.

— Тиндим-тинчидим дея олмаскан-да одам боласи.

— Раҳматли Зебиниса буви ҳам айтар эдилар. Ҳеч бандани фарзандидан кейин қолдирмасин, деб. Эртаю кеч дуои жонингизни қилиб ўтирар эдилар, бежизмасакан.

— Секин айтасизми? Балки мени у балоларнинг оғзидан тирик қайтарган ҳам ўша волидамининг дуоларидир?

— Кўп покиза аёл эдилар-да, ўзлари ҳам.

— Кам эмас, кўп эмас, ўн беш йил кутдилар.

— Шуни айтинг. Куч-қувватингиз борида билинмайди-ю, аммо қариганда кўрсатмасин экан.— У рўмолининг учини мижжаларига босди.

Бир жуфт мусича довлда дон излаб, беозор айлиниб юрар, ора-чора тўхтаб, бошини хиёл эгганича мунчоқ кўзларини буларга тикиб қолар, яна егулик излаб кетар эди.

Чой қуйиб ўтирган келин секин ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Қайнона чуқур уф тортиб, унинг орқасидан қараб қўйди:

— Мен-ку чидарман, лекин ёш нарса — бунга қийин. Битта жужиги бўлса ҳам майли эди. Ушанга овуниб ўтирармиди.

— Кўпам куйинаверманг. Ол қулим деса, ҳеч гапмас. Бу дунёда қайси ёмонлик жавобсиз қолибди?— Бузрук бу гапни айтишга айтди-ю, ўзини ваҳм босди: қолмаганда... касри кимга уради? Муҳсингами?

Умриниса бундан беҳабар, кўзига ёш олди:

— Шундай замонда адолат топа олмай кетаверди-я, болам бечора.

— Бирор хабар борми? Суд бошланармишми яқин ўртада?— сўради Бузрук ўзини базўр ўнглаб.

— Тоштурмада ётганмиш. Бир йигитдан хат чиқарган экан. Ўтган куни ташлаб кетди, ўқиб бир мен йиғладим, бир у йиғлади.

— Илоҳим, боши тошдан бўлсин. Худойимнинг ўзи ишини ўнғласин.

— Айтганингиз келсин,— деди хўрсиниб кампир, сўнг қўшиб қўйди.— Қўлимиз ҳеч ерга етмаса ҳам бир бориб келсакмикан деб бугун отланаётувдик. Келин ҳам ишдан сўраб келди. Олинг, олиб ўтиринг, айланай.

— Раҳмат. Кечқурунги поездга чиқасизларми?

— Ҳа, айланай. Бир амаллармиз.

— Бўлмаса мен холисанилло бир яхшилик қилай: машина топиб берай. Обориб келсин,— деди Бузрук, астойдил қайишиб.

— Қандоқ бўларкин? Келиним... Ҳой, Мунисхон, тоғангиз машина топайми, деяптилар,— чақирди кампир қувониб.

Келин ийманибгина келиб ўтирди:

— Майлингиз, буви. Сиз нима десангиз шу...

Келин деган кирои шундай бўлса: ҳам кўхликкина, ҳам маъниликкина. Умридан барака топсин. Умриниса ёлчиган экан-у, шу ўғлининг ташвиши чакки бўпти-да. Ишқилиб, ўзи сабр берсин буларга.

У дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғалди.

— Бўлмаса, бориб тезроқ жўнатай.

— Вой, жуда ғалати бўлди-ку, бир қошиқ ёвфонсиз-а?— деди келин.

— Ҳар куни келиб юрибсизми, ўтиринг, айланай. Қутли уйдан қуруқ кетасизми?— дея қайтаришга уринди Умриниса.

— Ҳали кўп келаман. Сизлар тушиб чиқаверинглар-чи. Машина ҳам беш соат юради. Тайёрлана қолинглар. Мен кампиримга кўнғироқ қилиб қўяман. Бизникида тунаб, эрта билан кўргани ўтаверасизлар,— ҳовлига чиққан ерида нима мақсадда келгани ёдига тушиб, келинга ўғирилди:— Айтмоқчи, сал бўлса унутибман, ўртоғингизнинг хатларидан бирор нусха қолганми? У ёққа ёзганидан.

Келин дафъатан англай олмай, кўзлари порпиради.

— Қайси, Масковгами? Бизга кўрсатмаганлар.

— Шунақа, айланай. Билсак жўнаттиргани қўярмидик-а,— деди Умриниса, овози қалтираб.— Болам бояқишни Қўқондаги анув номи хунук баннисага ташлаб келишмасан-ку, шунчаликка бормасмиди? Чиққанидан кейин худонинг зорини қилиб ёлвордим, шуларминан олишма деб. Қандоқ қилай, алами ичида экан болам шўрликнинг...

Эҳ, Муҳсин, Муҳсин... Шу муштипар кампирдан шу гапларни эшитгунча, ер ёрилгани маъқул эмасми?

Умриниса шошиб, келинига ўғирилди:

— Айтмоқчи, кечаги хати-чи? Балки асқотиб қолар буларга...

— Билмадим,— деди келин унчалик рўйхуш бермай.

Бировга битилган хатни сўрашнинг ўзи ўнғайсиз. Лекин керак бўлгач, илож қанча?

Келин «анув гаплар уят-ку», дегандай қизариниб, лабини тишлади. Аммо Умриниса қатъий бош силкиди:

— Ҳечқиси йўқ, қайтага билганлари яхши.

Келин ночор-ноилож ичкарига қараб юрди.

Бузрук хатни келиннинг қўлидан юраги безиллабгина олди-ю, кителининг чўнтагига солиб:

— Сизлар тахт бўлиб тураверинглар-а, ярим соатга қолмай машина келади,— деб кўчага чиқди.

Аммо «бўпти-да, тоға, Тошкент бизга чўт эканми? Борсак бориб келаверамиз-да», деб машинасини ғизиллатиб кетган Ҳикмат, бир пиёла чой ичгунча вақт ўтмай бўшашиб қайтиб келди.

— Ҳа, нима гап?— деди кўнгли алланечук хижил тортиб Бузрук. Ҳикмат мужмал елка қисди:

— Тушунмадим...

— Нимага тушунмайсан? Бирор важ-карсонсиз қайтаришмагандир, ахир?

— Йиғиштириниб ўтирган одамлар... машинани кўриб, бирдан айнишди-қолишди.

Пўезд маъқулмиш.

«Агар ўшаларга ялинсанг, машинасига яқин йўлайдиган бўлсанг...» Бузрукнинг миясига хатдаги шу жумла ўқдай урилиб, илкис Ҳикматнинг кўзларига боқди:

— Ҳали бу машина... анувнақа аёлларга ҳам... хизмат қиладими?

Ҳикмат қизариниб, ер чизди.

Уят, уят! Юраверган эканмиз-да, фарзандимиз бор деб, фахрланиб? Юртдан бир оғиз сўраб қўймабмиз-да қалай у, деб. Им-м-м!.. Уят, уларга кўринишнинг, қишлоқда бош кўтариб юришнинг ўзи уят.

У алам билан пичирлаб-шивирлардими ё юрагининг туб-тубидан бир кимса аёвсиз таъна тошлари отармиди, билмасди. Ўғлиникидан қайрилиб чиқиб, қаёққадир бош олиб кетиб борарди. Турмадан чиққан хатдаги гаплар эса энди қулоқларининг остида тамомила бошқача жаранглаб, кўксини бетийиқ алам-изтиробларга тўлдирар эди...

«Салом хат

Эшигимизнинг икки ёруғ чироғи — жондан азиз энажон ва Мунис!

Сизларни ташвишда қолдириб, ўзим ҳақимда бирон хабар бердира олмаганим учун узр. Кўп қайғурманг, энажон. Буларнинг фашистан баттарроқ терговчилари бўлганда ҳам менга ҳеч нарса қилиша олмайди. Тегирмонга ташласалар-да, сизлар-чун бутун чиқаман, бутун чиқишга ҳаракат қиламан. Ахир менинг сизлардан бўлак кимим, сизларнинг мендан бошқа кимингиз бор?!

Фақат сиздан илтимос, эна, мен учун ҳеч бир идоранинг эшигига бош уриб борманг, ҳеч бир каттага ялина кўрманг. Садқаи кўз ёшингиз кетсин улар! Дуоиожонимни қилиб ўтирсангиз бас!

Мунис, сўзимни ҳеч иккита қила билмаган Мунисим! Сенга тошданда қаттиқ бардош тилайман. Биламан, менсиз жуда қийин бўлади. Лекин чида. Урнимни билинтирма. Сен энди мен боргунча ўша эшикнинг эркаги ҳамсан.

Жон Мунис, району мактабдагилар ҳали менинг номимга кўп маломатлар ёғдиришади. Лекин, ҳеч бирига парво қилма. Юзга қора суртган билан одам қора бўлиб қолмайди. Ичинг тоза бўлсин, ахир бир кун юзинг ҳам оқ бўлиб чиққай.

Сендан ҳам ўша илтимос: мени деб ҳеч кимга, ҳеч бир зотга ялинма. Иккала қулнинг билан эшитиб ол: агар анави ўпка — Азим райкўмга ёинки ўзини салкам худо санаб қўйган раисимизга боргудек бўлсанг... у ёғини ўзинг биласан. Наинки ўзига, машинасига яқин йўлаганингни эшитсам — бир умр кечирмайман. Ишон, бекорга турмага тиқиб қўядиган замон мангу қолмайди. Ахийри, барибир, чиқиб бораман.

Сизларга сабр-бардош тилаб, Абдулҳақ.

198... йил. Уктабр. Тоштурма...»

УН УЧИНЧИ БОБ

Эрталабдан ҳаво тунд, кўнгил ғаш, юраги ҳадеб ҳаприқар эди. Негадир туши, энасининг «шошма, жоним болам, бизни ташлаб қаёққа кетасан»лаб зор-зор қақшашлари ҳеч кўз ўнгидан кетмас, бу нимаси экан, деб боши қотган эди. Ишхонага келибоқ Фарғонага кўнгироқ қилмоқчи эди, аксига олиб, мажлисга қақириб қолишди. Кечгача игна устида ўтиргандек ўтирди. Нимагадир дили нотинч, кўнглига ҳеч гап сиғмасди. Ахийри ижарага олган уйига қайтиб, Фарғонани чақиртирдию чой қўйиб, қуймоқ пишира бошлади.

Ташқарида бир тутамгина қиш кунни тугаб, шом тушиб келар, бунга сари хонани қоронғулик қоплаб борар эди. Бу ёқда телефон ҳам жим. Илгарилари ўн минутга қолмай Фарғонани улаб берадиган қизлар негадир шошилмасдилар.

У чироқни ёқиб қўйиш учун қайрилган жойда... хона эшиги шахд билан очилиб, остонада уч нотаниш эркак кўринди. Учаласи ҳам носранг кийимда эди.

— Келинлар... хизмат,— деди юраги шув этиб.

— Эрматов сизми?— деди биринчиси, ўнг қошининг устида нўхотдек қора холи бор одам.

У бош силкиб улгурмади.

— Мана ўрдер. Сиз қамоққа олиндингиз.

— Мен? Нима учун?

Саволи жавобсиз қолди. Холдорқош шеригига бош ирғади. У эса илдам ўтиб, чўнтагидан кишан чиқарди.

— Қаршилиқ кўрсатиш бекфойда. Қўлингизни беринг.

— Мен ахир... раҳбар одамман, юқоридагиларга бир оғиз...

— Кераги йўқ. Узлари билиб олишади. Қани, четга ўтиб туринг.

У четланиб улгурмай, телефон хонани бошига кўтариб жиринглай кетди.

Улар сапчиб тушиб, тек қотдилар. Биттаси келиб, телефон дастагини жаҳл билан кўтариб ташлаган эди, овози ўчмади.

Шунда у қўли кишанлоғлик ҳолича телефонга ёпишди:

— Жон яхшилар, Фарғонани чақириб қўйгандим. Энам билан бир оғизгина гаплашиб олай. Йўқ деманлар.

— Нар и туринг, сиз қамоққа олинган одамсиз!— деди холдорқош жеркиб. Узи чироқни ёқди-да, шеригига буюрди.— Узиб ташла!

Кўз ойнаклис инидан яроғ чиқариб, симни шартта қирқидию чирқираб турган телефон уни ўчди-қолди.

Улар токчалардаги қоғоз-китобларни ағдар-тўнтар қилиб, ичидан нимадир излай кетишди. Бузрукнинг ичиде қалтироқ туриб, тиши тишига тегмасди.

Нима номаъқул иш қилган эканки... ҳибсга олинади?!

Миясини чақиб ташлагудек бўлиб, гуноҳини эслашга уринади-ю, эслай олмайди. Ахийри асаби қақшаб, бақириб берди:

— Нега кавлаштирасиз? Берухсатдан-берухсат?!

Қутини очиб титкилаётган холдорқош ярим ўгирилиб, кинояли нигоҳ ташлади. Сўнг икки қадам босиб:

— Бу-чи?— дея бир парча босма қоғозни кўкрак чўнтагидан олиб, бурнининг тагига тиқиштирди.— Шахсан энквд бошлиғининг ўзи қўл қўйган ўрдер-чи?

— Ўрдер?... Қайси айбим учун?..

— Айбингиз шуки, миянглаз чатоқ, фикрингиз бузуқ! Бу устоллар ҳам кичкина кўриниб, каттароғини мўлжаллаб қолгансиз. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, дейсиз шекилли. Амал берган Совет давлати тиқиб қўйишни ҳам билади.— У илкис ўгирилиб шерикларига буюрди.— Бас, кетдик.— Узи кути эшигини ёпиб, бош ирғади.— Олдимга тушинг. Фақат шовқин-суронсиз...

Унинг кўксини бир нима куйдириб ўтиб, томоғига тиқилди: палидлар, бир оғиз гаплашгани кўймадилар-а!..

Сўнг қора машина совуқ забтига олган кўчалардан шаҳар марказига қараб ғизиллаб кетди. Ниҳоят, уч қаватли тош бино олдида тўхтаб, уни пастга олиб туша бошладилар. Сўнг аллақандай темир эшиклар шарақ-шуруқ очилиб, нимқоронғи, заххонага итариб юбордилар.

— Кир, ношукр банда.

Шу билан унутдилар. Бир ҳафта, ўн кун ўтяпти, қани чақирсалар, айбинг шу-шу, десалар. Йўқ, минг хил шубҳаю гумонларга ботиб, калласи ғувиллаб ётибди. Терговдан эса дарак йўқ.

Ахийри бир кун, ярим кечадан ошганда эшик зулфинлари шарақлаб, остонада соқчи кўринди.

— Айбдор Эрматов, сўроққа!

Бузрук дик этиб туришга турди-ю, сўнгги дақиқада иккиланиб қолди: нега бемаҳалда чақиришяпти? Ё буларнинг иш куни шунақа дардисар вақтда бошланадими?

Соқчи тоқати тугаб ўшқирди:

— Сенга айтяпман!..

Бузрук оёғи тортинқирамай, ҳадик аралаш ёруғ тушаётган томонга қараб юрди. Сўнг қўлда кишан, оёқда чипта, энгилда қопга ўхшаган каноп кўйлак, сўроққа чиқиб борди. Терговчи юзига ёшлигида чечак тошиб, мошдек-мошдек излари қолган найнов сариқ одам экан. Урисми, татарми — миллатини бир қарашда ажрата олмади.

Аммо хонадан палов, ароқ, тамаки, яна алламбало ҳидлар анқийди. Афтидан, узлари аллақайси гадой топмас чойхонада дамланган паловни бу ерга келтириб, паққос туширганлару қоринни бақувватлаб, энди терговга тушмоқдалар!

Заҳарингга еб-ичибсанлар, хонани шамоллатиб кўймайсанларми ҳеч бўлмаса, дея Бузрук ичида ижирғанди.

Столида аллақандай қоғозларни титкилаб, ора-чора тиш кавлаб ўтирган терговчи ниҳоят бошини кўтарди. Соқчига жавоб бериб, Бузрукка бошдан-оёқ разм солиб чиқа бошлади, кейин кутилмаганда маъноли кулиб, ўрнидан турди.

— Худо гавдадан бериб, ақлдан қисган экан-да? Сенинг шу қадди-бастинг менда бўлсами, марказқўмга котиб бўлардим, билдинг,— деди унинг жиғига тегиб.

Бузрук аччиғини ичига ютиб қўя қолди.

— Ҳар кимга худонинг бергани-да.

Ҳартугул, у пичингни сезмади.

— Лекин шу ёшда директорлик ҳам катта гап. Бошланиши ёмонмас-у, манави ишларга аралашиб қопсан-да,— деди терговчи астойдил ачингандай.

Бузрук қандай иш деб сўрагиси келиб турган бўлса-да, ўзини тийди. Терговчи ҳам бунинг сир бой бермаётганини сезиб, ўрнига ўтди ва расмий муомилага кўчди:

— Мана, танишиб ҳам олдик. Мен терговчинг Наҳанов бўламан. Вазифам ҳақиқатни ойдинлаштириш. Саволларимга тўғри жавоб берсанг, ишинг энгиллашади. Айлантисанг, алдасанг — ўзингга қийин. Тушундинг?

— Тушундим.

— Бўлмаса, расмий савол-жавобларга кўчамиз. Айт-чи, қанчада учрашиб турардиларинг?

— Ким билан?

Наҳанов норозиланиб ўқрайди:

— Айтдим-ку, айлантисанг ўзингга қийин деб...

— Тушунмадим, қанақа учрашувни айтяпсиз?

— Одатдаги йиғилишларингни. Қанчада тўпланардинглар?

— Кимлар? Курсдошларми ё ишхонадагиларми?

— Талмовсираган билан иш битмайди, Эрматов. Пуштипаноҳларинг ким деб сўра-япман?

— Мен билмасам, нима ҳақда гап кетяпти ўзи?

Терговчи қизишиб, тик боқди. Кўзларининг олasi каттариб, зўлдирга айланди:

— Ахир учта одам тўпланса ҳам уларнинг бошини бир киши қовуштирадими?

— Қовуштиради.

— Уша ким... деяпман.

— Ҳеч ким бизни...

Терговчи қўлидаги гугурт қутисини стол устига итқитиб, ўрнидан турди.

— Ҳамма гап шундаки, сизларнинг бошингизни қовуштирганлар. Ўзбекистонни ажратиб, янги ҳукумат тузмоқчи бўлгансизлар. Узларингга амал тақсимлагансизлар. Тарафдор излаб рўйхат битгансизлар. Ё янгилишдимми, қадди-баста келишган йигит?! Бузрук ёқа ушлади.

— Қанақа рўйхат, қанақа тарафдор? Улимдан хабарим бор, бундан...

— Унда манави нима?— у бир варақ қоғозни суғуриб олиб силкитди.— Энди ҳам тонасанми?

Энг қизиғи, Бузрук рўйхатдагиларнинг биттасини танир, таниганда ҳам жуда яхши

билар эди. У дўст бўлиб юриб душманнинг ишини қилган, Ленинградга ўқишга кетганида суйган қизи Ҳафизани йўлдан уриб, уйланиб олган бир номерд курсдоши эди. Яна аблахлик қилибдими? Қанақа қасди боракан унда?

— Хўш?— деди терговчи ғолибона.

— Тонмайман: танийман у ифлосни. Лекин... лекин нима ҳаққи бор қора рўйхатига мени тиркашга? Мен билан бир оғиз гаплашибдими? Қани гувоҳ, шоҳид?— деди чидамай.

Терговчи лабининг четида кулди:

— Гувоҳлик бериб турибди ўзи.

— Йўқ, юзлаштирасизлар. Менга юзма-юз туриб айтсин у палид! Мен талаб қиламан.

— Ҳозирча талабни биз қиламиз, саволни биз берамиз, қадди-басти келишган йигит,— кесатди Наҳанов. У татарга ўхшаса-да, сир бой бермай русча тергов қилишини қўймас, ҳеч ён бермас эди.— Хўш, айт-чи, нега шаҳарма-шаҳар тентираб юрибсан?

— Мен тентираб юрганам йўқ, шу ерга ишга тайинланганман. Уй олсам, знамни кўчириб келаман,— деди Бузрук, жаҳли чиқа бошлаб.

— Ишга тайинланганман дегин? Ким тайинлаган сени ишга?

— Ким бўларди. Жумҳуриятнинг катталари. Масъул ўртоқлар.

— Шунақами? Аспирантурани битиришингни кути-иб туришган экан-да?

— Кутишганми-кутишмаганми, бу ёғи менга қоронғи. Ленинградлик домлаларимнинг тавсияси билан ишга қўйишганини биламан.

— Ҳо, жуда қизиқ бўпти-да,— Наҳанов лабининг четида кулиб, ўрнидан турди.— Ундан кўра бор гапни айт-қўй. Тепада одамларимиз бор, деб...

— Қанақа одамлар?— Бузрук гарангсиб тикилди.

Терговчи жойига айланиб бориб, сирли қараб қўйди:

— Ким бўларди, раҳбарлик лавозимларига суқилиб кириб олган одамларингиз-да. Бузрук ўзини босиб, қўл силкиди:

— Пуч гап. Унақа одамлар борлиги тушимга ҳам кирмаган. Нима бўлса, рус домлаларимнинг тавсияси билан бўлган.

Наҳанов уни ёш бола қилмоқчидек милқларини кўрсатиб, сассиз кулди.

— Йўлига шундай тавсиялар олиб қўйилади-ю, аслида...

Бузрукнинг тепа сочи тикка бўлиб, жаҳли ҳиқилдоғига келди:

— Бекор айтибсиз! Энди шу йўлни топдингларми? Бировнинг гапи билан бировни бадном этмоқчимисизлар? Бит теринглар ундан кўра!

— Нима дединг?!— Наҳанов жазавага тушиб, қўл силкилади.— Кўрсатиб қўяман сенга...

— Тўхмат қилманг бўлмаса.

— Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан.

— Қўрқитманг. Нима бу, терговми ё...

— Кўриб турганинг! Керак бўлса яна кўрсатаман. Марш бурчакка! Беш сутка тик қурасан! Турмаганингни кўрай! Яхшиликни билмаган нонкўр. Марш!— Наҳанов ер тепиниб қичқираркан, кўзлари биринчи кўргандагидек муз зўлдирга айланди-қолди. Жаҳлдан бўриқиб кетган юзларидаги чечак излари ҳам (ё қудратингдан!) кепчиб бораётганга ўхшар эди.

— Бурчак бўлса бурчак-да, жонимни олармидинг,— дея Бузрук секин ўша томонга юрди. Аммо ичида, «неча кунга чидаркинман, икки кун, борингки, уч кун тик оёқда туриш мумкин, лекин уйқусизликчи... ишқилиб, йиқилиб қолмайин-да, ҳушимни йўқотмайин-да,» дер эди.

Биринчи кун билинмади. Фақат ўзининг тоши оғирлик қилибми, товонининг таги сал-пал зирилларди. Иккинчи кун охирларига бориб, оёғининг увишиши тиззаларигагача кўтарилди. Кейин болдиригача чиқди. Сўнг бирдан ёғочга айланди-қолди. Оҳ, тамом бўлдим, деб ўйлади. Биров туртиб-нетиб юборса, гурсиллаб ағдарилиб тушадигандек эди-ю, нимагадир йиқилмас, гўё ерга михланиб қолгандек эди. Аммо оёқларига жон битиб, жимирлаб увишишдан ёмони йўқ. Асабини шундай эговлайдики, чидаш амримаҳол. Учинчи кунга борганда кўнгли ич-ичидан озиб кела бошлади. Қани, ўша ҳар кунни берадиган савил қолгур бир хўплам совуқ сувни ҳозир олиб кела қолса. Соқчига худонинг зорини қилиб тикилади. Ўтини-ўтини қарайди. Аммо у қаршисида без бўлиб ўтиргани-ўтирган. Узи ўзбек-у, лекин худонинг қандай бошли-кўзли балоси экан, бир нарса сўраса, ўрисчалаб сўккани-сўккан:

— Не разговаривать!.. Не шелохнуться! Так стоять, сукин сын!

Кун-ку, бир тутамгина, у киради-бу киради, кун чиқиб, кун ботади, бир нимага алаҳсиш мумкин. Лекин кечалари шу қадар узунки, тонгни кутавериб жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Чироқни ҳам ўчирмай, соқчининг ўзи мудрагани-мудраган. Ўша панжарағилоф ичидаги лампочкадан тушаётган нур ҳам асабга тегади. Азбаройи қизиб, паққа ёрилиб кета қолсаю шу тик турганча бирпасгина мизғиб олса. Йўқ, кўз илинди деганча дағдағасини бошлайди:

— Не спать! Кому говорят!

Бузрук ўзини алахситиш учун бир гал уни гапга солмоқчи бўлди:

— Ука, қаерликсан? Кимнинг фарзандисан?

— Какое твое дело, откуда я? Не положено с тобой разговаривать?! Всё!— жеркиб берди соқчи.

— Кўринишдан бинойи йигит экансан. Яхши одамларнинг фарзанди бўлсанг керак, девдим-да.

— Яхши одамнинг боласи бўлсам, сенга нима? Қочириб юборишим керакми?! Сенга қўшилиб ўзим ҳам отилайми? Вой анойи-ей, кимни лақиллатяпсан?— Балодек тили бор экан-ку. Асли, ўрнсчаш буларга бир матлаб шекилли?

— Шунчаки сўрадим-да, ука. Бу ерда умрингни бекорга ўтказиб юргунча... ўқисанг, оқ-қорани танисанг ёмонми?

Соқчи энсаси қотиб бир қараб қўйди-ю, аммо индамади, ёнидан папирос чиқариб, чека бошлади. Юзидан сезилиб турибди, умрида биринчи марта ўйланиб қолди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Лабининг четида аччиқ кулди.

— Сизларга ўхшаб... қамалиб кетиш учунми?

— Нега энди? Ҳамма гуноҳкор бўлиб кетаверибдими? Уқисанг кўзинг очилади. Гуноҳқорни бегуноҳдан ажратасан...

Соқчи алам билан қўл силкиди:

— Прекратите провакации. А то Наханову доложу!..

Аммо ўзи дераза томонга қайрилиб олиб, бояғидай босиб-босиб чека бошлади.

Бу ёқда Бузрукнинг мияси ҳамон карахт, ичаклари сим-сим ачишади, товонлари тошга айланиб, тўпиғидан болдиригача живир-живир увишадикки, бундан кўра ёғочга айланиб қотиб тургани ҳам минг марта аъло экан. Қулоқ шанғиллагани-шанғиллаган. Кўз тиниб, бош айлангани-айланган. Тўртинчи куни бўлса керак, назарида қаршисидаги жамики нарса, девордаги суратдан тортиб, унинг остидаги «Агар душман таслим бўлмас, янчиб ташлаймиз», деган қизил ёзувгача, Наҳановнинг столию ўзи, полу шифт оғиб-оғиб кета бошлади. Панжарали дераза остидан нур бўлиб нур эмас, аждарҳодек бир нарса олов уфуриб киришга талпинар, деворлар тарс-тарс ёрилиб, шохли маймунларми-ей, шайтонларми-ей иржайиб чиқиб келишар, шифтда шир яланғоч қанотли одамлар учиб юришар эди. Наҳановнинг столи орқасида эса ярим буқа, ярим одам шаклидаги бир нарса пишқириб турибди. Кўзига минг хил инсу жинслар кўринаверганидан ҳуши учиб, боши айланиб кетдими ё ўзи адойи тамом бўлаётганмиди, бир томонга оғиб бориб ёўладек гурс этиб йиқилди. Еру осмон чирпирак бўлиб айланар, бунга сари чоғга қулаб кетаётганга ўхшар, жон ҳалпида ерга тирмашар эди. Шу аснода биров бир пақир муздек сув сепиб, ўзига келтирди ва тургазиб, қўлидан шифтдаги халқага оса бошлади. Оёғи ердан узилар-узилмас, яна ҳушидан кетди...

Бир ҳафта қийнаб ҳеч гап чиқаришолмагач, ахийри сочи устарада қиртишланган мараз бир одамни юзлаштиришга олиб кирдилар. Бузрук рақибини кўрибоқ таниди:

— Хўй инсон, бу қандай гап? Менинг номимни кўшмаган шу рўйхатинг қолиб эдимми?

— Уз розилигинг билан кўшганман,— деди Абдулла уялмай-нетмай.

— Кўзимга қараб гапир. Қачон, қанақа розилигим билан?

У бўлса, қонталаш кўзларини тик қадаб, бирдан қутурган кимсадек қўлларини силкиди:

— Қачон, қачон? Мен соат-минутини ёзиб қўйибманми?! Симда розилик бергансан, вассалом!

— Абдулла,— деди Бузрук секин, шу топда у билан гап талашиб беҳудалигини ҳис этиб,— ўзингни худо уриб қўйгани-қўйган, бошқаларга чоҳ қазиб, гуноҳга ботиш нимага керак бўлиб қолди сенга?

Аммо у жавоб қайтаришни истамай, юзини ўгириб олди. Кейин иккисини икки ёққа олиб чиқиб кетдилар. Уни охириги кўргани ҳам шу бўлди. Қайтиб на Магаданда, на бўлак ерда учратди. Фақат...

Ҳа, кейин, анча кейин... Ҳафиза кўргани келганида у айтган гапнинг бир учини эшитди.

— Менга бўлмадинг, унга ҳам бўлмайсан!— деганмиш.

Ҳафиза нақ бошлиқнинг олдига кўзёш қилиб кирибди:

— Мени деб бир бегуноҳ қуруқ тухматга учраб кетаверадими?! У яшшамагур атай қилган. Атай ўша қора рўйхатга тиркаб юборган. Адолат қилинг, ўртоқ начайлик... Бир бегуноҳ...

Ростдан ҳам у бегуноҳмиди ё... ўша гуноҳининг касрига қолдими? Шунча қизлар турганда, қандай шайтон йўлдан оздирди уни?

Ўзидан ўтди, ўзидан... У суйганимни тортиб олганда бир кечагина бирга бўлсам нима қипти, демаса шу балолиқ йўқ эди. Сизган, сезиб юрган экан. Охири қасдини биратўла олди. Бировнинг хасмига кўз олайтириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйди. Им-м-м...

У бу ёқда — бандихонада ич-этини еб ётар, у ёқда — хабар топиб, Фарғонадан дод-вой кўтариб келган онаси НКВД турмини бузгудай бўлиб энг каттанинг олдига киришга уринар эди. Ахийри бошлиқ қабул қилишга мажбур бўлибди:

— Айтинг, кампир, арз-додингизни. Фақат тез, вақтим зиқ.

Раҳматли кўп зардали аёл эди, бошлиқни тикка уришиб ташлабдилар:

— Мен сенга кампир эмасман. Кўчада қолган одамдай муомила қиласан. Нима, бу совет идорасими ё оқпошшонинг миршабхонасими? Неча кундан бери эшигинг-да ётибман, қиё боқиб кўймайсан. Ҳали шуми рабочий классга эътиборинг?

— Ҳой-ҳой, кампир, секинроқ. Бу ер...

— Яна кампир дейди-я, мен икки кам йигирма йилдан бери мана шу қўлларим билан пилла йгираман. Ишонмасанг, ҳидлаб кўр, сассиғига чидармикансан. Шу кўйларга тушиб, болагинамни ўқитганман. Рабочийдан ҳам бир одам чиқсин деб Тошкану Ленинградларга юборганман. Энди қўли ошга етганда рабочийни ўғли душман бўлиб қолибдими? Бекорларни айтибсан. Ишчи ханадонидан фикри чатоқ одам чиқмаган, чиқмайди ҳам. Агар йўқ десанг «фарғоналик Зубенисо рабочийнинг ўғли душман», деб ёзиб бер. Масковинггача борай, Сталинггача кирай. Қани, ким ҳақ экан? Ёз, ёз!

Ё онасининг шу сиёсати, ё Ҳафизанинг гапи бўлиб, индинига отув бекор қилиниб, Магаданга сургун билан алмаштирилди.

— Министр бўладиган онанг боракан, шукр қил,— деди бошлиқнинг ўзи.

Она эса уни бағрига босиб, куракларини силар, нақ аждарҳонинг оғзидан қутқариб қолганини сезибми, юм-юм йиғлар, нуқул бир гапни такрорлар эди:

— Ой бориб омон келсанг бўлди, болам. Қанча десанг шунча кутаман. Фақат қайтсанг, ўз қўлинг билан ерга қўйсанг бас. Ундан берисига розимасман, розимасман...

УН ТУРТИНЧИ БОБ

.....

— Яхшимисиз, оппоқ қиз?

— Вой, сизмидингиз?

— Мен, мен.

— Келардингиз...

— Келдим-ку мана.

— Тунов кунингиз энди бўбди-да?

— Бир қошиқ қонимдан ўтасиз.

— Шундай бўлиб қолди, деб бир оғиз хабар бердиришга арзимадикми?

— Узр, мендан ўтди.

— Узр айтиб қўйгани кебсиз-да?

— Иложим қанча? Мен ҳам икки ўт ўртасида...

— Уша ўтингиздан қолманг. Боринг... Кетинг... Кўзимга кўринманг.

— Саидахон?!

— Отимни атаманг!.. Тилингизгаям олманг!..

— Нима дей? Нима десам сизга тушунтира оламан? Бошим боғлоқлигини сизга қандай айтай?! Уйдагиларни деб бировни бахтсиз қила олмайман-ку.

— Эшитдим...

— Хайрият...

— Нима, хайрият? Қилгиликни қилиб қўйиб, устимдан кулгани кепсиз-да? Қандай юзингиз чидади?

— Саидахон, тушунинг.

— Тушунмайман. Мени шунча маломатларга қолдирилинг-у, яна кечирайинми? Кетинг! Йўқолинг! Қорангизни кўрмай!..

Эшик кўнғироғими, нимадир босиб-босиб жиринглар, ўзи ўқсиб-ўқсиб йиғлар, ёстиқ ҳам ҳўл бўлиб кетган эди. У бошини кўтариб ҳам каравотда бирпас гарангсиз ўтириб қолди. Унгидами деса, хайрият, туши экан.

Аммо телефон кўнғироғи жиринглашини қўймас эди. У кўз ёшларини апил-тапил артиб, ўрнидан турди-да, телефон дастагини кўтарди.

— Алё, Саи, ўзингмисан? Нима бало ухлаб қолдингми?— чақираётган қақажон дугонаси Моҳи эди.

— Ҳа, кўзим илинай дебди.

— Ол-а! Бунақада оғзингдагиниям олдирворасан-ку,— танбеҳ берди дугонаси, ҳазир бўл, эрсиз қолма дегандай, сўнг жиддий сўради.— Келишди, кўрасанми?

— Ким?— дафъатан у англамади.

— Ким бўларди, ўшалар-да. Ўзиям, юрадиганиям.

Саиданинг ёдига туши, тушида уни олдига солиб ҳайдаганлари тушиб, энсаси қотди:

— Бир ками шу қолувди...

— Ўзинг биласан,— деди дугонаси бўшашиб,— кейин ўпкалаб юрмагин-да.

— Бўлмаса, кўриб куйишим керакми?— гап билан узиб олди бу ҳам.

— Кечирасан, ўртоқ, мен холис... айта қолувдим,— сўнг иккиланиб қўшиб қўйди,— кейин, улар бир нарсани илтимос қилишаётувди.

Саида нималигини билгиси келса-да, индамай тураверди: илтимосга бало бораканми энди?

— Бизга ёрдам қилармиканлар... дейишяпти.

— Ушаларга оғиб кетибсан-да дарров?!— Саида гап билан узиб-узиб олгиси келди-ю, ёнида эмас-да.

— Сен бир кўрсанг эди,— деди Моҳира узун тин олиб.— Ўзинг ҳам тан берардинг. Ахир, муҳаббатнинг уволи бордир?

— Уни қара-я, жабр бўпти-да?

— Майли, менга ишонма. Лекин ўзинг бир кўр,— ялинди у.

— Кўзим учиб тургани йўқ.

— Улар ўтиниб сўрашяпти.

— Менга халфа-даллол керак эмас.

— Саи?

— Овора бўласан.

— Жон ўртоқ? Мен ноқулай аҳволда қоляпман,— ўтинди дугонаси.

— Сендан ҳеч ким илтимос қилгани йўқ эди.

— Тавба, мунча чап ёнинг билан турмасанг. Бирров чиқсанг асақанг кетмайди-ку.

— Кетади!

Моҳира нима қиларини билмай, чуқур уф тортди. Қаёқданам шу ишга бош суқдим, дея афсусланди. Ахийри аччиғланиб:

— Келмайсанми?— деди.

— Ҳамонки элчи экансан, ўзинг кел!

Саида зарда билан телефон дастагини ташлади-ю, ўзи бўшашиб ўтириб қолди: «Худойим-эй, бахтим очилди деганда бу нимаси эди?»

* * *

Шом тушиб, бояги туссизгина ой ўроғи ярқирай бошлади, унга қараган сари кўз қамашиб, қўша-қўша бўлиб, жуфтлашиб олар эди. Аммо унинг нури ерга иниб-инмай шаҳар чироқлари ёниб кетдилар. Йўлқадан чопа-чопа кела турган қизларнинг оёқ товушлари яқинлашиб, сўнг ўзлари кўриндилар.

Баҳодир машинадан истиқболларига тушиб борди:

— Музокарангиз чўзилиб кетдими жуда?

— Чўзилди,— деди Жамила аллатовур бир тусда ва ўгирилиб, кузатиб келган элчи қиз билан тезгина хайрлаша бошлади.— Сизни ҳам кўп овора қилиб қўйдик. Айбга буюрмайсиз, бориб тулинг биз томонларга.

— Вой, овораси бораканми? Яхшиликка бўлсин. Ўзингиз бир бошқа келинлар, ўтирадиган бўлиб,— мулозимат билан қўлини кўксига қўйди у.

Баҳодир ичи қуриб элчи қизга тикилди, лекин арғувон остидаги олачалпоқда унинг юзидан бир маъно уқолмади. Сўрашга эса ийманиб, ноилоҳ хайрлашишга тушди.

— Келармиз, раҳмат. Яхши қолинг.

— Яхши боринглар,— деди қиз аллақандай бўшашибгина.

Буни Баҳодир ўзича тушунди: нима бало, иш пишмабдими?

Шунданми, юраги сиқилиб рулга ўтирди-ю, ўзи сезмаган ҳолда газни қаттиқроқ босиб юборди. Машина ҳам силтаниб юриб кетди.

Бир қалқиб тушган Жамила уялиб, орқага қараб қўйди.

— Намунча?! Айтмайдими жаҳли ҳам бурнининг учида тураркан деб.

— Айтгани яхши.

— Нечук, бирдан ўзингизни ёмон кўрсатгингиз кеп қопти одамларга?— кулди Жамила.

— Ёмонласа, сенга яхшимасми?

— Кўрмагансиз-да. Кўрганингизда жигарингиздан уриб, нима қилишни билмай қолармидингиз.

— Шунақа дегин. Осмондаги ой экан-да жуда?

Қиз унинг аччиғланганини кўриб, баттар тегишгиси келди.

— Ой ҳам гапми?..

— Қийналиб нима қиласан, мисоли бир пари деб қўя қол, — келди йигит.

Жамила соддадиллик билан ҳақиқа кўчди:

— Рост, ўлай агар, бунақа қизни биринчи кўришим. Кумуш ҳам шунчалик кўҳлик бўлгандир-да.

— Ол-а! — деб юборди Баҳодир, — Зайнаблар Кумуш бўлиб, Кумушлар Зайнаб бўпти-да?

Жамила аччиғланиб, юзини четга бурди:

— Сизга ростини ҳам айтиб бўлмайди.

Баҳодир маъноли кулди:

— Сенга ёққан бўлса, иккаланглар келишиб қўя қолмадингларми?

— Нимани?

— Талашиб ўтирасизларми, биринг Кумуш, биринг Зайнаб бўп қўя қолингларда, — ва ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб юборди.

— Ҳазилингизам бор бўлсин, фаришталар омин деб юборса, нима қиласиз? — деди Жамила анчадан кейин.

Шунда унинг юраги ёмон сесканиб, дами ичига тушиб кетди-ю, аммо ўзи бунинг не аломат эканини ҳеч англаб етолмади.

УН БЕШИНЧИ БОБ

— Эҳ укам-а, ғўрсан, десам жаҳлинг чиқади. Яхшиликча кўнсанг-ку, олам гулистон-а... Ушанинг қўлига тушмай қўяқол, десам... — Қийиккўз аzza-базза хафа бўлиб, қоғозларини йиғиштира бошлади.

«Ўша» ким экан?

Абдулҳақ хаёл суриб ойнадан ташқарига тикилдию япроқлари текис сарғайиб битган ўрикка нигоҳи тушиб, фикри чалғиди. Куз ҳам охирлаб қолибди. Эшикдагиларнинг ҳоли нима кечдийкин? Бу ёқда ҳали тергаб ётибдилар. Кети кўринадиганмас. Манавиниси авраётганга, алдаб-сулдаб йўқ ердаги айбларни бўйнига қўяётганга ўхшаган эди. Йўқ, қараса, чинакамига йиғиштириняпти. Ростакамига жаҳли чиққан кўринади. Жаҳли ҳам қизиқ. Упкалагандайми-ей, ўзингдан кўр, дегандайми-ей... Бошқаси бўлса бошқаси-да. Жонини олармиди!

— Менга ачинмай қўяқолинг, зормасман илтифотингизга! — қўл силкиб юзини бурди Абдулҳақ.

— Қайсарсан, қайсар.

— Оёғингизни ўпиб, ялинайми бўлмаса?

— Аммо кейин кеч бўлади.

— Пешонамда бори...

— Эҳ, сен... — у ноилож делони қўлтиғига қисиб, кетишга чоғланди. — Буларни билмасакансан.

— Вой, анойи-ей, — туриб-туриб Абдулҳаққа наша қилди. — Ўзингизчи, ўзингиз? Ҳақлигимни била туриб нега оқлаб юбора олмаяпсиз? Чунки сиз ҳам ҳеч кимсиз. Сизга қолса, осонгина ҳамма айбни бўйнимга олсаму ишни судга ошириб қутулсангиз. Виждонингиз жичча қийналса, ўлсин агар! Йўқ, денг-чи?

Корейс терговчининг юзи шолғомдай бўғриқиб, унга бир қараб қўйди-ю, ҳеч нима демай чиқди-кетди. Шунда, сўроқхонада якка ўзи қолгандагина бирдан Абдулҳақнинг кўнглига ғулу тушиб, ҳадик оралади: бу-ку индамай чиқди-кетди, бошқаси тўнини тескари кийиб олса-чи? Бераҳмлари озми?

Ташқарида шабада турдимми, ўрик япроқлари узилиб, ўйнаб-ўйнаб туша бошладди. Худди қувалашиб юрган сариқ капалаклар мисоли...

Шу орада эшик очилиб, ростдан ҳам ўша «бошқаси» кириб келди. Ё қудратингдан! Анави мўғулбашаранинг нақ ўзгинаси-ку. Учаркентда тирғалиб, учоқдан қолдирворган. Шу ёққа ўтибдимми?..

— Хўш, десак, — у киришиданоқ мазаҳ қилганнамо тиржайди. — Яна бизнинг чекимизга тушибсиз-да, ўртоқ?

У юқорига ўтиб, делони шап этказиб стол устига ташлади. Ўзи шапкасини бошидан олатуриб, яна қайтариб кийди:

— Айтмоқчи, расман терговни бошлайверамизми ё аввал ўзаро келишиб ола-мизми?

— Сизминан офтобда қатиқ ялашган жойим бормидики келишсак?

— Уҳ-ҳў, ҳалиям осмондасиз-ку? — у негадир белидаги йўғон камарини ечиб, стол устига — кўрнарли ерга қўйди. Кейин оромкурсига ястаниб, кўз қисиб тикилди: орган одамларини менсимасликни ким ўргатган-а бу сўтакларга?

Абдулҳақ юзини четга бурди. Дераза панжарасидаги занг эътиборини тортиди: ахир бир кун шу занг темирни емиради-да?

— Встать!

У қўли билан столни шапатилаб бақирдимми ё бақириб шапатиладими, англай олмай қолди. Беихтиёр ўрнидан туришга турди-ю, бошданоқ бўй бераётгани ўзига таъсир қилиб тўнғиллади:

— Нега бақирасиз? Арпангизни хом ўрибдимми биров?

— Менсимаслик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! — У ўрнидан туриб олди. — Биз соянгга салом берадиган болачалармасмиз.

— Оёғингизни ўпайми бўлмаса? — Абдулҳақ четга қараб дўнғиллади.

— Вой, ўзим кал, кўнглим нозиг-ей. Сиз бутун бошли республиканинг устидан мағзава ағдариб қўйинг-да, биз таъзим қилиб-тиб турайликми? Обкўм бюросида кўришгани етмовдимми?

— Етмаса сизга нима?
 — Ушанинг учун Москвага қараб чопган экансиз-да?
 — Ҳа, — деди Абдулҳақ ҳам кесма-кесарига олиб, — сиздақа югурдакларни ҳам доғда қолдириб кетдим-ку...
 — Нима?! Нима дединг?! — у жазавада қўл силкилаб устига бостириб кела бошлади. — Ким югурдак? Кимни айтяпсан сен?!
 — Дағдага қилманг менга. Терговми, нима бу?
 — Йўқ, сен гапни айланторма энди. Кимни ҳақорат қиляпсан? Ким югурдак? — У қўлини Абдулҳақнинг даҳанига юбориб ўзига қаратмоқчи бўлди.
 — Қўлингизни тортинг.
 — Тортмасам-чи? — у кўзларини лўқ қилиб тикилди.
 — Тортасиз, — дедим муаллим, бўш келса баттар қилишини сезиб.
 — Сен ҳақорат этасан-у, мен индамай кетавераманми? Анойи экансан-ку.
 — Алам қилдимми?
 — Қилди алам! — жазавага тушиб бақирди у. — Оёғимни ўпиб кечирим сўрамагин-чи!
 — Ҳеч-да. Сиз аэропортма-аэропорт изимдан юрасиз-у, яна югурдак деса, алам қиладимми?!
 — Қилади алам!..
 Оёғининг учини босиб туриб, даҳанига қўйвордимми ё аввал даҳанига уриб, кейин оёғини босиб қолдимми, полга чирпирак бўлиб тушди. Унақа-бунақа гангимаган бўлса-да, сапчиб ўрнидан турди. Аммо шу заҳоти бу юзига тушган тарсакидан яна гандираклаб бориб деворга урилди. Бутун вужудига иссиқ қон югуриб, қўллари мушт бўлиб тугилдию муғулбашарага тик қараб кела бошлади:
 — Ҳали бекордан-бекорга уриш борми?! Уриб бўйнига қўйиш борми?!
 Терговчи ё унинг важоҳатидан ҳайикди, ё устамонлик қилди. Тисарилиб бориб, стол орқасига ўтиб олди-да, қўлини қайиш камарига чўзди. Бир зумда уни қўлига сиртмоқдай ўраб, энди заҳархандали кулимсиради:
 — Кел-кел, келавер, эсинг кирмаган бўлса, келавер. Уласи қилмаган ҳам номард! Абдулҳақ лабининг четида кулди:
 — Шу қочганинг ҳам етади. Қўрқма, тегмайман. Терговчини уриб, қамалиб кетибди, деган иснодга қолгим йўқ.
 — Мен эса сени тавба қилдириб, оёғимни ўптирмагунча қўймайман, — у энди ҳеч тап тортмай яниб кела бошлади. Муаллим тисарилиб эшикка томон юрди. Лекин муғулбашара икки сакраб етиб олдию боши, юзи, елкаю кураклари тўқали камар зарби остида қолиб кетди. Туришга, камарни ушлаб қолишга шунча ҳаракат қилар, лекин у аблаҳ ўнглантирмай урар, юзи-кўзи демай туширар эди. Ахийри қўлларини қайириб бурчакка олиб борди, қиблага қаратиб чўккалатди-да:
 — Қани, эндиам тавба қилмайсанми? — деди пишиллаб. — Ҳа-а, тавба қилмасакансан-а! Мени ким деб ўйловдинг. Энди тўхматчиман де. Ҳамма ёзганларим тўхмат де!..
 Оламда ҳеч гап бўлмаётгандек, рўпарадаги ўрикда саъва эркин-эркин сайрар эди...

Эҳ, Муниса, Муниса... Авваллари айтишса, ишонмасдим. Ахир биз энг одил мамлакатда яшаймиз, дердим. Энди додимни кимга айтай? Йўқ, сен ўйлама, эримнинг ҳоли бир терговчалик экан деб. Мен шунчаки, йўлига тавба қилдим. Бекорларга ўлиб кетмаслик учун у аблаҳга ялиндим. Ҳали шошмай турсин улар, шошмай туришсин. — Муаллим тишлари орасида қон таъмини сезиб, жаҳл-ла четга тупурди. — Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ёруғ ўн беши ҳам бор-ку ҳали. Шундай қолмас-ку...

УН ОЛТИНЧИ БОБ

Тоға кеча яхши разм солмаган экан, чорбоғ тарафга бинобидек эшик очилибди. Утиб, ҳайратда қолди. Ун сотихча ер ғишт девор билан ўралиб, боғмисан-боғ қилинибди. Бир ёғи анорзор бўлса, бир ёғи хурмозор. Баланд кўтарилган сўриток тагидан йўлка кетган. Тўғри борилса, шийпонга чиқилади. Сўнг бетон ҳовузни айланиб, яна тепароқ ўтилса, олди айвонли меҳмонхонага рўбарў келинади. Жуда расамади билан солинибдими? Ошхонаю тандирхона, мўрчахонаю зарур жойлар бир тарафда, турар жойлар бир тарафда. Орзу-ҳавасли ҳар битта ўзбек шунақа уйим бўлса дер? Узи ҳам юрган экан-да, дўмма-дўм, шахарма-шахар? Бели бақувватлигида битта жой қилиб ҳам қўймабди. Уни ким айтади, ота-боболарининг удумини ушлаган одам деб?

Бу жиҳатдан Муҳсинга тараф йўқ, ичкари ҳовлини ҳам қотириб солибди. Еғ тушса ялағудек бетон йўлкачалар, текис ойнаванд равонда учиб-қўниб, сайраб юрган минг хил қушлару ҳовли ўртасидаги сарҳовуз билан унинг ичида кўтарилган нилий шийпон — барча-барчаси ўғлининг дидидан дарак бериб турибди. Яхши. Одам дунёга нимага келади? Яшашни ҳам билиш керак-да. Ҳойнаҳой буни ўғлига атаб солган. Лекин бу ер бировники эмасмиди?

Тоға орқасига ўгирилиб ўзи турган ерни чамалаб кўриб, кўзларига ишонмади. Ахир бу ерлар анув ҳандалакчи Эсоналиники эди шекилли? Ҳали бировнинг ҳовли-жойини кўшиб олиб, иморат қуриб юрибдими?

Орқага қайтдию бир пиёла чой ичиб-ичмай, келинига саволчан қаради:

— Чорбоғ томонга ҳам... жой қилибсизларми?

— Ҳа, опоқота, катта ўғлимизга атаб бир уй-бир айвон солиб қўйдик яхши ният билан, — деди келини аллақандай сузилиб.

— Мен ичкари-ташқарили ҳовлини кўнгли тусаб қолибдими дебман, — Бузрук сал ачитиб, нишини сўққан эди, келини унинг киноясига тушуниб, эрининг ёнини олди.

— Ўзларига қолса юраверардилар ўғлингиз. Мен қистайқолувдим, опоқота.

— Кўздай қўшни Эсоналининг ерини тортиб олмаса, бошқа жой қуриб қолган эканми?

— Вой, опоқотажон, рози қилиб олганмиз-а.

— Ҳандалакчи шундай кунгай ерни осонликча ташлаб кетибди-да.

— Вой, бунданам кунгай, бунданам яхши ер берганлар... Ўзлари дуо қила-қила янги уйга кўчиб чиқишди.

— Нима, қисилишиб қолишганмиди? — сўради Бузрук, унчалик ишонқирамай.

— Бир йўла иккала ўғилларига ҳам жой қилишди. Ўзларидан кўпайишиб қолишган-ди, опоқотажон.

— Унда бўлак гап. Эгасини рози қилмай туриб, бир ерни ватан тутиб бўлмайди. Эскидан қолган шундай удум бор, — деди Бузрук ва кўнгли энди бироз жойига тушиб, дастурхонга қаради.

Шу пайт салом бериб, остонада катта невараси кўринди.

— Вой, ойгинанг бўйларингга қоқиндиқ, яхши етиб келдингми? Ҳикматилла кутиб олгани чиқдими ишқилиб? — Муборак ажиб чаққонлик билан ўғлини бағрига босиб, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди. — Бу ёғи таътилдир, бағримизда бўларсан?

— Шундай-шундай, ишим бир ёқли бўлгунча шу ерданман, — дея Баҳодир у билан кўришишга шошилди. — Яхши келдингизми, буважон? Ўтираверинг-ўтираверинг, қир-мирламанг.

Бузрук қаддини кўтаргунча, у етиб келиб, қўлини олди. Ноилож, ўтирган ерида кўришди:

— Қалай, ишларинг жойидами? Хорижга кетармишсан?

— Шундай гаплар ҳам бор, буважон. Аммо ҳали рухсат текканича йўқ.

— Кел, ўтир. Насибанг қўшилган экан, бирга нонушта қиламиз. Қани омин, қадам етди, бало етмасин. Ҳамиша йўлинг очиқ, ризқинг сочиқ бўлсин. Омадинг кулиб, яхши жойлардан ато қилсин.

Дуо келинга ёқиб тушди. У фотиҳага қўл очаркан:

— Айтганингиз келсин, тезроқ бахти очила қолсин. Тўйлари ширинлик билан ўтсин, илоҳим, — деб қўшилди.

Аммо, Баҳодир бундан бўлак гапингиз йўқми, дегандай онасига ёвқараш қилиб қўйди.

Ўғил-қиз катта бўлгандан кейин шу экан-да. Улар ўз айтганларини қилдираман, деркан, сиз ўзингизникини... Бу ҳам икки оёғини бир-этикка тиқиб, ўзи топганини демаса, фотиҳани бузиб ўтиришга ҳожат қолармиди. Унамаганки...

Бузрук зимдан неварасига зингил ташлади. Қаранг-а, бўйи чўзилиб, оғир-вазмин йигит бўпти. Уст-бошига оврупо нуқси сал урганини айтмаса, мўйлов бир ярашибди. Саватдек жингалак сочи, дуркун бўй-басти билан Мўҳсинга шундай тортибдики, беихтиёр унинг ёшлигим дейсиз. Тавба, шу оғир-босиқлиги билан отасининг сўзини қандай иккита қилибди экан?

Келини ярим косадан мастава келтириб қўйиб, чиқиб кетди. Улар овқатни тановул қилиб ўтириб, гаплашиб қолдилар.

— Тўйни ўтказиб кетасан-да, кетсанг ҳам? — ўсмоқчилади Бузрук.

— Кўраман-да, — қизариниб ноаниқ жавоб қилди Баҳодир.

— Нима, уларнинг топгани маъқул тушмадими сенга?

— Нима десам экан, дадам ўзларига мос хонадон билан қуда бўлмоқчилар, мен эсам... — Баҳодир ўзингиз тушунасиз-ку дегандай елка қисди.

— Ҳар қанча дарди-касалинг бўлса, фотиҳагача айтмайсанми? — гина қилди Бузрук.

— Бир оғиз сўрасалар экан, — унинг гинаси Бузрукникидан ошиб тушди.

— Ҳарқалай яхши бўлмабди. Мусулмон фарзандисизлар. Тўғримми?

— Тўғри, — дея бош эгди Баҳодир.

— Йўқ, ундай эмас, алҳамдуллилло мусулмонман, дейилади. Билдинг.

Баҳодир лавлагиси чиқиб бош силкиди. Бузрук пандни бўшаштирмади:

— Нима, сизларга ҳеч ким ўргатмаганми бунақа нарсаларни?

— Йўқ, — деди неварга баттар хижолатга тушиб.

— Ана шунақа-да, — Бузрук жаҳли чиқиб, олдигаги косани нари суриб қўйди, — савоб нима, гуноҳ нима — билмайсиз, ҳеч замонда фотиҳани бузадиларми?

Невара бир нима демоқчидай қараб қўйди-ю, аммо миқ этмади.

— Ҳали ҳам бўлса танангга ўйлаб кўр, болам. Мусулмончиликдан чиқиб кетманглар, — деди энди анча шаштидан тушиб.

— Мен бирини деб бошқасининг қарғишига қололмайман-ку, тушунинг-да, бува, — ёрилди невараси.

Бузрук ҳушёр тортди:

— Қарғишга?.. Нима, сенга маслаҳат солмаганмидилар?

— Қаёқда? Эп кўрибдиларми?

— Балки бирорта тасқарани атаклаб келадими, деб чўчиган чиқар.

— Ҳечқанақа тасқара ҳам эмас, сариқсоч ҳам... Биноийдек қиз, қўшни қишлоқдан.

— Секин билдириш керак эди...

— Биладилар ҳам... — деди «ҳамма бало шунда-да», демоқчидек.

— Ҳали билиб туриб, шундай иш қилиб юрибдими? Нима учун?

Баҳодир кўрмайсизми, дегандек бош эгди. Бузрукнинг ичида нимадир чирт узилди: юртдан уялмаган! Худодан кўрқса бўларди. Узи секин ўрнидан турди:

— Майли, сабрнинг таги раҳмон, ўзи келсин-чи, — деди-ю, кўнглидагиларни тилига чиқармади.

УН ЕТИНЧИ БОБ

У кителини эгнига илиб, равондан ўта туриб дераза ёнидаги қулоч етмас шаффоф балиқбандихонасига кўзи тушдию бир дақиқа тўхтади. Аквариум ичидаги таниш манзара диққатини тортиб, яқин борди.

— Ия, ажойиб-ку, Тошкани марказими? — деди ҳайратини яширолмай.

— Ҳа, опоқта, пойтахт рамзимиш, — тушунтирди ойна артаётган келини, — ўғлингизга бир жуҳуд устанинг иши ёқиб қолиб, атай ясаддилар. Қиртагидаги меҳмонхонада яна биттаси бор.

Бузрук азда-базда стул олиб ўтирди.

— Жуда ғалати-ку. Оббо, Муҳсин-ей...

Келини юмуш билан чиқиб, якка ўзи қолди. Аммо-лекин сув тубидаги таниш рамзлардан ҳеч кўз узиб бўлмасди. Устаси тушмагур бало экан. Тошкентнинг юрагидаги биноларни шундай бичимда, шундай мутаносибликда жойлаштирибдики, бир кўргандаёқ қаерлигини танийсиз. Буниси намоийшлар майдони бўлса, униси эскию янги вазирликлар. Бир чеккада Тупроққўрғондаги таниш бино: устида қизил байроғи билан. Ундан нарида Халқлар дўстлиги саройи. Олдинда Ленин музейининг муҳташам нусхаси. Орасида оқ, қизил, тилла балиқлар эринчоқлик билан сузиб юришибди. Баъзан ҳалиги «бино»лар орқасига ўтиб йўқолиб қолади ва яна дам ўтмай ўйноқлаб чиқиб келади. Худди сув тагида қолган шаҳарчада беркинмачоқ ўйнаб юргандайин. Бу дунёнинг одамлари ҳам ҳўб эрмакталаб чиқдимиз? Муҳсин буни нимага ясадди экан? Эрмакками ё атай? Атайдирки, Қиртагидаги меҳмонхонасига ҳам қўйдирган. У ерда юқоридан келган энг азиз меҳмонларни кутармиш. Недурки, мана, сизлардан қандай ёдгорлик қоляпти, демоқчи бўлади-да. Бир ҳисобда тўғри-ю, лекин бундан ниманингдир иси келмаётирми?

Аммо, Бузрук кўнглида шу тобда туғилган иштибоҳга ўзи ҳам унчалик ишонмай ўрнидан туриб, ташқарига юрди. Орқасидан чиққан Баҳодирга:

— Мени кутманглар, борадурган ерим бор. Балки бугун қайтмасман, — дедию Қиртагига қараб кета бошлади.

Шу тобда Азларни кўргиси, унга ёрилиб кўнглини бир бўшатгиси келарди. Ай дўстим-а, бу одам боласига ўзидан каттага ёқиш касали қайдан илашган? Сут билан кирганми? Мунча мансабга муҳаббат қўймаса? Эсини танибдики, шу илинж билан яшамаса? Агар бу оламда амал, лавозим, мансаб, тахт деган нарсалар бўлмаса, у нимани ўйлаб топарди? Бу нима ўзи? Нафсми? Узни баланд олиш, устун санаш ё ҳокимлик даъвоси? Инсон бу дарддан фориг бўла олармикан ҳеч?

Дарвоқе, Азлар тунов куни диний масалалардан сўз очиб келатуриб, ғалати бир ривоят айтиб қолди.

Ўтмишда бир одам ётса ҳам, турса ҳам, жойнамоз устидаю дастурхон тепасида ҳам худодан уч нарсани сўраркан. «Эй танграм, ёлғиз ўзингга илтижо қилиб сиғинаман. Ишқилиб ҳеч бандадан кам қилмагил. Узоқ умр, баланд мартаба бергил», деб ўтингани-ўтинган экан.

Кунларнинг бирида ноласи худога етиб, қишлоғига қози этиб кўтарилибди. Эгару узанги нималигини билмаган одам от миниб қозихонага ўта бошлабди. Бутун қишлоқ уни кўрганда қўл қовуштириб бош эгар экан.

Аммо у бу билан ҳам қаноатланмабди. Ундан ҳам баландроқ мартаба илинжида яна ётса ҳам, турса ҳам ўша дуони қайтара бошлабди. «Эй танграм, ҳеч бандадан кам қилмагил. Узоқ умр, баланд мартабалар бергил»...

Яхши кунларнинг бирида яна ноласи худога етиб, мингбоши деб эълон қилинибди.



Илгари аравага чиқиб-чиқмаган одам извошда юрадиган бўлибди. Энди бутун туман халқи унинг соясига салом берар экан.

Аммо бу ҳам унга кифоя қилмабди. Янада баландроқ жойларни кўзлаб, ётса ҳам, турса ҳам ўша дуони ўқийверибди: «Эй танграм, ёлғиз ўзинга топингайман: ҳеч бандадан кам қилмагил. Узоқ умр, баландроқ мартабалар бергил»...

Кунларнинг бирида яна ноласи худога етиб, у қозикалон этиб тайинланибди. Энди юртни сўраб турган ёлғиз подшодан бўлак ҳамма унга таъзим қиладиган бўлибди.

Аммо бу ҳам камдек туйиларкан унга. Ич-ичидан нега мен... деган саволлар ўз-ўзидан босиб кела бошларкан. Ва ниҳоят, ётса ҳам, турса ҳам яна ўша дуони такрорлашга тушибди: «Эй танграм, ёлғиз ўзинга топинаман, ҳеч бандадан кам қилмагил, деб эдим-ку. Бунданам баланд мартабалар бергил»...

Шунда бир тонг руҳи баланд фалакка қараб учибди-ю, шу-шу заминга қайтмаганиши. Ҳар гал узоқ умрни қўшиб сўрагувчи одам бу сафар эсга ҳам олмаган экан...

Азлар ичдан пишган қув-да, бу ривоятни кимга менгзаб айтяпти, деса, пичоқсиз сўйиб, ипсиз осаетган экан уни. Бузрукнинг мижжаларига нам қалқиб чиқди: кўрмаганининг кўргани қурсин, деб шунга айтарканлар-да. У кафти билан кўзёшларини секин артиб, анҳор томон бурилди. Куз келиб, шишадай тиниқ тортган сув анҳорнинг ярмидан пастда милдираб оқар, унга пастак ердан тушибгина қўл чайиш мумкин эди.

Бузрук чўнқайиб қўл юватуриб, хаёли қочди: ўзи сезмасмикан, ким бўб кетганини? Эй, Мухсин, Мухсин...

Кимдир томоқ қиргандай бўлди. Орқасига ўгирилиб, ҳардамхаёлланиб турган ўрта яшар одамга кўзи тушди. Унинг бир юзидаги уч тийинлик тангадай нори кечки шафақда яна ҳам қизариб турар, ўзи танишдек эди.

— Ассалом алайкум, тоға, узр, безовта қилдим, — у ийманибгина кўришгани чоғланди.

— Ваалайкум... Ҳечқиси йўқ. Келинг, ука. — Бузрук дастрўмолига артиниб, унинг қўлини олди. — Айбга буюрмайсиз, қарилик, танимадим.

У қизаринди. Баттар ийманиб жавоб қилди:

— Мен... мен ўғлингизнинг қўлларида ишлайман. Бошбухман.

— Ҳа-а, шундай денг. Идорада денг, — унинг атай қидириб келганини сезиб лутф қилди. — Хизмат?

— Биласизми, тоға, — у жуда узоқдан келиб чайналди, — сизнинг олдингизга келишим тўғрими-йўқми, билмадим-у, лекин...

Бир ками шу эди. Бузрукнинг бусиз ҳам зада юраги зириллаб, бир дақиқа нима деярини билмай турди-турди-да, сўнг чуқур тин олиб, атрофга аланглади. Пайкал четидаги қуриб-қовжираган чимзорга кўзи тушиб:

— Тик турмайлик, келинг бўлмаса, — дея ўша ёққа бошлади.

Улар чимга бемалол оёқ узатиб, мағрибга қараб ўтирдилар-у, жим қолдилар. Афтидан бошбух уни чиндан ҳам излаб келган-у, лекин топганидан гапни нимадан бошлашни билмай қийналар эди.

— Хижолатга тушмай айтавуринг, ука, ўзи нима гап? — деди Бузрук, алоҳал унга. ²Изн бериб.

— Малол олмайсиз-да, тоға. Кечирасиз-да.

— Бемалол-бемалол.

Бошбух илтижо билан термулди:

— Бизга бир яхшилик қилсангиз. Ула-ўлгунча эслаб юрардик.

— Қўлимдан келса, жоним билан.

— Келади, тоға, келади. Сизнинг бир оғиз сўзингиз...

— Кимга?

— Шу Мухсин акамлардан бизга... жавоб олиб берсангиз.

— Жавоб? Қанақа жавоб?

— Бошқа касб қилсам. Майли, молбоқар қилиб Чўнг Олойга жўнатсалар ҳам... розиман.

— Нечук?— унинг юраги хунук орзиқиб, аллақаери симиллаб кетди.— Бирор чақоқлик ўтган жойи борми ё?

— Нима десам экан?— у очигини айта олмай чимни чирт-чирт юлишга тушди, кейин уни ариқ ичига ташлаб, бошини кўтарди, кўзлари намланиб унга тикилди.— Ўзингиз тушунасиз-ку, тоға, жўжабирдай жонмиз. Бир нарса бўлиб кетсам, болаларнинг ҳоли нима кечади? Туриб-туриб кечалари уйқум ўчиб кетади. Колхозни кўтаракўтара баланд дорга осиб қўйганмиз. Пахтанинг аҳволи эса бундай...

— Нима, ҳали сотиб олиб... байроқдор бўлиб юрибсизларми?— Бундан без тергани яхши эмасми, демоқчи бўлди-ю, айтмади.

У хийла вақтгача миқ этмай қолди. Кейин ичи ачиб, азбаройи дарду аламларини яшира олмай ёрилди:

— Неча марта айтдим, тоға, лекин қулоқ солсалар қани! На бўшатадилар, на айтганимга юрадилар. Топган гаплари битта: кўрқма, мен бораканман, сенга жин ҳам урмайди... Кейин-чи, кейин? Жумҳуриятни уларга боғлаб бермаган-ку, ахир.

«Уларга боғлаб бермаган-ку»... Бир ҳисобда тўғри айтади. Лекин ўғлининг нега эшитгиси келмайди? Жилла қурса, танасига ўйлаб кўрмайди?

— Тоға, узр, мен бу гапларни сизга кўтариб келмаслигим керак эди.— Кутилмаган-да бошбух қўлларини кўксига қўйиб, қаршисига чўккалади.— Мен эсини еган чўт қочувчини кечиринг.

Бузрукнинг кўзлари хира тортиб, киприклари орасида сон минг нурлар ялтираб, унга қаради:

— Нега, сиз бизга яхшилик соғинганингиздан келгансиз. Ҳар . . .им ҳам айтаверибдими?— дедию кўнгли бузилиб четга қаради.

Шу пайт канал ёқасидаги йўлда сариқ «Нива» кўринди ва дудуғлашиб пастга тушиб кела бошлади.

Бошбух ўша томонга ўгирилдию юзи аллақандай оқариб кетди. Ичидан қиринди ўтган одамдай:

— Абдулаҳат-ку,— деб юборди. Узи эса ўрнидан турарини ҳам, кетарини ҳам билмасди.

Бузрук кўзёшларини арта туриб, жилмайди:

— Азроил эмаскан-ку.

У уялиб қайта жойига ўтирди.

— Сиз уни билмайсиз-да, тоға.

— Нима у, партқўмми ё Муҳсиннинг гап ташувчисими?— деди ҳайрон қолиб. — Худонинг бошли-қўли бир балоси,— деди у секин,— катталарга ёқиш учун... ҳеч нарсадан тоймайди. Менинг сизминан мана шу ўтиришим ҳам етарли унга...

Бузрук завқи келиб, унинг елкасига қўлини ташлади.

— Э, қўрқманг булардан ўладиган дунёда. Ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади.

Қараб турасиз ҳали.

Бошбух ҳам энди юзига қон югуриб жилмайди.

— Тўғри айтасиз, буларнинг кўзига шундай чақчақлашиб ўтирмасак ҳам бўлмас.

Бу орада сариқ «Нива» анҳор бўйига келиб, ғийқиллаб тўхтади. Ундан елкасига аллақандай сумкаю жомадонлар осган жингалак сочли бир йигит билан шляпали бақалоқ одам, сўнг пилдираб Абдулаҳат тушиб кетди.

— Э-э, саломлар бўлсин, тоғажон, сизниям кўрадиган кун боракан-ку, қадамларига ҳасанот!— Кейин лаби-лабига тегмай ҳамроҳларига таништира кетди.— Мен айтган одам мана шу киши бўладилар. Муҳсин Бузруковичнинг оталари-да. Кимсан машхур олим, чигитни нурлантириб экиши топган одам ўз ўғиллари — республикага донг таратган раиснинг ишини кўргани келибдилар. Телевидение учун бундан зўр кўрсатув бўлиши мумкинми?!— У анҳордан чақон сакраб ўтибюё кўришгани қўл чўзиб кела бошлади.— Аммо-лекин, Муҳсин Бузруковичнинг қайтишларига ажойиб кўрсатув тайёрланадиган бўлди-да.

Ўлма, шоввозлар! Ундан сўраш йўқ, иташ йўқ, шиғиллатиб расмга тушираверарканда. Бақалоқ шляпасини қўлига олволиб, ҳали жингалаксочнинг у ёғига ўтади, ҳали бу ёғига ўтади:

— Жуда табиий-да, жуда бопта кадр-да. Туширавер, ҳеч монтажнинг кераги йўқ,— деб буюриб турибди.

Жингалаксоч эса, энкайганча каттакон аппаратнинг кўзини унга тўғрилаб шиғиллатгани-шиғиллатган, Абдулаҳат ҳамон қўлини қўйиб юбормай алланималар деб бидирлайди. Нақ боши айланиб кетаёзди. Шошмаларинг дейишга анави бақалоқ иккови қани гал берса.

— Гапиравуринг, ота, гапиравуринг. Кейин овозингизни ҳам ёзиб оламиз,— дейди-ей, атрофида гир айланадим-ей.

Ахийри сабри чидамади:

— Бас қиласизларми-йўқми?

Орага сукунат сўкиб, улар ҳангү манг бўлиб қолишди. Бузрук қани кўтар-чи ашқол-дашқолингни, сенларни ким чақирди, деб олдига солиб ҳайдамоқчи эди-ю, шайтонга ҳай берди. Шу баробар ялт этиб хаёлига бошқа фикр келдию юмшади.

— Хўш, сизлар телевизорга олишларинг, мен ўғлимнинг ишларини мақташим керакми?— деди қувлиги тугиб,

— Бўлмаса-чи, шунинг учун атай сизнинг олдингизга бошлаб келдим-да. Муҳсин Бузруковичнинг чет элдан қайтишларига бир қулинг ўргулсин кўрсатув тайёрлашсин булар. Энди ўзингиз бир оқ фотиҳа бериб юборинг, тоға. Бу йилги планлар...— деди Абдулаҳат, яна жонлараниб.

— Яхши,— Бузрук унинг елкасига қоқди,— сен нари тур-чи.— Кейин телевизорчиларга буюрди.— Бошланглар. Аммо-лекин гапимни қирқмай кўрсатасизлар.

— Бўлмаса-чи! Қирқиб эсимизни ебмизми? Бошладик. Кадр. Запись!— Бақалоқ жингалаксочнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, яна буйруқ бера кетди. Униси аппаратини тўғрилади.

Айтавурсамикан ё чакки қиляптими? Узи бўлса ҳам бошқа гап эди. Аммо-лекин, бу гапларни у айтмаса, ким айтади? Пировардида бир нарса бўлиб кетса, кимнинг жони ачийди?

Шу аснода Бузрук қандай гап бошлаб юборганини ўзи сезмай қолди:

— Эҳ Мухсин, Мухсин, четдан доврўнинг оламни бузади, кимсан фалончисан, номинг газету радиолардан тушмайди. Сенга ҳамду сано ўқиғувчилар қанча, шеър тўқиғувчилар қанча. Ой чиқса ҳам сенга, кун чиқса ҳам сенга. Тўғри, хўб қурилишлар қилибсан қишлоқда. Шаҳар яратибсан. Юрт назарига тушиб, давринг кепти. Лекин эртага нима бўласан, ўйлаб кўрдингми? Ҳеч кимнинг дилини оғритмадингми? Бир муш-типарнинг кўз ёшини артиб, бир етимнинг бошини силай олдингми? Ногоҳ бир кимсага жабр кўрсатиб, гуноҳга ботмадингми? Уғил-қизларинг, эл-юртинг сендан розими? Топган савобларингни гуноҳинг босиб кетмайдими? Далангда пахта жуда-жуда кам-ку. Бир ерда вилт босиб, қовжираб қолган. Бир ерда илдизчириш касалига учраб, кў-саклари очилолмай ётибди. Қирда бўлса, бўйи бир қаричдан ошмайди. Беш граммли пахтанинг ўзи йўқ. Бу аҳволда қандай план бажаряпсан, қандай байроқдор бўлиб юрибсан? Балки...

— Стоп!— бақалоқ шляпасини бошига илиб, четга чиқди. Жингалаксоч эса, аппаратини тушириб Абдулаҳатга қаради.

— Отага тушунтиринг, бу кадрлар билан бизни ишдан ҳайдашади-ку.

Абдулаҳат бир қадам олдинга ўтиб, эланиб тикилди:

— Тоға, ахир ўз ўғлингизнинг ишларини бутун республикага кўз-кўз қилиш мавриди келганда...

Бузрук энди унга тик қаради:



— Ҳеч ёлғонсиз яшай оласанларми?! Худодан кўрқсаларинг бўлмайдими? Яна уялмай-нетмай буларни бошлаб кепти. Олдин сўра мендан: фикрим қандай? Нима демоқчиман? Кейин ногора қоқ. Билдим, Мухсинни ҳам сенга ўхшаганлар бузган.

Улар кетишини ҳам, кетмасини ҳам билмай бир чеккада мулзам тортиб туришар, Бузрук аччиғ устида айтадиганини айтиб олар эди. Ахийри шаҳдидан сал тушиб:

— Боринглар-боравуринглар. Сизларга жавоб. Лекин танангизга ўйлаб бир иш қилинглар,— деди насиҳатомуз,— одам ёлғон билан кўкарган эмас. Шунини бир билинглар.

— Узр, тоға, узр. Биз сизни хафа қилмоқчимасдик,— улар бўшашиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушганча орқага чекилдилар. Сўнг ҳеч қанча ўтмай «Нива» ҳам жўнаб кетди...

Давоми келгуси сонда



Равшан Файз МЕН СЕНИ ТАНИДИМ...

Ёлғиз одам

Акасини ўр дейди кимдир,
Ўжар дейди, бошқа бири, ҳе-ей.
Фақат менинг тилларим жимдир,
Мен бечора, ахир, нима дей?!

Ожиз жойим билди муттаҳам:
Осмон— олис, ер— қаттиқ, мен— тар.
Ўр бўлса ҳам, ўжар бўлса ҳам
Битта акам бўлсайди агар.

Агар ишим қолиб кетса ҳам,
Қолиб кетса ҳатто ўз умрим,
Ташвишига кўмилган билан
Мен норози бўлмас эдим дим.

Менга туртки етмайди ҳар он,
Яна дерлар: опа — муштипар.
Шундан менинг тилимда мудом:
Битта опам бўлсайди, агар...

Агар нафи уёқда турсин,
Кўрсатгани эрса-да заҳмат,
(Ёлғон бўлса, о, худо урсин,) —
Яратганга айтардим раҳмат. —

Қапталимда от сурмаса ҳам
(Билагимда куч кўп шу қадар,) —
Фақат майдон четида укам,
Битта укам турсайди агар...

Агар, агар бир ариллаган
Арзандаси бўлса онамнинг,
Кетармиди дилимдаги ғам,
Бўлармиди орзуйим минг-минг?!

Оймомани айлабон сим-сим,
Сочларига қилар эдим зар.
Ака, ойни обер деб, синглим,
Битта синглим юрсайди, агар...

Таскин

Бугун, ўт кўйганда ўзига баҳор,
Маънос хазонларни тушунмай қолдим:
Билсангиз, бу ёруғ дунёга илк бор
Келганман, чамаси беш юз йил олдин.

Навой қон йиғлаб ўқиркан ғазал...
Эсимда қолмаган ундан уёғи,
Чунки эзган эди мени шу маҳал
Бойқаро чоптирган отнинг туюғи.

Унда ҳам шу кўёш чиқар эди жим,
Ой сочин тарарди тунлари бедор.
Мен эса бор-йўғи бир майса эдим,
Митти ниҳол эди манави чинор.

Шундан хазонларга тилимда бир зор:
Мунчалар ғарибсиз, мунчалар юпун?
Ахир, мен бу ёруғ дунёга илк бор
Келганман дедим-ку, беш юз йил бурун.

Хўрсиниқ

Кузак шамоллари эдилар яна...

Абдулла Орипов

Ёз бахмал боғларга берар экан зеб,
Жимгина яшардим ўз ҳаётимни
Ва шунда туйқусдан кимдир Равшан деб,
Парчалаб ташлади фикру ёдимни.
Тўхтадим ичимга ютиб нафасим,
Сўнг син солиб боқдим соғу сўлимга:
Юзимга урилди ипакдай насим,
Хазонлар дувиллаб тушди йўлимга.
Кўрмадим атрофга боқиб ҳеч кимни,
Шунда денг тилимда айланди савол:
Келдингми, шийпонда беланчагимни
Тебратиб турган эй энага шамол?
Келдингми, алқай деб бутун ёз бўйи
Иссиқдан димикқан жону жисмимни?
Айт, ахир, сенмасми титраган кўйи
Шивирлаб талаффуз этган исмимни?
Айт, ахир, сенмасми, битталаб узиб,
Пойимга хазонлар тўшаган оқсоч?
Кўнглимнинг муҳташам қасрини бузиб,
Вайроналаридан ясаган тахт, тож?
Мен сени танидим, ахир, танидим,
Қарагин, эсимдан чиқмабсан ҳали:
Сурнай-сибизғалар чалиб берардинг
Онам пахтазорга кирган маҳали.
Қилай деб шаҳарни бир бор томоша,
Тасодиф— турибсан тинглаб додимни.
Келибсан адашмай ой, йиллар оша,
Яна унутмабсан, қара, отимни.
Мен эса орзунинг кули, қароли,
Ўзимда эмасдир инон-ихтиёр:
Ташлаб кетолмасдан шаҳарни холи,
Йироқ йўлларингга боқдим интизор.
Ишонгин ростдан ҳам бўлиб нигорон,
Кун ботар ёқларга назар солдим лол.
Кел, яна бир марта бахш этгил ором,
Кел, яна бир бора кўнглима йўл сол.
Мен сени ўнг кўзим билан соғиндим,
Соғиндим билсанг гар жисму жон билан.
Кел, энди қошимда тил тишламай жим,
Ҳеч курса сочингни силай деб тилан.
Умримда шунча йил ёз саси кезди,
Чарх урди баҳорнинг қушлари минг-минг.
Қишларнинг қиличи дамимни кесди,
Фақат биргина сен, бир сен келмадинг.
Боши берк йўлларда кезиб дарбадар,
Топмай кетгандурсан мени, эҳтимол.
Кутолмаган бўлсам қай шому саҳар,
Бир қошиқ қонимдан кеча қол, шамол.
Бугун гавҳар топган гадодирман, о,

Шодлик — шовқинимга озгина чида.
 (Гоҳида тупроқдай сахийсан, дунё,
 Дунё, сен қиррадор тошсан гоҳида).
 Э тилло шамолим, юрган йўлингда
 Яна менинг учун эртақлар тўқи.
 Ҳасрат дафтаримни тутдим қўлингга,
 Сен уни бир бошдан эринмай ўқи.
 Уқи ва хулоса қилиб ўзингча
 Сабоқ бер йўл қўйган хатоларимдан
 Ва кейин тик қараб юзим, кўзимга
 Дадил айт: яшашни ўрганай кимдан?
 Ипак қўл энагам, сен бу тупроқда
 Шунчалар мангусан, шунчалар боқий.
 Кел, энди ичимда гулханлар ёқа
 Лоақал бир марта бўлақол соқий.
 Айтгил, ёдингдами ёмғиру қор— нам,
 Бир гўдак пахтазор аро лой кечди.
 Сершоха ғўзалар унинг шундоқ ҳам
 Юпун уст-бошини юлқиди, ечди.
 Учоқлар устидан оғу сепганда,
 Ватанга оқ-олтин керакдир, дедим.
 Дунё болалари копток тепганда,
 Ўша пахта терган бола— мен эдим.
 Кун келиб, қоврилиб яна ёғига
 Ёзганда илк бора севги хатини,
 Дуч келиб раиснинг қош-қовоғига
 Пахтага алишди муҳаббатини.
 Сен унинг сочида силадинг тароқ,
 Мен на кўнгил сўрдим, на бир сўз дедим:
 Айт, ўзин овулар қандайин аҳмоқ —
 Ахир, ўша йигит— мен ўзим эдим.
 Пахта бу ўзбекнинг тақдири эркан:
 Салқин саҳарларда титраб мисли шам,
 Қайсидир эгатда оқ-олтин терган
 Бугун ёстиғимга бош қўйган ой ҳам.
 Бугун ул тенг-тўшлар бахтдай беармон
 Шеър ўқиб шаънини кўмса олқишга,
 Мен эса бир четда бечора, бешон,
 Хўрсиниб босаман тишимни тишга.
 Хайём хаёлларим чолдай чарчов, о,
 Қошғарий тилларим яланғоч, ярим,
 Ўттиз баҳор кўрмай тушди, во худо,
 Менинг мангуберди, темур тишларим.
 Ичимни ит каби кемирар ғамим,
 Ишқилиб юракдан қолдимикан, ай!
 Агар шеърлар ёзсам, ҳар гал аллаким
 Рўҳимда сел бўлиб чалаверар най.
 Кўзим гавҳарига гилам қураб гард,
 Торобий қудратим юлуқ, яримта.
 Ибн Сино тибда қайд этмаган дард
 Симобдай сирқирар суяқларимда.
 Агар ким сўзимга қовоғин уйса,
 Қовоқ униқидир, нимаям дердим.
 Ул бахти бекамлар боласин суйса
 Мен шўрлик тўнғичим тупроққа бердим.
 Шукурки, толеда ёнди боз чироқ:
 Ҳар тугул, ҳар тугул ёришди юзим —
 Сен маҳкам бўл, илло, йўлимиз йироқ,
 Юзимни ерларга қаратма, қизим!
 Э кузак шамоли, андак ҳасратим
 Айтдим, оғушингга ол мени, мана.
 Шунча йил бошимни омон асрадим,
 Кел, энди сочимнинг оқини сана.
 Ёз барқут боғларга берар экан зеб,
 Яшардим жимгина ўз ҳаётимни
 Ва шунда туйқусдан кимдир Равшан деб,
 Парчалаб ташлади фикру ёдимни...



Олимжон Холдор

ЎЗДАНДИР

Тақдир эмас

Дилбарим, бошингга тушган ғуссалар тақдир эмас,
Дўсту душман айтгани ҳам барчаси тадбир эмас.

Бемаҳал эсган шамолдир, сен, бунга парво қилмагил,
Ишқ сиррин билмаган ҳар ким сўзи таҳрир эмас.

Бас, ўзингни қийнама, ўткинчидир ҳижрон-фиروق,
Дейдилар: тундан кейин кун бўлғуси — таъбир эмас.

Ким кечирмас бошидин севги савдосин агар,
Оқибат шундоқ улар: Зухро эмас, Тоҳир эмас.

Барчасин кечдим, яна сонсиз хатолар айладим,
Кўз ёшим тўқдим қоғозга, бу шунчаки тасвир эмас.

Билган у дер, билмаган бу дер, Олимжон айтадир:
Сену мен кечган бу дам қисмат эмас, тақдир эмас.

Ошиқ рози

Юракда дардларим кўпдир, у сиғмас ҳеч китобларга,
Ғазалга жойласам ишқим, дил очмиш най, рубобларга.

Ушандандир рубобу най чидолмасдан солур фарёд,
Фалакка чирмашур оҳи сингиб чексиз саробларга.

Менинг сирримни оламга ёйишдан не эди матлаб,
Десам; машшоқ савол бергай, кулоқ солмас жавобларга.

Муҳаббат не, қачон келгай, буни билмас бирор ошиқ,
Биҳамдуллоҳ, осон тутманг, юрак-бағри каобларга.

Адолатли замондан ҳам адолатни тополмасдан,
Ўтиб боргум бўлиб рўшно киши билмас азобларга.

Келиб бир кун Олимжоннинг ётар жойида бир тўхтаб —
Дуо қилган мусулмонлар ётар юз минг савобларга.

Дард бўлак, дармон бўлак

Дўстларим, тақдир-азалдан дард бўлак, дармон бўлак,
Қанча дилни ўртаган ғам бўлак, армон бўлак.

Ой самода нозланур, юлдуз эса пардозланур,
Гул ёзар япроғига: «Аҳд бўлак, паймон бўлак!»

Тунги еллар тебранур тол сочини қиз сочи деб,
Асрасин ҳар хил назардин, дўст бўлак, душман бўлак.

Ёр жамолин шоир аҳли ой деди, хушрўй деди,
Барчаси ростдир, бироқ, қош бўлак, мужгон бўлак.

Бу боболардан меросдир менга, сенга, ҳаммага,
Бўлмасин ҳаргиз жаҳонда жон бўлак, жонон бўлак.

Боғ, хиёбон хилма-хил кўзни олур, атроф чаман,
Оқ, қизил кўйлак кийишган — гул бўлак, райҳон бўлак.

Мен қадрдонларга доим айтганим-айтган, яъни:
Бўлмасин ҳаргиз, Олимжон, тил бўлак, виждон бўлак.

Келибдир

Ёр ҳажрида найлай, бошимга ситам келибдир,
Ситам бирла ҳижрон қадам-бақадам келибдир.

Ташлаб мени ғамнинг уммониға яна, ҳай-ҳай,
Кўнглимни авайлаб хонамга санам келибдир.

Майда ўриб, елкага ташлаб кокилларини,
Бир-бир босиб ноз ила қошлар қалам келибдир.

Ёнган юрагимни яна куйдирмоқ бўлиб ул,
Ҳол сўрамай, жонимни сўраб бу дам келибдир.

Наззора қилиб олди кўнгил, олди ҳушимни,
Сурма қўйибон кўзга, мужгон тарам келибдир.

Васлингга етолмай ўтса Олимжон Холдор
Дерларки: бундай нодон дунёга кам келибдир.

Бобур ғазалига мухаммас

Санаммо, ҳажри ишқингни бу кун кўнгилга битгаймен,
Сенинг номингни байтимга қўшиб, аммо, бекитгаймен,
Туну кунлар хаёлингга йўлингга кўзни тутгаймен,
Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста етгаймен.

Соғинтирдинг, қачон, жоним, менинг кулбамга киргайсен,
Сочинг ўйнаб, рақиблардин юзингни менга бургайсен,
Қачон Мажнуни шайдони фироқингдин аюргайсен,
Тараҳҳум юзидин юзингни кўрмоққа буюргайсен,
Хуш улким, оразингни кўргамен, сўзинг эшитгаймен.

Сенинг ишқингда афгормен, кел эй жонимга малҳам қил,
Карашма, нозларинг яши, бироқ, озорларинг кам қил,
Агар севсанг, севилмоқни ўзингга, менга ҳамдам қил,
Итингдирман, сочинг занжирини бўйнимга маҳкам қил,
Ки водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен.

Бўлурмен шод кўчамдин сен гули раъно била ўтсанг,
Қўйиб ўсмони қошинга, қўлда ҳино била ўтсанг,
Рақибларни қўйиб доғда, ўзинг ҳаё била ўтсанг,
Тараҳхум қилмасанг, ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарру қилгамен, ё йиғлағаймен, ўзга нетгаймен.

Кўнгул муштоқ ҳамон, дўстлар, муҳаббатнинг сабоғига,
Чидайдурмен адолатнинг менга қилган фироғига,
Олимжоннинг гапи бордир унинг танҳо кулоғига,
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен.

Машраб ғазалига мухаммас

Сирримни айтиб бегоналарга,
Айланди номим «демона»ларга,
Раҳм айла мендек афсоналарга,
Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган парвоналарга.

Ошиқда бир дам бўлмас фароғат,
Ёнингда қолсам берсанг ижозат,
Оромни билмам токи қиёмат —
Мендин дуодир, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Эй меҳри ортиқ, раҳм айламайсан,
Мен сенга боғлик, раҳм айламайсан,
Кўз ёшларим жик, раҳм айламайсан,
Эй кўнгли қаттиқ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сен бечораларга.

Ёлғиз сени деб ўтдим жаҳондин,
Ўтдим-ку, охир, минг имтиҳондин,
Сўрсанг дер, албат, сен Олимжондин,
Машраб сени деб кечган жаҳондин,
Бошини қўйиб остоналарга.

Андижон





Исмоил Тўхтамишев

КўНГИЛНИ ИШҚ ЁҚМАСА...

* * *

Меҳр-шафқат тилама, кўп раҳминга зор эмасдирман,
Бу дунёда сен ўйлаган каби бир хор эмасдирман.
Муҳаббат бобида доим тайёрдирман мулоқотга,
Орзу-умид тарк айлаган дунёси тор эмасдирман.
Шукр қилгум, ҳаётимда, нокаслардан бўлмадим қарз,
Саҳроларда карвонидан айрилган нор эмасдирман.
Манфаатин кўзлаб мудом ялтоғланиб, қаддин буккан,
Эътиқодсиз кимсаларнинг сафида бор эмасдирман.
Исмоилман, давраларда диёнатдан гап очарман,
Садоқатсиз дўсти-ёрга бир умр ёр эмасдирман.

* * *

Номинг тутиб чақирдим, лекин, нетай садо йўқ,
Юракни ўртагувчи аксин топган нидо йўқ.

Ҳижронингда бераҳм, чарх урарман ўртаниб,
Розимни айтай десам, тинглагувчи худо йўқ,

Кимга бориб дил очсанг фақат ақл ўргатар,
Ўзни фидо қилувчи биронта чин фидо йўқ.

Муҳаббатнинг йўлида жонни қилсам садақа,
Ҳаққимга дуо қилгич, ҳақиқий бир гадо йўқ.

Эй Исмоил, қўй энди, тифга тутма ўзингни,
Кўрдинг барин бу йўлда, сендан бошқа адо йўқ.

Маймун ҳасрати

Бизни кўп ҳам кўрмагайсиз эл,
Куладирсиз бирдай беҳазил.
Лек, маймундан тарқалганмиз деб,
Болангизга берасиз таҳсил.

Фикр эмас битта жойда жам,
Гўё йўқдай қатъий бир тилак.
Меҳнат бизни қилди деб одам,
Яратганга келтирасиз шак.

Яшамайсиз қадрингиз билиб,
Сизга бирдай оқ билан қора.
Устимиздан бемаврид кулиб,
Ўқилардингиз ўзни масҳара.

Ендирасиз ўй, сирингизни,
Минг хил тусга кирасиз, ё раб!
Имкон топиб бир-бирингизни,
Алдагайсиз кўзларга қараб.

Фойда келар бўлса агар, рост,
Тайёрдирсиз ҳар қабиҳ ишга.
Узиб кетса дўстингиз бир оз,
Пайт пойлайсиз пайин қирқишга.

Сизларни кўп кўрмагаймиз хуш,
Кўпингиздан қиламиз ҳазар.
Тарк этмоқда чиндан ақл-хуш,
Шармандасиз биздан бешбаттар.

Мудҳабат ҳам эндига бир пул,
Минг қуроқдир ишқдан кўксингиз,
Манфаатни ўйлайсиз нуқул,
Бизларга ҳам урар нуқсингиз.

Ҳамкорликда яшаб, интилиб,
Қўрқмагаймиз ҳатто ўлмоқдан.
Кўкка қараб, илтижо қилиб,
Асра деймиз, одам бўлмоқдан.

* * *

Юпун кийган ўзбек «бой»им шу бўлди,
Қуриб ётган дарё, сойим шу бўлди.
Ўз-ўзимни минг хил чархга урдим мен
Ва оқибат, келган жойим шу бўлди.

* * *

Йигитнинг ор ёнсин томир — қонида,
Вафоли ёр бўлсин доим ёнида.
Тарих кечирмагай, дўстим, ҳеч қачон
Мағлуб саналгани ўз майдонида.

* * *

Доим қолиб бўлсак-да, сўнг бўлиб яшаб ўтдик,
Куй ҳам қўшиқ ичинда, мунг бўлиб яшаб ўтдик.
Дилимизни эзса-да, ушалмас армон, алам,
Дардимизни айтолмай гунг бўлиб яшаб ўтдик.

* * *

Бахтдан ёниб гап очма бир камлар орасида,
Йўл ахтариб топмассан ўй, ғамлар орасида,
Шодумон кўринсанг-да, оғирлик қилар баъзан,
Ёлғиз бўлиб яшамок, одамлар орасида.


* * *

Бир рўшнолик кўрмасанг орзу-армон не керак?
Кўнгилни ишқ ёқмаса танда бу жон не керак?
Ваъда бериб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирма,
Қон тупуриб турганда тилла туфдон не керак?

* * *

Ўйларим дунёга қадалган ўқдир,
Маст қаби ҳаётдан кўнглим ҳам тўқдир.
Бир кунда васлингга етдим неча бор,
Яхшиям хаёлга хўжайин йўқдир.





Абдусаттор Содиқов

ЗОМИН ҲИКОЯЛАРИ

Одил бобо

«Инсоннинг ички оламидаги эзгулик қуёшдир».

В. Гюго

Тоғтерак қишлоғи тоғ оралиғида жойлашган. Режасиз, пасту баланд қурилган уйлар зоқдан зи напоягә ўхшаб кўринади. Қорли чўққилардан келаётган бир ағил сув қишлоқнинг қоқ ўртасидан оқиб ўтади.

Ҳайдар бобонинг уйи ариқ бўйида. Ҳовлининг пастида, ариқ ёқасида катта тахта каравот бор. Қишлоқ чоллари ҳар кун шу ерда тўпланишади. Кийик ўти солиб дамланган кўк чой баҳона ҳангома қизийди. Узоқдан кўрган киши бу ерда чойхона бўлса керак, деб ўйлайди.

— Утлоғимда ўт ўриб, беллари майишиб келгандай ёнбошлаб ётишларини қара,— қошларини чимириб, қовоғини уйди Ҳайдар бобо. У жуда дилкаш, одамохун киши. Ҳазилсиз гапиролмайди.— Сенларга текин чой йўқ, аввал пулини тўланглар. Чой деб дўконга бўзчининг моксидай бориб-келавериб маҳси-ковушдан ажралдим. Қани, Соли жўра, ёнингда борини чиқар!

— Эҳ, аттанг, ҳамёним уйда қолибди-ку, сабил,— тирсагини ёстиқдан кўтариб, астойдил ёнини ковлай бошлади Соли бобо. У тенгқурлари ўртасида содда, бўш-баёви. Ҳазил гапга ҳам дарров ишонади. Соли содда деб лақаб олишининг боиси ҳам шундан.

Кўк чой қуйилган пиёла даврани тез-тез айланар, ҳангома қизигандан қизир эди. Фақат Одил бобо кўринмасди. Унинг уйи дўнгликда, тоғнинг биқинида жойлашган, қизи Ҳури билан бирга туради. Урушдан оқсоқ бўлиб қайтгач, ёши бир жойга борганда ўйланди. Хотини Нозима Ҳурини туғди-ю, оламдан кўз юмди. Уларнинг орзу-ҳаваслари бир дунё эди. Тақдир экан, фарзандининг балоғат ёшини, тўйини кўриш Нозимага насиб этмади. Одил бобо қайта ўйланмади. Йиллар ўтди, Ҳури бўй етиб, зоотехник Мусога турмушга чиқди.

Одил бобо ҳовли четидаги икки хонали уйда туради. Неваралари куну тун у билан. Бири соқолини ўйнайди, бири белидан уқалайди. Уйи эски, шиферланмаган. Куёви бир неча марта бу ҳақда офиз очганди, унамади: ўзимга эрмак бўлади — қишда қорини қурайман, ёзда сувайман, деб туриб олди.

Шу йил кеч кузда совхоз ишчилари бобонинг тайсаллашига қарамай уйни шиферлашга тушдилар. Қишлоқ кенгашининг раиси Илҳомжон: Улуғ Ватан уруши қатнашчиси-

нинг томи шиферсиз турса ярашмайди, деди. Иш энди бошланганида қор босиб, қурувчилар шиферни наридан-бери ўрнатишди жўнаб қолишди. Баҳор босиринқираб, шамол-бўрон билан келди: том устига ётқизилган шиферларни ағдариб ташлади. Одил бобо бунга парво қилмади: «Асли шунга кўнглим рўйхушлик бермаган эди»,— хаёлидан ўтказди у.

— Туманга тушинг, суғурта идорасига борсангиз ёрдам беради,— деб ақл ўргатувчилар кўпайиб кетди. Одил бобо, кэ, борсам борай, мендан нима кетди, деган ўй билан ўшаёққа кетган эди.

Кун терак бўйи кўтарилганда чолларнинг гурунги авжига чиқди.

— Айрим ёшларимиз қуюшқондан чиқиб кетяпти,— салмоқлаб гап бошлади Орифбой.— Йигит-қизлар ўқиш баҳона шахарга бориб, андишани унутиб қўйишяпти. Муслим чўпоннинг қизи қишлоқдан чиқиши билан рўмолини сумкасига солиб, бошланг юрармиш. Отанг киму сен ким, юришингни қара, дейдиган одам йўқ-да!

— Ундай деманг, Орифбой, уят бўлади,— қизишди Файзи домла.— «Замон сенг боқмаса, сен замонга боқ», дейдилар. Аслида, бировнинг кетидан ғийбат қилишнинг ўзи гуноҳ. Сиз билан биздай қарияларга ярашмайди бу. Қишда шамоллаб дўхтирхонада ётиб қолдингиз. Сизни ким даволади? Уша Муслим чўпоннинг қизига ўхшаган ҳамшира-масми? Бошингизда туну кун парвона бўлиб, шифо берди-а?! Ҳа, вақти келса ўз фарзандингиз шунчалик жонингизга ора кирмайди. Ёшларнинг қўли дард кўрмасин. Уларни ҳар қанча дуо қилсак кам.

Умрининг кўп қисмини ўқитувчилик билан ўтказган Файзи домла маънили гапирди. Шу боисдан унинг суҳбатига чоллар ҳам, ёшлар ҳам ҳамшиша муҳтож.

Орифбой билан чолларнинг гаплари унчалик қовушмайди. Унинг икки ўғли амалдор. Қўша-қўша енгил машиналари бор. Шунданми, Орифбойнинг димоғи кўтарилиб кетган. Даврада ким бўлмаса ғийбатини қилади.

Одил бобо келиши билан орага тушган совуқ жимлик кўтарилди.

— Госстрахдагилар нима дейишди?— томдан тараша тушгандай керилиб сўради Орифбой.— Ёрдам берадиган бўлишдимми?

— Қидира-қидира суғурта идорасини топдим,— чойни ҳўплаб, гап бошлади Одил бобо.— У ердагилар Тошкентга бориб, об-ҳавони кузатиш марказига учрайсиз, улардан шу кунни ҳақиқатдан ҳам кучли шамол турганлиги ҳақида ҳужжат олиб келасиз, дейишди. Шундан кейин ёрдам беришаркан. Кэ, қўй, ёрдамга қараб қолган куним йўқ-ку, дедиму келаярдем.

— Ҳи-ҳи... Гаплашиш йўлини билмагансиз,— қорнини ликиллатиб кулди Орифбой.— Шамини ёқиш керак эди, мана бунақа қилиб,— панжаларини бир-бирига ишқалаб кўрсатди у.— Ярми сенларники десангиз, дарҳол йўқни йўндириб пул топишарди, олар эдингиз. Йўлини билмайсиз, Гўлсиз-да, гўлсиз!

— Бунақа йўлини билмайман, бунақа ишни қилмайман!— овози титраб кетди Одил бобонинг.— Мен гўл бўлсам, сиз ҳам авлиёмасиз, гўрсиз, билдингизми, Орифбой!

Бу гапни қандай айтди — Одил бобонинг ўзи ҳам билмай қолди. Умрида бировга қаттиқ гапирмаган, ўзидан кичикларни ҳам сизлаб гапирадиган одам... Ноқулай аҳволга тушди. «Бекор шу гапни айтдим, ҳозир чоллар: э, аттанг, буни сиздан кутмаган эди», дейишса керак— ўйлади ўзича. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Орага зилдай жимлик чўкди. Одил бобо кўрпачага тушган нон увоқларини олиб дастурхонга ташлар, панжалари дир-дир қалтирарди. У ортиқ ўтиролмай, уйига жўнади.

Одил бобонинг уйи Ҳайдар қизикнинг уйидан унча узоқ эмас. Бир пиёла чой ичгунча етса бўлади. Бироқ Одил бобо шунча юрса ҳам йўл қисқармасди. Етиб боргунча оғир юк кўтарган ҳаммолдай ҳансираб қолди. Узум ишкоми тагидаги каравотга ўтириб, нафасини ростлади.

— Нега ҳам шу гапни айтдим,— ўзича пичирлади у.— Энди улфатларим мендан юз ўгиришса керак. Чакки қилдим. Оғзимдан чиқиб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим.

Одил бобонинг ташвишланганича бор. Унинг оғзидан қўпол гап чиққанлигини қишлоқнинг катта-кичиги эслашолмайди. У ҳатто одам тугул молларга ҳам дағаллик қилмаган.

Орифбой бадфеъл, дилозор киши. У бу қишлоққа урушдан кейин кўчиб келган. Келганида қўл учиди кун кўрарди. Энг яқини Одил бобо бўлиб, тунлари узоқ суҳбатлашарди. Шундай суҳбатларнинг бирида Одил бобо жанг таассуротларини, хусусан оёғини қандай қилиб ўққа олдирганини сўзлаб берди.

— Жангда яраланган бўлсангиз, уруш инвалиди экансиз-да?— қизиқиб сўради Орифбой.

— Госпиталда даволанганим тўғрисидаги ҳужжат йўқолиб кетган. Кўпчилик хат ёз, ҳужжат юборишади, дейишди. Қунт қилмадим. Юртга соғ қайтиб, мана шу дориломон кунларни кўриб юришинг ўзи катта давлат-ку!..

Орифбой урушда бўлмаган. Фронт ортида бузилган темир йўлларни, кўприкларни тузатиш ишларида қатнашган. Кўпроқ ўз ҳаётини сақлаб қолиш пайида бўлган. Атайлаб оёғини ёғоч-шпал орасида қолдириб, мажақлагану уйига қайтган.

Одил бобонинг гаплари уни қизиқтириб қолди. Ҳамсуҳбатидан госпитал адресини,

хизмат қилган қисм командирининг исмини сўраб олиб, марказий архивга хат ёзди. Бирок, натижа чиқмади. Орифбой ёзишдан чарчамади. Урушда нималар бўлмади. Қанча-қанча ҳужжатлар, архивлар ёниб кетмаган дейсиз. Ахири архивдан даволанган, деган мазмунда хат келди. Шу қоғоз дастак бўлиб, уруш инвалиди деган ҳужжат тўғри-лаб олди. Шундан кейин, одамларга, мана, биз урушда бўлганмиз, деб керилиб юради-ган бўлди.

Одил бобо куннинг қандай кеч бўлганини ҳам сезмади. Кечаси билан мижжа қоқ-мади. «Яхши иш қилмадим»,— деди яна ўзича пичирлаб. У тонг отмасдан ўрнидан турди. Кенг ҳовлига сиғмас, нима қиларини билмасди.

Шу пайт дарвоза олдида гангур-гунгур овоз эшитилди. Одил бобо эшикни очиб, қаршисида оғизларининг таноби қочган чолларни кўрди.

— Одилбой, қани, кетдик! Чойни Хайдар қизиқнигида ичамиз, суҳбатингизни ўмсаб қолдик...— Файзи домла тенгдошининг тирсагидан ушлади.

— Кеча лом-лим демай жўнавординг, келарсан десак, қорангни кўрсатмадинг, жўра, одам ҳам шунақа бўладими?— ўпкалади Соли содда.

— Унинг гапига парво қилма,— қўшиб қўйди Файзи домла.

Улар йўлга тушдилар.

Тошдан-тошга урилиб шарқираб оқаётган сой бўйида майин шабода эсади. Тонг-ги шудрингга чўмилган ўт-ўланлар еллар оғушида титраб, тебранади. Тоғлар ортидан қизғиш нур таратиб қуёш бош кўтармоқда. Қишлоқ аёллари сигирларини подага ҳайдайди.

Тоғтерак қишлоғида тонг отган эди.

Орият

Маъмур тинч ва хотиржам ҳаёт кечириб юрган эди. Битта гап билан ҳаётининг бунчалик ўзгариб кетишини ўйламаган экан.

Уша куни эрталаб бошлиқ Маъмурни ҳузурига чақириб, икки йил чет элда ишлаб келасиз, деб қолди. Аввалига бунга ҳазилга йўйди. Лекин гапнинг жиддий эканлигини англагач, ҳаловати йўқолди.

Маъмур уйда ҳам, кўчада ҳам осойишта ҳаёт кечиришга ўрганган. Ҳар бир ишни пухта, етти ўлчаб, бир кесади. Бўлар-бўлмас нарсага ташвишланиб, ҳуда-беҳудага куйиб-пишавермайди. Унинг вазмин, осойишта турмуши бошқаларда ҳавас уйғотарди. Кейинги пайтда ана шу осойишталик ва сокинлик йўқолди.

Чет элда ишлашга борса бораверади. Бошқалар ҳам ишлаб келишяпти. Лекин уй шароити чаток: жўжабирдай жон, фарзандининг каттаси энди мактабга боряпти. Эгизаклари Ҳасан билан Зухрани ташлаб, узоққа кетишнинг ўзи бўладими? Чақалоқлар энди икки ойлик бўлишди. Умринисо болаларига бўлсинми, мол-ҳолга қарасинми? Тўрт-бешта қўй «ба-ба»лаб, оғиз очиб турибди. Сут берадиган сигирга ем-хашак керак.

Ўқ, чет эл унга тўғри келмайди.

Бу гапларни айтиш учун икки-уч марта бошлиқнинг ҳузурига келди. Ҳар сафар қабулида одам кўпلىгидан қайтиб кетаверди. Орадан анча ўтгандан кейингина ҳузурига кираолди.

— Иложи йўқ, — биз юқорига рўйхат бериб қўйганмиз. Шундай дардингиз бор экан, олдинроқ айтмайсизми? Урнингизга бошқа одамни ёзиб қўйсак, олам гулистон эди. Хай, йўли бўлса яна ўйлаб кўрармиз. Унгача ҳужжатларингизни тайёрлаб қўяверинг.

Бу гапдан сўнг Маъмур баттар тинчини йўқотди. Кечалари болаларининг бошини силаб, оғир-оғир хўрсиниб чиқади. Шундай кунларнинг бирида ҳамкасби Жалилга юрагини ёрди:

— Бошлиқ чет элда ишлаб келасан, деб қўймаяпти. Бормаслиқнинг иложи йўқ-микин-а?

— Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ, — Жалил пайвандлашда юз-кўзини тўсиб турадиган ойна-мосламани юқори кўтариб, деди. — Озгина қуруғидан оширсанг тамом-вассалом. Чет элда ишлайман деганлар сон мингта.

— Ниманинг қуруғидан ошираман? — ҳайрон бўлди Маъмур.

— Ниманинг бўларди, мана бундан-да! — Жалил бармоқларини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

Ростдан ҳам шу Маъмурнинг хаёлига келмабди. Лекин ана шу «қуруғи» қурғурни қандай қилиб беради? Умрида биров билан бунақа олди-бердига бормаган. Тирикчили-ги аранг ўтиб турибди. Пулни қаёқдан олади. Бировдан қарз кўтарай деса, нима қил-сан, деб сўрашидан уялади.

Қандоқ кунларга қолди ўзи, а?

У бир неча йилдан бери рангли телевизор оламан, деб тишининг ковагида асраб юрган пулни хотинидан сўраб олди. Ўзи футболга ишқибоз: рангли тасвирда кўришнинг гаштига нима етсин! Аиниқса, кичкинтойлари қўғирчоқфильми кўришса борми...

Начора, яна бир-икки йил сабр қилади.

Маъмур пулни санади. Уч юзга етар-етмас. Газетага ўраб, у чўнтакка солса ҳам, бу чўнтакка солса ҳам дўппайиб қолаверди. Йириклаштириб олиш учун жамғарма банкка борди. Назарида, кассир қиз: «Бу пулларни кимга бермоқчисиз?» деб сўраб қоладигандек эди. Пулни йириклатиб олгунча сел-сел терга ботди. Хўрлиги келиб, нафаси бўғзига тикилди. Умрида бировга юзи сарғаймаган одам не кунларга қолди? Иложи қанча, шундай қилмаса, бола-чақаларини қийнаб, мусофир юртга кетиб қолиши ҳеч гапмас-да!

Маъмур бир неча кун бошлиқнинг қабулида навбат кутиб, ниятини амалга оширолмай қайтиб кетди. Ҳамма қўлини бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек, пора беряпти, деб бақираётгандай туюларди. Шу кунлар ичида кўзлари ичга тортиб, озиб-тўзиб кетди. Фурсат ўтмоқда эди. Ниҳоят, бошлиқнинг ҳузурига кирди. Гапни нимадан бошлашни билмай анча каловланди.

— Менинг... Менинг ҳеч иложим йўқ, — деди тутилиб-тутилиб. — Болаларим ёш, хотиним касалманд. Бешиқда эмизикли болаларимиз бор... — Шолғомдек қизариб-кетган, гаплари пойинтар-сойинтар эди. — Манавини олсангиз... У ёққа боришни қотгиз, дирсангиз...

— Нима бу?! — хитоб қилди бошлиқ. — Тушунмай турибман. Одамлар чет элда ишлашга юборинг, деб ҳоли-жонимга қўйишмайди-ю, сиз бўлсангиз...

«Тамом, ҳозир пора беряпти, деб милиция чақирмади...» — кўнглидан ўтказди у. Қабулхонадан чиқаркан, нима иш қилиб қўйганини энди ҳис этди. Кўз олдида оппоқ соқолини силаб турган отасининг сиймоси гавдаланди. Уни қишлоқдагилар Омон дангал дейишарди: ҳаром-ҳаришдан ҳазар қиладиган, покиза, бир сўзли одам эди.

«Отамнинг руҳини безовта қилдимми-а?!» — ўзича пичирлади Маъмур. Юраги қаттиқ қисилди, нафас олиши қийинлашди. Кўкрак тугмаларини ечиб, оғриқнинг зўридан кўксини чангаллаб йиқилди. Боши узра зангори осмон гир-гир айланди-ю, кўз олдида айқаш-уйқаш манзаралар, бешиқ қучоқлаб бола эмизаётган хотини, қўлчаларини силкитиб ўйнаётган Ҳасан, Зухралар намоён бўлди. Кейин эса...

— Ҳа-а, анчагина... — Маъмурнинг тили аранг калимага келди. — Рангли телевизор оламан, деб йиғиб юргандим...

— Бўлди, ишингизга бораверинг!

Бошлиқнинг гап-сўзсиз жангони олиб қолганидан Маъмур ўзида йўқ хурсанд эди. «Инсофи бор одам экан, ҳар нечук милиция чақирмади...» — кўнглидан ўтказди у.

Қабулхонадан чиқаркан, нима иш қилиб қўйганини энди ҳис этди. Кўз олдида оппоқ соқолини силаб турган отасининг сиймоси гавдаланди. Уни қишлоқдагилар Омон дангал дейишарди: ҳаром-ҳаришдан ҳазар қиладиган, покиза, бир сўзли одам эди.

«Отамнинг руҳини безовта қилдимми-а?!» — ўзича пичирлади Маъмур. Юраги қаттиқ қисилди, нафас олиши қийинлашди. Кўкрак тугмаларини ечиб, оғриқнинг зўридан кўксини чангаллаб йиқилди. Боши узра зангори осмон гир-гир айланди-ю, кўз олдида айқаш-уйқаш манзаралар, бешиқ қучоқлаб бола эмизаётган хотини, қўлчаларини силкитиб ўйнаётган Ҳасан, Зухралар намоён бўлди. Кейин эса...

Нураётган иморат

Алишер машинадан тушганида юраги кўксига сиғмаётгандек ҳаприқди. Икки йил қадрдон гўшасида бўлмаган, ким пешвоз чиқаркин? Йўлга чиқибдики, шу савол ҳаёлидан нари кетмайди. У дарвозадан ҳатлаб ҳовлига қадам қўяркан, янгасига кўзи тушди. Энгашиб ўтирганича ердан сабзи қазиб олаётган Гуласал ҳовлига одам кирганлигини сезмади.

— Янга!

Алишернинг салобатли, жангдор овозидан Гуласал биров гангиб қолди. Сўнгра, лой юқи қўлларини қоқишни ҳам унутиб, қайниси ҳузурига чопди.

— Аскар бола, келдингизми?!

У қайнисини тортиниб туришига қарамай бағрига босиб, юзларидан ўпди. Алишерни ҳаяжон босди. Гуласалнинг тўзғиган сочлари, лой юқи бармоқлари кўз олдида кетмас, янгаси билан шу алпозда учрашишни кутмаган эди.

Куз бўлишига қарамасдан ҳаво очик, қуёш чарақлаб турарди. Қўшнилари кўришиш учун пешма-пеш чиқиб туришибди. Алишернинг назарида янгаси биров ўзгариб қолган эди, аввалги Гуласалга ўхшамасди. Унинг ҳаракатларида олдинлари бундай безовталиқ йўқ эди.

Ҳарбий хизматга кетмасидан олдин Гуласал Алишер учун гўзалликнинг ўзига хос тимсоли эди. Унинг қишлоқдаги энг сулув, кўҳлик аёл эканлигини ҳамма тан оларди. Табиат ўзгача бир меҳр, муҳаббат билан яратган: чиройли юзлари, қора қошлари ҳар қандай одамни бир қарашда сеҳрлаб қўярди. Усмир йигитларнинг мўйловидек лаби устидаги билинар-билинемас қора туклари, чап ёноғидаги нуқтадек холи ўзига шунақа ярашардики...

Ҳа, ўзига ўта дид ва фаросат билан оро берар, ҳамиша яқинидан ўтсангиз, хушбўй атир ҳиди гуркираб, димоққа урилари. Бу ҳидни Алишер узоқ ўлкаларда, қиш кечалари навбатчиликда турганида неча бор қўмсаган. Қўмсагану юртини, юртининг баҳорини соғинган. Қани ундаги ўша атир иси, баҳорий анбарлар?

Алишер гарчанд одамлар билан кўришадиган, гаплашадиган бўлса-да, турли юмушлар билан елиб-югураётган янғасидан кўз узмасди. Беқиёс сулув эди у. Унинг қиличдек узун-узун киприклари, чўлпон кўзлари қирмизи юзига кўрк ва чирой бағишларди. Ҳамширалikka ўқиб юрган чоғларида кўрсангиз! Уйига совчи кетидан совчи кела бошлади. Қизнинг кўнглига қараган ота-онаси уларга тайинли жавоб айтишолмасди. Кейинчалик, Гуласалнинг йигити бор экан, деган гап чиқди. Унга кўнгли боғлаб юрган йигитларнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Шу орада яна, Гуласалнинг йигити бошқа қизга уйланиб кетибди, деган миш-миш тарқалди.

Барибир Гуласал мағрурлигича қолди. Шу кезлари Алишернинг акаси ҳарбий хизматдан қайтган эди. Тақдир экан, Гуласалга оғиз солиб борган совчиларнинг ошиғи олчи келди.

Хонадонга шунчаки келин эмас, фаришта кириб келгандек эди. Гуласалнинг гап-ўзлари, хатти-ҳаракатлари кўнглини офтобдек чароғон этарди. Уйдагилар уни ранжтмасликка, ўзларининг юриш-туришлари билан Гуласалга манзур бўлишга ҳаракат қилардилар. Кўп ўтмай, Алишер ҳарбий хизматга кетди. Икки йил оз фурсат эмас. Лекин Гуласалнинг бунчалик ўзгаришини хаёлига сиғдирилмасди. Айтгандек, янғаси ўғил кўрибди. Эҳтимол, ўзгаришининг боиси ҳам шундадир. Бола катта қилишнинг ўзи бўлмайди. Бир томонда бола, бир томонда рўзғор ташвиши. Яна уйда пишиб турган чолу кампир... Наҳот турмуш ташвишлари шунчалик гангитиб қўйган бўлса?!

Кечга яқин Шаҳбоз келди.

— Жигарим, аскар укам! — у Алишерни ердан даст кўтариб олди. Уни шунчалик қаттиқ қучдики, Алишернинг бели қисирлаб кетгандек бўлди. — Тинч-омон келиб қолдингми? Қара, икки йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди-я!

Шаҳбоз укасини тинмай ўпарди. Шунда Алишер унинг маст эканлигини пайқайди. «Ичадиган бўлибди-да... — хаёлидан ўтказди Алишер. — Йўғ-э, келганлигимни эшитиб, хурсандчиликдан ичгандир-да».

Ярим тунгача таниш-билишлар, қариндош-уруғлар келиб турди. Алишернинг жўралари, акасининг тенгқурлари ичкилик ҳам қилишди. Шаҳбознинг кайфияти ниҳоятда чоғ эди.

— Хизматдан тинч-омон қайтиб келиш ҳам ғанимат бўлиб қолди!

У қадаҳларга қуйиб, ўзи ҳам ичар, бошқаларни ҳам ичишга ундар эди. Келиб-кетувчиларни кузатиб бўлишганида Шаҳбоз яхшигина маст эди. Алишер акасини ётоқхонага суяб олиб кирди. Уринга чўзилаётганида, у бироз хижолат чеккандек дўриллади:

— Аҳмоқ акангни кечир... Азбаройи қувонганимдан...

Алишернинг кўзи ногаҳон хонанинг тўрида, деворда осиглик суратга тушди. Унда Гуласал бир дона гулни лабига босганича жилмайиб турарди. Гўё мажнунтоллар ҳам унинг ҳуснига ошифта сархушланиб, серкокил шохларини ҳар томон ёйиб юборган... Янғасининг буй-бастига монанд ички оламини ўзида тўла акс эттиришга ожизлик қилгандай сурат ҳам сарғая бошлабди.

— Ташқари салқин ва айни пайтда оромбахш эди. Алишер юлдузли осмонга тикилганича қўлоқларини кенг ёзиб, энтикиб-энтикиб нафас олди. Ётоқхонадан гўдак йиғиси эшитилди. Идиш-товоқларни йиғиштирадиган Гуласал қўлларини пешбандига артиб, ичкарига шошилди.

Ногоҳ Алишернинг ёдига хизматга жўнаётган кун тушди. Бекат тўла одам: кимдир бақириб-чақирган, кимдир кулиб, кимдир йиғлаган. Ана шундай шовқин ичида Гуласал бир четда хотиржам, бамайлихотир турарди. Поезд кўзгалганда майин жилмайиб, қўлларини силкиб хайрлашди. Кўкси тўлиб, кўзларига ёш келаётган Алишер ўзини кўлга олди-ю, зўраки тиржайди. Енгил шабадада товланаётган атлас кўйлақда Гуласал гўё бир даста гулга ўхшаб чайқаларди. Қани у гул, қани у жозибача?..

Эртаси куни Алишер ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш учун ҳарбий бўлинмага боришга ҳозирлик кўрди. Акаси ҳам отланди. У ерда иш тез битди.

— Энди бизнинг ишхонани кўриб кетасан, — деди Шаҳбоз йўлда пастдаккина иморатга ишора қилиб. Иморат Алишернинг кўзига харобадек хунук кўринди. Ичкарига кирдилар. Хона ичи тор ва зах эди. Эски столлар устига бузуқ радио ва телевизорлар қалаштириб ташланган. Бурчак-бурчакда бир-бирига тескари ўтириб олган йигитлар ўз иши билан банд. Улар тўхтовсиз чекишарди. Тепада хира нур сочиб турган электр-чироқ қуюқ тутун булут ичида аранг кўринади.

— У-ў, аскар! — хитоб қилди соч-соқоли ўсиб кетган пакана йигит. — Марҳамат, ўтирсинлар, — у эски радио қутисига ишора қилди. Алишер ўтирмади. Қўланса ҳид бурқсиётган ҳужрадан тезроқ чиқиб кетишга ошиқарди.

— Аскар шарафига киттақ-қиттақ қилар эканмиз-да, — қўлларини бир-бирига иш-қалаб, елка учирди новча йигит ва мижозларни хонадан ҳайдаб чиқара бошлади.

— Уртоқлар, перерив! Ярим соатлардан кейин келасизлар!

— Сизлар ўзи қачон ишлайсизлар? — жиғибийрони чиқди бировининг. — Қачон кўрса «перерив, перерив». Арзимаган иш учун бир ҳафтадан бери овораман-а! Инсоф борми ўзи сенларда?

— Бор-бор, чиқиб тур! — Қисталанг қилди новча. — Керак бўлса бир ой қатнайсан. Ҳозир запчаст йўқ, буюғи бозор иқтисодиёти, брат!

Улар эшикни ичкаридан бекитиб олдилар. Кирлаб кетган пиёлага арақ қуйилди. Қаердандир қаттиқ нон бўлақлари, ширин кулча топиб, газак қилдилар. «Бу ишни қўйинглар, аввало чўнтакка зиён. Қолаверса, меҳнат интизомига тўғри келмайди-ку?!», Алишер шу гапларни айтишга оғиз жуфтлади-ю, андиша қилди. «Ахир улар менинг шарафимга ичишмоқчи. Гапирсам, кўнгиллари оғриши мумкин». У ҳам бир пиёла ичди-ю, уйга қайтди.

Янгаси замбилғалтақда молнинг тезагини ташқарига ташиётган экан. Замбилғалтакнинг ўқи бўшаб, ғилдирак қийшайиб қолибди. Юрганда ёқимсиз овоз чиқарарди. «Ўқини қотириб, мой қуйиш керак», хаёлидан ўтказди Алишер. Утиб кетаётган Гуласал хижолат чекиб, ерга қаради. Калишига ёпишган лой ва гўнгни қоқди.

Алишер ичкарига кирди. Тандир тепасидаги айвоннинг хариси синиб, «бели» майишиб қолибди. Ҳалқоб бўлиб турган тандир устига тинмай томчи чакиллаётган «Янгам бу ерда қандай нон ёпар экан? Айвонга эгилиб кириб, эгилиб чиқса керак. Акам шунчалик ҳам тамбаллашдимми? Бор-йўғи иккита шиферни алмаштириш шунчалик қийин бўлса-я! Йўқ, бунга ортиқ чидаш мумкин эмас. Эртага ҳаммасини тўғрилайман. Қийшайиб қолган узум ишқомларини ҳам қайта тиклайман. Аравачанинг ғилдирагини тузатаман. Эркак киши бепарво бўлса ҳовли тўзиб кетиши турган гап!».

Эртаси куни энди ишга уннайман деб турганида қўшни қишлоқда яшайдиган опаси ўғилчаси Эҳромни етаклаб келиб қолди. Эҳром жуда шўх, ерга урса осмонга сапчийдиган бола бўлибди. Зум ўтмай у кўчага ўйнагани чиқиб кетди. Гуласал овқатга унади. Сухбат айна қизиган чоғда Эҳром кўчадан йиғлаб келди.

— Ҳа, полвон йигит йиғласа уят бўлади.

— Урса уришардим, ҳақимни олардим, — бурнини тортиб пиҳиллади Эҳром. — Болалар «алкашнинг жияни» деб мазах қилишди!

— Нима? Нима дейишди?! — важоҳат билан ўрнидан туриб кетди Алишер. — Шу гапларни айтган боланинг тилини суғуриб оламан. Қани юр, кўрсат-чи уларни. — Ҳовлининг ўртасига етганда янгасига дуч келди.

— Рост гапни боладан сўра дейдилар, уларда нима айб...

Гулаланинг вазмин ва босиқ овози уни қарахт қилиб қўйди. «Наҳотки акам шу даражага етган? Ахир бу иснод-ку!». Алишернинг вужуди ғазабданми, ҳаяжонданми титраб кетди. Бўғзига текилиб келган аламдан ихраб юборди: «Бунга ортиқ чидаб бўлмайди. Энди бу ҳовлида ҳеч ким ичмайди. Тамом, вассалом!» — унинг лаблари аламли пичирлади.

Кечга яқин Шаҳбоз ширакайф ўртоқларини эргаштириб келди. Алишер акасининг оғайниларини ҳовлидан қувиб чиқаришга тайёр эди. Ниятини пайқагандек, акаси ерга қараб, хаста овозда пичирлади:

— Бугун туғилган куним, озгина ичдик. Меҳмонларни кет дейишга қандай тил боради? Одам боласи бир марта туғилади-ку! Ичсак ичибмиз-да. Уларни ичкари бошла. Янганга айт, овқат қилсин.

Алишер нима қиларини билмасди. Ноилож ҳовлида турган йигитларни ичкари бошлади. Кўп ўтмай, ичкилик бошланди.

— Алишер, биламан, хафа бўляпсан, — гуноҳкорона бошини эгиб минғирлади акаси. — Ахир ўзлари олиб келишган, қандай қилиб уларга ичма деб айтасан? Кэ, нима бўлса бўлар, уларнинг ҳам кўнглини хуфтон қилма.

Одамнинг юзи иссиқ. Алишер важоҳатидан тушди. Меҳмонлар ҳурмати учун озгина ичди. «Бу охиргиси, энди мен ҳам, акам ҳам ичмаймиз!» — иккинчи қадаҳни кўтараётганида хаёлидан ўтказди Алишер. Меҳмонлар гандираклаб бирин-кетин тарқалишди.

Шаҳбоз яна маст эди. Алишер акасини ётоқхонасига етаклаб кираётганида қаршида пайдо бўлган янгасининг юзига тик қарай олмади. Девордаги суратда эса, Гуласал бир дона гулли лабига босганича жилмайиб турарди.

Эрталаб Алишер анча ланж бўлиб уйғонди. Вужуди қарахт, боши ғувилларди. Ҳовлида бир зум айланиб юрди. Бир неча йилдан бери ёмғир ва қорда қолган қаравотнинг тахталари қийшайиб, ерга тушиб ётарди. У тахталарни айвонга ташиб қўймоқчи бўлди. Айвондан жой ҳозирлаётганда қўшнисининг ўғли хушхабар келтирди. Алишернинг синфдоши Қамбар ҳарбий хизматдан қайтибди. «Бориб кўрмасам бўлмайди, — хаёлидан ўтказди у. — Бир синфда ўн йил бирга ўқиган тенгдошим, сирдошим. Тахталарни келиб таширман».

Алишер ўртоғиникида кечгача қолиб кетди. Синфдошлар йиғилишиб қиттак-қиттак отишди. Уйга кеч қайтган Алишер йўлда ўзича ўйларди: «Яна ичдим-а... Қамбар ҳам очилиб кетибди: узатганини бирон марта ҳам қайтармадим. Уйдаги иш қолди... Янгамнинг олдида хижолатдаман. Энди ичганим шу бўлсин!»

У ҳовлига кирганида ётоқхонадан Шаҳбознинг бақиргани эшитилди. Акаси Гуласални куракда турмайдиган сўзлар билан сўкарди. Нимадир ерга тушиб чил-чил синди. Чақалоқ чириллаб йиғлади. «Бунга ортиқ чидаб бўлмайди. Акамнинг кўнгли бўш: ичга-

ни-ичган. Энди уни ўзим назорат қиламан». Алишер ўзини босиш учун лабини шунчалик қаттиқ тишладик, тирқираб қон чиқиб кетди.

Тонгда кўчага акаси билан бирга чиқди. У олдинда қиличдек қоматини ғоз тутиб, мағрур қадам ташларди. Шаҳбоз кўкрагига тушган бошини кўтаролмай, букчайиб укасига аранг эргашарди. Боши қаттиқ оғриётганидан атрофда нима бўляпти, кимлар ўтяпти — фарқига бормасди. Эртароқ ишхонага ета қолса-ю, бош оғриқ қилса!

Тор ва зах хона аллақачон папирос тутунига тўлган эди. Бурчак-бурчакда ҳар ким ўз иши билан банд. Созланаётган радио, телевизорлардан чиқаётган чийилдоқ овозлар ғашга тегади. Бунга кўникиб кетган йигитлар пинакларини ҳам бузишмайди.

— Солдат, ҳали иш бошламадингми? — лабидаги папиросини қийшиқ тишлаб сўради пакана ва насиҳат қилишга ўтди. — Бекор юришдан фойда йўқ. Биров бир тийин бермайди. Истасанг, биз билан бирга ишлашинг мумкин. Шогирдликка битта ўрин бор. Сўққабошсан, пул топишинг керак.

— Зўр фикр! — хитоб қилди новча. — Кўриб турганингдек, тушум чакки эмас: бирга ўн олаверасан. Бу темир-терсақларда тил бўлсаки, эгасига бирон нарса деса.

Унинг гапини бошқалар ҳам қувватлашди. Кутилмаганда бу таклиф Алишерга ҳам ёқиб тушди: «Ҳарҳолда акамнинг ёнидаман. Уни назорат қилиш осон бўлади».

— Ишласак ишлайверамиз-да! — Розилигини билдирди Алишер.

Пакана унга устозлик қиладиган бўлди.

— Шогирднинг пойи-қадами қутлуғ бўлсин! — «устоз» тортмадан шиша чиқарди. — Буниси бизнинг ҳисобдан. Тоза спиртга сув қўшиб, ўзим тайёрлаганман. Бундан ичмаслик гуноҳ.

— Ўз ихтиёринг билан гуноҳга ботишдан худо сақласин! — йигитлар йиғила бошлашди.


— Бошим нақ ёрилай деб турганди, хўп савоб иш қилдинг-да, — даврага қўшилди Шаҳбоз.

«Нима бўлса бўлар, ҳарҳолда бугундан ишликман, — қадаҳни даст кўтарди Алишер. — Ахир ҳар куни ичавермайман-ку!.. Бу кетишда бирим икки бўлмаслиги аниқ».

Ака-ука уйга чақчақлашиб қайтишди. Гуласал бошига тегай деб турган шифер тагида икки букилиб тандирдан нон узарди. «Тандирхонани тузатиш керак, — хаёлидан ўтказди Алишер. — Каравот тахталарини йиғиштиришга ҳам фурсат бўлмаяпти. Ҳа, майли, вақти-соати билан ҳаммаси изга тушиб кетади».

Ака-ука эрталаб ишга отланишганда Гуласал замбилғалтакда ўтин таширди. «Мунча ғилдираги чийилламаса!..» Алишер негадир ҳафсаласизлик билан қўл силтади. Энди унинг ҳам боши кўкрагига тушиб, оғир қадам ташларди. «Мия чиқиб кетай деяпти, — ўйларди у. — Бошоғриқ қилмагунча ўзимга келмайман шекилли? Фақат шу бугун. Кейин, оғзимга олмайман. Тамом! Бу ёқда уй тутдай тўкилай деяпти...»





Аълоидлар Килти

Тарихий фожиа

Иккинчи парда
Тўртинчи кўриниш

Денгиз соҳилада ҳувиллаб ётган орол. Омонат чайлада Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ, унинг ёнида сарой емакхонаси ва ҳарам назоратчиси Шаҳобиддин устоздор ва мулозим, кўлга сув қуювчи Қавомиддин шаштдор бедор тонг оттиришмоқда. Шам ёниб адо бўлаёзган.

ХОРАЗМШОҲ

Учаётган ушбу шамга ўхшайди умрим,
Унинг сўнги шуълалари ўксик-ўксикдур.
Фақат маним умрим эмас, борлиқ салтанат
Шамдек адо бўлиб борар, ёниб борадур.
Қани уни кул бўлмоқин асраб қолгучи,
Қайта бошдан гуллатгучи самовий қудрат.
О, шам, о, сен тугаёзган аламли кўшиқ,
Билмасмусен қанча қолди нур интиҳоси?!
Ҳали-замон сўнгсиз зулмат қоплар борлиқни,
Қора чилвир сиртмоқ бўлур оёқ-кўлларга,
Юлдузларнинг юзларига қора тортарлар,
Оқ гулларнинг фарқи қолмас қора куядан.

(Аланглаб атрофни кузатади)

Шаҳобиддин, ўрнингдан тур, қара, ҳув, ана,
Тишларини ғижирлатиб келмоқда бўри.
Жимирлашиб кетди эгим, қув, ҳайда тезроқ.

ШАҲОБИДДИН

(Атрофни кўздан кечириб)

Ҳеч қанақа бўри йўқдир, хотиржам бўлинг,
Ҳув қумтепа сизга бўри бўлиб кўринган.

ХОРАЗМШОҲ

Йўқ, сен менга таскин берма, қумтепа эрмас,
У бўридир, мени ғажиж пайида юрган,
Йўл бўйи у таъқиб этиб келди карвонни,
Бир дам бўлсин, кўзларини узмади мендан.

Кундузлари соя каби эргашиб келди,
Бош устида чўққайганча ўлтирди тунлар.
Кипригимнинг илинишин кутди кўз юммай,
Ухлар бўлсам еб кетарди мени ялмоғиз.
Ана, кўзин олайтириб турмоқда ҳамон,
Шундай бўлгач, қандоқ ётай, қандоқ ухлайн?!
(Белидаги шоҳлик камарини ечиб)
Қандай оғир салосил бу шоҳлик камари,
Бу на камар, эговлайди бутун умримни.
Менинг белим эмди буни кўтара олмас,
Оёғимда дармон йўқдур, танимда қувват.

ШАҲОБИДДИН

Тонг оқариб қолди, ҳазрат, бир оз дам олинг,
Мен уйқумни қочираман ўт ҳоври билан.

ХОРАЗМШОҲ

Уйқунг келаётган бўлса, майли, мизғиб ол,
Мен ухласам бўри келиб қолар бостириб.
Уйғоқ бўлсам журъат эта олмас ҳамлага.
...Юлдузлар ҳам кирмоқда ўз кўрпаларига,
Келар вақти бўлиб қолди Жалолиддиннинг.
Унинг йўлин тўсмасалар эди, моховлар.

ШАҲОБИДДИН

Жалолиддин моховлардан тап тортармиди,
Келиб қолар ҳали-замон муждалар билан.

ХОРАЗМШОҲ

Билмасмусен моховларнинг сурбетлигини,
Епишарлар оёқларга худди лой каби.

ШАҲОБИДДИН

Мени маъзур тутинг, ҳазрат, аслида улар
Бу оролга ташланмаса бўларкан...

ХОРАЗМШОҲ

Бошқа
Узоқроқ бир жой бормиди бу ердан овлоқ.
Моховларни элдин йироқ ҳайдаган эрдим,
Э воҳ, келиб тушдим улар ичига ўзим.

ШАҲОБИДДИН

Тунов куни келиб мендан сўрашди таом,
Жоним ҳалак бўлди қувиб ҳайдагунимча.

ХОРАЗМШОҲ

Сен уларни қувма ҳаргиз, улар ҳам жонзот,
Қасалликни сўраб олган эмаслар, ахир!
Мен уларни сургун этиб гуноҳ иш қилдим
Ва оқибат ўзим тушдим улар кунига.

ШАҲОБИДДИН

Ундай деманг, онҳазрат...

ХОРАЗМШОҲ

Ҳа, фарқим йўқ менинг
Шу оролда дайдиб юрган моховлардан ҳеч,
Улар янглиғ, мен-да, элдан узоқ яшаймен,
Мендан-да эл ирғанади... Моховлик шу-да.

(Қаттиқ йўталади)

Куним битиб борар... Мени кўп маҳтал қилмай
Жалолиддин тезроқ етиб желақолсайди.
(От кишнагани эшитилади.)

Кавомиддин йўлга кўз ташлаб, маъюс тортади. Қутбиддин Ўзлоқшоҳ киради.

ҚУТБИДДИН

Ассалому алайкум, о, бормисиз, падар,
Минг шукурким, қайта бошдин кўришдик дийдор.
Неча кундир отга қамчи босганим-босган,
Тер оқмоқда отнинг ҳатто қора ёлидан.

ХОРАЗМШОҲ

Нечун даркор эрди отни ниқтаб қийнамоқ,
Ўз жонингга жабр қилмоқ не ҳожат эрди?!
Келган билан енгиллатсанг, кошки, дардимни,
Кошки, олиб қола олсанг ёруғ дунёда.

ҚУТБИДДИН

Пушти камарингиз эрсам, валиаҳд эрсам.

ХОРАЗМШОҲ

Мен умримда кўп хатолар қилдим, тан олгум,
Тўғри йўл деб, юрдим гоҳи эгри сўқмоқдан.
Ношудларнинг сўзларига изн бердим гоҳи,
Валиаҳд деб эълон этдим сени, не қилай?!

(Узоқ йўталади)

ҚУТБИДДИН

Пушаймонсиз, демак, аҳду паймонингиздан?

ХОРАЗМШОҲ

Чин сўз айтгум даркор сўнгги нафас олдидан,
Султонликка лойиқ ўғил эмас эрдинг, йўқ.
Мен саҳв этдим сени тожга даъвогар айлаб,
Хафа қилдим Жалолиддин Мангубердини.
Не қилайки, кўп қимматга тушди бу хато...
Энди сени маҳрум этдим валиаҳдликдан.

(Йўталади, тобора дармонсизланади)

ҚУТБИДДИН

Гуноҳим не, айбим бўлса айтингиз, падар,
Сўзингизни сирға қилай қулоқларимга?!

ХОРАЗМШОҲ

Сирға эмиш!.. Неча марта сўзим рад этдинг,
Қўшин сўраб сенга йўлдан чопар юбордим,
Қўшин қайда, ҳаттоки, бир илиқ сўз ҳам йўқ.
Ким айбдор? Мен! Айб менинг ўзимда эрур.
Не хатолик ўтган эрса сўзимдан эрур.
Бувинг ила сен икковинг...

(Йўталади)

Хайр, рози бўл!

ҚУТБИДДИН

Йўқ, кетмасмен, ҳайдаб мени овора бўлманг,
Талабим не, айтган эрдим, яхши билурсиз.
Қирқ туялик мол-дунёни олиб кетгансиз,
Қайда ўша олтин, кумуш, дуру, жавоҳир?

ХОРАЗМШОҲ

Ношуд ўғил, яна шунинг учун келдингми,
Олтин-кумуш излаб сарсон-саргардонмисен?
Эл кўзида отанг излаб юрибсан гўё,
Излаганинг аммо бойлик... Бу не ҳол, ё раб?!
Йигирма йил тожу тахтга соҳиблик айлаб,
Не юртларни забт этмоқни ўйлабмен, аммо,
Ўз ўғлимнинг юрагига сололмабмен қўл,
Билганимда юрагингни суғуриб сенинг,
Зар устига ташлар эдим тўйиб е, дея.

ҚУТБИДДИН

Юрагимни қўятуринг, сизда борми у?
Сизда агар юрак бўлса... Ҳай, майли, майли.
Сиз яширган сандиқларни илон-чаёнлар
Ошён этиб, атрофида қургандир базм.
Давлат илон-чаёнларга буюрган экан.

ХОРАЗМШОҲ

Ўз қўйнимда экан менинг илон-чаёнлар.
Мен уларни тўйдирибмен, кало этибмен¹.
Улар менинг қонларимни сўриб ўсмишлар,
Юрак-бағрим чўқиб-чўқиб этмишлар адо.
Бугун мана битта чаён келиб қон сўрар,
Менда қон йўқ, на қон, балки менда жон ҳам йўқ.

ШАҲОБИДДИН

Чин айтадур падарингиз, йўлда ногаҳон,
Адашдигу сандиқларни йўқотиб қўйдик.

ҚАВОМИДДИН

Олтин қайда, тамоғимиз² қора қайғидир,
Совуқ тушса устимизни ёпаримиз йўқ.

ХОРАЗМШОҲ

Ана шундай, шаҳзода, сен олтин сўрайсен,
Олтин керак эрса юртни озод эт ёвдан.
Олтин бу — юрт, афсуски, кеч очилди кўзим,
Надоматлар бўлғайки, тарк этдим Ватанни.
Шайтон йўлдан урди мени...

Кўнглим оралаб

Ожиз бир ҳис шууримдан айлади жудо,
Қандай буюк давлат эрди, борҳо салтанат,
Гул сочарди йўлларимга Мағрибу Машриқ.
Олам худди гардсиз кундай эрди ҳувайдо,
Еру само чексиз эрди, қудратим бисёр.
Энди мана гунг саҳрода юпун, бечора,
Оч бўридан қўрқа-қўрқа ўлмоққа етдим.
Сенинг кучинг-қувватинг бор, шаҳзода, кураш,
Кураш сўнги томчи қонинг қолгунча танда.
Аканг Жалолиддин қанотига кир, унинг
Юраги ўт, жисми пўлат, ақли шуълали.

ҚУТБИДДИН

Жалолиддин, Жалолиддин!.. Жонимга тегди,
Кирқ туяга ортилган ул сандиқларни-да,
Ҳада этмоқ пайидасиз Жалолиддинга.
Йўқ, мен бунга йўл қўймаймен, йўл қўймаймен, йў-ўқ!

¹ Кало этиш — вояга етказиш.

² Тамоқ — овқат.

Кетади. Бўри увлайди.

ХОРАЗМШОҲ

Чоғландингми яна мени емоққа, бўри,
Мендан бўлак жонзот йўқми есанг дунёда?!
Менинг, ахир, нима қолди энди егулик,
Бошдан-оёқ устихонмен, қуруқ устихон.

(Оғир йўталади)

ҚАВОМИДДИН

(Қумғон ва сочиқ келтириб)

Ёстиғидан бош кўтарди қуёш, онҳазрат,
Айни вақти таҳоратдур, маъзур тутгайсиз.

ХОРАЗМШОҲ

(Қўлини юваётиб)

Мен қуёшни кўрмайман, нур йўқ оламда,
Бизнинг қуёшимиз сўнган, бизни тарк этган.
Ўзгаларнинг қуёши у, сен айтган қуёш.

ҚАВОМИДДИН

Ҳаммага тенг нур сочади қуёш, авф этинг.

ХОРАЗМШОҲ

Шундайдир деб ўйлар эрдим мен ҳам илгари,
Ҳамма учун баробар деб билардим нурни.
Энди билсам ҳар кимнинг ўз куни¹ бўларкан,
Тақдир экан у қуёшнинг оти, ҳа, тақдир.
У нур сочиб турган маҳал олам мунаввар,
Атрофингда хешу аҳбоб гирдикапалак.
У сўнганда еру кўкни қопларкан зулмат,
Совуқ рангга айланаркан кўкдаги қуёш.
Бизнинг қуёшимиз сўнган, сўнган, шаштдор.

ҚАВОМИДДИН

Сўнган эрса, уни баттол Чингиз сўндирган.

ХОРАЗМШОҲ

Йўқ, уни мен сўндирганмен, ўз қўлим ила,
Булулардан асрамоққа уни аҳд айлаб.
Минг-минг тўрга ўраб-чандиб ташлаганменки,
Маҳобатга чидай олмай сўнди оқибат.
Сўнган эрса магар бевақт кимнинг қуёши
Балки, ўзга эмас, ўзи унинг қотили.

ҚАВОМИДДИН

Энди қайта нур сочмасми бизларнинг қуёш?

ХОРАЗМШОҲ

Бу саволни менга берма, менда шуур йўқ,
Мен зулматнинг чинлигини билурмен ёлғиз.

Жалолиддин кириб келади. Ота-бола илик омонлашадилар.

Йўлларингга интиқ эрди менинг кўзларим,
Дийдорингни кўрмай ўлмоқ ҳадигим эрди,
Шукур, сени кўрдим, энди Азроил келса,
Қўлларига тутгум ўзим хаста жонимни.

¹Кун — қуёш.



ЖАЛОЛИДДИН

Бу оролда нима қилсин, ота, Азроил,
У жон олиб юрар гавжум қишлоқ, кентларда.
Гўристонга айлантирди гулистонларни.

ХОРАЗМШОҲ

Таъна тошин отишингни билардим, ўғлим,
Не сўз десанг ҳақ эрурсен, айбга иқрорлик
Ила сенга юкинмоқда нотавон кўнглим.
(Гулхан яқинида ётган қуруқ дарахт шохчасини қўлларига олиб)
Бу қақшаган қуруқ ўтин бир вақт ям-яшил
Дарахтнинг қўл етмаган шохаси эрди.
Бутоқлари булбулларнинг эрди ошёни,
Япроқлари еллар ила қуриб суҳбатлар
Куйлашарди боқийликнинг кўшиқларини.
Илдизларин бор-йўқлигин олмай ёдига
Осмонга бўй чўзар эрди мағрур ва шодмон.
Бўронларни писанд этмас эрди мутлақо,
Гулдирақлар, чақинларни илмай назарга,
Офатларга кўкрак керар эрди мардона.
Келгиндилар илдизларин чопдилар бир кун,
Кесиб-кесиб ташладилар томирларини.
Шунда ҳамки, у фарзона кўкка бўй чўзиб,
Оламга тик боқар эрди киборлар ила,
Билмасдики, ҳаёт йўқдир илдизсиз, ерсиз.
Мана бугун қуруқ ўтин унинг танаси,
Унга таъна этмоқликдан энди борми суд,
Ёниб адо бўлмоқ унинг сўнгги шеваси,
Улоқтиргил гулханга-да, айтгил алвидо!

ЖАЛОЛИДДИН

(Ўтинни авайлаб ерга қўяди)

Дилда умид дарахти яшар безавол,
Япроқлари унинг кўркам, ям-яшил эрур,
Илдизлари пайванд юрак томирларига,
Шохалари сарин елда турар шовуллаб.
Ундан униб чиқар минг-минг кўчатлар ҳали,
Пайдо бўлар ер юзида сонсиз ўрмонлар.
Қуридим деб нола чекманг, ўксинманг, ота!

ХОРАЗМШОҲ

(Рухияти кўтарилиб)

Шу бир оғиз сўзинг дармон бўлди танимга,
Яна равшан тортди сўнаётган кўзларим,
Шукур, белга қувват бўлар ўғлим бориға,
Сўзларимга қулоқ солгил энди, жон болам.

(султонлик камарини қўлига олади)

Далда берсин юрагингга шоҳлик камари,
Султон энди менмас, сенсан, белингга бойла.

ЖАЛОЛИДДИН

Йўқ, отажон, шоҳлик менга даркор эмасдур,
Шоҳ ўзингиз, гар салтанат, тож-тахт абасдур.
Менга қилич-қалқон бўлса, от бўлса, басдур!

ХОРАЗМШОҲ

Чин ўғилсен, хатоимни тузатгил ўзинг,
Пароканда бўлган элни, қўшинни эт жам.
Кўрсинки халк, салтанатнинг султони бордур.
Кўрсинки эл, барқарордур туғи ўлканинг.
Хоразмшоҳ ўлган билан ўғли ҳаётдур.
(шоҳлик камарини Жалолиддиннинг белига бойлаб қўяди)
Қутлуғ бўлғай!

ШАҲОБИДДИН ВА ҚАВОМИДДИН

Қутлуғ бўлғай, муборак бўлғай!

ЖАЛОЛИДДИН

(ўз-ўзига)

Бу не шоҳлик, на тахти, на салтанати бор,
Бу не шоҳлик, ёғий пойи остида диёр
Топталса-ю, оёқ-қўли занжирбанд бўлса.
Усти юпун, қорни очу йўли тўсилса,
О, мунчалар кўп бўлмаса, фалак, ўйиннинг?!

ХОРАЗМШОҲ

Хаёлингда кечаётган туғёнларни бос,
Бевош ўйлар оёғига урабил тушов.
Афсуски, мен ҳаёт отлиғ асов тулпорнинг
Жиловини қариганда тута билмадим.
Адаштирди йўлдан мени Чингизнинг макри,
Тушганимни билмай қолдим унинг домига.
Ҳаммасига сабаб бўлди бир машъум мактуб.

(йўтал азоб беради)

Хат ногаҳон тушиб қолди менинг қўлимга,
Уқиб ҳушдан айри тушдим яшин ургандек.
Чингизхонга битилган бу мактуб остига
Имзо чеккан экан менинг вазир-вuzорам,
Энг ишонган саркардаю бош аёнларим.
Улар юртни Чингизхонга инъом айлашиб,
Мунтазирлик ила уни кутганларини
Ўқидиму қарвонидан адашиб қолган
Ёлғиз одам куни тушиб бирдан бошимга.
Элни ташлаб чиқиб кетдим, йўқ, қочиб кетдим.
Кейин билсам сохта экан у лаънати хат,
Ёзган экан уни Чингиз айғоқчилари.
Мен алдандим, ҳа, алданиб қолдим Чингиздан,
Аммо энди сен алданма, алдана кўрма.

(сукут)

Ибн Умар тирик эрса ҳурматини тут,
У бағоят имонли ва улуғ аллома.
Онангни ва болаларни эҳтиёт айла,
Кенжа уканг Комронни ҳам қилгил тарбият,
Ёш эрса-да, катталардек зийракдур лекин.

(қолдан тояди)

Бақосиз деб султонликни айламагил рад,
Бир қўл керак юртга ҳозир қувватли, дадил.
У сендирсен, танг сўзин ерда қолдирма!

ЖАЛОЛИДДИН

(уни юпатиб)

Майли, ота мен розимен, сизнингча бўлсин,
Энди менинг сўровимни айлангиз бажо,
Олиб кетай сизни бундан, ёнимда бўлинг.

ХОРАЗМШОҲ

(кўзига ёш олиб)

Мен кўп узоқ йўл юрдим: гоҳ отда, гоҳ яёв,
Сўқмоқларда оёғимни тилди тиканлар.
Изғиринда совуқ ялаб кетди юзимни,
Саратонда баданимни куйдириб қўйдим.
Таъқиб этиб келди йўлда доим оч бўри,

Юрсам юрди, турсам турди тишин кўрсатиб.
Кўп заҳматлар ила келдим сўнгги манзилга,
Мен йўлимни юриб бўлган бебахт одаммен.
Менинг гўрим шу оролдур, шу бегона қум.

(Шаҳобиддин йиғисини яшира олмайди)

Сендан ўғлим, илтимосим шуки, юзма-юз
Туриб олиш Чингиз ила, ул махлуқ ила.
Кўрсин, кўриб қўйсин бордур менда ҳам ўғил!
Энди боргил, мен розимен, сен-да рози бўл!
(гулдирак гулдирайди, чакмоқ чақади)

Хайр, ўғлим, алвидо!

ЖАЛОЛИДДИН

Хайр, хайр, отажон!

Кетади. Отнинг жаҳл билан кишнагани эшитилади. Коронғилик чўқади.
Шаҳобиддин шамни ёкиб қўяди. Бўри увиллайтиди.

ХОРАЗМШОҲ

Мана энди келавергил, бўри, мен тайёр,
Ҳеч вақом йўқ энди этсиз танимдан бўлак.
Келмасанг гар сен томонга борамен ўзим,
Ўзим, ўзим... Егил мени аҳдингда туриб.

(судралиб қум томонга силжийди)

Шамни яқин келтир, Шаҳобиддин, қайдасен,
Нурни кўрай, энг сўнгги бор, келтир, яқинроқ!

(Шаҳобиддин шамни унинг юзига яқин олиб боради)

Нечун шамни келтирмайсен, кўзларим илҳақ,
Ёки сен ҳам энди мenden ўгирдингму юз?!

ШАҲОБИДДИН

Ёниб турар шам, онҳазрат!

ХОРАЗМШОҲ

Демак, табиат

Дариф тутди шуъласини сўнгги лаҳзада.
Бу жамики гуноҳларим учун тангрининг
Менга берган жазосидур ҳам қасосидир.
Менинг умрим сўнди, лекин, айтишингча шам
Сўнгани йўқ, инсон борки, демак, у ёнар.
Аммо, ҳеч ким менинг каби сўнгги лаҳзада
Нурсиз, юртсиз ва кафансиз қолмагай!.. Хайр!

ҚАВОМИДДИН

(томирини ушлаб)

Тамом! Водариф!

ШАҲОБИДДИН

Ўз ерига сиғмаган шоҳ, алвидо!

ҚАВОМИДДИН

Ер юзига даҳшат солган султон, алвидо!
Бойликларинг сиғмас эди ёйса оламга,
Энди эрса ётурсен бир парча ерга зор.
Кафан бўлсин сенга менинг эски яктагим!

Яктагини ечиб устига ёпиб қўяди. Коронғилик қуюклашади.

Чингизхон чодирда жаҳл билан ўғли Жўжини койимокла.

ЧИНГИЗХОН

Ҳа, Ҳурганжни сенга ато этдим олдиндан,
У сеники бўлур маъмур ганжлари ила.
Тезроқ қўлга олмақ учун нақди эҳсонни
Курашмоқнинг ўрнига сен нечун ўз аканг,
Ўз уканг-ла олишурсен жиққа мушт бўлиб?
Магар сени чақиртириб олмаганимда
Бир-бирингнинг гўштингни еб битирардинглар.

ЖҶЖИ

Тирноқча ҳам айбим йўқдир. Чиғатой...

ЧИНГИЗХОН

Бас қил,
Ўз жигарин ёмонлашдан ор этмас тилинг,
Икковинг ҳам бир кўкракни эмиб ўсгансен.
Қариндошдан яқин киши йўқдир одамга,
Одам эрсанг, бошга кўтар қариндошингни.

ЖҶЖИ

Ҳали ҳам у чиқиб олган менинг бошимга,
Яғир этиб юборди у менинг елкамни.
Бостираман сувга дейди шаҳри Ҳурганжни.
Бунга асло йўл қўймасмен... Менга ободу
Кўркам шаҳар даркор, харобатни найлагум.

ЧИНГИЗХОН

(шаштидан тушиб)

Ҳожат эрмас сувга ботирмоқлик, сўзинг рост,
Бусиз забт айламоқ даркор... Чиғатой ноҳақ.
Аммоки, сен ҳақ эрсанг, не учун олти ой,
Ярим йилдан бери ололмассен қалъани?

ЖҶЖИ

Тўпнинг ўқи кор этмайди деворларига,
Ўт қўйсанг ҳам ёниб кетмас дарвозаларй.
Одамлари қўрқув билмас...

ЧИНГИЗХОН

Алжима, Жўжи,

Тешмайдиган девори йўқ мўғул тўпининг,
Олмайдиган қалъаси йўқ унинг! Эҳ, сенлар...
(сукут)

Четлаштирдим Ҳурганжни забт этмоқдан сени,
Четлаштиргум ул белубоб Чиғатойни ҳам.
Бул юмушни топширурмен ўғлим Уктойга,
Ул кўрсатур сенларга не эрур жанг-ҳайжо.
Худди қайсар нортуяни чўктирган каби,
Ётқизар у тик қалъани бир ҳамла ила.

ЖҶЖИ

Сен ҳам отей, ҳам қоонсан, сенда ихтиёр.
Менинг ақлим ва кучимни камситмоқликка
Саъй кўргузсанг, бош эгмайин иложим қанча.
Лекин Жайхун соҳилидан сўра, Жўжи ким,
Тилга кирса агар унга тўкилган қонлар.
Хазон япроғидай титрар, фиғондан борлиқ.

ЧИНГИЗХОН

Тўкилган қон ила ўлчанурми ботирлиқ,
Фарқи йўқми ботирларнинг қассоб, жаллоддан?
Ботирликнинг нишонаси фақат зафардур.

ЖҮЖИ

Худованди жаҳон дея ном олган афҳам¹
Туркон хотунни мен асир этиб олганмен.
Хоразмнинг даҳоси деб аталган пирни —
Ибн Умарни мен енгиб, қатл этганмен.
Бу зафардан нишонамасму?

ЧИНГИЗХОН

(Бақириб)

Йў-ўқ! Ҳурганжни
Ҳануз менга таслим этиб беролганинг йўқ,
Лочинларга ўхшаб қанот керолганинг йўқ.
Арслонга менгзаб ташланмасанг ўлжангга,
Сенинг жангга киришингни ман этаман, ман!

ЖҮЖИ

Отей, узр, кеч бир қошиқ қонимдан.

ЧИНГИЗХОН

Тилим —
Бало, тишим — қалъа, деган нақл бор бунда.
Ўз бошингга, ўз тилингдан бало ёғдирма.

(Сукут)

Айтдиғим, Ҳурганжни Ўктой забт этур илло,
Синдирур шаҳарнинг сангар-тааррузини².
Буткул ғулом айлаб сенинг илгингга берур,
Сенинг бўлур Ҳурганж боқий, сеники бўлур.
Аммо ҳокимини мутлақ ўзидан кўйгум,
Номи ҳоким бўлур унинг, ўзи кўғирчоқ.
Сен иккинчи одам бўлиб, гўё саройда
Унга тобе кўринасен, асли ўзинг шоҳ...
То унгача сенинг бошқа юмушларинг бор,
Синд дарёси сори кўшин тортурмиз икков.
Онда торож айлаюрмиз Жалолиддинни.
Ҳозир эрса сен бор...

(Жўжи маъюс кета бошлайди)

Айтғил, менинг олдимга
Зудлик ила келтирсунлар Туркон хотунни.

ЖҮЖИ

(Ўз-ўзига)

Мақтов сўзин эшитмадим отейдан сира,
Балли, ўғлим дея бир бор елкамни қоқиб,
Кўнглим кўтармади тоғни талқон этсам ҳам.
Балки шундоқ қилгани ҳам яхшидур... Шернинг
Бошни силаб сен яхшисан демайдилар-ку.
Аммо шак йўқ шернинг марди майдонлигига.

(Кетади)

ЧИНГИЗХОН

Чок-чокидан сўкилтирдим сўзана юртни,
Энди уни оёқларим остига олиб,
Шундайин бир тепкилайки... Абжағи чиқсин!

Туркон хотунни олиб кирадилар.

ЧИНГИЗХОН

Қалай кечар тутқиндаги умринг, малика,
Базми жамшидларни роса соғингандурсен...

¹ Афҳам — эътиборли.

² Сангар — тош. Таарруз — қаршилиқ.

ТУРКОН ХОТУН

Кўнгили олиш учун чақиртирмагандурсен,
Мақсадингни очиқ-ойдин айтавер.

ЧИНГИЗХОН

Яхши.

Сен ўзингни дунёдаги барча хотинлар
Орасида энг оқила, энг кўҳли ўйлаб,
Эркак зоти бўлсин, аёл бўлсин — борини
Олиб ташлаган бир тирноғингча кўрмадинг.
Аслида сен бир ажуза¹ эрдинг такаббур,
Сенинг кибр тўла кўнглинг ҳатто ўз ўғлинг —
Шоҳни бадарға этмоққа кўргузгач майл,
Кўролмагач ўз бурнингдан нарини кўзинг,
Сени аёлларнинг зўри дебмас, шўри деб,
Энг тубани, энг пасткаши деб айтмоқ даркор.

(Сукут)

Сенинг ила сўзлашурдин тилим ор этур,
Бир саволга жавоб бер, шоҳ ганжи қаёндур?
Хазинани қайга яширгансен?

ТУРКОН ХОТУН

Ганжни, шоҳ

Ўзи ила олиб кетган, огоҳ эрурсен.

ЧИНГИЗХОН

Кўзларимга чанг соламан дея ўйлама,
Мени алдар тулки ҳали туғилгани йўқ.
Қирқ туяга юклаб кетган сармоясин шоҳ,
Минг туя ҳам кўтаролмас қолган ганжини.
Қани ўша, уни қаён яширгансен, айт?!

ТУРКОН ХОТУН

Неки қолган эрса чиқиб қочмас Ҳурганждан...

ЧИНГИЗХОН

Қочган! Борин сен қочириб юборгансен, сен,
Хазинани ўз қўлинг-ла гумдон этгансен.
Ё топасен уни, ёки...

ТУРКОН ХОТУН

Устихонимдан

Бўлак менинг ҳеч вақом йўқ.

ЧИНГИЗХОН

Уни итларга

Едирамен! Йўқ, ит ундан ҳазар этгуси.
Жажжи набирангнинг мурғак юрагин юлиб,
Ит олдига ташлатамен.

ТУРКОН ХОТУН

Йўқ-йўқ, энг сўнгни
Илинжимдан жудо этма, бағрим тизлама,
Норасида набирамда — Комронда не айб?

ЧИНГИЗХОН

Набирангнинг жони азиз эрса ганжни бер.

ТУРКОН ХОТУН

Айтдим-ку, йўқ менда дунё.

¹ Ажуза — қари кампир.

ЧИНГИЗХОН

Эсинг йиғиб ол,
Сўнги марта сўраймен: ганж-хазина қайда?

ТУРКОН ХОТУН

Билмаймен.

ЧИНГИЗХОН

Сен билмайсенму?

ТУРКОН ХОТУН

Елғон сўйласам
Майли, мени ўлдирақол.

ЧИНГИЗХОН

Йўқ, сен ўлгансен,
Тирик бир мурдасен ночор, сенга пичоқ хайф!
(Навкарларга)

Олиб киринг қочоқ шоҳнинг кенжа ўғлини.
Навкар чиқади.

ТУРКОН ХОТУН

Ихтиёри бўлса эрди дунёнинг менда,
Бор олтини, кумушлари, инжу дурларин
Оёғингга тўкар эрдим набирам учун.
Эҳтимолки, ўшанда ҳам юмшаш ўрнига,
Тош қотарди сенинг бағринг, дўнарди музга.

Қўғирчоқдай кийинтирилган етти-саккиз яшар Комронни олиб кирадилар.
У Туркон хотун бағрига отилади.

КОМРОН

Бувижоним!

ТУРКОН ХОТУН

Нури дийдам.

КОМРОН

Қопу олдида
Икки кумри ўйнаб юрган экан, бувижон.
Мен югуриб кумриларнинг олдига бордим,
Улар мендан қочмадилар, биз учов бўлиб,
Тўйиб-тўйиб ўйнаб олдик ҳовуз бўйида.
Ҳар кун бирга ўйнаймиз деб келишиб қўйдик,
Улар бирам чиройлики, бирам яхшики...

ЧИНГИЗХОН

Алвидо айт болакайга бетавфиқ хотун,
Қўйиб юбор... Айт, қошимга келсун яқинроқ.

ТУРКОН ХОТУН

Бор, Комронбек, унинг раъйин синдирсанг бўлмас,
Комрон олдин бормоқчи бўлади. Кейин такка тўхтаб қолади.

КОМРОН

Йўқ, бормайман... Унинг кўзи ёмон, бувижон!

ЧИНГИЗХОН

Жаллод!

(Жаллод киради)

Бола кўксин ёриб буғли юрагин
Ит олдига ташла!

ТУРКОН ХОТУН

Фалак, менинг кўксим ёр!

КОМРОН

Қумриларга айтинг, буви, дарров қайтамен.

Жаллод болани кўтариб олиб чиқади. Туркон хотун беҳуш йиқилади. Уни судраб олиб чиқадилар. Боланинг каттик йиғлагани эшитилади. Беихтиёр Чингизхон сесканиди.

ЧИНГИЗХОН

Нега эгим жимирлади, нечун сескандим
Юрагимни раҳм ели ораладиму?!
Ё дилимни аччиқ фиғон яраладиму?!
Ожиз ҳислар, нари кетинг, сизга ўрин йўк.
Сартовулнинг қиличидан ўлди Тўлихон,
Энг сеvimли ўғлим, бағрим, тахтим вориси.
Унинг бошин кўрғич-қаратқига санчганча,
Менга юборганда Жалолиддин, ўшанда,
Шоҳ тухумин қуритмоққа жонимни тикиб,
Ал-қасос деб суғургандим тиғимни қиндан.
Бугун менинг илгимдадур; шоҳнинг ёш-ёш
Хотинлари, бир-биридан сулув қизлари.
Ҳар бирини бир тўп мўғул олдига ташлаб,
Ғажитсам-да, босилмас, йўк, босилмас тафтим.
Қонларини ичаюрман гўдақларининг,
Оналарин сочларидан осурман дорга.

Чингизхон «Она» сўзини тилга олганда таниш мусиқа чалиниб. Она ва хур қизлар пайдо бўлади.

ОНА

Оналарни дорга осмоқ ваҳший ниятлар
Ичра энг ваҳшийси эрурким, ёт инсонга.
Сен инсонми? Касбинг ғорат ва торож эрур,
Наҳот қонга тўймас сенинг шабкўр кўзларинг.
Қасос кунин яқинлигин ўйламасмусен,
Шум бошингни мажақлагай тақдир тошлари.

ХУР ҚИЗЛАР

Шум бошингни мажақлагай
Тақдир тошлари.

ЧИНГИЗХОН

Сизлар кимсиз ва қаёқдан бўлдингиз пайдо.
Хой, ким бор?

ОНА

Қўй, эшитмагай сўзингни ёвар,
Мен ўзингга қайтаргаймен овозларингни,
Мен Онамен, қудратимга поён йўк менинг.

ЧИНГИЗХОН

Онамисен? Хўш, сен кимнинг онасидурсен?

БИРИНЧИ ҚИЗ

У ўтларнинг, майсаларнинг туққан онаси!

ИККИНЧИ ҚИЗ

Ирмоқларнинг, дарёларнинг онасидир у!

УЧИНЧИ ҚИЗ

Элатларнинг, овулларнинг волидасидур!

ҚИЗЛАР

У бизларнинг, ҳаммамизнинг Отажонимиз!

ОНА

Мени, мендек оналарни қон қақшатган шоҳ,
Хону амир — тождорларнинг ёвуз номлари
Юракларда не уйғотар нафратдан бўлак?
Сенларни ҳам туққан, улғайтирган оналар,
Улғайтириб ўз сочларин юлган оналар.
Қабрида тинч ётмагандур, тинч ётмас онанг,
Сенинг қилмишларинг учун онангни руҳи
Ҳали исён кўтаражак, оҳлар уражак!

ЧИНГИЗХОН

Ҳукм чиқар сен ўз фарзандларинг устидан,
Сени хароб айлаганлар ўз фарзандларинг.
Ушаларга от аввало таъна тошларинг,
Мени тергамоқдин, зеро, ўзингни тийгил.

ОНА

Сени тергар дақиқалар ёқангдан тутиб,
Сени ўзи сўроқ қилиб, айблайти замон.
Сени тергаш учун эмас, қоралаш учун,
Сенга лаънат айтиш учун келганмиз бизлар.

ҲУР ҚИЗЛАР

Сенга лаънат айтиш учун
Келганмиз бизлар.

ЧИНГИЗХОН

Бас! Кесаман тилларингизни.

Қилич кўтариб Онага ташланмоқчи бўлади, аммо қандайдир куч қиличини орқага қайтаради.

ОНА

Менинг кўксимдан
Миноралар ўсиб кўкка бўй чўзган эрди,
Улар тошга айланган дил умидларимдур.
Сен уларнинг ёнида қон ва ғам лойидан,
Каллалардан маҳобатли минора қурдинг.
Энди яшар ёнма-ён шу икки минора —
Менинг умидларим ва сен тўккан қон рамзи.
Биттасига боқиб ором олар замонлар,
Биттасига боқиб кўздан оққувси қонлар.
Сенга сўнгсиз лаънат тошин отур инсонлар.

ҲУР ҚИЗЛАР

Сенга сўнгсиз лаънат тошин
Отур инсонлар.

ЧИНГИЗХОН

Писанд эрмас менга тошлар, мен баланддамен,
Менинг халқим ўз ошенин юксақда курган.
Бошқа халқлар унга хизмат айламоғи шарт.

ОНА

Яхши-ёмон халқ йўк, бани башар теппа-танг,
Халқнинг бири баланд, бири турмас тубанда.
Олий ирқимиз дея даъво этган подшолар,
Оқибат ўз халқларининг бошин едилар.
Халқлар тинчлик истайдилар, соғлик, омонлик,
Сенга ўхшаш урушқоқлар қўмсайдилар қон.
Лекин сенинг қонингни ҳам тўкарлар албат.

ЧИНГИЗХОН

Йўқ, мен дунё тургунича турамен, билгил,
Бу дунёю у дунёда менга ўлим йўқ.

(Сукут)

Саркор Ихтиёриддиннинг сўзи ёдимда,
Унингча мен ўлармишмен юртимдан йирок.
Йўқ-йўқ, она юртимга мен ғалаба бонги,
Зафар куйи остида шод қайтиб борурмен.
Куним битгач, жисмим тупроқ ила қўшилур,
Аммо жоним ўтар менинг ғолиб туғимга,
Ўлим билмай жоним абад туғимда яшар.
Туғдан туриб мен юртимни олға бошлармен,
Туғда туриб забт айлагум бутун дунёни,
Ер усти-ю ер остига ҳокимлиғ этгум.

ОНА

Сендан олдин Искандар ҳам шундай деганди,
Ўлар чоғи кўли очик кетди, билурсен.

ЧИНГИЗХОН

Кўли очик кетган бўлса, Искандар кетган,
Мен Чингизмен, Чингизхонмен!!!

ОНА

Ҳа, сен Чингизсен,
Сенинг коринг татовулдир¹, ажал уруғин
Сочмоқ пешанг, кунни тунга айлантормоққа
Хўп устаси фарангдурсен, зулматга эшсен.
Энг қоронғи тун бор йилда — дайжурдир номи,
Энг узун бир тун бор йилда — номидир ялдо.
Сен бизларнинг кунларимиз, тунларимизни
Айлантирдинг буткул ялдогаю дайжурга.
Лек ҳидоят чироғи бор улус илгида,
У ёритиб турар халқнинг юрар йўлини.
Тун ортидан кун куладур, шуъла келадур,
Сен қўлларга солган кишан ана ўшанда,
Ёниб, эриб кетажақдур, эрк муҳаққақдур.

(Сукут)

Тенгсиз олов ёнур, ёнур шаҳру қишлоқлар,
Аммо элни ёқиб бўлмас бошдин то оёқ.
Иккинчи бир олов ҳам бор — қасос олови!

БИРИНЧИ ҚИЗ

Жавволадай² кўкка ўрлар қалблар ёлқини,

ИККИНЧИ ҚИЗ

Бир-бирига туташганча гуруллаб борар.

УЧИНЧИ ҚИЗ

У ловуллаб, туғён урар.

БИРИНЧИ ҚИЗ

Чўнг олов ёнар.

ОНА

У ёқиб кул айлар сенинг тожу тахтингни.

¹. Татовул — зулм, босқин.

². Жаввола — олов тили.

ХУР ҚИЗЛАР

У ёқиб кул айлар сенинг
Тожу тахтингни.

Чакмоқ чакнаб, Она ва Хур кизлар ғойиб бўлишади.

ЧИНГИЗХОН

(Бир оз бўшашиб)

Дарвоқе, ўт ёнар... Ёнар ўнгу сўлимда,
Бу хотуннинг сўзлари ҳам ўтдай куйдирар.

(Ўзидаги руҳсизликни қувиб, қатъий оҳангда)

Йўқ, оловда мен ёнмасмен, ўтдан қўрқмасмен,
Менинг жисмим тош-метиндир — пўлатдай маҳкам.

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Қалъа олдида жангдан ғалаба билан қайтган сарбозлар, уларни қутлагани келган одамлар тўпланишган. Карнай-сурнай садолари янграйди. Масхарабозлар, раққосалар ўйин тушадилар.

БИРИНЧИ САРБОЗ

Сўзларимга менинг кўзим гувоҳлик берур,
Ёғий учун сичқон ини бўлди минг танга.
Енгилмас деб ном қозонган Чингизхон бўлса,
Жуфтагини ростлаб қолди қуёнга ўхшаб.

Йиғилганлар «ховва, ховва» дея гапирувчиларнинг сўзларини маъқуллаб, кулги ва шўх овозлар билан ўз севинчларини изхор этиб турадилар.

ИККИНЧИ САРБОЗ

Юриб оёқ учларида писиб бордик-да,
Тунда таппа босдик ухлаб ётган ёғийни.
Хурраклари қолиб кетди бўғизларида,
Биттаси-чи, иштонини қўлига олиб,
Урра қочди ташлаганча сархуш хотинин.

БИРИНЧИ САРБОЗ

Чингиз ила Жалолиддин олишди якка,
Ўт чақнади икковининг қиличларидан.
Шундайин бир қулочкашлаб урдикки оғам,
Учиб кетди қари шайтон қўлидан шамшир.
Чингиз қочди, ҳа-ҳа, қочди калтак зарбидан
Эси оғиб қолган довдир болага ўхшаб.

ИККИНЧИ САРБОЗ

Жалолиддин унга қараб отди арқонни,
Сиртмоқ бориб нақ бўйнига тушди, ёпирай.
Энди тамом дедим, тамом, бизники зафар.
Чунки сиртмоқ солинганди унинг-бунингмас,
Чингизхоннинг ўз бўйнига — ҳоқон бўйнига.
Аммо қари тулки сиртмоқ тушар чоғида,
Бош бармоғин ипга бундай ўтказган экан.

БИРИНЧИ САРБОЗ

Бармоғи-ла ечди маҳлуқ арқонни, қаранг,
Улоқтириб ташлади-да уни бўйнидан,
Ғойиб бўлиб қолди бирдан қоронғиликда.
Уни қанча изласак-да, фойда бўлмади,
Черигини аммо янчдик, қириб ташладик.

ИККИНЧИ САРБОЗ

Ўлганда ҳам ўчмас энди тамға сингари,
Чингизхоннинг бўйнидаги сиртмоқ излари.

ЌАРИЯ

Энди Чингиз оёғига керак бир тушов,
Эшак қилиб минар уни ҳали йигитлар.

(Кулги)

Жалолоддин билан Евқоч ботир киради.

ЖАЛОЛИДДИН

Юзингизда бир беғубор табассум кўриб,
Сўзингизда кўриб ғурур тошқинларини,
Кўнглим ичра пайдо бўлган нурларни айтсам,
Тафсифига унинг кеча-кундуз етмагай.
Лекин ҳали гал келмаган сўз лашкарига,
Кўнглингизда саф-саф бўлиб турсинлар сўзлар,
Ишлатурмиз биз уларни яхши кунларда.
Бугун саф-саф жангга кирсин жасур
сарбозлар,
Тин олмасдан ишласинлар қиличларимиз.
Шамол каби отларимиз учқур бўлсинлар,
Кўчки каби отилсин ўқ тўплар оғзидан.
Тушса ҳамки сиртмоқларга Чингиз бош бермас,
Балки унинг сиртмоғидан она-еримиз
Бўғилганча, адо бўлиб борар кун сайин.
Бу сиртмоқдан дарахтлар-да қуримоқдалар,
Сомон янглиғ сарғаймоқда гуллар, майсалар.
Ҳаттоки кенг дараю дашт, сахро бўғилиб,
Худди қари кампир каби бужмайиб турса,
Энди кўзин очган гўдак бешик ичида
Нафаслари қайтиб, титраб биғ-биғ йиғласа,
Нечун тигга айланмасин бизнинг мўйимиз,
Қаҳримиздан қонхўр Чингиз лашкари нечук
Парчаланиб кетмас худди ўқ теккан тошдек?!
Акс, ҳолда, кўр бўлгани яхши кўзимиз,
Шал бўлгани яхши оёқ-қўлларимизнинг.
Гар ҳаммамиз битта бўлиб Чингиз сиртмоғин
Узолмасак, уни буткул ернинг юзидан,
Худди тердан доғни ювган каби сидириб
Ташлолмасак, ҳаром бизга одам деган ном,
Ҳаром бизга оналарнинг берган оқ сути.

(Одамларга яқинроқ бориб)

Боринг энди, қалқон бўлсин кўксингиз юртга,
Кўнглингиздек ҳушёр тортсин қорачўғингиз.
Тилингизнинг учларида қолган қўшиқлар,
Эрта-индин оқ тонгларда қанот қоқсинлар.

Одамлар унинг сўзларини маъқуллаб, олағовур ичида таркаладилар. Жалолоддин билан Евқоч ботир ёлғиз қолади.

ЕВҚОЧ БОТИР

Армон менинг вужудимни қамраб борадур,
Қонлар эмас, оташ ёнар томирларимда.
Занкижанинг ўйилган ул кўзлари менга
Ўч ол, ўч ол ёғийдан деб айтгандай бўлар.
Қандай шахло эди, ахир, унинг кўзлари,
Чўлпон юлдуз каби айлар эрди жилвалар.
Улар мангу порлайди деб ўйлаган эдим,
Шуъласидан маст бўларман дердим бир умр.
Ёғий ўйиб ул кўзларни мени кўр этди,
Зимистонга айлантирди ёруғ дунёни.
Ҳаммасига мен айбдор, ҳа, мен айбдорман,
Асролмадим Занкижамни, муҳаббатимни.
Унинг жангга киришига нечун йўл қўйдим?!

ЖАЛОЛИДДИН

Занкижани кўзларини ўйган билан ёв,
Севги кўзин ўябилмас. Севги кўзлари

Шундайин бир пок нурларнинг соҳибидурким,
Кор этолур унга на тиф, на ўқ, на оғу.
Севгингизнинг кўзи демак доим очикдур,
Унинг ила боқиб еру осмон рангига,
Кўп рўшнолик кўрур ҳали юракларингиз.
Асирликдан озод этиб олдинг ёрингни,
Унинг юмуқ кўзларини кўзингга суртиб,
Сев ёрингни, бутун жону танинг ила сев.
Севги кўзи — очик бўлган қизни камситиб.
Ожиза деб айтмоққа йўқ ҳеч кимнинг ҳаққи.

Мулозим киради.

МУЛОЗИМ

Бир нотаниш, шубҳали зот олинди асир,
Жавоҳирга, олтинларга тўла сандиғи.
Ёлғиз сизга айтадиган сўзи бор эмиш.
Кирмоқ истар асир сизнинг ҳузурингизга.

Жалолиддин «кирсин» деган ишорани қилади. Қўллари боғлиқ Хўжа Бадриддинни олиб киришади. Сандиқни ҳам келтиришади.

ЖАЛОЛИДДИН

Шубҳали зот бу сенмидинг. Хўжа Бадриддин,
Буёқларга сени қайси шамол учирди?


ХУЖА БАДРИДДИН

(Сандиққа ишора қилиб)

Бу, отангиз қирқ туяга ортмоқлаб кетган
Сандиқларнинг биттасидур, мен уни топдим.
Унинг дуру жавоҳири ила жаҳонни
Бошдан-оёқ кийинтирмоқ, тўйдирмоқ мумкин.
Уни сизга топширмоқни фарз деб англадим,
Не учунким, ворисисиз бу лаълу дурнинг.
Не заҳматлар ила бунда етиб келганда,
Асир этиб олди мени сарбозларингиз.

Охири келгуси сонда





Мирза Карим

МУНАВВАРА ЭРТАКЛАРИ

Эртак қисса

Муҳтарама онам Жамилахон Алижон қизидан тинглаган эртакларимни сизга етказаётганимдан шодман.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

Қиш кечалари узун бўлади...

Эндигина хобхонага киргандим, қизим Мунаввара сўраб қолди:

— Бугун эрта ётамизми, дада?

Аслида уни ухлатиб, озроқ мутолаа қилмоқчи эдим. Буни билдирмаслик учун:

— Йўқ, ҳар кунги вақтда, — деб жавоб бердим.

— Аям қачон келади?

— Бирор соатдан кейин.

— Нега?

— Навбатчилик қияпти, қизим.

— Утган ҳафта-чи, дада?

— Унда ҳам навбатчи эди.

— У нима дегани?

— Катта бўлганда биласиз, қизим. Энди ухланг. Қани, кўзларингизни юминг. Гулдур-гуп, гапирганга бир мушт, — дедим. Мунаввара ёнбошига ўгирилиб, кўзини юмди. Эркаланиб ётган қизалоғимдан нигоҳимни узгим келмасди. Гўё ёнимда митти юлдуз ором олаётгандай эди. Чамамда ўша юлдузнинг сокин ётгиси келмасди. Ростдан ҳам бироздан сўнг Мунаввара секин чап кўзини очиб менга қаради. Гапирмоқчи бўлди-ю, индамади. Унг томонга ағдарилди, яна нимадир хаёлига келди шекилли, жажжи қўлчасини бўйнимга ташлади.

— Дада, дадажон?

— Лаббай.

— Ер каттами, ой?

— Ер катта, қизим. Энди, ухланг, эртага туролмайсиз.

— Барибир эрта тураман, дада. Боғчага Меҳридан олдин боряпман. Кеча боғча

оғам Меҳрини койиди.

— Нима деди?
 — Яна кеч қолсанг, олмайман, деди. Шунақами?
 — Шунақа.
 — Нимага?
 — Тартибни бузмаслик керак.
 — Тартиб нима дегани?
 — Ҳамма нарса вақтида бўлсин, дегани. Мана, сиз ҳар куни эрталаб боғчага борасиз-ку! Кеч қолсангиз, олишмайди. Еки мени койиб беришади.
 — Сизниям уришшадими?
 — Ҳа-да.
 — Сиз каттасиз-ку!
 — Боғча опангизни билмабсиз?..
 — Эркиннинг дадаси-чи, сизданам катта экан. Ҳар куни ўғлини машинасида олиб келади. Кеч қолмайди. Боғча опамиз Эркинни уришмайди, чойниям, қандниям биринчи унга беради. Уйинчоқниям зўрини ўйнайди. Нега унақа?
 — Эркинни яхши кўраркан-да! Ўзи яхши болами?
 — Ёмон, кеча Ҳасанни урди.
 — Нега уради?
 — Ҳасан ўйинчоқ талашган экан, итариб юборибди. Боғча опамиз ҳам Ҳасанни бурчакка турғазиб қўйди. Кейин Эркинни машинаси келиб олиб кетди.
 — Қайси машинаси?
 — Дадасининг машинасини меники дейди. Ҳар куни сариқ шопир олиб кетади. Нимага шундай?
 — Энди ухланг, қизим. Катта бўлганда биласиз. Гулдур-гуп, ухладик. Мунаввара яна кўзларини юмиб, кўрпани юзига тортиди. Атрофга сокинлик чўкди. Хонанинг оғир ҳавоси элита бошлади. Бироқ қизимнинг уйқуси келмасди. Яна кўрпани қия очиб, менга қаради.
 — Дада, дадажон?..
 — Ўзимни эшитмаганга олдим. Мунаввара оғир хўрсинди. Сўнг яна кўзини юмди. Уйқуси келмаётганини сездим. Ўрнидан туриб дераза томонга қаради. Кўчадан ўтаётган машина чироғининг шуъласи атрофни ёритди.
 — Дада, дадажон...
 — Қизимнинг майин, илтижолли овози бағримни ўртаб юборди. Кўзимни очдим. Мунаввара киприкларини пирпиратиб менга тикилиб турарди.
 — Нима дейсиз, қизим.
 — Бир нима сўрасам майлими?
 — Майли.
 — Эртак айтиб бери-нг.
 — Кеча айтдим-ку! Эртагим тугаган.
 — Ўзингиз тугамайди дегандингиз-ку?..
 — Қачон?
 — Кеча. Эртага яна бошқасини айтаман, деб сўз ҳам бергандингиз.
 — Эртага айта қолай.
 — Йў-ўқ, бугун эшитгим келяпти, дада, жо-он дадажон.
 Шунга келганда эриб кетдим.
 — Бўпти, — дедим ўрнимдан туриб.
 — Яшасин, дадажоним! Дада, ҳалиги, нимайди, ҳа-ҳа, эсладим, Нўхатполвонни айтиб беринг.
 — Уни айтган эдим-ку!
 — Яна эшитгим келяпти-да...
 — Узим болалигимда эшитган Нўхатполвон ҳақидаги эртакни, билмадим нечанчи мартадир, ёдимдан чиққан жойларини ичимдан тўқиб, айта бошладим.

НҲХАТПОЛВОННИНГ ДУНЕГА КЕЛИШИ

Бор экан-да, йўқ экан, қадимдамас, шу замонда, кунботар томонда Зарқишлоқ деган сўлим гўша бўлар экан. Қишлоқнинг одамлари меҳнаткаш, бир-бирига меҳрибон экан. Улар, айниқса дунёдан фарзандсиз ўтаётган Тешавой чол ва Жаннат кампирни қаттиқ ҳурмат қилишаркан. Чол-кампир меҳнат билан қариб, бир-бирига суяниб қолишибди. Чол ҳар куни дашту биёбонга чиқиб ўтин терар, уни бозорда сотиб, ул-бул харид қилар экан. Кампири эса, чарх йигириб, чолининг йўлига кўз тикиб кунни кеч қиларкан. Чоли тепаликдан кўринди дегунча қумғон осиб, чой қайнатишга тушаркан.

— Ассалому алайкум, — дер экан кампир ҳар сафар чолига меҳрибонлик билан. — Яхши келдингизми, қани, мана бу болишга ёнбошланг, чарчоғингиз ёзилсин.
 — Ваалайкум ассалом, ўзинг зерикмай ўтирибсанми, кампир? — дер экан чол ҳам чарчаганини сездирмасликка тиришиб.

— Зерикканимда нима қила олардим. Чархдан бошқа овунчоғим бўлмаса. Эҳ-х, нимасини айтасиз, бир кам дунё деганлари шу экан-да.

Фарзанд доғи чолнинг юрагини ҳам эзиб юборган экан-у, аммо кампирга билдирмай, ичига ютиб юраркан.

Чол билан кампир у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб, ўтган-кетганни эслашиб, тунни ўтказишаркан. Тонгда чол яна ўтин тергани кетар, кампир эса чарх йигиришга тушар экан.

Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, чол ўтин тергани бораверибди, кампир чарх йигираверибди. Улар бир-бирига шунчалик суяниб қолишибдики, чол кечикди дегунча кампир бетоқат бўла бошларкан. Кунларнинг бирида кампир қозонга ўт ёқишни унутибди. Бир вақт қараса, чоли келаётганмиш. Кампир шошиб қозон осишга тутунибди. Қараса сув йўқмиш. У «ўзим опкела қолай» дебди-да, ариқ томон юрибди. Сув олаётса, кўприк ёнида ётган бир дона нўхат айланиб-айланиб ўз-ўзидан пақирга тушиб кетибди. Кампир бундоқ қараса, пақирда нўхат ўйнаётганмиш, ҳали лип этиб сув юзасига чиқармиш, ҳали ичига тушиб кетармиш. «Бу қандай аломат», дебди-да, нўхатни олиб, шоша-пиша оғзига солибди. Сўнг ортига қайтиб овқатига уннабди.

— Яхши ўтирибсанми, кампир, — деб кириб келибди чол.

— Келдингизми, бу томонга ёнбошланг, — дебди кампир одатдагидай ва чолнинг ёнбошига болиш қўйибди.

Ҳар кунгидай бирга овқатланибдилар, эзилишиб чой ичибдилар. Шу пайт сарин шабада эсиб, чолни аллалаётгандай бўлибди. Ун тўрт кунлик ой икки терак бўйи кўтарилиб, фақат чол билан кампир учун шуъла сочаётгандаймиш. Сўнг ой худди тилга кириб: «О, чол, о, кампир, тила тилагингни», деяётгандай бўлибди. Чолнинг ҳам, кампирнинг ҳам дилига фарзанд тилаш келармиш-у, айтишга ийманишармиш. Улар шу зайлда уйқуга кетишибди. Эрталаб чол тайёргарлигини кўриб, арқонни белига боғлаб остона ҳатлаётган экан, кампир:

— Чол, чол, — дебди, — бугунча ўтин теришга бормасангиз бўлармиди...

— Нимага?

— Билмадим. Кечадан бери кўнглим беҳузур-а?

— Майли, сен айтганча бўлсин.

Чол шундай қилиб, ўтин тергани бормай, кигиздай томорқасида майда-чуйда ишларни қилишга тушибди. Бир вақт уй томондан «инга-инга» деган овоз эшитилибди. Чол у ёқ-бу ёққа қараса, ҳеч ким йўқмиш. Кампиримдан хабар олай, деб кирса... Кўзларига ишонмабди. Кампири ўрнида ётганмиш, унинг ёнида эса тарвуздай юм-юмалоқ чақалоқ эмаллаб юрганмиш.

Чол ҳайрон бўлиб, «кампир, кампир» деб чақирибди. Кампир ўгирилиб чолига қарабди-да:

— Фарзандни эгам етказди, — дебди.

Чолнинг оғзи қулоғига етибди. Сўнг:

— Отини нима қўямиз? — дебди.

— Нўхатполвон қўямиз, — деб жавоб берибди кампир. — Кеча ариқдан сув олаётганимда пақирга битта нўхат тушиб кетувди. Еб қўя қолувдим.. Шунданми...

— Майли, сен айтганча Нўхатполвон бўла қолсин, — дебди чол. Сўнг чақалоқни кўтариб юзларидан ўпибди, жингалак сочларини силабди. «Нўхатполвон, Нўхатполвон» деб чақирибди.

— Лаббай, ота, — дебди чақалоқ.

Чол қўрққанидан болани қўлидан тушириб юборай дебди.

— Бунинг гапиряпти-ку, кампир.

— Эгам бераман деса, бирйўла шунақасидан беради.

Чол билан кампир болага бундай разм солишса, соат сайин ўсаётганмиш. Бу синоатдан чол ҳам, кампир ҳам ҳайрон бўлишибди.

Кечга бориб, Нўхатполвон ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа пилдираб юра бошлабди. Чол ва кампир бундай қарашса, кулба ёришиб кетганга ўхшармиш. Кампир чолга қарабди, чол эса: «Ё, қудратингдан», дегандай кампирга термулармиш.

— Энди нима қиламиз? — дермиш чол кампирининг қулоғига.

— Ҳайронман. Уйимиз ёруғ бўлди, юзимиз ҳам ёруғ бўлади энди, чол.

— Айтганинг келсин.

Кампир ўчоқ бошига бориб, чой қўйибди. Чол бўлса қоққан қозикдай ўрнидан жилолмасмиш. Нўхатполвон бироздан сўнг югуриб ҳали эшикка чиқармиш, ҳали уйга кирармиш...

— Бу нима? — деб сўрабди Нўхатполвон ўчоқни кўрсатиб.

— Учоқ, — дебди кампир.

— Бу-чи?

— Утин.

— Уни нима қилади?

— Ёқамиз, болам.

— Утин қаерда бўлади?

— Даштда. Ҳув томонларда, — дебди кампир узоқларни кўрсатиб. — Отанг ҳар

куни ўша ёқларга бориб ўтин теради, бозорда сотиб, егулик олиб келади. Мен уни пишираман, сўнг биргаллашиб еймиз, кўзичоғим.

— Тушундим. Менам даштга борай?

— У ерда нима қиласан?

— Отамга ёрдам бераман.

— Вой, уни қаранглар, — дебди кампир. — Отаси, ҳой отаси! Нўхатполвонингизнинг гапини эшитяпсизми? Даштга борармишлар, сизга ёрдам берармишлар.

— Менга ишонмаяпсизларми?

— Ишонамиз, болам, ишонамиз, — дебди кампир. — Фақат ҳали ёшсан. Катта бўл, кейин борасан, бўптимиз?

— Ҳозир боргим келяпти.

— Вой, болам-эй, сенга айтдим-ку, кичкинасан деб.

— Ота, отажо-он, — дебди шунда Нўхатполвон чолга юзланиб.

— Лаббай, ўғлим?

— Даштга қачон борасиз?

— Эртага.

— Мен ҳам борай. Сизга ёрдамлашаман. Майлими, отажон, йўқ деманг... Мана, қаранг, катта боламан-ку!

— Бўпти, ўғлим, бирга борамиз. Тонг отсин. Хўпми?

— Хўп, отажон.

— Энди ухладик.

— Қандай қилиб ухлаймиз?

— Кўзларингни юм-да, индамай ёт. Мен сенга эртак айтиб бераман, эшитиб ухлаб қоласан. Тушундингми?

Шундай қилиб, Тешавой чол

СИРЛИ ҚОҒОЗ

ҳақидаги биринчи эртагини бошлабди.

«Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда бир чол билан кампир яшаб ўтишган экан. Уларнинг Полвонали деган ўғиллари бўлиб, ҳамиша бойнинг юмуши билан банд экан. У Полвоналини сира тиндирмас, ота-онасидан хабар ҳам олдирмас экан. Бояқшининг ота-онаси эса йўл қараб яшайверибди. Орадан бир йил ўтиб кетибди, келмабди, икки йил ўтибди, келмабди. Охири «Боланг тоғдан йиқилиб ўлди», деган хабар бўлибди. Унинг доғида чол-кампирнинг қадди яна букилибди. Кампир ҳар кеча боласини тушларида кўрар, тўйиб-тўйиб йиғлар, йиғисидан эса болишлари ҳўл бўлиб чиқар экан. Кунларнинг бирида кампирнинг тушига яна Полвонали кирибди. У остонада қучоғини очиб турганмиш. Қўлидаги оқ қоғозни дам кўзига суртармиш, дам ўпармиш. Ота-онасига қучоқ очармиш-у, лекин улар сира бир-бирларига етишолмасмиш.

— Болам, болагинам, — дермиш кампир. — Кел пешонангдан бир ўпай.

— Онажон, отажоним, сизларни соғиндим, қачон келасизлар? — дермиш Полвонали.

Кампир эрталаб тушини чолига сўзлаб берибди, сўнг:

— Бугун йўлга чиқайлик, — дебди. — Зора Полвоналини топиб, дийдорига тўйсак. Сўнг ўлсак ҳам армон қилмасдик.

— Тўрт томонимиз «қибла» бўлса, қайси томонга ҳам борамиз? Қаердан қидирамиз? Ахир бой Полвоналини ўлдига чиқарганига қанча бўлди-ку. Тирик юрганда келмасмиди, — деб жавоб берибди чол.

— Билмадим, ҳар куни болам бечора тушимга киради, ёнига чақиради, — дебди кампир йиғламсираб. — Сиз бормасангиз, ўзим бораман.

Кампир охири чолини кўндириб, улар сафарга отланишибди.

Йўл юришса ҳам мўл юришибди, саҳролар, тоғлар ортда қолибди. Бир вақт қарашса, хуржун бўшаб қолган эмиш.

— Энди нима қиламиз, кампир? — дебди чол.

— Шу кунларга етказган худо насибасини ҳам берар, — дебди кампир.

Шу пайт бирдан шамол туриб, қумларни тўзғитибди. Уларнинг атрофида аллақандай қоғозлар қуюндек айланаверибди. Бундан жаҳли чиққан чол уларни тутиб олиб, йиртиб ташламоқчи бўлибди.

— Тегманг, отаси. Унинг ҳам жони бор, кўзи бор, — дебди кампир.

— Қанақа жон, каллаварам? Қанақасига кўзи бўлади бунинг! — дебди чол жаҳл билан.

Кампир эса қоғозлардан бирини қўлига олиб, қумларни пуф-пуфлаб тушириб, кўзига суртиб ўпибди-да, кейин қўйнига солибди. Яна йўлга тушишибди. Юра-юра толиқиб, жойдан жиллолмай қолишибди.

— Эйдинг нарсанг борми? — деб сўради чол.

— Бир бурда нонимиз қолди, холос. Яна қанча юрамиз — биргина оллога аён, — деб жавоб берибди кампир.

— Йўлда ўлиб кетарканмиз-да, кампир, — дебди умидсизланган чол.

— Нафасингизни иссиқ килинг.

Кампир шу сўзларни айтган захоти қўйнидаги қоғоз шитирлабди. Кампир ҳайрон бўлган экан, қоғоз тилга кирибди:

— Кўнглингиз нимани тусаяпти, ойижон?

Кампирнинг жон-пони чиқиб кетай деганидан ўзини зўрға босиб:

— Бир тўядиган овқат бўлсайди, — дебди.

Кампирнинг сўзлари тугамасданоқ ерда оппоқ дастурхон ёзиғлиқ турганмиш. Унда тандирдан ҳозиргина узилган бўрсилдоқ нону ширин-шакар мевалар: асал дейсизми, шинни дейсизми, қовун-тарвузми хуллас дунёдаги бор ноз-неъмат муҳайё эмиш. Бундан чол ва кампирнинг кўзлари тиниб кетибди, ҳайрон бўлишганидан, «тушимизми, ўнгимизми?» деб бир-биридан сўрашибди.

— Айтмадимми, — дебди кампир ниҳоят. — Худо арз-додимизни тинглаган кўрилади. Қани, дастурхонга қаранг. Нондан синдирайми? Ё шинни ичасизми? Асалнинг ширинлигини қаранг-а! Нақ лабингизни ёпиштириб қўяди.

Чол ва кампир тўйиб овқатланишиб, яратганга раҳмат айтиб, «умримиз узоқ бўлсин, тезроқ мақсадимизга етайлик», дейишиб йўлга тушишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Бир маҳал олдиларидан катта дарё чиқибди. Яқин орада кўприкдан ном-нишон йўқ эмиш. Улар нима қилишини билмай беҳол ўтириб қолишибди.

— Нима ёрдам берай? — деган овоз эшитилибди шу пайт кампирнинг қўйнидан.

Кампирнинг эсига сирли қоғоз тушибди.

— Нима у? Овоз қаердан келяпти? — дебди чол.

— Сирли қоғоз, — деб жавоб берибди кампир ва уни қўлига олибди.

— Қанийди шу дарёнинг кўприги бўлса...

Кампир сўзини тугатар-тугатмас бўрон турибди-да, шу онда тўхтабди. Қарашса, дарё устида шунақанги чиройли кўприк пайдо бўлганмишки, уни кўрган чол-кампир шошиб қолишибди.

— Раҳмат, қоғоз, — дебди чол.

— Тилгинанган айланай, сирли қоғозим, — деб уни ўпиб қўйибди кампир.

Чол-кампир бошлашиб дарёнинг мавжли сувларига тикилишиб, тўлқинлардан ҳайратланишиб, кўприкнинг узунлигию ҳар қадам босганда жаранглашидан ақллари шошиб боришибди. Улар кўприкдан ўтгач, ям-яшил водий бошланибди. У ерда сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлаб юрганмиш. Серкаларнинг бўйнида қўнғироқлар жирингламиш.

Бир вақт чолу кампир мундай қарашса, рўпараларида қилич, сўйил кўтарган не-не одамлар турганмиш.

— Қўрқманглар, қўрқманглар, — деб тилга кирибди сирли қоғоз. — Сизлар бош чўпон Акбаралини сўранглар.

Чол ва кампир сирли қоғознинг сўзини ўзларини дадил тутишибди.

— Биз Акбаралини қидириб келяпмиз, — дейишибди.

Чўпону чўлиқлар Акбаралининг номини эшитиб, бир-бирини туртишиб, қўлларида сўйил, тошларни ерга ташлашибди. Акбаралининг номини фақат Аҳмадали бойгина билар экан. Бойнинг лак-лак қўю сигири, оту туяси Акбаралининг қўлида экан. Акбарали юзидан қон томадиган жаҳлдор, зикна, ўлгудай хасис экан. Бойнинг ҳузурида йилда бир бўлиб, унга сандиқ-сандиқ тилла, дур ва марварид элтаркан. Эвазига қиличдай йигиту сўқсўрдай қизларни олиб қайтаркан. Йигитларни ҳар куни қирқ мартадан дарралашиб, гаҳ деса қўлига қўнадиган қиларкан. Қизлар Акбаралининг хизматида бўларкан.

— Менинг ҳаловатимни ким бузди? — деб чодирдан чиқиб келибди Акбарали. Чол-кампир унинг барваста қомати, ошқовоқдай калласи, бужур юзларини кўриб, шошиб қолишибди. Шунда сирли қоғоз тилга кирибди:

— Бизни Аҳмадали юборди, денглар.

Чолу кампир Акбаралига шундай жавоб қайтаришибди.

Акбарали Аҳмадалининг номини эшитиб, шошиб қолибди, боши ерга теккудай таъзим қилибди, орқаси билан юриб, хизматкорларига ўшқириб, қўй сўйдириб, дастурхон тузағига киришибди. Чол ва кампирнинг кўз олдида фарздан Полвонали келибдию у ҳам шундай эзилиб юргандир, ўлмаган бўлса керак, унинг куйгур бой ўғлимизни шу тарафга юборганмикин, деган ўйларга бориб, айтишга ийманиб туришибди. Айтай-айтай дермиш-у, сирли қоғоз «жим-жим» деб қўярмиш.

— Айбга буюрмайсизлар, дарралаш вақтимиз бўлиб қолди. Агар рухсат берсаларингиз... — дебди Акбарали.

— Рухсат беринглар, — деб тилга кирибди яна сирли қоғоз.

Чолу кампир ижозат берибди.

Акбарали чапак чалибди. Остонада ойболта кўтарган икки жаллод пайдо бўлибди. Уларнинг ортидан даррачилар киришибди. Икки қул кўзи боғлиқ йигитни олиб кирибди-да, Акбарали ўтирган томонга итариб юборибди. Йигит довдирабди-ю, йиқилмабди.

— Тиз чўк, таъзим эт, гуноҳингдан ўтсин, — деб бақирибди жаллод.

▲ Йигит лом-мим демабди.

— Қирқ дарра урилсин, — деб буюрибди Акбарали.

— Бу оз, яйловимиз шунқори, — деб тилга кирибди жаллод. — Бу хумпар беш марта қочган. Қирқ дарра кор қилмайди. Билагида кўпирган кучини суғуриб олишимиз керак.

— Юз дарра!

— Тиз чўк, ялин, ёлвор! — дебди йигит.

Йигитнинг овозини эшитиб, чол ҳам, кампир ҳам титраб кетибди. «Болам Полвон-али» дейишларига бир баҳа қолибди. Лекин сирли қоғоз гапиришларига йўл қўймабди. Акбарали ўрнидан туриб, йигит томон юрибди.

— Чўпон-чўлиқнинг ёнини олган тилларингни суғуриб оламан. Уларга йўл-йўриқ кўрсатган қўлларингни кесиб ташлайман. Курашга отлантирган оёқларингни бўлак-бўлак қиламан. Осаман, ўлигингни саҳрога элтиб ташлатаман, то қарға-қузғунлар еб адо этсин. Кейин ота-онанга хабар етказаман. Йўлингга термулиб кўзларидан оққан ёшларини томоша қиламан.

— Ота-онамнинг кўзини ёшлатма, бойнинг ювиндихўри. Шуни билки, сени бойл қутуртирган, холос. Мен ўз эркимни ўйладим. Сенга қарам бўлмадим, бундан кейин ҳам бўлмайман. Ота-онам қандайлигимни билади. Уларнинг юзини ерга қаратмаганман, бундан кейин ҳам қаратмайман. Улсам, мард бўлиб ўламан.

Шу пайт сирли қоғоздан садо чиқибди:

— Энди Полвоналини чақиринглар!

Чолу кампир ўғилларини чақирингга тушибди. Чодир бирпасда қиёмат қойимга айланибди. Полвонали аввалига ҳайратдан қотиб қолибди, сўнг қучоғини очиб отасининг бағрига ташланибди.

— Жаллод! Уларни ушла! — деб бақирибди Акбарали.

— Бу ёғини менга буюринг, онажон! — деб яна тилга кирибди сирли қоғоз.

— Қасд қилганларнинг додини бер! — дебди кампир сирли қоғозни қўлга олиб. — Акбарали кишанлансин! Жаллоду даррачилар қўлга олинсин!

Бир вақт қарашса, ҳозиргина Полвонали зорланиб турган жойда Акбарали типирчилаб ётганмиш. Жаллодлар, даррачилар «тавба қилдик, бир қошиқ қонимиздан кечинг», деб ёлворишармиш.

— Чўпон-чўлиқлар, чўри канизаклар чодир атрофига тўплансин, — деб буюрибди Полвонали.

Чодир бирпасда байрамдагидек бўлибди. Сандиқ-сандиқ тилла, марваридларни олиб ерга тўкишибди. Ҳаммаёқ ёришиб кетгандаймиш. Чўпон-чўлиққа, чўри ҳам канизакларга қўй, от, тилла, марварид керагича бўлиб берилибди. Жаллод ва даррачилар чўпон-чўлиқни қанча урган бўлишса, уларнинг ҳам насибасини беришибди.

— Энди сизларга раҳмат, — дебди Полвонали чўпон-чўлиқ, чўри ва канизакларга. — Мол-дунёдан керагича олаверинглар. Акбарали, Аҳмадалининг ўзи қарға-қузғунларга ем бўлсин!

Чўпону чўлиқ, чўрию канизак бир Полвоналига, бир ота-онасига қуллуқ қилишиб, қучоқлашиб, йиғлашиб хайрлашибди. Чол-кампир Полвоналини бағрига босармишу нуқул: «Қасд қилганлар барибир паст бўлади, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Раҳмат сенга, сирли қоғоз», дейишармиш».

— Ота — дебди чолнинг эртаги шу ерга етганда Нўхатполвон. — Мен ҳам Полвоналига ўхшай...

— Ухшагин, ўғлим, ўхшагин... Энди ухла!

Чол бугунги кунидан ҳам қўрқиб, ҳам ҳайратланиб уйқуга кетибди. Нўхатполвон ҳам чол ва кампир ўртасида пишиллаб ухлаб ётганмиш. Шу билан эртагим тамом, қизим.

— Мурод-мақсадига етибди, демадингиз-ку, дада...

— Ҳали тамом бўлган йўқ-да. Қолганини эртага айтаман. Бўптими? Энди ухланг. Мунаввара кўзларини юмди-да, ширин уйқуга кетди.

НҲАТПОЛВОННИНГ САҲРОДАГИ ВА БОЗОРДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Алланинг сокин овози узоқларга таралади. Мунаввара онасининг бағрида эркаланиб ётибди, кўзига уйқу келмайди.

— Ая, аяжон, мен аллага ухламайман, — деди қизим.

— Нега?

— Энди катта бўлиб қолдим. Фақат эртак эшитсамгина уйқум келади. Дадам эртак айтиб берадилар. Кеча эртага айтаман, деб сўз берганлар, — деди Мунаввара менга кўз қирини ташлаб.

Қизимга берган ваъдамни эслаб, эртак айтишдан бошқа иложим қолмади.

— Қайсинисини айтай, қизим? — деб сўрадим.

— Нўхатполвонни! — деди у.

— Қаерга келган эдик?

Қизим бирпас ўйга толди-да, кейин:

— Топдим, топдим, — деди бошини кўтариб. — Нўхатполвон-чи, далага бормоқчи бўлувди.

Шундай қилиб эртакни давом эттирдим.

..Чол билан кампир эрталаб ўрнидан турса, Нўхатполвон йўқмиш. Шошиб-пишиб у ёқ-бу ёққа қарашибди. Нўхатполвон пилдир-пилдир қилиб илдизу хас-хашакларни териб юрармиш. Узича нималардир дермиш. Ерларни чопиб, ариқ олиб қўйганмиш. Чол ва кампир ҳайрон бўлибди. Чол кампирга «Нўхатполвонингни чақир», дегандай имлабди.

— Нўхатполвону-в-в!

Нўхатполвон ялт этиб орқасига қарабди. Ота-онасини кўриб, югургилаб келибди, кўлини кўксига қўйиб: «Ассалому алайкум», дебди.

— Ваалайкум ассалом. Катта бўлинг, болам, — деб жавоб қилибди чол.

— Ота-чи, ота, — дебди Нўхатполвон, — мен манави ерни чопдим, ариқ олдим.

Аммо-лекин нима экишни билмадим.

— Майли, болам, ҳандалак уруғидан олиб келамиз. Онанг ўзи экиб қўяди.

— Онамни қийнамай ўзим эка қолай. Уруғ берсангиз бўлди.

— Бўпти, ўғлим. Қани юр, энди нонушта қиламиз.

Кампир чолига юзланибди:

— Супада ўтира туринглар, мен чой дамлайман.

— Йўқ, онажон, — дебди Нўхатполвон. — Сиз отам билан ўтиринг, ҳаммасини ўзим қиламан. Кап-катта бўлиб қолдим-ку...

Чол билан кампир супага чиқишибди. Нўхатполвон югуриб елиб хизмат қилармиш. Аввал кўзачада сув олиб келиб, ота-онасининг қўлига қўйибди, дастурхон ёзибди. Бундан хурсанд бўлган Тешавой чол, «балли ўғлим, умрингдан барака топ», дермиш. Нўхатполвон чой олиб келгач, нондан ушатишибди. Чол бундай разм солса, ўртадаги тўртта нондан атиги биттаси қолганмиш. Кампир эса бир бурда нонни кавшаётганмиш. «Осмонга учиб кетмагандир», деб ўйлабди-ю, айтишга истиҳола қилибди. Нўхатполвонга қараса, охириги нонни олиб икки ямлаб бир ютаётганмиш. «Уйимиз куядиган бўлди», деб ўйлабди чол. «Кампир нимани ейди энди. Ҳали қачон ўтин тераману қачон сотишга улгураман». Чолнинг баданидан совуқ тер чиқибди. Кампир бўлса Нўхатполвоннинг елжасига қоқиб, нуқул «ош бўлсин, болам», дермиш.

— Ота, қанча нон ейилади? — деб сўрабди Нўхатполвон.

— Қорин тўйгунча болам.

— Қорним тўйдими?

— Ўзинг биласан-да?

— Сизники тўйдими, ота?

— Тўйди, ўғлим.

— Бўлмаса, мен ҳам тўйдим. Энди ўтин тергани борамиз-а?

— Ҳозир жўнаймиз, ўғлим.

Улар дастурхонга фотиҳа ўқишиб ўрниларидан туришибди. Кампир уй ишларига уннаб кетибди, чол билан Нўхатполвон саҳрога равона бўлибди. Улар йўл юришиб, йўл юрса ҳам мўл юришиб, барханларга етишибди. Нўхатполвон чор атрофга ҳайрон бўлиб тикилармиш. Ҳаммаёқ тақир, ҳеч кимса йўқ, унда-бунда юлғин кўзга ташланармиш. Чол қуриган юлғиннинг томиридан торта бошлабди.

— Нима қиялсиз, ота? — сўрабди Нўхатполвон.

— Ўтин теряпман-да, ўғлим.

— Шу ўтинми?

— Ўтин.

Нўхатполвон ҳам ишга шўнғиб кетибди. Чол Нўхатполвонга разм солса, тарвуздай юмалаб ҳали у томонга, ҳали бу томонга чопармиш. Ҳар қадамидан бир қучоқ ўтин терармиш. «Ё тавба, тушимми ё ўнгимми?» деб ёқасини ушлабди чол. Ишонқирамай, пешонасидаги терни қачоғининг пеши билан артиб, кўзларини катта-катта очибди. Ҳар куни кечгача икки-уч қучоқ ўтин териб, орқалаб бозорга олиб борадиган одамнинг олдида ҳаш-паш дегунча икки арава ўтин турганмиш.

— Дада, дада, шунча ўтинни Нўхатполвоннинг ўзи терибдими?, — деб сўраб қолди қизим.

— Бир ўзи терибди.

— Қандай қилиб?

— Жа-а меҳнаткаш экан-да...

Ўтиннинг кўплигидан чол ҳайратдан ёқасини ушлабди. Нўхатполвон ғув этиб у ёққа ўтармиш, ғув этиб бу ёққа ўтармиш. Ўтин ғарамлари кўпайгандан кўпаяверибди.

— Нўхатполвон, Нўхатполвон, — дебди чолнинг раҳми келиб. — Энди бас қилайлик, болам. Бу ўтин қирқ туяга юк бўлади.

— Ҳаҳ, бу ўтин нима бўпти, ота, — жавоб берибди Нўхатполвон.— Буни чимчилогимда кўтараман-ку...

— Ҳали буни бозорга олиб бориш керак.

— Бозори нимаси?— деб сўрабди Нўхатполвон.

— Бозорми? Бозорда олди-сотди бўлади. Биз ўтинимизни олиб борсак харидор топилади. Сўнг ўтинни сотамиз, пулига нон, дон-дун оламиз.

— Пулимиз йўқми?

Чол кулиб юборибди.

— Боласан-да, бўталоғим. Пулимиз бўлганда шунақа сарғайиб ўтирармик. Бошимизга топсак, оёғимизга етмаяпти. Турмуш шунақа оғир, болам. Энди бас қилайлик. Бир чориққа икки оёғим тиқилиб турибди ўзи...

— Нимага, ота?

— Ўтинни бозорга қандай олиб борамиз?

— Бошқа термаймизми?

— Барибир олиб кетолмаймиз-да.

— Шу ҳам иш бўлибдими, ота. Арғамчини менга беринг-чи?

Чол арғамчини Нўхатполвонга узатибди. Нўхатполвон ўрнида сакраб-сакраб арғамчини олиб, узилиб кетмасмикин, дегандай қўлларини кериб, тортиб-тортиб қўйибди. Кейин уни ғарам қилиб, тахланган ўтин устига ташлабди. Бир сакраб у ёғига ўтибди-да, кетмон сопида келадиган томирга боғлабди. Сўнг оёғида босиб саранжом қилибди.

— Энди кетамизми, ота? — дебди ўгирилиб.

— Қаёққа?

— Бозорга борамиз, дедингиз-ку!

— Қандай қилиб кўтарамиз бу зормандани?

— Менга қўйиб бераверинг буни, ота, — деб керилибди Нўхатполвон. — Кетдикми?

Нўхатполвон ўтин ғарамининг ёнига ўтибди-да, даст кўтариб, елкасига олибди. Чол бундай қараса, ўғли олдига тушиб бораётганмиш. Худди ўтин оёқ чиқариб югургилаб кетаётгандаймиш. Чол «ё тавба, астағфурилло»лаб, ўғлининг изидан тушибди. Йўл-йўлакай одамлар: «Ия, ановини қаранглар, ўтин югургилаб кетяпти», дейишармиш. Бозорга келишса, шу кунни ўтин кам экан. Харидорлар ўраб олишибди. «Ўтинни менга сотинг», «Йўқ, мен оламан», деб шовқин кўтаришибди. Шунда:

— Ўтин сотилмайди! — деган овоз эшитилибди.

Харидорлар овоз қайси томондан келганини билмай ҳайрон қолишибди.

— Ким у гапирган одам, сизмасмисиз? — деб сўрабди чағир кўзли харидор.

— Жин-пин эмасмисиз? — қўшилибди иккинчи харидор.

Шу пайт Нўхатполвон ўтин орасидан чиқиб келибди.

Харидорлар тарвуздай юм-юмалоқ, оёқ-қўли дастадек нарсанинг пилдираб юрганини кўриб:

— Сен кимсан. Бу ерда нима қилиб юрибсан? — дейишибди.

— Нўхатполвонман, — деб жавоб қилибди у. — Отам билан ўтин сотгани келди.

— Сен-а! Жинқарча бўлиб-а? Ҳаҳ-ҳо, хаҳ-ҳо, — деб кулармиш бир харидор.

— Хих-хих. Муштдек нарсанинг гапиршини, — дермиш иккинчи харидор.

— Энди шуниси қолувди, — гапга аралашибди учинчи одам.

— Кулманг!

— Вой, мановининг овозини қаранглар!

— Ота, жо-он ота, ўтинни мана шу турқи совуққа сотмайлик. Кулишини қаранг. Нимага кулаяпти у? Ўзи ўтин термайди-ю, терган одамнинг устидан кулади.

— Ҳой, чол, ҳозир бир уриб мановининг абжағини чиқариб қўяман, йўқот, — чағир кўзли харидор қўл кўтаришга чоғланибди.

Чол харидорнинг йўлини тўсиб, ялинишга тушибди.

— Ялинманг, ота, — дебди шунда Нўхатполвон. — Қани, мард бўлса, бир чертиб кўрсин-чи? Ким кимнинг абжағини чиқараркин.

— Ўзи дўппидаг-у, осмондан келишини қаранглар! Менинг қўлимга тушмабсан — оламга келмабсан!

— Жиғимга тегавермасин бу одам, ота!

— Нўхатполвон, жо-он болам, бу сафар сен паст келгин.

Харидор чолни итариб юборибди.

— Мен шу мишиқидан гап эшитиб қолавераманми? Менинг кимлигимни биласанми? Билмасанг, билиб қўй. Мени Ҳаким бойвачча дейдилар. Дўппим ерга тушса, пулга олдирадиган одамман-а! Қулоғингни бураб қўймайин тағин.

— Бура, бураб кўр, — дебди Нўхатполвон.

Ҳакимбойвачча энди қўлини узатган экан, Нўхатполвон сакраб шундоғам тепибдики, бозор ичи қий-чув бўлиб кетибди. Қарашса, Ҳакимбойвачча узала тушиб ётганмиш. Одамлар дув ёпирилиб, Ҳакимбойваччанинг ҳали бошини силашармиш, ҳали оғзига сув томизишармиш. Нўхатполвон эса бойваччани қулогидан чўзиб, ўрнидан турғазибди. Зўрға кўзини очган экан, Нўхатполвон:

— Бойвачча, мана қулоғим, яна чўзинг,— дебди.
Ҳақимбойвачча бошини сарак-сарак қилиб, нуқул тисарилармиш:
— Энди катта гапирмайман, ака. Тавба қилдим, кечиринг.
— Утин сотилмайди деганимнинг боисини тушундингми?
— Тушундим, тушундим.
— Ҳалиям инсоф қилдим, — уқтирибди Нўхатполвон. — Бўлмаса нақ тилингни суғуриб олардим.

— Иккинчи қилмайман дедим-ку!

— Лафзинг борми? Ана, отамни кўр, ҳар куни ўтиб териб сотиб, тирикчилик қилади. Бошига топса оёғига етмайди. Ҳув, ярим яланғоч бечораларнинг гапини эшитдингми? Ё эшитмаганга соляпсанми? Сенинг кучинг ўша бева-бечораларга етар экан-да! Кун бўйи чора иш қилдириб, бир мири бермайсан. Мана энди кўлимга тушдинг. Ўша бева-бечораларнинг ҳақини бермас экансан, кўзингни ўйиб оламан. Айт, берасанми-йўқми?

— Бераман, жо-он ака, ҳаммасини бераман. Ҳой, бобо, ўғлингизга айтинг, ҳаммасини ҳисоб-китоб қиламан.

Чол кўрққанидан Ҳақимбойваччага қуллуқ қилибди. Нўхатполвонга ялинибди. Бойвачча қўйнидан бир халта кумуш танга олиб қалтираганча бўла бошлабди. Бева-бечоралар ҳали чолга, ҳали Нўхатполвонга таъзим қилишармиш.

Шу топда харидорлар яна чолга яқинлашиб сўрашибди.

— Бобожон, энди ўтинни сотасизми?

— Энди сотамиз, — деб жавоб берибди Нўхатполвон.

Ҳақимбойвачча чолга тилла танга узатибди. Чол буни кўриб, олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай қолибди. Нуқул қўли қалтирармиш. Нўхатполвон:

— Ота, нега олмаяпсиз, оз беряптими? — дебди.

— Йў-ўқ, болам, — дер эмиш-у, тиллани кўриб, юраги баттар ҳапқирармиш.

— Бўлмаса, ўзимга бер, — дебди Нўхатполвон.

Ҳақимбойвачча тангани Нўхатполвонга узатибди. Нўхатполвон танганинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртирибди-да:

— Бунинг оз, — дебди. — Яна берасан. Утиннинг кўплигини кўрмайсанми? Бир ғарам-а!

Ҳақимбойвачча кўрққанидан тилла тангани халтаси билан узатибди. Нўхатполвон эса отасига тутқазибди. Кейин:

— Бугунги озиқ-овқатимизга етадими, ота? — деб сўрабди.

— Тилла-ку, бу тилла-я! — деб жавоб берибди чол.

— Тилласи нимаси?

— Тиллами? Тилла — осмондаги ой, болам. Жуда ноёб нарса. Бунга ҳамма нарса келади. Қани, энди юр, чойхонага кириб бир мириқиб чой ичайлик.

— Чойхонангиз узоқми?

— Бозорнинг этагида. Соё оқиб ўтаяпти-ку, ўша ерда...

— Ота, ота, ўшангача, ўшангача...

Чол ўгирилиб Нўхатполвонга қараса, ўғли ниманидир айтолмай қийналаётганмиш. Шунда у:

— Сенга нима бўлди, қорнинг очқадими? Сув ичасанми? Ё мева-чевалардан олиб берайми? — дебди.

— Йўқ, йў-қ, отажон, — дебди Нўхатполвон. — Тунов кунгидек эртак айтиб берсангиз девдим.

— Эртак кечаси айтилади, болам.

— Мен кундузиям эшитавераман.

— Ҳа, унда айтганим бўлсин.

Шундай қилиб Тешавой чол

ОҚИЛХОН ВА ХИЗР

ҳақидаги иккинчи эртагини бошлабди.

«...Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда, мана шу бизнинг томонда бир чол-кампир яшаб ўтган экан. Уларнинг Оқилхон деган яккаю ягона ўғиллари бор экан. Чол-кампир Оқилхонни шундай яхши кўришарканки, бири қўйиб, бошқаси кўтарар, сира қўлдан туширмас экан. Отаси қўй-қўзини яйловга ёйиб, ёнбошлаб ётаркан-да, ўғлининг келажagini ўйлаб кетаркан: «Нима қилиб бўлсаям Оқилхонни ўқитсам», деркан-у, аммо қўли қисқалик қилар экан. Шунақа пайтларда худога ёлвориб, мадад сўраркан. Кўзларига ёш қуйила-қуйила дили хуфтон бўлиб, қайтаркан. Аммо, уйга келгач, Оқилхоннинг қиқор-қиқир кулишларидан ғаш кўнгли ҳам ёришиб кетаркан.

Чол-кампир яйловнинг қор ўртасида дўппидеккина ўтовда яшашар экан-у, Оқилхон туфайли ўзларини хон саройида юришгандай ҳис этишаркан.

Чол-кампир: «Оқилхон ана эмаслади», «Мана тетапоё бўлди», «Одим ташлаганига суюнчи беринг», «Кулишини қаранг, кулишини», дейиша-дейиша кун ўтганини сезмай

қолишаркан. Шундай қилиб, ҳаш-паш дегунча орадан ўн икки йил ўтиб кетибди. Оқилхоннинг бўйи чўзилиб, сўқсурдеккина йигит бўлиб етилибди.

Бир куни мўъжиза рўй берибди. Кунботар томондан ёв бостириб киргандай бирдан чанг-тўзон кўтарилибди. Довул юлғину тиконларни чирпирак қилиб айлантира-айлантира учирармиш. Чол-кампир худога илтижо қилишибди. Оллоҳнинг карами кенг, қудрати улуғ деб шунга айтадилар-да, бирпасда довул, чанг-тўзон тўхтаб, ҳаммаёқ осойишта бўлиб қолибди. Чол-кампир ҳайрон бўлиб туришган экан, бирдан кўзлари карвонга тушибди. У кўз илғар-илғамас жойда юриб бориб, ғойиб бўлибди. Лекин ёнғоқдек шуъла сира ўчмасмиш, бора-бора йириклашармиш. Чолнинг юраги дук-дук урибди, лекин бу ёғи нима бўларкин, дегандай ўзини босибди. Кампирнинг ҳам тили калимага келмасмиш. Чол кампири билан Оқилхонни ўтовда қолдириб, ўзи шуъла томон бормоқчи бўлибди.

— Отажон, мен ҳам борай, — дебди Оқилхон.

— Йўқ, ўзим, — деб жавоб берибди чол.

Аммо ўғли:

— Сизни ёлғиз юбормайман, — деб туриб олибди.

Улар ҳалиги шуълага яқин келиб қарашса, битта тилла камар кун тиғида ялтираб ётганмиш. Шошиб камарга қўл чўзишса, унинг ўрнида қумга кўмилиб ётган бир нуроний кўринибди. Унинг юзидан нур ёғилармиш. Чол билан Оқилхон шоша-пиша кўкрагига қулоқ тутишса юраги секин-секин ураётганмиш. «Бобо, бобожон», дея секин чақирибди Оқилхон. Оппоқ соқоли нуроний хиёл кўзини очиб «тила тилагингни», дебди.

— Бобо, бобожон сув ичасизми? Чанқадингизми? — дебди Оқилхон.

Нуроний одам бошини чайқабди:

— Тила тилагингни!

Шунда чол тилга кирибди.

— Яккаю ягона зуриёдим бор. Шунини...

— Исмини айт!

— Оқилхон...

— У дунёю бу дунё оқил бўлсин. Мартабаси улуғ бўлсин!

Чол бу сўзларни эшитиб, оппоқ соқолли нуронийга таъзим бажо этай деса, жойида йўқмиш. «Ё қудратингдан», дебди чол ва «Хизр учради, ўғлим. Хизр», деганча ўтов томон югурибди. Кампир не кўз билан кўрсинки, Оқилхон ўрнида бўйдор, чиройли йигит турганмиш. Кампирнинг ҳайрати чолга ўтибди, ўғлини бирма-бир бағрига босишибди.

Кунлар кетидан ойлар ўтиб, чап қўл вазирнинг уйма-уй айланадиган пайти келибди. У навкарлари билан ўтов ёнига келишганда чол-кампир таъзим этиб чиқишибди... Оқилхон бўлса, хиёл кулимсираганча ўтов устунига суяниб турганмиш. Бундан чап қўл вазир жазавага тушибди.

— Анови эси паст бола ким? — сўрабди у.

— Ўғлим, — жавоб берибди чол қалтираганча.

— Нега таъзим қилмайди?

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, — ёлворибди чол.

Шунда Оқилхон икки одим олдинга ўтиб, чап қўл вазирга пешвоз чиқибди-да, қўлини кўксига қўйиб:

— Бир қарашда одамнинг эси бутун ёки пастлигини англаб етиш мушкул, тақсирим, — дебди. Унинг сўзлари тилла жарангидай чиқармиш. — Бировларга айб тақашдан аввал ҳар ким ўзини билиши керак.

Чап қўл вазир қоши чимирилиб, ўзини қўярга жой тополмай қолибди. Катта бир юртни сўраб, не-не азизу авлиёларни оғзига қаратиб юрган вазирга оддий чўпоннинг ўғли гап қайтарса-я! О, фалак, нималар бўляпти ўзи? Охират яқинлашиб қолдимикин ё?! Шошмай тур сен ҳали... Вазир навкарларига: «Ушланглар у ярамасни», деб буюрибди.

Улар Оқилхонга ташланмоқчи бўлишган экан, йигит қўл кўтариб, тўхтатибди-да, вазирга қарата:

— Муддаонгиз нима ўзи? — деб сўрабди. — Агар мендек бир чўпон фарзандини ҳибсга олиш зарурати туғилган бўлса, ўзим тайёрман. Навкарларни овора қилманг. Яна шунини айтиб қўяй, кўзингизга тик боқиб, рўй-рост сўзласам, ўзингизни ҳам ўйланг. Бошингиз узра қуёнлар тўпланаётганидан беҳабар кўринасиз. Чуқурроқ ўйланг, тақсирим! Унг қўл вазир сизга қайларда ва қандай чоҳ қазиб, гумдон қилиш йўлларини қидираётганини билмайсиз чоғи? Ўтган жума пешин номозидан аввал у вазир подшоҳи аъзам қулоғига пичирлаётганини кўргандирсиз? Юрагингизга нечук хавотир тушмади? Ўшанда ўнг қўл вазир... Йўқ, яхшиси айтмаганим маъқул, ўзингиз фаҳмлаб олганингиз маъқул. Сиз ўнг қўл вазирдан кўра донороқ, етти ўлчаб бир кесадиған, вақти келса мард ва олижаноб одамсиз. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, илгингизда сал шошқалоқлик ҳам бор.

Чап қўл вазир бу сўзларни танасига ўйлаб кўрса, аини ҳақиқат. Айёр ва фитначи ўнг қўл вазирнинг диёнатсизлигини бир неча бор кўрган. Чўпон айтган палла ҳам юрагига

вахима тушган эди-ю, лекин ўша заҳоти унутган эди. Мана энди яна... Вазирнинг олижаноблиги тугиб:

— Ҳақ сўзларни айтдинг, эй йигит, — дебди. — Қадди-бастингга қараганда исминг ҳам гўзал бўлиши керак. Қани, айт, номинг недир?

— Оқилхон!

— Баракалла, бўтам. Сендай оқил ҳамсуҳбатни кўпдан қидирардим. Бошим осмонга етди. Беайб парвардигор, мандан ўтган бўлса, узримни қабул эт. Қани, юр, яйловни айланиб келайлик.

Навкарбоши отдан сакраб тушиб, юганини Оқилхонга тутқазибди. Чап қўл вазир билан Оқилхон от чоптириб кетишибди. Чол-кампир ва навкарлар ҳайрон бўлишганча қолишаверибди.

Вазир йўл-йўлакай минг хил савол берибди. Оқилхон лўнда жавоб қайтараверибди. «Бу йигитда бир сир бор», деб ўйлабди вазир ва Оқилхонни учратганидан боши осмонга етибди.

Энди гапни подшоҳи аъзамдан эшит, ўғлим.

У эл-улус тинчини ўйлаш билан овора экан-у, аммо ўнг қўл вазир гоҳ пичирлаб, гоҳ бидиллаб, ҳали чап қўл вазирни, ҳали бошқа уламоларни ёмонлаб бошини қотиргани-қотирган экан. Лекин индамай тинглаб, қовоғини осиб қўявераркан. Ниҳоят, ўнг қўл вазирнинг ипига илиниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди.

Подшоҳи аъзам бир ёнида ўнг қўл вазир, иккинчи ёнида чап қўл вазирини олиб, кенгашга киришибди. Барча уламо, шоиру аёнлар ҳозир экан. Уламою акроболар бугунги кенгаш бежиз тўпланмаганлигини сезиб, бир-бирларига хавотирлик билан қараб қўйишаркан. Ниҳоят подшоҳи аъзам сўз бошлабди:

— Аҳли юрт тинчини бузиб, эларо нифоқ уруғини сочган аёнга қандай жазо лойиқ кўрилуру?

Орага узоқ сукут чўкибди. Ким нима дейишини билолмай гаранг экан.

— Ким экан ундай мунофиқ?

Ҳамма чап қўл вазирга қарабди. Подшоҳи аъзам бошини қимирлатиб:

— Ўнг қўл вазиримизнинг бисёр сўзларига қараганда, сардор Али Ҳусайн эрур...

Атрофда «Ё олло» «Астағфируллоҳ», «Йўғ-эй, сардор Али Ҳусайн мунофиқ эмасди-ку», деган гап-сўзлар оралаб, сардор ўзини подшоҳи аъзам оёғи остига ташлабди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, подшоҳи аъзам. Қуруқ тухматдан ўзингиз асранг.

— Жаллод!

Даҳлизда подшоҳи аъзам имосига маҳтал бўлиб турган жаллод пайдо бўлибди.

— Подшоҳи аъзам, — тилга кирибди чап қўл вазир. — Сиздай доно, оқил ҳукмдор бир вазирингизнинг сўзига қулоқ солурсиз, деб ўйлайман.

Чап қўл вазирнинг илмоқли гапи подшоҳи аъзамга таъсир этибди-ю, аммо ўнг қўл вазирининг илмоғидан чиқолмай:

— Хўш, подшоҳи аъзамнинг қулоғи сизда, — дебди.

— Оқиллар уламоларга кўп бор уқтирибдиларки, бўҳтоннинг умри қисқа ва зинҳор очилмасдан қолмасдир.

— Талабингиз?

— Сардор Али Ҳусайн бўҳтондан халос этилса...

Подшоҳи аъзамнинг қошлари чимирилибди.

— Сардор Али Ҳусайнга бўҳтон этган одам орамиздадир...

Ҳамма саросимага тушиб қолибди.

— Ким? — сўрабди чап қўл вазир.

— Ўнг қўл вазиримизнинг бисёр сўзларига қараганда, бу, бу — сизсиз...

Яна уламою акроболар «ух» тортишибди. Ҳамма ерга қараб қолибди. Чап қўл вазир саросимага тушмай, подшоҳи аъзамга таъзим бажо келтирибди.

— Шу азиз бошимни сиз подшоҳи аъзамнинг қутлуғ сўзи учун кундага қўйишга тайёрман. Лекин оқилу фозилларнинг иродаси билан айтаманки, бўҳтон тўқиб, бировлар учун чоҳ қазиб юрган одамнинг юзи қора бўлуру. Шунга ишонасизми?

Уламою акроболар «ишонамиз, ишонамиз», дейишибди. Чап қўл вазир сўзини давом эттирибди.

— Подшоҳи аъзам, сизнинг сўзларингиз қанчалик ҳақиқат эканлигини тасдиқлашга ижозат беринг. Бўҳтончининг кимлигини топиш қийин эмас. Ҳозирнинг ўзида барча аъёнларингиз юзига бир муддат термулинг. Кеча Оқилхондан эшитганларим чин бўлса, сиз излаётган бўҳтончининг ўнг юзида шапалоқдай қора доғ пайдо бўлуру. Шунда сардор Али Ҳусайну каминага ким чоҳ қазийганлигини тушуниб етурсиз.

Кенгаш яна жимиб қолибди. Одамлар бир-бирларининг юзига тикилармиш. Шунда ўнг қўл вазирнинг чап юзида шапалоқдай қора доғ пайдо бўлибдию кафтлари билан беркитишга уринибди.

— Жаллод!

Жаллод яна пойгакда пайдо бўлибди.

— Ўнг қўл вазир қатл этилсин!

Ўнг қўл вазир юз илтижо, минг илтижо билан ўзини подшоҳи аъзам оёғи остига ташлабди. Шунда чап қўл вазир:

— Подшоҳи аъзам, юраги кир бундай вазира қатл этмоқ сиздай олижаноб одамга ярашмайди. Унинг боши танидан бир зумда жудо этилганидан кўра, бир умр куйиб-ёниб ўтгани аълороқдир, — дебди.

Подшоҳи аъзам чап қўл вазира айтганини адо этибди, сўнг уни ўнг қўл вазира лавозимга тайинламоқчи бўлибди. Шунда чап қўл вазир:

— Мени маъзур тутгайсиз, подшоҳи аъзам, — дебди. — Мен ўзимни бу лавозимга лойиқ кўрмайман.

— Нега? — ҳайрон бўлибди подшоҳи аъзам.

— Менинг бошим ҳозиргина кундага қўйилганди. Лекин бахтим бор экан, ёнингизда қуллуқ қилиб турибман. Бунинг боиси бор, подшоҳи аъзам. Кеча бир доно йигитга дуч келдим... Иسمи жисмига монанд — Оқилхон экан. Менга қолса ўнг қўл вазираликка унга топширган бўлардим.

Навкарлар яна чол-камбир ҳузурига отланишиб, Оқилхонни иззат-икром билан саройга олиб келишибди. Чол-камбир дуосини олган Оқилхон ўнг қўл вазираликка тайинланибди».

— Ота-ота, — дебди Нўхатполвон. — Мен ҳам Оқилхондай оқил бўламан.

— Ниятингга ет, болам, — дебди Тешавой чол. — Мана, чойхонага ҳам етиб келдик. Қани юр...

— Шу билан эртагим тамом, — дедим мен ҳам.

— Нўхатполвон муродига етгани йўқ-а?

— Ҳали анча бор, қизим. Энди ухланг.

Мунаввара уйқуга кетди.

НЎХАТПОЛВОННИНГ ДЎКОНДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Бугун уйга кечроқ қайтдим. Овқатланиб бўлган эдимки, қизим хонасидан югургилаб чиқди. Чамаси, ўринга ётганига анча бўлган-у, кўзига уйқу келмаган. Сабабини тушуниб етдим.

— Да-да-а, дадажон, — қизимнинг илтижоли овози янгради. — Нўхатполвоннинг қизик жойига келгандик. Уйқум келмаяпти.

Эриб кетдим.

— Қаерга келгандик, она қизим? Ҳа, ҳалиги Нўхатполвон отаси билан чойхонага киришган чоғиди?

— Ўша ерга келгандик.

...Шундай қилиб, Тешавой чол билан Нўхатполвон қоринни тўқлашиб, мириқиб чой ичишиб, кўчага чиқишибди. Тешавой чол хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополма чўнтагида муллажиринг борлигидан ҳали уни, ҳали буни харид қилгиси келаверармиш. Тилла тангалар худди баданини қитиқлаётганга ўхшармиш. «Ё тавба, — дермиш Тешавой чол, — жарақ-жарақ тилласи борлар қандай юришаркин?»

Бир маҳал кампирининг йўл пойлаб туриши эсига тушибди ва аҳд қилибди: «Бугун шундай бозор қилайликки, бечора кампирининг оғзи очилиб қолсин!»

Чол Нўхатполвонни бозорнинг ўнг томонидаги дўконларга бошлабди. У ерда асал дейсизми, сут дейсизми, нон дейсизми, ширин-шакар мева дейсизми, ҳаммаси бисёр эмиш. Тешавой чол бир чеккадан савдолашиб бораверибди. Бир вақт хуржунлари меваю турли ширинликлар билан тўлибди.

— Ота, отажон, — дебди Нўхатполвон. — Анови нима?

— От-арава, — деб тушунтирибди Тешавой чол. — Унга юк ортилади.

— Биз ҳам олайлик.

— Бир қоп юкка ҳам арава сотиб оламизми?

— Пулимиз етмайдими?

— Етишга етади-ку... Кел, сенинг ҳам сазанг ўлмасин.

Тешавой чол от-арава сотувчи билан бор-барака қилибди. Сўнг хуржунини аравага ташлабди.

— Энди нима оламиз? — деб сўрабди Нўхатполвон.

— Бас қилсакмикин?

— Онарни хафа қилиб-а?

— Нега хафа бўлади, болам? Боши осмонга етар...

— Кун бўйи юриб, олиб келган ашқол-дошқолингиз шу бўлдими, демайдими?

Тешавой чол мийғида кулиб қўйибди. «Бу Нўхатполвон тушмагур зап бола чиқди-да. Ахир илгарилар зўра оёғимни судраб юрардим. Бахтимга Нўхатполвон омон бўлсин. Шу туфайли бирим-икки бўляпти. Бировга айтсанг, ўлай агар, ишонмайди. Ҳа, ҳа, ишонмайди». Тешавой чол бу сафар Нўхатполвонни бозорнинг чап томонига етаклабди.

Ундаги дўконларнинг моллари ҳам антиқа экан. Бир ёқда ёқут узук, билагузук, бир ёқда зардан тикилган камзулу хитойи кўйлақлар... Тешавой чол бирма-бир разм солиб ўтаркан, Нўхатполвон:

— Отажон, жо-он ота, — дебди. — Манави камзулни олайлик. Онамнинг боши осмонга етарди.

— Қизил-ку! — жавоб берибди отаси.

— Бўлмайдим?

— Ёшига муносиб кияди-да онанг.

— Буниси-чи?

Нўхатполвон ҳаворанг камзулни кўрсатибди.

— Буниси бошқа гап, — дебди Тешавой чол.

Нўхатполвон шошиб камзулни олибди-да, қопчиққа жойлай бошлабди. Тешавой чол киссасидан тилла танга олиб, сотувчига узатиши биланоқ у:

— Ҳой ўғри, бу нима қилиқ? Куппа кундузи одамни талайсан-а! — деб бақирибди.

Тешавой чол сотувчининг йўлини тўсиб:

— Мана, биродар, керагича олинг, — дебди.

Сотувчи энди ҳовуридан тушибди.

— Тирранчангнинг жағига бир туширардим-у, майли кечирдим. Аммо пулинг оз, — дебди керилиб.

— Тилла бўлсаям-а!?

— Бу ҳаром-ҳариш тангаларни қаёқдан топдинг? — ўшқирибди сотувчи. — Илгари ҳемири ҳам бўлмасди-ку ҳамёнингда.

Бу гапларни эшитиб, Нўхатполвон ўзини босолмабди. Сотувчига яқин келиб:

— Нима дединг, яна бир марта қайтар-чи. Харидорнинг ҳақидан уриб қолиш пайда бўлган кўзларингни ййиб олмайин, — дебди.

— Катта кетма, бола, — пинагини бузмабди сотувчи.

— Отажон, қулоғини узиб қўлига тутқазиб қўяйми?

— Йўқ, йўқ, ўғлим, — дебди отаси. Ҳалигина Оқилхондай бўламан дегандинг-ку. Одам сўзининг устидан чиқиши керак.

— Мен-ку, чиқаман, лекин мана бунақа ипирисқилар-чи?

Сотувчи «ипирисқи» сўзини эшитиб:

— Молни бу ёқча чўз, ҳароми, — деб бақирибди.

Тешавой чол бунақа сўзни сира эшитмаган экан, оёқлари қалтираб, қулоқларигача қизариб кетибди.

— Узини билмаган одам экансан. Жанжал чиқмасин деб Нўхатполвонга қўй десам...

— Бу етимчангнинг қўлидан нима ҳам келарди?

— Менинг совунимга кир ювмасан, сен жиззаки, — дебди Нўхатполвон ва бургутдай учиб келиб, сотувчини бир тепибди. У бир маҳал ўзига келса, пештахта тагида ётганмиш.

Бирпасда тўс-тўполон кўтарилибди. Харидорларнинг бири қўйиб, бошқаси қулармиш. Бир тийин устида ўмбалоқ ошадиганнинг сўзини икки қилган қанақа харидор экан деб Тешавой чолнинг ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан ўтиб томоша қилишармиш. Тешавой чол ўзини ғоз тутиб, соқолини силаб-силаб қўяркан. Жиззаки сотувчи ўзини ўнглаб, нималар юз берганлигини хаёлига келтирибди. Бундай қараса, рўпарасида Тешавой чол билан Нўхатполвон турганмиш. Сотувчининг кўз олди қоронғилашиб, ранги оқариб кетибди. Гапирай деса тилига калима келмасмиш. Шу орада бозорбува орага тушибди.

— Мулла Абдулҳафиз, сенга нима бўлди?

Сотувчи кийимининг чангини қоқаркан:

— Бу ҳам кўргулик, — дебди.

— Бозорбува, — дебди Тешавой чол, — мен бировга ёмонликни раво кўрмайман, биласиз. Фақат манови ўғлим қитмирлик, ўғрилиқ, алдамчиликни ёқтирмайди. Нимасини айтмай, эл-юрт тўқ бўлсин, эл-юрт қатори биз ҳам омон бўлайлик.

— Айтганингиз келсин, отахон, — дебди халойиқ. Савдогар ҳам ҳалиги гинақудратни унутиб, хиёл кулимсирабди.

Тешавой чол билан Нўхатполвон харид қилишни давом эттиришибди. Аравани тўлдириб йўлган тушишган экан, Нўхатполвон:

— Яна зерикиб кетяпман, отажон, — дебди.

— Нимага?

— Эртак эшитгим келяпти.

— Менинг ҳам завқим келиб кетди. Яқинда Карим бахшидан бир эртак эшитгандим. Шуни айта қолай, — дебди отаси.

Шундай қилиб, Тешавой чол

ОҚИҲУЛ ВА ОЙГУЛ

ҳақидаги учинчи эртагини бошлабди.

«...Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда бир чол билан кам-

пир ўтган экан. Уларнинг Оқйўл исми ўғли бор экан. Оқйўл болалигидан тўғрисўз, тиришқоқ бўлиб ўсибди, ҳали етти ёшга етмаёқ китобларни шариллатиб ўқийдиган бўлибди. «Алпомиш» дейсизми, «Гўрўғли» дейсизми, «Ширин ва Шакар» дейсизми, ҳаммасини ёд билар, одамларга ўқиб берганида ҳамма қойил қоларкан.

Оқйўл шу тахлит ўқиб юраверибди, ойлар, йиллар ўтаверибди. Оқйўлнинг ортидан ҳавас қиладиганлар кўп бўлиб, аммо ҳасад қиладиганлар ҳам топилар экан. Кунларнинг бирида подшонинг ўн олтига тўлган қизи ухлаётганда чўчиб кетибдию кўққисдан тилсиз бўлиб қолибди. Эрталаб подшо табибу донишмандларни ҳузурига чорлабди. Ман-ман деган табиблар «беморни мана биз тузатамиз», деб лоф уришаркан-у, қизни ўбдон текшириб, дардига даво топишолмагач, лом-мим деёлмай қочиб қолишаркан.

Ниҳоят, подшонинг сабри чидамай, чор-атрофга жарчи юборибди. Жарчилар маҳаллама-маҳалла, бозорма-бозор, шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, жар солишибди.

Одамлару одамлар,
Эшитмадим деманглар,
Нега аввал билмадик,
Дея афсус еманглар.

Подшомизнинг меҳрибон,
Ойгул қизин биласиз.
Ул қизга теккан дарддан
Бағрингизни тиласиз.

Алқисса, сўзимиз шул:
Ким тузатса Ойгулни
Подшомиз ҳадя этар,
Ғазнадаги бор пулни.

Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар
Эшитмадим деманглар,
Кейин афсус еманглар.

Подшо саройига ё...
Марҳамате...
Марҳамат...
Шифо берар одамнинг
Отасига минг раҳмат!

Жарчи шундай деб кезаверибди, кезаверибди, ҳали у маҳалладан, ҳали бу қишлоқдан, қўшни шаҳар дейсизми, бошқа юрт дейсизми, хуллас, ҳамма ёқдан одамлар кела-верибди. Лекин бирор кишининг қўли энгил эмасмиш, ҳамма подшога сўз бераркан-у, дам ўтмай хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қоларкан.

Подшонинг кўнгли ўқиб, букчайиб қолибди. Нима қиларини, дардини кимга ёр-шини билмасмиш. У яна яқинларини ҳузурига чорлабди.

— Қирқ йил давру даврон сурдим. Шартим кетиб, партим қолган маҳалда бошимга тушган бу ташвишдан гарангман. Эл-юртнинг сарвари бўлсам-у, ягона қизимнинг дардига шифо топтиролмасам! Бундан ҳам ортиқ бахтсизлик борми дунёда? — дебди ғамга ботиб.

— Бу ҳам оллоҳнинг иродаси. Узи бериб, ўзи қайтариб олади, подшоҳи аъзам. Сизнинг ич-ичингиздан эзилаётганлигингизни кўриб турибмиз. Нима қилайлик, қўлимиз қисқа экан.

— Жарчилар барча юртга бордимиз?

— Боришди, подшоҳи аъзам.

Подшо бошини қўйи солиб, ўйлаб кетибди. Унинг одатини яхши билган фозилу фузало: «Подшоҳи аъзам нимани буюраркин?» — дегандай сукут сақлаб туришаркан.

— Юртимизда бирор табиб-пабиб қолгандир? — деб яна сўрабди подшо.

— Йўқ, подшоҳи аъзам, фақат Оқйўл деган бир арзанда қолибди, холос. Уни ҳам таклиф этгандик, аммо падари қусур кўнмаса денг.

— Нима? — подшонинг қошлари чимирилибди.

— Қўлидан нима ҳам келарди. Шунинг учун кўнмаган бўлса керак-да.

— Чорланг!

— Бош устига, подшоҳи аъзам.

— Бугуноқ...

— Хўп бўлади.

Подшонинг амри вожиб, навкарлар шу заҳоти Оқйўлнинг уйига йўл олишибди-да: «Қани, подшо ҳузурига отланаркансиз. Сизни кўзлари тўрт бўлиб кутяптилар,» дейишибди. Оқйўл эса бамайлихотир:

— Мен қаёқда-ю, подшо қаерда. Менинг у ерда қиладиган ишим йўқ, — деб жа воб берибди.

— Ҳей, бола. Иш-пишинг билан ҳисоблашиб ўтирмаймиз.

— Кўрмаясизларми, китоб ўқияпман. Мана, йирик-йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйибди. «Подшолар ақл-ҳуши пастлиги туфайли эл кўзида зеб-зийнатли либос киядилар».

— Ҳай, ҳай, бола, оғзингга қараб гапир.

— Мана, яна ўқинг: «Олтину дур ширинлик ўрнида бўлганида эди, подшоҳи аъзамнинг ўзларидан ортмас эди».

— Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.

— Шунинг учун боришни ўзимга эп кўрмаяпман-да.

Бу сафар навкарбоши ялинишга тушибди.

— Бизга ҳам раҳминг келсин, укам. Биз бечораларда нима айб? Икки бармоғимизни бурнимизга тикиб борсак бўлмас...

— Саройга боринг, подшоҳи аъзамнинг ҳузурларида дилингиздагини ёринг. Ой ўзли қизнинг дардига шифо топсангиз марра сизники.

— Э, подшоларда лафз борми?

— Бор, бор, жарчилар қачондан бери жар солавериб, оғизлари толиб кетди. Бўй баравар тиллами-ей... Ишқилиб, бахтингиз очилса.

— Ойгулнинг дарди дард эканми? Бир оғиз гапирсам ўрнидан туриб кетади. Булбулдай сайрайди. Лекин отаси тонар...

— Йўқ, йўқ, укажон.

— Бўлмаса кетдик.

Оқйўл ота-онасидан розилик сўраб, саройга йўл олибди. Саройда бетоқат юрган подшо Оқйўлни кўрибди:

— Сенинг қўлингдан қандай иш келади? — деб сўрабди.

Оқйўл индамай, таъзим бажо келтириб:

— Подшоҳи аъзам, аввал изн берсинлар, қизлари ҳузурларига кирсам, — дебди.

— Олиб киринглар...

Оқйўл саройнинг кенг йўлаги бўйлаб юриб, бир-биридан чиройли, кенг ва ёруғ хоналарга термиларкан. Улар юриб-юриб, Ойгулнинг хобгоҳига етишибди. Шунда Оқйўл навкарларга рухсат берибди. Навкарлар орқага қайгани кўнмасмиш.

— Сизлар бораверинглар, — дебди шунда Оқйўл.

— Кўз-қулоқ бўлиб туриш буюрилган бизга, — чувиллашибди навкарлар.

— Подшолар буйруғининг тутуриғи борми? Бораверинглар!

Навкарбоши ҳамроҳлари билан ташқарида қолибди. Оқйўл ичкари кирса, хона мисоли денгиз янглиғ кенг ва тароватлимиш. Дераза пардаларининг ҳошиялари, рангларига одамнинг суқи кирармиш. Бурчакдаги катта сўрига қават-қават кўрпа ташланганмиш, унинг усти дур билан ўралгандаймиш. Ана шу дурлар орасида Ойгул хиёл кулганча хаёл суриб ётармиш. Оқйўл аввал Ойгулнинг у томони, сўнг бу томонига ўтиб, берилиб томоша қилибди. Қош деган унда эмиш, кўз деган унда эмиш. Оғзи худди даста пўчоғига ўшармиш. Икки ёноғидаги кулдиргичларидан кўз олиб бўлмасмиш. Кип-қиклари мужгон сингари тўппа-тўғри дилингизга урилармиш. Тишлари эса дурларни териб қўйгандаймиш. Оқйўл қиз бошида маҳлиё бўлганича туриб қолибди. Бир вақт Ойгул кўзларини пирпиратиб очиб, рўбарўсидаги йигитни кўриб, кўрқиб кетибди.

— Сиз кимсиз? Бу ерда нима қилиб турибсиз?

Оқйўл секин ва сокин жавоб берибди.

— Шундай ҳурилиқо қизга жон-жон деб уйландим-у, катталар ўз сўзларида турмайдилар-да.

— Ким, ким дедингиз?

— Подшолар, амалдорлар...

— Қайси подшо?

— Отангиз. Тўғрисини айтсам, отангиз ҳам лафзсиз...

— Нега ундай деясиз?

— Сиз, сиз ишонмайсиз!

— Нега? Нимага?..

— Бу ерда гап кўп, Ойгул! Майли, мен борай. Мақсадимга етдим. Омон бўлсак бир куни кўришармиз.

Шу пайт аломат ҳодиса юз берибди. Бир томонда карнай-сурнай чалинармиш, иккинчи ёқда қозонлар осилганмиш. Одамлар: «Подшонинг қизи тилга кирди», дейишиб, бошлари осмонга ётармиш. Лекин ҳалиги навкарбошию навкарлардан ном-нишон йўқмиш. Подшо: «Қизимнинг ўзи тилга кирди», деб жар солдирибди. Оқйўл саройдан чиқаётган экан, уч-тўрт навкар уни қўлга олибди.

— Нима гап? — деб сўрабди Оқйўл.

— Подшоҳи аъзамнинг буйруқлари бор. Сизни зиндонга ташлаймиз.

— Зиндонга! Яхшиликка ёмонликми?

— Унингни ўчир! Подшонинг амри вожиб! Ойгулнинг ўзи тилга кирган. Уқдингми? Уйим баробар зар оламан деб ҳовлиқиб юрибсанми?

— Подшонинг лафзисизлигини билардим. Аммо, жилла қурса Ойгулни бир кўрай. Хайрлашиб қолай.

— Энди тушингда кўрасан Ойгулни. Тенгингни ўйлаганигда бу ишлар бўлмас эди. Қани, юр!

Бир вақт қараса, ҳе йўқ-бе йўқ, Оқйўл зиндонда ётганмиш. Ўғил боланинг пешонасига нималар ёзилмайди, ҳақиқат бир куни тантана қилар, дея сабр қилармиш.

Энди гапни подшодан эшитинг.

Подшо Оқйўлни қизининг ҳузурига киритиб юборибди-да, ҳар галгидай хуфёна йўл пойлабди. Қараса, қизи гапирётганмиш. Подшонинг оғзи қулоғига етибди, аммо яна ўйлаб қолибди. Келиб-келиб қизимни шу ялангоёққа бераманми? Эрта-индин дунёдан ўтар бўлсам, юртни шу бола бошқарадими? Суф-э! Яхсиси ишни ими-жи-мида битирган маъқул... Подшо шу заҳоти навқарбоши билан унинг ҳамроҳларини туттириб, қатл эттирибди ва Оқйўлнинг чиқишини кута бошлабди. Сўнг у кўриниши билан ушлатиб, зиндонга ташлатибди-да: «Қизим шифо топди, гапирди», деб жар солдиртирибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берибди. Оқйўлни бутунлай эсидан чиқариб ташлабди.

Орадан ойлар, йиллар ўтиб, бир куни ўнг қўл вазир таъзим бажо этибди.

— Подшоҳи аъзам, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, маслаҳатли иш бор эди, — дебди.

— Марҳамат!

— Шу, паҳлавон келбатли ўғлимизнинг бошини икки қилиш ташвишида эдик.

— Бош устига...

— Дилимизга тугиб юрган ниятимиз йўқ эмас. Шу, қуда-анда дегандай...

Подшо гап нимадалигини англаб етибди.

— Коса тағида ним коса бор денг. Оғзингизга шакар. — Подшо айёрона кулибди. — Аммо шу ўринда...

— Тушундим, подшоҳи аъзам.

— Яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Гап шу, Ойгулнинг дардига шифо берган ўғлингиз!

— Қуллуқ!

Тўй хабари тез тарқалибди. «Подшо қизини ўнг қўл вазирининг паҳлавон ўғлига бераётганмиш», деган хабарни эшитган одамлар бир қувонармиш, бир қувонармиш. Жарчилар яна кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла, шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, тўйга чорлабди. Тўй ҳақидаги хабар қулоқма-қулоқ Оқйўлга ҳам етибди.

— Шундай бўлишини билардим, — дебди Оқйўл зиндонбон олиб келган хабарни эшитиб.

Зиндонбон ҳайрон бўлибди.

— Нега ундай дейсиз, йигит? Ахир подшо ўз сўзининг устидан чиқди-да. Яккаю-ягона қизини — дардига шифо берган одамга беряпти.

— Амалдорларнинг гапига ҳалиям ишонаркансиз.

— Ишонамиз-да, йигит. Кўз ўнгимизда бўлгач...

— Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади.

Подшо саройида тўй қизигандан қизийверибди. Ниҳоят, ўнг қўл вазирнинг ўғли Ойгул ҳузурига кирибди. Кирибди-ю, Ойгулнинг ранги ўзгариб кетибди.

— Сиз, кимсиз? Нима қилиб юрибсиз? — деб сўрабди у.

Иигит кўкрагини кериб:

— Сизнинг куёвингизман, — деб жавоб қилибди.

— Йўқ, йўқ, — дебдию Ойгулнинг тили тутилиб, яна ётиб қолибди. Тўй азага айланибди. Подшо билан ўнг қўл вазир кечаю кундуз бу вазиятдан қандай чиқиш йўлларини излармиш. Охири яна жарчи жар солибди:

Одамлару, одамлар,
Эшитмадим деманглар.
Нега аввал билмадик,
Дея афсус еманглар.

Подшомизнинг меҳрибон,
Ойгул қизин биласиз,
Ул қизга теккан дарддан
Бағрингизни тиласиз.

Алқисса, сўзимиз шул:
Ким тузатса Ойгулни
Подшомиз ҳадя этар
Ҳазнадаги бор пулни.

Одамлару, одамлар,
Боғда битган бодомлар.
Эшитмадим деманглар,

Кейин афсус еманглар.

Подшо саройига-ё...

Марҳамат-э...

Марҳамат...

Шифо берар одамнинг

Отасига минг раҳмат!

Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди. Зиндонбон ҳар кунги воқеани Оқйўлга етка- зармиш. Оқйўл бир куни зиндонбонга ёрилибди:

— Маслаҳатли кенгаш тўзимас деганлар. Бир иш бор...

— Қанақа иш...

— Агар рухсат берсангиз, табиб бўлиб саройга борсам.

— Таниб қолишса-чи?

— Шу соқол билан-а! Ким таниб ўтирибди.

Ниҳоят, Оқйўл табиб сифатида саройга отланибди. У навбат билан саройга кириб, яна Ойгулнинг хобгоҳига йўл олибди. Ойгул табибни кўрибдию:

— Сиз кимсиз? Бу ерда нима қилиб турибсиз? — дебди.

Табиб секин ва сокин жавоб берибди.

— Шундай ҳурилиқо қизга жон-жон деб уйланардим-у, катталар ўз сўзларида турмайдилар-да...

— Ким, ким дедингиз?

— Подшолар, амалдорлар...

— Қайси подшо?..

— Отангиз. Тўғрисини айтсам, отангиз ҳам лафзсиз.

— Нега ундай деяпсиз?

— Сиз ишонмайсиз! Мана, мен ўша, ўша Оқйўлман. Мени сиздан жудо қилиб зиндонга солишди. Ҳа, ҳа, зиндонга...

Ойгул шу заҳоти ўзини Оқйўл бағрига ташлабди. Шундай қилиб йигит билан қиз- нинг тўйлари қирқ кунга чўзилибди...»

— Мен сира подшо бўлмайман, ота, — дебди Нўхатполвон.

— Шундай қолганинг маъқул, — жавоб берибди Тешавой чол.

Шу пайт қизим ҳам савол бериб қолди:

— Ҳали мурод-мақсадига етгани йўғ-а?

— Йўқ.

— Яна айтинг...

— Қолганини эртага айтаман, қизим. Қаранг, кўзингиз уйқуга тўлиб кетибди. Қани, энди ухладик. Гулду-гуп, гапирганга бир мушт...

НҲАТПОЛВОННИНГ УЙДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

— Дада, дада-чи, бугун боғчада мазза қилиб музқаймоқ едик.

— Боғча опа олиб бердимми?

— Йў-ўқ, Эркиннинг туғилган куни бўлди. Дадаси келди, семиз, юм-юмалоқ экан. Эшигимизга зўрға сиғди, боғча опамизга кўп совға берди. Қарасак, музқаймоқ. Битта- дан бўлиб беришди.

— Боғча опаларинг ҳам едимми?

— Йўқ, уларники бошқача экан. Ейишмади. «Саккиз тепки» дейишди. Уни еб бўл- майдимми, дада?

— Ҳар хил нарсаларни ўйламай, ухланг, қизим.

— Ҳо, ухлаб бўпман, эртақнинг давоми-чи? Нўхатполвон отаси билан бозорлик қилиб келишувди. Уша ерга келгандик.

— Ҳа, эсимда, қизим, — дедим секин ва эртақнинг давомини айтишга тушдим.

...Нўхатполвон отаси билан уйга етиб келишса, кампир ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди. Аравада дунёнинг моли бормиш. Тилла обдаста дейсизми, парвардаю новвот дейсизми, ширин-шакар мева дейсизми... Уй идиш-товоқ, кўрпа-ёстиққа тўлиб кетибди. Чириган бўйра, кигиз ўрнига туркман гилами тўшалибди. Уй эмас, мисоли саройга ўхшармиш. Кампир севинганидан ёшариб кетгандаймиш. Чол ҳали сигирни боғлармиш, ҳали кўй-эчкини оғилхонага ҳайдармиш.

— Ҳай, чол, ким берди шунча бойликни? — деб сўрабди кампир.

— Узим ҳам ҳайронман, — деб жавоб берибди чол. — Ишонай десам, кўзим етмаяпти, ишонмай десам, кўз олдимда турибди. Узинг худо етказди дердинг-ку! Айтганинг келди, кампир. Аммо Нўхатполвонингга тан бериш керак. Тоғдай ўтинни бир ўзи кўтарса-я. Оғзим очилиб қолди дегин. Ҳаммасидан фаройиби эса бозорда юз бер- чи. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, қирқ йилдан бери Ҳакимбойвачча бурнимиздан ип ўтказиб олганди. Қанча ўтин йиғсам ҳам, бир миридан берарди, холос. Нўхатполвон ўшани кўтариб бир солди, кўтариб бир солди, қурбақадай «вақ-қ» этиб тушди. Ана буни ўғил

бола деса бўлади. Кейин қўрққанидан танга бераверди, бераверди. Берган худога ёқибди дегандай, биз ҳам олавердик.

— Емоқнинг қусмоғи ҳам бор.

— Сен шундай дейсан-у, мен ҳам ўйладим. Биласан, қирқ йилдан бери қийналиб келаман. Миқ этмадим. Бақани боссанг ҳам вақ этади, ахир. Бахтимизга Нўхатполвон бор экан.

Шу орада ўроқ кўтариб Нўхатполвон пайдо бўлибди.

— Ота, бу нима?

— Ўроқ, бўталоғим.

— Уни нима қилади?

— Бу билан ўт ўраман, хашак йиғаман, кейин мол-қолга бераман.

— Шуюм ўроқ бўптими? — дебди Нўхатполвон. — Буни ким қилади?

— Ўроқчи.

— Қаерда яшайди у одам?

— Қишлоғимизда Толиб деган темирчи бор. Уша ясаб беради.

— Темирчининг олдига борайлик.

— Нима қиламиз?

— Уч газлик ўроқ ясатамиз.

— Уни нима қиламиз, бўталоғим?

— Бу ёғини ўғлингизга қўйиб беринг. Кейин кўрасиз!

Чол рози бўлиб, улар темирчининг устахонасига йўл олишибди. Темирчи юз-юз элликта ўроқ ясаб, харидор тополмай ўтирган экан. Чолни кўрибоқ, оғзи қулоғига етибди. Ҳали у ўроқни, ҳали бу ўроқни олиб, мақташга тушибди. Чол қайси ўроқни қўлга олмасин, Нўхатполвон «йўқ, бўлмайди», дегандай бошини сарак-сарак қилармиш.

— Ўзи мол оласизларми, йўқми? — уста Толибнинг жаҳли чиқибди.

— Уч газлик ўроқ тайёрлаб беринг, — буюрибди Нўхатполвон.

— Уч газлик?

— Ҳа, ундан катта бўлса бўлсинки, кичик бўлмасин.

— Хўп, чироғим.

— Қанча туради у?

— Э, чироғим, кўнгилдан чиқариб бераверасиз.

— Отажон, битта тилла танга берайликми ё озлик қиладими?

Тилла тангани эшитиб, уста Толиб шошиб қолибди.

— Этади, чироғим, этади. Умрингиздан барака топинг. У дунёю бу дунё кам бўлманг.

Чол билан Нўхатполвон уч газлик ўроқни кўтариб, уйга қайтишибди. Кампир қайнатма шўрва тайёрлаб турган экан, Нўхатполвон апил-тапил ичибди-да, ўрнидан турибди.

— Қаёққа, бўталоғим?

— Ўроқнинг дамини кўрай-чи.

Нўхатполвон уч газлик ўроқни кўтариб, яйлов томон йўл олибди. Ут-ўланлар тиз-ў бўйи экан, Нўхатполвон ҳар ўроқ солганда «ши-ир», «ши-ир» этаркану хирмон-хирмон ўт-ўлан йиғиларкан. Чол ўғлимдан хабар олай деб чиқса, не кўз билан кўрсинки, уй атрофи ғарам-ғарам ўт-ўлан. Югуриб, кампирининг ёнига келибди.

— Қара, қара, бу не синоат?

— Ўзингиз айтар эдингиз-ку, худо берса, бир йўла беради, деб, — дебди кампир.

— Ё, тавба, ё тавба, — ёқасини ушлабди чол. Сўнг Нўхатполвоннинг ёнига бориб, секин чақирибди. — Нўхатполвон, ҳов, Нўхатполвон.

Нўхатполвон қараса, отаси келаётганмиш. Ишини тўхтатиб, пешонасидаги терни артиб пешвоз чиқибди.

— Лаббай, дадажон?

— Чарчаб қолма тагин. Бугунчалик етар.

— Бозорга олиб бормаймизми, отажон?

— От-уловимиз етмайди бунга.

— Бу ёғини ўғлингизга қўйиб берасиз. Қани, бозорга йўл бошланг, отажон.

Чол бундай қараса, Нўхатполвон бир дунё ўт-ўланнинг тагига кириб кетибди.

— Кетдикми, отажон?

Чол ҳайрон бўлганича йўл бошлабди.

— Кетдик, ўғлим.

Чол билан Нўхатполвон бозорга келишса, одамлар: «Бу ўтни мен оламан», «Йўқ, биринчи бўлиб мен кўрдим», дейишиб, бир-бирининг ёқасидан олишаётганмиш.

— Уришманглар, — дебди Нўхатполвон.

Одамлар: «ўт ҳам гапирарканми», дегандай бир-бирини туртишиб-итаришиб, орқага тисарилишибди. Шунда Нўхатполвон чиқиб:

— Қани, ким биринчи? — дебди.

— Мен, — деб жавоб берибди чўққи соқолли харидор.

— Сиз кимсиз? — сўрабди Нўхатполвон.

— Одамман, — кулиб юборибди харидор.

— Одамлигингизни кўриб турибман. Яхши одамсиз ё ёмонми?

Харидор нима дейишини билмай, бошини қашибди.

— Боринг, сиз ҳали ўзингизни билмас экансиз.

Чўққи соқол харидор мулзам бўлиб орқага тисарилибди.

— Яна ким?

— Мен, — жавоб берибди ёшроқ йигит. — Косибман. Кеча битта туёқ олгандим.

Ут керак эди. Шунга...

— Олинг, — дебди Нўхатполвон.

Шундай қилиб, харидор келаверибди. Нўхатполвон сотаверибди, сотаверибди. Чол бир вақт қараса, кўйни-кўнжи пулга тўлиб кетибди. Кечга яқин ота-ўғил қишлоғига йўл олишибди. Нўхатполвон югургилаб бораркан, ҳали от-уловларга, ҳали баланд-паст эларга қараб қоларкан. Йўл-йўлакай отасини сўроққа тутаркан:

— Отажон, бу нима?

— Бу — чархпалак, — тушунтирибди чол. — Бу уйда ҳув, ҳалиги Ҳакимбойвачча бор эди-ку, ўтинга тилла танга берган, ўшанинг иниси туради. Эшиги олдидан оқадиган анҳорга чархпалак ўрнатган. У сувни тепага олиб беради. Кейин-чи, кейин мана шу чархпалакда ҳам бир ҳикмат бор.

— Қанақа ҳикмат, отажон?

— Чархпалакнинг айланишига бир қарагин-а,

— Бир меъёрда айланыпти, холос.

— Ҳикмат мана шунда-да, болам. Чархпалак гўё дунёга ўхшайди. Ҳар айланиши мисоли бир кеча-кундуз. Биз ҳам мана шу чархпалак сингари айланиб-айланиб дунёдан ўтиб кетамиз.

— Манави уйни кимники дедингиз?

— Ҳакимбойваччанинг иниси туради.

— Нега бизнинг уйимиз шунақамас?..

— Қанақа бўлсин?

— Қаранг, баланд, чиройли, катта, кенг...

— Э, болам, улар бой, егани олдида, емагани кетида.

— Биз-чи?

— Биз камбағалмиз. Бугун топсак, эртага етмайди. Яхшиям, сен бор экансан, елкамизга офтоб тегиб қолди.

— Энди ҳамisha тегади.

— Айтганинг келсин, болам.

— Уйни қандай қуриш кераклигини айтмадингиз?

— Қийин, болам, қийин.

— Нимага қийин?

— Лак-лак гувалак керак. Ким уни қуядию ким уради?

— Чархпалак-чи?

— Уйимиз олдида анҳор йўқ.

— Қазиймиз, анҳор ўтказамиз. Чархпалак ўрнатамиз.

Чол бу ишларни ўйлаб, боши қотибди. Ҳа деса, ғоят мушкул иш, йўқ деса, Нўхатполвонни хафа қилиб қўйиши мумкин. Улар уйга етиб келишганда қуёш ботишига ҳали икки терак бор экан.

— Энди нима қиламиз? — дебди Нўхатполвон. — Ишга ҳозир киришаверайми?

— Йўғ-эй, йўғ-эй, — ҳайратланибди чол. — Бугун дам олайлик, тонг отсин, бир гап бўлар.

Нўхатполвон отасининг гапига кирибди-ю, ўзини қўярга жой тополмасмиш. Ҳали онасидан, ҳали отасидан сўрагани сўраган экан. Кампир бундан завқланиб-завқланиб қуларкан:

— Етказганингга шуқр. Болалик уй бозор деганлари шу-да...

Қоқ ярим тунда кўкка тўлин ой чиқибди. Чор атроф сутдай ойдин экан. Нўхатполвон шунча кўзини юмибди, сира уйқуси келмасмиш. Секин ён-верига ўғрилибди. Чол билан кампир донг қотиб ухлашаётганмиш. Ота-онамни уйғотиб юбормайин, деб оёғининг учиде ташқарига чиқибди. Ой худди «Нўхатполвон, Нўхатполвон», деб имлаётганга ўхшармиш. У салқинда ишга шундай берилиб кетибдики, ҳаш-паш дегунча анча-мунча ерни қазиб қўйибди. Узи қазиган ерни кўриб, бир хурсанд бўлармиш, бир хурсанд бўлармиш. Ой уфққа ёнбошлай деганда, анҳор тахт бўлибди. Шунда Нўхатполвон сой сувининг бир қисмини бу томонга буриб юборибди. Янги анҳорда сув тўлғона-тўлғана оқармиш. Нўхатполвон: «Бу бошқа гап», дебди-да, чархпалак ясаш йўлларини ўйлабди. Лекин қўлга илингудай ёғоч тополмабди. Анҳор бўйида ўй суриб ўтирган экан, кунчиқар томон оқариб келаётганмиш. «Ие, тонг отиб қолибди-ку», дебди-да, шошиб уйга кириб, ўрнига етиб олибди. Анҳор сувининг шовқини чол-кампирни уйғотиб юборибди. Улар шоша-пиша чиқиб қарашса, анҳор тўлиб оқаётганмиш. Бирдан ўрқиб кетишибди.

— Нима бу? — деб сўрабди кампир.

— Ё қудратингдан, — дебди чол, — Кеча Нўхатполвон орзу қилаётганди-я. Бугун айтгани рўёбга чиқиб турибди. Югур, ўзини уйғот.

Кампир югуриб уйга кириб Нўхатполвонни уйғота бошлабди. У бўлса, тура солиб:
— Кеч қолдимми, онажон? Отам қани? — деб сўрабди.

— Отанг анҳор бўйида ўтирибди. Буни қара-я, ер ёрилдими, билмадим, ишқилиб, ўрнимиздан турсак, уйимиз олдидан бир тегирмон сув айқириб оқяпти. Отанг иккови-миз ҳайрон бўлиб қолдик.

Нўхатполвон бир керилгиси келибди-ю, яна индамабди. Ташқарига чиқса, отаси ўзида йўқ хурсандмиш.

— Нўхатполвон, Нўхатполвон, кеча анҳоримиз бўлишини орзу қилаётгандинг-а, қара, — дермиш.

— Чархпалак йўқ-ку, — дебди Нўхатполвон ҳеч нарса билмагандай.

— Ҳай, ҳай, борига шукр. Анҳорини берган, чархпалагини ҳам аямас...

Нўхатполвон жилмайиб қўйибди-ю, индамабди. Чархпалакни бугун кечаси албатта ясаб ўрнатиб қўяман, дебди ўзича. Кейин отасидан гувалак қандай ясалишини сўрабди. Отаси ўргатибди.

— Шунинг ўзими? — дебди Нўхатполвон. — Битта шафтоли еб битирганча ўнтасини қуйиб ташлайман.

Тешавой чол аввалига Нўхатполвон роса катта кетяптими, деб ўйлабди. Аммо даштдаги, бозордаги воқеаларни эслаб, елкасини қисиб қўя қолибди. Бир вақт қараса, ўғли лой қилиб, гувалак ясагга тушиб кетибди.

— Уйимиз неча хоналик бўлсин, ота? — деб сўрармиш Нўхатполвон.

— Бизга икки хоналиги етади, — деб жавоб берибди чол.

— Кечаги биз кўрган уй неча хонали эди?

— Э, уми, ўн икки хона бўлса керак.

— Улардан қаеримиз кам, ота? Биз ўн беш хонали қилиб қурамиз.

— Ҳай, ҳай, болам, баланд дорга осилмайлик, — ялинибди чол.

— Нимага баланд дор бўлар экан?

— Ахир, мен бой бўлмасам, чўнтагимда бир мирим бўлмася. Одамлар нима дейди? Осмондан ёғилди, дейманми? Менинг имоним бутун, болам.

— Имон деганингиз нимаси?

Имон — тўғрилиқ дегани, болам. Умр бўйи меҳнат билан кун кўрдим. Бу дунёда беш кунлик умрим борми — йўқми, ёмонотлиқ бўлмай.

— Менинг ҳам имоним бор-а, отажон?

— Бор, ўғлим, бор.

— Шундай экан, нега кўрқамиз? Уғрилиқ қилаётганимиз йўқ, талашиб-тортишаётганимиз йўқ. Фақат ўғлингиз пешона тери тўкяпти, холос.

— Шундаям-да, болам. Бошқалардан ажралиб қолмайлик, дейман-да.

— Ҳаммасини қиламиз, отажон. Сиз саломат бўлсангиз бас.

Нўхатполвон шундай дебдию яна ишга киришиб кетибди. Чол гоҳ у томонга ўтиб, гоҳ бу томонга ўтиб: «Ё қудратингдан», «тушимми, ё ўнгимми?» деб қўярмиш. Ҳаш-паш дегунча бири-бирга туташ, баланд, кенг, ўн беш хонали уй тайёр бўлибди. Чол билан кампир уйга киришиб, оғзилари очилиб қолибди. Қўни-қўшнилари бири-бирларига хабар қилишиб, чол ва кампирнинг кулбаси ўрнидаги саройни кўринглар дейишармиш, олдинма-кетин мўборак бўлсинга чиқиб келишаётганмиш.

— Анҳорга қулинг ўргилсин чархпалак ўрнатилсам, подшонинг саройидан ҳеч қолишмайди, — дейишармиш улар.

Бу гапни Нўхатполвон эшитиб:

— Чархпалак ҳам бўлади, — дебди.

— Ё тавба, ким у? — дейишибди қўшнилари.

— Мен, Нўхатполвонман.

— Менинг полвон ўғлим. Ҳаммаси шу туфайли, шунинг шарофати билан, — дея мақтанибди Тешавой чол. Йиғилганлар ҳам унга узоқ умр тилашибди. Кейин Тешавой чол ёнига келиб:

— Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдик, отахон, — дейишибди.

— Марҳамат, сўранглар!

— Сув келиб, энди қанчадан-қанча қақраб ётган ер яшнаб кетади. Бир парчадан ер берармикинсиз...

— Берганда қандоқ, қанчага кучингиз етса, шунча ерга уруғ сочинглар, — деб жавоб берибди Тешавой чол.

Қўшнилари севинишиб, чолу кампирни ботир ўғлига қўшиб дуо қилишганча уй-уйларига тарқалишибди. Шунини кутиб турган Нўхатполвон:

— Отажон, қаранг, кун ботибди, — дебди.

— Ҳа, кеч кирди. Қани юр, ўғлим, энди дам оламиз. Янги шоҳона уйда бир мазза қилиб ухлайлик бугун.

— Эртак-чи? Эртак нима бўлади? — дебди ўксиниб Нўхатполвон.

— Оббо, сен-ей, ҳеч эсингдан чиқмади-да. Айтаман, албатта, айтиб бераман. Фақат олдин бироз тамадди қилайлик.

Шундай қилиб, кечки овқатдан сўнг Тешавой чол қулинг ўргилсин ёғоч сўрида ўтирганча ёнбошлаб,

ТОҒТЕШАР ОДИЛЖОН

ҳақидаги тўртинчи эртагини бошлабди.

«Қадим-қадим замонда Қобилжон деган бир одам ўтган экан. Унинг икки ўғли бор экан. Қобилжон эртаю кеч бир парча ерида деҳқончилик қилар, топгани қора қозонини қайнатишга зўрға етар экан. Бундай тирикчилик катта ўғли Омонбойга ёқмас, нуқул танқис таомлару, отасининг қўли етмас нарсаларни орзу қиларкан. Кичик ўғли Одилжон эса камгап, камсуқум, бунинг устига меҳнаткаш экан.

Кунларнинг бирида Қобилжон ўғилларини ёнига чақирибди.

— Ўғилларим, — дебди у. — Пешонамизда шу бир парча ердан бўлак ҳеч нарсамиз йўқ. Энди сизлар кичкина эмассизлар. Бўй етиб қолдингизлар. Энди сизларни сафарга йўлласам, ўз бахтларингизни ўзларингиз қидириб кўрсангиз. Мен дуои жонингизни қилиб ўтиришдан бошқасига ярамай қолдим.

Бу сўзни эшитиб, Омонбой туюқиб кетибди.

— Бу нима деганингиз, бобой? Мен ҳеч қаяққа бормайман. Бизларни сафарга жўнатиб, ўзингиз еру ҳовлини сотмоқчимисиз? Ёганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда бўлишни истайсиз-да, шунақами? Бизни алдаб бўпсиз! Тушингизни сувга айтинг! — дебди у.

Қобилжоннинг кўзига ёш қуйилиб:

— Шундай дейишингни билардим, болам, — дебди зўрға. Лекин бу жой отабоболаримиздан қолган. Отам бу дунёдан ўтар вақтида: «Болам, мана шу ерни азиз деб билгин, ҳаргиз сотмагин», деб васият қилганлар. Шундан бери оч қолсам-қолдим, аммо сотмадим. Сизларга ҳам насиҳатим шу, йўқса косанглар оқармайди...

— Э, ота, туғилганимиздан бери шу насиҳатингизни қиласиз, — дебди яна Омонбой.

Қобилжон мўлтираб, кенжасига қараган экан, у:

— Нима десангиз, шу, отажон, — дебди. — Аммо қариган чоғингизда сизни қандай ёлғиз қолдириб кетаман?

— Кет дегандан сўнг кетасан-да, — акасининг жаҳли чиқибди. — Ё ҳовли-жойга эгалик қилмоқчимисан? Олиб бўпсан!

Одилжон чор-ночор сафарга ҳозирлана бошлабди. Ниҳоят, йўл тадориги кўриб бўлингач, отаси оқ фотиҳа берибди. Ўғиллари остона ҳатлаб ўтмаёқ жони узилибди. Ака-ука йиғлаб-сиқтаб отани жойига қўйиб келишибди, маъракаларини ўтказишибди. Сўнг бир куни акаси:

— Қачон йўлга отланасан? — деб қолибди.

Қараса, бўлмайдиган. Одилжон хуржунини яна кўтариб йўлга отланибди.

Омонбой, иниси кетиб, маишатдан боши чиқмай қолибди. Кейин бор-будини сотиб ебди. Пичоққа илинадиган нарсаси қолмагач, ерни бор-барака қилибди. Қўлига жарақ-жарақ пул тушгач ҳовлиқиб қиморбозларга қўшилибди. Ютиб, ютқазибди, яна ютибди. Сўнг, уйланиб, «яшаш бундай бўпти», деб давру даврон сура бошлабди.

Энди гапни Одилжондан эшитинг. Туғилган ерию отасидан жудо бўлган Одилжон зор-зор қақшаб йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Чексиз ўрмон бўйлаб бораверибди, бораверибди. Бир вақт қараса, битта кўзи маъраб ётганмиш. Эгасидан айрилиб қолибди-да, бечора кўзичоқ, худди ўзимга ўхшаркан, дебди-да, бошини силабди. Қараса, кўзичоқнинг битта оёғи синган экан. Озгина сув ичириб, нонидан бир бўлак тутқазибди. Кўйлагининг бир енгини йиртиб, кўзичоқнинг оқсоқ оёғини боғлаган экан, шу заҳоти ўрнидан туриб, дикир-дикир ўйноқлай кетибди.

Одилжон дили равшан тортиб, яна йўлга тушибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир биёбонга келиб қолибди. Кун қиздириб, қум оёғини қуйдирармиш. Шундай бўлса-да, Одилжон орқага қайтмабди. Шу орада иссиқдан ҳансираб, чала жон ётган олапарга кўзи тушибди. Дарров унинг бошини силаб, хуржунидан сув олиб тутибди. Озгина нон берибди. Қараса, олапарнинг бир оёғидан қон оқаётганмиш. Одилжон кўйлагининг бу енгини ҳам йиртибди-да, олапарнинг оёғини боғлаб қўйибди. Шундан сўнг олапар ғингшиб бошини кўтарибди-да, икки-уч одим юрибди, чопиб кетибди. Одилжоннинг дили равшан тортиб, яна йўлида давом этаверибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, охири яйлов кўринибди. Майсалар кўм-кўкмиш, аҳён-аҳёнда зилол сувли ариқлар учрармиш. Одилжон сувдан қониб-қониб ичибди, сўнг ёнбошлабди-да, уйкуга кетибди. Мириқиб ухлаб, ўрнидан турибди-да, яна йўлга тушибди. Бир вақт йўлда ўн тўрт кунлик ойдек гўзал қиз ҳушидан кетиб ётганмиш. Одилжон шоша-пиша хуржунини очиб, қизнинг оғзига сув томизибди. Қарасангиз, қизнинг ўнг қўлидан қон оқаётган эмиш. Одилжон апил-тапил кўйлагининг этагидан йиртибди-да, қизнинг қўлини боғлаган. Гўзал қиз ўзига келиб, кўзларини очибди.

— Үзинг кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан? — сўрабди у.

Йигит бошидан ўтганларини бирма-бир сўзлаб берибди. Сўнг қиз ҳам бошидан кечган савдоларни очибди.

— Йўлда қўзичоқ бўлиб кўриндим, ўзинг оч-наҳор бўлишингга қарамай, хуржунингдаги емишу сувингни аямадинг. Кўйлагингнинг бир енгини йиртиб, оёғимни боғладинг. Кейин олапар бўлиб кўриндим, ўйлаганимдан ортиқ яхшилик қилдинг. Мана, ниҳоят ўн олти ёшли гўзал қиз бўлиб кўриндим. Яна меҳрибончилик кўрсатдинг. Раҳмат, сенга, эй йигит! Қани, айт, сенга нима ёрдам кўрсатай? — дебди.

— Бу бевафо дунёда умидим ушаладимми? Шуни билгим келади. — дебди йигит.

— Албатта қидирганингни топасан. Сен Қорахон подшонинг юртига боришинг керак. Унинг ҳурилиқо қизи бор. Исми Моҳичеҳра. Шу кунларда не-не йигитлар унинг атрофида парвона. Лекин Моҳичеҳранинг истагини ўринлатолмай, армонда юришибди. Мана, эй йигит, бир енгингни сеҳрлаб ўзингга қайтариб беряпман. Бошингга мушкул тушса қўлингга ол-да, мени чақир. Шу заҳоти ёнингда пайдо бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатаман, — дебди-ю қиз кўздан ғойиб бўлибди.

Одилжон гўзал қизни кўрганидан бир қувониб, ғойиб бўлганидан бир ўксиб, йўлга тушибди. Бир кеча-кундуз юрган экан, Қорахон подшонинг мамлакатидан чиқиб қолибди. Бу юртда истаган нарсани топиш мумкин экан-у, аммо сув камчил экан. Сабаби — илгари жаннат ҳисобланмиш бу ўлкада бирдан тоғлар қасир-қусур сурилиб, дарёни тўсиб қўйган экан. Ҳамма сув келтириш йўлини изларкан-у, тополмаскан. Подшонинг ой деса ой, кун деса кундан ўтгудек қизи бор экан. Унинг ҳусни ҳақидаги овозалар Мағрибгача етибди. Не-не паҳлавонлар «Моҳичеҳрага, мана, биз хуштормиз» деб турна қатор келишаркан. Моҳичеҳра ҳусндагина эмас, доноликда ҳам ягона экан, элининг сувсизликдан эзилаётганини кўриб шарт қўйибди. Висолимга етишишни кўзлаган йигит тоғни тешиб, сув олиб келсин. Шартим шу, дебди.

Буни эшитган паҳлавонлар «тоғни, мана, биз йўнамиз-да», деб ҳовлиқиб ишга киришибдилар-у, уч-тўрт кун ўтмай, ҳафсаласи пир бўлиб қайтаверибдилар. Худди шу пайт Одилжон шаҳар дарвозасидан кириб борибди.

У шаҳар чеккасидаги бир уйга қўнибди. Саксонни қоралаб қолган кампир дастурхон ёзиб, меҳмон қилибди. Одилжон сув камлиги боисини кампирдан секин сўрабди. Шунда у:

— Тепада бир олам сув бор. Фақат ўшани бу ёққа бурадиган мард топилмаяпти. Подшомизнинг қизи ҳам ана шундай мардни кўриш иштиёқида. Илоҳим, Моҳичеҳранинг орзуси тез кунларда ушалсин, — дебди кампир.

— Эй, онахон, мен неча кун, неча ойлардан бери бахтимни қидириб келяпман. Ҳамма қатори кучимни бир синаб кўрайинми? — дебди Одилжон.

Кампир унинг келбатига қараб, ҳайрон бўлибди.

— Ол қулим, деган бўлса ажабмас, болам. Аммо не-не паҳлавонлар қўлини ювиб қўлтиғига уриб қайтиб кетяпти.

— Сизнинг нон-тузингизни ичдим, онахон, бундан кейин сувингиз бисёр бўлсин, дейман.

— Умрингдан барака топ, болам. Мана шу яхши сўзинг учун раҳмат. Эл қатори кучимни синаб кўрай десанг, эртага подшо ҳузурига бор-да, қарорингни айт! Моҳичеҳранинг жамолига бир боқ! Зора мадад бўлса.

Бу маслаҳатдан Одилжоннинг боши осмонга етибди-ю, яна ўйланиб қолибди. Эл-юрт сув деб қийналиб ётса-ю, мен подшо ҳузурига бориб ижозат сўраб юрсам ярашадими? Ундан кўра ўзимча бориб ишга киришавермайманми, дебди-да, отланибди. Шунда бирдан қўнидаги енг эсига тушиб, унга назар ташлаган экан, ёнида гўзал қиз пайдо бўлибди.

— Кўнглинг нени тусади, эй йигит! Хизматингга шайман, — дебди у.

— Шу тоғни йўниб сув келтирсам, — дебди Одилжон.

— Ишинг бароридан келсин, эй йигит! Сен бугун темирчига учрагин-да, ўн газлик ўнта қилич ясат. Кейин ўша тоғ тагига бориб, ўн жойга гулхан ёқ. Ҳар қилични алоҳида-алоҳида гулханда тобла. Қилич чўғга айлангач, тоғ бағрига шиддат билан санч. Шунда ниятингга етгайсан. Бор, омадингни берсин, — деб қиз ғойиб бўлибди.

Айтилганларни адо этиб, ниҳоят Одилжон тоғ тагига келибди. Ўн жойга гуриллатиб гулхан ёқиб, қиличларини тоблаб бошлабди. Сўнг чўғга айланганини қўлга олиб, тоғ бағрига санчган экан, сариёғ кесгандек кесилиб турибди. У ҳар қилич солганда уйда-уйдай жой очилармиш. Ҳаш-паш дегунча каттагина лаҳм пайдо бўлиб, ўша куниеқ юртга унинг овозаси кетибди. Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар. Тоғда шундай тоғтешар пайдо бўлибдики, ҳар зарбидан... дегучилар кўпайибди. Бу хабар подшо билан қизига ҳам етиб борибди. Улар шошиб қолишибди. Қиз йўл тадоригини кўра бошлабди. Аммо отаси:

— Шошма, қизим, сабрнинг таги олтин, дейдилар, — дебди. — Яна бир оз кутайлик. Эҳтимол, баҳодирнинг ўзи келар.

— Назаримда у бўлар-бўлмасга мақтанадиганга ўхшамайди, отажон, — деб жавоб берибди Моҳичеҳра. — Ёнида бўлсак яхшимиди.

— Бу гапингда жон бор, қизим. Майли, борганимиз бўлсин!
Эртасига подшо вазир аёнлари, шоиру мунажжим, имому навкарлари билан тоққа йўл олибди. Моҳичеҳра қирқ канизаги даврасида экан. Йўл-йўлакай одамлар тоғтешар паҳлавонни хайрли ишга йўллагани учун подшога шукроналар айтишармиш. Улар тоғ тагига бориб, лол қолишибди. Паҳлавон бир лаҳм очибдики, ундан ўн беш от ёнма-ён юрса бўлгудекмиш. Шу орада Моҳичеҳра ҳам отдан тушиб, лаҳм томон юрибди. Худди осмондан ой тушиб, лаҳмга киргандай ёруғ бўлиб кетибди. Паҳлавон уни кўриб ҳайрат билан тикилиб қолибди ва: «Эй гўзалликда моҳни ҳайрон қолдиргувчи қиз! Бу ерларга қандай келиб қолдинг?» деб сўрабди.

— Сендек паҳлавонни ўз кўзим билан кўргани келдим, — жавоб берибди Моҳичеҳра.

— Раҳмат, гўзалликда тенги йўқ қиз. Мени бу хайрли ишга отлантирганингдан бошим осмонда. Бунинг учун сенга ҳали минг раҳмат айтурлар, — дебди Одилжон.

— Нега ундай деяпсан, тоғтешар йигит! Элимиз учун жон куйдираётган ўзинг-ку!

— Сен юртнинг паҳлавонларини бу ишга йўлламаганингда мен қаёқда эдим!

— Бутун элнинг диққатини ўзига қаратган йигит, менинг қароримни билурмисан?

— Биламан, гўзалликда моҳни ҳайрон қолдиргувчи қиз!

Моҳичеҳра ҳиммати зўр йигитни дилдан севиб қолибди-ю, тоғ оралаб сув ўтадиган кунни орзиқиб кута бошлабди.

Орадан кунлар, ҳафталар ўтиб, ниҳоят Одилжон лаҳмининг сўнги қулочига қилич санчган экан, тоғ тешилиб, сув шариллаб оқа кетибди. Одамлар унинг икки қирғоғига тизилишиб, томоша қилишармиш, ҳовучларини тўлдириб сув ичишармиш, омон-сомонлик қилиб юз-бетларини чайишармиш. Карнай-сурнайлар чалиниб, катта тантана бошланиб кетибди. Бир ёнида дор қурилиб, дарбозлар томоша кўрсатишга тушибдилар. Бир ёнда эса, қирқ ботмонлик қозонда палов дамланар эмиш. Подшо шу кундан эътиборан қирқ кечаю қирқ кундуз тўй, деб эълон қилибди. Шу орада қирқ навкар келиб, Одилжонни оқ кигизга ўтқизиб, сарой томон кўтариб кетишибди.

Тўй тугаб, овозалар босилгач, Одилжон подшо ҳузурига кирибди:

— Энди рухсат берсангиз қишлоғимга қайтсам. Юртимни соғиндим, — дебди.

— Ахир мени бу дунёга боғлаб қўйибдими, шошмасанг, ўрнимга қолардинг, — дебди подшо.

— Узр. Ота юртни обод қилмаган инсон инсонми?! Мен қайтсам, — деб кўнмабди куёв.

Подшо унинг раъйини қайтаролмабди. Нима ҳам қилсин, қирқта туя, қирқта қўй, қирқта сигир, қирқта от, қирқ навкар, қирқ канизак билан Одилжону Моҳичеҳрани кузатиб қўйибди.

У келса, акиси Омонбой аллақачон қиморбозларга қўшилиб, бор буд-шудини ютқазган, сўнг гадоларга қўшилиб кетган экан. Ука акани топтириб келиб, уй-жой қилиб берибди. Қўлига дастмоя бериб ишга жойлабди-да, сўнг роҳат-фароғатда яшай бошлабдилар».

— Ота, отажон, мен ҳам сизнинг гапингиздан чиқмайман, — дебди Нўхатполвон.

— Шундай қилиш керак. Каттанинг гапига кирган одам кам бўлмайди.

— Мен Омонбой эмас, Одилжонга ўхшайман-а, ота?

— Ҳа, Одилжонга ўхшайсан, болам.

Шу пайт қизим кўзини катта очиб:

— Ҳали Нўхатполвон мурод-мақсадига етгани йўғ-а? — деб сўради.

— Йўқ.

— Унда яна айтинг.

— Йўқ, она қизим, энди қолганини эртага эшитасиз. Қаранг, кўзингиз уйқуга тортиб кетяпти. Қани энди, ухладик. Гулдур-гуп, гапирганга бир мушт...

НҲХАТПОЛВОННИНГ ТҮЙДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Навбатчиликдан алламаҳалда қайтсам, Мунаввара ухламай кутиб ўтирибди.

Эшикни очишимни биламан, у ўзини менга отди.

— Ана, аяжон, ҳозир келадилар, дебмидим? Энди ухлаб бўпман! Нўхатполвон бор-а, дада? Эртақнинг давомини эшитмай ухлаб бўларканми? Ҳозир айтасиз-а, дадажон?!

Ошхонада куймаланиб юрган аяси гапга қўшилди.

— Аввал бир пиёла чой ичсинлар, қизим. Эртагинг қочмас...

— Энди қочмайди. Келинг, дадажон. Ош қилдик. Иссиққина, мазза қилиб еб оласиз, мен ёнингизда ўтираман.

— Кейин эртақ айтаманми?

— Бўлмасам-чи? Шунинг учун ухламаяпман-да.

— Зийрак қизалоғимдан айланай, — деб эркалатдим. — Қани, ўрнингизда айтинг-чи.

...Шундай қилиб эртаси куни Зарқишлоқ кўчаларида бир отлиқ айланиб, овози

борича бақирибди. Нўхатполвон отасига бир-икки ўгирилибди-да, нима гаплигини билолмай, елкасини қисибди. Сўнг сабри чидамай, сўрашга тушибди.

— Ота, анови отлиқ нима деб бақиряпти?

Чол кетмонни ерга қўйиб, пешонасидаги терни артиб жавоб қилибди.

— Эллиқбоши ўғлининг қўлини ҳалоллаяпти. Шунга одамларни тўйга айтяпти...

Қизим эртакининг ҳар бир воқеасини берилиб тинглар, «Хи-хи», «хи-хи» дея маъқуллар, «кейин нима бўлди?» деб сўрар эди. Ҳозир ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, хаёлига бир нарса келдимми, тўхтаб қолди.

— Эртагингиз қизиқ экан. Ҳар куни айтасиз-а, дада?

— Ҳар куни айтаман, қизим.

— Ҳозир, дада, бизда-чи, бугун қизиқ бўлди?

— Яна нима қилиб қўйдиларинг?

— Бизмас. Боғча опамиз.

— Яна совға олдимми?

— Йўқ, тушдан кейин уч-тўрт одам кириб, боғча опамизни сўради. Чиқди. Кейин сумкасини очган эди, қизариб кетди. Биласизми, дадажон, бизга берадиган ширинликларни беркитиб қўйган экан. «Иккинчи қилмайман», деб ялинди. Кўнишмади. Кейин йиғлади. Барибир қўйишмади. Биз ҳам қараб турмадик.

— Нима қилдиларинг?

— Биз ҳам йиғладик.

— Нимага?

— Катта одам йиғласа қизиқ туюларкан. Кейин боғча опамиз йиғласа-ю, биз қараб турармидик. Нимага унақа қилишади, дада?

— Боғча опангиз ўғрилиқ қилибди-да?

— Қанақасига?

— Боғчанинг нарсасига кўз олайтирмаслик, бировнинг ҳақини емаслик керак.

— Доим шунақа қилардию...

— Кўза кунда синади дейишгани шу-да. Эртасини ўйламай ўмаривади. Кейин пушаймон қилишади. Жойига қайтмайди. Боғча опаларинг ҳам бешала панжасини оғзига солиб олибди.

— Йўқ, дада қўлини оғзига солмайди.

— Мен болаларнинг ризқини ўмарганини айтяпман.

— Унда нима бўлади?

— Жазолашади.

— Олмаса бўлмайдимми, ўша ширинликларни?

— Аввал олиб ўрганиб қолишган-да. Энди кўнгиллари тўлмайди. Бора-бора бу одат йўқ бўлиб кетади.

— Айтинг, эртага йўқ бўлсин.

— Айтаман, қизим, айтаман.

— Ўзимизнинг эртагимиз яхши эди, а, дада? Қаерга келган эдик. Ҳа, айтганде...

...Шундай қилиб, чол билан Нўхатполвон томорқадаги экинларга сув тараб бўлишиб, юз-қўлларини ювишиб, артинишиб, тўйга отланишибди. Йўл-йўлакай одамлар Тешавой чолга қўлларини кўксига қўйиб қуюқ салом бераркан-у, ўтиб бўлишгач, Нўхатполвоннинг орқасидан мазах ҳам қилишаркан. «Ўзи тарвуздеккина-ю, бир зумда олам-жаҳоннинг ишини битиради-я» деб ҳаваслари ҳам келаркан. Кейин «Бизнинг ҳам шунақа ўғлимиз бўлгандайди», деган ҳасад ҳам уйғонаркан. Тешавой чол билан Нўхатполвон тўйга кириб боришганда эллиқбоши уларни кўрмаганга олиб, амалдорлар томон ўтиб кетибди. Тешавой чол қайси томонга ўтишини билмай турган экан, уста Толиб: «Бу ёққа ўта қолинг, отахон», деб камбағаллар ўтирган томонга бошлабди. Бундан Нўхатполвон бир ижирғанибди-ю, индамай қўя қолибди. Лаби учган косада шўрва тортилибди. Чол билан Нўхатполвон апил-тапил шўрани ичиб, туришмоқчи бўлишибди, лекин уста Толиб кўнмабди.

— Ишинг қизиғи энди бўлади, отахон,— дебди у.— Қанча-қанча жойлардан елкаси ер искамаган ман-ман деган полвонлар келишган. Буни томоша қилмасак бўлмас.

— Нима қилайлик, Нўхатполвон? — деб сўрабди Тешавой чол.

— Кўрайлик, ота!

— Сен айтганча бўлсин,— дебди чол. Сўнг улар кураш бошланишини кутишибди.

Шунда одамлар «гурр» этиб ўринларидан туришиб, «Полвонни олдин мен кўрай», «Йўқ, ўзим кўраман», деб бир-бирларини туртишиб, кураш бўладиган майдонни ўраб олишибди. Соқоли кўксига тушган, новча, от юзли оқсоқол ўртага чиқиб:

— Халойиқ,— дебди.— Эллиқбоши умр бўйи битталаб йиғган мол-дунёсини элулусга улашишни ўзининг оталиқ бурчи деб билди. Яккаю ягона, кўзининг оқу қораси бўлган фарзандининг қўлини ҳалоллаш мақсадида бугун, кўрдингизки, тўкин дастурхон ёзди. Эллиқбошининг бу мурувватидан ҳаммамизнинг бошимиз осмонда. Етиму бевга

бечорларинг ҳам қорни тўйгай. Тўйни шодон ўтказиш, кўнгилларни хуш қилиш мақсадида Мағрибу Машриқдан меҳмонлару елкаси ер искамаган полвонлар ташриф буюришган. Келинлар, курашимизни ҳам шоду хуррам ўтказайлик. Омин!

Ҳамма қўлини кўтарибди. Сўнгра даврага юм-юмалоқ, кўкраги бўртиб чиққан, қўлоёқлари абжир йигит чиқиб, яктагининг устидан бўш боғланган белбоғини у ёқ-бу ёққа суриб, отахон томон юрибди.

Отахон полвонга зимдан разм солиб, белбоғи қандай боғланганлигини текширибди.

— Исмингиз, полвон? — сўрабди отахон.

— Суярполвон,— деб таништирибди у ўзини.

Отахон полвоннинг қўлидан ушлаб, майдон бўйлаб айлантира бошлабди.

— Мана, даврамизда турк элининг машҳур полвони Суярполвон пайдо бўлдилар.

Суярполвон билан олишаман деган мард бўлса, майдонга чиқсин!

Майдон бирдан жимиб қолибди. Отахон баланд овозда яна қайтариб:

— Бу курашда ғолиб чиққан полвонга қора кўчқор берилади,— дебди.

Кураш майдонида одамларнинг нафас олишлари ҳам эшитилармиш. Шу пайт орқа томондан «мен» дебди биров. Ҳамма: Суярполвонга бас келадиган мардни кўрайлик», деб ўша томонга қарашибди. Одамлар оралаб келаётган ингичка йигитга кўзлари тушибди. У ҳам отахонга қўл узатиб, сўнг Суярполвонга зимдан қарабди.

— Кўришинлар, полвонлар,— дебди отахон.

Янги чиққан полвон Суярполвонга қўл узатибди. У елкасидан келармиш.

— Исмингиз, полвон? — сўрабди отахон.

— Қамишполвон,— деб жавоб берибди полвон.

Одамлар «гурр» этиб кулиб юборишибди. «Тўғри, нақ қамишнинг ўзи-я!» «Ишқилиб, йиқилиб шарманда бўлмасайди», деган шивир-шивир кўпайибди. Полвонлар одамлар томон яқин келиб, курашга фатво олишиб, «Ё шарманда қилма», дейишиб, майдоннинг ўртасига ўтишибди. Сўнг отахон полвонларнинг қўлларини белбоғидан ўтказиб, «тўғрими, йўқми» дегандай қараб қўйиб: «Қани, бошладик, полвонлар», деб рухсат берибди.

Шундай қилиб, майдонда икки кўчқор дейсизми, икки йўлбарс дейсизми, қандай ўйласангиз ўзингизга ҳавола, Суярполвон билан Қамишполвон олиша кетишибди. Улар бири-бирдан абжир, бири-бирдан мард эканми, ҳали униси, ҳали буниси рақибини кўтариб ерга урмоқчи бўларкан-у, уддасидан чиқа олмас экан. Одамлар худди жони ҳалқумига келгандай қилтиллаб турармиш. Биров «Қамишполвоннинг бели бақувват», деса, бошқа биров «Суярполвон илигининг бутлигини қаранг», деб ҳамроҳининг сўзини бўлармиш. Иккала полвон майдонда ҳали у томон, ҳали бу томон юриб терлаб-пишиб кетишибди. Сабри чидамаган томошабинлар: «Иккаласига ҳам тан бердик. Совринни бўлиб бериш керак», дейишибди. «Э, бунга полвонлар кўнадими? Нонини ҳалоллаб ейишади улар», деб жавоб берибди яна бир гуруҳ. Шунда аломат ҳодиса юз берибди. Қамишполвон «Ё отамнинг руҳи», дебдию Суярполвонни шундоқ кўтариб, ён томонга олибди. Рақиб эпчиллик билан оёқ тирамоқчи бўлган экан, бу ёнга қараб отибди. Ҳа-ҳайиқ дув этиб ўрнидан туриб кетибди. «Яшанг, полвон!», «Отасига раҳмат!», «Иш мана бунга бўлибди!», деган овозлар босиб кетибди. Отахон Қамишполвоннинг елкасига қоқиб, Суярполвонни секин турғазиб, майдон ўртасига олиб келибди. Қамишполвон ҳадеб илжармиш. Суярполвон эса, қошини чимириб, кўзини ердан ололмасмиш. Отахон Қамишполвоннинг қўлини баланд кўтарганда ҳаммаёқни қарсак овози тутиб кетибди.

Ана энди Қамишполвоннинг майдон ўртасида юришини кўрсангиз. Отахон белбоғини ечиб, бир томонини каттароқ очиб, одамлар оралаб, «Полвонга атаганларингизни ҳада этинлар» деб юра бошлабди. Чақа дейсизми, ярим пулми, бир тангами, ишқилиб, белбоғ бирпасда тўлиб кетибди. Қамишполвон ҳам ғоз юриб, «менга талабгор чиқиб бўпти» дегандай керилиб, ҳали қийғир қараш, ҳали куш қараш қилармиш. Отахон белбоғини тугиб, пулларни босиб-босиб, чеккароққа кўяркан:

— Қамишполвонга талабгор бўлса, майдонга чиқсин. Бу сафар ғолибга тана берилади,— дебди.

— Мен,— дебди Нўхатполвон ва дик этиб ўрнидан турибди.

Одамлар «гурр» этиб кулиб юборибди. Бир нечаси: «Қани у полвон, овози қаердан келяпти?», дейишармиш. Отахон тарвуздай юмалаб келаётган болага дам ишониб, дам ишонмабди. Шундай бўлса ҳам:

— Сен кимсан?— деб сўрабди.

— Нўхатполвонман.

— Ким билан курашасан?

— Манави полвон билан.

— Уйлаб гапиряпсанми? Кўтариб бир урса, чил-парчин бўлиб кетасан-ку?

— Қанақа қилиб уришни кўрсатиб қўяман.

— Бу адолатдан эмас,— дермиш бир томон.

Майдонга Одил олифта чиқиб, Қамишполвоннинг қулоғига шивирлабди.

— Нима? Шу тирранчадан-а? — Қамишполвоннинг ғазаби қайнабди.

— Мен айтдим-қўйдим. Бу бола эмас, бало,— дебди Одил олифта узоқлашаркан.

Қамишполвон бундай қараса, Нўхатполвон тўпигидан ҳам келмаскан. «Бир қўлимдағижимлаб ташлайман. Туғилганига пушаймон есин», деб ўйлабди ўзича.

Нўхатполвон эса: «Анчадан бери ота-онамга дурустроқ ёрдам беролмаяпман. Утин, тергани чиқмаяпмиз, бозорга бормаяпмиз. Уйни қуриб олдиг-у, тузук-қуруқ ашқол-дашқол ҳам олмадик. Отам дала иши билан овора. Онам эса уй юмушидан ортмайди. Курашсам курашибман-да. Бунақа полвонлар менга чўт эмас. Бир уриб йиқитаман-да, танани етаклаб кетавераман. Манови нокаса ўхшаб пул йиғдирмайман. Келиб-келиб бева-бечораларнинг чўнтагини қоқлайдими? Ўзлари тўлаб туришибди-ку...» деб хаёл қиларкан.

Отахон ниҳоят Қамишполвонни энгаштириб, қўлларини Нўхатполвоннинг белидан ўтказиб қўйибди. Нўхатполвон бир силкиниб Қамишполвоннинг белига осилиб, маҳкам ушлаб олибди. Қамишполвон «Е, қудратингдан» дебдию Нўхатполвонни даст кўтариб, «чир-чир» айлантира бошлабди. Одамлар бола бечорани ўлдириб қўяди дегандай дув этиб, ўринларидан туриб кетишибди. Қамишполвон ана ураман, мана ураман дермиш-у, эпини қилолмасмиш. Нўхатполвон эпчиллик билан оёқларини тираб қоларкан. Қамишполвон яна бирпас дам олиб, бу томонга айлантира бошлабди. Нўхатполвон бу ёқда қолиб, одамларнинг хўрлиги келармиш. Тешавой чол ҳам чидай олмабди. Кўзи жиққа ёшга тўлибди. «Болам, болам-эй», деганини билмасмиш. Яна Нўхатполвон дик этиб жойида туриб олармиш.

Даврада ғала-ғовур бошланибди:

— Етади, отахон, шунча бас келгани катта гап.

— Улмасидан бурун ажратиб қўйинг.

— Кичкина деманг бизни, деганича бор экан.

— Нўхатполвон ажалидан олдин ўларкан-да?

Бу сўзлар Нўхатполвоннинг қулоғига элас-элас кирибдию қитиғи келгандай: «Менинг ғамимни ейишяпти-я. Сизлар айтганча бўла қолсин», дебди. Орадан кўп ўтмай ҳалиги гап бошқача таъсир қилибди. «Кимлигимни кўрсатиб қўяман. Ё Ҳизрбува, ўзингиз қўлланг», дебдию Қамишполвонни даст кўтариб, бир урган экан, ер ларзага келибди. Одамлар қарашса, Қамишполвон узала тушиб ётганмиш. Атрофни одамларнинг қий-чуви босиб кетибди. Қамишполвон орқасига қарамай, қочиб борармиш. Бўпти кулги, бўпти кулги!

— Нўхатполвонга балли!

— Отасига раҳмат! Шунақа полвонларимизнинг омади келсин. Юртимиз тинч бўлсин, омин!

— Омин! — дейишибди ҳамма.

Отахон яна давра айланиб соврин йиғмоқчи экан, бир маҳал Нўхатполвоннинг овози янграбди:

— Соврин йиғманг!

— Нимага, полвон?— сўрабди отахон.— Юртники ҳалол! Пешона тери билан тоқ дингиз.

— Йўқ, бева-бечораларга керак бўлса мен улашаман. Тананинг ўзи етади.— Сўнг даврага қарабди.— Кетдик, ота.

Тешавой чол билан Нўхатполвон ҳали у томонга, ҳали бу томонга қараб, таъзим бажо келтириб, қўлларини силкитиб уйга равона бўлишибди. Шу пайт Нўхатполвон:

— Уйга қуруқ қайтмаймиз-а? — деб сўрабди.

— Йўқ, тана олиб келяпмиз-ку,— жавоб берибди отаси.

— Мен эртакни айтаяпман,— гина қилибди Нўхатполвон.

— Ҳа, эртакми? Бўпти болам, айтганим бўлсин!

Шундай қилиб Тешавой чол

УЧ ОПА-СИНГИЛ

ҳақидаги бешинчи эртагини бошлабди.

...Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Сотволди тажанг деган савдогар ўтган экан. У баъзан шундай ишбилармонлик қиларканки, бирпасда бойиб кетаркан. Кейин бойлиги тугамагунча еб ётадиган одати ҳам бор экан. Кунларнинг бирида у карвонга қўшилиб, узоқ юртларга кетибди. «Ол, қулим», деб турган эканми, иши ўнгидан келиб, бир бойибди, бир бойибди. Қайтишда ўзини қўярга жой тополмасмиш. Сотволди тажанг бир олам хурсандчилик билан уйига қайтса, хотинининг кўзи ёриганмиш.

— Ўғилми? — шошиб сўрабди савдогар.

— Ҳолва,— дебди хотини.

— Сендан шуни кутганмидим. Каттаси ўғил бўлса, тезроқ ёнимга кирарди,— ўксибди савдогар.

— Худонинг бергани-да,— дебди хотини.

Сотволди тажанг пешини силкиб, дуч келган ёғига йўл олибди. Юриб-юриб, бор

будини сарфлаб, икки бармоғини бурнига тиқиб қайтибди. Орадан ойлар ўтиб, хотинининг кўзи ёрибди.

— Уғилми? — сўрабди савдогар.

— Ҳолва,— жавоб берибди хотини.

— Уйим куйган экан-да. Худо урган одамман шекилли...

— Нега ундай дейсиз?

— Қизни бошимга ураманми?

Унинг кўнгли яна бошқа юртларни тусаб қолибди. Савдогар юриб-юриб уйига қайтса, катта қизи бурро-бурро гапирармиш. «Отажон», деб бўйнига осилганидан эрибди-ю, аввалги хархшалари эсига тушиб, ўзини босибди. Савдогар ҳеч нарса бўлмагандай, яна яшайверибди. Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, вақти келиб яна хотинининг кўзи ёрибди. Бу сафар ўғилдир деб боши осмонга етиб, хотинига рўбару қелибди.

— Уғилми?

— Яна ҳолва,— деб жавоб берибди хотини.

Сотволди тажангнинг қоши чимирилибди. Вужудини совуқ тер босиб, қақшагандай бўлибди. Хотинини ғиппа бўғиб, ўлдириш нияти туғилибди-ю, ўзини босибди. Сўнгра:

— Бу уйни елкамнинг чуқури кўрсин,— деб боши оққан томонга жўнабди. Шу-шу, қорасини ҳам кўрсатабди.

Савдогарнинг хотини кенжа қизининг отини «Уғил кутгандим, ўғлим ўрнини боссин», деб Уғилжон қўйибди. Хотин бечора йиғлаб-сиқтаб, ўзи емай, болаларига едириб, ўзи киймай, болаларига кийдириб, катта қилибди. Орадан қиш ўтибди, баҳор келибди, яна йил айланиб келаверибди. Не-не сувлар оқиб ўтибди. Қизлар биридан-бири кўҳлик бўлиб ўсармиш-у, гоҳи-гоҳида бири: «Онажон, отамиз қаердалар» деса, бошқаси: «Айтинг, жо-он онажон, отамиз келсинлар, жуда-жуда соғиндик», деб қўймаскан. Хотиннинг юрак-бағри ўртаркан, айтай деса тили куярмиш, айтмай деса дили. Охири сирини болаларидан яшира-яшира озиб, чўпдай бўлибди. Шунда ҳам эрининг номига гард юқтирмабди. «Эр — подшо, гапини қайириш гуноҳ. От айланиб қозигини топади, қизларим. Бир кунмас бир кун лоп этиб кириб келса, кулбамизу кўнглимиз равшан бўлади», дермиш. Лекин ич-ичидан ачинармиш, оллоҳга нолалар қилармиш.

Турмуш ташвишлари хотиннинг сочларига қор тўшабди. Шу орада катта қизи ўн саккизга тўлиб, кўрганнинг суқи кирадиган даражада гўзал бўлибди. Тор кўча атрофида кечалари қўшиқ айтиб ўтадиган йигитлар кўпайибди. Бундан онаси бир хурсанд бўлса, бир ҳушёр тортармиш. Кейин эрини ўйлаб, шундай дамларда йўқлигидан ўксинармиш.

Кунларнинг бирида савдогарнинг хотини катта қизини ёнига чорлаб:

— Мана, ўн саккиз бахорни кўрдинг, қизим. Мен эса қаридим. Энди қирққа кирдингиз, деб ўтирма. Ғам қаритиб юбораркан. Мен ҳам армонда ўтиб кетмай. Сен ўғлим ўрнидаги ўғилсан. Отангни излаб келармикансан, дегандим. Тўйингнинг тепасида ўзи турармикин, деб ўйловдим,— дебди.

Катта қизи гўзалликда танҳо-ю, аммо меҳнат қилишга тоқати йўқ экан. Кечалари кўзи атрофида ўралашиб юрган йигитлардан айрилиб қоладигандай, онасига:

— Жон деб сўзингизга кирардим-у, аммо бу иш қўлимдан келмайди-да,— дебди.— Ахир қайси томонга бош уриб бораман, қаердан ҳам топаман. Уйдан этагини силкиб чиқиб кетган одам бурнига сув кирса қайтиб келади. Энди тайёрига айёр бўлиб келадими? Юзи қандай чидайди? Утган ишга саловат. Пешонамизга шу ёзилган экан, иложимиз қанча?

Бу гапдан онасининг кўнгли ўқсибди, лекин сездирмабди.

— Майли, қизим,— дебди онаси.— Мен уйимиз тўлармикин, деб ўйловдим.

Орадан ойлар ўтибди, йиллар ўтибди. Ўртанча қизи ўн саккизини қоралаб, оқи оққа, қизили қизилга айланибди. Онаси ўртанча қизини ҳузурига чорлаб, унга ёрилибди.

— Сизларни ўқситмай ўстирдим, ўзим емай сизларга едирдим. Лекин отанинг ўрни бўлак. Қариган чоғимда сизларнинг пешоналарингизни силайдиган меҳрибон қўл бўлишини истовдим.

— Нима қил дейсиз, онажон?

— Отангни излаб топармикансан, девдим.

— Қиз бола бошим билан-а!

— Нима бўпти, сени ўғил ўрнида ўстирганман.

— Менга зарил кептими? Кетган одам бир кун қайтиб келар.

Онанинг кўнгли ўқсибди-ю, ҳеч нарса бўлмагандай иш билан овуниб юраверибди. Яна ойлар, йиллар ўтиб, кенжа қизи Уғилжонни чорлабди.

— Уғилжон, қизим, юрагимдаги дардни сенга ёрмоқчи эдим-у, барибир...

— Гапиринг, онажон. Қандай дард экан у сизни қийнаётган...

— Нима десам экан, қизим. Мана, ўн саккизга тўлдинг, лекин уйимизнинг тўрисию дастурхонимизнинг бир ёғи кемтик. Ўн саккиз йил бурун отанг қиз кўрганидан этагини силкиб чиқиб кетганди. Уғил кўрганымда излаб топармиди...

Уғилжон қачондан бери режалаб юрган ўйини тўкиб солибди.

— Мен излаб бораман.

Онаси қанот чиқаргандай хурсанд бўлибди-ю, яна бир томони: «Қиз болалик қил-масмикин, ҳар қалай кенжа қиз», деб хавотирга тушибди.

— Сен, қиз боласан-да...

— Нима бўпти.

Онаси Уғилжоннинг пешонасидан ўпибди:

— Шундай дейишингни билардим, қизим. Сени бежиз Уғилжон қўймаганман. Умрингдан барака топ.

Уғилжон йўлга ҳозирлик кўра бошлабди. Аввал у шунчаки отланмоқчи бўлибди, аммо яхшилаб ўйлаб кўрса, ишни бир йўла пишиқ қилиши керак экан. Уғилжон бозордан саман от сотиб олибди, унга эгар солиб, бир-икки сакраб миниб чопибди... Сўнг уйга кирибди-да, сочларини турмакларди, телпакини бостириб кийибди. Уғилжон отга яқинлашган экан, онаси:

— Нима қиялпсан, қизим,— дебди.

— Ўзингиз фатво бердингиз-ку! Йўлга отланаяпман.

— Шу ҳолингда-я! Фирт ўғил боланинг ўзисан-ку! Кўрганлар нима дейди?

Уғилжон киприкларини пирпиратиб, қийғир қараш қилибди.

— Нима, ўхшамабманми?

— Бир қарашда таний олмадим. Шундай бўлсаям...

— Отамни топаман дедимми, топаман. Мени кўриши биланоқ олдимга тушиб келаверади. Аввал вазиятни ўрганай!

— Бошинг тошдан бўлсин, қизим. Ой бориб, омон қайтгин!

Уғилжон бир ҳафталик озиқ-овқатни ғамлаб, «Чу саманим, чу, сенсан жону таним», дея йўлга тушибди.

Энди гапни Сотволди тажангдан эшитинг.

Ҳар кимни туғилган жойидан айирмасин экан. Сотволди тажангнинг бошига не савдолар тушганидан бир ўзи, бир худо бохабар экан. Куч-қуввати борида қулинг ўргилсин деб ўзини савдога урибди. Бирни иккига чақибди. Секин-секин киссалари тангаю қоғоз пулларга тўлиб, ғоз юрадиган бўлибди. Одамнинг чўнтагида тилласи бўлса ҳар томонга югуртираверар экан. Савдогар ҳали уни, ҳали бунни олишни кўзларкан. Дастлаб бошпана сотиб олибди, карвонсаройни тарк этибди. Турмушига ҳаловат киргандай бўлибди. Бироқ кўнглининг аллақаери ҳамон зимистонмиш. Ана шу зимистонликнинг чигилини ёзиш йўлида ўйлармиш, ўйлармиш. Там-там ошхоналарни кезибди, қаерда кўнгилхушлик бўлса қолмабди. Гоҳ-гоҳида қимор ўйнаб, ошиғи олчи келибди. Шаҳарнинг ман-ман деган бойларидан бирига айланибди. Энди унинг хаёлидан эртаю кеч сайр, базм, меҳмондорчилик кетмасмиш. Ҳаром-ҳариш топилган пул ўз жойини топмасдан қўймайди. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деганларидек, Сотволди тажангнинг ташвишли кунлари бошланибди. Атрофида парвона бўлиб юрган дўстлари қорасини кўрсатмасмиш. Савдогарнинг бойлигига учиб, кафтига қўниб юрган нозанинлар лабини буриб, кўрмагандай ўтиб кетармиш. Мана шуниси алам қилибди савдогарга. Ўйлаб-ўйлаб ётиб қолибди. Бир пиёла чой тутадиган одамга зор бўлармиш. Қани ўша чой тутадиган, ёнига дастурхон ёзадиган, ҳамроҳ бўладиган одам? Ҳисоблаб кўрса, кейинги уч йилни хор-зорликда, кимларнидир интиқ кутиб яшабди. Турмушида ҳалова? йўқ, йўл ўртасида ётган кераксиз тошдан фарқи қолмабди.

Энди гапни Уғилжондан эшитинг.

Омадли одамнинг иши ўзидан ўзи юришаверади. Уғилжон саман отни чоптириб йўлга чиқиши ҳамона карвонга дуч келибди. Карвон Бухорои шарифга йўл олганмиш. Уғилжон, йўлимиқ бир экан дегандай, қўшилиб кетаверибди. Карвон йўл юрсаям мўл юриб, дашту саҳроларни ортда қолдирибди. Юриб-юриб, қароқчиларга дуч келишибди. Аёвсиз олишувлардан карвонбоши яраланибди. Уғилжон енгини шимариб, қароқчиларнинг изидан қувибди. Яксон қилиб, қайтиб келса, карвонбоши ўзидан кетиб қолганмиш. Лабига сув томизибди, дори-дармон берибди. Шунда карвонбоши кўзини очиб:

— Сени ўғлимдек кўргандим-а! — деб йиғлабди.— Ниятимга етолмадим.

— Ҳали отдек бўлиб кетасиз.

— Кўзим етмаяпти. Охиратим яқинга ўхшайди. Бир ўтинчим бор, ўғлим! Анови жабдуқ бошидаги халтада тилла бор. Менга насиб қилмади. Югурганики эмас, буюрганники экан. Сенга буюрсин, ўғлим! Дардингни сездим. Оғир юмушга отлангансан-у, дилингдагини ёрмайпсан. Майли, омадингни берсин. Ол, болам, сарфла, мақсадингга ет!

Карвонбоши уч кун тўлғона-тўлғона кўз юмибди. Уни иззат-икром билан ерга қўйишиб, яна йўлга тушишибди. Бу сафар карвонбоши ўрнини Уғилжон эгаллабди.

Карвон Бухорои шарифга етиб, карвонсаройга қўнибди. Уғилжон хизматкорларга етти кечаю етти кундуз дам берибди. Ўзи эса Сотволди савдогарни қидириб кетибди. Кунларнинг бирида хизматкорларидан бири Сотволди савдогарни топганлигини хабар қилибди.

— Нима дединг? Оғзингга шакар,— дебди Уғилжон. Кейин хурсанд бўлганидан тилла танга берибди.

— Ҳозир ҳузурингизга олиб келаман.

— Йўқ, йўқ, ўзим...

Ўғилжон савдогар ҳужрасига йўл олибди. Сотволди савдогарнинг ҳужрасига кириб, ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди. Ҳужра худди тандирхонага ўхшармиш. Тор, қоронғи, бунинг устига пастаккина эмиш. Савдогар эски кўрпага ўралиб, бечораҳол ётганмиш. Ўғилжон аввал чой қўйибди, дастурхон ёзибди, олма-анор, узум-асал, шинни қўйибди. Савдогар бу меҳрибон қўлдан боши осмонга етибди. Сўнг базўр:

— Қайси юртдан эрурсан, ўғлим? — деб сўрабди.

Ўғилжон бу саволга жавоб бермай, гапни айлантирибди.

— Кўнглим бузилиб кетди. Мен сендай карвон бошқарадиган ўғил кутгандим. Ниятимга ета олмадим. Хотинимнинг ҳар кўзи ёриганда бошим осмонга етарди. Қиз туққанлигидан кўнглим хира тортарди, ўзимни қўярга жой топа олмадим. Охири бош олиб чиқиб кетдим. Билмадим, хор-зорлигим шунданмикин, — дебди оғир хўрсиниб.

— Эрта-индин йўлга тушамиз. Агар хўп десангиз, бирга олиб кетамиз, — дебди бир маҳал Ўғилжон.

— Қаёққа борасизлар?

— Бошимиз оққан томонга.

— Менга ўхшаган экансизлар, майли кетаман.

Сотволди тажанг рози бўлибди. Ўғилжон хизматкорларига карвонни йўлга шайлашни буюрибди. Эртасига эрталаб Ўғилжон бошлиқ карвон йўлга тушибди. Сотволди тажанг араби отга миниб, далаю даштни кўрганиданми, яйрармиш. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, шаҳар ва қишлоқларни ортда қолдириб, ўз маконига қараб борармиш. Сотволди тажангнинг кўзларидан нуқул ёш оқармиш.

— Сизга нима қилди? — сўрабди Ўғилжон.

— Сен сўрама, мен айтмай. Мана шу юртдан бош олиб кетгандим. Ҳисоблаб кўрсам, ўн саккиз йилдан ошибди. Карвонбоши, сендан бир ўтинчим бор, сўрасам майлими?

— Бош устига...

— Мана шу тор кўча бўйлаб ўтсак.

Ўғилжон рози бўлибди. Карвон тор кўчага бурилиши билан Сотволди тажанг отдан тушибди-да, ерни ўпибди. Сўнг кўк дарвозани очиб, ичкари кирибди. Ҳовли тўс-тўполон бўлиб кетибди: бирини бири қучоқлаган, кимдир йиғлаган. Ўғилжон пайт пойлаб уйга кирибди-да, йигитлик либосларини ечиб, сочини орқасига ташлаб чиқибди. Сотволди тажанг:

— Менинг соҳибим бор. Карвонбошини чақиринглар. Уша йигит мени бу ерга бошлаб келди, — дебди.

— Отажон, ўша йигит менман, сизнинг кенжа қизингизман. — Ўғилжон ўзини отасининг бағрига ташлаб, кўришибди. Шундай қилиб, улар мурод-мақсадига етишибди...

Нўхатполвон отасига ўгирилиб:

— Яхши эртак экан. Мен ҳам катта гапирмайман, — дебди.

— Одам орқа-олдига қараб гапиргани яхши-да...

Мен ҳам қарасам, қизимнинг киприги илинган экан. Секин эртакни тугатиб қўя қолдим.

НҲХАТПОЛВОННИНГ ЯЙЛОВДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

— Оҳ, менинг зийрак қизалоғим, ҳалиям ухламай ўтирибсизми?

— Кутиб ўтирибман, дадажон.

— Меними, эртакнинг давоминими?

— Аввал сизни, кейин уни.

Яйраб кулишдик, кейин одатдагидек овқатланиб бўлиб, эртакни бошладик.

— Қани, ўрнингизга ётинг-чи! Қаерга келган эдик? Айтгандай, Нўхатполвон отаси билан тўйдан келаётганди, шундайми?

— Шундай.

— Уша еридан бошладик.

Тешавой чол билан Нўхатполвон танани етаклаб уйига киришса, кампир хавотир олиб ўтирган экан. У танани кўрибди:

— Яна нима гап? — деб сўрабди. — Ким берди бунни?

Тешавой чол танани молхонага киритиб боғлаб, охурга бир қучоқ ўт ташлабди-да, қайтиб супага ёнбошларкан:

— Сенга неча марта айтаман, кампир. Қулоқми у ё пўстакнинг тешигимми? Узумини егин-у, боғини суриштирма. Бахтимизга Нўхатполвонимиз бор, кам бўлмаймиз. Ишқилиб, ой чиқса ҳам бизга бўляпти, кун чиқса ҳам бизга. Кел, бошимни қотирма, қозон қайнатган бўлсанг, овқатни олиб кел. Қорнимиз ҳам чилдирма чалворди, — дебди.

— Тўйдан тўйиб келмадингларми?

— Тўйдан кейинги томошани кўрганингда сен ҳам бўлганингча бўлардинг. Оч қорним — тинч қулоғим, деб ўтирганинг ҳам бир ҳисобда тўғри. Оҳ, у Суярполвонни ё Қамишполвонни кўрганингда... Сенга ёлғон-у, менга чин, нақ девнинг ўзи дейсан. Ҳар қандай полвоннинг илиги оқиб кетади-я. Ана энди уқдингми? Нўхатполвонинг ана ўша полвонларнинг қурагини ерга теккизди. Қараб турибман-у, кўзларимга ишонмайман дегин. Кўзимдан милт-милт ёш чиқади, холос. Шунақа, ишлар, кампир.

Тешавой чол, Жаннат кампир, Нўхатполвон бирга-бирга овқатланишиб, устидан узоқ чой ичишгач, дастурхонга дуо ўқишди. Нўхатполвон онасини уринтирмай қозон-товоқни саранжомларкан, Тешавой чолнинг кўзлари юмилиб кетай-юмилиб кетай дерди.

— Отажон, сиз бирпас мизғиб олинг, йўл юриб чарчаганмиз,— Нўхатполвон икки-уч ёстиқни олиб келиб, онасининг ёнбошига қўйибди.

— Сен ҳам ухласанг бўларди, болам.

— Йўқ, отажон, мен-чи, мен кўчада бир ўйнаб келайин.

— Майли, бор, ўртоқларинг кутиб қолган бўлса.

Нўхатполвон кўчага чиқса, ҳеч ким йўқмиш. Анҳор бўйлаб юрган экан, ўтлоқзорда беш-ўнта сигиру қўй ўтлаб юрганига кўзи тушибди. Шу ўртада болалар бўлиши керак, дегандай, одимини тезлатибди. Бир томонда беш-олти бола кураш тушишиб-олишиб, атрофни чангитиб ётишганмиш. Чеккароқда эса уч-тўрт қизалоқ. Бири сочини ўрган, бошқаси рўмолча четини тўқиган. Нўхатполвон ўғил болалар томон юрибди. Шу пайт Дўнгпешона сакраб ўрнидан турибди-да, хиргойи бошлабди:

Узун терак, ичи кавак,

Лико-лик.

Дада, менга хотин керак,

Лико-лик...

— Э, бошқасини айт,— дермиш чордона қуриб ўтирган Болта.

— Ҳали ўн-ўн беш қовун пишиғи бор хотин олишинга, Дўнгпешона. Аввал бурнингни арт! — Новча бола гап ташлабди.

Шу орада қизлардан бири қўшиқ айта бошлабди:

Ялло, ялло, ялло,

Ялло демасман-о,

Менга куйлак обермасангиз

Дада демасман-о...

— Ҳар куни шу қўшиқни айтасан, Тўти,— дебди жамалак сочли қиз.— Биринг икки бўлмайд-ку...

— Бўлади, Доно, бўлади,— жавоб берибди Тўти.

Шу орада ўғил болалар Нўхатполвонни кўришиб, ўринларидан сакраб туришибди. «Қани, менинг ёнимга ўтиринг», «Йўқ, Нўхатполвон мен билан ўтиради», «Ие, мен-чи, мен», деб бир-бирини туртишиб, қизғанишиб қолишибди. Нўхатполвоннинг бўйи болалар қатори бўлса-да, тарвуздай қорни салобатли кўрсатар экан. Қизлар ҳам Нўхатполвонни қиндан кўрайлик, биз билан ўйнамоқчи бўлса, қолиб кетмайлик дейишиб, ҳаммаси бир жойга тўпланишибди.

— Нўхатполвон, бозордаги қиёмат-қойимни гапириб беринг,— деб сўрабди Дўнгпешона.

— Аввал қандай қилиб анҳор қазиганидан гапирсин,— дермиш Тўти.

— Уй қургани-чи, уй...

— Э, ўзидан эшитайлик.— Новча бола даврани тинчитармиш.

Нўхатполвон ўртага ўтирганидан хижолат тортиб, ўрнидан турибди-да, болалар томонга ўтибди. Сўнг:

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ,— дебди.— Шу қари ота-онамга қўлимдан келганча яхшилик қилай дейман-да...

— Биз ҳам яхшилик қилгимиз келади-ю, қўлимиздан келмайди-да,— гапга аралашибди Дўнгпешона.

— Сен жим тур,— новча Дўнгпешонани туртармиш.— Баланд дорга осилганингни...

— Қўлингни торт, бир уриб абжағингни чиқариб ташлайман,— ўқраярмиш Дўнгпешона.

— Мана шунақа қилсаларингиз, сизлар билан ўйнамайман,— дебди Нўхатполвон.

— Яхши отга бир қамчи, Нўхатполвон,— Дўнгпешона қизарибди.

— Мана, индамаймиз. Сен нима десанг шу, Нўхатполвон.

— Келинлар, ҳаммамиз биргалашиб ўйнаймиз,— таклиф киритибди Нўхатполвон.

— Уйнаймиз,— дейишибди болалар.

— Мазза бўлади,— деб қизлар қарсак чалишибди.

Болалар иккига бўлинишиб, ярми жойида қолишибди. Қолгани эса эллик-олтмиш қадам нарига бориб, бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлашиб, «Оқ теракми, кўк терак»

ўйинни бошлашибди. Нўхатполвон Дўнгпешонанинг қўлини қисган экан, бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолибди.

— Ҳой-ҳой, Нўхатполвон, қўлимнинг ийғини чиқариб юбординг,— дебди аъзон бадани оғриб.

— Ҳали ушлаганим йўқ. Бўлмаса, билагимдан сен ушла,— дебди Нўхатполвон. Дўнгпешона Нўхатполвоннинг билагини ушлаганча ўйинни бошлабди.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Нариги томондан «Нўхатполвон керак», деган овоз эшитилибди. Нўхатполвон ғизиллаб югуриб борибди-да, қўлларини занжир қилиб турган даврага урилиб, узиб юборибди. Ва Тўтини етаклаб, орқага қайтибди. Қарши томондан:

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак? —

деган овоз келибди. Шу пайт Дўнгпешона «Болта керак» деб жавоб берибди. Болта шиддат билан югуриб келибдию ўзини Нўхатполвон билан Дўнгпешонанинг орасига урибди. Қаёқда! Қанча зарб билан ўзини урган бўлса, шунча орқага тисарилиб кетибди. Ҳамма қаҳ-қаҳ урармиш. Бу давра унисидан кўпайиб кетибди. Кейин улар Дўнгпешонани чақирибди, у ҳам занжирни узиб, Донони етаклаб келибди. Улардан келган бола яна узолмабди.

— Биз ютдик, ютдик,— дебди Дўнгпешона.

— Ҳо-о, сизларда Нўхатполвон бор-да,— ўксинибди улар.

— Бўлмаса, мен сизларга ўтаман,— дебди Нўхатполвон.

— Утинг, ўтинг...

— Бермаймиз, бериб бўпмиз...

— Утади, дедикми, ўтади...

Нўхатполвон нариги томонда қолган болалар ёнига борибди-да, ўртадан жой олибди. Кейин Дўнгпешонани чақирибди. Ҳозиргина катта гапириб кулган Дўнгпешона бу сафар узолмай изза бўлибди.

— Қалайсан,— дебди сочини қирқ кокил қилиб ўрган қиз.— Қани, энди қўлимдан ушла.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

— Нўхатполвон керак,— деб жавоб берибди Болта.

Нўхатполвон исмини эшитиб, визиллаб учиб борган экан, Болта қўрққанидан қўлини тортиб олибди. Нўхатполвон шу заҳоти Болтани ёнига олиб, жойига қайтибди.

Бола бола экан-да, ҳаммаси ўйин билан бўлишиб, қўйларию сигирлари анҳор бўйидаги ўтлоқдан яйлов томон бурилиб, беш-олти қарич бўлган сулиларни топтаётганини кўрмай қолишибди. Шу пайт ердан чиқибдими, осмондан тушибдими, ҳаммаси билалмай ҳайрон, отини ниқтаб биров келаётганмиш. Отлиқ жаҳл билан сигиру қўйларни аёвсиз урармиш. Дўнгпешонанинг кўзи тушибди-ю, оёғи қалтирармиш.

— Ҳа, нима гап? — сўрабди Нўхатполвон.

— Улдик, энди теримизга сомон тикади,— дермиш Дўнгпешона.

— Нимага? Ким у одам?

— Уни билмайдиган одам борми? Қозининг ишонган кишиси-ку.

— Учини бизлардан олади,— йиғламсирабди Доно.— Энди нима қилдик?..

— Ўйин ўйнамай биз ўлайлик,— дермиш сочини қирқ кокил қилиб ўрган қиз.

— Қўрқманглар, мана мен борман,— дебди Нўхатполвон.

— Унга бас келиб бўларканми? Дадамни қамчи билан аёвсиз савалаган ўша одам,— йиғламсирабди ўша қирқ кокилли қиз.

— Чертиб кўрсин-чи? — Нўхатполвон жойидан қўзғалмасмиш.

Шу орада отлиқ болалар томон ўдағайлаб кела бошлабди. Дўнгпешона билан Болта у томонга, қизлар эса бу томонга қочишибди. Фақат Нўхатполвон тураверибди.

— Қоч, Нўхатполвон,— дермиш Дўнгпешона.

— Бу ёққа ўтинг. Бўлмаса, ўлдириб қўяди,— дермиш сочини қирқ кокил қилиб ўрган қиз.

Отлиқ қамчисини кўтариб, дағдаға бошлабди:

— Сен нима қилиб турибсан, занғарча. Бир уриб каллангинг қатигини чиқариб қўяман. Йўқол кўзимдан!

— Узинг кимсан? Нимага дағдаға қиласан?

— Овозинг чиқиб қолибдими?

— Кучинг келиб-келиб болаларга етдими?

— Э, занғарча, сен кимга гап қайтаряпсан? Қамчимдан қон томишини кўрмаганмисан?

— Қамчи билан қанақа қилиб уриш кераклигини кўрсатиб қўяман.

— Занғарча, қитиқ патимга тегаверма!

— Сен қитиқ патимга тегаверма. Қулоғингни тагида шавла қайнатиб қўяман.

Отлиқ кишининг жон-пони чиқиб, қамчи билан шундай урмоқчи бўлибди-ю, бир вақт қараса, ҳе йўқ, бу йўқ ерда ўмбалоқ ошиб ётганмиш. Қамчи Нўхатполвоннинг қўлида эмиш. Ўзи қандай қилиб йиқилди, оти мункиб кетдими, ўзи учиб кетдими, билломасмиш. Тепасига Нўхатполвон келиб:

— Яна қитиқ патимга тегасанми?— деб сўрабди.

— Йўқ, йўқ, тавба қилдим,— йиғламосираб орқага тисарилармиш ҳалиги киши.

Нўхатполвон уни ўрнидан турғизиб, отига миндирибди-да:

— Бор, йўлингдан қолма,— дебди.— Иккинчи марта шу ерда изингни кўрсам каллангни узиб оламан.

— Хўп, хўп, тавба қилдим, тавба қилдим.

Боя йиғламоқдан бери бўлган болалар отлиқ кишининг ҳолини кўриб, мазза қилиб кулишибди. Шу-шу, болалар молларини ўтлатиб, бемалол ўйнаб юришаверибди. Нўхатполвон яна болалар билан ўйнамоқчи бўлган экан, отаси қақриб қолибди.

— Лаббай, отажон,— Нўхатполвон югургилаб ўша томон чопибди.

— Далага борамизми?

— Борамиз, отажон. Ҳалиги-чи, ҳалиги...

— Эртакни сўраяпсанми?

— Ҳа-ҳа.

— Уни ҳам айтаман, болам.

Шундай қилиб Тешавой чол

ЖИН ВА ТУЛКИ

ҳақидаги олтинчи эртагини бошлабди.

...Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, жуда қадим замонда қуёш ботар томонда сахию саховатли, сеҳрлию раҳмдил бир подшо юртни бошқарар экан. Унинг даврида ҳамманинг айтгани айтган, дегани деган экан. Озиқ-овқат дейсизми, кийим-кечак дейсизми, барчаси муҳайё экан. Одамлар бир-бирига меҳрибон, андишали экан. Подшонинг исми Раҳимжон бўлиб, вазир гадо, кексаю ёшни бир хилда кўриб, кўнглини оларкан. Подшонинг бу заковати катта ўғли Музробга хуш келмас, у нимадандир қийиқ чиқариш пайида юрар экан. Кунларнинг бирида подшо саройда ёнбошлаб ётган экан, тилла қафасдаги тўти тилга кирибди.

— Раҳим подшо, Раҳим подшо! Гапларимга қулоқ сол!

Подшо секин ўгирилиб, тўтига қарабди.

— Хўш, нима дейсан?

— Бир қошиқ қонимдан кеч!

— Кечдим!

— Тўғрисини айтаман-да...

— Айтавер.

— Йўқ, йўқ, айтолмайман, айтолмаяпман.

— Нега?

— Ахир...

— Айт! Айт!

— Катта ўғлингнинг нияти бузуқ! Катта ўғлингнинг нияти бузуқ!

— Нима?... Нималар деяпсан?

— Катта ўғлингнинг нияти бузуқ! Катта ўғлингнинг нияти бузуқ!

Раҳим подшонинг кўнглига ғулғула тушибди-ю, ҳаммага ишонгани учунми, тўтига унча парво қилмабди. Орадан уч кун ўтибди. Раҳим подшо вазирга аёнлари билан юртни тўкин, элни бой қилиш ҳақида кенгашибди-ю, тўтининг катта ўғли ҳақидаги фикрини баён этишга қийналибди. Ўша кун яна ўзи ёлғиз қолганда тўти:

— Раҳим подшо, Раҳим подшо! Гапларимга қулоқ сол! — дебди.

Подшо бу сафар ҳам ўгирилиб, тўтига кўз тикибди.

— Хўш, нима дейсан?

— Бир қошиқ қонимдан кеч.

— Кечдим.

— Тўғрисини айтаман-да.

— Айтавер.

— Йўқ, йўқ, айтолмайман, айтолмаяпман.

— Нега?

— Ахир...

— Айт! Айт!

— Катта ўғлингнинг нияти бузуқ! Катта ўғлингнинг нияти бузуқ!

— Нима?... Нималар деяпсан?

— Катта ўғлингнинг нияти бузуқ! Катта ўғлингнинг нияти бузуқ!

Худди шу пайт эшик очилиб, катта ўғли Музроб кирибди. Унинг камалагидаги найза тилла қафасга мўлжалланган экан.

— Ҳай, ҳай, ўғлим, нима қиялсан? — сўрабди подшо.

— Асосий душманимдан ўчимни оляпман,— дебди-да, ёйни тортиб юборибди. Тилла қафасдаги тўти қулабди-ю:

— Раҳим подшо, Раҳим подшо! Катта ўғлингнинг нияти бузуқ! — дебди.

Раҳим подшо тўтига ташланибди. Тўтининг кўзлари ола-кула бўлганча ҳамон «бузуқ», «буз-зз-зу-уқ» деркан. Подшо ўғлига қарата:

— Сен, сен нималар қилиб қўйдинг, оқпадар! Отангнинг суйган қушини отишга қандай ҳаддинг сиғди! Қани, айт! Нега кирдинг, нега буни қонга ботирдинг? — деб бақирибди.

— Сиз... Сиз ҳам ҳозир қушингиз сингари...

— Нималар деяпсан, ўғлим! Сени шу мақсадда катта қилганмига, юртимга ҳавасинг келмайдими? Валиаҳдим ўзингсан-ку! Мен қачонлардан бери кўннинг шундай бўлишини орзу қилардим. Мақсадимга етдим.

— Ғаразли мақсадингизга етдингиз!

— Ғаразли!.. Нега ундай деяпсан?

— Бўлмаса боболаримиздан қолган хазиналар қани? Қаерга беркидингиз? Нега уни етим-есирларга сарфладингиз? Сизнинг касрингизга мен гадо бўлиб қолдим.

— Гадо? Юртимизда гадо бор эканми?

— Сиз саройдан чиқмаганингиздан кейин қаёқдан ҳам билардингиз! Сиз ҳали подшо бўлиб қолдингизми? Бутун хазинани хонавайрон қилдингиз-ку! Бу кунингиздан ўлганингиз яхши эмасми?

— Сен, яъни пуштикамаримдан бўлган боладан шундай гап чиқяптими? Астафидурулло!

— Бу, оллоҳнинг иродаси.

— Нима!..

— Юртни хонавайрон қилган подшонинг охир-оқибати шундай бўлур.

Подшо қафсларини бир-бирига уриб, хизматкорларини чақирибди. Бундан Музроб роҳатланиб кулибди.

— Оғир бўлинг. Овозингиз етмайдир...

— Нега?

— Ҳамма томонга соқчи қўйилган. Умидингизни узаверинг. Шу кундан бошлаб тахтга мен ўтирмақчиман.

— Ўғлим...

— Бас! Бу кунни қачондан бери орзиқиб кутардим. Энди орзум ушалди.

Музроб камон ёйини қўйиб юборибди. Раҳим подшонинг кўз олди қоронғилашиб, йиқилибди жон таслим этибди.

Шу заҳоти Музроб ўзини подшо деб эълон қилиб, ҳар томонга жарчи юборибди.

Жарчилар:

Одамларо, одамлар,
Эшитмадим деманглар!
Музробжондир подшомиз,
Сира ғамни еманглар.

Оломон:

Қандай онлар ўтди-я,
Қора кунлар бошланди,
Раҳим подшо ўлгандан
Кўзларимиз ёшланди.

Жарчилар:

Одамларо, одамлар,
Эшитмадим деманглар!
Музробжондир подшомиз,
Сира ғамни еманглар!

Оломон:

Отасини ўлдирган
Одамда виждон борми?
Қора бўлар кунлар-эй
Виждонсизда ор борми?

Янги подшо саройга вазиру аъёнларини тўплабди.

— Юртимиз хазинасини бойитиш керак. Сизларнинг маслаҳатларингизни эшитмоқчи эдим.

Ўнг қўл вазир сўз олибди.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, гапнинг индаллосини айтаман. Отангиз сахийлик қила-қила давлатнинг бор-будини совуриб юборди. Эл-улуснинг кўнглини оламан деб шундай қилганди. Хабарингиз бор, шу иш бошини еди. Ажаб бўлсин! Биз буни ҳақ деб ҳис этурмиз. Энди, подшоҳи аъзам, асосий гапга ўтсам, шуни айтмоқчи эдимки...— Унг қўл вазир тутилиб у ёқ-бу ёққа қарабди.— Отангизнинг қилвир ишларидан бири шуки, олтин кўзадан жинни чиқариб юборганди.

— Жинни?

— Ҳа, подшоҳи аъзам, отангиз шундай иш қилганди.

— Жин? Қанақа жин?— баъзилар ҳайрон бўлишибди.

— Кўпчилик бундан огоҳ эмас! Ростини айтсам, сарой зиндонидоги олтин кўзадада жин бўларди. Раҳим подшо ўша жинни ҳам озод қилиб юборди. Шу сабабли одамларнинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолди. Бировдан қўрқмагандан кейин шундай бўлади-да... Эл-улуснинг бўйнидан хиппа бўғиб турмасангиз, ўзингизга ташланади.— Уларнинг оғзини беркитиш керак. Биз ўша жинни жойига киритмасак, ҳолимиз хароб бўлаверади.

Музроб подшо ўнг қўл вазир сўзини тинглагач:

— Шу жинни кўзага киритсак ҳисобми? — деб сўрабди.

— Қанийди шундай қила олсак...

— Бугуноқ жин ушланиб, кўзасига солинсин! — буйруқ берибди подшо.

Чап қўл вазир таъзим бажо этиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, подшоҳи аъзам,— дебди.

— Кечдим. Айт!

— Подшоҳи аъзам, бу ғоят мушкул вазифа...

— Битта жинни кўзага солиш ҳам иш бўптими?

— Подшоҳи аъзам...

Музроб подшонинг қоши чимирилибди.

— Жаллод!

Подшонинг овози янграши билан жаллод пайдо бўлибди.

— Чап қўл вазир қатл этилсин!

Чап қўл вазир ўзини подшо оёғи остига ташлабди.

— Раҳм қилинг, подшоҳи аъзам, кўрнамаклик қилдим. Юз тавба қилдим, минг тавба қилдим.

— Бўлмаса жинни топиб кўзага солишни ўзингга юклайман.

— Бош устига, подшоҳи аъзам.

Кенгаш тарқалибдию чап қўл вазирнинг бошига тегирмон тошидай ташвиш тушибди. Энди у нима қиларини билмай, ўзини ҳар ён урармиш. Подшоҳи аъзамнинг амрини адо этай деб минг кўйга тушибди. Юра-юра, суриштира-суриштира юрт доноси ҳузурига йўл олибди. У ўзини доно оёғи остига ташлаб, йўл-йўриқ кўрсатишни, иложини қилиб ўлимдан олиб қолишини, шунга қудрати етса, бўйи баравар зар сочишини айтиб, йиғлабди.

Доно чап қўл вазирга ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлибди-ю, қараса, вазият бошқача. У буюрилган ишни бажарса, қуёш нурини булутдай тўсган бўлармиш. Раҳим подшонинг марҳамати билан ёруғликка чиққан одамлар яна бою гадога айланармиш. Гўё ўз оёғини ўзи қирққандаймиш.

— Йўқ, бўтам, бу иш қўлимдан келмайди,— дебди доно.

— Бир умр қулингиз бўлай,— йиғламсирабди чап қўл вазир.

— Сени деб минг-минг эл-улусни хонавайрон қилмоқчи эмасман.

— Наҳотки мен ғарибга раҳмингиз келмаса...

— Яхшиси, савдогарни топ. Зарга ўч бўлади. Эҳтимол, ўшанинг қўлидан келар.

Чап қўл вазир йиғлаб-сиқтаб савдогарни қидира кетибди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида Мағрибу Машриққа исми кетган Охунгузар савдогар яшар экан. Чап қўл вазир савдогар ҳузурига кириб борибди.

— Охунгузар савдогар, ҳузурингизга тиз чўкиб келдим. Менинг ҳасратимни тингларсиз, жонимга ора кирарсиз.

Савдогар аҳлига ишинг тушса, у ўзини торозига солади. Ҳозир ҳам шундай бўлибди.

— Улганингдан кепсан-да. Қани, ўтир!

Чап қўл вазир қўлини кўксига қўйиб, ҳозир иши битадиган одамдай ялтоғланибди.

— Сиздай маълуму машҳур одамнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Айниқса биз сингари фуқароларга!

— Ҳали фуқаро бўлиб қолдингми?

— Бошимда жаллоднинг болтаси турибди. Шунинг учун сизга юкиниб келдим. Бўйингиз баравар олтин тўкаман.

— Бўйим баравар...

— Ҳа, ўзингизга аталган. Фақат бир ўтинчим бор.

— Айт!

— Жинни кўзага солиш йўлини айтсангиз...

Охунгузар савдогар бирпас ўйланиб қолибди. Чап қўл вазирнинг бўйи баравар

олтинидан довдирармиш. Оҳ, шунча олтин бир айланиб Охунгузарники бўлса-я... Ана давлат, мана давлат! Кимсан, Охунгузар-а, Охунгузар! Ушанда у бозор-ўчарини қилмай, ўтирган ерида юз одамни югуртиради. Дўпписи ерга тушса, тилла бериб олдиради. Одамлар Охунгузар савдогарнинг ҳали олдидан, ҳали ортидан ҳавас қилишади. Лекин, лекин... Савдогар ўйланиб қолибди. Бир ўзи бойир экан-у, кўни-кўшнилари уйи куйаркан. Мана шуниси алам қилди Охунгузар савдогарга.

— Йўқ, йўқ, бўлмайди,— жавоб берибди ниҳоят у.

— Шунча олтиндан-а...

— Иложим йўқ. Жин қаерда-ю, мен қаерда. Бу иш заргарнинг қўлидан келса ажабмас. Кейин, у олтинга ўч бўлади.

Чап қўл вазирнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, қайдасан, заргар, деб йўлга тушибди.

Сўраб-суриштириб, ниҳоят қўли гул заргар деб ном олган Аловуддин заргарга дуч келибди.

— Ассалому алайкум, Аловуддин заргар. Сизни кўрар кун ҳам бор экан-а!

— Ие, ие, чап қўл вазирнинг ўзларими? Қадамларига ҳасанот! Қани, бу ёққа ўтсинлар!

Чап қўл вазир, умиди шу ерда ушаладигандай, оғзининг таноби қочибди.

— Бўйингиз баравар тиллани сизга илиндим...

— Оҳ, сҳ, тилла-я, тилла? У менинг жоним-а, жоним!

— Шуни биламан-да, Аловуддин заргар. Фақат бир илтимосим бор. Йўқ демассиз...

— Тилла ҳадя этасиз-у, йўқ дермидим.

— Арзимаган иш... Жинни кўзага солиш керак, тамом-вассалом.

— Жин?..

— Ҳа, шуни бажарсангиз, олтин сизники. Бўйингиз баравар-а... Ҳазил-пазили йўқ.

Аловуддин заргар кўз олдида тилла қуёш сингари шуъла таратармиш. Ҳали ўзига чорлармиш, ҳали ундан не-не узук, не-не исирға, не-не билакузук яшашни ўйлармиш. Жарақ-жарақ пул... Бола-чақаси беками-кўст, егани олдида, емагани кетида. Кимсан — Аловуддин заргар-а, Аловуддин заргар! Ана энди тилингда юрасан, Аловуддин заргар! Мана шу мол-мулк уни сайратиб юборади, сайратиб! Аммо, яна бир нарсани ўйлаб қолди. Хўш, Аловуддин заргар! Нималар деяпсан, нималар қилмоқчисан! Анови кўни-қўшнинг гадо бўлиши эвазига бойимоқчимисан? Кейин унинг кўзига қандай қарайсан? Қандай қарайсан? Йўқ, йўқ!

— Танамга роса ўйлаб кўрдим, чап қўл вазир, бу иш қўлимдан келмайди.

— Ие, бу нима деганингиз?

— Эл-юрт олдида юзимни шувит қилгим йўқ. Яхшиси, дарвешга учранг. Тилла десангиз яйраб кетади. Йўқ демас ахир!

Чап қўл вазир дарвешни қидириб кетибди. Бозор йўлида жулдур кийимли беш-олти дарвеш «Ё оллоу ё олло» деб юрганмиш. Чап қўл вазир севиниб кетибди.

— Сизларга тилла керакми?

Дарвешлар ҳайрон бўлиб, бир-бирига қарашибди-да, йўлида давом этишаверибди. Чап қўл вазир уларнинг ортидан юриб, яна тилга кирибди.

— Сизга аталган нарса бор!

— Нима деяпсан?..

— Ҳар бирингизга бир ҳовучдан тилла бераман.

— Тилла? — ҳайрон бўлишибди дарвешлар.

— Ҳа, соф тилла...

— Нима қиламиз уни?

— Ие, тиллани билмайсизларми? Тилла жуда қимматбаҳо нарса...

— Қани, бер-чи?

— Олдин шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Жинни кўзага киритиш керак.

— Э, бундай демайсанми, галварс. Бир ҳовуч тилла деб эл-юрт юзига оёқ қўямизми? Чучварани хом санабсан. Бор, йўлингдан қолма. Бу ишни Тулкидан бошқаси қилмайди.

Чап қўл вазир Тулки сўзини эшитиб, «хайрият, бор экан-ку!» дегандай ўрмонга йўл олибди. Юриб-юриб, бир тулкига дуч келибди.

— Э, бўйинангдан ўргилай Тулкижон, Тулки,— дебди чап қўл вазир.— Сени излай-вериб товонларим қабариб кетди. Бундай ўзингни кўрсатай демайсан-а! Сенинг ҳар кунингга ўнтадан хўроз тайёрлаб қўйдим. Ҳар хўрозки, тожисининг ўзига қорнинг тўяди.

Тулкининг оғидан сўлаги оқиб, чап қўл вазир оёғига суйкалибди.

— Бор экансан-ку, эгам. Сенга ўхшаган фидойини излаб юргандим. Сендан угина, мендан бугина. Қани, хизматларига биз шаймиз.

— Хизмат шундан иборатки, подшо саройида жин бор. Шуни кўзага солиш керак.

— Шу холосми?

— Ҳа-да...

— Бунақа иш оғзининг ели. Қани, хозироқ бошла!

Чап қўл вазирнинг оғзи қулоғига етиб, дам югуриб, дам тулкига етиб, дам ўзиб, саройга етиб келибди. Қараса, кўза ёнида баҳайбат жин турганмиш. Чап қўл вазирнинг кўзи ола-кула бўлибди. Шу пайт Тулки:

— Ассалому алайкум, жин,— дебди.

— Ваалайкум ассалом! Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим. Хизмат? — дебди жин.

Шу пайт Тулкининг айёрлиги тутиб:

— Йўл бўйи бир гапни эшитяпман. Қулоғимга илиндию ишонмадим. Ўз кўзим билан кўрай деб келдим,— дебди.

— Қанақа гап?

— Сенинг мана шу кичкина кўзачага сиғишинга ишонмаяпман.

— Ишонмасанг ишонма. Менинг нима ишим бор.

— Гаров ўйнашиб кўйдим-да.

— Ўйнавер.

— Йўқ, барибир қизиқ-да... Сен қаёқда-ю, кўзача қаёқда. Унга ҳатто менинг думим ҳам сиғмайди. Сен бўлсанг, ҳаммани лақиллатиб юрибсан.

— Нима деб лақиллатибман?

— Шу кўзачага сиғаман, деб.

— Сиғаман десам сиғаман.

— Ишонмайман.

— Кел, гаров ўйнаймиз.

— Ўйнаймиз.

— Сиғсам, думингни шартта узиб берасан, бўйнимга солиб юраман.

— Бўпти.

Жин дарров кўзача кирибди-да, ичкаридан «ишонмадингми», дебди.

— Тўхта, ўзим қарай, ишонмаяпман,— тулки чап қўл вазирни чақирибди-да, буюрибди.— Қани кўзанинг оғзини ёп!

— Тулки, жо-он тулқижон,— жин ялина бошлабди.

— Менинг ҳийламга илинмаган жонзот бор эканми? Сендақа жинларнинг мингта-сига сабоқ бераман. Қани, чап қўл вазир, кўзачангни подшоҳинга элт! Сира оғзини очмасин! Менинг эл-юрт билан ишим йўқ! Текин таом бўлса бас!

Юртда қиёмат-қойим бўлгандаймиш. Эл-улус яна хафа, бири икки бўлиш ўрнига зўрға чоригини судраб юрармиш. Фақат тулкигина хурсандмиш. Шундан бери одамлар тулкининг изидан қувгани қувган экан...

— Шу билан эртагим тамом,— дебди Тешавой чол.

— Тулки роса айёр экан-а, ота,— сўрабди Нўхатполвон.

— Ҳа, ўғлим, тулқидан айёр одамлар ҳам бор.

— Ушандай одамларнинг қиронини бераман!

— Айтганинг келсин, болам! Мен ҳам шу ерда эртакка нуқта қўйдим.

НЎХАТПОЛВОННИНГ ПОДШО ҲУЗУРИДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Нўхатполвоннинг доврўғи, анҳорнинг қазилгани, ундан вағиллаб сув оққани, Боғи-майдоннинг гуллаб-яшнагани, деҳқонларнинг бойиб ўзига тўқ бўлгани подшога ҳам етибди. Подшо бундан бир ғазабланибди, бир кўргиси келибди. Орадан бир кун ўтибди, икки кун ўтибди, подшонинг хаёлидан Нўхатполвон кетмабди. Кейин у аёёнларини ҳузурига чорлабди. Вазир уламолар, тарихчию мунажжимлар узун-қисқа бўлишиб, жой-жойига ўрнашишиб, кўзларини ҳукмдорга тикишиб, нима деб фармон бераркан, дейишиб ўтиришганмиш.

Подшо туни билан ўйлаган ўйини аёёнларга билдириш мақсадида секин сўз бошлабди.

— Аёёнларим, бугун туни билан қийналиб чиқдим. Бундай ўйлаб қарасам, эллик йил ҳукмдорлик қилибман. Яхшими, ёмонми, эл-юртти обод қилиш пайида бўлдим. Энди бундай ўйлаб қарасам, охиратим яқинлашиб қолибди. Бир кунлигим борми, ўн кунлигим борми, ёлғиз ўзига аён. Кўзим тириклигида ўрнимни боса оладиган ақлли-хушли одам бормикин, шуни ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Худо менга фарзанд бермади. Кимдаким менга шундай одил йигитни таклиф этса, уни ўз фарзандим ўрнида кўрарман. Қолган умримни унинг шаънига раҳматлар айтиб ўтказиш ниятидаман.

Давранинг олдинги қаторида ўтирган ўнг қўл вазир жавоб қилибди.

— Кўп доно гап, подшоҳим,— дебди у.— Аммо, сиз айтган одамни шу давранинг ўзидан қидирганимиз афзал.

Подшо атрофида ўтирган аёёнларига бирма-бир назар солибди.

— Хўш, ўзингиз кимни муносиб кўрурсиз?

Ўнг қўл вазир шитоб ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирибди.

— Ўзимни, подшоҳи олам! — дебди.

— Узингиз? — Подшо бирпас ўйланиб, яна атрофга кўз югуртирибди.— Мажлис аҳли не деркин?

Чап қўл вазир дик этиб ўрнидан турибди.

— Мен ўнг қўл вазирни муносиб деб топмайман.

— Нечук?

— Биринчидан, ўнг қўл вазир пайт пойлаб иш битиришни хуш кўради. Иккинчидан, ҳузурингизга кирмоқчи бўлган жамики мўмин-муслмондан ақча ундириш пайида бўлади. Учинчидан, хотин-қизларни кўрди дегунча балойи нафси кўзгаб кетади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен буни юз бор кузатганман.

— Бас, таги паст! — бақирди ўнг қўл вазир.

Чап қўл вазир секин подшога қаради.

— Давом этайинми, подшоҳи олам?

— Етади. Хўш, ўзингиз кимни раво кўргайсиз?

— Менга қолса, эл орасидан танласак.

— Қандай қилиб?

— Бахт қушини учирамиз. У кимнинг бошига қўнса, ўшани подшо қилиб кўтарамиз.

Бу подшога маъқул келибди. Шу заҳоти хазинадон бахт қушини олиб келибди.

Подшо уни учираётиб, шундай дебди:

— О, бахт қуши! Сени ёруғлик сари учиряпмиз. Зиммангда катта юк бор. Сенинг айтганинг-айтган, деганинг-деган. Эл орасидан энг одил, энг ақлли одамни топ. Токи, уни подшо қилиб кўтариб, кейин адашиб юрмайлик. Қани, уч, бахт қуши, ой бориб, омон кел!

Бахт қуши подшо ҳузурида икки-уч айланиб, йўлга равона бўлибди. Унинг ортидан эллик ясовул, гилам кўтарган навкарлар йўлга чиқишибди...

— Дада, дада,— деди қизим.— Ростдан бахт қуши учиршибдими?

— Ҳа, қизим.

— Ҳозир нега учирибмайдим?

— Бахт қушига ишонишмайдим ҳозир.

— Нимага?

— Ушандай қушни ҳам сотиб оладиган одамлар бор.

— Кейин нима бўлди, дада?

— Энди гапни Нўхатполвондан эшит.

Нўхатполвон янги кўйлагини кийиб, онасига раҳмат айтиб, Тешавой чол билан Боғимайдон томон йўл олган экан, бир вақт кунчиқар томондан нуқул чанг кўтари-лармиш. Одамлар: «Ҳайю ҳайт, бу томонга учди, ана бу томонга бурилди», дейиша-ётганмиш. Тешавой чол синчиклаб қарабди-ю, кўзи илғамабди.

— Нима гап, ота? — сўрабди Нўхатполвон.

— Билмадим, тумонат одам келяптими-ей!

Бир пайт оппоқ қуш осмонда бир-икки айланиб, қанотларини ёзиб, Нўхатполвон-нинг бошига кўнибди. Шу орада ясовуллар, гилам кўтарган навкарлар ҳам етиб кели-шибди.

Ясовулу навкарлар гиламни ёзиб, Нўхатполвонни унга солишиб, Тешавой чолни туртишиб кетишаётган экан, Нўхатполвон:

— Нима иш қияпсизлар? — дебди.

— Подшоҳи оламнинг буйруқларини бажо келтиряпмиз. Эл-юрт орасидан энг одил кишини танляяпмиз. Бахт қуши сизнинг бошингизга кўнди. Энди сиз подшо бўла-сиз,— дейишибди.

— Қанақа подшо? — жеркиб берибди Нўхатполвон.

— Шунақа подшо, ростакамига подшо! Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда бўлади. Молу дунё, тиллаю марварид, эҳ-ҳе, қайси бирини айтай, ҳаммаси сизники. Хоҳласангиз йиғасиз, хоҳламасангиз йиғмайсиз. Мен ясовулбошиман. Ўла-ўлгунча қулингиз бўлай. Подшолик хизматиға олсангиз, илтимос, чўлу биёбонларда юравериб товонинг қавариб кетди.

— Отам қани?

— Қайси отангиз? Э, анави сассиқ чолми?

Нўхатполвон ясовулбошининг юзига бир тарсаки туширибди.

— Гапингни қайтариб ол, галварс!

— Тавба қилдим, буюринг, нима қилайлик?

— Отамни ҳам гиламга солинглар.

Тешавой чолни ҳам гиламга олишибди. Уйга боришиб, онасига: «Биз тезда қайтамыз, хавотир олманг», дейишиб, ота-бола гиламга ёнбошлашиб кетишаверибди. Бир вақт қарашса, подшонинг равоғига олиб чиқишаётганмиш. Тешавой чол атрофдаги лаълу марварид, товусу булбулларни кўриб, ҳайрон бўлармиш. Навкарлар гиламни подшо ёнига қўйишиб, унга яна қўллуқ қилишиб, орқаси билан юриб, чеккага чиқишибди.

Подшо бир тарвуздек Нўхатполвонга, бир мункиллаган Тешавой чолга қараб, анграйиб қолибди. Унг қўл вазир: «Топган одамини қаранглар», дегандай нуқул тиржа-

ярмиш. Чап қўл вазир: «Бу ерда бир гап бор», дермиш. Мунажжимлар, тарихчилар, қозию имомларнинг оғзи очилиб қолганмиш.

— Сиз кимсиз? — сўрабди подшо.

— Узингиз кимсиз? — жавоб берибди Нўхатполвон.

Подшо ҳайрон бўлибди. Даврадаги одамларнинг нафаси ичига тушиб кетгандаймиш.

— Мен шу юртнинг одил подшосиман,— дебди подшо.

— Мен Нўхатполвонман. Подшо-модшоси билан ишим йўқ. Лекин бир элликбошини кўрганман. Росаям таъзирини берганман. Айтгандир.

Подшо ҳеч нарсага тушунмай каловланибди.

— Бахт қуши бошингизга қўндими?

— Қўнди.

— Унда мана бу жойга ўтиринг,— деб ўз ўрнини кўрсатибди подшо.— Бугундан бошлаб эл-юртни сиз бошқарасиз.

— Йўқ, манави отам бошқаради.

— Йўқ, йўқ, болам. Мен оддий деҳқонман. Бунақа иш қўлимдан келмайди. Жо-он Нўхатполвон, Зарқишлоққа қайтайлик. Юрагим сиқилиб кетяпти. Онанг ҳам кутиб қолгандир.

— Ҳа, айтгандай, биз қайтишимиз керак,— дебди Нўхатполвон.

— Подшо ким бўлади?

— Қанақа подшо?

— Юртни бошқарадиган одам-да!

— Мана, сиз...— дебди Нўхатполвон.— Сезяпман, қаридим деяпсиз. Ҳозир... ҳозир, мен бир сўрайин-а! Ана, бўлди! Ҳали узоқ яшар экансиз. Аммо подшоликда ярамас одамлар кўп экан.

— Ҳа, ҳа, кўп! — иқрор бўлибди подшо.— Ушаларни тополмаяпман.

— Нимага тополмайсиз? Мана, бири ёнингизда ўтирибди. Ўнг қўл вазирингиз. Узим бўлай деган хилидан экан. Сизга икки марта заҳар ичирмоқчи бўлибди-я! Аммо уддасидан чиқолмабди.

— Жаллод! — буюрибди подшо.— Олиб чиқ бу ярамасни!

Икки барзанги жаллод кириб, ўнг қўл вазирни судраб чиқишибди.

— Кейин тарихчингиз ҳам одил эмас экан. Айрим рақамларни қўшиб-чатаркан. Йўқ, бунақаси кетмайди, одил подшонинг иши одил бўлиши керак!

— Яна? — сўрабди подшо.

— Кўпгина амалдорларингиз бузуқ. Қорнини тўйдириш, киссасини қаппайтириш пайида юраркан. Битта элликбошини айтдим.

— Элликбоши ишдан четлатилсин!

— Кейин бева-бечоралар, деҳқону чоракорларга ғамхўрлик қилинг. Шунда кам бўлмайсиз. Яна айтайми? Мен одил подшоман деб ҳадеб керилаверманг!

Подшо қуллуқ қилибди, сўнг:

— Ҳазинабон, ҳар бир деҳқон, бева-бечорага икки тилладан танга улашилсин,— деб буюрибди.

— Бу бошқа гап, подшоҳи олам. Энди бизга рухсат беринг. Отам қари, онам ҳам йўл пойлаб ўтирибди. Сиз қачон десангиз, йўл-йўриқ беришга тайёрман,— дебди Нўхатполвон.

Подшо ноғораю карнай, чирмандаю сурнай чалдириб, Нўхатполвон билан Тешавой чолни Зарқишлоққача кузатиб қўйибди. Шундай қилиб улар мурод-мақсадига етибдилар...


— Дада, дада, мен ухлаганим йўқ,— деди Мунаввара.

— Энди эртагим тугади, мурод-мақсадига етди, дедим-ку!

— Барибир, унинг давоми бор-а!

— Бор, қизим. Ҳали давоми кўп. Нўхатполвоннинг ўзи тугамайдиган эртақ.

1988—1989 йиллар.



ВИСОЛ ЙЎЛИДА

«Қаро кўзум» ғазали Навоий ижодидаги энг нодир бойликлардан бири. Бу ғазал яралибдики, унга мусиқачилар, ҳофизлар, шоирлар, адабиёт аҳли тинимсиз мурожаат этиб келдилар. Ғазалнинг шўхрати халқимиз севиб куйлайдиган, сеҳрли куйга йўғрилган, дилни ром этувчи қўшиққа айланганидагина эмас, балки Навоийнинг бошқа асарлари каби унинг бағрида бир неча маъно жавҳарлари жо бўлганидандир. У ҳурматли шоиримиз Эркин Воҳидов, адабиётшунос олимлар Алибек Рустамов, Нажмиддин Комилов, Исматулла Абдуллаев, Нусратулла Жумаев томонидан таҳлил қилинди, мунозараларга сабаб бўлди. Ҳар бир таҳлил бу ғазалнинг бошқалар нигоҳидан четда қолган томонларини, Навоий шеъриятига хос бўлган гўзал ва нафис бадият қирраларини очиб беради. Устозларимиз «Қаро кўзум»даги мажозий тасвирни берган бўлсалар, биз уларни ўрганиб, уларга суянган ҳолда ҳақиқий ишқ тасвирини, яъни ғазал замирида ётган суфиёна маъноларни тушунишга ҳаракат қилдик. Чунки Навоий ва ўтмишдаги буюк шоирларимиз бир ғазалнинг ўзига дунёвий маъноларни ҳам, суфиёна мазмунларни ҳам сингдириб юбора олганлар. Ахир аввалдан машҳур бўлган бир ғазалнинг қирқ талқини ҳақидаги ривоятлар бежиз бўлмаса керак. Шу ерда ҳакамликни вақтга, келажакка топширамиз-да, мақсадга ўтамыз.

**Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил.**

Назаримизда, қаро кўзум ундалмаси матлаъ учун, қолаверса, бутун ғазал учун калит ҳисобланади. Шунинг учун бу икки сўзинг тасаввуфдаги маъноларини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Биздан аввалги таҳлилларнинг барчасида мазкур ундалма «қаро кўзлим», «қаро кўзли ёрим» дея тўғри изоҳланган. Тасаввуфда ёр илоҳни, яъни оллоҳни билдиради. Кўзни кўриш воситаси эканини назарда тутган ҳолда унга кўшсак, оллоҳнинг исломдаги дунёни мукамал кўз билан кўргувчи, яъни ҳамма нарсадан хабардорлик сифати ҳосил бўлади. Мисранинг қолган қисмида кел, энди менга одамийлик (мардумлиғ) расмини (фан) қилғил дейилади. Бу оллоҳга нисбатан айтилса, «одамийлик расмини қилғил»ни менга бир мурувват қилгин, деб кўчирса бўлади. Оллоҳнинг бу ўринда муруввати нимадан иборат? Унинг юқорида изоҳланган қаро кўзлик сифатини назарда тутсак, бу мурувват унинг ошиққа назар солишидир. Мисрадаги «эмди» равиши юклама вазифасида келиб, ошиқнинг бу мурожаатига қадар оллоҳга бўлган интилиши, ички кечинмаларини, кийноқларини ифода қилади.

Иккинчи мисра, кўзим қаросидаги гавҳар каби жой олган, дея изоҳланади. Бу мисрани тушунтириш учун Навоийнинг қуйидаги байтига мурожаат қиламыз:

**То хаёлинг кўздадир, кўз уйи гўё Каъбадур,
Ким туруб атрофидин киприкларим айлар намоз.**

Ёрнинг ошиқ кўз қаросида гавҳар (мардум) каби жой (ватан) олиши, бу оллоҳнинг хаёли ошиқнинг кўзида бўлишидир, унинг хаёли жойлашган кўз эса Каъбага айланади. Одам кўнглида бирор кишига ишқи бўлиб, лекин ундан айру тушган дамларида доимо маҳбубасининг сиймосини кўз олдида гавдалантириб яшайди. Айтмоқчимизки, оллоҳ хаёлининг кўздалиги ошиқнинг унга бўлган кўнглидаги ишқидандир. Демак, биринчи байтнинг маъноси қуйидагича: эй, дунёни мукамал кўз билан кўрувчи — барча нарсадан огоҳ оллоҳ, кел, қачонлардан сенга интизор мен ошиқнингга бир мурувват қилгин, бир нигоҳ ташла, токи бу нигоҳинг шуъласи бирла кўнглимдаги ишқ янада ёлқинлансаю сенинг хаёлинг кўзим қаросида гавҳардек муҳрланиб қолса, яъни, хаёлимда фақат сен бўлсанг.

**Ўзинг гулига кўнглиг равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.**

Ёр юзи — оллоҳ жамоли, беқийёс гўзаллигининг тимсоли, қадди ниҳоли эса унинг бутун борлиғи. Биринчи байтдаги ошиқнинг илтижоси давом эттирилади: агар сен менга нигоҳ қилсанг, кўнглиг равза (боғ)га, жоним эса гулшанга айланади, кўзимда хаёлинг (яъни, сенинг ёдинг) кўнглим боғини яшнатади, сенинг борлигинг (яъни, қадди ниҳолинг) жоним гулшанин чаман қилади.

Мансур Ҳаллож, Аттор, Румий мансуб бўлган тасаввуф оқимига кўра илоҳ васлига, у билан ваҳдатга (бирликка) интилаётган одам тўрт босқичдан — шарият, тариқат, маърифат, фанодан ўтиши керак.

Шарият босқичининг асосий шартларидан бири — худога ибодат қилиш. Худога ибодат қилиш — банданинг унга илтижоси. Биринчи ва иккинчи байтларда шундай илтижо бор. Ошиқ ибо-

дат қилиб, оллоҳнинг ўзига бир мурувват қилиб назар ташлашини ва оллоҳ ёдининг ўз хаёлида мудом муҳрланиб қолишини, шу йўл билан кўнгул боғининг гулшанга, жон гулшанининг чаманга айланшини илтижо қилади. Лекин ошиқ ёр (оллоҳ)га мурожаат қилар экан, ҳали илтижоси ижобат бўлмаган. Шунинг учун унинг «бағри қон», «жони ғамзада»:

**Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.**

Мазкур байтни ечиш учун «таковар» ва «ит» сўзларининг байтдаги маъноларини аниқлаб олишимиз керак. Бу сўзлар турли ғазалларда бошқа-бошқа маъноларда келиши мумкин. Кузатишлар шунинг курсатадики, таковар, умуман, от, кўп ҳолларда чарх, дунё, фалак, борлиқ тушунчаларини беради. Масалан, Навоийда ўқиймиз:

**Бу чархи ложувард уза хуршид гўйиё,
Кўк бўз таковарига музаҳдаб жаноҳ эрур.**

Бобурда эса мана бундай:

**Чикса қуёш фалакка сен отқо чиққанингдек,
Бўлғайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек.**

Ит эса рақиб образига тенглаштирилади. Бу бир томондан, ошиқнинг рақибига бўлган салбий муносабатини ифодаласа, иккинчи томондан, рақибнинг ҳам маъшуқага содиқлигини англатади. Тасавуфда рақиб образи оллоҳга етишишда ошиқ йўлидаги тўсиқларнинг рамзий умумлашмасидир. Бу тўсиқлар нималардан иборат? Аввало, улар мол-дунёга кўнгул қўйиш, нафс домига берилиш, ўткинчи ҳою ҳавасларга асирлик ва бошқа инсонга хос бўлмаган иллатлардир. Шунинг учун Навоий бошқа бир байтида ёзади:

Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо.

Демак, инсон даставвал ўзидаги нафс итини ўлдирмоғи керак. Шундагина у комиллашиб боради. Шу ерда нима учун от ва ит бир байтда берилётгани ҳам ойдинлашади. Ит отнинг ортидан чопгани каби, одамни ҳам бу йўрғалаб ўтиб борувчи дунё кетидан югуртирувчи нарса нафс ва ҳирсдир. Мана, керакли сўзнинг маъносини аниқлаб олдик. Энди учинчи байтни шарҳлашга киришсак бўлади.

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла...

Маълумки, агар отга ҳино боғланадиган бўлса, унинг туёғига қўйилади. Таковар, чарх, дунё, фалак тушунчаларини англатишини келтирдик. Чархнинг энг юксак олий ҳилқати ошиқ интилаётган илоҳ макони бўлса, бу макон туёғи биз яшаб турган борлик, дунё, бизни ўраб турган фалак.

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил...

Ит ҳамда ғамзада сўзларининг ёнма-ён берилиши ҳам бежиз эмас. Чунки жоннинг ғамзада бўлиши ана шу ит (рақиб) аталмиш нафс, ҳирс каби ошиқнинг ўз ичидаги иллатлардандир. «Ит»ни ана шу ғамзада жон ипи билан боғламоқчи бўлади. Бу нимани билдиради? Назаримизда, бу одамнинг ўз ирода кучи, ўзини тийиши билан рақибни — нафс, ҳирсини жиловлашидир.

Учинчи байтни қўйидагича тушунтириш мумкин: ошиқда ёр (оллоҳ)га интилиш, унга интизорлик беқийёс, унинг учун ёнишлик беадад ва шу туфайли бағри қонга тўла, бағридаги қондан дунёга ҳино боғлашни сўрайди. Бу қон ошиқ бағрида ёр (оллоҳ) ҳажри учун бўлганлиги туфайли дунёга зийнат бўлиб тушади. Бошқача қилиб айтганда, поклик, зғулик ва ҳақиқат тисмоли бўлмиш оллоҳ ҳажри учун чекилган ғам, унинг ишқи билан йўғрилган дард бу дунёни тозартиради. (Шоирнинг «Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур, Алам йўқлиги дағи қаттиқ аламдур» байти ҳам бу фикрга ҳамоҳанг.) Бу борлиқ, фалакни тозартирмақ учун эса инсоннинг ўзи тозарган бўлиши керак. Бунинг учун эса у ёр (оллоҳ) йўлидаги ит (рақиб)ни ундан ғамзада бўлган жон ипи билан боғлаши керак, яъни, ўзини енгиб, нафсини тийиб, ноинсоний ҳисларга берилмай, ўткинчи нарсалардан қочиб, умуман, ўз ирода кучи билан жиловлаб, маънан ва руҳан покланиб боради. Покланиш эса оллоҳга етишнинг энг асосий шартидир.

**Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Ҳамир этиб яна ул тоғда кўҳқан қилғил.**

Бу байт юқоридаги байтларнинг тадрижий давомидир. Ўз яратувчиси билан ўзаро бирликка интилаётган ошиқ учун бу мақсад воситаси бўлмиш фано йўли қўл етмас, кўз илғамас олис манзил. Уша манзилга етиш учун жуда узун айрилиқ йўлини босиб ўтиши керак ва бу байтда «фироқ тоғи» ибораси билан ифодаланган. Биринчи мисрада «Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх», дейилмоқда, яъни, бу тоғни маҳв этолмай ўлиб кетсам, демоқчи. Бу ерда талмеҳ санъати бор. Навоий салафлари битган «Хусрав ва Ширин» дostonларида Фарҳод асосий образ бўлмай, Ширинга ошиқ бир йигит сифатида тасвирланган. Хусрав Фарҳодга агар Кўҳи Қоф тоғини тешсанг, Ширин сеники бўлади, деб шарт қўяди. Шунда Фарҳод зўр ғайрат билан ишга киришиб, тоғни теша бошлайди. Олдиниға бу ишни уддалай олмайди, деб ўйлаган Хусрав кўрадики, иш бинойидек кетяпти. Шунда ялмоғиз кампирни ёллаб, ҳийла билан Фарҳодни ўлдиртиради. Мисрада шу лавҳага ишора қилинмоқда.

Тўртинчи байтда лирик қаҳрамон: Фарҳод ялмоғиз ҳийласи билан ўзини нобуд этгани каби мен ҳам рақиб (рақибнинг маъноси учинчи байтда изоҳланмай) домига тушиб, фироқ (айрилиқ) тоғини янчолмай, яъни, вужуди мутлаққа (оллоҳга) етишолмай ўлиб кетсам, эй чарх, мени яна кўҳқан, яъни фақат оллоҳ хаёли билан яшовчи, оллоҳга интилувчи ошиқ қилиб яратгин, дейди. Шунингдек, байтдаги «туфроғим», «ҳамир этиб» сўзларида ҳам одамнинг яратилиши ҳақидаги диний ақидаларга ишора бор. Тупроқ ҳақида Иброҳим Ҳаққулнинг «Занжирбанд шер қошида», «Шерьят — руҳий муносабат» китобларида муфассал маълумот берилганлиги учун биз изоҳга ҳожат сезмадик.

Учинчи ва тўртинчи байтларда тасавуфнинг тариқат босқичи акс этган. Тариқат — солик (худо

йўлига, тасаввуф йўлига кирган одам)нинг ер юзидаги лаззатлардан воз кечиши, нафсни тийиши, маънавий муҳаббатни чуқурлаштириб, фақат худо тўғрисида ўйлаши.

Тақоварга ҳино боғлаш — ер юзидаги лаззатлардан воз кечиш, Итти ғамзада жон ипи билан боғлаш — нафсни тийиш, Фақат худо тўғрисида ўйлаш — Фироқ тоғидаги Кўҳкан образи орқали берилган.

Юзунг висолига етсун десанг кўнгуллари, Сочингни боштин-оёғ чин ила шикан қилғил.

Олдинги байтда ошиқнинг оллоҳга интилиши, интизорлигининг ифодасини кўрган бўлсак, бу байтда интилишнинг мақсади — оллоҳ висолига етишиш таъкидланган.

Иккинчи байт таҳлилида «юз» сўзининг маъносини келтирдик. Соч тасаввуфда бу ўткинчи дунёнинг рамзий образи. Адабиётшунос Н. Комилов чин ва шикан сўзларининг қуйидаги маъноларини келтиради: чин — рост, тўғри (ўзбекча маъноси) 2. ўрам, букум, ҳалқа-ҳалқа шаклида бўлиш (форсий маънолари). Шикан — 1. печу тоб, қат-қат бўлиш, ўрам-ўрам, занжирсимон шакл олиш.

2. Исканжа, азоб.

Бизнингча, Навоий бу икки сўзнинг ҳар иккала маъноларини ҳам эътиборга олган, яъни, ийҳом санъатини қўллаган. Чин сўзининг биринчи маъноси қўлланилганда, шиканнинг иккинчи маъноси, чиннинг иккинчи маъноси қўлланилганда, шиканнинг биринчи маъноси назарда тутилади.

1. Агар мени юзингга — жамолинга етишсин десанг (ошиқнинг вужуди мутлақ билан қўшилиши айтилмоқда), бу ўткинчи дунёдаги ҳаётимни тўғрилик, ростлик исканжасига олгин ёки, бу дунёдаги ҳаётим тўғрилик «исканжа»сида бўлсин. Бошқача қилиб айтганда, бу дунёда ошиқ учун ростлик йўли — фанодан чалғиш фожиадир.

2. Жингалак ва занжир соч — бу чигал ва мураккаб дунё. Урилган жингалак соч занжирларини бир-бир ечиб келсангиз, соч бошга келиб тўхтайдиган ёки тугайди, юз эса бошда жойлашган. Худди шу каби бу ўткинчи дунё мушкулотини, чигалликларини бир-бир ечиб, ошиқ вужуди мутлақ жамолига восил бўлиши мумкин.

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монень, Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Бу байтнинг маъносини тушуниш учун «боғбон», «боғ» сўзларининг тасаввуфий маъноларини аниқлаб олиш зарур. Боғбон — боғ соҳиби, боғни парвариш қилувчи киши. Боғ эса дарахтзор, мевали дарахтлар майдони. Дарахт тасаввуфда инсон наслини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, инсонни мевали дарахтга муқояса қилиш мумкин. Инсон наслининг боғбони ҳам инсоннинг ўзи. Чунки боғбон янги кўчат экиб, уни парваришлаб ўстиргани каби, одам ҳам ўзидан насл қолдириб, уни тарбиялаб, вояга етказиши. Боғ бу ўринда дунёвий ҳаётнинг рамзи сифатида берилмоқда.

Хазон сипоҳи — хазонрезгилик фасли, яъни инсон ҳаётининг охири, кексалик даври. Бу байтдан қуйидаги маъно англашилади: эй инсон, агар сенинг умринг охираб, кексалик даври келса, қанчалик ҳаракат қилмагин, қаршилик кўрсатмагин, унга ҳеч нарса монень бўлолмайди, чунки бу дунё (бешинчи байтда таъкидлангандай) ўткинчи дунё. Шунинг учун бу қисқа умр давомида покланишга улгуриш, вужуди мутлаққа етишишга эришиш керак, дея огоҳлантиради. Шунингдек, бу фалсафий байт юқоридаги байтларда ифодаланган ошиқнинг зор интизорлиги, чексиз қийноқлари ва бесабр интилишларининг сабабини тушунтиргандек бўлади.

Кейинги икки байтда маърифат босқичининг ифодасини кўрамыз. Маърифат — ҳамма нарсанинг асоси худо эканини, ўзининг моҳияти худо моҳияти билан бир эканини билиш ва аниқлаш. Шуларни англаган киши бешинчи байтда айтилганидек, ростлик, ҳақ йўлидан чалғимай, дунё мураккаблиги ва чигалликларини ечиб, оллоҳ висолига, у билан бирликка интилади. Шунингдек, бу босқичда у Орф (таннган) мартабасига эришади. Орф одамгина олтинчи байтда ифодалангандай, бу қисқа умр давомида покланишга улгуриш, илоҳга етишишга эришиш ҳақида қайғуради.

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Юзида тер, гулоб, гул сўзлари таносиб санъати қонунияти бўйича бир-бири билан мантиқий чамбарчас боғлиқ. Одам юзида тер иссиқлик, ҳарорат туфайли пайдо бўлади. Гулоб ҳам гулнинг қайнатилишидан ҳосил бўлади. Уларнинг тасаввуфий маъноси мана бундоқ: Гул — оллоҳ юзининг, жамолининг тажаллийси. Гулоб — оллоҳнинг моҳияти. Гул барги — оллоҳга етишиш йўлидаги маълум бир мақомат. Гулоб ва Юзида тер сўзларининг мантиқий боғлиқлигини яна бир бор таъкидлаб, байтни қуйидагича тушунтирамыз: агар мен бу қисқа умр давомида оллоҳнинг моҳиятини (юзида терини кўриб) ўлсам, эй рафиқ, гулоб билан ювиб, гул баргини кафан қилғил.

Оллоҳнинг моҳиятини англашлик — руҳий поклик, маънавий юксалик, ақлий камолотдан дарак беради. Гулоб билан ювилиш ана шу моҳиятга сингирдир. Гул барги агар ишқ йўлининг маълум бир мақомати бўлса, байтда ундан кафан қилишлик гапирилмоқда. Маълумки, кафанга ўралган жисм охириги йўлга кузатилади. Шу маънода байтдаги гул барги оллоҳга етишишдаги охириги босқич — Фано мақомати эканлиги ойдинлашади. Фано босқичида кафанга ўралишлик ундан кейин келажак Бақо чизигидан ўтиш демак. Бақо манзилида бўлишлик — оллоҳга етишиш, вужуди мутлақ билан қўшилишдир.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг, Анинг бошоғлиқ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Охириги байтни изоҳлашда биринчи байтдаги изоҳларга суянамыз. Лирик қаҳрамон ўзига қарата айтади: эй Навоий, агар ул қаро кўз (изоҳларни тақрорлаб ўтирмаймиз) сенга муруват қилиб нигоҳ ташласа, ул шуъланнинг учини ушбу анжуманнинг шами қилиб олгин. Жон сўзи алифсиз бўлмагандай, сенинг жонинг аро шавқ анжумани ёр нигоҳининг шуъласисиз ёрмайди.

Байтда жон орасидаги шавқ анжумани — ишқ эканини англаш қийин эмас. «Бошоғлиқ ўқи»га келсак, биринчи байтда айтилганидек, қаро кўзнинг нигоҳ шуъласи ошиқ хаёлига ёр (оллоҳнинг ёдини жойлайди (худди кўз қорасига унинг гавҳари жойлангандек). Шу шуъланнинг учи бошоқ

учлик — қайтиб чиқмас ўққа ўхшатишмоқда. Шу шуъла оллоҳ хаёлини ошиқ жони аро олиб кирар экан, энди унинг ёди бу ердан чиқмайди.


Навоийнинг бошқа бир «Фироқ шоми ёнгилмас, ўқунг кўнгул йўлини Ки борур ул сори пайкондин чироғи била», байтида ҳам худди ана шундай тасвир бор. Н. Комилов «Ёшлик» ойнамасининг 1990 йил 3-сонига «Ёнмоқ саодатдир» мақоласида бу байтни қуйидагича таҳлил қилади: «Фироқ шомида, дейди шоир маъшуқага қараб, ўқинг (кипригинг) кўнглим йўлини адаштирмасдан топади, чунки у кўнглига томон чироғи билан келяпти. Нимага ишора бор бу ерда? Гап шундаки, «пайкон» сўзи ҳам ўқни англатади, бу ўринда камон ўқи назарда тугилмапти. Камон ўқининг ўткир учи эса, металлдан ясаларди ва у нишонга қараб учиб бораётганда металл қисми ярақлаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай шуълаланиб кўзга ташланарди... Албатта, маъшук кипригини чақмоққа қиёслар экан, Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки аслида киприк бировга қараб отилмайди, балки назар, қараш йўналади. Шунинг учун киприк — чақмоқ муқоясаси илоҳий нурнинг ярқ этиб кўнглини ёритиши... тарзида талқин этилиши мумкин».

Шунингдек, байтда «бошоғлиқ» сўзи лутф билан иккинчи маънода ҳам қўлланилган, бу ерда чиройли сўз ўйини бор. Бошоғлиқ — бош оғлиқ, яъни бошни оғдирувчи, хаёлни олувчи маъносида келтирилган. Биринчи бошоғ учлик ўқ маъносида бу сўз ошиқнинг жони аро кирган оллоҳнинг қайтиб чиқмас ёди бўлса, иккинчи маънода доимо ошиқ бошини оғдирувчи, хаёлни олувчи ва банд этувчи оллоҳ ёдини билдиради. Кўряпсизки, ҳар иккала маъно аввало бир-бирига яқин, шунингдек, улар бир-бирини тўлдирди ҳам.

Охирги байтни ҳам таҳлил қилдик. Саккиз байт занжир бўғимлари каби бир-бирига улашиб, яхлит бир ҳалқани ташкил этади. Матлаъни мақтаъдаги мазмун билан янада кенгайтириб, бошдан-оёқ янгитдан таҳлилни давом эттириш мумкин.

Навоий ғазалларини дунёвий муҳаббат нуқтаи назаридан таҳлил қилганда, баъзан ғазалдаги байтларнинг ўрнини алмаштирсангиз ҳам маъносига путур етмайдигандай туюлади. Албатта, бу юзаки тасаввур. Айниқса, ишқи ҳақиқий билан боғлиқ ғазалларда ҳар бир байтнинг ўрни қатъий, ғазалда ифодаланаётган руҳий ҳолат байтма-байт ривожланиб, юксалиб боришини ушбу таҳлил мисолида кўрдик. Бундай ғазалларда мураккаб бир руҳий сюжетни кузатиш мумкин. Бу шундай сюжетки, унда атрофини қуршаб турган борлиққа нисбатан аёвсиз муросасиз ва исёнкор, гоҳ ўзининг қаршисида ночор, баъзан ўзлиги устидан ҳукмрон, доимо ўз-ўзи билан курашувчи ва қарама-қаршиликда бўлган Рух фаолияти тасвирланади. Кўринадики, Навоий ғазалларини тушуниш билан боғлиқ асосан икки томон бор. Биринчиси, юзага қалқиб турган дунёвий ишқ билан боғлиқ маъно бўлса, иккинчиси, юқорида таъкидланган Рух фаолиятига тегишли ишқи илоҳий билан боғлиқ маъно. Биздан аввалги таҳлилларда ғазалнинг биринчи томони мукамал таҳлил этилгани, уларнинг ўқувчиларга яқиндан танишлиги учун биз эътиборимизни ишқи илоҳий билан боғлиқ маънога қаратдик. Ғазаллар таҳлилида бу икки томон баравар яхлит олиб борилиши лозим кўринади. Шунда шоирнинг ижодий, маънавий оламига дахлдор кўп нарсаларни англай оламиз.

Валижон ҚОДИРОВ,
тадқиқотчи





* * *

Ҳар жафо қилсанг тўзармен, қилмасанг дағи вафо,
Ўзгаларға не вафо қилсанг тўзармен, не жафо.

Элга гар ваъдаву вафо қилдинг, жафо мен хастаға,
Элни билмон, қил менга ҳар ваъдаким, қилдинг вафо.

Ваъдалар қатлимғаким, қилдинг, танимдин кетти заъф,
Гўйи алфозинг эди дардимға оёти шифо.

Оразинг хуршидидин тушмиш қадингнинг сояси,
Ёки ерга судралиб мушкин сочинг қолмиш қафо.

Хурдадонлар айламаслар фаҳм оғзинг рамзини,
Не учунким, бордурур ул нуктада беҳад хафо.

Тийраликдур давр иши софий фано жомию бас,
Айюҳас-соқий лано даъ ма қадар жуз ма сафо.

Эй Навоий, жонинг олғумдур деса қайғурмағил,
Жонға миннат тут мунунг бирла гар этса иктифо.

* * *

Маҳвашо, сарвақдо, лоларухо, сиймтано,
Чораким қолмади сабрим ғами ҳажрингда яно.

Ахтари саъд санингдакки туғубтур гўйиё —
Ким, қуёш эрди атою тўлун ой эрди ано.

Гар фалак сайридур айлар сени истаб таку дав,
Вар малак зикрин эшитсанг сенга дер мадҳу сано.

Уйла ишқинг майи лабташнасименким, ичмон,
Оз дебон бодам учун бўлса фалак жоми ино.

Ишқ меҳнатлари таркини буюрманг менгаким,
Мужиби сихҳату қувватдурур ул ранжу ано.

Хонақаҳ ичра эрур шайху ўзин кўрсатмак,
Эй хушо, муғбачалар жилвасию дайри фано.

Лаб уза хатти наботи ҳусну наҳли қади,
Гулбуни анбата иллоҳ наботан ҳасано.

Жуз Навоий бориға жоми каромат тутунг,
Айюҳас-соқийи мин каъси фано айна лано.

* * *

Ёр жавлонгаҳидин келди сабо,
Пайкарим туфроғини қилди ҳабо.

Юз саманди аёғиға қўярим,
Мисли қаҳ баргидурур қаҳрабо.

Буки кўксумни ғаминг қилди шигоф,
Хилъатим кўнглагини қилди қабо.

Бўлди бағрим яраси уйла афан —
Ки, шамимидин эрур бийми вабо.

Бошима ёғса қилич ишқингда,
Бўлмасун бошим агар қилсам ибо.

Ваҳки, жоним била ўйнар ул тифл,
Шўхлуқ лозимаси келди сабо.

Панжа пашминаға урдумки, эрур,
Эй Навоий, панаҳим оли або.

* * *

Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
Менга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билгурди,
Танаъум даст бермас кимсага бўлмай дирам пайдо.

Шафақгун юз ҳилоли қош ила то жилвагар бўлдунг,
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди ҳам пайдо.

Самад қилғач зуҳур ул навъким, асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабхут бўлғач ул санам пайдо.

Чу айлар жилваи ҳусн ул пари ушшоқ аро нетгай,
Юзин ёшурмаса етгач замон мен телба ҳам пайдо.

Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда,
Қадам урғай дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.

Кўюнғ, йиғлайки, кўнглумнинг ғубори пастроқ бўлсун —
Ки, манъи гард этар ногаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.

Оқизгил бода селобидин, эй соқийки, ҳижрондин,
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо.

Навоийни чу сўрдунг, эй пари, бир дам таваққуф қил —
Ким, ул Мажнун бўлур саҳро юзидин дам-бадам пайдо.

* * *

Кўзумдин ашк тугандию бўлди қон пайдо,
Бағирдин анда бўлур поралар нишон пайдо.

Жунуним ўлса дамодам таажжуб этмангким,
Кўзумга ул пари ўлур замон-замон пайдо.

Нужуми ҳусндурур хўбларда ул соат —
Ки, бўлса ул юзи хуршид ногаҳон пайдо.

Мунажжим ахтари бахтимни қўйки, оҳимдин,
Буқун эрур не нужуму не осмон пайдо.

Не заъфдурки, сўрар элга фаҳм ўлур нола,
Валек кўзга эмастур бу нотавон пайдо.

Навоий ўлди анинг дарғаҳида андоқким —
Ки, туфроғ ичра эмастур ул остон пайдо.

* * *

Гулбарг уза қилмишсен то сабзаи тар пайдо,
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо.

Лаълинг ғамидин сувда гул ёфроғи келгандек,
Ашкимда бўлур ҳар дам парканди жигар пайдо.


Жисмимдин оқиб қони пайкони аён бўлди,
Шох узра бўлур доим гул кетса самар пайдо.

Жон риштасидек эрмас кўзларга белинг маръий,
Чобуклук учун қилдинг боғларга камар пайдо.

Ул зулф саводида ўлдум юзини кўрмай,
Ваҳким, йўқ эди муҳлик шомимға саҳар пайдо.

Даврон ғамидин кўнглум мақбуз эрур, эй соқий,
Басти учун этгайсен хум бода магар пайдо.

Қилкида Навоийнинг жон ширасидур музмар,
Ҳар найда қачон бўлсун бу навъ шакар пайдо.



Алоуддин МАНСУР таржимаси



Бу сура эллик уч оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилинган.

У Қуръони каримнинг Оллоҳ таоло томонидан туширилган илоҳий ваҳй эканлигини таъкидлаш билан бошланиб, аввалу охир барча пайғамбарлар келтирган шариатлар моҳият жихатидан бир бўлиб, ёлғиз Оллоҳ таологагина сиғиниб-ибодат қилишга буюргани ҳақида хабар беради.

Бу сурада ҳам бошқа Макка сураларидаги каби мўминлар қўрқув ва умид билан кутаётган, кофирлар эса инкор этаётган киёмат куни аниқ ва яқин экани таъкидланади, барча инсонларни Парвардигорга иймон келтириб, ёлғиз Унинг амр-фармонига итоат этишга буюрилади.

Сура ниҳоясида ушбу Қуръон мўминларни Ҳақ йўлига хидоят қиладиган илоҳий бир Нур эканлиги уқтирилади.

Бу сурада аҳли иймоннинг гўзал фазилатларидан бўлмиш — ҳар қачон

маслаҳат-кенгаш билан иш тутиш хислатига даъват этадиган оятлар ҳам мавжуд бўлгани учун «Шўро» — «Маслаҳат» сураси деб номланган.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Ҳо. Мим. 2. Айн, Син, Қоф. 3. (Эй Муҳаммад), Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ сизга ва сиздан аввалги (пайгамбар) ларга мана шундай ваҳй қилур. 4. Осмонлар ва ердаги бор нарсалар Униқидир. У юксак ва улуғдир. 5. (Мушрик жамоаларнинг ширк келтиришлари сабабли) устларидаги осмонлар ёрилиб кетишга яқин бўлур. Фаришталар эса Парвардигорга ҳамду сано айтиш билан (У зотни айбу нуқсондан ва «шерик»лардан) покларлар ва Ердаги (мўмин-мусулмон) кишилар учун (Оллоҳдан) мағфират сўрарлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг Ўзигина мағфират қилгувчи, меҳрибондир. 6. (Оллоҳни) қўйиб, (бошқа) «дўст»ларни ушлаган (яъни, ўшаларга сизгина ётган) кимсалар устида (уларни) Оллоҳ кузатиб тургувчидир. (Эй Муҳаммад), сиз уларнинг устида вакил-қўриқчи эмассиз. 7. (Барча) кишлоқ-шаҳарлар онаси — пойтахти (Макка аҳлини) ва унинг атрофидаги кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришингиз учун ва (келишида) шак-шубҳа бўлмаган тўпланиш Қунидан огоҳлантиришингиз учун Биз сизга мана шундай арабий Қуръонни ваҳй қилдик. (У Қунда) бир гуруҳ жаннатда бўлса, бир гуруҳ дўзахдадир. 8. Агар Оллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни (яъни, барча инсонларни) бир миллат (бир динда — Исломда) қилган бўлур эди. Лекин У Ўзи хоҳлаган кишиларни Ўз раҳматига (жаннатига) доҳил қилур. Золим — кофирлар учун эса бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. 9. Ёки улар (Оллоҳни) қўйиб, (бошқа) «дўст»ларни ушлаб олдиларми (яъни, ўшаларга сизинмоқдаларми?! Йўқ), фақат Оллоҳнинг Ўзигина дўстдир. У ўлиқларга ҳаёт берур ва У барча нарсага қодирдир. 10. (Эй Муҳаммад, мўминларга айтинг): «Сизлар (бу ҳаёти-дунёда кофирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми (Қиёмат кунида) Оллоҳга (қайтарилур ва У зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур). Мана шу Оллоҳ Парвардигоримдир. (Мен Унинг) Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қилурман». 11. Оллоҳ осмонлар ва Ернинг илк яратгувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўша (жуфтлик воситасида) кўпайтирур. Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир. 12. Осмонлар ва Ер (ҳазиналарининг) очқичлари Униқидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Дарҳақиқат, У барча нарсани билгувчидир. 13. (Эй мўминлар, Оллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни, Муҳаммадга) ваҳй қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани — шариат (қонун) қилди.— «Динни барпо қилинлар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманлар!»

И з о ҳ: Ушбу ояти каримада Оллоҳ таоло барча пайгамбарга ёлғиз Оллоҳнинг динини барпо қилишни ва бу динда турли фирқаларга бўлиниб кетмасликни буюргани баён этилмоқда.

(Эй Муҳаммад), мушриқларга сиз даъват қилаётган нарса (яъни, ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиш) зўр келди — оғирлик қилди. Оллоҳ у (динга ҳидоят топиш учун) Ўзи хоҳлаган кишиларни сайлар ва Унга (ёлғиз Оллоҳга) илтижо қиладиган кишиларни ҳидоят қилур. 14. Улар (яъни, аввалги пайгамбарларнинг қавмлари) ҳам бўлинмаганлар, магар ўзларига (турли фирқаларга бўлинмаслик зарурлиги ҳақида) билим — ҳужжат келганидан сўнг, ўзаро ҳасад-адоват қилишиб (фирқа-фирқа бўлиб кетганлар). Агар Парвардигорингиз томонидан (уларнинг жазоларини) белгиланган муддатгача (яъни, қиёматгача таъхир қилиш хусусидаги) Сўз ўтмаганида, албатта уларнинг ўртасида (шу дунёдаёқ) ҳукм қилинган бўлур эди (яъни, улар жазоларини тортган бўлур эдилар)! Албатта, улардан кейин Китобга (Таврот, Инжилга) ворис қилинган кимсалар (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-саломга замондош бўлган яҳудий ва насронийлар) ҳам ундан (ўз китобларидан) шак-шубҳададирлар. 15. Бас, (эй Муҳаммад), мана шунинг учун (яъни, аввалги қавмлар фирқа-фирқа бўлиб кетганлари сабабли йўлдан озганлари учун — сиз ўз умматларингизни бирлик-иттифокка) даъват қилинг ва ўзингизга буюрилгани янглиғ Тўғри йўлда бўлинг ҳамда уларнинг (мушриқларнинг) ҳавойи нафсларига эргашманг! Айтинг: «Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга иймон келтирдим ва сизлар-

нинг ўртангизда (мендан сўраб келган муаммоларингизни ҳал этишда) адолат қилишга амр этилдим. Оллоҳ Парвардигоримиз ва Парвардигорингиздир. Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Оллоҳ (Қиёмат кунда) барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир». 16. Оллоҳ (дини) ҳақида у қабул қилинганидан сўнг (одамларни йўлдан оздириш учун) талашиб-тортишадиган кимсаларнинг хужжатлари (яъни, бу талашиб-тортишишлари) Парвардигор наздида ботил — бехудадир. Уларга (бу дунёда) ғазаб, (охиратда эса) қаттиқ азоб бордир. 17. Оллоҳ Ҳаққи-рост бўлган Китобни ва тарози — адолатни нозил қилган зотдир. Қаердан билурсиз, эҳтимол (Қиёмат) соати яқиндир. (Бас, ғафлатда қолмай, Оллоҳ нозил қилган Ҳақ Китоб ва адолатни маҳкам ушлаш лозимдир.) 18. (Қиёматга) иймон келтирмайдиган кимсалар уни шоштирурлар. Иймон келтирган зотлар эса ундан кўркувчидирлар. Улар (Қиёматнинг) ҳақ эканлигини билурлар. Огоҳ бўлингизки, (Қиёмат) соати хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар (Ҳақ йўлдан) йироқ залолатдадирлар. 19. Оллоҳ бандаларига меҳрибондир. У Ўзи хоҳлаган кишиларга (кенг-мўл) ризқ берур. У кучли, қудратлидир. 20. Ким (ўз амали билан) охират экинини (яъни, савобини) истар экан. Биз унга экинини (нг ҳосилини) мўл — зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!

Изоҳ: Бу ояти каримада ҳар қандай яхши амал фақат охиратдаги мукофотни кўзлаб адо этилсагина, Оллоҳ таоло унинг ажру савобини комил қилиб бериши, аммо агар мол-дунё ва шон-шухратга етиш ғаразидида риёкорлик билан қилинса, охиратда ҳеч қандай савоб йўқлиги уқтирилмоқда.

21. Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Оллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни, уларга шарият қилиб берган шериклари — бутлари бордир?! Агар (яхши-ёмон амаллар Қиёмат кунда) ажралиши хусусидаги Сўз бўлмаганида, албатта уларнинг ўрталарида (шу дунёдаёқ) ҳукм қилинган бўлур эди. Золим кимсалар учун, шак-шубҳасиз, аламли азоб бордир. 22. (Қиёмат кунда) у золимларни ўзлари (хаёти-дунёда) касб қилган нарсадан (яъни, куфру исёбларига бериладиган жазодан) кўрқиб турган ҳолларида кўрурсиз. У (жазо эса кўрксалар-кўркмасалар) уларга тушгувчидир! Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса жаннатларнинг боғларида бўлишиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурда хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шу катта фазлу марҳаматнинг ўзидир! 23. Оллоҳ (унинг) иймон келтирган ва яхши амаллар қилган бандаларига берадиган хушхабари ана шудир! (Эй Муҳаммад, Макка мушрикларига) айтинг: «Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқинликнигина (яъни, мен сизлар билан насл-насаб жиҳатидан қариндош бўлганим ҳаққи-ҳурмати, бу даъватимга тўсқинчилик қилмасликларингизнигина сўрайман)». Ким бирон чиройли амал қилса, Биз унинг учун ўша (чиройли амали)да яна хусни зиёда қилурмиз (яъни, унга зиёда савоб ато этурмиз). Албатта, Оллоҳ мағфират қилгувчи, яхшиликни билгувчидир. 24. Ёки улар: (Муҳаммад, Куръон Оллоҳ томонидан нозил бўлган, деб) «Оллоҳ шаънига ёлғон тўкиди», дейдиларми?! (Ундок эмас), чунки агар (сиз ёлғон тўқийдиган бўлсангиз) Оллоҳ хоҳласа дилингизни муҳрлаб қўюр. Оллоҳ Ўз сўзлари билан ботил — ноҳақ (гаплар)ни йўқ қилур ва Ҳақни ҳақ қилур — рўёбга чиқарур. Албатта, у дилларни эгаллаган (сирлар)ни билгувчидир. 25. У бандаларидан тавба-тазарру қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қилаётган ишларингизни биладиган зотдир. 26. У иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларнинг (дуоларини) ижобат қилур ва уларга (сўраган нарсаларини ато этиб, яна) Ўз фазлу карамидан зиёда қилур. Кофирлар учун эса қаттиқ азоб бордир. 27. Агар Оллоҳ (барча) бандаларининг ризқларини кенг-мўл қилса, албатта, улар Ер юзида зулм — тажовузкорлик қилган бўлур эдилар. Лекин У зот (бандаларининг ризқу рўзларини) Ўзи хоҳлаганича ўлчов билан туширур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб тургувчидир. 28. У (одамлар ёгин-сочиндан) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳмат-баракотини кенг ёядиган зотдир. У ҳамду сано эгаси бўлган Дўстдир. 29. Осмонлар ва Ернинг яратилиши ҳамда (Оллоҳ) уларда тар-

катиб-ёйиб юборган жониворлар Унинг (қудрати илоҳиясига далолат қиладиган) оят — аломатларидандир. У Ўзи хоҳлаган вақтида уларни жамлаб, йиғиб олишга қодирдир. 30. (Эй инсонлар), сизларга не мусибат етса, бас, (у) ўз кўлларингиз қилган нарса — гуноҳ сабабли (етур). Яна У (Оллоҳ) кўп (гуноҳларнинг жазосини бермасдан) афв қилиб юборур. 31. Сизлар Ерда (ҳеч қаёққа) қочиб қутулгувчи эмассизлар. Ва сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. 32. Денгиз-дарёлардаги тоғлар янглиғ сузиб юрган (кема)лар ҳам Унинг (қудрати илоҳиясига далолат қиладиган) оят — аломатларидандир. 33. Агар (Оллоҳ) хоҳласа шамолни тўхтатиб қўюр, бас, улар (денгиз) устида (ҳеч қаёққа сузолмай) туриб қолурлар. Албатта, бунда ҳар бир (балога) сабр қилгувчи, (Оллоҳнинг неъматларига) шукр қилгувчи киши учун — оят-ибратлар бордир; 34. Ёки (агар Оллоҳ хоҳласа қаттиқ бўрон юбориб, кемадаги одамларнинг) қилган гуноҳлари сабабли у (кема)ларни ҳалок (ғарқ) қилур ва кўпларни (ҳалокатдан қутқариб) афв этур. 35. (Токи) Бизнинг оятларимиз хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар ўзлари учун (Оллоҳнинг азобидан) бирон қочиб қутуладиган жой йўқ эканлигини билиб олсинлар! 36. Бас, (эй инсонлар), сизларга ато этилган бор нарса (лар) ҳаёти-дунё матосидир ва иймон келтирган ҳамда ёлғиз Парвардигорларига суянадиган зотлар учун Оллоҳ ҳузурдаги нарсалар (яъни, охираат неъматлари дунё матоларидан) яхшироқ ва боқийроқдир. 37. Улар катта гуноҳлардан ва бузукликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир.

Изоҳ: Ушбу ва қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло охираат неъматларига сазовор бўладиган мўминларнинг сифат-фазилатларини баён қилади. Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятда умуман гуноҳлардан эмас, балки катта гуноҳлар ва бузукликлардан йироқ бўлиш ҳақида айтилди. Улар Оллоҳга ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш, ўғрилиқ, порахўрлик, судхўрлик ва зинокорлик кабилар бўлиб, мўмин одам ундай иллатлардан пок бўлиши вожибдир. Аммо киши билиб-билмай қилиб қўядиган кичик саҳву хатолар ҳам бордирки, бу ҳақда пайғамбар алайҳи-с-салом шундай марҳамат қилганлар: «Ҳар бир одам боласи хатокордир. У хатокорларнинг яхшироғи — қилиб қўйган саҳву хатоларига тавба-тазарру қиладиган кишилардир». Энди «ғазабланган вақтларида кечириб юборадилар» жумласини шундай тушунмоқ лозим: Ислом дини назарида ғазабланмасликнинг ўзи ҳеч қандай фазилят эмас, чунки масалан, динга тош отилган вақтда ғазабланмаган мусулмон мусулмон эмас, балки мунофиқ бўлади. Фазилят ўша ғазаб, туйғусига қул бўлиб қолмасдан ақл ва инсоф билан иш юритмоқдир.

38. Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризклантирган нарсалардан инфоқ-эхсон қилурлар. 39. Улар ўзларига зулм етган вақтда (унга қарши курашиб) ғолиб бўладиган зотлардир.

Изоҳ: Агар бошқа динларда «Унг юзингга урсалар, чап юзингни ҳам тутиб бер», қабилида мутелик тарғиб қилинса, Ислом дини назарида ҳақиқий мўмин зулму зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиб, ғолиб бўладиган кишидир. Зотан, золимнинг зулмидан қўрқиб ҳақсизлик, адолатсизликка қарши тура олмаган одамнинг иймони комил иймон эмасдир! Зеро...

40. (Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни, ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир). Энди ким интиком олишга қодир бўлгани ҳолда афв қилиб (ўртани) тузатса, бас, унинг ажри Оллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У зулм қилгувчиларни севмас. 41. Албатта, ким мазлум бўлганидан сўнг (ўзига зулм қилган кимсадан) ғолиб бўлса (интиком олса), бас, улар (ни олган интикомлари учун айблаш)га йўл йўқдир. 42. Фақат одамларга зулм қиладиган ва Ерда ноҳақ (лик билан) ҳадларидан ошадиган кимсалар (ни айблаш ва зулму зўравонликлари учун жазолаш) гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир. 43. Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (интиком олмай Оллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз, бу ишларнинг мақсадга мувофиғидир. 44. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун ўшандан кейин бирон (Тўғри-йўл кўрсатгувчи) дўст йўқдир. Ундай золимларнинг (Киёмат кунинда) азобни

кўрган вақтларида: «(Яна дунёга) қайтишга бирон йўл бормикан?» деяётганларини кўрурсиз. 45. Уларнинг хорликдан эгилган ва (дўзахга) кўз қирлари билан қараган ҳолларида, унга кўндаланг қилинаётганларини кўрурсиз. Иймон келтирган зотлар: «Албатта зиён кўргувчилар (гарчи улар дунё неъматларидан фойдаланиб ўтган бўлсалар-да) ва Қиёмат кунда, ўзларига ва аҳли-оилаларига зиён қилган кимсалардир», дедилар. Огоҳ бўлингизким, у золимлар мангу азобдадирлар. 46. Улар учун Оллоҳдан ўзга ёрдам берадиган ҳеч қандай «дўст»лар бўлмас. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон (Тўғри) йўл йўқдир. 47. (Эй инсонлар), Оллоҳ томонидан ҳеч қайтариб бўлмайдиган бир Кун (Қиёмат) келиб қолишидан илгари Парвардигорингизга ижобатиоат этингиз! У Кунда сизлар учун бирон қочадиган жой ҳам бўлмас ва сизлар учун (килиб ўтган гуноҳларингизни) инкор қилиш (имкони) ҳам бўлмас. 48. (Эй Муҳаммад), агар (мушриклар) энди ҳам (ёлғиз Оллоҳга иймон келтиришдан) юз ўгирсалар, бас, Биз сизни уларнинг устига кўрикчи қилиб юборганимиз йўқ! Сизнинг зиммангизда фақат (Биз сизга нозил қилган ваҳйни) етказиш бор, холос. Дарҳақиқат, Биз инсонга Ўз томонимиздан раҳмат-неъматни тотдирган вақтимизда, у ўша (неъмат) билан шодланур, (аммо) агар уларга ўз қўллари қилган (гуноҳлари) сабабли бирон ёмонлик етса, бас, албатта инсон (зоти) кўфрони неъмат қилгувчидир — кўрнамакдир! 49. Осмонлар ва Ер Оллоҳнинг мулкидир. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур. 50. Ёки уларни эгизак ўғиллар ва қизлар қилур ва Ўзи хоҳлаган кишини — туғмас (бепушт) қилиб кўюр. Албатта У (барча нарсани) билгувчи ва (Ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) қодирдир. 51. Бирон одам учун Оллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳй — илҳом орқали, ё бирон парда — тўсиқ ортидан ёки бирон элчи — фаришта юбориб, ўша (фаришта, Оллоҳнинг) изни-ихтиёри билан Ўзи хоҳлаган нарсани ваҳй қилиши орқали (сўзлар). Албатта У (Оллоҳ) юксак ва ҳикмат эгасидир.

И з о ҳ: Мазкур оятдан пайғамбарлар Оллоҳ таоло билан уч восита орқали боғланганликлари маълум бўлди. Биринчиси, ғойибдан келган ваҳй — илҳом ёки ўнгидан келадиган туш орқали. Чунки пайғамбар алайҳи-с-салом: «Пайғамбарларнинг тушлари ваҳйдир», деганлар. Бунга мисол Иброҳим халилulloҳга тушларида ўз ўғиллари Исмоил забиҳуллоҳнинг Оллоҳ йўлида қурбонлик қилишга буюрилшидир. Иккинчиси, бирон парда — тўсиқ ортидан Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарларига сўзлашидир. Бунга мисол Тур тоғида Тангри таоло Мусо пайғамбар билан бевосита сўзлашганидир. Учунчиси эса, Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарларига фаришталар орқали ваҳй юбориши бўлиб, Жаброил алайҳи-с-салом Тангри таолонинг ваҳйларини пайғамбарларга элтувчи фариштадир.

52. (Эй Муҳаммад), шундай қилиб (худди аввалги пайғамбарларга ваҳй қилганимиздек) Биз Ўз амримиз билан сизга Рухни — Қуръонни ваҳй қилдик.

И з о ҳ: Бу ўринда Оллоҳ таоло томонидан Қуръони карим Рух деб аталishiга сабаб жасад жон билан тирик бўлгани каби диннинг руҳи — жони Қуръондир.

Сиз (пайғамбар бўлишингиздан) илгари ва Китобни — Қуръонни ва на иймонни (яъни, унинг ҳақиқат — моҳиятини) билгувчи эдингиз. Лекин Биз уни (Қуръонни) бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Ўзимиз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилурмиз. Албатта сиз (ўзингизга тушган ваҳй ёрдамида уларни) Тўғри йўлга етаклайсиз. 53. У (йўл) осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Ўзиники бўлган зот — Оллоҳнинг йўлидир! Огоҳ бўлингизким, барча ишлар ёлғиз Оллоҳга қайтур!



Маккада нозил килинган бу сура саксон тўққиз оятдан ташкил топган. У Куръони карим таърифи билан бошланиб, сўнгра унда Оллоҳ таоло Ўз бандаларига ато этган беҳисоб неъматлардан айримлари санаб ўтилади.

Бу сурада ўзлари барча нарсани Оллоҳ яратганига иқрор бўла туриб, яна Тангри таолога ўзгаларни «шерик» қиладиган ва хусусан «Унинг боласи бор», дейдиган мушрикларнинг даъволари аниқ-равшан ҳужжатлар билан кескин рад этилади.

Бу сурада ҳам Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг салафларидан ҳазрати Иброҳим ва Мусо пайғамбарларнинг даъватлари ва чеккан азиятларидан айрим лавҳалар келтирилади.

Суранинг «Зухруф»—«Зеб-зийнат» деб номланишига сабаб, унда бу дунёнинг олтин-кумуш ва зеб-зийнатлари Оллоҳ таоло наздида қайси даражада эканлиги батафсил баён килинади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Ҳо, Мим. 2—3. Очиқ-равшан Китобга — Куръонга қасамки, албатта Биз уни (бу Китобни) сизлар ақл юргизишингиз (маъно-мазмунини фаҳмлашингиз) учун арабий Куръон қилдик. 4. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл Китобда (Лавҳул-махфузда битилган) юксак (мартабали) ва ҳикматли (Китобдир). 5. Бас, (куфру исёнда) ҳаддан ошувчи қавм бўлганларингиз учун Биз сизлардан бу Эслатмани буриб (сизларни ўз ҳолларингизга ташлаб) қўюрмизми?! 6. Биз аввалгиларга ҳам қанча пайғамбар(лар) юборганмиз. 7. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масҳара қилиб кулган эдилар. 8. Бас, Биз улардан (Макка кофирларидан) кучли-қувватлироқларни ҳам ҳалок қилганмиз. (Ушбу Куръонда) аввалгиларнинг масалқиссалари ўтди-ку! 9. (Эй Муҳаммад), қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва доно (Оллоҳ) яратган», дерлар. (Аммо ўзлари ҳеч нарса ярата олмайдиган бут ва санамларни У зотга шерик қилиб, уларга сиғинурлар). 10. Ўша зот сизлар учун Ерни бешик-қароргоҳ қилиб қўйди ва (сафарларингизда кўзлаган манзилларингизга) йўл топишларингиз учун унда (Ерда, турли) йўлларни (пайдо) қилди. 11. Ўша зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув — ёмғир ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан «ўлик» шаҳар (қишлоқлар)ни тирилтирдик (яъни, қуруқ ердан турли-туман гиёҳларни ундириб чиқардик). Сизлар ҳам (Қиёмат кунида қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар. 12. Ўша зот барча жуфтларни (яъни, бор маҳлуқотни) яратди ва сизлар учун кемалар ва чорва ҳайвонларидан — сизлар минадиган нарсалар (пайдо) қилди. 13—14. Токи сизлар уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра, унга (уларга) ўрнашиб олгач, Парвардигорингизнинг неъматини эслаб: «Бизларга бу (кема ёки от-улов)ни буйсундириб қўйган зот (яъни, Оллоҳ барча айбу нуксондан) покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз», дегайсизлар.

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло бандаларига ато этган неъматлари қаторида улар шукр қилиб, ибрат олишлари учун ўзларидан неча баробар катта ва кучли кема ва туя каби, инсонлар миниб ва бошқариб юрадиган нарсаларни ҳам яратиб қўйганини ва шундай қудратли, баҳайбат нарса-

ларни инсонга бўйсундириб қўйганини баён қилди. Энди қуйидаги оятларда «Фаришталар — Оллоҳнинг қизлари» деган ботил ақида эгалари бўлган мушриклар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг бу пуч даъволари илоҳий мантиқ билан рад этилади.

15. Улар (мушриклар, Оллоҳ) учун Ўз бандаларидан (айримларини, яъни фаришталарни) жузъ — бўлак қилдилар! (Оллоҳнинг бандалари бўлган фаришталарни «У зотнинг қизлари, яъни Унинг бир жузъи» дедилар. Чунки фарзанд отанинг жузъидир). Дарҳақиқат, инсон очик-ойдин кўрнамак — ношукрдир! 16. Балки (Оллоҳ) Ўзи яратадиган нарсалардан қизларни олиб қолиб, сизларга ўғилларни танлаб бергандир?! 17. Қачон уларнинг биронтасига, ўзи Раҳмон учун мисол қилган нарса (яъни, қиз кўргани) ҳақида хушхабар берилса, ғазабга тўлган ҳолда юзи қорайиб кетар: 18. «Ҳали зеб-зийнат ичида ўстириладиган, (ҳеч қандай) жанжал-мунозарада (ўз мақсадини) очик-равшан баён қилиб бера олмайдиган (ожиз-нотавон — қиз болами)?! 19. (Холбуки), ўзлари Раҳмоннинг бандалари бўлмиш фаришталарни «қизлар» дедилар! Ё улар (Оллоҳ фаришталарни) яратишига гувоҳ бўлганмидилар?! Уларнинг бу «гувоҳ»ликлари албатта (номаи аъмолларига) ёзилур ва улар (Қиёмат кунида) сўроққа тутилулар! 20. Улар: «Агар Раҳмон хоҳлаганида, бизлар уларга (яъни, фаришталарга, «улар Оллоҳнинг қизлари», деган эътиқод билан) ибодат қилмаган бўлурадмик», дедилар. Улар учун бу ҳақда ҳеч қандай билим — асос йўқдир. Улар фақат ёлғон сўзламоқдалар! 12. Ёки Биз уларга (Қуръондан) илгари бирон китоб ато этганмиз-у, улар ўшани ушлагувчимилар?! (Йўқ, асло ундок бўлган эмас)! 22. Балки улар (бундай) дедилар: «Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат — дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топгувчидирмиз». 23. (Эй Муҳаммад), шунингдек Биз сиздан илгари бирон қишлоқ-шаҳарга бирон огоҳлантиргувчи — пайғамбар юбормадик, магар (юборган пайтимизда) у жойнинг боёнлари: «Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат — дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашувчидирмиз», деганлар. 24. (Шунда пайғамбарлари уларга): «Агар мен сизларга — сизлар ота-боболарингизни (эътиқод қилган ҳолларида) топган диндан тўғрироқ динни келтирган бўлсам ҳам-а?» деганида (деганларида) улар: «Албатта бизлар сизлар элчи қилиб юборилган динга кофирдирмиз», дедилар. 25. Бас, Биз улардан интиқом олдик. Энди у (ўз пайғамбарларини) ёлғончи қилгувчиларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг! 26. Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. 27. Магар мени яратган зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (Ҳақ динга) ҳидоят қилажақди». 28. У (Иброҳим) ўшани (яъни, ўзининг ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги ақидани ўзидан кейин келадиган зурриёт — авлодлари ҳам унга), қайтишлари учун ўз ортида қолгувчи сўз қилди. 29. Мен эса (Иброҳим авлодларидан бўлган, аммо у қолдирган Сўзга итоат этмаган) ана у (Макка аҳолиси)ни ҳам, уларнинг ота-боболарини ҳам то уларга Ҳақ — Қуръон ва очик-равшан пайғамбар (Муҳаммад алайҳи-с-салом) келгунича (узун умр ва фаровон ҳаёт билан) фойдалантирдим. 30. (Аммо) қачонки уларга Ҳақ — Қуръон келгач, улар: «Бу сеҳрдир, албатта бизлар унга кофирдирмиз», дедилар. 31. Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқ (шаҳарнинг бири)дан бўлган улуг одамга нозил қилинганида эди», дедилар.

Изоҳ: Икки қишлоқдан мурод Макка ва Тоиф шаҳарларидир. Мушриклар назарида, Макканинг улуғи — ўша жойлик боёнлардан Валид ибн-ал-Мугийра бўлса, Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд ас-Сақафий деган бадавлат киши эди. У мушриклар ҳам барча замонлардаги мол-дунёга қул бўлган кимсалар каби улугликни бойлик, давлат ва салтанат билан ўлчар эдилар. Шунинг учун улар: «Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида, Муҳаммадга ўхшаган бир етим ва камбағалга эмас, балки Валид ва Урва каби улуг зотларга тушган бўлурадмик», дедилар.

32. (Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик)ни ўшалар (улар) тақсимлайдиларми?! (Йўқ, асло ундок эмас!) Уларнинг ҳаёти-дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам, уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлашганимиз ва баъзиларини баъзилари қўл остига олиб (ишлатиши) учун айримларини айримларидан баланд даража — мартабаларга қўта-

риб кўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати — пайғамбарлик эса улар тўплайдиган нарса (мол-дунё)лардан яхшироқдир. (Бас, Биз бу улуғ неъматни фақат Ҳзимиз танлаган кишиларгагина ато этурмиз). 33. Агар (иймонсиз кимсаларнинг бой-бадавлат, тўкин-сочинликда яшаётганларини кўришиб, барча) одамлар бир миллат (яъни, кофир) бўлиб олишлари бўлмаганида эди, албатта Биз Раҳмонга (яъни, Бизга) кофир бўладиган кимсалар учун уйлари-нинг шифтларини ҳам, унга чиқадиган нарвонларни ҳам кумушдан қилиб кўйган бўлур эдик. 34. Яна уларнинг уйлари-нинг эшикларини ҳам, ўзлари устида суяниб-ястаниб ўтирадиган сўриларни ҳам (кумушдан қилиб кўйган бўлур эдик). 35. Яна (барча) зеб-зийнат, нақш-нигорларни ҳам (ўша кофирлар учун қилиб кўйган бўлур эдик. Зеро буларнинг) барчаси фақат ҳаёти-дунё матоларидир. Охират эса Парвардигорингиз наздида такводор зотлар учундир.

Изоҳ: Ушбу оятлардан Оллоҳ таоло наздида бу дунё ўзининг бор зебу зийнати ва ҳою ҳаваси билан нақадар ҳақир бир нарса экани маълум бўлди. Пайғамбар алайҳи-с-салом бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар: «Агар Оллоҳ таолонинг ҳузурида дунё пашшанинг қанотича вазн — қимматга эга бўлганида, Оллоҳ кофирга ундан бир қултумини ҳам раво кўрмаган бўлур эди». Қуръони карим бу оятлар воситасида бизларни таркидунёчиликка тарғиб қилмайди, балки бу дунё қул бўлишга арзийдиган матоҳ эмаслигини уқтиради.

36. Ким Раҳмон эслатмасидан (яъни, Қуръон панд-насихатларидан) кўр бўлиб олса — юз ўгирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб кўюрмиз, бас, у ўша (кофирга доимий) ҳамроҳ бўлур. 37. Шак-шубҳасиз, (шайтонлар кофирларни, Тўғри) йўлдан тўсурлар, (амма кофирлар) ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб хисоблайдилар. 38. То қачон (уларнинг ҳар бири) Бизнинг ҳузуримизга келгач, (ўзини Тўғри йўлдан оздирган шайтонга қараб) «Орзу эди (кани эди) мен билан сенинг ўртанг Шарку Ғарбнинг ўртасидаги масофа (каби йироқ) бўлса. Бас, (сен) нақадар ёмон ҳамроҳдирсан», дер. 39. (Эй кофирлар ва уларни Тўғри йўлдан оздирган пешволари, ҳаёти-дунёда куфр йўлини танлаш билан ўзларингизга) зулм қилганларингиз сабабли бу Кун сизларга азобда шерик эканликларингиз ҳаргиз фойда бермас (яъни, азобнинг қаттиқлигидан ҳар бирингиз ўз-ўзингиз билан овора бўлиб, шерикларингизга ҳамдардлик билдириб азобларини енгиллата олмассизлар)! 40. Бас, (эй Мухаммад), сиз карларга эшиттира олурмисиз ё кўрлар ва очик залолатда бўлган кимсаларни ҳидоят қила олурмисиз?! 41. Бас, агар Биз (кофирларни мағлуб этишдан илгари) сизни кетказсак, (яъни, вафот қилдирсак ҳам) албатта Биз улардан (охиратда) интиқом олгувчидирмиз. 42. Ёки албатта Биз уларга ваъда қилган нарсани (яъни, бошларига тушажак азобни ҳаётлик чоғингиздаёқ) сизга кўрсатурмиз. Зеро Биз уларга (азоб беришга) қодирдирмиз. 43. Бас, сиз ўзингизга ваҳй қилинган нарсани — Қуръонни маҳкам ушланг! Албатта сиз Тўғри йўлдирсиз. 44. Албатта у (Қуръон) сиз учун ҳам, қавмингиз — умматингиз учун ҳам бир шарафдир ва яқинда (Қиёмат кунида бу неъмат илоҳия хусусида) сўралурсизлар. 45. (Эй Мухаммад), Биз сиздан илгари юборган пайғамбарлардан сўраб (яъни, улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб) боқинг-чи, Биз Раҳмондан (Ҳзимиздан) ўзга ибодат этадиган «илоҳ»лар қилганмиканмиз?! (Йўқ, барча пайғамбарлар ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга даъват этгандирлар!) 46. Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юбордик. Бас, у: «Албатта мен барча одамлар Парвардигорининг пайғамбаридирман», деди. 47. Энди қачонки, у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни уларга келтиргач, баногоҳ улар у (мўъжизалар устидан) кула бошладилар. 48. Биз уларга (тўфон, чигиртка балолари каби азоб оятларидан) бирон оят кўрсатсак, албатта у (ўзидан аввалги) шеригидан улуғроқ — даҳшатлироқ оят бўлур эди. Шояд (куфрдан иймонга) қайтсалар, деб Биз уларни (турли) азоб билан ушладик. 49. Улар (Бизнинг оятларимизни кўришгач, Мусога): «Эй сеҳргар, сенга берган (дуойингни мустажоб қилиши хусусидаги) ваъдаси ҳаққи-ҳурмати Парвардигорингга бизлар учун дуо қил. (Агар у сенинг дуойинг сабабли бизлардан бу азобларни аритса) албатта бизлар ҳидоят топгувчидирмиз (яъни, ўша Оллоҳга иймон келтиргувчидирмиз)» дедилар. 50. Энди қачонки Биз (Мусонинг дуоси шарофати билан) улардан азобни аритсак, баногоҳ улар (ўз аҳдларини) буза бошладилар. 51. Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб, деди: «Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва бу остимдан оқиб турган дарё-

лар менинг (мулким) эмасми?! Ахир кўрмаяписизларми?! 52. Балки мен мана бу хор бўлган ва (ўз мақсадини) очик баён қила олмайдиган кимсадан (яъни, Мусодан) яхшироқдирман?! 53. Бас, унга (Мусога осмондан худди подшоҳларнинг бўйнига гулчамбар ташланганидек) олтиндан бўлган билагузуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди, (унинг пайғамбарлигига ишонсанглар бўлур эди. Ундок бўлмагач, нега унга иймон келтирасизлар?)!» 54. Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосик қавм эдилар. 55. Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиком олдик — уларнинг барчаларини (денгизга) гарқ қилиб юбордик. 56. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш — ибрат ва мисол қилиб қўйдик. 57. (Эй Муҳаммад), Қачонки (Исо) бинни Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичқира бошлайдилар; 58. Улар: «Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми (яъни, Исоми?)!» дедилар. Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!

Изоҳ: Бу оятлар мушриклар Исо бинни Марямни мисол қилиб, Муҳаммад алайҳи-с-саломни мулзам этмоқчи бўлишгани хусусидадир. Пайғамбар алайҳи-с-салом қурайшликларга «(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Оллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир» оятини (Анбиё сураси, 98-оят) тиловат қилганларида, мушриклар ғазабга минишиб: «Эй Муҳаммад, бу фақат бизларга тегишлими ёки барча миллатларгами?» деб сўрашади. Хазрат уларга «Бу оят барча замонлардаги мушриклар ва улар сиғинадиган нарсаларга тегишлидир», деб жавоб бергач, улардан бири туриб: «Ахир сен Исони Оллоҳнинг пайғамбари дер эдинг-ку. Холбуки, насронийлар уни худо деб сиғинадилар. Бас, агар Исо насронийлар уни худо деб олганлари сабабли дўзахга тушадиган бўлса, бизлар ҳам ўз худоларимиз билан дўзахга тушишга розимиз. Энди бизларга айтгин-чи, бизларнинг худоларимиз яхшироқми ёки Исоми?!» деди. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, Исо пайғамбар вафот топиб кетганларидан кейин насронийлар у зотни худо қилиб олишганлари учун у киши айбдор эмасликлари, бу мушриклар эса фақат талашиб-тортишиш учунгина бундай беҳуда мисолларни келтиришлари баён этилади. Қуйидаги оятларда Исо бинни Марям ким бўлганликлари хусусида яна бир бор уқтирилади:

59. У фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир. Биз уни (отасиз дунёга келтириш билан) Бани Исроил учун (Бизнинг кудратимизни намоён қиладиган) бир мисол — ибрат қилдик. 60. Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга ерда халифа бўладиган фаришталарни (пайғамбар) қилган бўлур эдик.

Изоҳ: Бу ояти каримада Оллоҳ таоло учун нафақат Исони отасиз яратиб, балки Ер юзидаги барча одамларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига фаришталарни қўйиб қўйиб ҳам жуда осон иш эканлиги таъкидланади.

61. Албатта (Исо, Қиёмат) соати ҳақидаги билим — аломатдир. Бас, сизлар у (соат) ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз!

Изоҳ: Саҳобайи киромлардан Ибн Аббос ва Қатоданинг айтишларича (Оллоҳ улардан рози бўлсин), қиёмат-қойим бўлиши олдида Оллоҳ таоло Исо алайҳи-с-саломни дунёга тушириб, у киши бутун Ер юзида Ислом ҳукмини юргизар эканлар. Шунинг учун ушбу оятда Исо — қиёмат аломатидир, дейилади. Оятнинг давомида энди Муҳаммад алайҳи-с-саломга буюрилади:

(Эй Муҳаммад, Макка аҳлига айтинг): «Менга эргашишлар. Мана шу Тўғри йўлдир». 62. Сизларни ҳаргиз шайтон (Оллоҳнинг динидан) тўсмасин! Албатта у сизлар учун очик душмандир. 63. Қачонки, Исо аниқ-равшан ҳужжат — муъжизаларни келтиргач, деди: «Мана мен сизларга Ҳикмат — Инжил билан, сизларга ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён этиб бериш учун келдим. Бас, Оллоҳдан кўркингиз ва менга итоат этингиз! 64. Албатта Оллоҳнинг Ўзи Парвардигорим ва Парвардигорингиздир, бас, (ёлғиз) Унга ибодат қилингиз! Мана шу Тўғри йўлдир». 65. Сўнг (насронийларнинг ичидан чиққан) фирқалар (Исо хусусида, айримлари уни «худо» деб, айримлари «худонинг ўғли» деб) ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, у золим кимсаларга аламли Кун — қиёматнинг азоби — ҳақиқат бўлғай! 66. Улар фақат ўзлари ҳам сезмаган ҳолларида (Қиёмат) соати тўсатдан келиб қолишини кутадилар, ҳолос. 67. У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Оллоҳ йўлида

дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстликка эришадилар). 68—69. (У Кунда уларга айтилур): «Эй бизнинг оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлиб ўтган бандаларим, бу Кун сизлар учун ҳеч хавфу хатар йўқдир ва сизлар асло ғамгин бўлмайсизлар. 70. Сизлар жуфти ҳалолларингиз билан бирга шод-хуррам бўлган ҳолларингизда жаннатга кириңгиз!» 71. Уларга олтиндан бўлган лаганлар (да таомлар) ва қадахлар (да шароблар) айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда мангу қолурсизлар. 72. Қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос этиб берилган жаннат мана шудир. 73. Сизлар учун у жойда кўплаб мева-чевалар бўлиб, сизлар улардан ерсизлар.

Изоҳ: Мазкур оятларда беш кунлик дунёда тақво билан яшаб ўтган мўмин-мусулмонлар учун жаннатдаги ноз-неъматлар беадад ва боқий, боғ-мевалари эса хазон билмас эканлиги баён этилди. Энди динсиз осийларнинг оқибатлари қандай бўлиши ҳақида хабар берилади.

74. Албатта жиноятчи кимсалар (яъни, кофирлар) жаҳаннам азобида мангу қолувчидирлар. 75. Улардан (азоб бирон лаҳза ҳам) енгиллатилмас ва улар ўша (азобда қолиб) бутунлай номурод бўлгучидирлар! 76. Уларга Биз зулм қилмадик, лекин улар (ўзларига ўзлари) зулм қилгучи бўлдилар. 77. Улар (дўзах ходими бўлган фариштага): «Эй Молик, Парвардигоринг бизларга Ўз ҳукмини қилсин (яъни, тезроқ жонимизни олсин, бизлар бу азобдан кутулайлик, деб) нидо қилганларида, у: «Албатта сизлар (мана шу азобда мангу) тургучидирсизлар», деди. 78. Аниқки, Биз сизларга Ҳақ — Қуръонни келтирганмиз, лекин сизларнинг кўпларингиз Ҳақни ёмон кўргучидирсизлар. 79. Балки улар (яъни, Макка мушриклари пайғамбар алайҳи-с-саломга суиқасд қилиш учун) бирон ишга қарор қилгандирлар?! Бас, албатта Биз ҳам (Ўз пайғамбаримизга уларнинг макрларидан нажот бериб, у суиқасд қилгучиларнинг ўзларини ҳалок этишга) қарор қилгучидирмиз. 80. Балки уларнинг гумонларича, Биз уларнинг сирларини (билмасмиз) ва шивир-шивирларини эшитмасмиз?! Ундоқ эмас! Бизнинг элчиларимиз (фаришталар) уларнинг олдларида (ҳар бир қилган ишларини) ёзиб турурлар! 81. (Эй Мухаммад, «Оллоҳнинг боласи бор», дейдиган мушрикларга) айтинг: «Агар Раҳмоннинг боласи бўлганида, мен (у болага) ибодат қилгучиларнинг биринчиси бўлур эдим, (лекин У зотнинг боласи ҳам, оиласи ҳам йўқдир)!» 82. Осмонлар ва Ернинг Парвардигори, Арш Эгаси (бўлган Оллоҳ) улар сифатлаётган айблардан покдир! 83. Бас, сиз уларни тарк қилинг! Улар то ўзларига ваъда қилинган Кунга рўбарў бўлганларича (ноҳақ йўлларига) шўнгишиб, (ўз дунёларида, ўйнаб-қулиб юраверсинлар! 84. У (Оллоҳ) осмонда ҳам илоҳ, Ерда ҳам илоҳ бўлган зотдир. У ҳикмат эгаси ва билгучидир. 85. Осмонлар ва Ер ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсалар подшоҳлиги Ўзиники бўлган зот баракотли — буюқдир. (Қиёмат) соати ҳақидаги билим ҳам ёлғиз Унинг ҳузуридадир. Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар. 86. (Мушрикларнинг Оллоҳни) қўйиб дуоилтижо қилаётган бутлари (Қиёмат кунда бирон кишини) шафоат қилишга эга бўла олмас, магар ўзлари билган ҳолларида Ҳақ гувоҳлик берган (яъни, «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар ёлғиз Оллоҳгина бор эканлигига гувоҳлик берман», деган) кишиларгина (Оллоҳнинг изн-иродаси билан шафоат қилишга кодир бўлурлар). 87. (Эй Мухаммад), қасамки, агар сиз улардан ўзларини ким яратгани ҳақида сўрасангиз, албатта улар: «Оллоҳ», дерлар. Бас, (Ўша яратгучига ибодат қилиш ўрнига) қаёққа бурилиб кетмоқдалар?! 88. (Оллоҳ таоло Мухаммад алайҳи-с-саломнинг): «Парвардигорим, дарҳақиқат, ана улар иймон келтирмайдиган қавмдир», деган (сўзларини ҳам билур). 89. Бас, (Эй Мухаммад), сиз улардан юз ўғиринг ва «Тинчлик-омонлик бўлсин», денг! Бас, улар яқинда (куфру исёнларининг оқибати қандай бўлишини) билиб олажаклар!



Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, эллик тўққиз оятдан иборат. Сурада Қуръондан шак-шубҳада бўлган мушриклар осмондан «тутун» — губор ёғиладиган кун билан огоҳлантириладиларки, суранинг «Духон» — «Тутун» деб номланиши шундандир.

Бу сурада Тангри таолонинг пайғамбарларидан Мусо алайҳи-с-саломнинг Фиръавн кавмига юборилишлари ва у зотга иймон келтирган кишиларга қандай нажот берилиб, инкор этганлар қандай ҳалокатга йўлиққанлари батафсил баён қилинади.

Сура кофирлар тушадиган дўзах даҳшатлари ва мўминлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат манзараларини тасвирлаш билан ниҳоясига етади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Ҳо, Мим. 2—3. Очик-равшан Китобга — Қуръонга қасамки, албатта Биз уни бир муборак — баракотли кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз (инсонларни ушбу Қуръон билан охират азобидан) огоҳлантиргувчи бўлдик.

Изоҳ: Кўпчилик уламоларнинг айтишларича, бу кеча Рамазон ойидаги Қадр кечаси бўлиб, Қуръони карим ўша кечада нозил бўла бошлагандир.

Унинг «муборак» — баракотли кеча» дейилишига сабаб эса жаҳолат зулматларида қолиб, ўз йўлини йўқотиб қўйган инсоният олами ўша кечада осмон билан боғланиб, ундан ўзи учун то қиёмат дастур-ул-амал бўладиган илоҳий йўл-йўриқлар ола бошлаганидир. Бу кечанинг яна бошқа хислатлари ҳам борки, у ҳақда қуйидаги оятларда зикр этилади.

4. У (кеча) да барча пухта-аниқ ишлар айрилур (белгиланур).

Изоҳ: Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) айтадиларки, Оллоҳ таоло бу кечада то келгуси сананинг шу кечасигача бўладиган, бандаларга тааллуқли барча ишлар ҳақида ҳукм қилур.

5. (Бу кечада тақдир қилинадиган ишлар) Бизнинг ҳузуримиздан бўлган Ишдир. Дарҳақиқат, Биз (башариятга пайғамбарлар) юборгувчи бўлдикки;

6. (Бу) Парвардигорингиз томонидан раҳмат — меҳрибонликдир. Албатта Унинг Ўзигина (ҳамма нарсани) эшитгувчи, билгувчидир. 7. Агар ҳақиқий ишонгувчи бўлсангизлар, (ўша сизларнинг Парвардигорингиз) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг ҳам Парвардигоридир.

8. Ҳеч қандай илоҳ йўк, магар Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Сизларнинг Парвардигорингиз ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг Парвардигори ҳам (Унинг Ўзидир).

9. Йўк, улар (яъни, мушриклар қайта тирилиш хусусида) шак-шубҳада бўлиб, (Оллоҳнинг пайғамбарлари устидан масҳара қилиб) ўйнарлар. 10. Бас, (эй Мухаммад), сиз осмон очик (яъни, ҳаммага кўринадиган) тутунни келтирадиган кунга кўз тутинг!

11. У (тутун барча) оламларни ўраб олур. Бу аламли азобдир.

Изоҳ: Имом Бухорий ривоят қилишларича, қурайшликлар пайғамбар алайҳи-с-саломга пайдар-пай озор-азият етказишиб, ўз куфру исёнларидан қайтишмагач, у зот уларнинг ҳақларига дуойи бад қилиб, Оллоҳ таолода Қурайш қабиласининг бошига ҳам Юсуф пайғамбар замонларида бўлиб ўтган қаҳатчилик каби бало юборишни сўраган эканлар. Шунда бир неча йил давомида шундай қурғоқчилик ва қаҳатчилик бўлибдики, очликдан силлалари қуриган одамлар қўлларига тушган нарсани ея бошлабдилар ва ёғинсизликдан қуриб-қақшаб кетган ердан кўтарилган чанг-тўзон еру осмонни қоплаб, улар-

нинг очлик ва ташналикдан хира тортган кўзларига гўё очик тутундек кўрина бошлабди. Ана энди улар Оллоҳ таолога ёлвориб дуо-илтижо қилишга тутинадилар.

12. «Парвардигоро, ўзинг бизлардан бу азобни аритгин. Албатта бизлар иймон келтиргувчидирмиз»; 13—14. (Лекин) улар учун қаёқдан ҳам (бошларига тушган бу бало-офатлардан) эслатма-ибрат олиш бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очик пайғамбар (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-салом) келди, сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «(Унга Қуръон бировлар томонидан) ўргатиб қўйилган, (у) мажнун», дедилар-ку?! (Бас, очик-равшан мўъжиза — Қуръонни келтирган пайғамбарга иймон келтирмай, ундан юз ўгирган кимсалар бошқа бирон нарсадан панд-насихат олармидилар?!) 15. Албатта Биз бу азобни (сизлардан) биз оз (вақтгача) аритгувчидирмиз, сизлар ҳам, шак-шубҳасиз, (ўз куйру-исёнларингизга) қайтгувчидирсизлар. 16. Биз даҳшатли ушлаш билан ушлайдиган кунда (яъни, Бадр жангида ёки Қиёмат кунида Биз улардан интиқом олурмиз). Зеро Биз интиқом олгувчидирмиз. 17. Аниқки, Биз улардан илгари Фиръавн қавмини ҳам имтиҳон қилганмиз ва уларга бир улуғ пайғамбар (яъни, Мусо алайҳи-с-салом) келгандир. 18. (Мусо уларга деди): «Сизлар менга Оллоҳнинг бандаларини (Бани Исроил қавмини) топширинглар! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман».

И з о ҳ: Маълумки, Фиръавн ва унинг қавми бўлган қибтийлар Бани Исроил қавмини мустамлака қилиб, уларга кўп зулму зўравонликлар ўтказдилар. Мусо пайғамбар Оллоҳ таолонинг амри билан Фиръавн олдига бориб, ундан Бани Исроил қавмини озод этишини талаб қиладилар. Мазкур оятларда шу ҳақда хабар берилади.

19. «Ва Оллоҳга кибру ҳаво қилманглар! Албатта мен сизларга (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигимга) очик-равшан ҳужжат (мўъжиза)лар келтирурман». 20. (Шунда Фиръавн ва унинг қавми Мусони ўлдирмоқчи бўлиб, таҳдид солганларида, у деди): «Албатта мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан сизлар мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўраганман (сизларнинг таҳдидларингиздан қўрқмайман). 21. Агар менга иймон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи кўйинглар!» 22. Бас, у Парвардигорига: «Дарҳақиқат, улар жиноятчи қавмдир (яъни, Ўзинг уларнинг жазоларини бергин)», деб дуо қилди. 23. Бас, (Оллоҳ Мусога ваҳй юбордики,) «Бандаларим (Бани Исроил қавми) билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга туши-лур (яъни, Фиръавн ва унинг кўшини ортингиздан қувиб етур). 24. Ва денгизни сокин (сизлар ўтган пайтдаги холида) кўявергин (ва Фиръавн ўз кўшини билан ундан ўтиб олишидан қўрқма). Шак-шубҳасиз, улар фарқ қилингувчи кўшиндир». 25—26. Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорларни ва улуғ — гўзал жойларни қолдириб (ўзлари фарқ бўлиб) кетдилар! 27. Ва (қанчадан-қанча) ўзлари вақтичоқлик қилган неъматларни (қолдириб кетдилар)! 28. Мана шундай! Биз у (неъматларни бошқа) бир қавмга мерос қилиб бердик! 29. Бас, уларга осмон ҳам, Ер ҳам (аза тутиб) йиғлагани йўқ ва уларга (тавба-тазарру учун) муҳлат ҳам берилмади! 30—31. Дарҳақиқат, Биз Бани Исроилга хор қилгувчи азобдан — Фиръавндан нажот бердик. У ҳақиқатан мутакаббир, ҳаддан ошувчилардан эди. 32. Дарҳақиқат, Биз уларни (Бани Исроил қавмини) билган ҳолимизда (ўз замонларидаги барча) оламлар — одамлардан танлаб олдик — афзал қилдик. 33. Ва уларга оят-мўъжизалардан (денгизнинг қок ўртасидан бўлиниши, осмондан ризқу рўз ёғилиши каби) нарсаларни ато этдикки, уларда (тафаккур қилгувчи қавм учун) очик имтиҳон — синов бордир. 34—35—36. Албатта ана улар (яъни, Қурайш кофирлари: «Ўлим) фақат биринчи ўлимимиздир ва бизлар қайта тирилгувчи эмасмиз. Бас, агар (охират ҳаёти ҳам бор, деган сўзларингизда) ростгўй бўлсангизлар, (ўлиб кетган) ота-боболаримизни (қайта тирилтириб) келтиринглар-чи», дерлар. 37. Улар (куч-қувватда) яхшироқми ёки Туббаъ қавми ва улардан аввалги кимсаларми?! Биз уларни (нг барчасини) ҳалок қилдик. Чунки улар жиноятчи — осий эдилар.

И з о ҳ: Туббаъ — қадим замонда Мадина атрофида яшаб ўтган бир солиҳ подшоҳ бўлиб, унинг қавми бақувват кишилар эди. Улар ўз кучларига ишониб, Туббаъга итоат этмаганларидан кейин, Оллоҳ таоло уларни ҳалок қилган эди. Ушбу оят: «Бизларни ёшимизни яшаб бўлгунимизча ҳеч ким ҳалок қила олмай-

ди ва йлганимиздан сўнг ҳеч ким тирилтира олмайди», дейдиган Қурайш кофирлари ҳақидадир.

38. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб-беҳуда яратганимиз йўқ. 39. Биз уларни фақат Ҳақ (конун, интизом) билан яратганмиз. Лекин уларнинг (одамларнинг) кўплари билмаслар. 40. (Ҳақ билан ботилнинг) ажралиш Куни (яъни, Киёмат куни) барчаларнинг (яъни, барча инсонларнинг ҳисоб-китоб) вақтидир. 41. У Кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас. 42. Магар Оллоҳ раҳмат қилган кишиларгагина (ёрдам берилур). Албатта Унинг Узигина қудратли ва меҳрибондир. 43—44. Албатта (дўзахнинг ўртасида ўсадиган) Заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир. 45—46. (У таом) мисоли қайноқ сувнинг ғалаёни каби қоринларда қайнайдиған — эритилган (доғланган) ёғдир! 47—48. (Дўзах фашишталарига) «Уни (гуноҳкорни) ушлаб, дўзахнинг ўртасига судраб олиб боринглар, сўнгра боши устидан қайноқ сувдан — азобдан қуйинглар!» (деб амр этилур). 49—50. (Унга масҳара қилиш учун: «Мана бу азобни) тотиб кўргин! Дарҳақиқат, сенинг ўзинггина «қудратли ва улуғдирсан». Дарвоқе, бу (азоб) сизлар (хаёти-дунёдалик пайтингизда) шак-шубҳа қилган нарсангиздир!» (дейилур). 51—52. Албатта тақводор зотлар (у Кунда) осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар. 53. Улар бир-бирларига рўбарў ҳолларида ипак-шойидан либослар кийиб (ўлтирурлар). 54. Мана шундай! Яна биз уларга оҳукўз ҳурларни жуфти ҳалол қилиб қўйгандирмиз. 55. Улар у жойда тинч-хотиржам ҳолларида (хизматкорлардан) барча мева-чевани чақирурлар. 56. Улар (жаннатда) биринчи ўлимдан (яъни, хаёти-дунёдан кўз юмганларидан) бошқа ўлимни тотмаслар. (Оллоҳ) уларни дўзах азобидан сақлагандир. 57. (Бу) Парвардигорингиз томонидан бўлган фазлу марҳаматдир. Мана шу улуғ бахтдир. 58. Бас, (эй Муҳаммад), дарҳақиқат, шояд улар эслатма — ибрат олсалар, деб Биз (бу Қуръонни) сизнинг тилингиз билан осон-енгил қилиб бердик. (Лекин улар Қуръон панд-насихатларини қабул қилмадилар). 59. Бас, энди сиз (уларнинг ҳоллари не кечинишига) кўз тутинг! Улар ҳам албатта (сизнинг ҳалокатингизга) кўз тутувчилар.



Усосия сураси

45.

Ўттиз олти оятдан иборат бу сура ҳам Макка сураларидандир.

Дастлабки оятларданок осмонлар ва Ердаги ҳар бир нарса, воқеа-ҳодисада ягона Яратгувчининг борлигига далолат қиладиган аломатлар мавжуд эканлигини уқтирадиган бу сурада ҳам сўз, асосан, иймон-эътикод устида боради.

Бу сурада яна Бани Исроил кавмига Тангри таоло томонидан ато этилган ноз-неъматлар ва имтиёз-фазилатларга улар ношукрлик қилганликлари ҳақида ва умуман, ҳавойи нафсларини «худо» қилиб олган кимсалар ва уларнинг топажак оқибатлари хусусида хабар берилади.

Сура ниҳоясида Киёмат кунида рўй берадиган аҳвол тасвирланади ва у Кунда ҳар бир уммат тиз чўккан ҳолда Оллоҳ Раббил-олабийн тарафидан бўладиган ҳукмга кўз тутиб туриши баён этилади.

Сурањинг «Жосия»—«Тиз чукувчилар» деб аталишининг боиси шудир. Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Хо, Мим. 2. (Бу Куръон) қудратли ва ҳикматли Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. 3. Шак-шубҳасиз, осмонлар ва Ерда мўминлар учун (Оллоҳнинг қудрат ва ҳикматига далолат қиладиган) оят-аломатлар бордир. 4. Яна сизларнинг (бир томчи сув — нутфадан) яралишингизда ва (Оллоҳ Ер юзига) тарқатиб юборган жониворлардан иборат нарсаларда ҳам аниқ ишонадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 5. Яна кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Оллоҳ осмондан ёғдириб, унинг ёрдамида «ўлган» ерни тирилтирган ризқ-ёмғирда ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 6. (Эй Мухаммад), булар Оллоҳнинг оятлари бўлиб, Биз уларни сизга ҳаққирост тиловат қилиб бермоқдамиз. Бас, улар (Макка кофирлари) Оллоҳ ва Унинг оятларини қўйиб, қайси сўзга иймон келтирурлар?! 7. Барча бўҳтончи — ёлғончи гуноҳкорга ҳалокат бўлғайки; 8. У ўзига тиловат қилинаётган Оллоҳ оятларини эшитар, сўнгра гўё уларни эшитмагандек, кибру ҳаво қилган ҳолда (ўз куфрида) оёқ тираб турар! Бас, (эй Мухаммад), сиз унга аламли азоб хушхабарини беринг! 9. Қачон Бизнинг оятларимиздан бирон нарса билиб олса, у (оят)ларни масхара қилур! Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир! 10. Уларнинг ортида жаҳаннам бор! Қасб қилган — топган (мол-дунё, бола-чақалари) ҳам, Оллоҳни қўйиб ушлаган «дўст»лари ҳам уларга бирон нарсада асқотмас! Улар учун улуг — катта азоб бордир! 11. Ушбу (Куръон, иймон келтирган зотлар учун) ҳидоятдир. Парвардигорларининг оятларига кофир бўлган кимсалар учун эса ашаддий азобдан аламли насиба бордир! 12. Оллоҳ (денгиздаги) кемалар Ўзининг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар (у кемаларда) Унинг фазлу марҳаматидан (ризку рўз) исташларингиз учун ва шукр қилишларингиз учун сизларга денгизни бўйинсундириб қўйган зотдир. 13. У Ўз томонидан (Ўз хоҳиш-иродаси билан) сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйинсундирди. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 14. (Эй Мухаммад), иймон келтирган зотларга айтинг, улар Оллоҳ (ваъда қилган ҳисоб-китоб) кунларидан ноумид бўлган кимсалар (етказаётган озор-азиятлар)ни кечириб юбораверсинлар. Токи (Оллоҳ ўша озорларга сабр-тоқат қилган) қавмни қасб этган нарсалари (яъни, кечириб юборганликлари) сабабли мукофотлагай! 15. Ким бирон яхшилик қилса, бас, ўзи учун (ўз фойдасига қилган) бўлур, ким ёмонлик қилса, бас, ўз зиёнига (қилган) бўлур. Сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар. 16. Дарҳақиқат, Биз Бани Исроил (қавми)га Китоб — Таврот, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этдик ва уларни ҳалол-пок нарсалардан ризқлантирдик ҳамда уларни (ўз замонларидаги) барча оламдан устун қилдик. 17. Яна Биз уларга (дин) ишлари (шариат аҳкомлари) ҳақида аниқ-равшан ҳужжатлар ато этдик. Бас, улар ихтилоф қилмадилар, магар уларга (Биз томонимиздан дин ҳақида) илм-ҳужжат келганидан сўнг ўзаро-адоват қилишиб (талашиб-тортишдилар). Албатта Парвардигорингиз Қиёмат кунда уларнинг ўрталарида ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида ҳукм қилур.

И з о ҳ: Муфассирларнинг айтишларича, мазкур оятларда Бани Исроил қавми ва уларнинг ўзларига Оллоҳ таоло томонидан ато этилган шунчалик аниқ оят-мўъжизалар, ноз-неъматлардан кейин ҳам ўзаро ҳасад-адоватга, дин ҳақида турли ихтилофларга берилиб кетганликлари тўғрисида ҳикоя қилинишидан мақсад — Макка мушрикларининг хилма-хил озор-азиятларидан изтиробга тушган Мухаммад алайҳи-с-саломга таскин-тасалли бериш ва у кишини ҳам, худди Мусо пайғамбар Бани Исроилнинг зулмига сабр қилганидек, сабр-тоқат қилишга даъват этишдир.

18. Сўнгра, (эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эрга-

шинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи-нафсларига эргашманг! 19. Чунки (агар сиз уларнинг хавойи-нафслари кўрсатган залолат йўлига юрсангиз), улар сиздан Оллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани (азобни) қайтара олмаслар. Албатта золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Оллоҳ эса такводор зотларнинг дўстидир. 20. Ушбу (Қуръон барча) одамлар учун (равшан) кўрсатмалардир ва аниқ ишонадиган қавм учун хидоят ва раҳматдир. 21. Балки ёмонлик — гуноҳлар касб этган кимсалар, Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби (уларга тенг) қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни, дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?! 22. Оллоҳ осмонлар ва Ерни (Ўзининг қудрати илоҳиясига далолат қилишлари учун) ва ҳар бир жон мазлум бўлмаган ҳолларида ўзлари қилган амаллари сабабли жазоланишлари учун ҳақ (қонун ва низом) билан яратди. 23. (Эй Мухаммад), ҳавойи-нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Оллоҳ, уни билган ҳолида, йўлдан оздириб, кулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Оллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким хидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?! 24. Улар (яъни, Қиёматни инкор қилувчилар: «Ҳаёт» фақат дунёдаги ҳаётимиздир. (Баъзиларимиз) ўлиб, (бошқаларимиз) ҳаётга келаверамиз ва бизларни (Оллоҳ ўлдирмайди, балки) фақат замон (ўтиши)гина ўлдиради», дедилар, Ҳолбуки, улар учун бу тўғрида бирон билим-хужжат йўқдир. Улар фақат (шундай) гумон қилурлар, холос. 25. Қачон уларга (қайта тирилиш ҳақлиги тўғрисидаги) Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, уларнинг (бу оятларга қарши) «хужжат»лари фақат: «Агар ростгўй бўлсангизлар, отабоболаримизни (тирилтириб) келтиринглар-чи», дейишларигина бўлур. 26. Айтинг: «Оллоҳ сизларга ҳаёт берур, сўнгра (ажалларингиз етгач) ўлдирур, сўнгра сизларни ҳеч шак-шубҳасиз, (келадиган) Қиёмат кунига тўплар». Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмаслар. 27. Осмонлар ва Ердаги бор мулк Оллоҳникидир. (Қиёмат) соати қойим бўладиган Кунда — ана ўша Кунда бузғунчи кимсалар зиён тортурлар! 28. (У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтироб-ла) тиз чўккан ҳолда кўрурсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур, (сўнг уларга дейилур): «Бугун қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсизлар. 29. Мана бу Китобимиз (яъни, Бизнинг амримиз билан ёзилган номаи аъмолингиз) сизларга ҳақиқатни айтур. Дарҳақиқат, Биз сизлар қилгувчи бўлган барча амалларингизни (ушбу номаи аъмомга) кўчириб ўйгандирмиз». 30. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга келсак, уларни Парвардигор Ўз раҳмати-жаннатига дохил қилур. Бу очик бахтнинг ўзидир! 31. Энди кофир бўлган кимсаларга келсак, (бас, уларга айтилур): «Ахир сизларга Менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сизлар (у оятларга иймон келтирмасдан) кибру ҳаво қилдинглар ва жиноятчи қавм бўлдинглар!» 32. Қачон (сизларга) «Дарҳақиқат, Оллоҳнинг ваъдаси ростдур, (Қиёмат) соати шак-шубҳасиз (келгувчидир), дейилса, сизлар: «Биз у соат нима эканлигини билмаймиз, фақат гумон қиламиз, холос. Биз (Қиёмат соати келишига) аниқ ишонгувчи эмасмиз», дединглар. 33. (Мана энди) уларга қилиб ўтган ёмонликлари ошкор бўлди ва ўзлари масхара қилиб ўтган (азоб) уларни ўраб олди! 34. Ва (уларга) дейилди: «Худди сизлар мана шу бугунги кунингиздаги учрашувни унутганларингиздек, Биз ҳам бугун сизларни «унутурмиз». Сизларнинг жойингиз дўзахдир ва сизлар учун (дўзах азобидан қутқаргувчи) ёрдамчилар ҳам йўқдир! 35. Бунга сабаб — сизлар Оллоҳнинг оятларини масхара қилиб олган эдинглар ва сизларни ҳаёти-дунё алдаб қўйган эди. Бас, бугун улар (дўзахдан) чиқарилмаслар ва улардан (Оллоҳ рози бўладиган амалларга) қайтиш ҳам талаб қилинмас. 36. Бас, барча ҳамду сано осмонлар Парвардигори, Ер Парвардигори, бутун оламлар Парвардигори — Оллоҳ учундир. 37. Осмонлар ва Ердаги барча буюклик ёлғиз Уникидир! У қудрат ва ҳикмат соҳибидир!



«Хо, Мим» харфлари билан бошлангучи бу сўнгги — еттинчи сура Маккада нозил қилинган бўлиб, ўттиз беш оятдан ташкил топган.

У Қуръони каримнинг қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлмиш Оллоҳ томонидан туширилган Китоб эканини таъкидлаш билан бошланиб, мушрикларнинг сиғинаётган бутлари бирон нарса яратишга ҳам, уларнинг дуо-илтижоларини эшитишга ҳам қодир бўлмаган жонсиз тошлар эканлиги уқтирилади.

Бу сурада ҳар бир инсон ота-онасига яхшилик қилишга амр этилгани хусусида хабар берилади ва фарзандни туғиб, қаторга қўшгунча она чекадиган меҳнат-машаққатлар айрича тасвирланади.

Сурада ўтган пайғамбарлардан Худ алайхи-с-саломнинг Яман юртидаги қумтепаларни маскан тутган Од қабиласини ёлғиз Оллоҳ таологагина ибодат қилишга даъват этганлари, улар эса қуч-қувватларига ишониб, пайғамбар даъватини инкор қилишлари оқибатида ҳалокатга дучор бўлганликлари ҳақида хабар берилади. Суранинг «Ахқоф»—«Қумтепалар», деб номланишининг боиси шудир.

Сура пайғамбар алайхи-с-саломни динсизлар томонидан тортаётган азиятларга сабр-тоқат қилишга чақириб билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. **Хо, Мим.** 2. (Бу Қуръон) қудратли ва ҳикматли Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. 3. **Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат Ҳақ (қонун) ва (Қиёмат кунигача) белгиланган (аниқ) муддат билан яратдик. Кофир бўлган кимсалар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан (яъни, охиратдаги азобдан) юз ўгиргувчидирлар (уни инкор қилгувчидирлар).** 4. (Эй Мухаммад, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Оллоҳни қўйиб, дуо-илтижо қилаётган (бутларингиз) ҳақида хабар берингиз — менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан (ердаги мавжудотлардан) нимани яратганлар?! Ёки улар учун осмонлар (ни яратиш)да шериклик борми?! Агар ростгўй бўлсангизлар, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (аввалги уламолардан қолган биронта аниқ ҳужжатни) келтиринглар!» 5. **Оллоҳни қўйиб, Қиёмат кунигача ҳам (дуони) мустажоб эта олмайдиган бутларга дуо-илтижо қиладиган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Ҳолбуки, у (жонсиз бут)лар ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофилдирлар!** 6. (Қиёмат кунда), **инсонлар (ҳисоб-китоб учун) тўпланган вақтида ўша (бут)лар уларга (мушрикларга) душман бўлурлар ва уларнинг (Оллоҳни қўйиб, ўзларига) ибодат қилганларини ҳам инкор этурлар!** 7. **Қачон уларга Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, (улар) кофир бўлган кимсалар Ҳақ (Қуръон) тўғрисида, у ўзларига келган вақтидаёқ (тафаккур қилиб кўрмасданок), «Бу очик сеҳрдир», дерлар.** 8. **Ёки улар («Қуръонни Мухаммаднинг) ўзи тўқиб олган», дейдиларми?! Айтинг: «Агар уни ўзим тўқиб олган бўлсам, у ҳолда, сизлар мен учун Оллоҳ (азоби)дан бирон нарса (ни даф қилиш)га эга бўла олмасизлар (яъни, у ҳолда Оллоҳнинг ўзи Унинг шаънига ёлғон тўқиганим учун мени ҳеч ким қайтара олмайдиган азоб билан жазолаган бўлур эди. Бас, мен сизлардан эмас, балки Оллоҳ таолодан кўрққаним сабабли сизларга Ҳақ ваҳйни келтирмоқдаман)! У (Оллоҳ) сизлар киришаётган нар-**

сани (яъни, Куръонни бир сеҳр, бир уйдирма деяётганларнингизни) жуда яхши билгувчидир. Унинг Узи мен билан сизларнинг ўртангизда етарли гувоҳдир. У мағфиратли, меҳрибон зотдир». 9. (Эй Муҳаммад), айтинг: «Мен пайғамбарлардан янги — биринчиси эмасман (яъни, мендан аввал ҳам Оллоҳнинг пайғамбарлари ўтган-ку, нега сизлар менинг пайғамбарлигимга ҳайрон бўлиб, инкор қилмоқдасизлар?! Мен (келажакда) на ўзимга ва на сизларга нима қилинишни билмасман (яъни, ғайбдан хабардор эмасман). Мен фақат ўзимга ваҳй қилинадиган нарсага эргашурман. Мен фақат очик огоҳлантиргувчидирман». 10. Айтинг: «(Эй мушриклар), хабар берингиз-чи, агар (ушбу Куръон) Оллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сизлар унга кофир бўлсангизлар ва Бани Исроилдан бўлган бир гувоҳ ҳам, у (Куръон)нинг ўхшаши (ёлғиз Оллоҳ аоло томонидангина нозил бўлиши)га гувоҳлик бериб, иймон келтирса-ю, сизлар (унга иймон келтиришдан) кибр-ҳаво қилсангизлар (энг золим одамлар бўлиб қолмайсизларми?!) Албатта Оллоҳ золим қавми ҳидоят қилмас!»

Изоҳ: Муфассирлар айтишларича, Бани Исроил қавмидан бўлган гувоҳ — яҳудий Абдуллоҳ ибн Салом бўлиб, у киши пайғамбар алайҳи-с-саломнинг олдиларига келиб Куръони карим оятларини эшитгач ва бир неча саволларига расулуллоҳдан аниқ жавоблар олгач, Куръоннинг илоҳий Китоб эканига ва Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ҳақ пайғамбар эканликларига дарҳол иймон келтирган экан.

11. Кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотлар ҳақида: «Агар (бу Куръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган (эргашмаган) бўлур эдилар», дедилар. Улар ўзлари у (Куръон) билан ҳидоят топишмагач, «Бу эски уйдирмадир», дерлар.

Изоҳ: Маълумки, аввал-бошда ислом динини Аммор, Билол, Суҳайб ва Хабоб каби камбағал-бечоралар қабул қилган эдилар. Шунинг учун зодагон мушриклар юқоридаги сўзларни айтдилар.

12. У (Куръон)дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмат бўлган Китоби (Таврот) бор эди. Бу (Куръон эса) арабий лисондаги, (ўзидан аввалги барча илоҳий китобларни) тасдиқлагувчи бир Китобдир. У зулм-куфр йўлини тутган кимсаларни (охират азобидан) огоҳлантириш учун ва чиройли амал қилгувчиларга (жаннат ҳақида) хушxabар бўлиш учун (нозил қилингандир). 13. Албатта «Парвардигоримиз Оллоҳдир», деган, сўнгра (Тўғри йўлда) устивор турган зотлар учун хавфу хатар йўқдур ва улар ғамгин бўлмаслар. 14. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда мангу қолурлар. (Бу) улар (нинг) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир. 15. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Унаси унга қийналиб ҳомиладор бўлиб, қийналиб (уни) тукқандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Энди қачон у вояга етиб, қирк ёшга тўлганида: «Парвардигорим, мени Сен, менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун, зурриётимда ҳам яхшилик қилгин (яъни, фарзандларимни ҳам ахли солих бандаларингдан қилгин). Албатта мен Сенга (ўтган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта мен мусулмонлардандирман», деди.

Изоҳ: Ушбу ояти каримада яна ҳар бир инсонни ота-онага яхшилик қилишга буюрилди. Табиий бир савол туғилади: нега Куръонда бот-бот ота-онага меҳр-мурувват кўрсатиш вожиб эканлиги уқтирилади-ю, фарзандларга меҳрибонлик қилишга буюрилган оятлар деярли учрамайди? Қаломуллоҳни синчиклаб ўқиб-ўрганган киши ундан юқоридаги саволга жавоб топа олади: Куръонда бирон беҳуда жумла ёки сўз йўқдир. Оллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонни неча марта такрорлаш лозим бўлса, уни шунча марта нозил қилган. Негаки, Яратган Ўз бандаларининг жисмоний жиҳатларидан ҳам, руҳоний хусусиятларидан ҳам жуда яхши огоҳдир. Масалан, У зот ота-онага, хусусан онага ўз фарзандларига нисбатан шундай меҳр ато этганки, она учун энг оғир, ҳатто таҳликали давр бўлган ҳомиладорлик ва кўз ёриш даври ҳамда чақалоқни эмизиб, тарбиялаш йиллари ота-она ҳаётидаги энг бахтли дамлардир. Бинобарин, ота-онани фарзанда яхшилик қилишга буюраверишининг ўзи ортиқча бир ишдир. Аммо фарзандлар ёшлиқларига бориб ёки ўзларининг ўғил-қизлари билан овора

бўлишиб, баъзан ортларидаги ота-оналарига бепарво бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун Қуръон фарзандларни тез-тез ота-она олдидagi бурчларини адо этишга даъват қилади.

Юқоридаги оятнинг давомида камолот ёши бўлмиш қирқ ёшга етган мусулмон киши учун Оллоҳ таолодан қандай тилак-истаклар сўраш лойиқ эканлиги баён қилинди. Энди қуйидаги оятда ана шундай хислат эгалари бўлган мўмин-мусулмонларнинг келажак-оқибатлари ҳақида хабар берилади.

16. Ана ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган энг чиройли амалларини қабул қилурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонлик — гуноҳларидан ўтиб юборурмиз. (Бу) уларга ваъда қилингувчи ҳақкирост ваъдадир. 17. Яна бир кимса борки, ота-онасига: «Уф сизларга! Сизлар менга (ўлганимдан кейин қайта тирилиб, қабрдан) чиқарилишим ҳақида ваъда бераяпсизларми? Ҳолбуки, мендан илгари ҳам асрлар-авлодлар ўтган-ку (улардан биронтаси қайта тирилиб келдими)?!» дер. У иккиси (ота билан она) Оллоҳдан мадад тилаган ҳолларида (ўғилларига қараб): «Ҳалок бўлгур, иймон келтиргин! Албатта Оллоҳнинг (барча бандаларни қайта тирилтириш тўғрисидаги) ваъдаси ҳақдир», (десалар), у: «Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир», дер. 18. Ана ўшалар (бундайлар) шундай кимсалардирки, уларнинг устига ўзларидан илгари ўтган инсу жиндан иборат (кофир) умматлар қаторида (азоб) Сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта улар зиён кўргувчи бўлдилар. 19. (Мўминлар ва кофирлардан) ҳар бири учун ўзлари қилган амаллари сабабли даража-мартабалар бордир. Чунки (Оллоҳ) уларга қилган амалларини (нг мукофот ва жазоларини) комил қилиб берур ва уларга зулм қилинмас. 20. Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган Кунда (уларга дейилур): «Сизлар ўз ҳузур-халоватларингизни ҳаёти-дунёдалигингиздаёқ кетказдингиз ва улардан фойдаланиб бўлдингиз. Энди Бугун ерда ноҳақ кибру ҳаво қилганларингиз ва итоатсиз бўлганларингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланурсизлар». 21. (Эй Муҳаммад), Од (қабиласи)нинг биродарини (яъни, Худ пайғамбарни) эсланг! Ушанда у ўзининг қумтепалардаги қавмини: «Сизлар ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилинглар! Мен ҳақиқатда сизларнинг устингизда улуғ Қуннинг азобидан қўрқурман», деб огоҳлантирган эди,— дарҳақиқат, ундан илгари ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантиргувчи (пайғамбар)лар ўтгандир; 22. Улар: «Сен бизларни худоларимиздан буриш (юз ўгиртириш) учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни (яъни, Оллоҳнинг азобини) келтиргин-чи?» дедилар. 23. У айтди: «(Азоб келар вақтнинг) билими ёлғиз Оллоҳ ҳузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган динни етказурман. Лекин мен сизларнинг нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман». 24. Бас, қачонки улар ўша (азоб)ни — ўз водийларига қараб келаётган бир қора булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтиргувчи булутдир», дедилар. «Йўқ, у ўзларингиз шоштирган нарса — бир бўронки, унда аламли азоб бордир. 25. У (ўз) Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон (ҳалок) қилур», (дейилди уларга). Бас, (у бўрон келиб, Од қабиласидаги кофирларнинг ўзларини ҳам, мол-ҳолларини ҳам ҳалок қилди. Барчалари қирилиб-битиб), тонг отганида, фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи-осий қавми мана шундай жазолаймиз. 26. Ҳолбуки, (эй Макка аҳли) Биз уларни (мол-дунё ва куч-қувват жиҳатидан) сизларни кодир қилмаган нарсаларга кодир қилган эдик ва уларга ҳам қулоқ, кўз ва диллар (ато) қилган эдик. (Лекин) улар Оллоҳнинг оят-мўъжизаларини инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам, диллари ҳам бирон фойда бермади (яъни, ҳақ йўлни кўриб, идрок қила олмадилар). Ва уларни ўзлари масҳара қилиб қулган нарсалари (Оллоҳнинг азоби) ўраб олди. 27. (Эй Макка аҳли), аниқки, Биз сизларнинг атрофингиздаги қишлоқ-шаҳарларни ҳалок қилдик. Биз уларга шояд (куфру исёнларидан) қайтсалар, деб оят-мўъжизаларни батафсил баён қилган эдик, (лекин, улар қайтмай, ҳалокатга дучор бўлдилар). 28. Ахир ўзлари Оллоҳни қўйиб, (Оллоҳга) яқин қиладиган «худо»лар, деб ушлаб олган — сифинган бутлари (ҳалокатдан қутулишлари учун) уларга ёрдам берсалар бўлмасмиди?! Йўқ, у (бутлар мушриклардан ёрдамга муҳтож бўлган вақтларида) ғойиб бўлиб қолишди! Бу (бутлар бутпарастларни Оллоҳга яқин қиладиган, деган ақида) уларнинг уйдирмаларидир ва (Оллоҳ шаънига) тўқиб олган

бўхтонларидир. 29. (Эй Мухаммад), эсланг. Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки улар (Қуръон тиловатига) ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим туринглар», дедилар. Энди қачонки (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантиргувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар.

Из оҳ: Ривоят қилинишича, пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ҳузурларига бир неча бор жин тоифасининг вакиллари келиб, Қуръонни тинглаб кетгин эканлар. Мазкур оятдаги воқеа шулардан бири бўлиб, уни келтиришдан мурад Макка мушрикларини огоҳлантиришдир. Уларга: «Инсон тоифасидан бўлмаган жинлар Қуръонни бир бор эшитишлари биланоқ унга иймон келтириб, бошқа жинларни ҳам иймонга даъват қилиш учун кетсалар-у, сизлар ўзла-рингизнинг тилингиздаги Қуръонга ва ўз тоифангиздан бўлган пайғамбарга иймон келтирмай наҳотки кофирлигингизча қолсангизлар!» дейилмоқда. Қуйи-даги оятларда жинларнинг ўз қавмлари олдига бориб, Қуръон хабарини етказганликлари баён қилинади.

30. Улар дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилгувчи бўлган, Ҳақ (динга) ва Тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни — Қуръонни тингладик. 31. Эй қавмимиз, Оллоҳга даъват қилгувчи (Мухаммад алай-ҳи-с-саломнинг сўзларини) қабул қилинган ва унга иймон келтиринглар, (шунда Оллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур. 32. Ким Оллоҳга даъват қилгувчи (нинг сўзи-ни)ни қабул қилмаса, бас, у Ер юзида (бирон жойга) қочиб қутулгувчи эмас-дир ва унинг учун (Оллоҳдан) ўзга (Унинг азобидан қутқаргувчи) «дўст»лар ҳам йўқдир. Ана ўшалар очик залолатдадирлар». 33. Ахир улар (охиратда қайта тирилиш ҳақ эканини инкор қилгувчи кимсалар) осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишга ожизлик қилиб қолмаган зот — Оллоҳ, ўликларни тирилтиришга ҳам қодир эканлигини (ўйлаб) кўрмадиларми?! Йўқ, (Албатта Оллоҳ учун бу жуда осондир). Зеро, У зот барча нарсага қодирдир. 34. Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган Кунда (уларга): «Ушбу (азоб) ҳақ эмас эканми?!» (дейилганида), улар: «Йўқ, Парвардигоримизга қасамки, (бизларга ваъда қилинган азоб ҳақ экан)», дерлар. (Шунда Оллоҳ) айтур: «Бас, кофир бўлганларингиз сабабли мана шу азобни тотинглар! 35. Бас, (эй Мухаммад), сиз ҳам (ўтган) пайғамбарлар орасидаги сабот-матонат эгалари сабр қилганларидек, (мушрикларнинг озор-азиятларига) сабр қилинг ва уларга (тушадиган азобни) шоштирманг! Улар ўзларига ваъда қилинаётган азобни кўрадиган Кунда гўё (бу дунёда) фақат кундуздан бир соатгина тур-гандек бўлиб қолурлар! (Бу Оллоҳ томонидан нозил қилинган) бир баёнот — хабардир. Бас, фақат итоатсиз қавмгина ҳалок қилинур.



Маккада нозил бўлган бу сура ўттиз саккиз оятдан иборат. Унда асосан, Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва у жангда риоя қилиниши лозим бўлган тартиб-интизом ва қонун-қоидалар ҳақида сўз боради. Шунинг учун уни «Жанг» сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада мўминларга, агар улар Оллоҳнинг динига ёрдам берсалар, Оллоҳ таоло ҳам уларнинг ёрдамида бўлиши таъкидланади.

Шунингдек, рўбарўдаги душманга қарши жанг қилиш билан бирга, орала-

ридаги мунофиқлардан ҳам огоҳ-эҳтиёт бўлиб туриш лозимлиги уктирилади ва уларнинг айрим сифат-кирдикорлари батафсил баён қилинади.

Сура ниҳоясида Тангри таоло мўмин-мусулмонларга Ўзи улар билан бирга эканлигини уктириб, уларни ҳақ йўлида сустлашмай-оғишмай саъй-ҳаракат қилаверишга даъват этади.

Бу сура пайғамбар алайҳи-с-салом номлари билан «Муҳаммад», деб аталгандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Оллоҳ йўлидан тўсган кимсаларнинг амалларини (Оллоҳ) зое кетказур.

Изоҳ: Ушбу оятда ўзлари иймонсиз бўлиб, бошқаларни ҳам дин-иймон йўлидан тўсадиган кимсалар, яхши амалларни қилсалар ҳам, уларга ҳеч қандай ажр-савоб берилмаслиги баён этилди.

2. Имон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда Муҳаммад (алайҳи-с-салом)га нозил қилинган нарсага (Қуръонга) — ҳолбуки, у Парвардигорлари томонидан келган Ҳақиқатдир, — иймон келтирган зотларнинг эса (Оллоҳ) ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва ишларини ўнглар. **3. Бунга (кофирларнинг амаллари зое бўлиши ва мўминларнинг гуноҳлари ўчирилишига) сабаб — кофир бўлган кимсаларнинг ботил (йўл)га эргашганлари, иймон келтирган зотларнинг эса Парвардигорлари томонидан бўлган Ҳақ (Қуръон йўли)га эргашганларидир. Оллоҳ инсонларга, уларнинг мисолларини мана шундай баён қилиб берур.** **4. Бас, (эй мўминлар), қачон сизлар (жанг майдонида) кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда, бўйинларига урингиз — ўлдилингиз! Энди қачон уларни (нг кўпларини) кириб, (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) арконлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар, ё (уларни кўйиб юбориш учун) фидя — товон олурсизлар. Токи, уруш — юкларини қўйганича (яъни, тўхтаганича, сизларга буюрилган иш) мана шудир. Агар Оллоҳ хоҳласа, улардан (жанг-жадалсиз ҳам) ғолиб бўлур (уларни йўқ қилиб юборур) эди, лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Оллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини (У) ҳаргиз зое кетказмас.** **5. Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар.** **6. Уларни (Оллоҳнинг) Ўзи — уларга танитган жаннатга киритур.** **7. Эй мўминлар, агар сизлар Оллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни, Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва (жанг майдонида) қадамларингизни собит-барқарор қилур.** **8. Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва (Оллоҳ) уларнинг амалларини зое кетказур.** **9. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳ нозил қилган нарсаларни (Қуръон ва ундаги ҳукмларни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Оллоҳ) уларнинг амалларини беҳуда кетказди.** **10. Ахир улар Ер юзида сайру саёҳат қилишиб, ўзларидан аввалги (пайғамбарларни ёлғончи қилиб иймонсиз кетган) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини (улар қандай қисматга йўлиқишганини) кўрсалар бўлмайдими? Оллоҳ уларнинг устига ҳалокат юбориб (бутунлай йўқ бўлиб кетдиларку)?! Бу кофирлар учун ҳам худди ўша (оқибат-ҳалокат)ларнинг ўхшаши бўлур.** **11. Бунга (Оллоҳ мўминларга ёрдам беришига, кофирларни эса ҳалок қилишига) сабаб Оллоҳ иймон келтирган зотларнинг дўсти-ҳомийси эканлиги, кофирлар учун эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканлигидир.** **12. Албатта Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. Кофир бўлган кимсалар эса (мана шу ҳаётининг ўткинчи лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек, ебичурлар ва дўзах уларнинг жойлари бўлур!** **13. (Эй Муҳаммад), сизни ҳайдаб чиқарган кишлок (яъни, Макка аҳли)дан кўра (аҳолиси) кучли-қувватлироқ бўлган қанчадан-қанча кишлокни ҳалок қилганмиз. Бас, улар учун бирон ёрдамчи бўлмаган.** **14. Ахир Парвардигори томонидан аниқ-равшан ҳужжатга (Қуръонга) эга бўлган киши (яъни, расулulloҳ ва мўминлар), қилган ёмон амали ўзига чиройли кўринган ва ҳавойи нафсига эргашган (кофир) кимсалар каби бўлурми?! 15. Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли-сифати (будир): Унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган судтан бўлган дарёлар ҳам, ичгувчилар учун лаззатли (яъни, бадтаъм ва ақлдан оздиргувчи бўлмаган) майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асал-**

дан бўлган дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (улар учун у жойда) Парвардигорлари томонидан мағфират бордир. (Ана шундай жаннат аҳли бўлган такво эгалари) дўзахда мангу қоладиган ва (у жойда) қайноқ сув билан суғорилиб, у (сув) ичакларини бўлак-бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми?!

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло мўминлар билан кофирлар ҳеч қачон баробар бўлмасликларини аниқ далиллар билан баён этди ва тақводор мўминларнинг борар жойларини ҳам, кофирларнинг топажак оқибатларини ҳам жонли лавҳалар билан тасвирлаб берди. Энди қуйидаги оятларда сўз мунофиқлар ва уларнинг кирдикорлари ҳақида боради.

16. (Эй Муҳаммад), уларнинг (мунофиқларнинг) орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар сизга кулоқ солиб турур-да, ҳузурингиздан чиққан вақтларида илм ато этилган зотлардан (масхара қилишиб): «Ҳозиргина (Муҳаммад) нима девди?» деб сўрарлар. Ана ўшалар Оллоҳ дилларини муҳрлаб қўйган ва ўзларининг ҳавойи-нафсларига эргашган кимсалардир. 17. Ҳидоят топган — Тўғри йўлга юрган зотларга эса (Оллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қулур ва такво ато этур, (яъни, уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатур). 18. Улар (Макка кофирлари ўтмишдаги ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган қавмлар дучор бўлган ҳалокатлардан эслатма-ибрат олмадилар) энди фақат тўсатдан (Қиёмат) соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқе, унинг аломатлари келди. Бас, уларга (Қиёмат соати) келган вақтида, уларнинг эслатма-ибрат олишлари (учун) қандай (имкон) бўлур?!

Изоҳ: Демак Оллоҳ таолонинг оят-мўъжизаларидан панд-насиҳат олиб, тўғри йўлда юришни истаган киши — Қиёмат соати келиб қолишидан илгари панд-насиҳат олсин. Чунки у соат келиб қолгач, қилинган тавба-тазаррунинг ҳеч қандай фойдаси йўқдир. Ўзлар ётга, оға-инилар ёвга айланиши, улуглар камайиб, пасткаш-тубан кимсалар кўпайиши Қиёмат аломатларидандир.


19. Бас, (Эй Муҳаммад), ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Оллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун (Оллоҳдан) мағфират сўранг! Оллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезар жойларингизни ҳам, (охиратда) борар жойларингизни ҳам билур. 20—21. Иймон келтирган зотлар: «(Кофирларга қарши жанг қилишга буюрилган) бирон сура нозил қилинганида эди», дерлар. Энди қачон аниқ бир сура нозил қилиниб, унда жанг зикр этилса, (мунофиқларнинг) дилларида мараз бўлган кимсаларнинг, сизга худди (келиб қолган) ўлимдан (кўркиб), беҳуш бўлиб қолган кимсаларнинг нигоҳи билан қарашаётганини кўрурсиз. (Ҳолбуки), улар учун (сизга) итоат этиш ва яхши сўз (сўзлаш) лойикроқ эди. Энди қачон йш — жанг куқаррар бўлса, у ҳолда агар улар Оллоҳга (иймон келтириш ва Унинг жанг қилиш ҳақидаги амрига итоат этишда) содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди. 22. Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқинки (эхтимолки), сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! 23. Ундай кимсаларни эса Оллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (кулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) қар, кўзларини эса (Тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир. 24. Ахир улар Куръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида кулфлари бордир (шунинг учун у дилларга Куръон нури етмаётгандир)?! 25. Албатта ўзларига ҳидоят (йўли) аниқ-равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чирокли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёлларни) узун (узук) қилиб қўйди. 26. Бунга (яъни, куфрга қайтиб кетишларига) сабаб, уларнинг Оллоҳ нозил қилган нарсани (Куръонни) ёмон кўрган кимсаларга: «Биз айрим ишлардан сизларга итоат этамиз», деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ уларнинг яширган (сирлар)ини билур.

Изоҳ: Мунофиқлар яҳудийлар билан мусулмонларга қарши баъзи бир режаларни хуфёна тузиб юрар эдилар. Мазкур оятда Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарига уларнинг сирларини ошкор қилди.

27. Энди — фаришталар уларнинг юзлари ва орқаларига уриб, жонларини олар вақтида, (уларнинг ҳоллари) қандай бўлур?! 28. Бунга (ўлим соатидаги бундай азобга) сабаб уларнинг Оллоҳни ғазаблантирган нарсага (яъни, мунофиқлик йўлига) эргашиб, У зотнинг ризолигини (мўминлар билан бирга ко-

фирларга қарши жанг қилишни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Оллоҳ) уларнинг (қилган яхши) амалларини ҳам беҳуда кетказди. 29. Балки дилларида мараз-нифоқ бўлган кимсалар, Оллоҳ уларнинг (дилларидаги мўминларга нисбатан бўлган) адоватларини ошкор қилмас, деб ўйлагандирлар?! 30. (Эй Муҳаммад), агар Биз хоҳласак, албатта сизга уларни (мунофиқларни) кўрсатиб-танитиб қўйган бўлур эдик, у ҳолда сиз уларни (Биз белгилаб қўйган) белги-аломатларидан топиб олган бўлур эдингиз. (Қасамки, энди) албатта сиз уларни (улар сўзлаётган — зоҳири иймонга далолат қиладиган, ботини эса куфр бўлган) сўз — оҳанг-услубидан таниб олурсиз. Оллоҳ сизларнинг (барча) амалларингизни билиб турур. 31. Албатта Биз, то сизларнинг орангиздаги (Бизнинг йўлимизда молу жонлари билан) жиҳод қилгувчи ва (яхши-ёмон кунларда) сабр қилгувчи зотларни билгунимизча, ҳамда сизларнинг ҳоли-хабарларингизни текшириб-юзага чиқаргунимизча, сизларни имтиҳон қилу-миз. 32. Албатта кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Оллоҳнинг йўлидан тўсган ҳамда ўзларига хидоят (йўли) аниқ-равшан бўлганидан кейин, яна пайғамбарга қаршилиқ қилган кимсалар, Оллоҳга бирон зиён етказа олмаслар ва (Оллоҳ) уларнинг (пайғамбарларга қаршилиқ қилиш йўлидаги барча) амалларини беҳуда кетказур. 33. Эй мўминлар, Оллоҳга итоат этингиз! Ва (куфр, ё мунофиқлик йўлига кириб) амалларингизни ботил — бефойда қилиб қўйманглар! 34. Албатта кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Оллоҳ йўлидан тўсган, сўнгра кофир ҳолларида ўлган кимсаларни Оллоҳ ҳаргиз мағфират қилмас! 35. Бас, (эй мўминлар), сизлар (у кофирларга қарши жанг қиладиганингизда) сусткашлиқ қилмангиз ва ўзларингиз устун-ғолиб бўлган ҳолларингизда (уларни) ярашга (сулҳга) ҳам чақирмангиз! Оллоҳ сизлар билан биргадир ва У ҳаргиз қилган амалларингизни (нг савоб-мукофотини) камайтирмас. 36. Албатта бу ҳаёти-дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир. Агар сизлар иймон келтирсангизлар ва тақво эгалари бўлсангизлар, У зот сизларга ажр-мукофотларингизни берур ва сизлардан мол-дунёларингизни сўрамас. 37. Агар (Оллоҳ) сизлардан (мол-дунёларингизни) сўраб, сизларни қийнайдиган бўлса, сизлар бахиллик қилурсизлар ва У сизларнинг (дилларингиздаги) кек-адоватларингизни ошкор қилур. 38. Мана, сизлар шундай кишилардирсизки, Оллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилиш учун даъват қилинурсизлар. Бас, (аникки) сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кимсалар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, албатта у фақат ўз зиёнига бахиллик қилур (чунки у ажр-савобдан маҳрум бўлур). Оллоҳ (сизларнинг хайр-эҳсонларингиздан) бой — беҳожат, сизлар эса (У зотнинг ажр-савобига) фақир — муҳтождирсизлар. Агар сизлар (Оллоҳга итоат этишдан) юз ўгириб кетсангизлар, У зот (ўрнингизга) сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўюр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар (балки сидқидилдан Оллоҳга тоат-ибодат қилурлар)!

Давоми келгуси сонда



Фахру-л-банот Сифатуллоҳ қизи

ИРШОД ЁКИ КЎЗГУ

-----*

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган Фахру-л-банот Сифатуллоҳ қизи шоира, фозила муаллима эди. У хотин-қизлар тарбиясига оид, ахлоқдан сабоқ берувчи «Қизлар тарбияси», «Оила сабоқлари» ва тўрт жуздан иборат «Муаллимату-л-банот» каби китобларнинг муаллифидир.

Унинг «Иршод ва кўзгу» рисоласи 1895 йилда аралаш туркий тилида ёзилган бўлиб, 1909 йилда Оренбургда нашр қилинган.

Рисола ароқхўрликка мук тушганларнинг аянчли турмуши бошқаларга аччиқ-ибратли бир сабоқ бўлсин, деган ниятда ёзилган. У ахлоқ, тарбияни бузади, гўзал оилаларни барбод қилади, ҳатто миллатнинг завол топишига ҳам олиб келади.

Рисолани 1909 йилда босилган нусха асосида ЎзФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими Тешабой Зиёев ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилиб нашрга тайёрлаган.

-----*

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Мухтарам ўқувчи афандилар! Замонамизда, хусусан, қишлоқ аҳолиси орасида маст килувчи ичимлик ичмак шойиъ (тарқалган) бўлиб, аччиқ бол (асалдан қилинган бўза) кабиларни ҳалол деб, эътикод қилиб, мажлисларда қўлдан қўлга узатиб, «бисмиллоҳ, банияти шифо», деб ичмак одати кундан-кунга орта борганидан бир одамнинг маст килувчи ичимликнинг ҳар бир навъи ҳаром экани ҳақида бир нарса ёзмоғимни рижо этишига биноан, ушбу рисолачамни таълиф этиб, бир матбаага топширмиш эдим. Матбуот оламида эътибор йўқлигидан 1895 йилдан бери йўқолиб қолмиш эди. Бу сана топилиб, ўзимга қайтарганларида қориларим ҳузурда эътиборга олунурлик нарса бўлмаса-да, хизматим зойиъ бўлмасун, балки тақдир этувчилар ҳам бўлур, деб умид этиб, нашрига мубошарат айладим (киришдим).

Ҳамрнинг шубҳасиз ҳарому нажис (ифлос)лиги ояти каримаю аҳодиси шарифа ила собитдир.

Ҳамрнинг ҳаромлиги ҳақида нозил бўлгон оятлар жумласидан: «Эй, мўъминлар! Ҳамру кимор ўйнаб турғон ўйинлар керак нарсадан ясалғон бўлсалар-да, ибодат қилур учун ясалғон сувратлар, ирим учун ясалғон ўқлар, булар ҳар бири нажису жирканч бўлиб, шайтон амалидандирлар. Сизни кизиқтирур учун шайтон сизга ул амалларни зийнатлаб кўрсатадир. Бу амалларни қилишдан сақлансангиз, азобдан қутулиб саломатлик топурсиз. Унинг учун шайтон ҳамр ичишга, кимор ўйинларини ўйнашга кизиқтириб, сизнинг орангизга аччиқлиғу душманлик солишни истар, ҳам сизни бу иккиси бирла шуғуллантириб, Оллоҳни зикр қилишдану намоздан манъ қилишни тилар. Эй, сизлар буларни қилмақдан сақланингиз!»¹

«Ал-Азлом»дан мурод, жоҳилият замонида уч ўк ясаб, бирига «ифъал (қил), иккинчисига «ло тафъал» (қилма) деб ёзиб, учинчисига ҳеч нарса ёзмай, Қаъбайи шарифа ичида, ўзларича, бутларининг бошлиғи бўлгон Хубал² исмли бутнинг бўйнига осиб кўядилар ва ораларидан бир одам сафар қилиши ёки бошқа бир каттарок иш қилиши керак бўлса, ул ишни қила бошловчи Қаъбатуллоҳга бориб, шул уч ўкнинг бирини олур.

-Ифъал» деб ёзилғони тўғри келса, сафарга чиқар ёки қиладиғон ишини қилур, «ло

¹ «Қуръон». Монда сураси, 90—91-оятлар

² Хубал — қадимги араб худоларидан бири

тафъал» дегани тўғри келса, қилмас эмиш. Агар ёзувсизни тўғри келса, иккинчи мартаба олур эмиш.

Риж (гуноҳ) жинси ҳаром бўлгон нарсаға исм бўлғони учун хамрнинг ҳеч шубҳасиз ҳаромлиғига қуйида ёзилмиш ояти қарима далилдир: «Айтгин, эй, Муҳаммад! Менга ваҳий қилингон нарсада ёки «Қуръон»да емак ҳаром бўлгон нарса топмадим. Магар ул нарса ёки қон, ёки ўлакса, ёки тўнғиз эти бўлсагина. Чунки ул тўнғиз эти наҳису жир-қанчидир, ёки бўғизланганда Оллоҳдан бошқа учун фасод бирла сифатлангон нарса бўлса. Бир одам ушбу ҳаромлардан бир нарсани ейишга музтар (мажбур) бўлса, ўзи каби бир заруратли одамга зулмиқу зарурат қадридан тажовуз қилмай еса, раббинг унинг гуноҳини ёрлақаб, унга раҳим қилғувчидир. Унинг учун танбех қилмас». ¹

Бу оятда тўнғиз этини риж, деб фикр қилингани каби, ўтган оятда хамрни-да риж деган эди. Бу хамрнинг ҳам ҳаромлиғига далилдир. «Кашшоф»да ўн икки ваҳҳ бордир: 1. Жаноб Ҳақ хамрни «иннамо» бирла таъкид қилгон; 2. Бу жумла жумлайи исмиё бўлмоғи; 3. Жаноб Ҳақнинг хамрни қимор бирла бирга зикр қилмоғи; 4. Хамрни бутларга ибодат қилувига яқин зикр этилмоғи. Оллоҳдан бошқага ибодат қилувга яқин бўлғоч, албатта, ҳаромдир. 5. Жаноб Ҳақнинг хамрни риж, деб зикр қилмоғи. Чунки риж деб, тўнғиз эти, ўлакса, бўғиз қони каби наҳису ҳаром бўлгон нарсаларга айтиладир; 6. Хамрни шайтон амалидан қилмоғи; 7. Ул хамрдан фақат зарардан бошқа ҳеч нарса келмаганлиғи; 8. Жаноб Ҳақнинг хамрдан сақланиш бирла амр қилғони; 9. Оллоҳ таоло хамрдан сақланмақни саломатлик деб, зикр қилмоғи. Сақланмаслик бўлса — ул ишни қилмоқ расволиқу халокликдир; 10. Жаноб Ҳақнинг хамр ичувчилар орасига аччиқлиғу душманлиқ тушувини зикр қилмоғи; 11. Хамрнинг Оллоҳни зикру намаз вақтларига рноя қилмақдан манъ қилмоғини зикр қилмоғи; 12. Жаноб Ҳақнинг хамрдан тийиш бирла амр қилмоғи.

Уламоий ханафия узум суви бирла хурмо сувидан ясалғон икки маст қилувчи ичимликдан бошқасини хамр деб атамасалар-да, маст қилувчи нарсанинг ҳар бирини ҳаром деб айтурлар.

Яна ҳадисда келмишдир: «Жаноб расул ақрам саллоллоҳу алайҳи ва салламадан «аччиқ бол ҳаромми?», деб сўраганларида: «Ҳар бир маст қила турғон нарса ҳаром», деб жавоб бермишдир.

Яна ҳадисда келмишдир: «Набиййимиз саллоллоҳ алайҳи ва саллама: «Ҳар бир маст қила турғон ичимлик ҳаром», деб буюрмишдир.

Яна ҳадисда: «Абу Бурда отасидан кўчириб айтди, отам айта турғон эди: «Расул ақрам саллоллоҳу алайҳи ва саллама мени Маоз бирла Яманга юборғон вақтда бизнинг иккимизга хитоб қилиб: «одамларни Ислом динига даъват қилинғиз! Оллоҳ таолонинг дини Исломда бандаларига ваъда қилгон раҳматларини баён қилиб, уларни шодлантинринғиз, уларга дағаллик бирла муомала қилиб уларни ўзингиздан ҳам, дини Исломдан ҳам нафратлантинрманғиз! Енгиллик қилиб Ислом динига рағбатларини ортдинринғиз! Ҳеч бир ишда уларга оғирлик қилманғиз! Ёки дини Исломда оғирлик йўқлиғини баён қилинғиз!» деди. Шул вақтда мен набиййимиз саллоллоҳу алайҳи ва салламадан: «Е, расуллulloҳ! Биз Яманда икки турли ичимлик ясай турғон эдикки, бирини болдақ қувватлағунча ачитиб битъ деб, айта турғон эдик. Иккинчисини тариқу арпадан ясаб, қувватланғунча ачитиб мизр деб, айта турғон эдик. Шул икки ичимликнинг ҳалолу ҳаромлиғи ҳақида бизга фатво бер», деб сўрадим. Менинг бу саволимга қарши расул ақрам ҳам: «Намоздан манъ қила турғону маст қила турғон ичимликларнинг ҳар бирини сизларни тияман», деб жавоб берди». ²

Замонамизда еса, аччиқ болдан ҳеч жирканмай тамом ҳалолға санаб кишлоқларда ёш болалар тўйи, йигину тўй мажлисларида аччиқ болни катта қосалар бирла қўлдан қўлга тутиб «бисмиллоҳ, банияти шифо» деб ича-ича маст бўлишиб, кичкиришу уришиш даражасига келароқ шифосини шул мажлисда ўнг кўрмақдаурлар. Ичимлик ичган одам гуноҳқор бўлиб жаҳаннам азобиғаю жаноб Ҳақнинг ғазабига мустаҳиқ бўлгани каби, дунёда ҳаёт экан ичимликнинг санаб, тугатиб бўлмас зарарини кўру. Ҳар кимга маълумдирки, зўр давлатларидан фақирликка тушиб юртидан, еридан айрилиб сафолат (тубанлик) ҳолида юривчиларнинг энг кўписи шул ичкилик сабабидан, шул ночор ҳолға тушмишдирлар. Шул ичкилик сабабидандирки, неча осмону фалак каби юртлар ҳаробаға юз тутиб, неча оилалар тор-тор бўлмиш ва неча хотуну болаларнинг кўзларидан қонли ёшлар оқиб, неча ота-оналарнинг беллари букилмишдир.

Миллатимизнинг ичимлик ичув бирла мубтало бўлишининг биринчи сабаби ҳам болаларимизни яхши тарбия қила билмай, илму хунардан маҳрум қилғонимиздадир. Бўлмаса, илм ўргангану ислом тарбиясини кўрғон одам миллионлар бирла сотиб олиш мумкин бўлмагон ақлини чорак нашъа учун хамр бирла пардалашга рози бўлиш эҳтимоли йўқдир. Фазл илоҳий бўлган ақлимизни хамр ила таҳмир қилмоқ (қорштинроқ) инсониятга яраша турғон ишлардан эмасдир. Чунки ақл бир қимматли жавҳардирки, иймон, ислом, эътиқоднинг қомиллиғи, афзали аъмолу асоси динимиз бўлгон илм ўрган-

¹ Қуръон. Эҳсон сураси, 145-оят

² Ҳар уч ҳадис ҳам Имом Муслим бин Ҳаттоғнинг «Саҳиҳи Муслим» китобидан олинган.

мак, сабаби маишатимиз бўлгон ҳунару санойиъ ўрганмакнинг барчаси ақл иладир. Ичган одам ичимликнинг ҳумори бошига уриб, ичиб маст бўлғоч, энди ақл эгаси бўлса, ақлини йўқотиб, тарбия инсониятга хилоф ишларни қилишдан асло жирканмас. Чунки ҳар бузукликнинг онаси ичкилик бўлиб, гуноҳлар унинг боласидир. Бир одамда гуноҳнинг онаси топилса, ундан болалари ҳам туғулмай қолмас. Маст одамнинг ақли яхшироқ ёмонни ажратишдан пардалангани учун эндигина гуноҳу айб ишларни бўлса-да, ҳеч тортинмай қила берур. Набийийимиз саллоллоҳ алайҳи ва саллама бужурмишидирки, «ҳамрдан сақлангиз, чунки ҳамр бузукликнинг онасидир».

Сиздан аввалги умматларидан айрилиб куну тун ҳаққа ибодат қилиш бирла шуғуллана турган бир эр бўлиб, ул эрга бир ёвуз хотуннинг кўнгли тушмишу жориясини ул эрни олдиға юбормиш. Жория ҳам ул эрга келиб: «биз сени гувоҳлик учун чакирамыз» деб, ҳийла қилиб, хотуннинг уйига олиб кетмиш...

Ҳар бир хонага кирган сайин жория эшикни бекитиб бормиш. Шундай бора-бора обид, ёнида бир жуда ёш эр бола бирла бир коса ҳамр бўлиб, ўзи ўтирғон бир хотуннинг ёнига бориб етишмиш.

Хотун: «биз сени гувоҳлик учун эмас, ушбу уч турли ишнинг бирини қилмаклиғинг учун чакирдик. Ё менинг бирла яқинлик қиласан, ё бу болани ўлдирасан, ёки қичқириб расво қилурман» деганда, ул обид хайрон бўлиб нима қилишини билмай, ўйлаб турғондан сўнг, бу икки катта гуноҳни қилмишдан бир коса ҳамр ичишни енгил санаб: «ундай бўлса, бир коса ҳамр ичиринг?», деб бир коса ҳамр ичишга ризо бўлди. Хотун ҳам бир коса ҳамр ичирган эди, бироздан сўнг яна бир коса ҳамрни сўраб ичибок, зоҳидимиз ўрнидан кўзғалолмай, хотун бирла зино қилди, болани ҳам ўлдирди.

Бас, ҳамрдан сақлангиз, чунки ҳамр бирла мангу бирла бўла олмастар. Бу иккисининг бири ажралиб чиқишга яқин турар.

Ичкиликка ружуъ қилғон одам фалокатга тушмай қолмас.

Бир қанча имом болалари бордирки, ўқувлари жуда оз бўлса-да, маҳалла халқи: «ота-боболарининг ҳаққи бор, ўғлини имом қўймасак оғамиз жаноблари қабрида ранжиб ётар. Кекса хонум ҳам баддуо қилур», деб кўрқиниб маҳдум афандини отаси ўрнига имом қилурлар. Бу нодон имом афанди ҳозири неъматнинг қадрини билмай, намоз вақтларига роя қилмас, масжидга жуда сийрак қирар, маҳалла болаларига бир ҳарф бўлсун сабоқ ўқитмас, маҳдум вақтидаги ночор дўстлари бирла юришдан бўшамас, бир оз бойиғоч, яхши от олиб қўшни овулларга, бозорларга тез-тез бора бошлар. Ўта кетган ўзи каби пиёниста муллалардан ошналар йиға бошлаб, аҳли маҳалладан-да имом афандининг сиррига танишлар бўла бошлар. Уларнинг бу иши яширин бўлса-да, «ойни этак билан ёпиб бўлмайди» деган каби маҳалла халқига ҳам сезила бошлар. Бора-бора ҳушёр вақти жуда оз бўлғонига кўра маст қўйида масжидга, мажлисларга боришга тўғри кела бошлар. Гуноҳ шумлиғига қарши маҳалла оксоқоллари, масжид қарилари йиғилғон зўррок мажлисларга боришга тўғри кела бошлар. Чунки бундай майда муллолар бўла турғон қишлоқларда мажлис қилувчи олдиндан хабар бермай, ош туғачгина муллони олдиға борур. Одат бўлғонига кўра, муллони аҳли маҳалладан бир дам ошга айтиб келса, бормай қолмақ фарз амалини қилмай қолганидан ёмонроқ иш бўлиб, тош ёғса ҳам оёқ босиб турарлик ҳоли бўлмаса ҳам, бормай чораси бўлмас. Оға олдиға келгач, нима қилишни билмай эркли, эрксиз бориб, соқолини силаб, ўғирлиб: «Мана, бу орада шамоллаб қолдим, бир кун масжид совуқроқ эди. Уни, эй, муаззин тентак. Масжидни вақтида иситмаса шу. Ҳалигина устозбека қурочелаги (малина) қайнатиб ичирган эди. Бурканиб ётғон эдим, охири бош айланиб кетғон экан», деб ҳолини билдирмасга тиришиб, «Қуръон»ни ҳам яхшигина ўқиб, савобли мажлисни ўтказиб чиқиб кетса, бойгуролар мулло кетгач, муллонинг қилганидан ажабланиб, бундай равишда яхши сўз айтурлар...

Маҳалла халқи орасига ғавго тушиб, кундан-кунга муллонинг эътибори камаё бошласа-да, ўзи бир нарса ҳам сезмай: «авом бир нарса ҳам билмас ҳали, берсанг бер, чакирсанг чакир», деб кундан-кун бу ночор ҳунарини орттира бориб, мажлисларгаю масжидга ичиб келишини давом эттирур. Ўзи каломи шарифдан: «эй, худо, бизни гуноҳ ишлардан ўзинг асра», деб ўқиса-да, маст қўйида намозга яқин келишгина эмас, имом бўла туриб жамоати муслимининг намозларини ифсод қилишдан-да (бузишдан) жирканмас.

Шундай қила-қила тамом бузилиб, бор нарсасини ичиб битирур. Хотинию болалари очу яланғоч совуқ уйда йиғлашиб, зору гирён бўлиб ўтирурлар. Бу бечора хануз ишида давом этиб, қишлоқ бозорларига бориб, пиёниста дўстлари бирла овлоқда йиғилишиб, икки тийинлаб йиғган садақа пулларига ичиб, ғирт маст бўлганидан, сўнг бозорга чиқиб, атрофдан йиғилган мусулмонлару ўзининг маҳалладошлари орасида хору расво бўлиб, бакириб-чакириб, қайсидан пул сўраб, қайсисига тупроққа беланиб тамом қулгуга қолғоч, қишлоқ кишиланининг ченасига ёки орабасига солиб, олиб қайтурлар. Урушиб бетлар, кўзлари жароҳатланиб битган, ўзи тамом нажосатга ботғон ҳолда, тўнғиз каби, уйига кирғизиб қуюрлар. Бу каби ишлар жуда кўп бўла бошлағоч, аҳли маҳалла тамом ожиз бўлиб, чорасиз маҳкаммай исломияга ариза бериб, бу фосиқни Сиздан олсангиз, деб ўтирурлар. Баъзиси вақтинча, баъзиси умр бўйи мансабдан азл

килиниб (бўшатилиб) фақру фокага (факирлик ва мухтожликка) мубтало бўлиб, хотуну болалари очлиқу фалокатга тушурлар. Муллоликдану ошга юришдан бошқа бир хунари бўлмагон бу бечора «сурнайни чалишни билмаганини оҳангги кўп» деган каби, на савдогар, на ишчи бўлмай, азиз умрини сафолатда ўтказиб, болаларини ҳам на ўқитмай, на бир хунар ўргатмай уяли хайрчи бўлиб қолурлар.

Вой, бизнинг ҳолимизга! Таълим-тарбия йўқлиги ҳар вақт бизга оёқ чалмақда ва ҳар бир ишимизда бизни ортда қолдирмақдадир. Зўр машаққатлар ила топган молу мансабимиз қаёқдадир! Ҳатто ота-боболаримиз қолдиргон молу мансабимизни сақлаб қола оларлиқ илму маърифатимиз ҳам йўқ.

Раиси миллат бўлгон имом афандиларимизда бу каби қабоҳатлар бўлса, бечора авомнинг холи қандай бўлсун. Ул бечораларга илму маърифатни ким ўргатсун, қимдан кўриб, ҳаромдан сақлана билсунлар! Бу сўзларимдан имом афандиларнинг қайфи бузулмасун. Шубҳасиз истиқоматли, тавфиқли имомлар ҳам оз эмасдир. Лекин юқориде сўзлаган сўзларимда ҳеч хатосиз бўлиб, бу каби ишлар ҳар вақт бўлиб турмақдадир. Бори ҳам ундай бўлмаса-да, миллат фойдасига тиришувчи имомларимиз гоят оз бўлиб, баъзиси ўз холи бирла мубтало, баъзиси ўзи истиқоматли бўлса-да, авомга фойдали ваъзлар сўзлаб, фойдали ишларга далолат қилиш ўрнига масжиду мажлисларда ушр (ҳосилнинг ўндан бирини садақа қилиш), фитру (рўза, садақа) нафал (хайр) садақаларининг фазилатини сўзлашдан бўшай олмаслар. Ўз махдумларига тегишли таълиму тарбияни бериб ходими миллат ясаб қолдира олмаслар. Ҳар бир ота-она болаларини ислом тарбияси бирла тарбия қилиб, имон, эътиқоду ахлоқни қомил ўргатгандан сўнг, бирор турли хунар мактабига ҳам бериб, дунёда тириклик қилиш учун лозим бўлгон хунарлардан бирор хунар ўргатиб тарбияли болалар қолдира борсалар, бизда бу қадавр фақир, мискин, заиф, бекорчи, жонсиз, кучсиз миллат бўлмай, бошқа миллатлар каби бой, меҳнатқаш, жонли, қонли, кучли бир миллат бўлур эдик. Фикри оғиронамга кўра, бошқа камчиликларимизга нодонлигимиз бўлғони каби миллатимизнинг тўртдан уч улуши ичкилик ичмаку фикр-фасодга берилувининг ҳам сабаби нодонлигимиздир. Нақадар бой болалари бордирки, оталаридан тегишли таълимни тарбияни олиб, одам бўлиб қолиш ўрнига, нодон, хунарсиз, ўтин оғочи бўлиб, молу пулға бўқиб қолурлар-да, озгина бир замон ичида молу пулларини исроф, юрт, ерларини тор-мор этиб, тепи-тепи ишдан чиқиб, киши эшигига мухтож бўлурлар. Яқин бир замонлардагина «Ўри», «Сабо», «Мичқара» каби кишлоқларда замонига кўра фабрикант исмини кўтариб ишлаган қора, зангору яшил читларни, бўзларни босмалари бирла бутун Русия халқини қийинтириб, қиссаларини олтунар бирла тўлдириб, бутун теварак-атрофдаги кишлоқларнинг эр, хотун, бола-чақаларини ўзларига қулу қанисак каби ишлатиб, ер, суву ўрмонлар билан губерния ва уездларига ҳукму нуфузларини юритиб, дунёни дирдир титратган бойларимизнинг болаларига, юрту ерларига бир ибрат кўзи бирла қарасак, кўрармизки, бири нодонлик, иккинчиси ичимлик деган икки душманнинг золим тирноқлари орасида эзилиб, таралиб битмишдир. Бизнинг замонамиздагина «Ўри» кишлоқида икки оғани олтуни қоплаб, молни оғборлаб, бўлмишлар эди. Шулар икки душман оғасида бу кунда болалари кишига ёлланиб, ўтин кесиб, хирмонда донни қуритиб, томоқларини тўйдирмоқда ва юртларида бойқушу кўршапалақлар ҳукм сурмақдадир. Бунинг каби неча юрту ерлар ичимлик сабабидан вайрон бўлиб, неча давлат эгалари оч, яланғоч, кўчаларда судралиб, неча нозли хонумлар фаҳшона оламида ирзларини (номусларини) сотмақдадирлар. Бу спиртли ичимликнинг зарари бир гуноҳ бўлиш, мол нобуд бўлиш жиҳатидангина бўлмай, одамнинг саломатлигига камчилик қилиш жиҳатидан ҳам жуда кўпдир. Чунки спиртли ичимликнинг ҳумори мияга таъсир этганлигидан ақлни қамайтириб, одамни фаросатсиз, тентак қилур. Томиру пайларга зарар бериб, қўл оёқларини заифлантирар. Юрак ўйнамак, ош сингмаслик, қўлу оёқ, ҳатто бутун тан қалтирамак, зурёдсиз бўлмақу болалар хасталиги деган хасталикнинг биринчи сабаби ҳам ичимлик ичишга ружуъ қилмақдир. Ичкиликка ўрганган одам ичмаган хушёр вақтида ҳам бефаросату зехнсиз бўлиб, бир турли қулғули суврат-ла бўларақ бошқа одамлардан ажралиб турур. Чунки унинг бошига ичкиликнинг ҳумори таъсирдан миялари заифланмишдир. Маст одам ўзининг табиатига кўра турли қиёфаларга кирур. Бир турлиси қутиргон арслон каби ёнидаги одамларга ҳужум қилиб қичқиришу уришишга тутинур. Бир турлиси бутун дунёга подшоҳ бўлдим, мендан зўр киши йўқ, деб ўйлаб, устол уриб, ҳеч қимдан кўркмайман, деб бақириб, ҳар кимга сўикалиб, учрагон бир кишини қабоҳат сўзлар бирла сўқиб, оёқдан олиб, юз тубан йиқилгунга қадавр қиёматлар кўтаради. Баъзиси тўхтовсиз қулар, баъзиси ҳеч бир сабабсиз йиғлар, баъзиси ичида яшириб юрган сирлари ёки бировга ўпкаю гинаси бўлса, ҳеч нарса қолдирмай борини фош этиб сўзлаб берур. Ҳосил, ҳар бир қабоҳатни қилгондан сўнг ичимликнинг таъсири ошқозонига асар этиб, юраги ўйнай бошлаб, қусуб, ичи кетиб нажосатга ботқондан сўнг тамоғи кутти битиб, ўлик каби ерга тушиб, оғзидан сўлақайлар оқиб, ит каби булғаниб ётур. «Ҳаёт-л-қулуб»да келмишдирки, Нуҳ алайҳи-с-салом узум оғочи ўтказгон эди. Оғочни ҳеч ундира олмади. Бир кун Иблис алайҳи-л-лаънат келиб: «Эй, Оллоҳнинг пайғамбари! Агар оғочингни ундира олмақчи бўлсанг, менга етти нарса сўйишга (бўғизлашга) руҳсат бер», деди. Нуҳ алайҳи-с-салом ҳам ўйлаб, бу қарорга

кўнди. Иблис бир арслон, бир айик, бир коплон, бир бузок, бир ит, бир хўроз, бир тулки бўғизлаб, буларнинг конларини узум оғочининг остига солди. Шул соатда оғоч кўкариб, аввалда биргина турли узум бера тургон бўлиб, бу амалдан сўнг, етмиш турли узум бера бошлади. Шунинг учун ҳам хамр ичган одам арслон каби ботир, айик каби кучли, йўлбарс каби жаҳлдор, бузок каби кўп сўзлашувчи, ит каби урушувчи, тулки каби ўч олувчи, хўроз каби бакирок бўлур. Бир одам ичимлик ичиб кути бошига кетса, хаёси кўтарилиб нима сўзлаганин, нима қилғонин билмас бўлур. Яхши, ёмон, улуғу кичик унинг қошида баробар бўлиб, бошка вақт керакли сўзини сўйлашурга жасорат қила олмағон улуғ кишилар ёнида адабга хилоф сўзлар сўйлашур. Ҳар кимга кучим етади, деб бор кишини қўрқитмоқчи бўлур. Ҳеч қўлидан келмай тургон ишларни қиламан, деб мактанур. Ажнабий хотун-қиз бўлса, адабсизу виждонга хилоф сўзлар айтур. Бу йилларда кишлоқларда эр-хотун-ла, жуфт қўноқлар чакириб, эру хотун бир мажлисда ўриб, ичимлик ичиб адабга хилоф ишлар қилмақ одат ҳукмини олмишдир. Никоҳ мажлисларига қудаю қудағайлар, валийлар ила базм қилғони борамиз, деб ичкилик олиб бориб пайғамбарларимизнинг суннат суннияларидан бўлгон тўй мажлисида маст бўлиб, аявоъи фиску фасодлар қилинмақда. Имом афандиларимиз ҳам не сабабдандир сукут ила кечирмақдадилар. Завжу завжа орасида улфат, муҳаббатую ҳусни муошарат умид этилиб, роҳату саодатларини яшната тургон бу замонда жаноб Ҳақнинг тийгон ишларини қилиб бутун маъсиятга (гуноҳга) ботмақ, раҳматини умид эта тургон ўрнида газабу лаънатига мустаҳик бўлиб, икки ёшнинг саодатдан маҳрум бўлмоқларига сабаб қилмақ демақдир. Маст қила тургон нарсаларнинг ҳар бириси ҳаромлиги тўғрисида «Мишкавоти шариф»да бўлган ҳадислардан бироз ёзмақ муносиб кўрилади.

Ҳазрат Умарнинг ўғли айтди: «Умар разийаллоҳ анҳу расул акрамнинг минбари устида хутба ўқиб, хутбасида: «хамрнинг ҳаромлиги нозил бўлди. Ҳолбуки, ул хамр беш турли нарсадан бўлиб, узум, хурмо сувидан, бугдой, арпа ва болдан ясалур. Ҳам ҳар бир ақлни йўқота тургон нарса хамрдир», деб буюрди.

Ҳазрат Ойша разийаллоҳ анҳо: «Расул акрамдан битъ, яъни ачиқ болнинг ҳалоллигидан сўралгон вақтда: «ҳар бир маст қила тургон ичимлик ҳаром» деб буюрди-лар», деди.

Ибн Умар разийаллоҳ анҳудан кўчирилди: «Расуллоҳ саллоллоҳ алайҳи ва саллама: «ҳар бир маст қила тургон нарса хамр ва ҳар бир маст қила тургон нарса ҳаром. Бир одам ҳаёт вақтида хамр ичиб хамрга ружуъ қилгон қўйича тавба қилмай дунёдан ўтса, охирагда ул хамрни ичмас», деди.

Жобир разийаллоҳ анҳу айтди: «Ямандан келган бир эр Расулуллоҳ, саллоллоҳу алайҳи ва салламадан ўзларнинг ерларида ичила тургон ва тарикдан ясашиб, «мизр» деб, айтила тургон бир шароб ҳақида сўрагон эди. Расуллоҳ хам: «ул маст қила тургон шаробми?» деганда: «бали, маст қилади», деди. «Ҳар бир маст қила тургон нарса ҳаром. Жаноб Ҳақнинг ҳар бир маст қила тургон ичимлик ича тургон одамни тийнату-л-хаболдан сўрарга ваъдаси бордир», деди. «Ё, Расуллоҳ тийнату-л-хабол нима?» деб сўраганларида: «Ўт аҳлларининг тери ёки улардан чиққан нарсадир» деди.

Абдуллоҳ бин Умар разийаллоҳу анҳу айтди: «Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллама: «маст қилувчи ичимлик ичган одамнинг қирқ кун ўқиғон намози жаноб Ҳақ олдида қабул бўлмас. Агар тавба қилса, жаноб Ҳақ ҳам тавбасини қабул қилур. Агар янғидан ичса, яна қирқ кун намози қабул қилинмас. Яна тавба қилса, тавбасини қабул қилур. Яна ичса, қирқ кунга қадар намози қабул қилинмас. Агар янғидан тавба қилса, тавбаси қабул қилинур. Агар тўртинчи марта ичса, жаноб Ҳақ қирқ кунга қадар намозини, тавба этса, тавбасини қабул қилмас ҳам уни наҳри хаболдан суғорар», деди.

Дайлам ал-Ҳамирий разийаллоҳу анҳу айтди: «ман расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламага: «Ё, расулуллоҳ, биз совук ерда турамыз, оғир ишлар қиламыз. Ул оғир ишларни қилмаққа қувватимиз бўлсин ва совукликка фойдаси тегсин учун ушбу бугдойдан ясалгон бир шароб тутамиз», дедим. Расуллоҳ хам: «ул шароб маст қила тургонму?» деди. «Бали, маст қила тургон» дедим. «Ундай бўлса, ундан сақланмиш» деди. «Одамлар уни тарк этмаслар» дедим. «Агар тарк этмасалар, улар бирла урушин-гизлар», деди.

Яна Абдуллоҳ бин Умар разийаллоҳу анҳудан кўчирилди: Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллама: «ота-онасига қаршилик қилувчи, қимор ўйини ўйновчи, қилгон яхшилиғи ва берган нарсаси бирла миннат этиб, ман санга фалонча яхшилик қилдим ёки фалон қадар нарса бердим деб, миннат этувчи, хамрга ружуъ қилувчи бу одамлар жаннатга кирмаслар», деб буюрди.¹

Ҳаққим бўлмагани ҳолда бу каби ишларга журъатим учун таъна этувчилару миллатимизнинг ичкилик ичувчиларини тасвир қилганим учун аҳли исломдан қулган, деб айтувчилар бўлури билсам-да, миллатимга фойда учун ҳақни ёзиб, ичимлик ичувчиларнинг равишу феълларини ушбу кўзгуда кўрсатганим учун таъна этувчилар ҳақли эмасдилар, деб жавоб бермаққа ҳозирман. Чунки ичимлик шул қадар зарарли бир

¹ Тафсиллар Валийуддин Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризийнинг «Мишкавоту-л-масо-бийҳ» идан олинган (Санкт-Петербург, 1895 й. 309—310-бетлар).

оғудирки, бир одам биринчи даражада ақлли бўлса-да, бўлсун ичимликка ружуъ қила бошладим, ақли тамом заифланур. Ва эндигина адаблию уятли киши бўлса ҳам адаби бутун уяти ила кўтарилур. Энди ҳалолу покиза одам ичса, нажису ифлосликга берилиб, ифлосликдан жирканмай бошлар. Ва энди суюклию кўркам одам тусининг чиройи кетиб, кўзлари қочоқ кўзи каби бўлиб, қўркинчу суюксиз киёфага кирур. Булар жумласидан биз бола вақтда кишлоғимизда бир давлатли одамнинг ғоят гўзал, ёқимли, келишган, ўқувли, биринчи даражада покизаю ақлли, юрт тутишга ғоят моҳира хотуни бўлиб, унинг уйи каби гўзал йиғиштирилган, тоза уй ва унинг кийимлари каби келишгану тоза кийимлар ҳеч кимда йўқ эди. Шу бечора хотун эрининг вафотидан сўнг «эрсиз хотун югансиз от» деганларидек, аввалдан муносабати бўлгон бой хотунлари бирла эри бўлмағоч ортиғрок катнашиб, ичкилик мажлисларида озлаб-озлаб ичкиликка ўрганиб, бора-бора доимчилик қила бошлаб, маст холида кўчаларда юриб, ўзи билмаган ҳолда дўст, эшларига ҳам бориб қира бошламиш. Бир куни тамом маст кўйида хоним бирла сўзлашиб ўтирурман, деб бизниқига келиб кирган эди. Не кўз ила кўрайки, аввалги чиройликлар ўрнига аллақандай беўхшов — қувончсизликлар, аввалги гўзал кўз қарашлари ўрнига, қутирган айик каби хунук қарашлар. Аввалги ясаниб юришлар ўрнига, алданиб тунамоқ, қокилиб, чалиниб юришлар ва тотли тил, юмшоқ сўз ўрнига ҳам бир чучук, дағал тил ҳосил бўлгон. Гўзал юз сўлгон, чиройли кўзлар сузилгон, ақл битгон, келишгану тоза кўйлақлар-да этаклари ситилиб, қирқ еридан йиртилиб, турли нажису кораларга беланган, ялтираб тараб, ўриб учига олтун-тиллалар такила тургон сочлар қалдирғоч уяси каби тўзилгон. Куч ила уйимиздан чиқариб, ходимларимиз унинг юртига қадар кузатдилар. Ул бечора кетгандан сўнг онам кўзидан ёшлар оқизиб: «эй, фалончи, қайда сенинг гўзал юзларинг! Қайда ул кийим ярашатургон зебо бўйларинг, қайда сенинг мажлисдаги халқларни ўзингга қаратиб, қизиктиратургон гўзалликларинг? Қайда кетди, сенинг кийиниб, ясаниб кўноқларингни қарши олгон вақтдаги ёруғ юзу тотли сўзларинг? Қайда ул ичига кириб-чикиб тургон, энди қира олмагон жаннат каби уйларинг? Оҳ, Оллоҳ! Сени бу ҳолларга ким туширди? Ҳеч ким эмас, билгинки, ичкилик. Юртингни вайрона, қизларингни етим, ўзингни бир ваҳший холига қўйгон не нарса? Албатта ичкилик. Эй, дунё! Аввалги вақтда фалончи келар экан, деб айтсалар, кўкдан тушган каби улуғлаб қарши олатургон эдик. Қара! Ҳозир қўркиб-қочиб, уйимиздан қувлаб чиқарамиз. На чора! Кишидан эмас, ўзидан кўп таассуф қиламан, ҳар қайсимизга ўзинг адаштирмасдан тавфик бер. Эй, мискина! Сен муҳаммадия ўқингонда товушинг гўзаллиғига, куйингинг чиройлиғига ҳайрон бўлиб, ичларимиздаги дардлар, қайғулар кўзголиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ шодланатургон эдик. Ҳозир сенинг мастлик бирла куйлаган куйларингдан тупуриб қочамиз», деб ортидан сўзлаб, уйига етгунча қараб қолғони олдида қулоғим остида эшитилган каби туюлур.

Бир вақт қўшни кишлоқда ичкилик сабабидан ўридан туширилган бир мулло бўлиб, уни «катта мулла» дер эдилар. Бизнинг кишлоғимизда бир қовоқхона бўлиб, ҳар вақт маст, ялангбош, ялангоёк, устида фақат бир узун бўз кўйнак бўлгон ҳолда, тиланиб юриб, икки тийин топса-да қовоқхонага югуриб, очлик бирла кўчаларда, кўприк остига тушиб умр сурмақда эди. Ул қадар хунук киёфага кирган эдики, кўчада ёки эшик олдида, ўйнайтургон болалар бечорани кўрсалар, «катта мулла» келур деб, қўркишиб оғилхона, пичанзорга қочатургон эдилар. Биз озгина шўхлик қила бошласак, унда «катта мулло», келур деб кўрқитур эдилар. Бизнинг қай биримиз кроват остига, қай биримиз устол остига кириб танимизни чиқармай ётатургон эдик. Хотун ва юқоридаги сафолатни сўзлашга ҳам ҳожат йўқ. Ичкилик сабабидан бу каби сафолатларга тушувчилар миллионларча бўлса-да, бу ўринда кўзим бирла кўрган ҳолларнинг баъзисини бир дарси ибрат бўлсун, деб ёздим. Қорию қорияларим қусуримни афв этмакларини талабу рижо этаман.





Бир ғазал жилваси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази ташаббуси билан устоз Алишер Навоий асарлари кўплаб қардош ва хорижий тилларга таржима этилмоқда. Ана шу таржималар асосида «Бақо гули», «Уммондан дурлар» ва «Гўлдаста» китоблари нашрга тайёрланди. Улар шоирнинг 550 йиллик тўйига тўғнадир.

Қуйида Алишер Навоийнинг «Хилзатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил...» деб бошланувчи машҳур ғазалининг асли ва турк, рус, инглиз, олмон, фаранг, араб тилларига қилинган таржима нусхалари билан танишасиз.

Ҳа, ҳазрат асарлари жаҳон кезмоқда...

متى ليست ليلي حمرا و صفرا و خضرا
شعلة آهي ترفع حمرا و صفرا و خضرا
صيرت صحراء العشق جنة بسوم آهي
فيهب في تلك الصحراء كل جهة حمرا و صفرا و خضرا
الوان كعكس المقل في خاطري مثل زجاج
بخطور جنة حسنك حمرا و صفرا و خضرا
وبحياك وجهك و خالك و شعرك يكون
الدوران نصب عيني حمرا و صفرا و خضرا
هات الشراب اللعلي في كأس الذهب
وما من امكان حير من هذا حمرا و صفرا و خضرا
الا تقدر مع الفقر على التلون صعب جدا
ولكن ان تخيط في الخرقه يسير حمرا و صفرا و خضرا
يا نوائى لا تمن لون الذهب و العمر و الخضر
فكان الديوان بلون نظمك حمرا و صفرا و خضرا
مترجم مقيم محمود

* * *

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглимдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валеқ,
Хирқада тикмақ эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй Навоий, олтуну, шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

* * *

Hil atin tâ eylemis sanan kizil, sarig, yeşil,
Şule-i ahim çikar her yan kizil, sarig, yeşil.

Gülşen ettim aşk sahrasin samum-i ahdan,
Kim eser ul daşt ara her yan kizil, sarig, yeşil.

Şişedek gönlümdedir gülzâr-i husnung yadidin
Tabadanning aksidek elvan kizil, sarig, yeşil.

Araz-u haling ile hattind hayalidin erur
Gözlerimin aldide devran kizil, sarig, yeşil.

Lâlgun may titgil altin cam ile sebzedede,
Kim dilardin yahşi yok imkân kizil, sarig, yeşil.

Fakr ara beranklik disvar erur behad, valek
Hirkada dikmek erur asan kizil, sarig, yeşil.

Ey Nevâi, altin-u şingarfi-i zengar isteme,
Oldu nezmin renginden divân kizil, sarig, yeşil.

Hazirlayan: Umida Hikmatillaeva.

* * *

When my beauty decks herself in red, yellow and green,
My sighs go flying like sparks of red, yellow and green.

I have cultivated the desert of love so the hot breath of my sighs
Has turned the barrenness into a flowering red, yellow and green.

When I recall your grace, the mirror of my soul reflects
As from the stained glass mosaic of my window the colors red,
yellow and green.

The very thought of your face, of the dark shadow above your lip
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.

Pour red wine into a golden goblet in Spring
For where else are combined in such harmony the colors red,
yellow and green.

The poor can hardly afford clothing even of a single shade
Still they can easily sew into their robes stripes of red,
yellow and green.

I say, Navoi, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green
colors,
For the flowers of your poetry have tinged this diwan red,
yellow and green.

Translated by L. Kmitjuk

* * *

Ihr Gewand hat meine Geliebte angelegt
Sieh, es glitzert rot, gelb, grün.
Und die Seufzer meiner Sehnsucht zersprühen seitdem
zu Funken — rot, gelb, grün.

Eine Blumenwiese gezaubert hat meiner Seufzer
ungestümer Wind
aus der oden Wüste. Sein warmer Atem läßt sie
erblühen rot, gelb, grün.

Wie das Licht, das bunt durch die Butzenscheiben
der Fenster in mein Zimmer scheint
dringt, wenn ich an meine Geliebte denke, das Licht
ins Herz mir rot, gelb, grün.

Seh dein Antlitz ünd über deinen Lippen der feinen
Harchen zarten Flaum
Sprüht die ganze Welt vor mir etwa deshalb so
farbenfreudig rot, gelb, grün.

Wenn es frühlingt, trinke aus einer goldenen Schale
schweren roten Wein
Denn worin sonst käme so gut zur Geltung das Spiel
der Farben rot, gelb, grün.

Auch dem ärmsten Tropf war schon immer Einfarbigkeit
zuwider und verhaßt
Sieh, die Flicker auf den Chalats der Derwische
leuchten rot, gelb, grün.

Nawoi! Was suchst du den Farbenglanz von Rubinen
Smaragden und Gold.
Schillert doch vom Klang deiner Liebeslieder der Divan
längst schon rot, gelb, grün.

Nachdichtung von Nora Rfeffer
Rohübersetzung von Juldasch Parda.

Ma préférée est en tenue rouge, jaune, verte,
La flamme de la tristesse m'est venue — rouge, jaune, verte.

Le courant chaud de ma plainte transforma le désert au jardin,
Où dans tout coin sont confondus — rouge, jaune, verte.

Mon ame comme un miroir reflète les fleurs de ta beauté,
Du feu des fleurs content je suis — rouge, jaune, verte.

Quand je rêve a ton visage, ton envie et tes flocons,
Les couleurs de vie se présentent à ma vue — rouge, jaune, verte.

Offre moi du vin rouge dans la coupe d'or sur la verdure,
Ils sont meilleurs moyens vus — rouge, jaune, verte.

Sûr, en misère on ne peut se passer des couleurs,
Des pièces le surtout est cousu — rouges, jaunes, vertes.

Navoi, ne demande donc les couleurs d'or, de rose ou du bleu,
Des teintes des vers ton divan est devenu — rouges, jaunes, vertes.

Traduit par Ch. Minovarov

* * *

Украшишь ты свой наряд красным, желтым, зеленым
И пламенем я объят — красным, желтым, зеленым.

В пустыне моей любви кострами горячих вздохов
Самумом вихрится ряд — красным, желтым, зеленым.

Цветник твоей красоты в душе моей отразился,
И блескам цветов в ряд — красным, желтым, зеленым.


В мечтах о твоём лице, о родинках и пушинках
Мне вновь застилает взгляд красным, желтым, зеленым.

Рубиновое вино, литое золото чаши,
Зеленая гроздь горят красным, желтым, зеленым.

Где бедность — там пестрота, и каждый нищий сумеет
Украшить бедный халат красным, желтым, зеленым.

Не требуй же, Навои, диван разукрашивать ярко:
Ведь сами стихи пестрят красным, желтым, зеленым.

Перевел Сергей Иванов



Ойномамиз саҳифаларида Қуръон таржимасининг чоп этилишидан халқимиз беҳад миннатдор эканини яширмаслигимиз керак. Бунини таҳририятимиз номига келаётган юзлаб хатлардан ҳам билса бўлади. Шу билан бирга, баҳсли мулоҳазалар ҳам бор. Биз уларнинг айримларидан намуналар келтирамиз.

«Шарқ юлдузи» ойномасининг муҳарририятига!

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Мен ҳақиқатан ҳам Узкомпартия Марказий Комитетига «Қуръон»нинг «Шарқ юлдузи»да эълон қилинишига эътироз билдириб зувхат (телеграмма) йўллаган эдим. Унинг матни рус тилида (ўзбек тилида қабул қилишмади) қўйидагича эди: «г. Ташкент ЦК КП Ўзбекистана. Секретарю ЦК тов. Хамидову.

Считаю безнравственным публикации Корана в журнале «Шарқ юлдузи». После тщательной подготовки, его нужно издать отдельной книгой и реализовать путем подписки, желателно читателям с высшим и специальным образованием». Телеграммани ойномада эълон қилдингизлар, раҳмат. Аммо гарчанд унинг остида қавс ичида «Телеграмма рус тилида қандай ёзилган бўлса, уни ўзбек тилига шундай таржима қилдик» деб изоҳ берилган бўлса-да, таржима анча қўпол чиққан, ўзбек тилида бундай жумла тузилмайди. Телеграммада «ўрта махсус маълумотли одамлар» деган сўзлар йўқ. «Олий маълумотли» ва «махсус маълумотли» деган сўзлар бор. Махсус маълумотли деганда мен диний идораларда ишлайдиган ва дин ишлари билан шуғулланадиган кишиларни назарда тутган эдим. «Қуръон»нинг нашр қилинишига қарши эмаслигим телеграммадан маълум. Унинг нашр этилишини узоқ йиллардан бери орзу қиламан. Бу ҳақда аудиторияларда талабаларга айтганман. Ҳатто, 20 йилдан кўпроқ бўлди, дарсда «Қуръон» билан «Коммунистик ахлоқ кодекси» ўртасида катта фарқ йўқ, деб айтганман. Албатта, бунини ҳазил аралаш қилиб айтганман.

МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР

ТЕЛЕГРАММА

№ 11-12

2/3

ЦК Компартии

У

Входя № 11-12

1957

ТАШКЕНТ Ц К КП УЗБЕКИСТАНА СЕКРЕТАРЮ Ц К УЗБЕКИСТАНА

ТОВ ХАМИДОВУ Ж К =

СИТАЮ БЕЗНРАВСТВЕННЫМ ПУБЛИКАЦИИ КОРАНА В ЖУРНАЛЕ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ». ПОСЛЕ ТЩАТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ЕГО НУЖНО ИЗДАТЬ ОТДЕЛЬНОЙ КНИГОЙ И РЕАЛИЗОВАТЬ ТОЛЬКО ПУТЕМ ПОДПИСКИ ЖЕЛАТЕЛЬНО ЧИТАТЕЛЯМ С ВЫСШИМ И СПЕЦИАЛЬНЫМ ОБРАЗОВАНИЕ

ДОКУМЕНТ САНГУ ТАҲРИР ҚАБУЛ

«Қуръон»нинг парчалар сифатида рўзнома ва ойномаларда эълон қилинишига ҳам қарши эмасман. Аксинча, ундаги оятларнинг энг тарбиявийларини ҳар бир рўзнома саҳифаларида бериш мумкин. Аммо бунга ҳали анча бор. Шу сабабли менга нисбатан ишлатилган «жаҳолат» сўзини қайтариб олишларингизни илтимос қиламан.

Бир йили пахтада бўлганимизда қўйларни қарғаётган бир аёлни учратдим. Маълум бўлишича у аёл қоқ нонни лаганга солиб қўйлар олдига қўйган. Қўйлар эса лаган ичига

оёғи қўйиб ағдарган ва майдаланган қоқ нон ахлатга аралашиб кетган. Ахлат ҳиди теккан нонни қўй ёмайди. Истеъмол қилиб бўлмайдиган қотган нонни қўйга едириш катта айб эмас. Аммо едириш қондасини билиш керак. Шундай қилинса ноннинг зарра — ушоғи ҳам нобуд бўлмайди.

«Қуръон»нинг журналда нашр қилинишини эшитиб, ўша аёлни кўз олдимга келтирган эдим. «Қуръон» осмондан бирданнига нозил бўлган эмас. Унинг ҳозирги ҳолига келиши учун юз йиллардан кўпроқ вақт ўтган. Бу юз йиллар давомида мусулмон оламида у ғоят муқаддас китоб сифатида инсонлар онгига сингган. Шундай тайёргарликдан кейингина у одамлар қўлига теккан. Шунда ҳам ҳаммининг қўлига эмас, қадрига етадиганларнинг қўлига теккан. Шунга қарамасдан, бирибир, илмий тафаккурда «Қуръон»нинг махлуқни ёки махлуқ эмас, азалийи эканлиги масаласи қанча-қанча асарлар давомида қанча-қанча тортишув, курашлар боиси бўлган. «Қуръон» — ғоят муқаддас китоб. Аммо унинг муқаддаслиги фақат осмондан тушганида эмас. «Қуръон»га минг йиллардан бери миллионлаб одамларнинг меҳнати сингган. Юз минглаб буюк инсонлар уни қўлга олганда, варақламасдан олдин уни тавоф қилганлар, ўпганлар, қошқўзлариغا суртганлар. Ана шунинг учун ҳам у — муқаддас.

Аммо бизда кейинги 60 йил ичида «Қуръон»гагина эмас, ҳатто оддий диний китобларга ҳам муносабат қандай бўлганлиги ҳаммага маълум. Таълим-тарбия ҳам шу руҳда бўлди. Мен бундан уч ойлар аввал ҳадислар эълон қилинган «Фан ва турмуш» журналининг варақларини ҳожатхоналарда кўрдим. Газета, журнал ва китоб саҳифаларини ишлатиш оммавий тусда эканлиги ҳаммага маълум-ку! Бошқа нарса топилмагандан кейин одамлар нимани ишлатсин! Айбни одамларга тўнқаш, уларни гуноҳкор деб сўкиш билан нонни оёғи остига олиб эзган қўйни қарғаш ўртасида қандай фарқ бор? Менимча, гуноҳ қилганларни сўкиш ўрнига гуноҳ ишларга йўл очиб берган, одамларнинг тушуниб-тушунмай гуноҳ қилишлариға сабаб бўлган кишиларни айблаш маъқулроқ. Агар муфти жаноблари мана шу нарсаларга эътибор берсалар, ҳали бир-икки йил ҳаром-ҳалол, пок-заҳлик, садоқат, бурч, вийдон, ростгўйлик, тўғрилик, диёнат, имон, шафқат, ҳаё, сабр, шукр, саховат, вафо ҳақида амри маъруф қилсалар ва биринчи навбатда ана шуларни ўзларига тегишли идораларда ишлайдиган кишилардан ҳамда халқ орасидаги вакилларида талаб қилсалар тузук бўлар эди. Минг афсуски, ҳали оддий одамлар орасидагина эмас, балки дин ишлари билан шуғулланадиганлар орасида ҳам шундай амри маъруфга муҳтож кишилар кўп. Энди ҳурматли профессор Алибек Рустамов сўзлари ҳақида аввало шуни айтишим керакки, мен домлани кўп йиллардан бери биламан. У кишини жумҳуриятимиздаги ҳақиқий билимдон олимлардан бири сифатида ҳурмат қиламан. Деярлик ҳамма китоб ва мақолаларини ўқийман. Аммо асарларидаги ҳамма фикрлариға ҳам қўшилмайман, баъзи масалаларда эътирозларим бор. Матбуот саҳифаларида эълон қилиниб келаётган мақолалар, нашр этдирилаётган қатор китоблардаги нуқсонлар турганда домланинг асарларидаги айрим баҳсли ўринлар устида тўхталиш тирноқ орасидан кир қидириш билан баробар деб биламан.

«Қоҳиранинг энг катта шайхларидан бири» айтган гапда мен унча мантиқ топмадим. Менимча, китобни қуёш нурига эмас, қуёшнинг ўзиға ташбеҳ этилса тўғри бўлади. Китоб — қуёшга, китоб ғояси эса қуёш нурига ўхшайди. Фарқи шуки, қуёш нури оламни ёритади, китоб ғояси эса инсон қалбини. Қуёш нури эса ҳамма жойга, ахлат устиға ҳам тушади. Қуёш нури ахлатни қуриптиб, тозалаб яна инсон хизматиға қайтаради. Агар қуёш нури ахлат устиға тушмаса у ер вабо ўчоғиға айланарди. Шунинг учун ҳам у — қуёш. Бу ҳақда буюк шоир Мир Алишер Навоий қаламлариға мансуб «Ашрақат» ғазалида ишора бор-ку! Шунинг учун эзгу калом ёзилган китоб ҳар қандай жойға тушмаслиги керак. Бунинг олдини мутасадди кишилар олиши керак. «Одамларнинг тарбияси айбдор». Бу ерда одамлар назарда тутилганми ёки тарбиячиларми? «Шарқ юлдузи»нинг вазифаси нимадан иборат? Агар одамлар назарда тутилган бўлса, ахир «Қуръон»нинг ўзи одамларни айблаш, ёмонлашни гуноҳ санайди-ку! Қоҳирада минг йиллардан бери «Қуръон»га муносабат биздагидек ўзгарган эмас. Агар унинг кўчаларида оятлар эълон қилинган газета парчалари тушиб ётган экан, мен шунга аминманки, бу маҳаллий мусулмонларнинг иши эмас, балки келгинди туристлар ёки Европада таҳсил кўрган ёшлар иши. «Шарқ юлдузи»нинг сонлари эртаға носфурӯшлар қўлиға ёки ундан баттарроқ жойларға тушмайди, деб ким кафолат бера олади? Мен киоскаларда журналнинг 6,7,8 сонлари сотилмай турганлигини кўрдим, ҳали ҳам турибди.

Аммо менинг эътирозимға сабаб масаланинг фақат мана шу томонлари эмас. Бизда дин тарихиға доир объектив, ҳаққоний маълумот берадиган илмий ва илмий-оммабон мақола ва рисолалар деярлик йўқ. Шунга доир ўтмишда яратилган асарлар нашр қилинган эмас. Бу эса «Қуръон»даги қатор ахбор ва аҳкомни тушунишни қийинлаштиради. Оддий китобхонларгина эмас, олий маълумотли кишиларнинг ҳам кўпчилиги ҳали «Қуръон» оятларини тўғри, жамиятчимизға фойдали тарзда тушунишға тайёр эмас. Бу нотўғри хулосаларға, ҳатто кўнгилсиз оқибатларға олиб келиши мумкин. Қатор йиллар давомида яхшилаб доғланмаган мой билан овқат пишириб оқибатини кўрдик. Бошқа журналлар «Қуръон»ни нашр этдиришаётган экан, бу уларнинг иши, қачонгача бошқаларға ўйла-масдан тақлид қиламиз? Ҳар ким ўз ишиға жавобгар эмасми? Марказий матбуот, эшит-

дириш ва кўрсатувларга қилинган тақлидлар натижаси маълум-ку! «Қуръон» тафсирлари, ҳадислар ва уларнинг шарҳлари, «Қисасул-анбийё»лар, «Тарихи анбийё ва ҳукамо»лар, тасаввуф ва унинг намояндалари ҳақидаги тазкира, маноқиб ва бошқа кўплаб китоблардан беҳабар, анашу манбаълар илмий тадқиқ этилган, ҳозирги илм даражасида таҳлил этилган оммабоп рисоалардан маҳрум китобхонлар» Қуръондаги яҳудиийлар, насронийлар ҳақидаги аҳкомларни қандай тушунишаркин? Ҳамма бир хил ва тўғри тушунармикин? Одам Ато, Нуҳ, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Яъқуб, Довуд, Сулаймон, Лут, Исо алайҳи-с-саломларнинг қисса ва сарғузаштларидан беҳабар ўқувчилар учун «Қуръон»да улар ҳақида нозил бўлган оятлар тушунарли бўлармикин? Журналда эълон қилинаётган таржиманинг исталган саҳифасидан бунга ўхшаган мисолларни кўрсатиш мумкин. Бунинг устига таржимада ҳам, айрим изоҳларда ҳам баҳсли ўринлар бор.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1990 йил 17 август № 33 (3085) сонида Кибриё Қаҳҳорованинг «Тузатиб ўқинг» сарлавҳаси билан кичкина мақоласи эълон қилинди. Мақолада Юсуф Сарёмийнинг нашр этдирилган тўпламидаги матний хатолар кўрсатилган. Қани эди шундай мақолалар кўпроқ эълон қилинса. Чунки бир қатор нашриётлар чиқараётган китоблар ана шундай матний хатолар билан тўла.

Аммо ушбу мақолачада опа учта камчиликка йўл қўйганлар. Биринчидан, Юсуф Сарёмийни Юсуф Сайрамий бўлиши керак, деб Сайрамнинг қадимги номи Сарём эканлигини ва шоир шунга ўзига нисбат қилиб олганлигини эътиборга олмаганлар. Иккинчидан, нотўғри ўқилган «Жоми завқи ишқидин нўш этма муҳаббат базмида» мисрасида вазни тузатиб, маънони бузганлар ва «Жоми завқи ишқ нўш этма муҳаббат базмида» деб тавсия этганлар. Ишқ завқи жомидан муҳаббат базмида нўш этмаса, қачон нўш этиши мумкин экан. Бу ишқ йўлига кирган ҳамма солиқ — шоирларнинг қадимий ва машҳур дарди-ку! Бу мисра аслида «Жоми завқи ишқидин нўш эт муҳаббат базмида» бўлиши керак. Учинчидан ва менинг бу ўринда мақолани эслашдан мақсадим «Ўз замонининг ўшал Фиръавн ила Хоқонидир» мисрасидаги хатодир. Пайғамбарлар тарихидан хабардор киши бу мисрада «Хоқон» сўзи ўринсиз эканлигини сезади, чунки мисрада гап қадимги Миср подшоҳи бутпараст Фиръавн ва унинг вазири Ҳомон ҳақида кетган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, давомини асослаш учун яна анча мунозара юритиш мумкин эди.

Бироқ шундай ҳам чўзилиб кетганлиги учун гапни қисқартириб, асосий даъвомни яна такрорлайман: «Қуръон»нинг яхлит чиқарилишига ҳам, майдалаб чиқарилишига ҳам қарши эмасман. Мени тўғри тушунишмабди. Уни оммавий тарзда вақтли матбуот саҳифасида (журналда ҳам) эълон қилиш учун ҳали вақт эрта, ҳозирча фақат китоб сифатида нашр этиш лозим, демоқчи эдим. Телеграммадаги ҳар бир сўзга ҳозир ҳам жавобгарман.

Журналда билдирилган муносабатни ўқиб, аввал ранжидим. Кейин ҳар каллада бир ҳаёл, деб тинчландим. Жавоб ёзмоқчи эмасдим. Аммо икки ойдан бери талабаларим шу ҳақда менга савол беришади ва жавоб ёзишимни талаб қилишади. Бугун ҳам шундай бўлди. Жавоб ёзишимни (улар раддия деб айтишди) қаттиқ талаб қилишди. Шунинг учун ушбуни ёздим, шошилиб ёздим, ҳатто қайта ўқиб чиқмай, оққа кўчирмай жўнатмоқдаман. Бундан журналхонларни хабардор қилиш Сизларнинг инсофларингизга ҳавола.

Телеграмма Сизларга йўлланмаган эди. Шунинг учун уни эълон қилиш (бунинг устига «ажойиб» таржима билан) ва унга муносабат билдириш шарт эмас эди.

Самимий муносабат билан,

К. ТОҲИРОВ, СамДД доценти

Ассалому алайкум «Шарқ юлдузи» ойнамаси ходимлари!

Журналнинг қадру қиммати, обрўи албатта, редакция ходимларининг билимига, дунёқарашларига, энг асосийси, халқимизнинг асл мақсадини тушунишларига боғлиқдир. Қуръони каримни бирқанча қийинчилик билан бўлса-да, чоп этишларингиз тўғриси «Шарқ юлдузи»га халқимизнинг меҳр-муҳаббати ортди. Ҳамма қатори биз ҳам Қуръони каримни ўқишга, дилимизни янада равшанлантиришга муяссар бўлдик. Сизларга соғлиқ, саломатлик тилаб:


Имомали ҲАЙДАРОВ, Фарғона вилояти

Ассалому алайкум, ҳурматли ойнама ходимлари!

Оиламиз номидан катта раҳмат айтмоқчиман. Ойнамада босилган Қуръон мазмуни таржимасидан «Бақара» ва «Нисо» сураларини ўқиб, бундан тўққиз йил аввал ажрашиб кетган оилам билан топшииб, болаларимни олиб келиб, ҳозир тинч-тотув яшамоқдаман.

Бундан кейинги ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Омонжон ИНТИҚОВ, Самарқанд вилояти



Илҳом Ҳасанов

ИККИ ҚИССА—БИР ҚИССА

Инсон дунёга нега келади? Унинг яшашдан мақсади нима? Улмоқ ҳам туғилмоқ сингари муқаррар экан, чексиз коинотдаги кичик бир зарра — инсонни оёққа қўйиб, яшашга, курашга етакловчи, демакки, ўз ўлими томон мағрур бош кўтариб боришга ундовчи куч нимада? Езиғи мангайга азалдан муҳрланган Инсон умрига зийнат бағишловчи нур манбаи қаерда? У ўз қисқа умри давомида куйиб-ёниб нимани излайди? Излай-излай топганининг қадрю қиймати бутун бошли бир умр билан айирбошлашга арзийдими?..

Нафис сўз санъати дунёга келибдики, у ёки бу шаклда ана шу умрбоқий саволларга жавоб топишга уринади. Қизиғи шундаки, ҳар бир давр адабиёти бу саволларга ўзича жавоб беради. Даврлар ўзгаради, қарашлар, шиорлар янгиланади, шунга мувофиқ тарзда юқоридаги каби саволларга берилган жавоблар ҳам ўзгаради... Албатта, бунда ҳукмрон сиёсат, мавжуд адабий анъаналар, дин, миллий руҳият каби манбалар жавоблар табиатига ўз изини қолдиради. Сўнги етмиш йилда, айниқса, дастлабки манба — ҳукмрон сиёсатнинг таъсири сезиларли тарзда кучайиб, бошқа манбаларни босиб тушди. Натижада инсон умрининг мазмуни ва моҳияти сингари муқаддас, умрбоқий тушунчалар ҳам замонанинг ўткинчи, ўзгарувчан талабларига бўйсундирилди. Адабиётимиз гўё умуминсоний, умумбашарий ғояларни байроқ қилиб кўтаришни қайта-қайта таъкидлайди-ю, аслида ўз қаҳрамонларини «ўзимизникилар», «ўзимизники эмаслар»га бўлади. «Узимизникилар», «ўзимизники эмаслар»дан фарқли ўлароқ, юқоридан бўладиган ҳар қандай кўрсатмаларни бажариш учун ҳормай-толмай курашадиган, аёвсиз тер ва қон тўкадиган, охиروқибатда албатта ғалаба қозонадиган кишилар ҳисобланишади. Улар ҳатто ўлаётиб ҳам олдинга қараб йиқилишади, ерда узала тушганча жон узаётиб, онанинг кучоғида ётгандай эркаланишади; ой ёруғида ҳам, кун қизиғида ҳам бош кўтармай пахта теришади; дўл ёғса, булутларга қараб дўқ уриб, дағдаға қилишади. Қисқаси, адабиётшунослигимиз севиб ишлатадиган ибора билан айтганда,

Илҳомжон беозор одам эди. Бировга ёмонлик қилолмасди. Ақлли ва зийрак эди. Бизга ўхшаган оғаларидан фарқли ўлароқ, меҳрли, оқибатли эди — дўстлар шодлигини ўз шодлиғидай қабул қиларди, дўстлар бошига иш тушганида ёнми-ён турарди.

Адабиётни ва унинг тадқиқотини касб этиб, шу ҳисобдан рўзғор тебратадиган, шу ҳисобдан унвоу даражалар орттирган биродарларимиз жуда кўп. Ораминда зукколар ҳам кўпки, ҳар қандай асарнинг ичу сиртини мисоли бақа ёки оқсичқонни «апараста» қиладиган жарроҳдай рўй-рост кўра олади. Қилин қирққа ёрадиган тадқиқотчиларни заррача камситмаган ҳолда, Илҳомжон раҳматлининг табиатида тафтишчилик шавқи эмас, балки «зора шу асар яхши бўлсин-да», деган илинж устун бўлганини айтмоқчиман. Умиди оқланган кезларда боладай қувонарди — гўё ўши яхши асарни ўзи ёзгандай!

У ҳар бир асарни бус-бутун ҳолида — жонли бир мавжудот сифатида кўра биларди. Ўзи ҳаётни чиройли идрок этиши билан баробар, ўзга ёзувчи ёки шоирнинг туйғу ва кечинмаларини қайтадан ҳис этишга, тўлиқ ва кенг анлашга қодир эди.

Бугун Илҳомжон йўқ — бевақт ажал уни ораминдан олиб кетди. Унинг айни ақли ва зеҳни тўлишиб, яхши-ёмонни тузукроқ таниб, миллат ва адабиёт хизматига ростмана бел боғлаган пайтида нобуд бўлганини ўйласак, йўқотиш дарди баттар оғирлашади. Умидлар қиламанки, ойнома ўқувчилари ундан ёдгор бўлиб қолган мақолани жиддийроқ кўриб, адабиётимизнинг навқирон сафларидан қандай яхши бир истеъдод кетганини англаб етадилар. Келинг, Илҳомжонни биргалишиб ёд этайлик.

Унга бермаган умрини норасида фарзандларига қўшиб берсин.

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

баъзан «жисмонан мағлубиятга учрасалар-да, маънавий ғалаба қозонадилар». Инсон ғоялар қурбони, сохта сиёсатнинг кўр-кўрона ижрочиси бўлган, «адабиёт иши умумпролетар ишнинг бир винтчаси, парраги» (В. И. Ленин) бўлган шароитда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Хайриятки, сунгги ўн йилликда инсонни бир инсон каби тасвирлаш, юракдан ҳис этиб, борлиғича акс эттиришга уриниш тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Шу нуқтаи назардан Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» ҳамда Хайриддин Султоновнинг «Адаш Карвон» қиссалари эътиборни тортади. Уларда, энг аввало, қаҳрамонларнинг яшашдан мақсадлари, интилиш миқёслари қатъий чегаралаб қўйилмаганига дуч келамиз. Қаҳрамонлар қаршисига ҳаётда учраб турадиган қусурлар билан олишиш, қайсидир раҳбарни фош этиш каби «долзарб» мақсадлар кўндаланг қилиб қўйилмайди. Аксинча, улар ҳаёт отлиғ кенг баҳрда бир умр ўзликларини излашади... Шунингдек, уларнинг табиат, жамият, одамлар устидан ҳукмронлик қилишга уринмасликлари ҳам «социалистик реализм» адабиёти намуналари руҳида тарбияланган китобхонни ҳайрон қолдириши табиий. Бу қиссаларда инсон воқелик устида эмас, балки унинг ҳукми остида, у билан бақамати тасвирлангандир. Бу қиссаларга алоҳида урғу беришимизнинг яна бир боиси шундаки, улар мавзу жиҳатидан бир-бирига яқин бўлгани ҳолда ўзига хос ижод маҳсули сифатида майдонга келишган.

80-йиллар бошида адабий танқидчилик Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри баҳонасида инсон умри, муҳаббат ва вафо, садоқат элғиз умргузаронлик қилиш оқибатлари хусусида қизиқ бир баҳс бошлаганди. Инсон суйган ёрени қанча кутиши мумкин? У умуман келмасачи? Уни бир умр кутиб, тоқ ўтишни қандай баҳолаш керак? Шу пайтгача буни оқлаб, кўкларга кўтариб келдик. Ахир бундай йўл тутиш аёвсиз қоралашга муносиб эмасми? Жувонмарг кетган бир умрни деб яна бир умр ва у дунёга келтириши мумкин бўлган бир нечта умрчаларни хазон қилиш адолатданми? Адабиёт «Аёл» каби шеърлар орқали шунга тарғиб этмаяптими?..

XX аср бизни материалистлар қилиб тарбиялади. Биз қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитмаган ҳамма нарсани рад этадиган, моддий бойликдан бошқасини тан олмайдиган «қўпол материалистлар»га айландик. Қўлимизга улкан тарози олиб, унинг бир палласига бева келинчак ва унинг меҳру садоқатини, бошқа палласига қайта турмуш қурган аёл ва унинг бола-чақаларини ўтиргизиб, тортадиган бўлдик: қай бирининг тоши оғирроқ экан?..

Тоғай Мурод ва Хайриддин Султоновнинг қиссалари адабий танқиддаги ана шу баҳс билан олдинма-кейин пайдо бўлди. Адабий жамоатчилик юқоридаги каби баҳсларга қанчалар муштоқ эди, билмайман, бироқ «агарчи бўлгани олам биноси айтиладур»ган бу ғариб ишқ қиссаларини катта қониқиш билан қабул қилди.

«Ойдинда юрган одамлар» — фариштасифат икки одамнинг умри, қалби, орзу-армонлари ҳақидаги дардли кўшиқ. Бу кўшиқнинг оҳанги бор, сўзи йўқ — уни бировга айтган билан ишонмайди, уни фақат ҳис этиш мумкин, холос. Бу кўшиқнинг муқаддимаси бор, хотимаси кўринмайди — шунчалар бепоён бу кўшиқ. Муқаддима эса ўта ҳаётий, ўта шарқона: Қоплон билан Оймомо неча йилки турмуш қуриб яшаётган бўлсалар-да, тирноққа зор. Болаги уй — бозор, боласиз уй — мозор. Инсон умрининг мазмуни — фарзанд. Ана шундай ақидаларга қатъий амал қилувчи ота-она, қариндош-уруғ, ёру биродор, таниш-нотанишнинг нуқтаи назари ва Қоплон билан Оймомо ўзлари истамаган ҳолда тушиб қолган вазият ўртасидаги зиддият асарнинг катта-кичик барча унсурларини бир нуқтага бирлаштиради.

Қоплон билан Оймомо дуч келган бахтсизлик шунчаки бахтсизлик эмас, балки бахт замирида ниҳон бўлган бахтсизликдир. Бир қараганда оддийдай кўринган воқеалар заминидеги драматизмнинг манбаи ҳам шунга бориб тақалади. У гўё барча кечинма, ҳис-туйғуларга жон бахш этиб, уларга инсоний қиёфа беради. Ҳа, Қоплон ва Оймомо тирноққа зор (бахтсиз), аммо ҳамма бало шундаки, улар бир-бирларини севишади (бахтли). Улар қалбида шундай бир олижаноб туйғу борки, бу туйғу уларнинг умр йўлини ойдин қилиб туради. Бироқ ойдинлик, ёруғлик бор жойда соя ҳам бўлади... Қоплон ва Оймомо бир-бирини севишади дейиш ғалатиноқ эшитилади. Аминманки, бу сўзни момомизнинг ўзлари эшитсалар, юзларини рўмол учи қилиб яшириб, ўтирган жойларидан аста кўзғалган, бобомиз ҳам хижолат ичида норози томоқ қирган, қовоқлари уюлган бўларди. «Севишади» дейиш Қоплон ва Оймомога нисбатан ўта китобий. Қолаверса, бу сўз икки одам ўртасидаги муносабатни аңлатади, яъни уни қўллаш учун камида иккита шахс зарур: «мен» — «сен», «сен» — «у» каби... Қоплон ва Оймомо ўртасида эса бундай иккиликни кўрмаймиз, аксинча, улар ўртасида бирлик бор, яъни «мен» ва «сен» битта «сен»га айланган. Ишқ номли илоҳий оғриққа чинакамига гирифтор бўлганларгина ана шундай даражага кўтарила оладилар. Бундай буюқ бирликни эртагу афсоналардан ўқиб, ишониб-ишонмай келган бугунги китобхон ўз замондошлари тақдирида уни учратиб, ҳайрату қувончдан титраб кетса, ажаб эмас.

Қоплон билан Оймомо эшитган таъна-дашномларнинг ўндан бирини тош эшитса, эриб кетган бўларди: «Токайгача шундай юрасан? Жавобини бер-да, қўй» (Ота). «Ўзи-ку, пушти куйиб кетган экан, сеням сўққабош ўтказадими энди» (Она). «Хоҳласанг, ажрал. Ўзим қўшганман, ўзим ажратман. Кейинчалик ўпка-гина қилиб юрма тагин — уққағарнинг совчиси умримизга завол бўлди деб» (Совчи). «Шундай ҳушрўй аёл тирноққа зор-а!.. Нима қиларди денг, итга берган, қўшга берган бир парча этни шунгайм берса» (Қиммат момо).

Ёки ферма мудирининг тўйида қўшни колхоздан келган меҳмоннинг Қоплон билан сўрашиш манзарасига эътибор беринг — кўнгилда айтилмаган қанча алам, дард, армон борлигини ва уларнинг бари қоришиб, сўрашиш баҳонасида пўртана мисол отилиб чиқишини кўрасиз:

«— Яхшимсиз, ака. Бола-чақалар ўсяптими!

Акамизнинг бадани увишиб, қўлини кўксига қўйди.

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Неваралар катта бўляптими!

— Шундай, шундай...

— Чопқиллаб-чопқиллаб юришибдимми...

Акамиз бошқа гапларни эшитмади. Қўли кўксига, эгик бошини ирғаб ўтираберди.

Акамизнинг тўй-тўйлагани, егани-ичгани бурнидан чиқди.

Уйига ёниб келди.

Нимага энди фақат бола-чақани сўрайди! Нимага манави данғиллама уйларни, кенг ҳовлини, жийрон отини сўрамайди! Қўйлари, моллари қанча. Ҳар йили қўзилайди, бузоқлайди. Токзори йилига салкам ярим тонна майиз беради. Нимага буларни сўрамайди! Узи ҳамиса соғлом, танжони соғ, отдай. Икки-уч одамнинг ишини қилади. Кўп-кўп меҳнат ҳақи олади. Буни-чи!

Акамиз ичкарилаб, узала тушиб ухлаётган опамизни кўрди. Жағ суюклари бўртиб, қараб турди. Акамиз уни биллагидан ушлаб, унинг нариги бурчига отиб юборди».

Сув томчилай-томчилай тошни кемиради. Дашнонлар ниҳоят нишонга теккандек бўлди — Қоплон билан Оймомо ажралиб, бахтларини булак-булак синаб кўрмоқчи бўлишади. Ажралишади ҳам... Ҳаётнинг жўнгина мантғига кўра уларнинг ҳаёт йўллари қайта туташмас бўлиб айри тушди. Аммо Ишқ мантиғи буни рад этади. Мана, уларнинг айрилиқдан сўнгги учрашуви:

«Жийрон келаётган аёл қошида тўхтаб, йўлини олди. Аёл ўннга бурлиди, яна жийронга дуч келди. Шунда, отлиқ ерга тушди. Жийроннинг бўйнига қўлини қўйиб, олис туриб қолди. Дёлнинг рўмоли шамолда бир кўтарилиб, бир тушиб турди. Отлиқ аёлнинг қўлидан саватчани олиб, эгар қошига илди. Бир ёнида жийронни етаклаб, бир ёнида аёлнинг рўмоли бурчидан ушлаб, қишлоққа йўл олди».

Кўрнини турибдики, Қоплон ва Оймомо илоҳий бир бутунликка айланишган, бу бутунлик ердаги мавжуд ўлчовларга тўғри келмайди. Уларни ажратиб юборишга ердаги ваз-корсонларнинг қурби етмайди. Ҳатто вужудлар айри тушганида ҳам руҳлар бир-бирини излаб топади. Эътибор беринг-а, йиллар ўтса-да, улар фарзанд кўришмайди. Оймомо қўшнининг боласи бешигини тебрат-тебрат, алла айта-айта ҳўшдан кетади... Қоплон ёлғиз қолади. Бироқ қиссанинг ҳар жой-ҳар жойида келтирилган парчалар — Қоплоннинг Оймомо билан хаёлан сўхбат қуриши табиий ҳам самимий бўлиб, ишқий бутунлиқнинг дахлсизлигини яна бир қарра эслатиб тургандек бўлади. Қоплон Оймомони доим кўриб туради, мана, у ёнида... «Дока рўмоли учи елларда ҳилпираб-ҳилпираб, бобомизнинг юзларига урилади. Пешонаси, лабларини силаб ўтади. Бобомиз ҳам ҳўзурланиб, ҳам гашланиб киприқларини пирпиратади, ёноқлари, лабларини учиради». Аввалига икки қариянинг беозор, дилкаш сўхбатидай таассурот қолдирган, муаллиф ҳар жой-ҳар жойида нафасни ростлаб олиш учун атайин келтиргандай қўринган бундай манзаралар қисса охирлаган сайин ўзгача бир кайфият ҳосил қилиб боради. Бошда кўнгилга тасалли, илиқлик бахш этган бу «қистирма»лар қисса сўнггида дилни ўртаб, кабоб қилиб ташлайди. Бунда ҳеч бир муболага йўқ. Ташқи жиҳатдан ҳолис, беозордай кўринган тасвир орқали бундай самарга эришишга чинакам истеъдод эгаларигина муяссар бўладилар. «Бобомиз кафти билан қовжироқ хасларни пайпасладилар. Момомиз шу ёнида ўтиришлари лозим. Озгин панжаларини ҳавода очиб юмдилар.

Ой сузилиб боқаяпти.

— Эсингдами, момоси, ўшандаям ой ёруғ эди. Мен жийронни жилдиратиб келайин, момоси. Сен ўтириб тур. Қўрқмайсанми ўзи?...»

Агар Қоплон ва Оймомонинг фожиаси бахт ортида яширинган бўлса, Адаш Карвон умри давомида ўзи дуч келган фожиалар, бахтсизликлар замирида мазмун-моҳият ахтаради. Қоплон ва Оймомони фарзандсизлик дарди қийнаса, Адаш Карвон ва Ойнаса яккаю ягона фарзандлари доғида қон ютишади. Тақдир уларга бошда Насиббекни инъом этиб, бошларини кўкка етказди, сўнг ундан жудо қилиб, бошларини ерга ҳам қилди. Иккала дард ҳам — фарзандсизлик ҳам, бўй етган ягона фарзандидан ажралиш ҳам бир хилда оғир мусибат. Тақдир гўё Адаш Карвон туғилмай турибоқ унинг устидан ўз ҳўкмини чиқарганга ўхшайди. Эътибор беринг-а: Соҳиб Карвон ўн иккита фарзанд кўриб, ўн биттасини тупроққа берган. Тирик қолган яккаю ягона ўғли Мирза Карвоннинг ҳам битта зурёди бор: Адаш Карвон. У ҳам элликка бориб бор-йўғи битта ўғил кўради: Насиббек! Бундай ёлғизлик тасодифийми ва ёки бунда бир қонуният яширинми? Билмадим, ҳарқалай бундай ёлғизлик Адаш Карвоннинг бўлажак фожиасига бир ишорадек туюлади.

Қисса мунаққидларидан бири Адаш Карвон фожиасига бош сабабчи деб... Сталинни кўрсатганди. Яъники, агар Адаш Карвон сургун қилинмаганида барвақтроқ уйланган, кўпроқ фарзанд кўрган бўлар ва Насиббекнинг бевақт ўлими уни бунчалар қийноқларга гирифтор қилмасди. Бадиий сўз санъатиға бундай қараш билан биз уни ишлаб чиқариш соҳаларидан бири (масалан, пахтачилик, паррандачилик, машинасозлик) даражасига тушириб қўйишимиз ҳеч гап эмас... Аслида гап бу қиссада инсоний муносабатлар ҳақида — ота-она ва фарзанд муносабатлари ҳақида бормоқда. Ота-она учун эса фарзанд ўнта бўлса, ўрни бошқа. Бас, шундай экан, Адаш Карвон фожиасига бош сабабчи, энг аввало, тақдири азал, сўнг унга шундай тақдири азални «раво кўрган» ёзувчидир. «Ёлғизлик» номли узлуксиз занжир айрилиқ кўламини теранроқ ҳис этишга, умр мазмунини тиниқроқ кўришга имкон берувчи бир воситадир, ҳолос.

Адаш Карвон — иймони бутун, камтар, ҳалол, хокисор одам. У ёмонлик қилиш тугул, бировга ёмонликни соғинмаган. Бироқ чархи кажрафтор дастидан шундайлар кўпроқ озор чекади. Ҳазрат Навоий айтмоқчи, «Кимки бу давронда қилур ростлик, Йўқтур ишу ғайру каму қостлик».

Адаш Карвон қиссига узундан-узоқ умридаги айрилиқ мусибатларни эслаётганда бир ҳолатда кириб келади. Инсон бундай пайтда ўзининг абадий маскани — қабристонга интилиши табиий. Мана, Адаш Карвон ҳам қабристонда... «Бу ерга отаси ўлганда келди, онаси ўлганда келди, қариндош-уруғлари ўлганда келди, танишлари ўлганда, нотанишлар ўлганда келди ва ҳар гал юрагининг бир парчасини совуқ тупроққа кўмиб, жимгина уйига қайтди. Охири бир парчадан узила-узила, тупроққа кўмила-кўмила юраги адои тамом бўлди, юрагининг ўрнида қолган нарса тошга айланди.

У шундай деб ўйларди.

Одамлар шундай деб ўйлашарди.

Бироқ етти йил муқаддам шу ерда, кўксига нимадир жазиллаб ачишди, зирқираб оғриди, ловиллаб ёнди — кўзининг оқу қораси, суюнган тоғи, салкам элликка чиқиб кўрган ёлғиз фарзанди Насиббекни қора ерга бераркан, юраги тутдай тўкилади. Отаси ўлганда унинг кўзи куйди, онаси ўлганда жигари куйди, қариндош-уруғлари ўлганда томоғи куйди, танишлар ўлганда, нотанишлар ўлганда димоғи куйди, аммо Насиббек ўлганда, Насиббеги ўлганда юраги куйди, куйиб-куйиб кул бўлди».

Адаш Карвон кўпларни сўнгги манзилига кузатган, бироқ ҳеч бири ёлғиз ўғлини кузатганчалик уни чуқур қайғуга солмаганди. Бу — табиий, чунки фарзанд — умрнинг ягона мақсади. Бувиси,

ота-онасини кузатганда, кўнглига таскин-мадор берувчи бир ўй уни суяганди: улар ишини, ҳаётини давом эттирувчи ўзи бор, ўзи тирик экан, уларнинг руҳи чиркиллаб қолмайди. Насиббек ўлганда эса... «Дунёда одамзоддан яхшими-ёмонми фақат фарзанд қолар экан. Ким билсин, эҳтимол, тақдир азал шундай битилгандир, бироқ, наҳотки, ўша узоқ муштипар Улуғ кампир қаттол бўронлардан, даҳшатли қаҳратонлардан, бемаҳал изғирину телба довуллардан эсон-омон олиб ўтган бир авлоднинг липиллаб турган шамчироғи Адаш Карвоннинг қўлида ўчса!»

Мусибат устига мусибат. Адаш Карвон аввалига тўхматга учраб, бир неча йилга сургун бўлиб кетди. Қайтсаки, жавобини берган бўлса-да, Ойниса уни ҳамон кутмоқда. «Нега йиғламай, Ойнис? Ахир, мен бир ўлган одам эдим-ку! Ахир, меням одам деб, йўлимга кўз тикиб, биров умрини ҳазон қилса... Ор-номусни, вафони сариқ чақа билмайдиганлар озми! Нега йиғламай, Ойнис! Ахир, сенинг гуноҳинг нима эди, Ойнис! Ахир, сен дунёга келиб, мени деб бахтсиз бўлдинг, Ойнис!.. Ҳатто ана шу, энг бахтёр чоғларида ҳам Адаш Карвонни мусибатзадалик тарк этмайдди. Унинг дил изҳорида қайси бири кўпроқ — шодумонликми ва ё аламзада ўртаниш — ажратиси мушкул. Тақдир Адашни яна ўз ҳолига қўймайди. Бўй етган ўғли Насиббек Саттор отган ўқдан жувонмарг бўлди. Ойниса ҳам фарзанд доғида куя-куя омонатини топширади. Шундай кенг дунёда Адаш Карвон — сўққабош, унинг на тан, на дил маҳрами қолди.

Худди Қоплон каби!

Ҳар иккала қиссада ҳам бош қаҳрамонлар тушиб қолган вазият бир-бирига ўхшаш. Ҳар иккаласи ҳам бор-будларидан ажралиб, ўтган кунлари — қувончлар, ташвишлар, фожиалар ёди билан яккама-якка қолишди. Узундан-узоқ умрнинг сўнги палласи — сарҳисоб палласи кечмоқда. Қоплон ҳам, Адаш Карвон ҳам ўз шахсий ҳаётларини умуминсоний, умулбаشارий миқёсларга қўйиб қарашади. «Ойдинда юрган одамлар»да бу миқёслар оддий, кундалик ташвишлар тасвири ортида яширинган бўлса, «Адаш Карвон»да ҳаётий воқеалардан келтириб чиқарилган фалсафий хулосалар, мантиқий ҳукмлар тарзида кўринади. Шунга кўра «Ойдинда юрган одамлар»да ташқи белгилар — хатти-ҳаракатлар, воқеалар тасвири кенг ўрин эгаллаган. Ана шу хатти-ҳаракат ва воқеалар ортида бесаранжом тепиб турган қалбларни сезиб турамыз. «Адаш Карвон»да эса моддий дунё ички дунёга — қаҳрамон кечинмаларига кўчиб ўтгандек туюлади. Бу қиссада ҳиссий-ассоциатив базис кучли бўлганидан, бугундан кеча ва аввалги кунга, аввалги кундан ривоятга, ривоятдан кечага ва у орқали яна бугунга қайтиш ҳеч бир қутилмаган ўринларда амалга оширила борилган.

Адаш Карвон сургундан қайтаркан, йўлда Наимдан Ойнисанинг ҳамон кутиб юрганини эшитади. «Фариштадек пок, жаннати қиз экан», дейди у ҳақда Наим. Йигирма йилча лагерда бўлиб, бор-будимдан жудо бўлдим, деб ўйлаган Адаш Карвон учун Ойнисанинг бундай садоқати нима билан тенг эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўзгани деб ўздан кечиш... «Мен» ва «сен»нинг бир бутунлигига — «сенга айлашниш... Шу ўринда Ойниса садоқатининг бутун кўламини бериш учун ривоятга мурожаат қилинади. Искандар кўзгуси, Киюксар ва Рум қайсарининг қизи ҳақидаги ривоят Ойниса қалбининг энг қоронғи бурчакларигача ёритиб юборади... Еки Насиббекнинг ўлдирилиши манзарасини олиб қарайлик. Қиссадаги энг муҳим нуқталардан бўлган бу воқеа уч марта — Саттор, Адаш Карвон ва милтиқ тилидан ҳикоя қилинади. Қотил сифатида Саттор ҳикоясида ҳам, жабрдийда сифатида Адаш Карвон ҳикоясида ҳам ҳолис тасвирга эришиб бўлмаслигини англаган муаллиф қутилмаганда қотилликнинг тилсиз, инон-ихтиёрсиз ижрочиси — милтиқ ҳикоясини келтиради. Ёлғиз милтиққона оқни оққа, қорани қорага ажратиси мумкин... Ҳикоя давомида ўқувчи беихтиёр тилсиз, жонсиз, қалбсиз милтиқнинг тили, жони, қалби борлигига ишонганини, ўзи ҳам сезмай қолади. Милтиқ «инсонийлашади», ҳатто инсон ҳам илғаши қийин руҳий титроқларни сеза олади. Севиб-севилган қиз қўлига ўтаркан, қувончдан энтикади: «Қиз мени шундагина кўрди, бандимдан ушлаб қўлига олди. Унинг қафтлари пахтадек юмшоқ эди, шу пайтгача мен сира бунақанги безорор қўл қафтини туймаган эдим». Бўлажак қотил Саттор қўлига ўтаркан, у билан баббаравар титрай бошлайди. Насиббекка ёрдамга ошиқади. Унинг доду фарёдини шўрлик Насиббек нима сабабдан эшитмаганини ўйлаб, ўйингизнинг тубига етолмайсиз.

«Қоч, Насиббек, қоч! Эҳ, қочсанг-чи, ахир, қоч!..»

Эгамнинг ўғли оёқ учи билан ўт-ўланларни титиб, ҳамон ҳуштак чалганча кетиб борарди.

«Насиббек, қоч!..»

Аммо бандимдан маҳкам кутиб турган қўл чайир эди, қўндоғимга тиралган кифт бақувват эди, тепкимга қўйилган бармоқ кучли эди!

Уқ гумбурлади!

Жон-жаҳдм билан Сатторнинг кўксига тепдим — қўлимдан келгани шу бўлди, холос...»

Бундай манзаралар билан танишиб, ёзувчининг маҳорати фақат бор нарсанигина тасвирлашида эмас, балки «йўқ»дан «бор» қилишида, мантиқсизликдан мантиқ чиқаришида эканлигига яна бир қарра ишонасиз.

Тоғай Мурод ва Хайриддин Султонов киссаларида эса бундай ўринлар кўплаб учрайди.

«Адаш Карвон» қиссаси ҳақида билдирилган ранг-баранг фикрлар орасида «қиссада ҳам, қайғу меъеридан ортиқ бўлиб, ўқувчини толиқтиради», деган мулоҳаза алоҳида эътиборга молик. Чиндан ҳам қиссада қайғу, айрилик тасвири кўп учрайди, ҳатто айтиш мумкинки, бошқа рўҳдаги тасвирларни ҳам босиб тушган. Бироқ бу муаллифга таъналар қилишга асос бўлолмайди. Бизнингча, бундай тасвир манбаларини ёзувчининг мақсади ва тасвир объекти табиатидан ишлаш лозим. Аслида Адаш Карвон бошига тушган айриликларнинг аксарияти табиий (Насиббекнинг ўлими бундан мустасно), ҳар қандай одам эртами-кечми дуч келадиған мусибатлардир. Инсоннинг бу фони дунёда бир меҳмонлигини, шунга қарамай, ҳар бир инсон ўз умри давомида ўзига ёдгор қўйиб кетиши кераклигини бўрттириб акс эттириш мақсадида бу фожиалар бир жойга — Адаш Карвон хотираларига жамланади. Шу орқали қазои муаллақнинг муқаррарлиги яна бир бор ўқитилиб, бунинг ортидан ҳаётга ошурфалик, одамларга меҳру муҳаббат туйғулари сирқиб туради... Қолаверса, бир бадий асарда шунчадан ортиқ одамни ўлдириш, қайғуга ботириш тақикланади, деган кўрсатма олингани йўқ-ку! Ахир, бадий асарда қаҳрамоннинг ўлими унинг яшаш шакллари-дан бири эмасми? Жумладан, Улуғ буви, Насиббек, Ойнисалар жисман ўлган бўлишса-да, руҳан Адаш Карвон ҳаракатларида, ўйларида яшай бошлашмидими, уни маънавий ўлғайишининг янги поғонасига олиб чиқишмидими?... «Ғам, қайғу тасвирининг кўплиги ўқувчини толиқтиради». Гўзал

эйтироф! Узоқ йиллар давомида ўқувчиларга тайёр чизмалар асосида яратилган асарлар, қаҳрамонлар «етиштириб» беравериш, «парҳез таом»лардан бошқа «егулик»ни ҳам қилолмайдиган маънавий мажруҳ кимсаларга айлантириб қўйганимизнинг натижаси бу ҳақим!

Қиссадаги ғам-ҳайғу руҳи бўртиб турган манзараларнинг бири билан танишайлик. Насиббекнинг «учи» ўтган кечаси Ойниса йўқолиб қолади, Адаш Карвон уни излаб чиқади...

«Кўройдин, ҳаво совуқ. Қоронғилик қаърида ҳайҳотдек бўлиб турган қабристонга қоқиласурина кириб бораркан, тили базўр бисмиллога айланар эди. Кўнгли алдамаган экан: узоқдан аллақандай кўланка қорайиб кўринди. У, юраги орқага тортиб, қадамини жадаллатди, ўйдим-чуқурлардан сакраб-сесканиб, кўланкага яқинлашди. О, Ойниса, бош яланг, оёқ яланг, сочлари тўзиган, афтодаҳол, қабрни кучоқлаганча тупроқни тимдалаб ётарди. Келганига анча бўлган шекилли, бир уюм тупроқни сүриб, гўрнинг гумбазини чўктириб қўйган, ўзича нимадир деб гўвранар эди.

— Ойнис!

Ойниса унга ялт этиб қаради-ю, чурқ этмай тупроқни тимдалайверди.

— Эсингни йиғ, хотин!— деб бақирди у жонҳолатда.

Ойниса ғужанак бўлиб олди, сўнг юлқиниб шивирлади:

— Бир кўрай... Болагинамни бир кўрай... Қўйинг, бир кўрай!..

У титраб-қақшаганча бориб, хотинининг билагидан маҳкам чангаллади, зўр билан ўрнидан кўзгатмоқчи бўлди.

— Урманг... уринг, майли... Насиббегимни бир кўрай... шундоқ болам тупроққа қорилиб ётаверадими! Мен бир кўрай...

— Ойнис, ҳушингни йиғ!— У гўристон жимлигини бузиб ўкраб юборди.— Эй фалак! Нима ёзуғим бор эди сенга.

Ойниса юз-кўзини қабр тупроғига сўйкаб, оёқ остида эмаклаганча ҳирқираб шивирлар эди: — Болагинамни бир кўрай!..

Адаш Карвон тоқат қилолмади, бор кучини тўплаб, хотинининг руҳсиз жасадини даст кўтарди-да, пастга қараб отилди. Ҳовуз бўйига етгач, супага ўтқазди, юзига, кўкрагига сув сепди, сўнг ёнига ўтириб... юм-юм йиғлади.

— Айланай хотин, кўзингни оч. Эсингни йиғ, жон хотин. Кўнамизда энди, кўнмай не иложимиз бор! Насиббек жойида тинч ётсин десанг, сабр қил, савоби тегсин десанг, қабрини вайрон қилма, обод қил. Сен билан менинг қўлимдан келадигани энди фақат шу, ўргилай хотин...»

Нақадар табиий манзара! Езувчи инсон кечинмаларининг энг мураккаб ҳолатларидан бири суратини чизишга жазм этаркан, уни атайин, зўрма-зўраки ғамгинлаштиришдан ўзини тияди. Ҳаракатлар, сўзлашув табиийлигини сақлашга эришади. Адаш Карвон хотинини қабр бошида кўриб, аввалига кўрқди, шусиз ҳам аламзада дили баттар тўкилди. Ўзини дадилроқ кўрсатиш, хотинини ҳушёр тортириш учун бақириб, жонҳолатда буюрди: «Эсингни йиғ, Ойнис!» Сўнг бу сохта бақиринг унга кор қилмаслигини сезиб, ноилж ҳолда қолиб, кўкка қараб ўкраб юборди: «Эй фалак! Нима ёзуғим бор эди сенга». Бу ҳам фойда бермагач, асл ҳолига — мунис ҳам дилярим қиёфага кирди, ялинишга ўтди. Шу аснода кўнгилга тасалли берувчи тўхтамаг келди: «Кўнамизда энди, кўнмай не иложимиз бор?» Ойниса чуқур қайғу ичида, унинг кўзига ўғлидан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. У замон ва макон ўлчовларини тарк этган. Яккаш «Болагинамни бир кўрай», деб қайсарлик билан нола қилади. Унинг бир зайлдаги ана шу ноласи Адаш Карвонни сел қилиб, гап оҳангини ўзгартиришга мажбур қилади. «Урманг... уринг, майли...» ана шу уч жумлада Ойнисанинг — мусибат адо этган инсоннинг, аёлнинг, онанинг бор дунёси намоён бўлади.

Бешафқат ҳаётнинг тирик бир парчаси эмасми бу? Наҳотки ўқувчи шундай манзаралар билан танишаётиб толиқади-а?..

Аслида Қоплон ва Адаш Карвоннинг яшаш тарзлари, ҳаётий ақидалари бир-бирига яқин, ҳамоҳанг. Буни уларнинг ўтган кунларига, теварак-атрофдаги одамларга бўлган муносабатларида очик кўриш мумкин. Ҳар иккаласи ҳам мард, тўпори, аммо «ичимдагини топ» дейдиганлар хилдан. Улар меҳру садоқатлари ҳақида жар солмаганларидай, қаҳру ғазабларини ҳам пинҳон тута оладилар.

Адаш Карвон тўхматга учраб қамалгач, Наим милиса унга яхшилик қилиб, қамоқдан қочирмоқчи бўлади. Аммо бундай ҳаракат Адаш Карвон ишонган, суянган ақидаларга умуман тўғри келмайди. Шу боис, у ярим ҳазил, ярим чин қилиб дейди: «Эркак ҳам қочадими?» Шунингдек, у Фатҳиддиновнинг кимлигини билса-да, сургундан қайтгангина буни ошкор этади. У кўнглида узоқ йиллар ардоқлаб сақлаган сири — васиятини қўшниси Турди олакўзга очади. Бироқ унинг қув чақнаган таъма тўла кўзларини кўриб, қарори ўзгаради. «Хиёлдан сўнг дайди шамол Адаш Карвоннинг сўнги тилаклари битилган қоғоз парчаларини ҳовли юзида пилдиратиб ўйнай бошлайди. ...васиятим, васиятим!.. ким ҳам эшитгай?!»

Адаш Карвоннинг бундай йўл тутиши тасодифий эмас, балки характер мантиғидан келиб чиқувчи қонуний ҳолдир. Яъни, унинг ҳеч бир илинжисиз қилган эзгу ишига олакўзлар ўзлари истаганча тўн бичишларини сезиб, ундан воз кечди. Нокасинг номарғуб бир нигоҳ ташлаши ҳам унинг ҳалол луқмасини макруҳга айлантиради. Адаш Карвоннинг кўнгли гўё Искандар кўзгуси — покизаликка дуч келиб тиниқ тортади, нопокликдан хира бўлади...

Қоплонни олайлик. У қишлоқ шўроси котибининг аллақачон ўлиб кетган қари-қартанг номига нафақа ёзиб олаётганини эшитиб, ундан қўлини ювиб, қўлтиғига уради. Аммо ҳеч кимга чурқ этмайди. Вақти келиб котибликдан урилган бу одамни учратганида эса уни ўзига ҳос тарзда жазолайди: ўзи еб турган ошга тақлиф этмайди. Бор-йўғи шу! Қўлоғимизга қўйилган курашчанлик ақидаларидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, жазонинг бундай даражаси кулгили кўринади. Бироқ кулишга шошилмайлик... улгураимиз ҳали... «Акамиз ошамни каттароқ олди. У ҳадиқсиради. Катта халқи юзсиз бўлади, отдан тушиб, индамай келиб ўтирса нима бўлади? Унда, табокдан қўлини тортади. Дастурхондан холисроққа силжиб ўтиради. Бу тоифадагилар билан бир дастурхондан туз емайди. Марҳумлар ҳақини еган одам билан бир табокдан палов еб бўладими! Макруҳ!»

Адаш Карвон ва Қоплоннинг бундай ғаройиб исёни адабиётдан курашчан қаҳрамонлар яратиши талаб этувчилар учун ўта пассивлик, мўртлик бўлиб кўринар. Аммо қизиғи шундаки, ана шундай «ташқи пассивлик» шароитида «ички фаоллик» намоён бўлади. Тўғри, улар бундай хо-

латларда ўзларидан икки-уч қўйлақ ортиқроқ йиртган қаҳрамонлар каби оташин нуқтлар сўзлашолмайди. Улар тиллари билан эмас, диллари билан қарши курашадилар. Яъни, кўнгилга неки марғуб эмас, унга дил эшиклари тақа-туқ беркилади. Шу йўл билан иймону эътиқодни, вужуду руҳни пок сақламоқ — оммавий бузилиш, маънавий таназзул шароитида бу икки қаҳрамоннинг фаол ҳаракат доираси ана шу билан белгиланади.

Бу қиссалардаги воқеаларнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган хулоса ана шундай. Бироқ, минг афсуски, «Адаш Карвон»нинг муаллифи воқеалар тасвиридан шундай хулоса чиқарган ҳолда, қиссага ёзган сўзбошида гўё бунга рад этади. «Адаш Карвон... умр бўйи наshawанд кимса каби адашиб-гангиб яшайди, ҳалол, меҳнаткаш, камсукум инсон эканига қарамасдан, онгини чулғаган хурофий ақидалар туфайли ҳаётнинг катта йўлларида» адашган карвон — бу Адаш Карвон эмас, балки у мансуб бўлган давр, уни ўраб олган муҳит, одамлар адашган карвондир. Бу карвон тўфону бўронларда қолиб, адашиб, бор бойлиги талон-торож бўлиб турган бир пайтда, оқ билан қоранинг, ҳалол билан ҳаромнинг, эзгулик билан ёвузликнинг фарқи қолмаган, қарашлар, урф-одатлар космик тезликда ўзгараётган бир шароитда Адаш Карвон ажодлардан мерос бўлиб келаётган бор бойлигини ишончли қўронга — иймон тўла қалбига яшира олди. Бу бойлик кашф этилса, нафақат Адаш Карвонни, балки чинакамига адашган карвонни ҳам — даврни ҳам тўғри йўлга олиб чиқиши мумкин. Бу бойлик — борликқа меҳр, эртанги кунга умид, одамларга ишонч туйғуларидир. Биз бугун қанчалар муҳтожмиз бу бойликка!..

Қоплон ва Адаш Карвоннинг сарҳисоб сўнгида чиқарган хулосалари ҳам бир-бирига ҳайрон қоларли даражада яқин.

Қоплон кампирини сўнги йўлга кузатгач, бир оқшом йўнғичқапоёда икки севишгачнинг — қиз ва йигитнинг сўхбатига беихтиёр гувоҳ бўлади:

— «Момомиз қазо қилганидан буён телевизор, радио қўймаймиз.

— Биз ҳам...

— Момомизнинг вафоти кунни сен ҳам йиғладингми!

— Бўлмасам-чи, Уини айланиб, момолаб йиғладим.

— Мен энамлаб йиғладим...

Бобомиз жилмайдилар.

— Ана, бизнинг болаларимиз! Ана, бизнинг невараларимиз!

Адаш Карвон эса ўғли ва кампирига мрамртош қўйиш хаёлидан воз кечаркан, шундай хулосага келади:

«Ён-веридаги мрамртошларга боқиб дафъатан англадики, ўғли билан кампирининг ёди — унинг кўксига, етмиш икки томирида ниҳон. Улар унга шу қадар азиз, шу қадар мўътабарки, мрамр эмас, ҳар гиштини тилладан қилиб сағана ўрнатганида ҳам, бари бир, қарзини узоқмайди... Асли ёдгору ёдгорлик деганимиз нима? Бир юракнинг иккинчи юракда қолдирувчи азиз, ардоқли армони эмасми!»

Ўлимдан, айрилиқдан тантанавор хулосалар чиқаришга мойил кўплаб қаҳрамонларимиздан фарқли равишда Қоплон ва Адаш Карвон бу тўхтамга ёниқ ўртанишлар, руҳий қийноқлар, адашиб, йўқотиш ва топишларни босиб ўтиб келишди. Бу қаҳрамонлар шуниси билан қадрли, бу асарлар шуниси билан ардоқли.

Қиссалардаги образларни Оймомо — Ойниса, Қиммат момо — Саттор, Қоровул — Исмоил ақай, котиб — Турди олакўз тарзида ёнма-ён қўйиб кузатиш ҳам муаллифларнинг воқеаликка эстетик муносабатларининг яқинлигидан далолат беради.


Бироқ, энг муҳими, бу қиссалар учун бир-бирига яқин мавзунинг танланиши ва улардан бир хил хулосалар чиқарилишигина эмас. Зеро, адабиёт учун нимани айтиш эмас, балки қандай айтиш муҳимроқдир. Бу қиссаларнинг бош фазилати ҳам уларда асосий гап қандай айтилгани билан боғлиқдир. Тоғай Муродда воқеалар ривожининг табиий йўсини сақланганини кўрсак, Хайридин Султоновда бир нечта йўналиш бўйича тараққий этувчи воқеалар тизмасига дуч келамиз. Шунга кўра «Адаш Карвон» қурилиши жиҳатдан мураккаб асар сифатида майдонга келган. Тоғай Мурод дастлабки қиссаларида изланишларини давом эттириб, халқ оғзаки ижоди аъналаридан унумли фойдаланади. Бу асарнинг умумий руҳи, тилида аниқ сезилади. Шунингдек, Тоғай Мурод қаҳрамонлари яшаётган жўрофий макон Сурхон воҳасига хос шева унсурларидан, урф-одатларидан фойдаланган. Хайридин Султонов қиссасининг тилида эса ёзма адабиётимизнинг сержозиба тилидан таъсирланиш сезилиб туради. Сўз ўйинлари, билиб билмасликка олишлар, саяж санъатидан фойдаланиш, сўзинг маъно доираларини кутилмаган томонларга қараб кенгайтириш — буларнинг бари «Адаш Карвон» тилини ажиб бир нафислик, жозибадорлик билан таъминлаган...

Бу иккала қисса инсон ҳаётига ёндашувдаги ўхшаш ва айни пайтда уни тасвирлаш мезонларидаги ана шундай фарқли жиҳатлари билан эътиборни тортади. Аммо шу ўринда адолат юзасидан яна бир нарсани таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Гап шундаки, ҳар иккала қисса ойнамаларда эълон қилинган, адабий танқидда анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Уларга холисона ёндашиб, ютуқ ва камчиликларини тўғри кўрсатишга уриниш билан бир қаторда, замона либосига бурканган вульгар социаларик ёндашув маҳсули сифатида майдонга келган танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди. «Ҳар иккала қиссада ҳам диний урф-одат, ақида ва афсоналарга кенг ўрин берилган», «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг қаҳрамонлари қайси давр вакиллари эканлигини билиб бўлмайди» каби бир ёқлама, «партиявийчасига ёндашув» натижасида келиб чиққан «мулоҳазалар» шулар жумласидандир. Оқибат шу бўлдики, ҳар иккала муаллиф ҳам ўз асарларини қайта қўриб чиқишга, юқоридаги каби «мулоҳазаларга ўрин қолдирмайдиган қилиб ишлаб чиқишга мажбур бўлишди. Хайридин Султонов ўз қиссасини нашрга тайёрларкан, юқорида эслатилган сўзбошини ёзди. Узига хос яшиқайтаргич вазифасини ўташи лозим бўлган бу сўзбоши қиссанинг умумий моҳиятини хийла жўнлаштирди. Ҳатто унинг баъзи нуқталарида қиссадан табиий равишда келиб чиқадиган хулосаларга зид фикрлар илгари сурилди. Қиссанинг дастлабки номи («Ёзнинг ёлғиз ёдгори»)нинг кейинча «Адаш Карвон» (адашган карвон) деб ўзгартирилиши ҳам муаллиф асар-

нинг таянч марказларини қанчалар ўзгартирганлигидан далолат беради. Шунингдек, ёзувчи Адаш Карвоннинг шахс сифатидаги моҳиятини очувчи жуда кўп ўринларни, диний унсурлар аралашгани сабабли, қисқартириб ташлади. Унинг инсон умрининг мазмун-моҳияти, ёдгору ёдгорлик ҳақидаги ўйлари бир тўхтамаг келган пайтда шу ўйларга параллел равишда бериб борилган бошқа бир воқеалар тизмаси гуноҳкор банда — Сатторни Карвон даргоҳига етаклаб келарди. Ана шу манзара қиссага тиниқ бир ойдинлик бахш этиб турарди. Афсус, кейинги нашрда қисса ана шу тиниқликдан маҳрум қилинган... Тоғай Муроднинг қаҳрамон яшаган даврни гавдалантириш мақсадида асарга киритган қўшимча лавҳалари эса яп-янги либосга ямоқдай бўлиб тушган. Биби Фотима, Ҳазрати Хизр ҳақидаги ривоятлар мавҳумлаштирилиб, замонавий тус олгани уларнинг таъсир қувватини заифлаштирган.

Қисқаси, ҳар иккала адиб ўз қиссалари билан адабиётимизда инсонга ёндашув бобида анча илгариларди. Бироқ, ҳукмрон адабий сиёсий қарашлар ҳуружига дош беролмай, у билан келишувчилик сиёсатини тутдилар ва эгаллаган марраларидан бир неча қадам орқага чекиндилар.

Кечикиб бўлса-да, ҳар иккала қиссанинг дастлабки нусхаларини нашр этиш адабиётимиз инсон маънавиятини ёритишда қандай босқичда турганлигини аниқ кўришга имкон берган бўларди.



Мен учун «Шоҳ Машраб» қиссасини олтимиш йилдан сўнг яна ўқиш имкониятини яратган «Шарқ юлдузи» (1991 йил, 6-сон) ойномасидан беҳад миннатдорман. Машраб ғазалларини кўп ўқисам-да, лекин қисса мутолаасини ғоят соғинган эдим. Бунинг учун кейинги йилларда кўп савоб ишлар қилаётган Маҳмуд Ҳасаний (табдил этувчи)га ҳам ташаккур изҳор этаман.

Саводимни лотин алифбосида чиқарганман. Бироқ мавзеимизда Рўзивой деган бир мулла бўлиб, у киши бизга гаштакларда, китобхонлик кечаларида «Фарҳод ва Ширин», «Бобо Равшан», «Санобар», «Нурнома», «Мухтасар» ва бошқа китобларни қироат билан ўқиб берарди. Уларнинг аксарияти Қозонда эски ўзбек имлосида чоп этилар, цензурадан ўтганлиги эса рус тилида ёзиб қўйиларди. «Шоҳ Машраб» қиссасининг қаерда босилгани ёдимда қолмаган бўлса-да, китоб охирида «Бу Шоҳ Машраб китобини Раҳимий-Сайқалий ёзди. Буни ўқиган ва эшитганларни худо раҳмат қилсин», деган жумлалар борлиги аниқ эсимда. (Балки бу нусха кўчирган одамдир. Лекин олимларимиз шу далилга эътибор берсалар ёмон бўлмасди).

Сизларга эҳтиром билан, бир неча ўн йиллик муҳлисларингиз номидан:

Кодир ХИДИРОВ,
Бухоро вилояти,
Қорақўл тумани

Абдурашид Мирзаахмедов

ОИЛАНИНГ ИЖТИМОЙ БУРЧИ

Мамлакатимиздаги инқилобий ўзгаришлар ва бозор иқтисодига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий муаммолар орасида демографик ҳолатларни ва сиёсатни белгилаш вазифалари муҳим ўринни эгаллаяпти. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Жумладан, бизнинг жумҳуриятимизда бу борадаги кескинликнинг ўткирлиги биринчи навбатда шу нарса билан боғлиқки, жумҳуриятда яшаётган ҳар бир оила нормал турмуш кечириш учун ўзига зарур бўлган барча нарсаларни топиши тобора қийинлашиб бораётганини сезиб турибди. Бунинг устига, жумҳуриятда қурилаётган ва ишлаб чиқарилаётган нарсалар аҳолининг ўсишини зўрға қопламоқда, аҳоли эса йилига салкам 650 минг кишига кўпаймоқда. Турмуш даражаси иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча орақда қолмоқда ва амалда юксалмаяпти. Янгиланиш даври арбобларидан бири, ҳурматли муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эса жумҳурият радиоси мухбири билан бўлган мусоҳабада «2005 йилда жумҳуриятимиз аҳли 35 миллионга етади. Бу аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоларини қўяди», — деб огоҳлантирди.

Иккинчи томондан, бугунги кунда демографик муаммо битта жумҳурият ёки минтақага эмас, балки бутун жаҳонга хос муаммодир. Шунинг учун ҳам у жаҳонда алоҳида фан сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган мамлакатларда шу соҳани ўрганадиган мутахассислар гуруҳлари ва илмий марказлар пайдо бўлди. Бизнинг жумҳуриятимизда эса бу соҳани илмий ўрганиш эндигина бошланяпти. Бунга «Оилани режалаштириш нима?» («Шарқ юлдузи», 1990 йил, № 12) мақоласини ўқиганимизда ҳам тўла ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Мазкур мақола муаллифлари О. Отамирзаев ва А. Қаюмовлар қўйилган масалага жиддий ёндошганлар. Улар бир қатор статистик маълумотларга таяниб демографик жараёнларни таҳлил этганлар. Шу муносабат билан менда муаллифлар мулоҳазаларига қўшилган ҳолда «Оилани режалаштириш нима?» деган масалада ўз мулоҳазаларимни билдириш истаги туғилди.

Энг аввало, жумҳуриятимизда кучли демограф олимлар жуда кам. Халқаро анжуманларда «марказлик» демографлар биз учун ҳам фикр билдиришади. Оила масаласига боғлиқ барча ижтимоий-иқтисодий масалалар марказлаштирилган ҳолда белгиланади. Шу туфайли уларнинг партиявий, ҳаттоки илмий асосланган дастурлари ўзбек оилалари ҳаётига тўғри келмай қолади.

Бу ўринда бизнинг сиёсатчиларимиз режалаштириш — планлаштириш атамасидан ноўрин фойдаланганликларини ҳам айтиш керак. Демография соҳасида режалаштириш сўзи тилга олинганда ўқувчининг назарида оилада болаларнинг туғилиши устидан давлат назорати ўрнатилиб, «план»дан ташқари бола туғилиши маъмурий йўл билан тақиқланаётгандек туюлади. Инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётгандек, оиладаги шахсий эр-хотинлик муносабатларига давлат аралашаётгандек таассурот қолдиради.

Фикримизча, «режалаштириш» бюрократик атама. Бу атама бизга халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари тараққиёти режалаштирилган ва бу режани бажариш шарт ва лозим бўлган кечаги кунимизни ёдга солади. Шунинг учун режалаштириш одамларнинг ғашини келтиради.

Қуръонда оналар болаларини икки йил давомида эмизиши лозимлиги, туғишнинг 2,5—3 йилга тенг бўлган даври ҳақида фикр юритилади. Исломи дини болаларнинг туғилишини Оллоҳнинг иродаси, ҳомиладорликнинг сунъий равишда бузилишини шаккоқлик, деб буюради. Лекин ҳеч қачон инсон имконият даражасидан ташқари серфарзанд бўлишини, ногирон, майиб-мажруҳ болалар туғилишини, аёлларнинг ҳар йили тўхтовсиз туғишини тарғиб этмаган, унга қарши турган. Қўлида эмизикли чақоғи бор она бошқа бола туғмаслиги, кўрагини бошқа болага тутмаслиги тўғрисидаги талаб боланинг тўқ ва соғлом ўсишини таъминловчи кафолатдир. Она сутининг бола организми шаклланишидаги роли нақадар муҳимлиги бугунги кунда изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Урта эр мусулмонлар ҳаёти тажрибасини умумлаштирган Кайковус «Одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши тарбия қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади», деганда оилада болалар сонини ҳар йили биттага кўпайтиришдан аввал она соғлигига алоҳида эътибор беришни

уқтиради. Кайковус мусулмонларни яхши еб-ичишга, чиройли кийинишга ҳамда болалари-га яхши тарбия беришга, дунё роҳатларидан баҳраманд бўлишга ўргатади.

Аҳоли табиий ўсишининг ижтимоий илдиэларидан бири никоҳ ёшидаги аёл ва эркекларнинг асосий қисми оилали эканлигидадир. Жумҳуриятимизда кўйди-чикди, ажралишлар салмоғи Иттифоқ даражасидан икки баробар камдир. Никоҳсиз аёлларни ислом азалдан хушламаган, агар улар эрлар кўлига сув куймас эканлар, ҳар қанча тоат-ибодат қилмасинлар, Оллоҳ томонидан қабул бўлмайди, дейилади диний китобларда. «Ҳалол ва рухсат этилган нарсалар ичида Тангрига хуш келмайдиганроғи талоқдир», дейилади ҳадисларда. Қолаверса, бола туғиш аёл учун жуда оғир физиологик жараён эканлигини, ҳатто гуноҳкор аёллар ҳам фарзанд кўргач гуноҳларидан фориг бўлиб, жаннатга тушиши тўғрисидаги ақидада ҳам оилани режалаштириш элементлари яширинган. Шу билан бирга ислом дини никоҳсиз туғилишни жуда қаттиқ тақиқлаган.

Ислом дини мафқураси аёлнинг жамиятдаги ижтимоий фаолият доирасини уй ишлари, болалар тарбияси ва эрга садоқат билан хизмат қилишдан иборат, деб белгилаган. Утмишда онанинг аҳволи ва ҳуқуқи, ҳатто ўғил фарзанддан ҳам паст даражадалиги аёлга оилада болалар сонини белгилаш имконини бермас эди. «Ожиза» шариат бўйича ажралишса (эр ташаббуси билан) бола-ларга эгалик қилолмас эди. Лекин эр оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлашга масъул эди. Ислом оилада фарзандлар бўлса ажралишни қаттиқ қоралаган, ажралиш — «талоқ» учун фақат фарзандсизлик (ёхуд касаллик) сабаб бўлиши мумкин эди. Лекин ҳаётда аёл талоқ қилинган, эркек тўрттагача хотин олиши мумкин бўлган.

Урта Осиё халқлари серфарзандлигининг оилавий сабаби шундаки, ўтмишда болалар ўлими кўп бўлган. Елғиз фарзандли ёки меросхўрсиз оилалар доим хавотирда яшаганлар, бола балоғат ёшига етгунича ниҳоятда асраб-авайланган. Болаларга Турғунбой, Турсунбой, Тўхтасин, Турсунбой, Улмас, Ҳаётхон, Кўпайсин, Худойберди, Раҳмонберди, Тилаболди, Сотиболди каби исмлар кўйилганлиги ҳам бу фикримизни исботлайди.

Бундан ташқари, ўлкамиз деҳқончилик юрти бўлганлиги учун ишлаб чиқариш кўпчилигининг меҳнатини талаб этган. Болалар меҳнати юқори қадрланган.

Шу билан бирга илгари оилада болаларнинг кўп бўлиши ота-она қариганида ижтимоий жиҳатдан таъминланишнинг гарови бўлган.


«Оилани режалаштириш нима?» мақоласидаги қуйидаги фикрлар ҳам эътиборга молик: «...аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги урбанизация жараёни ва бошқа шунга ўхшаш омиллар таъсирида таркиб топади. Улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишга узвий боғлиқ бўлиб, халқларнинг турмуш даражасига қараб ўзгариб боради.

Туғилишнинг камайиши бу — аҳоли ривожланишининг реал, умумжаҳон жараёнидир. Бунга ҳар бир халқ эртаими-кечми, ўзига хос йўл билан келади». Бу фикрга шунини қўшимча қилиш мумкинки, ўлкамизда урбанизация ҳали тўла маънода намоеён бўлгани йўқ. Урбанизациянинг ўзи аслида тараққиёт даражасидир. Бизнинг жумҳуриятимизда эса тараққиёт йўлидан бормай, ишчи кучларини мамлакатимизнинг шимолидан «импорт» қилиш йўлини тутдик. Шаҳарларда аҳолининг механик ўсиш даражаси юқори бўлиб, улар таркибида маҳаллий миллат кишилари камайиб кетди. Бу эса маҳаллий миллат вакилларидан саноат ишчилари ва техник зиёлиларнинг етишиб чиқишига салбий таъсир кўрсатди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда шаҳарларимизни ўзбеклаштиришимиз зарур ва бу қонуний жараён ҳамдир. Маҳаллий миллат вакилларининг саноат меҳнатида қатнашуви, турмуш тарзининг ўзгариши оиладаги болалар миқдори муайян психологик дастурининг шаклланишига олиб келади. Қолаверса, аҳолига табиий хизматнинг яхшиланиб бориши, шаҳар турмуш тарзининг қишлоққа таъсири умумий аҳоли ўсишининг пасайишига олиб келади. Шу боисдан ҳурматли Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг хавотирлари ноўриндир. Жумҳурият аҳлининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, айниқса аёлларимизнинг жамиятда, оилада тутган ўрнини янада юқори кўтаришда, яъни «эмансипация» жараёнларини тезлаштиришда бир қатор ишларни амалга ошириш вазифалари турибди.

Бугунги кунда демографик ҳолатларни яхшилаш учун энг муҳими жумҳуриятимизга четдан аҳоли келишини чеклашимиз, никоҳсиз туғилишга муайян тўсиқларни қўйишимиз керак. Зеро, бунда халқимизнинг болажонлиги, шафқатлилиги, меҳрибонлиги каби сифатларини суниестемол қилмаслигимиз лозим. Назаримизда, серфарзандлик инсоннинг маънавий дунёси билан ҳам боғлиққа ўхшайди. Ўзбек инсонпарвар бўлгани учун ҳам болани севади, «ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиги бўлакча», деб болалар ва дунё ташвишларини елкасида кўтариб, сабр билан яшаб ўтади. Ўз ғамини, роҳат-фароғатини ўйламайди.

Хуллас, оилани режалаштириш иши Оврўпанинг саноатлашган мамлакатларига хос дастур бўлиб, Урта Осиё халқлари ҳаётига мос келмайди. Маҳаллий миллат вакиллари оилавий муносабатларда ўтмиш аждодларимиз ҳаётий тажрибаларидан дастур сифатида кўп нарсаларни олишлари мумкин. Дарҳақиқат, мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир. Эр-хотинлик муносабатларига ва уларнинг ўрталарига ақлли одамлар тушмайдилар.



Муҳаммад Очил

«ҲАНГОМА ХАЛТА»

Ҳангомаю ҳазил мутойибага нима етсин! Аммо, тан олишимиз керак: қайта қуриш ташвишлари толиқтирди шекилли, табассумимизнинг тахи бузилиб, манглайига ажин оралаб, қовоғимиз тўр халта боғлаб қолгандек... Ахир, «ўчоқда олов — қозонда палов» бўлгандагина ўзбекка кулги ярашади-да! Устига-устак, ҳозир қаҳ-қаҳ отиб кулиш у ёқда турсин, ҳатто илжайишни телбалик, жиддийликни эса донолик деб баҳолайдиганлар ҳам урчиб кетяпти:

— Фалончи дуппа-дуруст йигит-у, аммо оғзининг ошиғ-мошиғи чатоқ. Қачон қарсанг, илжайгани-илжайган... Бундай одамларни раҳбарлик лавозимига сайлаб бўлар эканми?

— Пистончи бинойидай қиз, бироқ, доим тишининг оқини кўрсатиб салом беради. Йўқ, уни келин қилиб бўлмайди.

Илгари икки таниш учрашиб қолса, бир-бирининг елкасига тап-тап қоқишарди:

— Кўринмайсан?! Тез-тез дийдорлашиб турайлик... Қани, свежийсидан ол-чи... Ҳо-ҳо-ҳо!

Ҳозир дийдорлашишгаям вақт тополмайсан. Ҳали айтганимдек, «қайта қуриш» толиқтириб қўйган. Шу боис, аҳён-аҳёндагина бир-бирларига сим қоқишади:

— Кўринмайсан?! А, бу, тез-тез телефонлашиб турайлик... Қани, сўлиганроғидан бўлса ҳам ол-чи... Ҳи-ҳи-ҳи!

Ҳа, оғайначилишлар, ҳангомалашиб-дийдорлашишга нима етсин. «Ҳикматбоп хангомалар»ни-ку, худога шуқр, четдан келтиришга зор эмасмиз... Узимизда ҳар қадамда қалашиб ётибди.

Камина Қашқа воҳасида кўрган-кечирганларимни ён дафтарчам қатига туфлаб тугиб қўйган эканман, мана, фурсати етгач, уларни «қайта қуриб»... Э-э, кечирасиз, «қайта ишлаб», «Ҳангома халта»га жамлаганча ҳузурингизга шошдим. Мабодо, «халта»дан таъбингизга мос тушмайдиган «осори-атиқа»лар чиқиб қолса, буни ҳам ўша шошқалоқликнинг асорати, деб билгайсиз...

1. «Олти ойда қувиб ўтамиз!..»

Воҳа қаламқашларининг кенгаши бўлаётган эди. Анжуман ниҳоясида ҳурматли адибимиз Саид Аҳмадга сўз берилди. Домла одатларига кўра ҳазил-мутойиба билан, вилоятдаги ижодий муҳитни яхшилаш кераклиги ҳақида сўзлаб, бироз «танқид»га ҳам мойиллик кўрсатдилар:

— Энди, укалар, ростини айтсам хафа бўлмайсизлар! Ижод борасида қўшнларинг Сурхон воҳасидан бир мунча ортда қолгансизлар. Қаранглар, улардан қандай ёшлар ёриб чиқишяпти? Эркин, Тоғаймурод, Усмон, Сирожиддин, Мирза, Эшқобил... Нима, биздан Абдулла Орипов чиққан, деб кўкракка уриб юраверасизларми?!

Тўрда ўтирган мафкуравий соҳа бошлиғи бу «танқид»ни ҳазм қилолмасдан, шартта ўрнидан қўзғалганча ёзувчининг сўзини бўлди:

— Уртоқ Саид Аҳмадович, кечирасиз-у, бировни танқид қилганда сал у ёқ-бу ёққа қараб дегандай... Ҳм-м! Бу нима деган гап?! Пахта, ғалла, дон, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари режасини, керак бўлса сурхондарёликлардан олдин бажариб қўйибмиз... Хўпми?! Ҳа, энди ёзув-чизув масаласига келсак, тан олишимиз керак, бу соҳада бироз тортинчоқмиз. Лекин, энди гап шундай! Бундан бу ёғига бу камчиликка ҳам узил-кесил барҳам берамиз. Шахсан...

Нотиқ графиндаги сувдан бир стакан уриб олгач, сўзини кўтаринки руҳда яқунлади:

— Шахсан бу соҳани ўзим назорат қиламан. Ваъда бераманки, олти ой ичида сурхондарёликларни ижодда қувиб ўтиб кетамиз!

2. «Картошка»

(Шоир Саодат Тожи ҳикояси)

Ижодкорлик қизиқ-да. Баъзан носқовоғини йўқотган носкашдай тўрсайиб юрасан, мабодо илҳом келиб қолса, хаёлингни бола-чақангни қий-чуви ҳам, аёлингни ғишғишаси ҳам бузолмайди... Биз энди икки-учта сабзи тахтакачдай юпқагина китоб чиқарган болалар шоири. Шу боис, кўпроқ парранда-даррандалар ҳақида шеър битамиз. Баъзан ўзбекнинг ҳовлисида битадиган сабзавоту мева-чевалар ҳам биздан қочиб қутулолмайди. Нафсиламрини айтганда, шеър ёзиш унча қийин эмас. Аммо асарга сўнг нуқта қўйилгач, ўқиб, бундайроқ тузук фикр билдирадиган ўқувчи тополмай қийналиб кетасан киши.

Хуллас, кунларнинг бирида илҳомим қўзғаб, «Картошка» деган ажойиб иштаҳоочар шеърни қойилмақом қилиб «ясаб» ташладим. Қаттиқ қувонганимдан уйдан кўчага отилиб чиқиб кетибман. Ягона орзуим: «Қани энди, рўпарамдан умрида лоақал иккита шеърый китоб ўқиган одам чиқиб қолса-ю, шартта йўлини тўсиб «ашъорим»ни қироат билан ўқиб берсам!»

Шундай хаёл билан кетиб борарканман, кимдир чақириб қолди:

— Ҳой, шоир... Нимага буйтиб юрибсиз? Мол-пол йўқотдингизми ё?!

Бундай бошимни кўтарсам, тумандаги энг донгдор хўжалик раҳбарларидан бири, ёнида иккита-учта шотири билан тиш кавлаганча «ресторан»дан чиқиб келишяпти. Гапнинг рости, хурсанд бўлиб кетдим. «Мана, шеърни кимга ўқиб беришим керак! Раҳбар, зиёли одам!» Фурсатни қўлдан бермай, дарҳол мақсадга ўтдим:

— Директор бова! Бир илтимосим бор эди...

— Бемалол, — у кулди. — Нима керак? Мана, бош ҳисобчиам ҳам какраз шу ерда.

— Илтимос шуки, — дарҳол қўйнимга қўл тиқиб, «шеър»ни чиқардим. — Ажойиб нарса битганман! Биринчи бўлиб сизга ўқиб берсам...

Бу «илтимос»дан директорнинг авзойи дарҳол ўзгарди.

— Эҳм-м... Қандай бўларкин? Биз шошиб райком бюросига... Ҳой, шопир, мошинни юргиз!

— Кўп эмас, икки дақиқага... — Шундай дея директорнинг йўлини тўсиб, шоша-пиша шеърни ўқишга тутиндим. — Хўш-ш, асаримнинг номи «Картошка»! Энди бу ёғига қулоқ тутинг... «Картошка, ҳой картошка...»

Директор жон ҳолатда ўзини машинага урди.

— Бўлди, ука... Ташундим! — У орқасига ўгирилди. — Ҳой, буғалтир. Бориб, манов шоирга икки халта картошкага қоғоз ёзиб бер. Қани, энди ҳайда!..

3. «Ҳамза» ва «Ғамза»

Пойтахтда яшаб, ижод қилувчи қашқадарёлик бастакор Раҳматжон Турсунов мумтоз шоир Фузулийнинг «Ғамзасин...» деб бошланувчи машҳур ғазалига куй басталаб, уни жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Тождиддин Муродов маромига келтириб айтгач, мазкур қўшиқ ҳам, муаллифи ҳам халқ орасида ниҳоятда оммалашиб кетган эди. Ойнаи жаҳон ёҳуд овознигордан кунига бўлмаса ҳам ҳафтасига бир ёки икки мартаба «Ғамзасин...» ижро этиларди. Иттифоқо, ўша кезларда маданият бошқармаси ташаббуси билан бастакорнинг 50 йиллик тўйини у туғилиб ўсган музофотда ўтказиш режалаштирилди. Фақат «юбилей» муддати пахта терим мавсумига тўғри келганидан, туман раҳбарларидан бир оғиз «рухсат» сўраш қолганди, холос. Тўйни ўтказиш мута-

саддилардан бири юрак ютиб райком котиби қабулхонасига кириб, арзини айтса, раҳбарнинг энсаси қотиб, жеркиб беради:

— Олдин «оқ олтин»ни йиғштириб олайлик, ана кейин тўй қилсак ярашади! Тушунарлими?

— Ахир, — мутасадди бош қашлайди. — У кишининг туғилган вақтлари шу ойга... Ундан кейин уят бўлар...

— Уят?! — раҳбар жаҳли чиққанча, унинг гапни бўлади. — Нимаси уят? Пахтани териб олмасак, ана уят! Ким у композиторнинг ўзи? Нима каромат кўрсатган? Медал-педали борми ўзи?..

— Ия, — мутасаддининг ҳам ҳамияти кўзғалади. — Ахир, у киши машҳур ижодкор-ку! «Ғамзасин...»ни ёзган шу одам-да!

Раҳбар сергак тортганча ўрнидан кўзғалади:

— Иби, «Ғамза»ни ўша киши ёзганми ҳали?! Бундай демайсанми, нодон! Ғамзанинг юбилейини ўтказиш ҳақида ҳукуматнинг махсус қарори бор...

4. «ИЛТИМОС»

(Шоир Қурбон Назар ҳикояси)

...Ўша кезларда Ёзувчилар Уюшмаси бадий адабиётни тарғиб қилиш шўъбасининг вилоятдаги вакили бўлиб ишлардим. Хизмат тақозоси туфайли турфа кишилар билан юз кўришишга тўғри келарди. Хўжаликлар, муассаса ва ташкилотларда маҳаллий ҳамда марказдан келган ижодкорлар иштирокида вақти-вақти билан ижодий учрашувлар ташкил қилиб турардим. Бу «ижодий учрашув»лар учун, табиийки, ўша хўжалик, муассаса ва ташкилотлардан тарғибот шўъбаси ҳисобига маълум миқдорда маблағ ўтказиш ҳам талаб қилинарди. Бу эса, гапнинг очиги, осон эмас. Ижод ва ижодкорни қадрловчи раҳбарлар вилоятда кўплаб топилса-да, аксарияти турли важ-корсондан нарига ўтишмасди:

— Э-э, ука... Ҳозир одамларнинг шеър эшитишга фурсати борми? Бу ёқда пахта ташвиши. Ҳа ана, план тўлганда келинг, ўйлаб кўрармиз. Ушандам бизга шоир эмас, артистдан олиб келинг... Олмаҳоннинг ашуласидан айтадигани борми?

— Ёзувчилар билан учрашув? Йў-ўқ, оғайни... Утган гал қишлоғимизга иккита муҳбир келдию ўзимизда ҳам «ёзувчи»лар кўпайиб кетди. Ҳар куни жиққамушт бўлиб, ўшалар билан учрашув ўтказиб ётибмиз. Хафа бўлмайсиз-у... Шу ёзувчи-шоир деганингиз одамларга бетгачопарликдан бошқа нарсани ўргатишмайди. Шунинг учун...

— Адабиётни, ижодкорларни биз ҳам ҳурмат қиламиз, оғайни. Аммо, хўжалигимиз бўғзигача қарзга ботиб ётганда, одамларнинг тилини қичитиб нима зарил? Яхшиси, бошқа хўжаликка ўта қолинг...

Хуллас, елиб-югуришлардан толиққанганимни кўриб раҳми келдими, ижодкор дўстлардан бири менга қуйидагича маслаҳат берди:

— Сен бунақа қилиб юрма. Бошлиқларни биласан-ку! Уларга юқоридаги раҳбарлар буюришмаса, минг ялиниб-ёлворганинг билан барибир фойдаси йўқ... Шу боис... Яхшиси бирорта каттароқ раҳбарга дардингни тўкиб сол. Уларга нима... Шундай телефон гўшагини кўтаришса бўлди. Қарабанки, планинг ошиғи билан бажарилиб турибди-да...

Бундай ўйлаб қарасам, оғайним рост гапиряпти. Айтадиганларимни миямда обдан пиштириб олгач, ўша пайтдаги вилоят фирқа қўмитасининг мафкуравий соҳа бўйича котиби қабулига кириб бордим. У каминани илиқ қаршилади. Ийиб кетиб, бирпасда дил дардимни дастурхон қилиб ёзиб ташладим:

— Вилоятимизда адабиёт тарғиботи жуда ёмон аҳволда. Ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди. Бу соҳадаги план умуман орқада. Кўп хўжалик раҳбарлари «Қизил ярим ой», «Хушёрлик» жамиятларига пул ўтказишди-ю, бизга қолганда...

Котиб тинимсиз жиринглаётган кўнғироқлар билан андармон бўлса-да, сўзимни бўлмасдан, «дардим»га диққат билан қулоқ солди. Сўнг бош силкитганча ҳамдардлик билдирди.

— Ҳа-а... одамларимиз жуда саводсиз бўлиб кетишган...

Сўнг дастакни кўтарди-да, бир менга, бир гўшақка гапира кетди:

— Да... Да... Алло! Эшитаман... Мана, шахсан мен, ҳаётдан орқада қолмаслик учун... Алло... Да-да!.. Тошкентга бориб ҳар ойда бир марта опера театрига кир... Эшитаман?! Алло!.. Илтимосингизни тушундим, ука... Ёзувчи ва шоирларни ҳурмат қилиш керак... Бу соҳада албатта, ёрдам... Да-да... Алло... Менга қара, ука... Икки соатдан сўнг «Маориф уйи»да мажлис бўлади. Райком котиблари, хўжалик раҳбарларини таклиф қилганмиз. Сен ҳам қатнаш. Хўпми? Алло... Эшитаман! Сен ҳам ўз қулоғинг билан эшитасан... Уларни бошлаб сўкиб қўяман. Ана ундан кейин... Алло... Алло!..

Котибнинг «илиқ» қабулидан кўнглим тоғдек кўтарилганча ташқарига чиқдим: «Ана бу бошқа гап! Киройи раҳбар мана шундай бўлса! Баъзилар Фалончиевнинг қабулига кириш учун уч кун олдин рўйхатга ёзилиш керак, «карточка» тўлдириш зарур... де-

йишарди. Ҳаммаси ёлғон экан! Қаранг, қандай маданиятли... Адабиётни, ижодкорни тўғри тушунганлиги-чи... Худо хоҳласа, ҳозир бу киши мажлисда майда раҳбарларни бир боплайди-ю, ишлар ҳам юришиб...»

Икки соатни шунақа ширин хаёллар оғушида ўтказдим. Ниҳоят, йиғилиш бошланди. Котибнинг кўзига кўриниб турай деб олдинги қаторлардан бирига ўтириб олдим. Икки кўзим унда. Қачон котибга сўз берилади-ю, қачон менинг дардимни...

Ниҳоят, «яқунловчи нутқ» фирқа кўмитаси котибига берилди. Дарҳол ҳушёр тортдим. Кўзи тушсин дегандек икки-уч маротаба бўйнимни ҳам чўзиб қўйдим. Йўқ, котиб «ваъда»сида турадиганлардан экан, нутқининг сўнги қисмини менинг «илтимосим»га бағишлади.

— Ўртоқлар! Яна бир муҳим масала... Менга ёзувчи ва шоир ўртоқлардан шикоят хати тушган. Уларни ҳурмат қилиш... Масалан, мана шу ерда кўплаб райком секретарлари, колхоз раислари, директорлар ўтиришибди. Нега шулар ёзувчи ўртоқларнинг ҳурмати жойига қўйишмайди? Нега уларнинг ҳалиги... Китобсеварлар, ҳушёрлик, қизил ярим ой жамияти дегандай... Мана, ёзувчиларнинг улардан камчилик жойи борми?

Котиб сўзлашдан тўхтаб, залга жиддий нигоҳ ташлади. Вужудим қулоққа айланди.

— Хуллас, топшириқ шундай... — Котиб минбардан тушишга тараддудланиб, қоғозларини йиғиштирди. — Ҳамма эшитсин! Эртадан бошлаб барча райком котиблари-ю хўжалик раҳбарлари ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишсин! Гап тамом, вассалом!

Гулдурос қарсақлар зални тутди. Раҳбар «бопладим» дегандай, менга ғолибона қараб қўйди.

Абдулла Исомиддин

«ЧАҚҚОНВОЙ»

Ҳажвия

Бу серғалва дунёга етти ойда келганим учун раҳматли дадам менга Чаққонвой деб ном қўйган эканлар. Муштипар онам бўлса, бармоқларини милкимга босиб: «Болам тишли туғилибди, оти Бўривой бўлади!» дебдилар. Ота-онам қидира-қидира менбоп бешик топиша олмабди. Шундан кейин каминани қалпоққа солиб, тўрқовоқ ёнига осиб қўйишибди. Алла ўрнига сайроқи бедананинг «битбилдиғи»ни эшитиб уйқига кетар эканман. Шу туфайли бўлса керак, эсимни таниганимда маҳалламизнинг шумтака болалари мени кўрсатиб: «Ана, қалпоқда катта бўлган паҳлавон» деб калака қилишарди.

Қаранг, эмакламай юриб кетибман, кейинчалик югуришда ҳам ҳеч ким менга бас келолмас, дарбозага ўзим тепган тўпдан олдин етиб борардим. Ун тўрт ёшда ўрта мактабни битириб, югуриб-елиб «маълумоти олий» бўлдим. Шухрат чўққисига алпинистлардай тез кўтарилиб бораётганимни кўрган ёр-биродарларим: «Чаққонвой, шу кетишда ўзбеклардан ўзинг биринчи бўлиб фазога учасан-ов» дейишар, мен эса: «Ойда пахта экилса албатта учаман» деб қўярдим. Хуллас, вақт деганингиз шиддат билан ўтиб борар, биз ҳам ундан югура-югура ўзсак ўзардикки, ортда қолмасдик.

Бир тўйда, икки қўлда тўрт чойнак, елдек югуриб хизмат қилаётган эдим, самовар қўяётган қўшним тўрда ўтирган тақир бош, серсавлат кишига кўзи билан ишора қилиб, оҳиста шивирлади:

— Чаққонвой, Азлархон ака сени йўқлаптилар, югур!

Серсавлат кишига ер остидан қараб чиқдим.

— У киши ким бўладилар?

Қўшним: «Ўл-э, шуни ҳам билмайсанми» деди-да, юқорини кўрсатди:

— Зўр газетанинг директори, бор, кутиб қолди.

Қулоқларимга ишонмайман, қўлларимдаги бўш чойнаклар шақир-шуқур қилади. Ўзимни бироз босиб олиб, серсавлат киши томон учдим.

— Ассалому алайкум, йўқлатган экансиз?

Азлархон акам чўп билан тишларини ковлаб, қош қоқдилар:

— Исмингиз нима, йигитча?

Бироз хижолат тортиб, отимни айтдим. Доим чопиб юрганим учун ўртоқларим Чаққон Шамол деб ҳазиллашадилар, дея қўшиб қўйдим. Азлархон акам тилло тишларини ялтиратиб кулдилар:

— Исмингиз жисмингизга муносиб экан. Чопиш керак, лўкиллаб югуриш лозим, умрингиз узун бўлади.

— Худонинг берган куни югураман, — дедим ҳовлиқиб, — хатто тўйдан кейин куёвчаларга ҳам югуриб бориб келганман.

Азлархон акамнинг улфатлари қийқириб кулишди: «Коммунизмга биринчи бўлиб борар экансиз-да?!» Мақтовдан илҳомланиб, янги фазилатларимни очиб ташладим: — Бир куни, — гап бошладим илжайиб, — шаҳар четида турадиган бемор дўстимни кўриб келай, деб югуриб кетаётган эдим, йўлда милиционер ола-була калтагини кундаланг қилди:

— Жиннихонада қочиб келаяпсанми, нима гап? — деди дағаллик билан.

— Лўкиллаб югураяпман, — дедим ҳансираб.

— И-я, куппа-кундузи югурасанми, ит қувган гадодай!

— Ҳар куни қирқ чақирим югуришим керак, — дедим турган жойимда сакраб.

— Майнавозчиликни тўхтат, бўлмаса опрпунктга лўкиллаб олиб бораман! — дўқ урди милиционер. «Хўп бўлади, хўжайин» деб зинғиллаб қолдим.

Азлархон акам қоринларини селкиллаб кулдилар:

— Хўш, Чаққонбой, газетада ишлашга қалайсиз?

— Шеър ёзишни билмайман-ку... — дедим ерга қараб.

— Зарари йўқ, бирор шоирга бириктириб қўяман.

— Майли, — дедим рози бўлиб. — Навоий ғазалларидаги қофияларни ёд оламан, ҳамма шоирлар ҳам устозларидан ўрганган-ку!..

— Ақлингизга тасанно, йигитча, биздан қандай ёрдам керак?

Темирни қизиғида бос дегандай, бўлажак муҳаррирдан илтимос қилдим:

— Ўзингиз устозлик қилиб, менга тахаллус қўйиб берсангиз.

— Марҳамат, тахаллусингиз Чаққон Шамол ёки Шамолий бўлсин. Қалай, маъқулли? Рози бўлдим, Азлархон акамнинг жўралари, каттакон шоир бўлинг, деб дуо қилишди.

— Хўп шоир, келишдик, эртадан иш бошлайсиз.

Қанот чиқазиб, уйга учдим.

...Мана, иш бошлаганимга ҳам бир ҳафта бўлиб қолди. Ходимлар билан апоқ-чапоқман. Қиладиган ишим оғир эмас; қўшни редакцияларга югуриб бориб келаман, бошлиқ сўраган буюмларни магазинлардан «есть» қиламан. Бировга чипта керак бўлади, бировга папирос — бир зумда муҳайё деяверинг! Хўш, ундан кейин, лўкиллаб бориб, Азлархон акамнинг чорбоғидан хабар олиб келаман, чойхонада қўлбола ош тайёрлайман, тўй-тўмалоққа совға-салом уюштираман, колхозга чиқиб ходимларга картошка-партошка ташкил қиламан. Хуллас, фаррошдан тортиб, муҳарриргача нима иш буюришса йўқ демай, оёғимни қўлимга олиб югурганим югурган. Бекоргамас, ой сайин моюнани шарақлатиб олиб тураман. Мукофот пули, ўн учинчи ойлик, фахрий ёрлик, ташаккурномалар... Жон роҳатда, тан фароғатда. Кун ўтиб турибди, йил ўтиб турибди.

Шундай бахтли кунлар оғушида, бир кун денг, хўжайиннинг топшириғини бажараман, деб қўшни шаҳарда узоқ вақт қолиб кетдим. Командировкадан қайтиб, ишхонага югуриб борган эдим, ходимлардан бири мени совуқ хабар билан қаршилади:

— Қаерда юрибсиз, Чаққонвой? Азлархон акангиз кетди, янги муҳаррир сизни ишдан бўшатишга ҳозир буйруқ берди. Буйруқни кадрлар бўлимига юборди. Тез югуринг, бўлмаса, кеч қоласиз.

«Буйруқ» дегани нимаси, унинг амалга ошмай, йўл-йўлакай буюқ ургандай шалвираб қолаётганлиги менга маълум. Кадрлар бўлимига югурдим. Кўрамиз, янги муҳаррирининг буйруғи чопқирми, каминами?!

АЛИШЕР НАВОИИ-550

| | |
|--------------------------------------|-------------|
| Таббарук топилма | 2 — 157-158 |
| Навой назми жаҳон лисонида | 187 |

НАВОИЙХОНЛИК

| | |
|---|-----|
| Валижон Қодиров. Висол йўлида | 153 |
|---|-----|

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

| | |
|--|---|
| Менгзиё Сафаров. Дарё — ҳаёт, мангулик | 6 |
|--|---|

ШЕЪРИЯТ

| | |
|--|----|
| Омон Матжон. Қуш йўли. Достон | 17 |
| Равшан Файз. Мен сени танидим | 81 |
| Олимжон Холдор. Ғазаллар | 84 |
| Исмоил Тўхтамишев. Кўнгилни ишқ ёқмаси | 87 |
| Эркин Самандар. Аждодлар қиличи. Тарихий фожиа | 96 |

НАСР

| | |
|---|-----|
| Мурод Мансур. Гуноҳи азим. Роман | 32 |
| Абдусаттор Содиқов. Зомин ҳикоялари | 89 |
| Мирза Карим. Мунаввара эртаклари. Эртақ қисса | 115 |

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

| | |
|--|-----|
| Фахру-л-банот Сифатуллоҳ қизи. Иршод ёки кўзгу | 181 |
| ҚУРЪОН | 159 |

ЕДНОМА

| | |
|---|-----|
| Илҳом Ҳасанов. Икки қисса — бир ҳисса | 194 |
|---|-----|

АКС САДО

| | |
|---|-----|
| Мактублар | 191 |
| Абдурашид Мирзааҳмедов. Оиланинг ижтимоий бурчи | 201 |

ГУЛҚАЙЧИ

| | |
|---|-----|
| Муҳаммад Очил. «Ҳангома халта» | 203 |
| Абдулла Исомиддин. «Чаққонбой» Ҳажвия | 206 |

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 9

Журнал Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

К. Зиямухамедова
Мусаҳҳиҳлар
И. Нормуродова

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев Рассом Ф. Алимов

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмади. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 5.07.91 й. Босишга рухсат этилди 14.08.91 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20.2. Тиражи 111583. Буюртма 5532. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.